Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

2020 йил 25 май

Тошкент – 2020

“Олий таълим: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислар тўплами. 2020 йил 25 май. – 310 б. Конференция илмий мақола ва тезислар тўплами ТДИУ расмий сайтида (www.tsue.uz) Google Scholar тизимига боғланган ҳолда эълон қилинади.

Ушбу маърузалар тўплами ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонида белгиланган вазифалар олий таълим самарадорлигини оширишда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этишга бағишланган илмий таклиф ва амалий тавсияларини мужассам этган.

Анжуман кун тартибига киритилган масалаларнинг ечимидан кўзланган мақсад олий таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, ўзини ўзи молиялаштириш, олий таълим муассасаси самарадорлик мезонлари асосида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш, таълим сифатини юқори босқичга кўтариш, ўқитишнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни миллий таълим тизимида татбиқ этиш, тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечими юзасидан инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айлантириш ва бу борада профессор-ўқитувчилар ташаббускорлигини ошириш масалаларига жамоатчилик диққатини қаратишдан иборатдир.

Тўпламдан қўлланма сифатида касбий таълим йўналишида таҳсил олаётган бакалавр ва магистратура босқичидаги иқтисодчи-талабалар, иқтисодиётга йўналтирилган касб-ҳунар коллежларининг педагоглари, тадқиқотчилар, шу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Тўплам таҳрир ҳайъати қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир – т.ф.д., профессор Шарипов К.А.

Таҳрир ҳайъати:
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ахмеджанов К.Б.
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Эшов М.П.
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Исламов А.А.
педагогика фанлари доктори, профессор Ҳакимова М.Ф.
педагогика фанлари номзоди, доцент Файзуллаева Н.С.

Мазкур тўпламга киритилган мақола ва маъруза тезисларида келтирилган маълумотлар ҳамда статистик маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун муаллифлар масъулдирлар.

© - Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020

МУНДАРИЖА

Шарипов К.А.	КИРИШ СЎЗИ	
Бегимқулов У. Ш.	ТАБРИК СЎЗИ	
Тўйчиев О. А.	ТАБРИК СЎЗИ	
Кетмонов Х.А.	ТАБРИК СЎЗИ	
Ахмеджанов К.Б.	КИРИШ СЎЗИ	
Бабашев Ф.А.	Олий таълим тизимида ахборот сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари	16
Сатторов О. Т.	Олий таълим муассасаларининг миллий рейтингини аниқлаш ва уни ошириш йўллари	
Жамолдинова О.Р.	Таълим тизимида давлат тилини ривожлантиришнинг устувор вазифалари	18
Абдуллаева Б.С.	Ахборот таълим муҳитида масофавий таълимни рақамли технологиялар воситасида такомиллаштириш	21
Мусурманова О.	Креативлик – педагог кадрлар компетентлигини белгиловчи муҳим индикатор сифатида	27
Султанов М.Қ.	Модуль-кредит тизимини ташкил этиш	
Юсупов Н.А.	Корея таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари	
1-шуъба. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ТИЗИМЛИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ		
Исломов А.А.	Рақамли иқтисодиётда таълим тизимининг ўрни	33
Шарипова Д.Д.	Здоровьесбережение как одно из приоритетных направлений обеспечения качества вузовского образования.	38
Ҳакимова М.Ф.	Олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш – давр талаби	41
Файзуллаева Н.С.	Пандемия шароитида олий таълим тизимида таълим хизматларининг трансформацияси	44
Химматалиев Д.О.	Машғулот жараёнида талабалар илмий тафаккурини шакллантириш	47
Абдувахидов А.М., Маннопова Э.Т.	Цифровая экономика и её влияние на образование.	49
Мамаражабов Ш.Э.	Ички дифференциаллаштириш ва унинг таълим жараёнидаги имкониятлари	53
Муминова Л.Р., Назарова Д.А.	Будущие педагоги об инклюзивном образовании.	55
Мустафоева Д.А.	Масофавий малака оширишни ташкил этишнинг самарадорлиги	59
Аҳмедов Х.П.	Олий таълимда рейтинглаш тизими: унинг ўрни ва таъсири	61
Тураев Б.О.	Таълим жараёнида фалсафий тафаккурнинг ўрни	66
Тайлаков Н.И., Имомкулова О.Н.	Олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг инновацион педагогик маҳоратини ривожлантириш муаммолари	69

Turinkulov N.A.	Oliy ta’lim tizimini isloh qilish davr talabi: muammo va yechimlar	72
Рискулова К.Д.	Олий таълим тизимида чет тилларга ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари	76
Жўраева С.Н., Турақўлова С.	Ўқитувчи касбий қиёфасининг замонавий имиджи	78
Саипов З.С.	Олий таълимнинг 15 муаммосига эҳтимолли 15 ечим	81
Маматқулова М.М.	Талабаларнинг маънавий дунёқарашини касбий таълим билан уйғунликда ривожлантириш	86
Джалалова С.М., Кошибхонова С.З.	Пути и способы повышения качества образования в вузах.	89
Абидова Н.З.	Понятия интеграция и инклюзия в образовании	92
Комилова М.О.	Инновационные способы передачи знаний будущим врачам-педагогам	95
Назарбаев О. Султанов М.А.	Таълим сифатини оширишда малака сертификатининг аҳамияти	97
2-шуъба. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА		
Исмаилова З.К.	Ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасаларида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси	100
Ашурова С.Ю.	Олий таълим тизимида инновацион технологияларни қўллаш зарурати	102
Berdaliyeva G.A.	Bolalar nutqini boyitishda maqollardan foydalanish	104
Сатторов А.Х.	МДҲ давлатларида аудиторлик фаолиятини ўрганиш тажрибаси: Украина мисолида	106
Аъзамов С.М., Умарова С.А.	Рақамли иқтисодиёт: хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистонга татбиқ этиш масалалари	108
Bazarova U.M.	Application of foreign technologies of teaching foreign languages in the conditions of modernization of a technical university	115
Болтаева З.М.	Олий таълим муассасаларида талабалар таълимини индивидуаллаштириш имкониятлари	117
Jalolova M.O., Xidirov X.U.	Tarbiyasi qiyin o‘smir shaxslar va ularning xulqini psixoprofilaktika va korreksiyalash	119
Эргашева Д.Д.	Профессиональное развитие педагогов в рамках цифровой образовательной среды	121
Ormonov N., Qodirov B.	The inportance of the digitalization of the world economy	123
Ахметова К.И.	Инновации – как средство меодернизации системы высшего образования в условиях глобализации.	127
Шарифбаева Х.Я., Абдураззакова Д.А.	Возможности дистанционного образования при формировании навыков самообразования у студентов.	130
Элмурзаева Н.Х.	Олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш босқичлари	133
Эргашова Ш.И.	Ветеринария медицинаси таълими сифатини оширишга оид.	135
Юсупова З.З.	Амалиётчи психолог ишининг қоидалари ва этик тамойиллари	137

Хакимова Л.Ш.	Использование международного опыта венчурного финансирования в Узбекистане	142
Султанов Б.М.	Давлат келажаги – таълим-тарбия ва олий таълим	143
Миралиева Д.Т.	Особенности подготовки научных и педагогических кадров за рубежом	145
Мирсабитов М.	Интернационализация образования как направление реализации социальной ответственности учебных заведений	147
Юлдашева Ш.	О некоторых моделях профессиональной подготовки педагогов в разных странах	143
Режапов Х.Х.	Ўзбекистонда олий таълим тизимида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш йўналишлари	152
Нушарова Ш.	Олий таълимни модернизация қилиш – таълим сифатиниинг гарови сифатида	154
Рустамов Ғ.Б.	Тижорат банкларида ташқи савдони молиялаштиришни такомиллаштириш ва унда малакали кадрларнинг ролини ошириш	157
Абдуллаева Р.М.	Психологик хизмат ходимларига қўйиладиган талаблар	160
3-шуъба. ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ		
Мамаражабов Ш.Э.	Дифференциаллашган таълим – бўлажак мутахассисларнинг умумкасбий компетенциясини шакллантириш омили сифатида	164
Ибрагимова Г.Х.	Таълим жараёнида мультимедиа электрон воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги	166
Лутфуллаева Н.Х.	Олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг фаолиятини аниқлашда шахсий омилларнинг роли	170
Юлдошева Ф.М.	Олий таълимда педагог-кадрларнинг фаолиятига қўйиладиган замонавий талаблар	173
Узоқова Г.С., Файзуллаева З.С.	Касбий таълим жараёнида узвийликни таъминлаш йўллари	176
Маматалиев А. Маматали ўғли,	Интернетга Веб-сайтни жойлаштиришда провайдер параметрлари	180
Tojiboyeva G., Shobdurahimova U.	O‘qituvchi faoliyatida muloqot madaniyati, uni baholash mexanizmi va psixologiyasi	181
Жўраева С.Н.	Шахснинг психологик етуклик даражалари ва уларга таъсир этувчи омиллар	184
Мусаханова Г.М.	Таълим жараёнида муаммоли таълим технологияларини қўллаш имкониятлари	188
Jumanazarova Z.Q.	Bo‘lajak kasbiy ta’lim o‘qituvchisini ma’naviy-kasbiy tarbiyalash	190
Имомов М.П.	Машинасозлик касб-ҳунар коллежларида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш	192
Ibragimova G.N.	Ta’lim-tarbiya jarayonida pedagogik texnologiyalarning samaradorligini oshirish	194
Абдуллаева Р.М.	Таълимда талабанинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишнинг аҳамияти	196
Арипжанова М.А.	Ўқувчиларнинг касб кўникмалари, малакаларини шакллантириш, мустақил ўқув ишлаб чиқариш	200

	топшириқларини бажариш	
Туйчиев Х.Э.	Таълимга замонавий ёндашув	202
Муқимов Б.Р.	Талабаларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириш йўллари	204
Хужаёрова Н.С.	Олий таълимда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш	206
Абдурахманов А.А.	Защита Природы и экология цивилизации	208
Хамраева И.С.	Ўқишни ўзлаштириш жараёнининг психологик акти	209
Халимова М.В.	Инновацион таълим технологияларининг моҳияти ва унинг назарий асослари	212
Karimova Z.G.	Musiqiy ta’lim vositasida talaba-yoshlarni ilmiy ijodga intilishini shakllantirish	215
Ярманова Ю.Б.	Болаларда шахс сифатларини таркиб топтиришда тарбиячининг инновацион фаолияти	218
Махмудова Ф.Х., Бахтиярова М.	Иқтисодий таълимни ташкил этишда ўқитувчининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш	220
Орипова Ф.М.	Олий таълим муассасаларида талабаларнинг интеллектуал ва ижодий сифатларини ривожлантириш	222
Турдахматов А.А., Жалолова М.О.	Актуальность создания учебников на основе информационных технологий.	225
Турсунова У.А.	Бўлажак иқтисодчиларда касбий йўналтирилган мулоқот компетенциясини ривожлантириш	227
Файзиева Г.Х., Бойназарова Д.Т.	Ўқитувчиларни инновацион технологияларни татбиқ этишга тайёрлашнинг диагностик тизими	230
Яхёева Г.Б.	Олий ўқув юртларида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш	233
Джураева М.Т.	Психологик хизмат маркази, психологнинг касбий фаолияти мезонлари	235
Чўлпонова Х.Т	Таълим жараёнида амалиётчи-психолог фаолиятининг асосий жиҳатлари	238
Жолдашева А.У.	Психологические тенденции повышения качества образования при подготовке молодежи к семейной жизни	241
Kurbonova G.A.	Ta’lim jarayonida o‘qitishning modul tizimi tamoyillari	244
Mirzaabdullayeva M.A.	Ijtimoiy himoyaga muhtoj aholi qatlamini himoya qilishda nogironligi mavjud talabalarning ta’lim olishdagi muammolarini hal etish	247
Aliyeva G., Matyusupov B.	Turizm destinatsiyasi raqobatbardoshligi tushunchasi va unga ta’sir qiluvchi omillar	251
Sharipov B.A.	Elektron darslik ishlab chiqish bosqichlari	257
Radjabova S.R.	Globallashuv jarayonda musiqa madaniyatiga ommaviy madaniyat ta’siri va muammolari	259
Файзуллаев Р.Х.	Ўқитиш жараёнида модулли жорий этиш инновацион технологияси	261
Чориев Р. К.	Таълим-тарбия тизимида “Устоз-шогирд” муносабатларини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари	263
Авлаев О. У.	Ижтимоий интеллект-шахсни ривожлантирувчи омил	266
Шарафутдинова Х. Г.	Ижобий кайфият ва инсон руҳияти хусусиятлари	271
Раупова Ш.А.	Ўқув-тарбия жараёнида инновацион фаолият ёндашуви	275
Алиева Г.И.	Туристик хизматларни ривожлантиришда инновацияларнинг аҳамияти	279

Пирназаров С. Т.	Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш ва уни бошқариш тизими	281
4-шуъба. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АКАДЕМИК МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ		
Jumanov A.A.	Oliy ta’lim muassasalari hamda kasb-hunar kollejlarida kadrlar tayyorlash xususiyatlari	286
Полванов Р.Б., Фақиров А.	Влияние пластической коррекции внешности на психоэмоциаональное состояние организма, характер и темперамент индивидуума.	288
Пулатова З.А.	Олий таълим жараёнида талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш	291
Sadikova F.M.	Ta’lim jarayonida intellektual tizimlarni qo‘llash	293
Boltayeva N.B.	Modulli o‘qitish texnologiyasini joriy etish muammolari	295
Toshpo‘latova R.T.	Maktabgacha ta’lim tizimida innovatsion faoliyat asoslari	298
Нарметова Ю.К.	Оила – болалар касалликларининг психосоматик омили сифатида	300
Нурмаматов А.Ш.	Оилада ота-она боланинг психологик-педагогик идеал тарбиячиси сифатида	302
Авазов Х.Б.	Организационно-экономические механизмы по повышению качества образования молодежи	304
Мавланов Р.Т.	Мутахассислик учун биринчи қадам	306
Абдуллаева Н.А.	Метод дискуссии – как способ развития творческих навыков студентов	308
Салихов Р.М.	Таълим жараёнида муаммоли изланиш методларини қўллашнинг афзалликлари	311
Lutfullayev Sh.B.	Oliy ta’limda iqtisodiy fanlarni muammoli o‘qitish usuli orqali tashkil etish samaradorligi	314
Zaripov E.E.	Talabalarda mustaqil fikrlashni rivojlantiruvchi asosiy omillar	318
Турдиева М.Ж.	Техник олий таълим муассасаларида интеграциялашган ўқув режа, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш масалалари	321
Каюмова М.Ш.	Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш	323
Шарипова Н.А.	Ўзбекистон Республикасида педагогик олий таълимнинг ривожланиш тарихига назар	326
Йўлдошев Ж., Қурбонова Б.А.	Инновацион ёндашувлар асосида таълим олувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш	329
Zaripova N.E., Yuldashev I.J.	Zamonaviy rahbar: muammo, yondashuv va usullar	331
Нишонова Д.Б.	Лидерларни тайёрлашга таъсир этувчи омиллар	335
Ахмедова Э.М.	Олий таълим муассасаларида инновацион менежмент истиқболлари	340
Хусайнова М. Я.	Педагогик фаолият жараёнида юзага келадиган педагоглардаги стрессларни бартараф этиш усуллари	344
Farmonqulova N.I.	Chet tilini o’qitishda zamonaviy innovatsion texnologiyalaridan foydalanish va uning samaradorligi	345
Хайдарова Ч. Ж.	Интерактив методлар асосида ўқув самарадорлигини ошириш	347
Маматкулова М.Н.	Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш давр талаби	349

Маматқулова З, Мавлонова З	Педагогик технологияларнинг талабалар тафаккурига таъсири	352
Нарметова Ю.К	Оила - болалар касалликларининг психосоматик омили сифатида	355
Куватова Н.Б.	Инновацион технологияларни қўллап орқали касбга йўналтириб ўқитиш	357
Хусанов Н.Б.	Таьлимда инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари интеграцияси	359
Бегимқулова В.Қ.	Педагогика коллежи ўқувчиларини миллий ифтихор руҳида тарбиялашнинг педагогик асослари	361
Саломова Р. В.	Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда фанлараро интеграциянинг моҳияти	363
Rahimova S. M.	Innovatsion iqtisodiyot sharoitida tibbiy xizmatlar bozorini tashkil etishning xorij tajribalari	365
Бурхонова Г.	Хорижий тил ўрганишнинг хусусиятлари	369

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2020 йил 25 майда “Олий таълим: муаммо ва ечимлар” мавзусида ўтказиладиган республика илмий-амалий анжуманида университет Ректорининг
Кириш сўзи

Ассалому алайкум, анжуман иштирокчилари, меҳмонлар ва қадрли устозлар!

Бугунги анжуманда мамлакатимизда карантин давом этаётган бўлишига қарамасдан, масофадан туриб ўзининг қимматли вақтини аямасдан иштирок этаётган ҳамкорларимиз, хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Республика олий таълим кенгаши ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари ва профессор-ўқитувчиларига ўзимизнинг миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Маълумки, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли ҳамда 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли фармойиши бугунги олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни жорий ўқув йилини сифатли якунлаш, битирув ва кириш имтиҳонларини ташкил этиш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилишида вазиятга қараб, ўқув юкламаларини ва дастурларни қайта кўриб чиқиш, олий ўқув юртларида амалий кўникмаларни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш лозимлиги, шунингдек, зерикарли маърузалар ўқиш, конспектлар ёздириш каби ўзини оқламаган усуллардан воз кечиб, таълим методикасини ривожлантириш ва педагоглар савиясини ошириш ғоят муҳим масалалиги таъкидланди.

Шу нуқтаи назардан бугунги “Олий таълим: муаммо ва ечимлар” номли Республика илмий-амалий конференция мавзуси долзарб аҳамиятга эга. Бинобарин, унда кўтарилаётган масалалар республикамиз олий таълим тизимининг ютуқ ва камчиликларини муҳокама қилиш асосида уни ислоҳ қилиш йўналишларини белгилаш, халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг рейтингида биринчи 1000 ўриндан жой эгаллаш, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш ҳамда таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш, олий таълим мазмунини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечими юзасидан инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айлантириш ҳамда бу борада профессор-ўқитувчилар ташаббускорлигини ошириш олий таълим муассасалари академик мустақиллигини таъминлашга оид муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган.

Конференциянинг асосий мақсади олий таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, бошқарувда янги тамойилларнинг жорий этилиши, ўзини ўзи молиялаштириш, олий таълим муассасаси самарадорлик мезонлари асосида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш, таълим сифатини юқори босқичга кўтариш, ўқитишнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни миллий таълим тизимида татбиқ этиш, таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш, олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечими юзасидан инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айлантириш ва бу борада профессор-ўқитувчилар ташаббускорлигини ошириш масалаларига жамоатчилик диққатини қаратишдан иборатдир.

Бу борада конференцияда иштирок этаётган барча маърузачиларга, чиқиш қиладиган профессор-ўқитувчилар, амалиётчи-мутахассислар ва илмий изланувчиларга муваффақият тилаган ҳолда анжуманни очиқ деб, эълон қиламан. Эътиборларингиз учун раҳмат!

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2020 йил 25 майда “Олий таълим: муаммо ва ечимлар” мавзусида ўтказиладиган республика илмий-амалий анжуманида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Бегимқулов Узоқбой Шоимқуловичнинг

Кириш сўзи

Ассалому алайкум, анжуман иштирокчилари, қадрли устозлар, олий таълим тизими жонкуярлари!

Мамлакатимизда олий таълим тизимини янги босқичга кўтариш, таълим сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу, шубҳасиз, таълим тизимини ислоҳ қилиш, миллий ва халқаро меҳнат бозори талаблари даражасида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшувчи, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилиш орқали таълим соҳасини янада такомиллаштириш борасида тизимли тадбирлар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар етказиб бериш борасида ўтказилган таҳлил натижалари, аввало, таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, соҳада илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, янги, шу жумладан, етакчи хорижий олий таълим муассасалари ташкил этилди, замонавий ўқув босқичлари жорий этилиб, талаб юқори бўлган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторидаги таълим йўналиши 329 тага, магистратура мутахассисликлари 582 тага етказилди, 2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалавриат таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги уч йилда 1,7 бараварга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасасалари, шу жумладан, нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан юқори бўлишини

таъминлаш режалаштирилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шубҳасиз, олий таълим тизими олдига қатор вазифаларни қўяди.

Мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш бугунги кун олий таълим тизимининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Айни шу вазифаларни амалга ошириш ва бу борада вужудга келадиган муаммо ва камчиликлар юзасидан фикр алмашилади, олий таълим тизими фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Олий таълим тизими фаолиятига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган, ишлаётган сиз каби фидойиларга ўз миннатдорчилигимни билдирган ҳолда анжуман фаолиятига муваффақият тилайман.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2020 йил 25 майда “Олий таълим: муаммо ва ечимлар” мавзусида ўтказиладиган республика илмий-амалий анжуманида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирининг ўринбосари Тўйчиев Олимжон Алижоновичнинг Кириш сўзи

Ассалому алайкум, анжуман ташаббускорлари, иштирокчилар, қадрли устозлар!

Ўзбекистон жадал ривожланаётган мамлакатлардан бири сифатида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг илм-фанга асосланган инновацион ривожланиш босқичига қадам қўйди. Ўзбекистонни 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингига кўра дунёнинг 50 та етакчи давлатлари таркибига киритиш бўйича улкан мақсадга эришиш учун инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинди. Мазкур мақсад илм-фан соҳасини замонавий иқтисодий шароитларга мослаштиришдан иборат бўлиб, ўз навбатида, илм-фандаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий база билан тартибга солинадиган туб таркибий, ташкилий, молиявий ҳамда кадрлар ва инфратузилмага оид ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган.

Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади ва буни амалга оширишда олий таълим тизими муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги ПҚ-

3698-сонли қарори, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарори, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонлари олий таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, тизим томонидан унинг ижроси муваффақиятли таъминлаб борилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистоннинг илм-фан сектори 104 тадан ортиқ академик ва тармоқ илмий муассасаларидан иборат, шу жумладан, 65 та илмий тадқиқот институтлари, 31 та илмий марказлар (шундан 14 та ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар) ва 8 та бошқа илмий ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари 100 дан ортиқ олий таълим муассасаларида ҳам илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Бироқ узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, амалга оширилаётган таҳлиллар илмий тадқиқот ва инновацион фаолият соҳасида маълум камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Олий таълим муассасалари илмий фаолиятини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб ташкил этиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва ёш олимлар фаолиятини рағбатлантириш борасида учраётган камчиликлар шулар жумласидан.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан ташкил этилаётган ушбу анжуман айнан юқоридаги масалаларни ўрганиш, бу борадаги муаммо ва камчиликларни муҳокама қилиш ва унинг ечимига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур анжуман олдига қўйилган вазифалардан яна бири инновациялар соҳасида эришилган ютуқлар билан ўртоқлашиш, тажриба алмашиш ва илғор ғояларни кенг ёйишдан иборат.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида жорий йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқиб, аҳолининг фаол қатлами бўлган талабаларни ташаббускор бўлишига эришиш, қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида “Young Entrepreneurs Generator” (“YE Generator”) номли бизнес-инкубатор фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳа университет талабаларига ўз бизнесларини яратиш, йўлга қўйиш ва ривожлантиришда кўмаклашади.

Бизнес-инкубаторнинг асосий мақсади инновацион ва тадбиркорлик ғояларини тижоратлаштириш жараёнини ташкил қилиш, шунингдек, бозор иқтисодиёти воқелиги ва тадбиркорлик фаолияти талабларига мос мутахассисларни шакллантиришдан иборат бўлиб, у бугунги кунда ижодий гуруҳлар томонидан тайёрланган лойиҳаларни танлаб олиш ва қўллаб-

қувватлаш, хўжалик компанияларини яратиш ва ривожлантириш, маслаҳат хизматларини кўрсатиш, инновацион ва тадбиркорлик лойиҳалари иштирокчиларини техник қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни олиб бориш, тадбиркорликнинг ташкилий, иқтисодий ва назарий-ҳуқуқий масалалари билан шуғулланиш, конференциялар, кўргазмалар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиш, университет талабалари учун кичик ва ўрта корхоналарда, шу жумладан, хорижда амалиёт ўташни ташкил этишда университет ташқи алоқалар бўлими ҳамкорлигида ёрдам бериш, илмий-техник тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, бизнес-инкубатор таркибида яратилган лойиҳалар, ишланмалар ва маҳсулотларнинг мустақил экспертизасини ўтказиш, инновацион тадқиқот ва ишланмалар, талабалар ва ёш олимларнинг лойиҳа ва дастурларига инвестицияларни жалб этиш бўйича ишларни олиб бормоқда.

Бизнес-инкубаторлар фаолиятини олий таълим муассаларида оммалаштириш ва улар ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади ва бугунги анжуман олий таълим муассасалари ўртасида шу каби ҳамкорликларни йўлга қўйиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва тизимни ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Мен вазирлик ва шахсан ўз номимдан анжуман ишига муваффақият тилайман ва ундан таклиф ва тавсиялар кутиб қоламан.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2020 йил 25 майда “Олий таълим: муаммо ва ечимлар” мавзусида ўтказиладиган республика илмий-амалий анжуманида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Кетмонов Хатамжон Абдурахмановичнинг
Кириш сўзи

Ассалому алайкум, анжуман иштирокчилари, меҳмонлар ва қадрли устозлар!

Маълумки, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш бугунги олий таълим тизимининг бош вазифаси бўлиб, бунинг учун олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пулли хизматлар кўламини кенгайтириш ва

бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, старт-ап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш талаб этилади.

Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармон, Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор ҳамда Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш тўғрисидаги қарорда асосий эътибор республика олий таълим муассасаларини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи мингталигидан ўрин олишини таъминлашга қаратилган.

Қолган масалалар шу мақсадга эришиш воситаси сифатида хизмат қилади. Табиийки, бугунги кунда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар айни шу мақсадларга қаратилган ва у замон билан ҳамнафас тарзда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан бугунги “Олий таълим: муаммо ва ечимлар” номли республика илмий-амалий анжумани олий таълим тизими олдида кўндаланг турган муамоларга ечим топишга хизмат қилиши қилиши билан аҳамиятлидир. Танланган мавзунинг долзарблигини анжуман иштирокчилари, аудиториянинг қамрови, маърузачиларнинг салоҳияти намоён қилиб турибди.

Конференциянинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимининг бугунги ҳолатини муҳокама қилиш ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш, олий таълим муассасалари академик мустақиллигини таъминлаш, кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатини халқаро андозаларга мослаштиришда ходимларга устамалар белгилаш, моддий рағбатлантириш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини ташкил этиш, талабалар билимини баҳолаш тизими, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида инновацион таълимни амалга оширишда профессор-ўқитувчилар фаолияти, билими ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизимини шакллантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Бу борада конференция иштирокчиларига муваффақият тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат!

Бабашев Фархад Айтмуратович –
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари, педагогика фанлари номзоди, доцент

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Яқин вақтларгача жаҳонда ахборот даври авжига чиқиб, очиқлик сиёсати кенг қулоч ёйган бир даврда Ўзбекистонда ахборот танқислиги ҳукм сураверди. 2016 йил сентябрь ойида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, сўнгра Президентининг виртуал қабулхонаси фаолияти йўлга қўйилганидан кейингина бу сиёсатга босқичма-босқич чек қўйила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 5 июндаги 3775-сонли қарори**да олий таълим тизимидаги ўзгаришлар ўзининг яққол аксини топди.

Мазкур қарор билан биринчи марта Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тузилмасида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 2 та штат бирлиги ажратилган ҳолда Ахборот хизмати ташкил этилди. Бир вақтнинг ўзида олий таълим муассасалари тузилмаларида ҳам уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 1 тадан штат бирлиги ажратилган ҳолда матбуот котиби лавозими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»** 2019 йил 2 февралдаги 4151-сонли қарори қабул қилиниб, Агентлик Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ахборот хизматлари фаолиятидаги туб бурилиш – 2019 йил 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот ходимлари куни юз берди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** 4366-сонли, айтиш жоизки, тарихий қарори қабул қилинди.

Қарорда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарлари бир вақтнинг ўзида давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг матбуот котиби ҳисобланиб, ахборот сиёсати масалалари бўйича раҳбарнинг маслаҳатчиси мақомига эга бўлиши ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра давлат органи ва ташкилоти

раҳбарининг ўринбосарига тенглаштирилиши, тегишлича Агентлик ёки унинг ҳудудий бўлинмалари хулосасини ҳисобга олган ҳолда лавозимга тайинланиши, ҳар уч йилда Агентликда аттестациядан ўтиши қайд этилган.

Бизнинг назаримизда мақтовларга эмас, олий таълими тизими очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда учраётган камчиликларга эътиборимизни қаратишимиз мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилганидаек, давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор ахборот хизмати йўлидаги ижобий омил бўлса, жойлардаги раҳбарлар ҳамда матбуот котиблари фаолиятидаги стереотиплар – бу борадаги ишларимиз самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, матбуот котибларининг асосий вазифаси ҳар бир олий таълим муассасаси раҳбари, жамоаси, тизимдаги алоҳида шахсларнинг ютуқларидан кенг жамоатчиликни воқиф қилиб боришдан иборат. Яъни матбуот котиби ёки ахборот хизмати ташкилотнинг кўзгуси, унинг юзи, керак бўлса, юрагидир.

Бундан бир йил олдин ҳам мазкур сиёсатнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган раҳбарлар таълим муассасаси PR сиёсатига ҳадиксираб қараш мавжуд эди. Раҳбарларда «Яна ОАВга чиқаманми?», «Раҳбарлар нима дейди?» деган қўрқув бор эди. Қувонарли жиҳати бугун «Менга мавзу топиб беринг, мен интервью ташкил қилиб бераман» дейдиган раҳбарлар кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон халқига жорий йил 24 январь куни йўллаган Мурожаатида олий таълим соҳасидаги 2020 йилдаги асосий вазифалар белгиланди.

Булар: таълим стандартларини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш; таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанларни қайта кўриб чиқиш; мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини икки баробар қисқартириш; ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш; педагогик таълимнинг **6** та йўналиши бўйича ўқиш муддатини **3** йил қилиб белгилаш; босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик бериш ва, эътибор қилинг, камида **5** та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни **трансформация қилишни бошлаш.**

Биз эътиборимизни қаратмоқчи бўлган масала олий таълим муассасасини трансформация қилишда ахборот хизматининг тутган ўрнидир. Ахборот хизматининг асосий вазифаси таълим муассасаси очиқлигини таъминлаш орқали кенг жамоатчилик онгида унинг ижобий имижини шакллантиришдан иборат. Бу вазифани самарали амалга ошириш учун:

биринчидан, матбуот котиби фаолияти учун етарли шароит (тегишли иш қуроллари, зарур жиҳозлар, ижод хонаси ва ҳ.к.) яратилиши керак;

иккинчидан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида матбуот котибининг вазифалари ва мажбуриятларини аниқ белгилаб олиш зарур[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг «Олий таълим муассасаларининг матбуот котиби тўғрисдаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2018 йил 17 июлдаги 625-сонли буйруғи ва ҳ.к.

Бунда матбуот котибининг жамоадаги ваколатларини кучайтириб, мавқеини янада мустаҳкамлаш зарур. Барча давлат ва нодавлат ташкилотларидаги сингари у ҳам ректор (директор)нинг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчи мақомида (шунга яраша моддий рағбатлантирилган ҳолда) бўлиши мақсадга мувофиқ;

учинчидан, таълим муассасасининг имижини оширишга шахсан раҳбар асосий эътиборини қаратмас экан, биргина матбуот котибининг иши кутилган натижа бермайди.

Аммо, аччиқ бўлса ҳам, тизимдаги бугунги ҳолатни қисқача қилиб, ОТМ раҳбарларининг кўпчилиги ҳанузгача бу таркибий тузилманинг роли ва аҳамиятини англай олмаётгани ҳақиқат эканини жиддий таъкидлаб ўтиш зарур. Матбуот котибининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, эришаётган ютуқлари учун рағбатлантириш мақсадида устамалар белгилаш бевосита ректор вазифаси ва ваколатига киради. Аммо бу ваколатнинг туб моҳиятини англаган ва уни ўз зиммасига олишга журъат этган ректорлар, афсуски, бармоқ билан санарли (кўпчилик раҳбарлар ҳали-ҳануз вазирлик кўрсатмасини кутиб ўтиргани ҳам бор гап!).

Бугунги кунда истиқбол режаларини ва амалга ошираётган ишларини кенг жамоатчилик эътиборига етказа олмайдиган раҳбарлар фаолияти самара бермайди, деб дадил айта оламиз. Бунинг учун нафақат матбуот котиби, балки барча таркибий тузилмалар ягона мукаммал механизм сифатида, Юртбошимиз ибораси билан айтганда, **«темир интизом билан»** фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамолдинова Одинахон Расуловна,
п.ф.д.ЎДЖТУ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар шарофати билан жаҳон тамаддуни бешикларидан бири, фан, таълим, маданият ва маърифат ўчоғи бўлган юртимизда барча соҳалар қатори ўзбек тилимизни давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш, уни янада ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида милоддан олдинги ва милоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудида яшаган бақтрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далолат беради.

Бу борада буюк аждодларимизнинг хизматлари беқиёс. Ўзбек адабий тили, айниқса, XIV-XV асрларда – Амир Темур ва темурийлар даврида ривожланишнинг янги, юксак босқичига кўтарилди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашарият маданий хазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларни яратиб, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этди. Маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “...Миллий тилни йўқотмак

миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, деган ҳикматли сўзлари ҳам мустаҳкам ғоявий асосга эга бўлса, Абдулла Қодирийнинг ўзбек тилининг софлигини сақлаган ҳолда, уни янада ривожлантириб, бойитиб бизгача етказишдаги хизматлари беқиёс.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунининг қабул қилиниши билан (1989 й.) она тилимизни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **“**Давлат суверенитети” боби 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” деб белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”, деган норма киритилиб, ўзбек тилига конституциявий мақом берилди.

Она тилимизнинг ҳуқуқий мақомга эришиши замирида ўзбек тилининг ўзига хос жозибасидан, бой луғатидан фойдаланиш билан бирга уни илмий асосда ўрганиш ҳамда янги атамалар, сўзлар билан тўлдириб бориш учун кенг имкониятлар яратилди. Қонун давлат бошқаруви, ижтимоий ҳаёт, халқаро ва миллатлараро муносабатлар, ишлаб чиқариш, суд ишлари, нотариал ҳаракатлар, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, ахборот олиш ва бошқа инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳолларда давлат тили ва бошқа тилларнинг қўлланилишини тартибга солди.

“Давлат тили ҳақида”ги қонунга мувофиқ, ўзбек тили давлат тили сифатида мамлакатимизда яшовчи миллат ва элатларнинг тиллари ва бошқа хорижий тиллар билан биргаликда ривожланмоқда, бугунги кунда юртимизда умумий таълим етти тилда олиб борилаётганлиги, оммавий ахборот воситалари кўрсатув ва эшиттиришларни ўндан ортиқ тилларда эфирга узатаётганлиги жамиятимиз ҳаётида миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли фармонида ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлашга қаратилган устувор йўналишлар белгилаб берилди. Шунингдек, мамлакатимизда давлат тилини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси қонуни билан «21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни» этиб белгиланиши (2020 йил 10 апрель) замирида эса узоқни кўзлаган сиёсат, она тилимизнинг жозибадорлигини халқаро майдонда намоён қилиш билан бирга, келажакда она тилимизнинг истиқболини таъминлаш, ўзбек тилини дунё тиллари даражасига кўтаришдек улкан мақсадлар белгиланди. Ҳозирги кунда дунёнинг 60 дан ортиқ университетлари ва

марказларида ўзбек тилининг ўқитилиши, юртимиздаги тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг Токио университети, Турк университети, Хўжанд университети, Жанубий Қозоғистон университети, Балх университети, Гумбольт университети, Шанхай университети, Нигде университети каби нуфузли олий таълим муассасаларда ўзбек тилидан дарс бераётганликлари дунё ёшларининг ўзбек тилига бўлган қизиқишлари тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш Маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиши нафақат давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бошқаруви бирлашмаларининг ходимларини малакасини ошириш, балки мамлакатимизда яшаётган, давлат тилида иш юритиш асосларини ўрганиш истагида бўлган фуқароларнинг бепул малака ошириши учун имконият яратилиши натижасида давлат тилини ривожлантириш механизмлари такомиллаштирилмоқда.

Ўзбек тилининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан оширишда, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни давлатимиз рамзи бўлган давлат тилига ҳурмат ва муҳаббат руҳида тарбиялашда таълим тизими олдига муҳим вазифалар қўйилади. Жумладан: таълим муассасаларида давлат тилини ўргатишни такомиллаштириш, давлат тилида иш юритиш қоидаларини ўқитиш, уларнинг билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш;

таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар доирасида ёшларда ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларининг ўзлаштирилиши, оғзаки нутқ маданиятининг шакллантирилишига эришиш;

давлат тилига ҳурмат ва муҳаббатни ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашда жамоатчилик назоратини олиб боришда талаба-ёшлар ва таълим соҳаси ходимларининг масъулиятини ошириш;

нутқимизга қўлланилаётган янги сўз ва замонавий атамаларнинг ўзбек тилидаги муқобил шаклини топиш ва истеъмолга киритишда фаоллик кўрсатиш;

таълим муассасаларида «21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни»ни юқори савияда нишонлаш кабилар.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳалар бўйича бўлажак мутахассисларни давлат тилини билиш ва келгуси меҳнат фаолиятида унинг имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёрлаш давлат тилини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тилининг илм-фан тили

сифатидаги нуфузини оширишда талаба-ёшларнинг давлат тилини ривожлантиришга оид мавзуларда илмий тадқиқот ишларини олиб боришга йўналтириш талаб этилади.

Таълим-тарбия жараёнида давлат тили қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни мунтазам кузатиб бориш ва уларни бартараф этишда талаба-ёшларнинг волонтёрлик фаолиятидан фойдаланиш самарали натижаларга эришиш имконини беради.

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна,
Тошкент давлат педагогика университети Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, педагогика фанлари доктори, профессор

АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Олий таълим муассасаларида асосий вазифа касбий йўналиши бўйича мутахассисларга тайёрлашда стандартларга киритиш учун рақамли иқтисодиётнинг асосий малакалари ва алоҳида компетенцияларини ишлаб чиқиш ҳамда малака талаблари ва ўқув дастурлари билан боғлаш ҳисобланади.

Билимларнинг янги иқтисодиётда рақобатбардош бўлиш учун меҳнат бозорида юқори малакали кадрларнинг улушини ошириш керак. Олий таълим муассасаларида диплом олган, балки ҳақиқий билим ва компетенцияларга, уларни тўғри қўллаш малакаларига эга, аналитик, ижодий иш билан шуғулланувчи, қарорларни мустақил қабул қилувчи мутахассислар мавжуд, булар раҳбар кадрлар, шифокорлар, муҳандислар, аналитиклар ва бошқалардир.

Меҳнат бозори ва инсон капиталини ўрганиш натижаларига кўра мамлакат учун глобал иқтисодиётда рабоқатни сақлаб қолишнинг ягона имконияти – илгариловчи модернизацияни амалга ошириш – меҳнат бозорини сифатли ўзгартириш ва юқори малакали профессионалларнинг улушини ошириш ҳисобланади.

Дания тадқиқотчиси Йенс Расмуссеннинг тизими барча ишчиларни учта: «Қоида», «Малака» ва «Билим» тоифаларига тақсимлашга асосланган эди. «Қоида» тоифасига мазкур тизимда жисмоний меҳнат билан банд бўлган ва иш вақтининг аксарият қисмида намунавий вазифаларни такрорловчи инсонлар киритилади. «Малака» тоифасига доимий техник ишлар билан банд бўлган, қоидалар доирасида қарор қабул қиладиган инсонлар тааллуқли (устадан меҳмонхона бошқарувчисигача, шунингдек, олий таълим муассасаларида тайёрланадиган кўпчилик иқтисодчилар ва юристлар). Ниҳоят, «Билим» тоифаси ишларининг аксарият қисми аналитик, ижодий вазифалар, импровизациялардан ташкил топган ва мустақил қарор қабул қилишни назарда тутувчи инсонлардир. Бугун Россияда ишлайдиган аҳолининг фақат 17 фоизи «Билим» тоифасига киради.

Мазкур кўрсаткич бўйича мамлакатимиз захиралар иқтисодиёти ва билимлар иқтисодиёти ўртасидаги ўтиш босқичида ҳисобланади. Билимлар

иқтисодиёти Япония, АҚШ, Германия, Сингапур каби илғор мамлакатларга тааллуқлидир. Улар учун даромаднинг юқори даражаси, ривожланган рақамли иқтисодиёт, инсоният тараққиётининг юқори индекси хос, «Билим» тоифасидаги инсонлар захираси 25 фоиздан ортиқ ҳисобланади (бу мамлакат рақобатбардошлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади).

Нима сабабдан «Билим» тоифасидаги инсон захиралари етишмайди? Бунинг сабаби ўтган асрнинг 90 йилларида бўлганидек, чуқур билимли инсонларнинг эмиграцияси ҳисобланмайди. Сабаби: инсонлар олий таълим муассасаларда эгаллайдиган кўникмалар ва иқтисодиётнинг ҳақиқий эҳтиёжлари ўртасидаги узилишлар ҳисобланади. Тадқиқот натижаларига асосан ишлашга қобилиятли аҳолининг 80 фоизи замонавий меҳнат бозорларида ишлашга тайёр эмас. Бунда таълим тизимининг ҳамда иш ҳақи, шахс сифатлари принциплари ҳам сабабчи ҳисобланади.

Янги рақобатбардошлигини ўз ичига нафақат таълим ва кадрлар тайёрлаш масалаларини, балки «Билим» тоифасига кирувчи кадрларга талабни ошириш ҳамда инсон ривожланиши учун фаровон муҳитни яратиш масалаларини киритган, инсон капиталини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш қобилияти ташкил этади.

Тадқиқотчилар инсон капитали ривожланишининг саккизта асосий қадамларини ажратганлар. Улар орасида: иш берувчилар давлат иштироки билан «Билим» тоифасидаги профессионаллар учун рақобатбардош меҳнат шароитларини яратишлари керак; «Билим» тоифасидаги ишчиларнинг фойдаси учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондини қайта тақсимлаш билан самарасиз “ижтимоий бандлик”ни қисқартириш зарур ва шу билан бирга, бошқа тоифалардан озод этилган кадрларни қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш; бизнес юритиш учун қулай шароитларни яратиш, жумладан, инновацион кичик корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш; таълим тизими «Билим» тоифасидаги ишчиларни жадал суръатларда тайёрлаши учун қайта тузилиши керак.

Таълим дастурларининг диққат марказига эса фанга оид билимларни ривожлантириш ва маълумотни эслаб қолишдан шахсий ва метафанга оид компетенцияларни ривожлантиришга кўчириш керак; таълим соҳасида иқтидорларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш керак; корхоналар ва ишчиларни касбий ривожланиш ва таълим диплом олгандан сўнг якунланмаслиги, балки бутун ҳаёт давомида давом этиши кераклигига йўналтириш керак. Касбий ўсиш ва янги билимларни эгаллашни рағбатлантириш тизими яратилиши керак.

Таълим соҳаси XXI асрда давлатларнинг иқтисодий куч ва сиёсий таъсир учун глобал рақобатининг асосий ва энг истиқболли майдонидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда бу соҳада эришган аҳамиятли ютуқларга қарамай, глобал рақобат давлат олдига таълим соҳасида мутлақ аниқ (ва кўпинча янги) вазифаларни қўяди, жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли, мустақил ва ҳурматли иштирокчиси бўлиб қолиши учун уларни ҳал этиш зарурдир.

Президентимиз томонидан рақамли иқтисодиёт деб номланган янги технологик авлод иқтисодиётини ривожлантиришнинг кенг миқёсли тизимли

дастурини амалга ошириш вазифаси қўйилган. Мазкур улкан вазифани ҳал этиш учун малакали кадрлар зарурдир.

Инсоннинг рақамли муҳитдаги қуйидаги роли, вазифалари ва компетенциялари аҳамиятли ҳисобланади. Рақамли иқтисодиётнинг имкониятлари ва чекланишларига мослашган, унинг фойдасидан кундалик фойдаланадиган ва келажакнинг Рақамли шокидан минимал ноқулайлик ҳис этадиган, янги шароитларга доимий мослашадиган, бутун ҳаёти давомида таълим олувчи, саломатлигида имконияти чекланганлиги рақамли технологиялар билан ўрни тўлдириладиган биологик-психологик-ижтимоий шахсдир.

Рақамли демократия, Рақамли ҳукумат, Рақамли медиа билан масъулият билан ўзаро муносабатда бўлган фуқаро. Рақамли иқтисодиёт (жумладан, таълим, маданият, тадқиқотлар, мудофаа ва хавфсизлик соҳасида) шароитларида самарали фаолият учун зарур компетенликка эга бўлган, ўз фаолиятида рақамли муҳитга ва таълим олувчи ҳамда профессионал сифатида рақамли инструментларга мурожаат этувчи бўлажак ва бугунги кундаги ишчи, фойдаланувчи.

Бўлажак рақамли иқтисодиётнинг яратувчиси – математик, дастурчи, когнитив тадқиқотлардаги мутахассис, педагог, ташкилотчи ва бошқарувчи, тадбиркор ва инвестор.

Рақамли иқтисодиётга мос бўлган инсоннинг муҳим сифати бу рақамли технологиялар билан таъминланган, уларни кундалик ва рақамли ахборот муҳитида олиб бориладиган касбий фаолиятида қўллайдиган шахс; рақамли технологиялар улар фойдали ва зарур бўлган барча ерларда қўлланади. Рақобатбардош Рақамли иқтисодиётнинг зарур элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

Юқорида кўрсатилган касбий фаолиятнинг турли соҳаларига тааллуқли вариантлари билан инсоннинг барча роллари ва компетенцияларини қамраб олувчи рақамли компетенциялар модели (тавсифи).

Фуқаро, ишчи фаолиятининг рақамли муҳити – таълим олишда фаолият ва қайд этиш, мазкур фаолият ва унинг натижаларини рўйхатга олиш содир бўладиган муҳит. Инсон фаолиятида Модель (рақамли компетенцияларни сертификациялаш) талабларининг бажарилишини текшириш тизими.

Ахборот технологияларини ва уларни қўллашнинг асосий моделларини билиш XXI асрда фуқаро ва профессионалнинг самарали фаолияти етарли эмасдир. XXI аср компетенциялари зарур, жумладан: танқидий ва ижодий фикрлаш, ташаббускорлик ва масъулият, мослашувчанлик, инновационлик, ишбилармонлик, эмоционал интеллект.

Мазкур компетенцияларни шартли равишда 3 та блокларга гуруҳлаш мумкин.

Рақамли компетенциялар – ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни иш, ҳордиқ ва мулоқот учун ишончли ва самарали фойдаланиш. Ташаббускорлик ва тадбиркорлик компетенциялари – ғояларни ижод, инновациялар ва хатарларни баҳолаш орқали хатти-ҳаракатларга айлантириш

қобилиятлари, шунингдек, лойиҳаларни режалаштириш ва бошқариш қобилиятлари.

Softskills – маданиятлараро тармоқ коммуникацияларини қуриш (ижтимоий ва касбий), таълим олиш ва такомиллашиш қобилиятлари ва шу кабилар.

Инсон фаолиятини рақамли қайд этиш, рўйхатга олиш фаолиятнинг самарадорлиги ва маҳсулдорлигини объектив баҳолаш учун унинг қуйидагилардан фойдаланиб, Моделга мослиги имкониятини беради:

1. Баҳолашнинг расмий регламентлари, жараёнлари ва мезонлари.
2. Ишлари қайд этиладиган, рўйхатга олинадиган ва баҳоланадиган эксперт инсонлар.
3. Жамият барча аъзоларининг фаолиятини қайд этиш катта ҳажмли маълумотларини тўпловчи автоматлаштирилган тизимлар.

Инсоннинг ўқув ва касбий фаолияти ва уларни баҳолаш тўғрисида рақамли муҳитда тўпланадиган маълумотлар унинг индивидуал касбий рақамли тарихини ташкил этади. Унинг асосида рақамли қайд варақалари, аттестатлар, дипломлар, муайян таълим сифатлари ва малакаларига эришганлик тўғрисидаги гувоҳномалар, тавсифномалар, портфолио, резюме (CV) ҳамда меҳнат дафтарчалари шакллантирилади. Рақамли иқтисодиёт, жумладан, ҳаёт сифатини ошириш, яшаш учун инсон харажатларини камайтириш, саломатлигида имконияти чекланган фуқароларнинг таълим йўналишларини оптималлаштириш, рақамли иқтисодиётнинг ижобий элементи сифатида уларнинг инсоний имкониятларидан фойдаланишни кўзда тутади.

Таълим соҳасида қуйидаги ўзаро боғлиқ йўналишларни кўзда тутади: таълимнинг барча босқичлари ва таълимий жараённинг барча тузилмаларида битирувчи қиёфасини, таълим стандартлари, дастурлари, баҳолаш тизимлари, таълим мазмуни, таълимий фаолият методлари ва усулларини шакллантириш.

Рақамли компетентликнинг вариатив моделига кирувчи XXI аср компетенциялари узлуксиз равишда умумий таълим, касбий таълим, қўшимча касбий таълим соҳаларида ва инсоннинг касбий ҳамда кундалик фаолияти жараёнида шакллантирилади. Шакллантириш жараёнида рақамли ва тармоқ технологияларидан фойдаланилади. Таълим жараёнининг у ёки бу элементларида рақамли технологияларни (ҳаётда ўхшаш вазиятларда қўлланиладиган) қўллашдан воз кечиш махсус таҳлил ва асослашларни талаб этади.

Ҳар бир инсон учун таълимнинг индивидуаллаштирилиши, очиқлиги ва самараси таъминланади, жумладан:

- ҳар бир фуқаро учун, жумладан, имконияти чекланган инсон учун эришиш мумкин бўлган оптимал таълим натижалари;
- ҳар бир таълим олувчининг мотивациясини қўллаб-қувватлаш, индивидуал қобилиятлар ва иқтидорларни максимал очиш имкониятини тақдим этувчи таълим элементларини таъминлаш;
- таълимда қийинчилик ва муаммоларни эрта аниқлаш, ташхис қилиш, уларни компенсациялаш ва бартараф этиш.

Таълим жараёнининг мазкур тавсифларини таъминлашда асосий элемент тармоқ ахборот таълим муҳити ҳисобланади. Бундай муҳитда ўқув фаолияти ва таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро алоқалари амалга оширилади, таълим фаолиятининг бориши ва натижалари қайд этилади.

Кундузги, кундузги-сиртқи ва сиртқи шакллардаги таълим масофавий таълим технологияларининг таълим муҳити ва иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, якуний аттестациянинг умумий тизимига эгалик ва таълим ташкилотининг ҳар бир таълим олувчига сарфлайдиган захиралари ҳажми билан фарқланиш (биринчи навбатда ўқитувчилик) имкониятларидан тўлиқ фойдаланади.

Муҳитда тўпланадиган ахборот бўйича (бутун таълим тизими бўйича маълумотларнинг катта ҳажмларидан фойдаланиш билан) индивидуал ютуқлар ва қийинчиликлар ташхиси амалга оширилади, индивидуал таълим йўналишлари прогнозланади ва режалаштирилади, нисбий натижалар (индивидуал ўсишлар) ва мутлақ (ташқи мезонларга мувофиқлик) баҳоланади, таълим олувчилар, уларнинг оилалари, мавжуд ва бўлажак иш берувчиларга тавсифлар берилади.

Рақамли ахборот таълим муҳити фуқаро ва ишчи фаолиятининг рақамли муҳитига интеграцияланган. Унда қайд этиладиган маълумот касбий рақамли тарихнинг қисми ҳисобланади. Махсус имтиҳон жараёнлари фақат махсус вазиятларда қўлланилади: давлат ва жамият учун аттестация натижаларининг алоҳида муҳимлигида; унинг фаолиятини ахборот муҳитида баҳоланганидан кўра янада яхшироқ натижалар кўрсатишга умид қилган аттестация топширувчининг талабига кўра.

Алоҳида топшириқлар ва мазмуннинг якуний бўлимларидан бошлаб белгиланган компетенцияларни шакллантириш курслари ва модуллари ва ички корпоратив таълим ресурслари билан тўлдириладиган маълум даражадаги таълим мазмунининг яхлит очиқ тизимларигача очиқ умумтаълим, умумривожлантирувчи онлайн-ресурслар ва касбий таълим ресурслари захираси шакллантирилади ва доимий тўлдирилади. Барча аттестация жараёнларида рақамли технологиялар билан таъминланган, ахборот муҳитида ишловчи инсон компетенциялари баҳоланиши аҳамиятлидир.

Инсонпарварлик педагогикасининг анъанавий моделлари, жумладан: жамоавий, лойиҳалаш, тадқиқотчилик, ўйинли ўқув фаолияти ва янги моделларни шакллантириш имкониятларини кенгайтириш учун рақамли технологияларни қўллаш йўналишидаги когнитив фанларнинг ютуқларига асосланган истиқболли тадқиқотчилик ва ишлаб чиқиш фаолияти кенг амалга оширилади.

Умумий таълимда марказий интеграцион фан соҳаси (она тили ва адабиёти, математика ва информатика билан бир қаторда) ахборот ва коммуникация технологияларини қамраб олувчи технология ҳисобланади.

Барча таълим олувчиларнинг янги саводхонликни ўзлаштиришлари кўзда тутилади: саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, умумий жисмоний ва руҳий ривожланиш, ҳаёт муҳитини асраш ва яхшилаш, оптимал иқтисодий хулқ,

мантиқий фикрлаш ва коммуникация, умуммаданий асослар (жумладан, табиий фанлар, миллий элементлар).

Касбий таълим тизимининг ўзига хос вазифалари тадқиқотлар тузилмаси билан алоқалар ўрнатиш ва бизнес-тузилмалари билан ишланмалар ҳисобланади. Жумладан, таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг ишлаб чиқариш ва ишбилармонлик фаолликларини ҳамда аттестацияда ва таълим жараёни иштирокчилари фаолиятининг самарадорлигини (жумладан, нашр ишларидаги фаолликдагидек интеллектуал маҳсулотларга ёки янада устувор – старт-апга жалб этилган воситалар ҳажмига муаллифлик ҳуқуқларини) баҳолашда мазкур фаолликни ҳисобга олиш таъминланади. Таълим олувчиларни АТ-соҳасидаги ҳақ тўланадиган ишга жалб этишнинг грант кўмаги дастури таъминланади.

Умумий таълим, болаларнинг қўшимча таълими ва тўгарак ишларидан бошлаб рақамли иқтисодиёт технологияларини ишлаб чиқувчиларнинг сўнгги йўналишларига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, таълимнинг барча босқичларида таълимни амалий фаолият билан бирлаштиришни қамраб олувчи модель ишлаб чиқилади: математика ва информатика соҳасида, когнитивистика (математика ва педагогика) соҳасида, расмий таълим тизими доирасидаги ютуқларни инобатга олиш соҳасида.

Педагоглар тайёрлаш ва қўшимча касб таълими тизими рақамли технологиялардан интенсив фойдаланувчи таълим ташкилотларида амалий иш ҳамда рақамли технологияларни қўллаш ва яратишнинг илғор моделларидан фойдаланувчи турли ташкилотларда амалиёт ўташ(стажировка)ни ўз ичига олади. Энг яхши хорижий таълим дастурларида иштирок этиш учун грант кўмаги таъминланади.

Катта ёшли инсоннинг қўшимча таълими бутун ҳаёт давомида давом этувчи фаолликка, ҳаёт сифати кўрсаткичига айланади, рақамли оламнинг янги элементларига қулай ва самарали кириб бориш, мазкур элементлардан шахс эҳтиёжларини бойитиш, қондириш учун фойдаланишга имконият яратади. Рақамли оламни оммалаштириш, реклама қилишнинг турли шаклларидан, уни ўзлаштиришда танловлар ва рағбатлантиришлардан фойдаланилади. Таълим таълим олувчи инсоннинг қиёфаси ва ОАВларида “муваффақият тарихлари”, танловлар ва грантлар билан рағбатлантирилади.

Рақамли иқтисодиёт учун инсонлар имкониятларидан самарали фойдаланиш учун максимал кенг фуқаролар доираси учун уларнинг малакалари ва мобилликларини ҳисобга олиб самарали фаолиятга киришиш имконияти таъминланади.

Бандликнинг мослашувчан шакллари, жумладан, тўлиқ масофавий шакллари таъминланади (резюме жўнатиш ва ишга қабул қилиш тўғрисида ариза беришдан бажарилган ишнинг натижаларини тақдим этишга қадар). Фуқароларнинг кўрсатилган доирасига тенг ҳуқуқли иштирокчилар сифатида қуйидагилар киради: таълим олувчилар ва ўқитувчилар, пенсионерлар, ногиронлар, бола парвариши билан шуғулланувчи аёллар.

Рақамли иқтисодиёт профессионаллари орасида рақамли иқтисодиёт жамиятини шакллантириш бутун жараёнини, рақамли компетентлик моделини амалга оширишни таъминловчи ва унга ўзлари ҳам эга бўлган педагогик ходимлар алоҳида ролга эга бўладилар.

Мазкур ролнинг амалга оширилиши дастлаб профессионал педагогик тайёргарликка эга бўлмаган профессионаллар томонидан қўллаб-қувватланади. Рақамли иқтисодиётда ишлаш учун, жумладан, асосий, рақобатбардош ўринларга хорижий мутахассисларни жалб этиш учун мос шароитлар яратилади.

Дастурни амалга оширишнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги кўрсатиб ўтилган йўналишлари мос тартибга солувчи база билан қўллаб-қуватланади. Жумладан, касбий стандартларни доимий янгилаш ва ахборот муҳитида ишчининг фаолияти таҳлилига асосланган малакани баҳолаш сифатини ошириш ишлари олиб борилади.

У бошланғич бюджет кўмаги билан иш олиб борувчи, алоҳида курслар ва курслар мажмуи (модуллар) етказувчилари ва истеъмолчилари, сертификаторлар (компетенцияларнинг объектив баҳоланишини ўтказувчи мутахассислар ва ташкилотлар), навигаторлар (истеъмолчиларнинг ахборот ва касбий қўллаб-қувватланишини таъминловчи мутахассислар ва ташкилотлар)ни бирлаштирувчи узлуксиз таълимнинг бир неча тармоқлари атрофида қурилади. Мазкур хизматлар замонавий тармоқ технологиялари ёрдамида кўрсатилади.

«Ананавий» таълим ташкилотлари курс ҳамда амалларни кўрсатувчилар сифатида, шунингдек, уларнинг истеъмолчилари сифатида мазкур тармоқлар билан ўзаро алоқада бўлишлари керак. Бундай тизимнинг зарур элементи малакалар ва алоҳида кўникмалар (компетенциялар)ни объектив баҳолаш механизмлари ҳисобланади, бунда давлат баҳолаш амаллари ва мазмуни сифатини назорат қилиш вазифасини бажаради. Бундай баҳолаш натижалари, аввало, фуқаролар томонидан ўз таълим йўналишларини қуриш учун қўлланилади.

Мусурманова О. ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Педагогика ва психология кафедраси мудири,профессор

КРЕАТИВЛИК – ПЕДАГОГ КАДРЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МУҲИМ ИНДИКАТОР СИФАТИДА

Педагог кадрлар компетентлигини белгиловчи муҳим индикатор креативлик ҳисобланади. «Педагог кадрларнинг креативлик қобилияти» тушунчаси талқинига турлича ёндашувлар мавжуд.

Педагог кадрларнинг креативлиги бу унинг ўз фаолиятига инновацион ёндашувлари билан шаклланади. Педагогнинг креативлиги ташаббускорлик, самарали мулоқот, юксак сиёсий ва ижтимоий мавқе, олдиндан кўра олиш интуицияси ривожланганлиги ва ташкилот фаолиятининг қаерга йўналишини тезда пайқаб олиши билан характерланади.

Креативликнинг моҳияти – интеллект инсоннинг ақлий салоҳияти бўлса, креативлик ана шу ақлий салоҳиятни мақсадга йўналтирилган тарзда эркин ишлата олиш қобилияти ҳисобланади.

Креативлик атамаси Англия-Америка психологиясида 60 йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Педагогнинг креативлиги таълим-тарбиявий фаолиятни бошқариш жараёнига ижодий, ноанъанавий ёндашув асосида самарали натижага эришишдан иборатдир.

Ж.Гильфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- фикр равонлиги
- ôèêðíè ìàқñàääà ìóâîôèқ é¢ёëàé îёèø
- қèçèқóâ÷àíёèê

Креативлик замонавий таълим менежерларидан ўз фаолиятига ижодий-инновацион ёндашувларни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан креатив тафаккур замонавий дунёда таълим жараёнини бошқаришнинг энг муҳим вазифаларини амалга оширади.

Педагогнинг креатив тафаккури мезонлари

- Ақлнинг пешқадамлиги
- Òåçёèêàà қàðîð қàáóё қёёèø
- Òàôàêêóðíèíã ýãèёóâ÷àíёèãè
- Íîàíúàíàâèéёèãè
- Қарорларни қабул қилишдан чўчимаслик
- Истиқболни кўриш
- Ностандарт қарорлар ва ечимлар қабул қилишдан чўчимаслик
- Иш вазифаси ва соҳасига содиқлик
- Прогноз қила олиш каби хусусиятлари

Ақлнинг пешқадамлиги белгиланган муддатда кўпчилик ўйлаб кўришга улгурмайдиган муаммолар бўйича бир эмас, балки бир неча ечимларни кўрсата олиш ҳамда уларнинг барчасининг ўзига хос салбий ва ижобий томонларини асослаб бера олиш қобилиятидир.

Тафаккурнинг эгилувчанлиги жамиятда қабул қилинган ва анъанавий мавжуд бўлган, аслида тўғри деб ўйланган шаблон йўналишлар ва тамойилларнинг замонавий тараққиёт учун жавоб бера олмай қолганлигини англаш, янги йўналиш ва чораларни сезиш, уларни тафаккур қила олиш ва шакллантира билиш, ўз фаолиятини янгидан қура олиш ва масала ечимининг янги йўналишларига ўзини сафарбар эта олишдир.

Прогноз, башорат қила олиш эса ўз соҳаси ривожидаги истиқбол ўзгаришлар моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва юзага келиш муддатларини тафаккур таҳлили орқали олдиндан англаш тафаккури ҳисобланади. Масалан, меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши ва пасайиши, коньюнктура ёки бозорнинг ўзгариши ҳамда мазкур ўзгаришларнинг соҳага бўлган таъсири, нархларнинг кўтарилиши ва пасайиши ва ҳоказо.

Педагог креатив тафаккуридаги **ақлнинг пешқадамлиги ва эгилувчанлигини** махсус абстракт машқлар ва билимлар асосида тарбиялаш мумкин ҳисобланади. Креатив тафаккур мақсадга йўналтирилган, аммо шу вақтгача маълум бўлмаган ва анъанавий тарзда тажрибага киритилмаган батамом янги усул, йўл, воситаларнинг танланиши ва ишлаб чиқилишини англатади. Замонавий менежментда креатив тафаккур амалиётини билдирувчи маълум тизим шакллантирилган, уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Замонавий менежментда креатив тафаккур

Аналитик таҳлил жараёни – тайёргарлик, ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш. Мавжуд аҳвол таҳлили, ахборотларни умумлаштириш, кўрсаткичларни таққослаш.

Концентрация жараёни – муаммо атрофида ақлий салоҳиятнинг мужассамлашуви, маълум фактлар, улар системаси таҳлили. Ақлий салоҳият етишмовчилик жараёнидан ўтиш. Мазкур жараённи босиб ўтишга интилиш. Онг фаоллигининг дам-бадам кўтарилиши ёки пасайиши. Инсоннинг муаммо таҳлилига берилиши, натижада турли янги ностандарт ғояларнинг туғилиши ва шаклланиши.

Ғоялар инкубацияси жараёни – ақлий концентрация жараёнида юзага келган барча мавжуд ғоялар онг ортига ўтиб, улар мудроқ ҳолга келтирилади. Тафаккур қилиш жараёнида улар методологик асосларда қайта таҳлилдан ўтказилади. Шахсий цензура янги ғояларнинг барчасини ахлоқий-маънавий ва қадриятлар нуқтаи назаридан назоратдан ўтказади. Сўнг мазкур ғоялар пишиб етилган тарзда инсон психикасига ўтказилади.

Ғоялар қидириш йўлидаги паст-баландлиги, тўлқинли тараққиёт жараёни – ғоялар таҳлилини амалга оширилганда инсон тафаккури ўзини тинч ва осуда тутмайди, балки турли кескин ҳаракатларга мойил бўлади. Шу боис одам бирданига бир мавзуга, салдан кейин бошқа бир мавзуга ўтиб кетади.

Анализ ва синтез жараёни – креатив тафаккур фаолият натижаларини таҳлил қилиш жараёни. Мантиқий таҳлил жараёни. Бу даврда пишиб етилган барча ғоялар яхлитлик ва умумийликда таҳлилдан ўтказилади. Ҳамда креатив тафаккур меҳнатининг натижаси сифатида сўнггги қарор қабул қилинади. Мазкур креатив тафаккурнинг амал қилиш ва иш олиб бориш услубиятига доир қарашлар унинг узоқ давом этишини эмас, балки қанчалик мураккаб жараён эканлигини, шу билан бирга, тезлик билан амалга оширилишини англатади.

- ўз тафаккурингизни оригинал ечимлар топиш ва уларни тарғиб қилишга чақиринг, янги ғояларни ишлаб чиқишга ўзингизни мажбурланг;

- бошқа инсонлар сиз тўғрингизда нотўғри тушунчага боришидан чўчиманг;

- кенг мушоҳада этиш, анъанавий бўлмаган усуллардан фойдаланиш, ўз тафаккур тарзи, миллий менталитет ва стереотиплар қобиғидан чиқиб кетишга урининг;

- агар биринчи тажрибангиз муваффақиятсиз бўлса ҳам, ўз тажрибаларингиздан воз кечманг, ноанъанавий усулларда фикрлашни давом эттиринг, масала ечимининг бошқа вариантларини топинг, бошқа йўлларни қидиришда давом этинг;

- мунозара ва баҳс учун доимо очиқ бўлинг, баҳсни ўзингизга қаратилганлигига ишонманг, баҳсни тўғри ташкил қилинг, ўз фикрларингизни баҳс жараёнида назорат қилиб боринг;

- англашиларсиз ва тушунарсиз нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилинг.

Креативликни тарбиялаш мезонлари касб талабларига жавоб берувчи махсус билим, кўникма, малака ва шахс сифатлари мажмуасидан иборат. У ижтимоий фойдали натижаларни олишга йўналтирилган бўлиб, педагог унга ўз-ўзини бошқариш натижасида, ўқувчи-талабалар билан тўғри суҳбатни ташкил этишда эришиш мумкин.

Педагог кадрлар компетенциясининг муҳим компонентларидан бири педагогнинг **имижи ҳисобланади**. Педагогнинг имижи негизида имиж қадрият функциялари, ўзини тақдимот қилишнинг умумий технологияси, педагогнинг кийиниш одоби, педагогнинг ташқи кўриниши, имиж технологияси, педагог имижига салбий таъсир этувчи ҳолатлар ва уларни олдини олиш йўллари каби тушунчалар ўз ифодасини топган. Имиж у ўзида етарли даражада ҳис-туйғуга безалган объект тўғрисидаги ахборотни қамраб олади ва аниқ ижтимоий муносабат тасаввурини юзага келтиради.

Шахслараро муносабатларда ҳар бир шахс ўз муносабатидан келиб чиқиб, ўз имижини акс эттиради. Имиж қандайдир синтетик сиймо бўлиб, аниқ бир инсонга бўлган муносабатда инсонлар тафаккурида юзага келадиган ташкилот ёки бошқа ижтимоий объект қиёфасидир. Ташкилот раҳбари имижи ташкилот имижига, ташкилот имижи эса ташкилот раҳбари имижига ўзаро таъсир этади. Жумладан, таълим муассасаси раҳбари, профессор-ўқитувчилар, талабалар шу муассасада ишлайдиган ходимлар имижи шу таълим муассасаси имижини белгилаб беради.

“Имижеология” фани шахс имижи ҳақидаги илмий-назарий ғояларни ўрганади. Имиж яратувчилар эса имижмейкерлар деб аталади. Бутун дунё миқёсида таниқли инсонлар имижи билан имижмийкерлар шуғулланадилар.

Имижелогия фанининг асосий мақсади ҳар бир инсонни жозибадор бўлишга ва уларни эзгуликка, ижобий таъсир кўрсатишга ўргатишдан иборатдир. Инсонларга таъсир кўрсатишнинг “Ишонтириш усули” ва “Ёқиш

усули” мавжуд. Блез Паскальнинг фикрига кўра, улардан сўнггиси самаралироқдир.

Имиж инсонни юксалтириш характерига эгадир. Шахсни юксалтириш – ижобий имиж туфайли шахс ўзининг бутун билими, салоҳияти, қобилияти, маънавий хислатини намоён этиш имкониятига эга бўлади ҳамда унинг индивидуал психологик ўзига хослиги кўринади.

Психологик жозибадор хусусиятга эга шахс инсонлар эътибори ва ҳурматига эга бўлиши муқаррар, унга бу биоэнергетик қувват тўлдириш ва тиклаш имконини беради, бунга ундаги ижобий барқарор хушкайфият мисол бўла олади. Ўзининг мақсадларига эришиш сари оптимизм ва ўзига ишонч мавжуд. “Ўзини тақдимот қилишнинг умумий технологияси”нинг 4 та асосий технологик жиҳатлари мавжуд:

1. Қиёфа визуализацияси.
2. Коммуникатив.
3. Вербал эффект.
4. Флюид нурланиш.

Қиёфа визуализацияси-фейсбилдинг: юз гигиенаси, физиогномика, косметологик тузатиш, макияж ёки визаж, сочларни парваришлаш ва мос турмак (ёки парик)ни танлаш; **кинесика:** тана нафислиги, хатти-ҳаракат ва ҳолат элегантлиги, ишора санъати, соғлом турмуш тарзи; **кийиниш усули:** эркак ва аёллар замонавий мода олами тенденциялари, яхши кийиниб юриш, аксессуарлар самаралиги. Вербал эффект – оёқларнинг йиғилган ҳолатда туриши, қўлларнинг меъёрида ҳаракатланиши, овоз тембрининг жуда юқори эмаслиги ёки аксинча, ифодали нутқни ривожлантириш ва мазмунли нутқ киради.

Имижнинг технологик функциялари:

1. Ижтимоий адаптация.

2. Тўғри танланган имиж орқали маълум бир ижтимоий муҳитга тезроқ киришиш, инсонлар билан ижобий алоқалар ўрнатиш мумкин.

3. Шахсий-касбий характеристикаларни намоён қилиш. Бу шахснинг ўз касбига эътиборини қаратиб, инсонларда симпатия уйғотишга қаратилган.

4. Шахсий негатив хислатларни яшириш.

5. Бу шахснинг кийим, соч турмаги, ижобий хулқи орқали ўз камчиликларини бошқа инсонлардан яшириш усули.

Имиж яратишдаги “P.R” технологиялар:

* позицияни мақташ;
* лидер шахсининг позитивизацияси;
* рақиб имижини пасайтириш;
* ташкилот ижтимоий базаси ва ҳамкорларини улуғлаш;
* контрреклама.

Ўз имижингизни яратишда ҳаракатларингиз, атроф-муҳитни ҳисобга олишингиз лозим, шу билан бирга, фаолият юритаётган жамоангизга мос имижингизни яратишингиз керак. Ҳар бир муҳитнинг ўз имижи мавжуд. Шу

билан бирга, ўз инвидуаллигингиз, такрорланмаслигингизни йўқотмаслигингиз зарур.

Ўз касбини самарали бошқаришда раҳбар имижини ривожлантиришга оид турли хил маслаҳатлар берилган. Улардан: AIDA имижининг таъсир қилиш қонуни:

A (attention) –эътибор

I (interest) –қизиқиш

D (dimand) – эҳтиёж

A (action) – ҳаракат

Агарда инсон ўз имкониятларини тўғри баҳолай олса, у тўғри йўл топа олади. Унинг доим ўзига ишончи бўлади ва касбий фаолиятида ҳам шахсий ҳаётда ҳам омадли бўлади.

Педагог фаолиятида унинг имижи қуйидаги талабларга риоя этишни тақозо этади:

1. Жамоада ёқимли психологик муҳитни яратиш. Соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш. Жамоа фаолиятини самарали ташкил этиш. Жамоада ўзаро ишонч, ғурур ҳиссини, онгли интизом, уюшқоқлик муҳитини яратиш.

2. Мулоқот маданиятини шакллантириш. Ўқитувчи, ота-она, талабалар ва жамоатчилик ўртасида ўзаро дипломатик коммуникация муҳитини қарор топтириш. Мулоқот қоидаларига риоя этиш. Новербал ахборот йўлларидан фойдаланиш.

3. Ижтимоий психологик маданият. Жамоанинг умумий бойлик қадриятлари, эътиқодлари ва тартиб-қоидалари бирлигини шакллантириш. Таълим анъаналарини сақлаш, ривожлантириш. Жамоанинг якдиллиги ва бирлигини таъминлаш.

4. Ҳаққонийлик инсонлар билан хайрихоҳлик, дўстона муҳитни ташкил этиш, танқидий тафаккурни ривожлантириш. Танқидни қабул қила олиш, ўз камчиликларини бартараф этишга интилиш.

5. Ҳар бир талаба-ўқувчининг ютуқ ва камчиликларини кўра олиш. Ҳар бирини тушуна олиш, кўнглига йўл топа билиш, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш, ўз вақтини тақсимлай олиш, ўзига нисбатан талабчанлик, ўз устида тинмай изланиш, фаол бўлиш ҳамда масъулиятли бўлиш.

6. Бошқарув маданияти. Педагогик жараённи илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш. Жамоа билан ҳамкорликда Ривожланиш дастурини яратиш. Ахборотлар тўплаш ва режалаштириш.

7. Маънавий маданият талабларига риоя этиш.

8. Педагогик техника ва педагогик маҳорат сирларини чуқур эгаллаш.

Шундай қилиб, таълим муассасасининг ҳамда педагогларнинг касбий компетентлиги таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

1-шуъба. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ТИЗИМЛИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Исломов Анвар Аширкулович,
ТДИУ «Инновацион таълим» кафедраси мудири,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

Рақамли иқтисодиёт янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчиришни назарда тутади. Шу боис бугунги кунда унга ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш тизими сафатида ёндашилади. Юқори даражада автоматлаштирилганлик, электрон ҳужжат алмашинуви, бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви, маълумотлар электрон базалари, CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги, корпоратив тармоқларнинг шаклланганлик даражаси рақамли иқтисодиётнинг белгиси сифатида намоён бўлади.

Қулайликлари эса тўловлар учун харажатларнинг камайиши, товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олиниши, рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катталиги, фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилиши, тезкор, сифатли ва қулайлиги билан изоҳланади. Рақамли иқтисодиёт миллий даражада жамиятнинг кушандаси бўлган коррупция ва яширин иқтисодиётни бартараф этиш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси миллий иқтисодиётни рақамлаштириш, айниқса, уни ижтимоий соҳалар – фан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига жадал татбиқ этилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига замин ҳозирлашини кўрсатиб турибди.

Таълимнинг сифати жамиятни ривожлантирувчи омил ва ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Таълим қашшоқлик, муҳтожлик, ижтимоий тенгсизликка қарши курашишда амалий восита сифатида хизмат қилади. Таълим дунёқарашни шакллантириш, инсоннинг турмуш тарзини танлашини кенгайтиришга ёрдам беради, инсон ва жамият ҳаёти ҳамда фаолиятининг турли жиҳатларига таъсир кўрсатиш механизмига айланади. Инсоният цивилизацияси давомида таълим ва илм-фанни юқори даражада ривожлантириш ижтимоий, техник ҳамда иқтисодий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланганлиги боис мамлакатлар таълим тизимини устувор ривожлантиришга асосий эътибор қаратган.

Хусусан, Жанубий Корея таълим миллий тизимини рақамлаштириш орқали юқори ўсиш суръатларига эришган мамлакатлардан ҳисобланади. Таълим тизимини такомиллаштириш ва халқаро андозалар даражасига етказиш орқали уни мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш

воситасига айлантиришга эътибор қаратаётган Ўзбекистон учун жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, Жанубий Корея таълим тизими рақамли иқтисодиётга асосланганлиги ва айни пайтда тайёрланаётган юқори малакали кадрлар орқали тараққиётнинг юқори босқичига эришган давлатлардан бири ҳисобланади.

Унинг бу мавқега эришишида миллий электрон таълимни шакллантириш ва ривожлантириш дастури муҳим роль ўйнаган. Шу ўринда Корея Республикаси Таълим ва персонални бошқариш вазирлиги ҳамда Таълим ва илмий тадқиқотлар бўйича ахборот хизмати – “Korea Education and Research Information Service – KERIS томонидан ишлаб чиқилган миллий электрон таълимни шакллантириш ва ривожлантириш дастурининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Жанубий Кореянинг “Education Network – EDUNET” тизими

Дастлаб, 1996-2000 йилларда мамлакатда “Education Network – EDUNET” ахборот хизмати шакллантирилиб, таълим муассасалари педагоглари рақамли таълим технологиялари бўйича қайта тайёрланишлари билан бир қаторда аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги саводхонлиги оширилди.

2001-2005 йилларда “Education Network – EDUNET” ахборот хизмати такомиллаштирилди, Ўқитиш ва таълим маркази – “Teachingand Learning

Centre” ҳамда кибер уй таълими тизими – “Cyber Home Learning System – CHLS” таъсис этилиб, электрон таълимни жорий қилишга асосланган рақамли кутубхоналар шаклланишига замин ҳозирлади. “CHLS” тизими барча ижтимоий табақадаги талаба ёшларнинг қизиқишлари ва билими даражасидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўқув дастурларини танлаш, репетиторларга мурожаат қилмасдан қўшимча маълумотларни ўзлаштириш имкониятини яратади.

2006-2010 йилларда Жанубий Корея жаҳон электрон таълим бозоридан мустаҳкам ўрин олди. Бу ҳар йили давлат ғазнасига 2 млрд. АҚШ доллари миқдорида даромад келтира бошлади.

2011-2015 йилларда мамлакатда шакллантирилган электрон таълим тизими замонавий шароит ва халқаро макондаги ўзгаришларга мувофиқ тубдан такомиллаштирилди. Мамлакатда электрон таълимни мувофиқлаштириш бўйича 17 та минтақавий бўлим – “Metropolitan Provincial Officesof Education – MPOES” шакллантирилди.

Жанубий Кореяда электрон таълим тизимини шакллантириш қуйидаги алгоритм асосида амалга оширилди:

• электрон таълим – Electronic education (E-learning);
• мобиль таълим – Mobile-learning (M-learning);
• ялпи таълим – Ubiquitous-learning (U-learning);
• интерактив таълим – Smart-education.

Жанубий Кореяда ахборот-коммуникация технологиялари бошланғич, ўрта ҳамда олий таълим муассасаларида кенг жорий этилган. Мамлакатдаги университетларнинг 83 фоизи “E-learning” тизими билан қамраб олинган. Бундан ташқари 17 та кибер университет мавжуд бўлиб, уларда онлайн тартибида 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 40 минг талаба таҳсил олади. Ушбу талабалар билимини назорат қилишнинг дастурий таъминоти яратилган. EDUNET интернет портали улкан миқдордаги видеодарслар, электрон китоблар, ўқув материалларининг кўчирмаларига эга. Ундан 6,7 млн. киши фойдаланади. Ҳар кун порталга 410 минг киши кириб, улар 27 млн. саҳифа дарсликлар ва бошқа зарур ўқув материаллари билан танишади.

Жанубий Корея таълим тизими жаҳон миқёсида эътироф этилади. Буюк Британиянинг “Pearson” халқаро гуруҳи томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган миллий таълим тизимлари самарадорлиги рейтингида ушбу мамлакат яқин вақтгача ушбу кўрсаткич бўйича дунёда пешқадамликни қўлдан бермай келган Японияни ҳам ортда қолдирди. Бу Жанубий Кореяда ахборот-коммуникация технологиялари юксак даражада тараққий этгани самарасидир.

Жаҳон мамлакатларида ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши индекси

Ўрин	Мамлакатлар	Индекс
1	Исландия	8.98
2	Жанубий Корея	8.85
3	Швейцария	8.74

4	Дания	8.71
5	Буюк Британия	8.65
6	Гонконг	8.61
7	Нидерландия	8.49
8	Норвегия	8.47
9	Люксембург	8.47
10	Япония	8.43
95	Ўзбекистон	4.90

Жанубий Кореяда ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши индексининг юқорилиги ахборот технологиялари соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушида ҳам ўз аксини намоён қилади. Ушбу кўрсаткич Жанубий Кореяда 9 фоиз, Японияда 5,5 фоиз, Хитой ва Ҳиндистонда 4,7 фоиз, Ўзбекистонда атиги 2,2 фоизни ташкил этади. Буни ахборот-коммуникация ривожланиш индекси рейтингидаги 176 мамлакат орасида Ўзбекистон 95-ўринда экани ҳам исботлаб турибди.

Жанубий Корея таълим соҳасига давлат бюджетидан ажратаётган маблағ 11,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Айни пайтда аҳолиси 51 млн. кишидан ортиқ бўлган мамлакатда 419 та олий таълим муассасаси мавжуд. Ушбу давлат ҳар 100 минг аҳоли сонига тўғри келадиган талабалар сони бўйича ҳам дунёда пешқадам. Мамлакатда умумтаълим ўрта мактабларини тугаллаган ёшларнинг 70 фоизи олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиради. Уларнинг салмоқли қисми масофадан туриб таълим олиб, бакалавр даражасига эга бўлиш имкониятига эгадир.

Юқори малакали мутахассислар Жанубий Корея иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишини таъминламоқда. Халқаро валюта жамғараси маълумотларига кўра, ушбу мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми 37730 АҚШ долларини ташкил этади. Таққослаш учун Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 6070 долларга тенглигини кўрсатиш мумкин. Айни пайтда Жанубий Кореяда “рақамли иқтисодиёт”нинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 8,0 фоизга етган. Бу ҳам жаҳонда Буюк Британиядан (12,4 фоиз) кейин иккинчи натижадир.

Айни кунларда Жанубий Корея таълим соҳасида “рақамлаштириш” билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Электрон (рақамли) таълим (“E-learning”) ахборот ва электрон технологиялар асосида ўқитиш тизими ҳисобланади. Таълимнинг ушбу турига қуйидагилар киради:

• ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон ўқув материалларини шахсан ўзлаштириш;

• масофадан туриб ўқитувчи, мутахассис томонидан маслаҳат олиш, ўз билимининг баҳоланиши;

• хоҳлаган пайтда ва жойда жаҳондаги таълим муассасаларидан замонавий билимларни эгаллаш имконияти ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўстириш, шунинг баробарида, хуфиёна иқтисодиётга барҳам бериш ва коррупцияни

кескин камайтириш вазифаси кун тартибига қўйилган бугунги кунда бош мақсад таълим тизимини халқаро талаблар даражасига кўтариш орқали аҳолининг рақамли иқтисодиёт бўйича саводхонлигини ошириш, малака ва кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Бинобарин, халқаро амалиётга юзланадиган бўлсак, ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт электрон тижорат ва хизматлар соҳаси билан чекланиб қолмай, балки ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига, хусусан, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернет-банкинг ва бошқа соҳаларга жадал кириб бормоқда ва уларнинг ҳар бирида ўзининг юқори самараларини бермоқда. Шу боис бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, таълим тизими билан иқтисодиёт ўртасида интеграция жараёнларини жадал амалга ошириш лозим. Жаҳон тажрибасида рақамли иқтисодиётга ўтишнинг жадал суръатларда ривожланаётганлиги қуйидагилар билан изоҳланмоқда:

• фан-техника тараққиётининг жадаллашиши натижасида оммавий равишда олий таълимга эга бўлиш зарурати;

• замонавий ишлаб чиқаришлар ва хизмат соҳаларида иш билан банд ходимларнинг ўз билим ва малакаларини мунтазам янгилаб боришга эҳтиёжлари туфайли таълимнинг узлуксизлик хусусиятини олаётганлиги;

• ахборот-коммуникация технологиялари тараққий этиши натижасида масофадан туриб таълим олиш имкониятлари кенгайиши;

• энг нуфузли дарсликлар, қўлланмалар, ўз соҳасининг машҳур олимлари ва мутахассислари маърузаларининг рақамлаштирилиши натижасида билимларнинг мустақил эгалланиши ва ўзлаштирилган ушбу билимларнинг холис баҳоланиши;

• таълим олишда ҳудудий ва вақт тўсиқларининг бартараф этилиши, яъни нафақат бир мамлакатнинг бошқа минтақасида, балки хориждаги нуфузли университетларда ҳам масофадан туриб таълим олиш, фанларни ўрганишни шахсий кун тартиби асосида амалга ошириш имконияти ва ҳоказо.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда таълим тизими билан иқтисодиёт ўртасида интеграция жараёнларини жадал амалга ошириш ва тизимни рақамлаштириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

• аҳолини рақамли иқтисодиёт бўйича саводхонлиги даражасини ошириш;

• аҳолининг барча қатламларида рақамли технологиялар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш;

• таълимнинг эгулувчан тизимига ўтиш, турли курслар воситасида аҳолининг рақамли иқтисодиёт бўйича билимларини такомиллаштириш;

• CD-ROM (инглизча: “Compact Disc Read Only Memory”, яъни “маълумотларни (файлларни) сақлаш компакт дисклари”) элтувчиларига асосланган курслар ташкил этиш;

• талабаларга ўқитувчилар томонидан масофадан туриб таълим бериш тизимини оммалаштириш;

• электрон дарсликларга асосланган махсус интерфаол дастурлардан фойдаланган ҳолда электрон таълим беришни йўлга қўйиш;

• оммавий (бир йўла юзлаб минг талаба учун) очиқ онлайн курсларини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш.

Шарипова Д. Д.
д.п.н., профессор
Ташкентский государственный педагогический университет

ЗДОРОВЬЕСБЕРЕЖЕНИЕ КАК ОДНО ИЗ ПРИОРИТЕТНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КАЧЕСТВА ВУЗОВСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Актуальность здоровьесбережения в высшем образовании продиктована необходимостью обеспечения комплексной системы образовательных, воспитательных, коррекционных и профилактических мероприятий, реализуемых в процессе взаимодействия студента и педагога, студента и студента, студента и медицинского работника

Общество прежде всего глубоко заинтересовано в том, чтобы и обучающие и обучаемые были физически, психологически и духовно здоровыми, чтобы активно участвовать в образовательном процессе, успешно обеспечивая его качество.[2]

Как известно, на эффективность работы по реализации политики здоровьесбережения влияют следующие факторы:

- здоровье обучающего и его здоровьесберегающая компетентность;
- мотивированность студента к приобретению здоровьесберегающих знаний;
- создание здоровьесберегающей среды образования.

Обучающий, который обладает в должной степени здоровьесберегающей компетенцией, имеет необходимые знания о том, что здоровье- это состояние живого организма в целом, т. е. всех органов и систем и что нарушение функции какого-либо органа влечёт за собой изменение в деятельности других органов и систем организма, а здоровьесбережение- это динамическое состояние, которое может изменяться либо в сторону заболевания, либо находиться на грани нормы и патологии. Вместе с тем, динамичность здоровья связана с функциональными возможностями организма, его устойчивостью к воздействию внешних факторов-природных и социальных, постоянно изменяется и поэтому здоровье может варьировать в зависимости от возраста, пола, профессии, природно-климатических условий, а также от условий

[2] Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3775 от 5.06.2018 г. «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах».
2. Указ Президента Республики Узбекистан УП-5847 от 8.10.2019 г. «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 г.».

трудовой деятельности, психофизиологической устойчивости личности, социального статуса и т. д.[3]

И от того, как педагог организует образовательный процесс, помнит о том, что на здоровье студентов влияет использование обучающими основных требований гуманной педагогики, наделенной здоровьесберегающим характером обеспечивается соблюдение требований психогигиены обученияkак одного из показателей здоровьесберегающей компетенции обучающего. Вместе с тем каждый педагог независимо от того, какой предмет он преподает, должен использовать любую возможность для вооружения обучающихся здоровьесберегающими знаниями: обучающие гуманитарным знаниям должны ориентировать на формирование общей культуры, в том числе культуры здоровья, те, кто обучает предметам социальной направленности- воспитывать ценность здоровья и здорового образа жизни, а обучающие предметам естественнонаучных дисциплин- говорить об умении сохранять, укреплять и приумножать здоровье, в частности, при обучении физике и химии-прививать навыки техники безопасности, умение предвидеть возможность возникновения факторов, отрицательно влияющих на здоровье.

Таким образом, по аналогии с тем, что воспитатель должен быть воспитанным, то обучающий должен обладать широким спектром здоровьесберегающих знаний. Всё это может быть успешно реализовано только в случае, если обучающий обладает завидным здоровьем и далек от любых вредных привычек.[4]

Следующим весьма значительным в проблеме здоровьесбережения- это обучаемый, его интересы и стремления к приобретению здоровьесберегающих знаний, а также высокая ответственность, связанная с их применением в повседневной жизни.

Вызвать у студентов необходимую мотивацию к сохранению здоровья прежде всего является миссией педагога, но основная доля ответственности приходится на самого студента, у которого последовательно должно сформироваться ценностное отношение к здоровью. В этой связи студент прежде всего должен быть хорошо осведомлён о факторах, детерминирующих состояние здоровья человека. По мнению М.Х. Карамян , к этим факторам следует отнести:

1. Биологические и физиологические факторы (рост, вес, предрасположенность к заболеванию, тип нервной системы и др.)

2. Социодемографические факторы (возраст, этническая/ национальная принадлежность, пол, место проживания, город/село, страна проживания и др.).

3. Социально-экономические факторы (уровень образования, уровень доходов, род занятий, материальное положение семьи в целом и др.).

4. Социально-медицинские факторы (условия жизни, включая экономические и природно-климатические, семейное положение, социальный

[3] Маджуга А.Г., Синицина И.А. Здоровьесозидающая педагогика: теория, методология, опыт, перспективы развития. М.- Логос, 2014,-508 с.

[4] Абаскалова Н.П. Системный подход в формировании здорового образа жизни в образовательном процессе "школа-ВУЗ."-Новосибирск: НГПУ, 2101,- 316 с.

статус, доступность медицинского обслуживания, качество медицинской помощи и др.).

5. Социально-психологические и психологические факторы (наличие/ отсутствие психосоциальной поддержки, стиль жизни, уровень психологической и социальной напряженности, личностные особенности и др.).[5]

При этом каждый фактор может выступать как предрасполагающий к развитию различных заболеваний. В контексте сказанного важное значение приобретает отношение молодёжи к здоровью, включающее в себя три значимых компонента:

- когнитивный компонент, включающий в себя представления человека о здоровье, здоровом поведении;
- эмоциональный компонент, характеризующий переживания и чувства человека в связи со здоровьем и болезнью;
- мотивационно поведенческий компонент, связанный с конкретными действиями, поддерживающими здоровье и преодолевающими болезнь, т. е. здоровое поведение.[6]

Наряду с этим осуществление процесса здоровьесбережения в образовательном пространстве ВУЗа, обеспечивающего повышение эффективности и качества обучения студентов, будет успешным при соблюдении комплекса следующих педагогических условий:

- формирование отношения к здоровью как ключевой ценности, опора в образовательном процессе на жизненный опыт обучающихся; стимулирование рефлексивной деятельности, осознание студентами ответственности за сохранение своего здоровья и окружающих;
- разработка и реализация в образовательном процессе ВУЗа спецкурса по педагогике здоровья.

И наконец, при успешной реализации процесса здоровьесбережения в образовательном пространстве можно говорить о повышении эффективности обучения за счет снижения здоровьезатратности, "усилении ценности полученных результатов образовательной деятельности, с одной стороны, с другой стороны- за счёт обеспечения результативности образования, поскольку только здоровый студент может успешно раскрыть свой интеллектуальный и творческий потенциал в предстоящей профессиональной деятельности.

В результате проведенного нами исследования среди студентов второго курса было установлено, что для обеспечения здоровьесбережения в образовательном процессе необходимо вести учет показателей здоровья, физического и психического развития, кроме того, выделены следующие структурные компоненты процесса здоровьесбережения в образовательном пространстве педагогического ВУЗа: целевой, содержательный, деятельностный, ресурсный, результативный, и установлены следующие этапы здоровьесбережения будущих педагогов профессионального обучения:

[5] Карамян М.Х. Ценностное отношение к здоровью. Монография. Ташкент, 2018. Изд-во: «Navro’z», 210 с.
[6] Психология здоровья. Учебник для ВУЗов/ Под редакцией Г. С. Никифорова. СПб. Питер, 2006, 607с.

мотивационно- целевой, этап усвоения теоретических знаний, операционно-деятельностный и творческий этап. Все это обеспечит в должной мере повышение качества вузовского образования на его современном этапе.

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, п.ф.д.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМНИНГ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ёшларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашлари, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб камолга етишларини таъминлаш, уларнинг қобилият ва истеъдоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг қалбида она-юртимизга садоқат ва фидойилик туйғуларини камол топтириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, пулли хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллиги босқичма-босқич ривожлантирилиб борилади.

Маълумки, таълим жамият ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Қандай соҳада бўлмасин, юқори билимга эга мутахассислар илмий тадқиқот ишланмалари билан шуғулланиш, янги маҳсулот турларини, инновацияларни яратиш ва технологияларни ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ва компаниялар ўртасидаги мавжуд чуқур рақобат муҳити мутахассисларни ҳам фавқулодда шунга тайёр бўлишларини талаб этади. Улар нафақат ўз ғояларини ривожлантириш ва яратилган назарий моделларини амалда жорий этиш учун қулай шароитларни таъминлайдилар, шу билан бирга, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши учун ҳам муҳим интеллектуал омил ҳисобланадилар.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш

борасида бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Мазкур ҳужжатда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги таълим муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш баробарида уларни замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш назарда тутилган.

Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Бугунги кунда жаҳонда юқори технологиялар ва ахборотлаштириш жараёнларининг ривожланиши даврида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун компаниялар ўртасида рақобат кураши бирмунча ошди. Бу нафақат тижорат ташкилотларига, балки илмий тадқиқот марказлари, таълим муассасаларига ҳам тегишлидир. Дарҳақиқат, замонавий таълим сифати тўғрисидаги масала биринчи навбатда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолардан бири ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизда мавжуд олий таълим муассасалари келгусида мутахассисларнинг аниқ касбий соҳадаги билимларини шакллантиради.

Олий таълим муассасалари мамлакатнинг ҳар жиҳатдан ривожланишига хизмат қилади. Интеллектуал ресурсларнинг юксак даражасига асосланувчи замонавий технологияларнинг тараққий этиш даражаси ва ушбу ресурсларга эгалик қилишни истаган давлатларнинг рақобати бугунги кунда нафақат иқтисодий томондан, балки ижтимоий ва сиёсий юксалишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда. АҚШ, Европа ва Осиё мамлакатларидаги энг юқори рейтингга эга бўлган олий таълим муассасаларини қараб чиқадиган бўлсак, уларнинг барчаси ривожланган давлатлар ҳудудида жойлашган ва таъкидлаш лозимки, улар ўз мамлакатларининг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Замонавий глобаллашув шароитида олий таълим муассасаларида таълим тизимининг шаклланиши ва ривожланиши янги инновацион шароитларга ва иқтисодиёт талабларига мувофиқлигини таъминлашга барча таълим муассасалари амалда ҳаракат қилмоқдалар.

Олий таълим муассасаларига таъсир этадиган омиллар: биринчидан, ташкилот ва корхоналар, давлат муассасалари томонидан битирувчи мутахассисларга бўлган талаб шаклланса, иккинчи томондан, абитуриентларнинг олий таълим муассасаларига кириши учун шарт-шароитлар шаклланади. Шунга кўра, ўз навбатида, таълим муассасалари касбий соҳада зарур таёргарликка эга битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича меҳнат

бозорига ва истеъмолчиларга таъсир кўрсатади ва бунга боғлиқ равишда рақобатбардош мутахассисларга ҳам талаб доимо ўсиб боради.

Бизнинг назаримизда, олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш қуйидаги мақсадларга эришишни назарда тутади:

- олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш;
- фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш;
- инновацион фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган инфратузилмани яратиш;
- юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида инновацион ғояларни ишлаб чиқиш;
- профессор-ўқитувчиларнинг касбий даражаси ва малакасини доимий равишда ошириб бориш;
- таълим муассасаларида инновацион фаолиятни молиялаштириш механизмини самарали ташкил этиш;
- инновацион фаолият билан боғлиқ ахборот базасининг етарлилиги ва шаффофлигига эришиш;
- инновациялардан фойдаланиш асосида таълим жараёнини узлуксиз такомиллаштириб бориш;
- касбий масалаларни ечишга талабаларни ижодий ёндашадиган ва масъулиятли қилиб тарбиялаш кабилар.

Шуни қайд этиш лозимки, мамлакамизда олий таълим ислоҳотлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди, чунки олий таълим даражаси унинг бўлғуси ривожланишини белгилашини тушунамиз. Шу сиёсатга мувофиқ, талабаларнинг контингенти ва олий таълим муассасалари сонини кўпайтириш, билимлар сифати, олий таълимнинг янги функциялари, ахборот миқдорининг ўсиши, инновацияларининг кенг тарқалиши билан боғлиқ масалалар ҳал қилинди. Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш даражаси таълим олувчиларда келажакни режалаштириш қобилияти, келажак учун жавобгарлик ҳисси, ўзига ва ўз касбий қобилиятларига ишончни шакллантиришга қодир бўлган янги таълим тизими – “инновацион таълим”ни талаб қилаяпти.

Ҳозирда республикамизда иқтисодий ривожланишнинг глобаллашуви шароитида давлатнинг рақобатбардошлиги унинг мавжуд илмий-техникавий салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш, инновацияларни иқтисодиётгагина эмас, балки таълимнинг барча турларида ҳам самарали жорий этиш имкониятлари билан бевосита боғлиқ. Анъанавий касблар таркибида, ёшларнинг касб танлашида қадриятлар ва мўлжаллар тизими ҳамда меҳнатни татбиқ этиш соҳаларида жиддий ўзгаришлар юз берди. Буларнинг барчаси мутахассисларнинг янгича типи – инновацион фикрлаш услубига эга бўлган рақобатбардош кадрлар пайдо бўлганини тасдиқлайди.

Ҳозирги шароитда олий таълим муассасаларида кадрларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий жиҳатлари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

- мутахассисликлар ва касблар бўйича педагогик кадрлар билан таъминланганлигини ўрганиш ва унга баҳо бериш;

- олий таълимда инновацион фаолиятни ташкил этиш борасида самарали ҳуқуқий базанинг мавжудлигига эришиш;

- ўқув жараёни самарадорлигининг тўғри ҳисобланганини, унинг ўқув нормаларида тўғри акс этганини аниқлаш;

- таълим муассасаларида инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишда корхона ва ташкилотлар қизиқишини ҳисобга олиш;

- олий таълим муассасалари фаолиятида ўқув жараёнини ташкил этиш ҳолати ва унинг даражасига баҳо бериш;

- таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш ва ўқув жараёни билан боғлиқ психологик вазиятга одилона баҳо бериш;

- соҳада мутахассисликлар бўйича педагогик кадрлар захираларини аниқлаш, улардан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш чораларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир.

Шундай қилиб, мамлакатимизда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топмоқда. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётда сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар таркиби ўзгармоқда ва бошқача муносабатлар, педагогик менталитетлар ўрнатилмоқда. Таълим тизими янги ахборотлар билан ишлаш қобилияти ижодий ечимининг таълим дастурини индивидуаллаштиришга қаратилиши билан бойитилмоқда.

Файзуллаева Н.С.,
Инновацион таълим кафедраси доценти, п.ф.н.,
ТДИУ

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Бугунги кунда инсониятни ташвишга солиб турган COVID-19 пандемияси ҳар биримиздан якдиллик билан унга қарши курашишга, касаллик тарқалишининг олдини олишга чорламоқда. Бу, ўз навбатида, дунёнинг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларининг иқтисодиётини издан чиқишига олиб келди. Иқтисодиётда кузатилаётган иқтисодий ҳаракатсизлик натижасида халқ хўжалигининг қатор тармоқларида сезиларли муаммолар кузатилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Республика таълим муассасаларида вазият тақозо қилгани ва инсонлар саломатлиги муҳим бўлгани учун янги, ўзгача иш тартибига ўтилди. Талабаларимиз марказлашган ҳолда яшаш жойларига жўнатилгандан сўнг, улар билан мунтазам алоқа ўрнатилган. Таълим узилишларининг олдини олиш мақсадида 30 мартдан бошлаб теледарслар, Интернет тармоқлари орқали видео ва онлайн дарслар режимга ўтказилди.

Пандемия сабабли тизимга масофавий технологиялар жорий қилиниб, 10 мингдан зиёд таълим муассасасидаги 7 миллион ўқувчи ва 500 минг талабага онлайн дарс бериш йўлга қўйилди. Бу янги механизм карантин шароитида фанлар ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаб бермоқда.

Шу билан бирга, жаҳон экспертлари пандемия туфайли жорий қилинган қатъий карантин қоидалари таълим, жумладан, олий таълим учун янги имкониятлар яратганини эътироф этишмоқда. Хусусан, Арманистонда карантин пайтида масофавий таълим олиш имконини берувчи университетларнинг ягона iUniversity платформаси ишга туширилди, Бирлашган Араб Амирликлари глобал тармоғида таълим олиш ва бизнес юритиш учун 5 та: Google Hangouts Meet, Cisco Webex, Avaya Spaces, Blue Jeans ва Slack номли иловалар узлуксиз ишлай бошлади. Кипрда таълим ва фан вазирлиги Педагогика институти орқали масофавий таълим олиб бориш учун ўқитувчиларни тезкор тайёрлаш ишларини ташкил қилди.

Мутахассислар фикрича, карантин даври таълим тизимига ижобий ва салбий таъсир кўрсатади. Ютуқлар ҳақида:

Биринчидан, онлайн таълим мазкур тизимни камида 10 йилга ривожлантиришга хизмат қилди. Маълумот учун: 2018 йилда халқаро THE (Time higher education) нашри эълон қилган маърузада 2030 йилга келиб, фақат элита университетларнинг онлайн таълимга ўтишини прогноз қилган эди. Бугун кунда COVID-19 пандемияси ушбу жараённи тезлаштириб юборганини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Иккинчидан, ёшидан қатъи назар барча профессор-ўқитувчиларда таълим платформалари билан ишлаш, масофавий таълим ва уни олиб бориш соҳасидаги билим ва кўникмалари шаклланди ёки ривожланди. Келажакда масофавий таълимни янада ривожлантириш борасида қилиниши керак бўлган ишлар эса таҳлил этиб борилмоқда. Масофавий таълим айни пайтда келажак учун эксперимент вазифасини ўтамоқда, десак адашмаймиз.

Учинчидан, республика олий таълим муассасаларининг хорижий университетлар билан ҳамкорлиги фаоллашди. Бир қатор университетлар жаҳоннинг етакчи ўқув даргоҳлари билан онлайн конференция, вебинарлар уюштирди.

Қисқа муддатда янги шароитга мослашишга тўғри келди, Zoom интернет платформасида ишлаш мисли кўрилмаган имкониятларни берди. Нафақат ўқитувчи, балки талабалар ҳам янги кўникмаларга эга бўлди.

Масофавий ва онлайн таълимни ташкил этишда ўқитувчи ва талабалар бир қатор муаммоларга дуч келишди, жумладан:

- мамлакат масофавий ва онлайн таълимга ўтишга ҳали тайёр эмас эди, жумладан, бу борада профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича ташкилий ишлар қилинмаган эди. Шунинг учун ўқитишнинг сифати, уни ташкил этиш ҳамда ҳудудлардаги алоқа тизими билан боғлиқ муаммо ва қийинчиликлар юзага келди. Шунингдек, видеодарсларнинг вақт меъёри 80 минутни ташкил қилмайди (бунинг бир нечта сабаблари бор: интернет тезлиги ниҳоятда паст, талабаларнинг моддий имконияти мавжуд трафикларга етмаслик

эҳтимоли катталиги ва ҳ.к.). Шу жиҳатдан, ўқитувчилар ўзларининг 80 дақиқалик маърузасини методик маҳорат орқали қисқа вақтга (20-30 дақиқа) келтириш кўникмасига эга бўлиши лозим эди;

- талабаларнинг мамлакатнинг турли ҳудудлари – пойтахт, вилоят маркази, туман марказидан энг чекка қишлоқларда истиқомат қилиши ҳамда уларда алоқа тизимининг ҳам ҳудудларига қараб ҳар хил бўлишидир. Бу жараёнда фақат пойтахт, вилоят ва туман марказларида истиқомат қилувчи талабаларнинг имконияти бир оз юқори бўлди. Бу видеодарслар (хусусан, Zoom платформасида) ўртача 100 нафар талабадан 20-25 тасининг иштирок этишига олиб келди;

- талабаларда техник воситаларнинг етишмаслиги, аксарият ҳолларда оилада битта гаджет бўлиб, ундан фойдаланиш учун навбатга туришга тўғри келди;

- масофавий таълим аудиторияда кечадиган жонли таълимдан фарқлангани туфайли таълим жараёнида мулоқот қилиш самарадорлиги паст даражада кечади. Аудитория шароитида талабаларнинг юз ифодаси орқали уларнинг дарс мавзусини тушуниб бораётганликларини англаш осон кечади. Масофавий таълимда эса бу қийинроқ кечади.

Республикада масофавий таълимнинг ривожланиш истиқболларига келсак, масофавий таълим икки йўналишда, яъни реал вақт режимига асосланган синхрон ёки реал вақт режимига асосланмаган носинхрон тарзда кечиши мумкин. Аммо икки йўналиш учун ҳам Интернет тезлик жиҳатидан яхши ишлаши керак. Бусиз масофавий таълимнинг истиқболи бўлиши мумкин эмас. Карантин даврида ташкил этилган онлайн таълим устозлар ва талабаларнинг табақаланишига, яъни шу жараёнга фаол қатнашиб, виртуал таълимнинг ютуқларидан фойдаланганлар ҳамда ўз маҳоратини, малакасини оширганлар ва деярли иштироксиз ўқув йилини якунлаётган гуруҳларга ажратди.

Ҳар ҳолда фавқулодда ўтилган онлайн таълим таҳсил олувчи ва таҳсил берувчининг мутахассислик доирасида билимларини одатдаги тизимга қараганда оширмаган бўлса-да, маълум сабоқ ва малакаларга эга бўлишига хизмат қилди.

Келажакда масофавий таълимни янада ривожлантириш учун эса одатий масофавий таълимни бошқариш тизими, яъни Moodle каби таълим платформаларини такомиллаштириш, уларни қулай ва янада тушунарли функциялар билан бойитиш ўта муҳимдир. Бунинг учун педагог ва ахборот технологиялари мутахассисларининг яқиндан ҳамкорлиги талаб этилади.

Химматалиев Дўстназар Омонович,
пед.ф. д. (DSc), профессор в.б.
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Буюк Шарқ мутафаккири Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, комил инсон сифатлари – билимлилик, ахлоқий поклик, яхши хулқ, маънавий етукликдан иборат. Инсон исталган нарсага меҳнат сарфлаш, билим орқали эришади.

“Оқил (шахс) мамнуниятни доимий маънавий ишлардангина олади, нодон эса ҳақиқий бойлик нима эканлигини билмайди, ўз нигоҳини ер юзидаги хилма-хил безаклар билан безатилган фақат ҳайвонларнигина қувонтира оладиган томонга қаратади”.

Ҳозирги кунда ёшларимизга шундай таълим-тарбия беришимиз керакки, улар нафақат маънавий меросимизни ўрганибгина қолмасдан, улар ўзларининг илмлари билан мамлакатни янада ривожлантиришлари жоиздир. Одамнинг ривожланиши барча туғма ва ҳосил қилинган хусусиятлар: организмнинг анатомик тузилиши, физиологик ва психологик функциялари, фаолият ва хатти-ҳаракатнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариш жараёнларидир.

Илм-фанга интилиш инсоннинг энг олий маънавий ҳаракатларидандир. Чунки илм одамни маънавий юксакликка кўтаради, жамият равнақининг асосий омили бўлиб хизмат қилади. Ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлаш учун ўқитишнинг таълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий мақсадлари бирлигини кучайтириш зарурдир. Бугунги кун таълимига қўйиладиган талаблар нималардан иборат? Ёшларда жамият равнақи учун хизмат қиладиган ижодий қобилиятларни ўстириб бориш, фикрлашга ундовчи, доимий равишда билимларини тўлдириб бориш – дарслар самарадорлигининг биринчи галдаги вазифасидир.

Фикримизнинг энг олдинги қаторига талабаларнинг билиш жараёнини сурсак бўлади. Билиш жараёни шундай фаолиятки, у ўқитувчидан ўзганинг фаолиятини ташкил қилишни талаб этади.

Таълим мураккаб жараёндир. Талаба дарсда берилган мавзунинг тузилишини тушуниб етсагина, билимларни хақиқатдан ўзлаштириб олиши мумкин. Топшириқларда ўзлаштирилган материалдан тўғри фойдаланиш, ўтилаётган мавзу бўйича ўзлаштиришнинг муҳим кўрсаткичидир. Талабаларга дарс давомида нафақат янги билимларни бериш билан кифояланиб қолмасдан, уларда илм олиш эҳтиёжларини (мотив) кучайтириш, турли билим манбалари билан ишлашни, уларга ўз ҳаракатларини режалаштиришни йўлга қўйишни, билиш жараёни ҳаракатлари, операциялари ҳақида маълумот беришни, фикрни бир жойга тўплай билишни, мақсадни йўналтира билиш, интизомлиликка, эришилган натижани тўғри баҳолай олишга ўргатиш зарурдир.

Талабаларнинг дарс вақтида ўқиш сифати ва маҳсулдорлиги қанчалар юқори даражада бўлса, шунчалик уларнинг мустақил билиш фаолияти ташкил қилинган ва таъминланган ҳисобланади. Шу боисдан ҳам дарс давомида “фикр юритиш асбоби” тўғри ясалиши лозим. Бу ерда янги билимлар назарияси ва усулларини мустақил равишда ўзлаштиришга қулайлик яратиш орқали олинган методологик билимлар ҳақида сўз юритилмоқда. Бу эса ҳақиқатан ҳам ўта индивидуал, шахсга қаратилган таълим технологиясидир. Бунда ҳар бир талаба ўзлигича ҳаракат қилиши, ўқитувчи ёрдами эса турлича кўринишларга эга бўлиши мумкин. Лекин уларнинг ҳар бирида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги, таълим мақсадларининг ойдинлаштирилиши, натижалар тушунарли бўлиши, айрим ўқитувчиларнинг ўз хатоларини англаши, “алоқа канали”нинг ўрнатилиши ва ўқишнинг эҳтиёжга айлантирилиши шартдир.

Шу ўринда қомусий олим Абу Райҳон Беруний таълимий методлар (оғзаки баён этиш, кўргазмали, қиёслаш, муаммоли ва тарихий тадқиқот, синовли текшириш) аҳамиятини кўрсатиб шундай деган эди: “Фақатгина сезги аъзолари ёрдамида ўзлаштирилган билимлар хатоларга олиб келиши мумкин. Агар инсон сезгиларидан фикрлаш, тафаккурда ишлаш, амалиётда текшириш ва хулоса чиқариш усуллари ёрдамидан фойдаланса, нарсаларни ўрганишда жуда катта ютуқларга эришмоғи мумкин бўлади”.

Маълумки, ўқитиш уч бўлинмас компонентдан иборат: таълим мазмуни, ўқитиш ва ўқиш фаолиятларидан. Илмий билимларнинг ҳар қандай соҳаси (математика, физика, кимё, тарих ва ҳ.к.) аниқ билимлар тизимини ҳосил қиладики, булар фан деб юритилади. Тизим сифатида эса ички тузилиш ва бир-бирига алоқадор элементлар мажмуидан иборатдир. Ҳар бир фанда умумлаштирилган назарияларни аниқ билимларга ажратиш мумкин (физикада бу механика, электр ва молекулалар назарияси ва ҳ.к.). Ўз навбатида, ҳар бир назарияни яна ташкил қиладиган элементларга ажратиш мумкин. Булар: тушунчалар, қонуниятлар, ғоялар, тамойиллардир.

Худди мана шу юқоридаги ўқув элементларини тўғри ташкил қилиш ўқитувчидан катта масъулият талаб этади. Қисқа вақт ичида таълимда юқори натижага эришиш учун таълим қандай тўғри йўлга қўйилиши керак? Талабаларнинг ижодий билиш фаолияти бу назарий билимлар олиш ва уларни мустақил изланиш асосида амалиётда қўллай билишидир. Талабанинг ўқув-билиш жараёнида икки турдаги маълумот кузатилади: эсда олиб қолган маълумотларни тиклаш (репродуктив) ва олдиндан билиш маълумоти (прогноз). Эсда олиб қолган маълумотлар ўқувчи томонидан тайёр ҳолда ўзлаштириладиган ўқув материалидир. Бунда ўқувчи онгига маълумот келиб тушади ва уни қайд қилади, сўнгра нутқи орқали юзага чиқаради.

Олдиндан билиш маълумоти – бунда ўқувчи тайёр билим келишидан олдинроқ, унинг онгида ишланадиган ўқув материалидир. Ўқувчи уни ўз онги ва нутқи орқали рўёбга чиқаради ва кейингина унинг тўғрилигини эталон билан солиштириб кўради. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, ҳар қандай ижодий фаолият асосида эталон натижадан фарқ қиладиган муайян далиллар асосида бирор ўқув материали натижасини бошқалардан олдин билиш

маълумоти ётади. Олдиндан билиш маълумотида натижага мос тушмаслиги мумкин бўлган хатоликларга йўл қўйилади, чунки бу ерда бир нечта текширилмаган вариантлар мавжуд бўлади. Қанчалик текширилмаган вариантлар кўп бўлса, шунчалик уларнинг эталон натижасига мос тушиш эҳтимоли кам бўлади. Ижодий бўлмаган фаолият (репродуктив – эсда олиб қолган маълумотни тиклаш) фақат бир ягона вариант қатнашади ва бу эса аниқ ва тўғри натижани беради. Ижодий ва ижодий бўлмаган фаолиятнинг тамойили худди ана шу ерда яққол намоён бўлади. Демак, ўқув материалини “Олдиндан айтиб бериш маълумоти” орқали ўзлаштирилсагина ижодий фаолият олиб борилади.

Таълим сифати ҳам шкалалар бўйича тебранишга эга. Бу тебранишлар тўласинча ўқувчиларнинг дарс давомидаги ички бир ботиний ўзлаштиришга бўлган интилишларига боғлиқдир.

Маълумки, яхши дарс ўқув вазиятлари билан тўлдирилиб борилади. Яхши ўтилаётган дарс талабаларни саволлар, иккиланишлар, ҳайрат ва эътиборлиликка етаклайди. Буларнинг ҳаммаси талабаларда ўқитилаётган ва тадқиқ қилинаётган нарсани нафақат англашга, бир вақтнинг ўзида уларнинг тушунмаган жойларига эътиборини қаратишни, саволлар туза билишни, аниқланмаган жиҳатларига аниқлик кирита билишни ҳам ўргатади. Худди манна шу йўл билан таълимда изланувчанликка, жумбоқларни ечишга иштиёқ, буюк илмга нисбатан интилиш каби қимматбаҳо истакни талабалар қалбида пайдо қилади.

Абдувахидов Абдумалик Махкамович,
доктор экономических наук, профессор ТГЭУ
Маннопова Элзара Тораховна
Старший преподаватель ТГЮУ
Баходиров Музаффар Кадир угли
Студент факультета «Бухгалтерского учета» ТГЭУ, Ташкент, Узбекистан

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА ОБРАЗОВАНИЕ

Актуальность проблемы. Образование и обучение являются самыми лучшими инвестициями в будущее любого государства. Они играют жизненно важную роль в стимулировании экономического роста, инноваций и создании рабочих мест. Системы образования и обучения должны быть реформированы таким образом, чтобы созданная система могла дать людям перспективные знания, навыки и компетенции, необходимые им для инноваций и процветания, обеспечить мобильность и транспарентность взаимоотношений между объектами и субъектами образовательного процесса.

Целесообразно будет создание единого образовательного пространства среди стран СНГ на фоне проводимых широкоформатных реформ и планируемых стратегических мероприятий, направленных на развитие и

укрепление нашего государства. Образование и обучение также играют важную роль в создании единой идентичности, основанной на общих ценностях и культурах. Образование должно помогать молодым людям формулировать свою идеологию и заниматься любимым делом, участвовать и формировать будущее нашего государства, характеризующейся демократией, солидарностью. Цифровая технология обогащает обучение различными способами и предлагает возможности обучения, которые должны быть доступны для всех. Это открывает доступ к большому количеству информации и ресурсов.

Пути решения проблемы. Важнейшее изменение в образовании – это взгляд на образование с критической точки зрения и разрушение всех традиционных инструментов, которые делают образование, жесткой, застойной и неспособной справляться с последними технологическими достижениями. Правительство, бизнес-сектор и ведущие специалисты различных сфер человеческой деятельности должны нести ответственность за руководство и контроль за переходом к процессу цифровизации, которая стала важным компонентом социальной жизни и развития.

Одно из самых важных образовательных инструментов - онлайн-обучение. Это стало важным способом приобретения знаний посредством регистрации в зачисленных курсах, где учащиеся зачисляются в высшее образование или проходят тренинги по профессиональной подготовке. Развитие технологий образования позволило онлайн-образованию стать более доступным. Студентам требуется только компьютер, подключение к Интернету и основные ИТ-навыки [3].

Научно обоснованные предложения и рекомендации. Цифровая экономика описывается как экономическая деятельность, которая каждый день реализуется благодаря миллиардам онлайн-подключений среди людей, компаний, данных и устройств.

Одно можно сказать наверняка. Когда дело доходит до образования и цифровой экономики, шансы обучающихся на успех будут во многом зависеть от навыков в области информационных и коммуникационных технологий (ИКТ), которые разрабатывались в течение академической деятельности обучающегося, как в рамках учебной программы, так и в рамках своей собственной инициативы по сбору необходимых навыков.

Чтобы достичь успеха в цифровой экономике, нам абсолютно необходимы навыки ИКТ. В противном случае возможности трудоустройства пройдут через нас, так как другие, более подготовленные, получат преимущество и предпочтение со стороны заказчиков.

Наше общество и экономика все больше проникают в цифровые технологии. Технология в ее различных формах является значительной частью нашей рабочей среды и нашего образа жизни. Тем не менее, существует разница между использованием цифровых технологий в повседневной жизни и в образовании. Цифровая технология имеет огромный, в значительной степени неиспользованный потенциал для улучшения образования.

Инновации в образовании и обучении во многом зависят от расширения прав и возможностей преподавателей. Необходимо организовать образовательные платформы или фонды, занимающиеся поддержкой и финансированием повышения квалификации преподавателей, желающих обучиться и повысить квалификацию за границей. На сегодняшний день в Узбекистане нет таких организаций, занимающихся подобного рода видом деятельности. Нет централизованной организованной структуры, способной контролировать и продвигать деятельность и обеспечивающая дальнейшее продвижение преподавателей, которые повысили квалификацию за границей. Например, Erasmus+ достигает этого путем обучения по принципу «равный-равному».

Чтобы внедрить инновации и технологии в класс, преподаватели нуждаются в правильной среде, инфраструктуре, устройствах и поддержке руководства. Использование цифровых технологий для студентов и сотрудников требует подхода, который сочетает в себе подготовку преподавателей, учебные планы и учебные материалы, которые подходят для моделей, поддерживаемых цифрами. Этот общесистемный подход к внедрению цифровых технологий для обучения и образования находит свое отражение в инструменте самооценки SELFIE, который был опробован в школах в 14 странах.

Приобретение цифровых навыков необходимо начинать с раннего возраста и вести на протяжении всей жизни. Это может произойти как часть учебных программ или занятий после школы. Молодежь является активным пользователем Интернета, приложений и игр, и им кроме того необходимо узнать о базовых структурах и основных алгоритмах, а также стать цифровыми создателями и лидерами.

Развитие цифровой экономики дает большие преимущества в устранении гендерного разрыва в образования, так как этот вопрос до сих пор остается уязвивым вопросом в жизни множества людей. В то время как девочки и мальчики имеют одинаковый уровень интереса и компетентности в цифровых технологиях, меньше девочек продолжают развивать этот интерес к учебе или к своей карьере. Девочки и молодые женщины нуждаются в позитивных примерах, образцах для подражания и поддержке для преодоления стереотипов и понимают, что они тоже могут начать успешную карьеру в области ИКТ. На сегодняшний день деятельность проектов таких как Technnovation, DigiGirls в Узбекистане показывает изменения отношения относительно места женской половины в образовании в области ИКТ. Расширение участия женщин в этой карьере поможет развить цифровой потенциал нашей страны и обеспечить, чтобы женщины занимали равные места в формировании цифрового сообщества.

В 2013 году Ташкентский государственный юридический институт был преобразован в Ташкентский государственный юридический университет. Перед университетом были поставлены важные задачи в преобразовании существующей системы подготовки юридических кадров. Необходимо было

создать и внедрить абсолютно новую систему подготовки юридических кадров, отвечающих требованиям времени и международным стандартам. Перед университетом стояло ряд проблем, требующих кардинальных преобразований:

- устранение коррупции;
- создание системы, отличающий от существующей и отвечающий требованиям современного мира, обеспечивающая транспарентность и прозрачность системы;
- кардинально изменить образовательную систему, не удовлетворяющую потребностям рыночной экономики.

Устранение этих проблем, в свою очередь, требовало от руководства системного подхода к решению перечисленных проблем и принятии решений.

Необходимость создания новой системы в ТГЮУ обусловлено было созданием и внедрением информационной системы учета и контроля успеваемости обучающихся в вузе, структурными преобразованиями в управленческом составе вуза. На сегодняшний день изменена система подачи документов в вуз, которая является первыми шагами в интеграции цифровой экономики в образование.

Для обеспечения эффективного управления образовательным процессом необходимо было для начала создание информационной системы, включающую учет и мониторинг успеваемости обучающихся на основе модульно-кредитной системы образования.

Ожидаемый эффект. На сегодня в ТГЮУ в управлении образовательным процессом и с целью повышения эффективности принимаемых решений внедрена новая система – система учета и мониторинга успеваемости обучающихся – srs система – srs system – student rating system – которая помогла поднять эффективность принимаемых решений в разы. Она включает в себя несколько модулей:

- генерация ID – идентификационного номера по модулям и по видам контроля;
- распределение промежуточных работ среди преподавателей автоматически;
- оценка и ввод со стороны профессорско-преподавательского состава просмотренных и оцененных работ;
- сбор и обработка информации, анализ и подготовка данных к принятию решений.

Отечественная система образования отличается от европейской и других систем тем, что образовательный процесс включает в себя не только само образование, но и воспитание, организационную и научную деятельность. Многообразие видов деятельности образовательного учреждения усложняет процесс управления и принятия эффективного решения.

До сегодняшнего дня сделано очень много работ. Хотелось бы отметить, что несмотря на то что сделано многое, все же остается еще много нереализованных моментов, включенных в дальнейшие стратегические планы

по усовершенствованию системы управления образовательным учреждением. Это:

- создание информационной системы по научной деятельности;
- создание информационной системы по организационной деятельности;
- создание информационной системы по духовно-просветительной деятельности;
- создание системы KPI – Key Performance Indicators – ключевые показатели эффективности – системы мотивации ППС и сотрудников вуза;
- интеграция всех систем в единую информационно-интеллектуальную систему управления образовательным вузом.

Мамаражабов Шавкат Эргашевич,
Педагогика фанлари номзоди, доцент
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

ИЧКИ ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Маълумки, ҳозирда таълим жараёнини ташкил этиш олдида турган асосий муаммолардан бири таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уни ташкил этиш масаласидир. Ушбу муаммони ҳал этиш доирасида қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Таълимни дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштиришга оид тадқиқот ишларини чуқур таҳлил этган ҳолда Н.С. Пурышева “дифференциаллаштириш” ва “индивидуаллаштириш” тушунчаларини аниқлаштиришга оид турлича ёндашувни таклиф этади, яъни таълимни дифференициаллаштиришни иккига: ички (индивидуаллаштирилган) ва ташқи турларга ажратади. Биз, муаллиф сингари, ички дифференциаллаштириш ёрдамида талабаларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олишни амалга оширилишга имкон беришини янада яққол намоён бўлишини таъкидламоқчимиз.

Биринчи навбатда бизни ички дифференциаллаштириш кўпроқ қизиқтиради, сабаби ташқи дифференциаллаштириш таълим муассасасида амалга оширилган, талабалар танлаган касбига мувофиқ ҳолда турли йўналишларда таълим олишади.

Ички дифференциаллаштиришнинг қуйидагича амалга оширилиши Н.С.Пурышева томонидан таклиф этилади: индивидуал ёндашувни амалга ошириш (мажбурий тайёргарлик даражаси) ва даражали дифференциаллаштириш (юқори тайёргарлик даражаси).

Бундан кўриниб турибдики, ички дифференциаллаштириш нафақат таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олишнинг анъанавий шакли (таълим олувчиларга индивидуал ёндашув), балки даражали дифференциаллаштириш шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ички дифференциаллаштириш деганда, одатдаги гуруҳларда талабаларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш доирасида ўқитиш амалга ошириладиган таълимнинг ташкил этилиши тушунилади. Уларнинг

барчаси бир хил ўқув режаси, дастурлари ва қўлланмалари билан ишлайди, фақат ўқитувчи индивидуал методлар, шакллар ва таълим воситалари ҳамда назорат усулларини қўллайди. Бунда турли даражадаги билиш фаолиятларини амалга ошириш учун академик гуруҳ ичида кичик гуруҳларни ташкил этиш мумкин. Мазкур ёндашув асосида ички дифференциаллаш таълимни индивидуаллаштириш деб аталади. Ички дифференциаллаштиришнинг асосий мақсади "таълим жараёни ва таълим олувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини мувофиқлаштириш, ҳар бир ўқувчининг психик ривожланишини таъминловчи шарт-шароитларни яратиш" ҳисобланади.

Даражали дифференциаллаштириш қўлланиладиган таълим таълим олувчиларнинг ўз индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув материали ўзлаштирилишининг мураккаблик даражасини мустақил ва ихтиёрий танлаш имконини беради. Даражали дифференциаллаштириш ўзлаштиришнинг бир нечта даражасини назарда тутади: таянч (мажбурий тайёргарлик даражаси) юқори ва юқори (ҳар иккиси минималдан юқори бўлган талабалардан иборат даражани ифодалайди) ва (ёки) тайёргарлиги яхши бўлган талабаларнинг имкониятлари ва қизиқишларига мувофиқ келадиган ёки қобилияти суст бўлган талабалар учун "ривожланишининг яқин доираси" ҳисобланадиган. Таълим олувчиларнинг ушбу даражалардаги ҳаракати ихтиёрий бўлиб, талабага "мунтазам равишда ривожланишнинг яқин доирасида, таълимнинг индивидуал максимал кучли даражада бўлиши кенг" таъминланиши имконини беради.

Таълим дараёнида даражали дифференциаллаштиришни амалга оширишда таянч даражани – мажбурий тайёргарлик даражасини ажратиш муҳим бўлиб, ундан келиб чиққан ҳолда материални ўзлаштиришнинг юқори даражасини шакллантириш мумкин бўлади.

Таянч билим даражаси олий таълимнинг маълум ҳар бир тайёрлов йўналиши бўйича давлат таълим стандарти асосида белгиланиб, ҳар бир таълим олувчи учун тааллуқли бўлади.

Юқори мураккабликдаги даража назарий материалларни нисбатан кенгроқ қўллашни талаб этувчи топшириқларни ўз ичига олади, шунингдек, у ёки бу масалани ечишда маълум бўлган алгоритмлар чегарасидан чиқишни ҳам назарда тутади. Юқори даража етарли даражада мураккаблиги билан ажралиб турадиган ҳамда тайёр ечиш алгоритми мавжуд бўлмаган топшириқларнинг бажарилишини назарда тутади.

Аммо шуни таъкидлаш лозимки, таклиф этилаётган барча даражалар учун талаблар, шунингдек, уларни баҳолаш шартлари ва мезонлари таълим олувчилар учун тушунарли тарзда баён этилиши керак. Шундан келиб чиқиб, улар топшириқларнинг мураккаблик даражасини ўз қобилиятларига мувофиқ ҳолда ихтиёрий танлаш имкониятига эга бўлади, бу эса ҳар бир таълим олувчининг таянч даражадан паст бўлмаган назарий материал ҳажмини тўлақонли олиш имконини беради.

Бундан ташқари турли даражалар учун талабларнинг очиқлиги турли мураккаблик даражадаги таълим мазмунини ихтиёрий англанган ҳолда

индивидуал танлаши учун асос бўлади, талабага унинг хусусиятлари ва қизиқишларини эътиборга олган ҳолда тўла ривожланиши учун мувофиқ келадиган индивидуал таълим траекториясини танлашини таъминлайди.

Шундай қилиб, ички дифференциаллаштириш ҳар бир таълим олувчининг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш имконини беради. Бунда ўқитувчи учун қўйиладиган асосий талаб: уларнинг ривожланиш даражасига мувофиқ келадиган талабларни қўя билиши, уларга мос топшириқларни ишлаб чиқиши, шу асосда методлар ва таълим шаклларини танлай билишидир. Таълим жараёнининг натижаси эса талабаларнинг фанни ўрганишга бўлган мотивацияси ошиши ва ўз-ўзини баҳолашда уларнинг фаоллашишида намоён бўлади.

Муминова Л.Р., *д.пед. н., профессор,*
Назарова Д. А. , *к. пед. н., доцент,*
Республиканский центр социальной адаптации детей
г.Ташкент, Узбекистан

БУДУЩИЕ ПЕДАГОГИ ОБ ИНКЛЮЗИВНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Инклюзивное образование – это наиболее современный термин, который объясняется следующим образом: это реформирование школ и перепланировка учебных помещений таким образом, чтобы они отвечали нуждам и потребностям всех без исключения. Международный опыт показывает, что развитие системы инклюзивного образования-долгосрочная стратегия, требующая комплексного подхода для ее реализации, последовательности, непрерывности и поэтапности.

Идея инклюзивного образования пришла в Узбекистан в 1996 году. Основная идея инклюзивного образования подразумевает, что не ребенок должен готовиться к включению в систему образования, а сама система образования должна быть готова к включению любого ребенка [1]. Инклюзивное обучение основывается на философии, согласно которой все дети вне зависимости от тяжести нарушений, являются неотъемлемой частью образовательной системы. Дети с ограниченными возможностями в Республике Узбекистан имеют право выбора между общеобразовательной и специализированной школами. В республике функционируют 86 специализированных школ-интернатов, развитию которых государство уделяет не меньше внимания, чем общеобразовательным.

Согласно Закону Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка» в статьеДети с недостатками физического и (или) психического развития и дети-инвалиды имеют право на обучение и воспитание в образовательных учреждениях по разработанным специально для них образовательным программам и получать образование, соответствующее их физическим, умственным способностям и желаниям» [2].

Как отмечал Л.С. Выготский «…глубоко антипедагогично правило, сообразно которому мы, в целях удобства, подбираем однородные коллективы

аномальных детей. Делая это, мы идем не только против естественной тенденции в развитии таких детей, но, что гораздо более важно, мы лишаем аномального ребенка коллективного сотрудничества и общения с другими, стоящими выше него детьми, усугубляем, а не облегчаем ближайшую причину, обусловливающую недоразвитие его высших функций» [3].

На сегодняшний день численность детей с ограниченными возможностями в областях республики увеличивается, так за 4 года количество детей с различными психофизиологическими нарушениями увеличилось на 13708 тысяч. Самая большая численность детей с инвалидностью зафиксирована в Андижанской, Кашкадарьинской, Самаркандской и Ферганской областях.

С ростом численности детей с возрастает и потребность в подготовке педагогов в целях обеспечения полноценной образовательной интеграции детей с инвалидностью.

Однако с 2014-2016 году в Узбекистане в рамках проекта «Инклюзивное образование для детей с особыми потребностями в Узбекистане», финансируемый Европейским Союзом, реализованный в Ташкентской, Самаркандской, Наманганской, Хорезмской и Сурхандарьинской областях, 907 ребенка с особыми образовательными потребностями были включены в систему общего образования в 27 пилотных школах и 27 детских садах, при этом общее число детей, получивших выгоду от проекта, достигает 1500. Кроме того, 1350 членов медико-психолого-педагогических комиссий и педагогических сотрудников были обучены предоставлению инклюзивных образовательных услуг; разработаны и утверждены 3 обучающих модуля по подготовке, повышению квалификации и переподготовки педагогов по внедрению инклюзивной практики в систему образования Узбекистана [4].

Указом Президента Республики Узбекистан от 1 декабря 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы государственной поддержки лиц с инвалидностью», в пункте 31 предусмотрено «разработка механизмов реализации права каждого ребенка с инвалидностью на получение инклюзивного образования»[5]. Принятие данного указа свидетельствует о том, что законодательная база, созданная Республикой Узбекистан в годы независимости, создает необходимую основу для дальнейшего развития инклюзивного образования. Согласно статистическим данным в Республике Узбекистан по состоянию на 1 января 2018 года 670 000 лиц с инвалидностью, из которых молодые люди от 16 до 30 лет более 70 000 человек[1], [2], [3],[4],[5],[6], [10].

В целях дальнейшего развития интегрированного образования в проект новой редакции Закона «Об образовании, предложено введение отдельным пунктом статьи об инклюзивном образовании, министерством образования утверждено Положение «О непрерывном инклюзивном образовании детей и подростков с нарушениями в психофизическом развитии. Проведенный мониторинг по реализации инклюзивного образования в республике показывает, что на сегодняшний день недостаточно обеспечено кадрами-

специалистами, для работы в инклюзивных классах и группах, неподготовленность педагогов общеобразовательных школ и ДОУ по работе с детьми с особыми нуждами и тд.[2] Таким образом, не только законодательная база, но и общество должно быть готово к принятию идеи инклюзивного обучения.С 2017 года Республиканский центр социальной адаптации детей реализовал фундаментальный проект «Создание системы качественного, непрерывного инклюзивного образования в РеспубликеУзбекистан». Одной из основных задач в рамках данного проекта изучение осведомленности об инклюзивном образовании студентов Педагогических институтов областей Республики Узбекистан. В рамках проекта проведено анкетирование 2510 студентов Джизакского Государственного Педагогического института, Кокандского Государственного Педагогического института, Бухарского Государственного Педагогического института, Навоинского Государственного Педагогического института.

На вопрос «Что вы понимаете под образовательной инклюзией детей с особыми потребностями (инклюзивным образованием)»? 55 % респондентов подразумевают под инклюзивным образованием обучение детей с особыми потребностями в специализированных учреждениях; 13 % - обучение на дому; 10% - обучение детей с особыми потребностями в специализированных школах; 8,7 % обучение детей с особыми потребностями в общеобразовательных учреждениях; 8,6% - впервые слышат об этом

Таким образом, 80 % будущих педагогов Джизакской, Кокандской, Навоинской и Бухарской областей считают, что инклюзивное образование, это обучение детей в специализированных учреждениях, спец.школах, или обучение на дому. Это свидетельствует о том, что будущие учителя не владеют не только информацией об инклюзивных школах, но и о методах работы с детьми имеющих особые потребности. Исходя из опроса респондентов можно сделать вывод о том, что будущие выпускники Педагогического института соответственно являются сторонниками раздельного обучения особых детей, в виду отсутствия знаний в данной области. Отсутствие знаний у студентов в данной сфере показывает также, что преподаватели педагогических институтов преподающие «будущим педагогам» сами нуждаются в получении информации по инклюзивному образованию, в том числе о методах работы с детьми с особыми потребностями, которая является одной изспецификой работы любого педагога.

На вопрос «Я убежден(а), что инклюзия детей с особыми потребностями в образовании больше всего нужна»: более 60 % респондентов отмечают, что инклюзия нужна только детям с проблемами со здоровьем; в сравнении с другими областями самый высокий показатель 19,4 % Бухарской области, считают, что только обычно развивающимся детям; более 30% всех респондентов, отмечают, что нужна всем детям, так как с детства помогает видеть и ценить различия; 1,7 % нужна учителям; 4% студенты Навоинской области не уверены, что это необходимо. Во время работы с аудиторией велика роль педагога и от того как будет относиться преподаватель к детям с особыми

потребностями будет зависеть климат в группе и отношения родителей к данному ребенку. Однако отсутствие у «будущих педагогов» пока ещё практики работы не дает оценить всю масштабность их ответственности перед будущим поколением. Респонденты отмечают, что инклюзия нужна всем детям, что свидетельствует о том, что респонденты понимают, что совместное обучение повышает ответственность, не только у педагогов, но и развивает чуткое отношение у детей кдруг другу, но опять же при правильном направлении педагога.

Основным барьером для инклюзии детей с особыми потребностями в образовании, более 40 % респондентов, считают не знание родителей своих прав, стереотипы общества отмечают только 22 % всех респондентов. 17,8 % отмечают, что отсутствие квалификации и гибкости педагогов является основным барьером инклюзии. Неподготовленность будущих педагогов к работе в инклюзивной образовательной среде подтверждается проведенными исследованиями. Следует отметить, что инклюзивное образование достижимо в той социальной среде, которая готова к восприятию самой этой идеи.

Согласно проф. П.Миттлеру [5] интеграция аномальных в школы массового типа может быть успешной лишь при: интегрированное обучение должно осуществляться лишь на основания желания родителей; аномальному ребенку должна предоставляться специальная педагогическая помощь; аномальный ребенок должен принимать участие в деятельности школы вместе с остальными учащимися, имеющая среду без барьеров для передвижения.

Соответственно развитие инклюзивного образования в нашей стране не приведет к закрытию специальных образовательных учреждений в виду того, что среди детей с инвалидностью, имеются и дети с двумя выраженными дефектами (слепоглухие, умственно отсталые глухие), дети с множественными нарушениями в развитии, когда имеются три или более нарушений развития). Однако в большинстве случаев такая категория детей находится за рамками образовательного пространства, именно эти дети пополняют ряды сирот, отторгаются от семей и посещаются в специальные интернаты.

Исходя из результатов исследования можно сделать вывод о том, на сегодняшний день остро стоит проблема неготовности учителей массовой школы (профессиональной, психологической и методической) к работе с детьми с особыми образовательными потребностями, обнаруживается недостаток профессиональных компетенций педагогов в работе в инклюзивной среде, наличие психологических барьеров и профессиональных стереотипов учителей.

Исходя из вышеизложенного вносятся следующие рекомендации:

- введение в программу обучения педагогических институтов дисциплины «Инклюзивное образование»;

- повысить квалификацию преподавателей ДОУ, школ и ВОУ в рамках семинара-тренинга «Инклюзивное образование».

- проведение семинаров – тренингов по осведомлённости об инклюзивном образование родителей, общества.

Мустафоева Дурдона Асиловна,
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти

МАСОФАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Масофавий таълим кенг маънода – замонавий технологиялар ёрдамида масофадан туриб билим олиш имконияти бўлиб, бу жараёнда Интернет тармоғи асосий ва муҳим ўрин тутади. Яъни ўқитишнинг янги шакли бўлиб, у ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолдаги кўринишларидан фарқ қилади. У таълимнинг янги шакллари, методлари, воситалари, ташкил этилиши, педагог ва тингловчи ўртасидаги ҳамда тингловчиларнинг ўзаро мулоқоти шаклларини назарда тутади.

Шунингдек, бундай таълимнинг ўзига хос турли шакллари, ижтимоий буюртма билан асосланган ўз мақсадига, танланган таълим муассасасининг ўқув дастурларида белгиланган мазмун ҳамда ўқитиш методларининг ташкилий шакли ва махсус воситаларига эга бўлади.

Масофавий таълим асосини ташкил этган замонавий компьютер телекоммуникация технологиялари, билимларни узатиш ва тингловчиларни турли хил ўқув ахборотлари билан таъминлаш бўйича ўқитишнинг анъанавий воситаларидан устунлик қилиши билан фарқланади. CD-ROM интерактив дисклар, эълонларнинг электрон доскаси, мультимедиали гиперматн, Интернет интерфейслари ёрдамида глобал тармоқдан маълумот ва билимларни олиш тингловчиларни ўзаро мулоқот жараёнига фаол жалб қилиши ва педагогик жараёнларни бошқариш имкониятини бериши билан ажралиб туради.

Таълимда бу хилдаги замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг турли ўқув фанлари ўқитувчилари томонидан қўлланилаётгани таълимнинг самарадорлигини оширишда, уни интенсивлаштиришда муҳим тамойил саналади ҳамда педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ташкилий-методик таъминотини енгиллаштиради. Шунингдек, ўқитувчилар малакасини оширишга қаратилган масофавий таълим компьютер тестлари ёрдамида ташхис ва назорат қилишнинг интерактив, педагогик тажриба алмашиш методларига таяниб, курс тингловчиларига иш жойларида, ўзлари учун қулай пайтда зарур амалий ёрдам кўрсатишни таъминлайди.

Масофавий малака ошириш таълими тингловчиларни масофавий таълим ресурслари ва воситалари асосида ўқитиш методи; индивидуаллаштирилган ўқитиш методи; тингловчи томонидан ўқитувчи ёки экспертга тақдим этиладиган ўқув материалларини ўзлаштиришга асосланган метод; ўқув жараёни барча иштирокчиларининг ўзаро фаол таъсирлашуви асосида ташкил этилган методларга таянади.

Бунда биринчи метод учун мультимедиали ёндашув характерли бўлиб, турли ўқув воситалари ёрдамида нашр, аудио-видеоматериалларга асосланган таълим ресурслари яратилади ва компьютер тармоғи орқали тингловчиларга қуйидаги ўқув материаллари етказилади: маълумотларнинг интерактив базаси; электрон журналлар; ўргатувчи компьютер дастурий маҳсулотлари (электрон дарсликлар).

Маълумотларнинг интерактив базаси телекоммуникация технологиялари орқали ўзлаштириш мумкин бўлган тизимлаштирилган билимлар мажмуаси бўлиб, улар асосида курс ташкилотчилари яратилган ресурслар ёрдамида тингловчи ва педагоглар учун зарур материаллар базасини таъминлаб турадилар. Электрон журналлар даврий нашрлар ҳисобланиб, таълим олувчиларга компьютер тармоғи орқали етказилади. Улар таълим олувчилар учун муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида таълимни ривожлантиришнинг асосий дидактик тамойиллари масофавий таълим шакллари учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Педагог ўқитишнинг тарбиявий ҳамда ривожлантирувчи вазифалари (мақсад)га йўналтирилганлик тамойилига кўра, тингловчиларда маълум билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш билан бирга, аниқ бир мавзу бўйича машғулотнинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи омилларини ҳам эътиборга олиш лозим.

Масофавий таълимда бу тамойил тингловчини билиш фаолиятининг креатив тавсифи тамойили кўринишида талқин қилинади. Креатив ахборот технологияси интерактив хусусиятга эга бўлиб, тингловчидан қабул қилинадиган умумий ахборотлар тавсифини хусусий вазиятларга татбиқ қилишни талаб этади. Ўқитишнинг илмийлик тамойилини масофавий таълим жараёнида амалга ошириш тингловчиларнинг маълум фан мазмуни бўйича илмий далиллар, тушунча ва қонуниятлар ҳамда назарияларни ўзлаштиришини назарда тутади. Илмийлик тамойили тингловчилардан илмий изланиш кўникмаларини ривожлантиришни талаб этади. Бунинг учун лаборатория ва амалий машғулотларни бажаришда муаммоли таълим методларини кенг қўллаш талаб этилади.

Мазкур тамойилнинг масофавий таълимда муваффақиятли амалга оширилиши ўзлаштириладиган билимларнинг фундаменталлигини таъминлашга хизмат қилади.

Таълимнинг фундаменталлиги тамойилига кўра тингловчи, ўқув дастури мавзуларини ўзлаштиришда ижодий мазмундаги топшириқларни бажариши талаб этилади. Бу тамойил ижодий мазмундаги масофали ўқитишни, асосан, маълум ҳажмдаги мазмунини тўғридан-тўғри ўзлаштиришни назарда тутувчи анъанавий таълимдан фарқлаб туради.

Шунингдек, масофавий ўқитишда, аниқ фаолият йўли билан ахборотларни қабул қилишнинг эркин танлаш тамойилини ҳам юқоридаги тамойилнинг давоми сифатида қараш мумкин. Тизимлилик ва изчиллик тамойили эса анъанавий ўқитишда билимлар, кўникма ва малакаларни маълум тизимда, аниқ кетма-кетликда, ўқув материалининг ҳар бир янги элементини

бир-бирлари билан узвий боғлиқликда ҳамда мантиқий кетма-кетликда берилишини тақозо этади. Масофавий таълимда тингловчининг индивидуал таълим олиш бўйича чизиқли тамойили шаклланади.

Масофавий таълим тизими кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш ҳамда таълим муассасаларини касбий тайёргарликка эга бўлган кадрлар билан таъминлашда ижобий самара беради.

Аҳмедов Хуршид Пўлатжонович, *мустақил изланувчи,*
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
давлат бошқаруви академияси

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА РЕЙТИНГЛАШ ТИЗИМИ: УНИНГ ЎРНИ ВА ТАЪСИРИ

Олий таълим муассасалари сифати ва қамровини ошириш бугунги кунда ҳар бир давлат учун ўзига хос устувор вазифа ҳисобланади. Уларни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш ҳамда уларда олиб борилаётган тадқиқотларнинг жамият ҳаётидаги муаммоларни бартараф этишдаги ҳамда инсон ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилиши кўпчилик олимларнинг фикрича, ҳар бир олий таълим муассасаларининг олдига қўйган вазифасидир.

Олий таълим муассасаларини рейтинглаш уларнинг мавжуд камчилик ва ютуқларини кўриб чиққан ҳолда, уларнинг миллий ва халқаро даражадаги ўрнини аниқлашдир. Уларнинг рейтинг даражаси – уларнинг сифат кўрсаткичи сифатида кўриб чиқилиши олий таълим муассасалари учун келажакда ривожланиш учун ўзига хос туртки бўлиши мумкин.

Рейтинг тизимининг тўлиқ йўлга қўйилиши бевосита Олий таълим муассасалари ўртасидаги рақобатни юзага келтиради ва ушбу индекс бевосита инсон капитали сифати ошишига хизмат қилади, бу ўз навбатида инсон ҳаёти фаровонлигига хихмат қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ. Олий таълим муассасаларини (ОТМ) рейтинглаш тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, уларни рейтинглаш биринчи марта XX асрнинг бошларида АҚШда ўтказилган. Муайян олий таълим муассасаси рейтингини олиб бориш учун махсус баҳолаш тизими мавжуд бўлган, лекин бу ҳозирги кунда мавжуд бўлган одатий бакалавр даражасини берувчи олий ўқув муассасаларини рейтинглаш биринчи марта АҚШда 1983 йилда “US News and World Report” томонидан чоп этилган ва у истеъмолчилар каталогига ўхшаган бўлган. Германия университетларининг биринчи марта 1984 йилда амалга оширилган рейтинги умуман бошқача бўлган: бутун олий таълим тизимининг монолит тузилмаси, сифат фарқларининг мавжудлигидир[7].

Рейтинг – методология ва жараёнлар асосида белгиланган ёндашув бўлиб, институтларнинг бутун фаолияти ёки уларнинг муайян фаолияти соҳаси қиёсий ҳолатини кўрсатади. Кўпчилик “рейтинглар” ва барча “рейтинг жадваллари” институтлар ёки ўқув дастурларининг сифатини, келтирилган фаолият соҳалари

[7] Rau, E. ‘Mal diese, mal jene and der Spitze: Eine Rangfolge deutscher Hochschulen anhand der Stipendienvergabe’, in Deutsche Universitet Zeitung, No. 19. 1984.

ва турлари устунлиги сифатини кўрсатишга ҳаракат қилади. Рейтинглаш ва классификация қилишни муҳокама қилиш жараёнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бир томонлама рейтинглашни танқид қилиш турли хил ОТМларнинг рейтинг асосида тартиблашни таъминлайдиган, уларнинг кўрсаткичлари мажмуи ва олий таълимда институционал хилма-хилликни ҳисобга олишга асосланади.

Бошқа сўз билан айтганда, бундай танқид классификация рейтинглаш учун зарурий шарт бўлиши ва кўп томонлама рейтинглаш билан бирлаштирилиши керак[8].

Олий таълимнинг сифатига фақат билвосита боғлиқ бўлган баъзи рейтинглар мавжуд. Масалан, баъзи рейтингларда берилган олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши даражаси ёки тенг имкониятлар институционал риоя қилиш даражасида эътибор қаратади. Шунингдек, юридик (Law) ва бизнес (MBA) мактаблари каби махсус олий таълим турлари ёки махсус ОТМларни қамраб оладиган рейтинглар ҳам мавжуд. Ҳаттоки, шундай қизиқарли рейтинглар ҳам мавжуд бўлиб, масалан, АҚШда “Princeton Review” томонидан ўтказиладиган “энг яхши мактаб базми”да алкогол маҳсулотлари истеъмолини ўз ичига оладиган йиллик рўйхатини чоп этади. Шунга қарамай, ҳатто, шундай ҳолатларда ҳам, рейтинглаш институт хавфсизлиги ва талабаларнинг аудиториядан ташқари ҳаёти ҳақида муҳим маълумотларни таъминлай олади. Айни пайтда ушбу тадқиқотлар таълимдан ташқари бўлган ҳолатлар ва бўш вақтни тақсимлаш масалаларини ўрганади.

Ҳозирги кунда халқаро ва глобал даражада ўтказилаётган рейтинглаш қуйидагилардан келиб чиқади:

- жаҳон университетларининг академик рейтинги (Academic Ranking of World Universities, ARWU). У Шанхай Жиа Тонг университети таълим олий мактабидаги жаҳон университетлари маркази томонидан амалга оширилади. У биринчи марта 2003 йилда амалга оширилган ва юқори ўринда турувчи 500 олий таълим институтларини қамраб олган;
- Таймс олий таълим (Times Higher Education, THE) ва Куакуарелли Симондс (Quacquarelli Symonds) томонидан ўтказиладиган жаҳон университетлари рейтинги. У биринчи марта 2004 йилда ўтказилган ва ҳозирги кунда юқори ўринларда турувчи 200 та олий таълим институтларини қамраб олади[9]. 2016 йилги рейтинги 22 март куни унинг расмий сайтида элон қилинди. Дунё бўйлаб ўтказилган сўровномада академик ходимлар, талабалар иштирок этишади, шунингдек, университетда олиб борилган илмий изланишлар миқёси ҳам ўрганилади;
- Испания илмий тадқиқотлар Кенгашининг (Consejo Superior de Investigaciones Cientnficas – CSIC) тадқиқот гуруҳи Киберметрика

[8] Van der Wende, M., and Westerheijden, D. ‘Rankings and Classifications: The Need for a Multidimensional Approach’, in van Vught, F. A. (Ed.). Mapping the Higher Education Landscape: Towards a European Classification of Higher Education, Higher Education Dynamics, Vol. 28. Dordrecht, Springer, 2009.

[9] http://www.topuniversities.com/about-qs

лабораторияси томонидан ўтказиладиган жаҳон университетларининг Вебометрик рейтинги бўлиб, у биринчи марта 2007 йилда эълон қилинган ва 6000 олий таълим институтлари ҳақида маълумотлар жамланган;

- Тайвань олий таълимни баҳолаш ва аккредитация қилиш Кенгаши томонидан ўтказиладиган жаҳон университетлари учун илмий ишлар самарадорлиги рейтинги (Higher Education Evaluation and Accreditation Council of Taiwan);
- шунингдек, профессионал мактаблар ва дастурлар рейтинги ҳам мавжуд. “Financial Times”, “The Economist”, “Wall Street”, “Business Week” томонидан халқаро даражада ўтказиладиган бизнес мактаблари ва бизнес бошқаруви магистри (МБА) дастурларининг машҳур рейтингини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб, ушбу рейтинглар профессионал аккредитацияга алоқадор бўлган муҳим илова сифатида қабул қилинади, чунки турли хил профессионал ташкилотлар ўз эътиборини ушбу рейтингларга қаратади[10].

Рейтинглаш бир қатор сабаблар туфайли ўтказилиши мумкин:

- олий таълим муассасалари ҳолати ҳақида оммага шаффоф маълумот (рейтинглаш шакли хусусиятларига қараб) етказиш, шунингдек, индивидлар ва қарор қабул қилувчи гуруҳлар (талабалар, ота-оналар, сиёсатчилар, ташкилотлар, фондлар, тадқиқот кенгашлари, иш берувчилар, халқаро ташкилотлар ва бошқалар)ни маълумот билан таъминлаш;
- олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш;
- маълим бир олий таълим институтлари ёки ўқув дастури фаолияти ҳақида қўшимча маълумотлар билан таъминлаш;
- юксак тажриба марказларининг ривожланишини рағбатлантириш;
- маблағларни ажратишда қўшимча асосларни шакллантириш.

Рейтинглашни амалга ошириш учун йиғиладиган тўрт хил турдаги маълумотлар базаси ва ахборот манбаи мавжуд:

- турли хил институтлар, ўқув дастурлари ёки бошқа фаолиятларнинг сифати ва нуфузи ҳақида қиёсий маълумотларга эга бўлиш учун турли манфаатдор томонлардан фикрлар олиш имкониятини берувчи сўровнома (илмий экспертларга афзаллик ошкора берилади);
- олий таълим ва тадқиқотга жалб этилган давлат органлари ва бошқа турли хил ташкилотлар томонидан тўпланган оммага эга бўлиш имкони мавжуд маълумотлар базаси ва ахборотлар;
- олий таълим институтлари томонидан йиғиладиган икки хил турдаги маълумотлар базаси ва ахборотлар – одатда институтлар томонидан тўпланган бошқарув ва менежмент ҳақидаги маълумотлар базаси ва рейтинг ўтказиш учун ўтказилган сўровнома маълумотлар базаси ва ахборотлар;

[10] Hazelkorn, E. ‘The Impact of League Tables and Rankings Systems on Higher Education Decision-Making’, in Higher Education Management and Policy (OECD Programme on Institutional Management in Higher Education), Vol. 19, No. 2. Paris, OECD, September 2007.

• библиометрик ва фанга оид маълумотлар базаси, масалан, кўп профилли ва тадқиқот ишларини баҳолашга ёрдам берувчи Томсон Рейтерс ва Элсевиер кабилар[11].

Юқорида келтирилган асосий маълумотлар базасини яратишда ҳар бирига қарши ва ёқловчи омиллар мавжуд, улар, айниқса, сўровномаларга асосланади. Шунга қарамай, яқин орада кескин танқид қилинган жиҳати келтирилган рейтингда методологик ёндашувидир, чунки бунинг оқибатида ОТМнинг обрўси (имижи) ҳам рақобатлашмоқда. Умуман олганда, рейтинглашни танқид қилиш ҳар қандай ОТМларнинг муҳим вазифаси бўлган ўқитиш ва ўқиш каби жиҳатларни тўлиқ исботлаб бера олмайди. Улар шуни алоҳида таъкидлайдики, олий таълим институтларининг обрўсини, статуси ва брендига эътиборни ошириб юборишга олиб келиши, баъзи ҳолатларда нотўғри маълумотларнинг тақдим этилишига олиб келади. Шунинг учун баъзи ОТМлари бундай рейтинг тадқиқотларда иштирок этишдан бош тортмоқда, ушбу ҳолат 2008 йилда АҚШда энг яхши таълим муассалари рейтингини ўтказишда рўй берган (US News‘s America’s Best Colleges ranking).

Агар биз рейтинглар олий таълим институтларининг сифати ҳақиқий ҳолати ва фаолиятини кўрсатиб беради десак, хато бўлган бўлар эди. Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, рейтинг индивидуал, институционал ва давлат даражасида институтлар, сиёсатга ва қарор қабул қилишга бевосита таъсир ўтказади. Дунё бўйлаб рейтинг жадваллари жуда кўп бўлишига қарамай, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organisation for Economic Co-operation and Development, OECD) тадқиқоти шуни кўрсатмоқдаки, дунё бўйлаб олий таълим институтлари рейтинг жадваллари ва рейтинг даражаларига кутилганидан кўпроқ қайғуради.

Ирландияда Эллен Хазелкорн томонидан Дублин Технология институтида ўтказилган тадқиқот 41 давлатда 200 дан ортиқ олий таълим институтлари ректорлари ва бош менежерлардан олинган сўровга асосланади, бу талабалар, давлат ва оммавий ахборот воситалари томонидан жиддий қабул қилинди ва қарор қабул қилиш жараёнига таъсир ўтказувчи муҳим соҳа ҳисобланади[12]. Унинг асосий хулосалари қуйидагилардир:

✓ сўровномада иштирок этганларнинг 58 %и ҳозирги рейтинг даражаси билан қониқмаган;

✓ сўровномада иштирок этганларнинг 70 %и миллий даражада энг юқори 10 таликда бўлиш истагини билдиришган;

✓ сўровномада иштирок этганларнинг 71 %и халқаро даражада энг юқори 25 %лик даражада бўлиш истагини билдиришган;

✓ сўровномада иштирок этганларнинг 57 %и рейтинг жадваллари ва рейтинглаш бошқа институтларнинг ушбу институтлар билан ҳамкорликни ривожлантириш иштиёқига таъсир ўтказади;

[11] Thomson Reuters (ISI Web of Knowledge) and Elsevier (Scopus)

[12] Hazelkorn, E. ‘The Impact of League Tables and Rankings Systems on Higher Education Decision-Making’, in Higher Education Management and Policy (OECD Programme on Institutional Management in Higher Education), Vol. 19, No. 2. Paris, OECD, September 2007.

✓ сўровномада иштирок этганларнинг 56 %и ўзларининг рейтинг даражаларини кўриб чиқувчи расмий ички механизмига эга бўлган.

Хазелкорн шуни алоҳида таъкидлайдики[13], институтлар ўзларининг рейтингларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини стратегик режалаштиради, юқори рейтинг даражасига эришиш мақсадида институтни қайта ташкиллаштиради, яъни институт фаолиятини яхшилаш учун структуравий ўзгаришларни амалга оширади, умумий қилиб айтганда, натижалардан келиб чиқиб, камчиликларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш учун ҳаракат дастурларини ишлаб чиқади.

ХУЛОСА. Олий таълим муассасаларини рейтинглашнинг олий таълимни ривожлантиришдаги ижобий таъсири миллий ва глобал даражада уларни рейтинглашнинг ижобий жиҳатини кўрсатди. Рейтинг натижалари туфайли ОТМлар ўртасида вужудга келаётган ҳамкорлик ва яхши маънодаги рақобат таълимнинг ривожланиши ва сифати ошишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, олий таълим муассасаларини рейтинглаш уларнинг дунё бўйлаб имижининг шаклланишига ҳамда чет эллик талаба ва ўқитувчи-профессорларнинг эътиборини тортиш орқали ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу мустақил иши натижаларига асосан Ўзбекистонда олий таълим тизими соҳасига қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни келтириш мумкин:

- олий таълим тизимига кирувчи барча олий таълим университетлари орасида рейтинглаштиришни амалга ошириш учун илмий ва эмпирик тадқиқот ишини олиб бориш ҳамда тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг рейтингини шакллантириш;
- жорий қилинган тизим бўйича фокус-гуруҳ ишини ташкил қилиш ва зарур молиявий манбаларни шакллантирилиш механизмларини жорий қилиш;
- ОАВ ёки консалтинг ташкилотларининг ушбу рейтингларни ўтказишдаги фаолиятини рағбатлантириш оқибатида хусусий рейтинг индексларини шакллантириш;
- халқаро рейтингларда иштирок этиш механизмларини жорий қилиш, уларнинг мезонларни ўрганиб чиқиш ва шу асосида базани шакллантириш (масалан, Жаҳон Иқтисодий Форуми (Давос) “Инсон капитали” бўйича ҳисоботида[14] Ўзбекистон ҳақида маълумот берилмайди – муаллиф);
- олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни ва яхши маънодаги рақобатни ривожлантириш учун доимий асосда (йилда бир марта) рейтинг натижаларини матбуотда эълон қилиш.

[13] Ibidem

[14] https://www.weforum.org/agenda/2015/06/the-13-fastest-growing-economies-in-the-world/

Тураев Бахтиёр Оманович,
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази (Самарқанд)

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРНИНГ ЎРНИ

Фалсафа кишиларнинг тафаккур маданиятини шакллантиришда, дунёқрашини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли фалсафадан таълим бериш жараёнида устоз ўз шогирдларига ҳар тарафлама намуна бўлиши, шогирдларида илғор дунёқараш, соғлом эътиқод, юксак фалсафий тафаккур маданиятини шакллантиришга эътибор бериши лозим.

Ўтган асрда бўлиб ўтган бир халқаро конференцияда “фалсафа ўзи нима?” деган мавзуда тортишув бошланган эди. Шунда таниқли файласуф-олим Омонулла Файзуллаев ўрниидан туриб: «Ўртоқлар, қизишманглар. Бир пайтлар олимлар фалсафа ҳамма фанларнинг онаси, деган гапни гапиришар эди, ҳозирги пайтда эса фалсафа ўзининг тадқиқот объектига алоқадор барча соҳаларни конкрет ва ижтимоий фанларга тақсимлаб берди ва ўзида тадқиқ этадиган ҳеч нарса қолмади, деган мулоҳаза юрита бошлашди. Аслида фалсафа маданиятдир. Инсоният нимагаки эришган бўлса, барчаси ақл-тафаккури эвазига. Тафаккур юритиш маданияти бу фалсафа-ку. Демак, биз инсоният эришган барча ютуқлар учун фалсафадан миннатдор бўлишимиз керак. Фалсафа инсонга соғлом эътиқод, кенг кўламли дунёқараш, тўғри фикрлаш маданиятини ўргатади. Шундай экан, фалсафа нима деган баҳс бу мен нега фикрлаяпман, деган схоластик эътироздан бошқа нарса эмас»[15], - деган эди.

Устоз ҳақиқатан ҳам гапнинг пўст калласини айтган эди.

Фалсафа ҳур фикрловчи, ўз ақл идрокига ўзи эгалик қилувчи инсонга хос тафаккур маданиятидир. «Фалсафа, - деб ёзади А.А. Сичев, - интеллектуал жиҳатдан мустақил ва ички руҳий дунёси эркин инсоннинг танловидир»[16]. Фалсафа маданият, фикрлаш маданиятидир. Инсон тўғри фикрлаши учун мантиқий қонунларга таянади. Бу фалсафанинг бир қисмидир. Мантиқни болаларга мактаб ёшидан бошлаб ўргатишимиз лозим (афсуски, бу борада жуда орқада қолганмиз). Марксистлар бир пайт диалектик мантиқни формал мантиққа қарама-қарши қўйишди. Бу жуда хато ёндашув эди, чунки диалектик мантиқнинг ўзагида ҳам формал мантиқ ётади. Марксистлар диалектикани, аниқроғи, марксистик диалектикани метафизикага қарама-қарши қўйишди. Бу ҳам хато эди. Метафизика воқеликнинг инсон сезгиларига бевосита таъсир этмайдиган жиҳатларини сезиш, англаш, билишга имкон беради. Фақат метафизика ҳолат, лаҳза, муайян ҳодисанинг бирор жиҳатини акс эттиради, диалектика эса уларни муайян ривожланиш жараёнида англашга имкон беради. Улар фалсафанинг бир-бирини тўлдирувчи жиҳатларидир. Ўқитиш жараёнининг, тарбия жараёнининг ўзи метафизик услубга асосланади. Бу методсиз ўрганувчига оддийликдан мураккабликка ўтишни ўргатиш мумкин

[15] Қаранг: Файзуллаев О. XX аср зиёлилари: устозларим ва сафдошларим. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2008.
[16] Сычев А.А. Основы философии. Учебное пособие. / А.А. Сычев. Изд. 2-е, испр. – М.: Альфа-М, ИНФРА-М, 2010. С.12.

эмас. Диалектика ва метафизика оламдаги чизиқли ва батартиб ўзгариш жараёнларинигина ифодалаб бериши мумкин. Лекин оламда мураккаб, ночизиқли, кескин ҳалокатли ўзгарувчан жараёнлар ҳам борки, уларни тасвирлаб беришга, бундай жараёнларнинг қонуниятларини тушунтириб беришга метафизика ҳам диалектика ҳам ожизлик қилади. Уларни замонавий методология – синергетика методологиясигина тўғри тушунтириб, изоҳлаб бериши мумкин[17].

Синергетик тафаккур фалсафий тафаккур маданиятининг янги кўриниши, янги имкониятидир. Бу тафаккур оқибатнинг сабабга таъсирини, келажакнинг бугунга таъсирини тўғри изоҳлаб бера олади.

Фалсафа фан ва диндан нимаси билан фарқ қилади? Бу саволга жавоб бериб, Горелов шундай ёзади: «Фалсафа ҳақиқатга эришишнинг рационал йўли, фан эмпирик йўли, дин эса иррационал йўлидир»[18]. Бу фикр ажойиб фикр, аммо бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки фалсафа, фан ва дин ҳақиқатга турлича ракурсдан туриб қарашдир. Аммо ҳар бир инсонга хоҳ у олим бўлсин, хоҳ диний уламо бўлсин, хоҳ файласуф бўлсин фалсафий тафаккур зарур. Дин уламоси оламга диний фалсафа нуқтаи назаридан, физик эса оламга физика фалсафаси нуқтаи назаридан қарайди.

Ёшларга таълим ва тарбия беришда фалсафий тафаккурга жиддий таяниб иш олиб бориш лозим. Бу тафаккур оддийликни, мураккабликни содда тушунишга, оддийликдаги мураккабликни, мураккабликдаги оддийликни англай олиш туйғусини тарбиялайди. Бу тафаккур ҳар қандай кичикликдан ҳам кичик нарса борлигини, ҳар қандай катталикдан ҳам катталик борлигини, кеккайиш, кибрланиш оёқ остида хор-зор бўлишга олиб боришини, меҳр-мурувват ҳеч қачон унутилмаслигини, ер юзида инсон зотининг улуғворлигини, бу улуғворлик унинг, яъни инсоннинг тафаккурга эгалиги ва бу тафаккурни ўз ўрнида ишлата олиши, тафаккурнинг инсонга берилган энг қимматли туҳфа эканлигини билдиради. Фалсафий тафаккур маданияти соғлом эътиқодга таянади. Бу барча динлардаги умуминсоний қадриятлар соғлом маънавий қадрият мўлжалларига таянувчи маданиятдир.

Фалсафани ўқитишда оламнинг бирлиги тамойилига таянамиз. Бу барчанинг тақдири ва келажаги бир нуқтага бориб туташишини англатади. Бу таълимотда ривожланиш тамойили бор. У ҳар қандай нарсанинг, ҳодисанинг ўткинчи эканлигини, бошланишнинг якунланиши англатади, бугуннинг эртаси, каттанинг кичиги, кичикнинг каттаси, борлиқнинг йўқлиги, йўқликнинг борлиги, жиноятнинг жазоси муқаррарлигини ифодалайди. Каузаллик тамойили эса ҳар қандай нарса ва ҳодисанинг сабаби борлигини, бесабаб ҳеч нарса бўлмаслигини, битта оқибатнинг кўп сабаби, ҳар қандай ҳодиса эса яна бошқа кўп ҳодисаларга сабабчи бўлиши мумкинлигини, сабабнинг катта-кичиги бўлмаслигини англатади. Умумий алоқадорлик тамойили мавжуд. У ҳамма нарса ва ҳодиса ҳамма нарса ва ҳодисалар билан бевосита ёки билвосита

[17] Қаранг: Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. Монография. Т.: Наврўз, 2017.
[18] Горелов А. А. Основы философии : учебник для студ. Учреждений сред. проф. образования / А.А. Горелов. — 15-е изд., стер. —М: Издательский центр «Академия», 2014. С.251.

боғланганлигини ифодалайди. Шундай экан, ҳаммамизнинг тақдиримиз бирлигини, ибтидомиз ва интиҳомиз бирлигини ифодалайди.

Фалсафа ўзининг тарихий тараққиётида, турли даврларда турли масалаларга эътиборни қаратиб келди ва фалсафа фанининг турли қисмлари шаклланди, антик даврда "Борлиқ нима?" деган савол ўртага ташланиб, ҳамма нарсанинг нимадан ташкил топганлигига қизиқиш кучайган ва шу тариқа фалсафанинг онтология қисми шаклланди[19], IX-XVII асрларда ислом фалсафаси олам ва одамнинг бирлигини, маънавий ва моддий дунёнинг бирлигини асослаб берди, XVII асрда Европада ислом фалсафаси таъсирида "Билиш нима?" деган савол ўртага ташланди ва инсон билимининг чегараси борми ўзи деган масалага жавоб сифатида фалсафанинг гносеология қисми шаклланди, ислом фалсафасида бу масала Мотуридий[20] фалсафасида кейин Ғаззолий фалсафасида асосланган эди. Ислом фалсафасида Мотуридий, Европада И.Кант XVIII асрда "Одам нима ўзи?" деб инсон ҳаётининг маъносини ахтариб, фалсафанинг антропология қисми шаклланишига ҳисса қўшишган. Жамият нима деган саволга шарқда Форобий IX асрда, ғарбда О.Конт ва К.Маркс жамиятни қандай қилса, адолатли жамиятга айлантириш мумкин, дейишиб, фалсафанинг социология қисмини кашф қилишди. Қадриятлар нима деган саволга шарқда XIII асрда Жалолиддин Румий[21], ғарбда М.Шелер[22] XIX асрда ҳаётнинг асл моҳияти нимада эканлигини топишга интилиб, фалсафанинг аксиология қисмининг вужудга келишига сабаб бўлди. Фалсафанинг умумбашарий муаммоларини ўрганувчи глобалистика қисми XX асрда вужудга келган.

Жамиятда кимки юксак мартабаларга эришган бўлса, бу юксак фалсафий тафаккур маданиятига эга бўлганлигидан. Тўғри фикрлаш, тўғри хатти-ҳаракатлар, эзгу ниятлар инсонларни камолот чўққисига кўтаради. Бу сифатларни ёшлар онгига сингдиришда, шубҳасиз, мураббийнинг айтган сўзлари, хатти-ҳаракатлари, фалсафий тафаккур маданиятининг ўрни беқиёс.

Фалсафий тафаккур маданиятини ўргатиш учун, аввало, мураббийнинг ўзи бу маданиятни эгаллаган бўлиши лозим. Бунинг учун устозлар тинимсиз ўз устида ишлашлари, ўзларини такомиллаштиришлари лозим.

Фалсафий тафаккур маданиятининг учта муҳим жиҳати бор:

биринчидан, ҳар бир инсон фалсафий онглиликни эгаллаши, яъни унинг умумлаштириш, таққослаш, саралаш, солиштириш, мавҳумлаштириш ва конкретлаштириш қобилияти бўлиши, фалсафий билимларга эга бўлиши лозим;

иккинчидан, саралаб олган билимларига ишонч-эътиқоди бўлиши лозим. Яъни бу олган билимларини чиндан ҳам ҳақиқат деб билиши, бу билимларнинг ҳақиқатлигига, керакли эканлигига чин дилдан ишониши лозим;

---

[19] Сычев А.А. Основы философии: учебное пособие / А.А. Сычев. -Изд. 2-е, испр. - М.: Альфа-М: ИНФРА -М , 2010. С. 22.

[20] Али-заде, А. А. Абу Мансур аль-Матуриди // Исламский энциклопедический словарь. — М.: Ансар, 2007.

[21] Руми, Джалаладдин. Поэма о скрытом смысле: Избранные притчи. Перевод Наума Гребнева. М.: Главная редакция восточной литературы издательства «Наука» 1986.

[22] Шелер М. Философские фрагменты из рукописного наследия / Пер. М. Хорькова. — Институт философии, теологии и истории св. Фомы, 2007.

учинчидан, бу билимларни амалиётга татбиқ эта билиши, воқеликка фалсафий ёндаша олиши лозим. Яъни фалсафий билимлардан бошқаларга фойда келтириши, жамиятни ахлоқан покизалаштиришда, жамиятни маънавий жиҳатдан соғломлаштиришда қўллай олиши лозим.

Бу учала жиҳат бирлашган жойда фалсафий маданият қарор топган бўлади. Яъни маданият билимлар, бу билимларга бўлган ишонч-эътиқод ва бу билимларни амалиётга татбиқ этилишининг бирлигидан иборатдир.

Фалсафий фанларни ўргатишда ёшларга фалсафий тафаккур маданиятини сингдириш ҳар бир олий ўқув юрти мураббийсининг муқаддас бурчидир. Фалсафани ҳар бир касб эгаси, ҳар бир фан ўқитувчиси билиши, бу билимларга ишониши ва уларни амалиётга татбиқ эта олиши лозим. Шундагина олий ўқув юрти ўқитувчиси деган номга лойиқ бўла олади.

Тайлаков Норбек Исакулович,
пед.ф.д., профессор, директор
Имомкулова Озода Норбобоевна, *илмий ходим*
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Замонавий таълим жамиятнинг ижтимоий институти сифатида унинг ривожланиши ва ҳолатини кўрсатиб туради. Жамиятдаги муносабатлар ўзгаришлари таълимга фаол равишда таъсир кўрсатади, унга мослашувчанлик ва янги тарихий жараён талабларига мос жавоб беришни шарт қилиб қўяди. Жамиятимиздаги туб ўзгаришлар олий таълим муассасаларининг демократлашуви ва шахсга йўналтирилишига сабаб бўлмоқда. Олий таълим муассасаларининг мустақил ривожланиш механизми ишга тушди, унинг асослари эса профессор-ўқитувчиларнинг ижодкорлиги, профессионал фаолияти, узлуксиз таълим ва илғор тажрибаларга бориб тақалади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўз ижодкорлигига муносабати бутун таълим жараёни иштирокчиларининг умумий мотивидан келиб чиқади. Бу профессор-ўқитувчининг якка ҳолда ва талабалар билан ижодий ишлаганда нафақат ўзи учун, балки талабалар учун ҳам янгилик яратиш хоҳишида намоён бўлади. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ижодий фаолиятида қуйидаги жиҳатларни кўриш мумкин: ижодий фаолият учун мотивлар, шахсий ва педагогик ижодкорлиги ривожланиши мумкин бўлган фаолият соҳаси, ижодкорликнинг педагог томонидан тушунилиши, профессор-ўқитувчи ижодий фаолияти учун шароитнинг мавжудлиги, педагогнинг ўз ижодкорлигини баҳолаши.

Педагогик ижодкорлик олий таълим муассасалари миқёсида қуйидагиларни назарда тутади:

- ижодий фаолият олиб бориш учун шароитлар тизими таҳлили, унинг лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- ўз индивидуал фаолияти ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- педагогик лойиҳалаш.

Профессор-ўқитувчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш кўпинча педагогик лойиҳалаш орқали амалга оширилади. У қуйидаги босқичлардан ўтади: олдинги илғор педагогик тажрибани таҳлил-синтез қилиш; профессор-ўқитувчининг бўлажак ижодий фаолияти технологик тизимидаги муаммоларни аниқлаш; ижодий фаолият мотивларини аниқлаб, белгилаб олиш; бўлажак фаолиятнинг янги ижодий ғояларини мақсад қилиб қўйиб, аниқлаб олиш; ижодий мақсадлар, масалаларни қўйиш. Педагогларнинг ижтимоий лойиҳаларда иштироки таҳлили лойиҳалаш ишини ташкил қилишда объектив муаммолар борлигини кўрсатади. Булар: лойиҳа мақсадлари ва масалаларини, педагогик фаолият ва ўқувчилар фаолиятининг асосий мазмунини аниқлаш.

Лойиҳалаш босқичида ҳар доим ҳам мавжуд вазиятни тўлиқ таҳлил қилиб бўлмайди. Педагогик лойиҳалаш профессор-ўқитувчи даражасида ҳам, бутун олий таълим муассасалари даражасида ҳам профессионал билимга эгалик муаммоси билан қийинлашади. Ёш педагогларда ўз имкониятларини тўғри баҳолаш, қизиқишларини, унинг ўсиши ва профессионал ривожланиши имкониятларини яхши билмаслик кузатилади. Бу ерда “Устоз-шогирд” тизими амалий ёрдам беради. Ёш педагоглар билан ишлашнинг аниқ натижасини аттестация натижасида, неча нафар шогирдлар қандай тоифа даражасини олганлигига қараб кўриш мумкин бўлади.

Таълимни модернизация қилиш ва олий таълим муассасалари таълимини ривожлантириш шароитида педагогик жамоа олдига таълимни ривожлантириш ва уни янги сифат босқичига кўтариш масаласи қўйилган бўлиб, бунда шахс, жамият ва давлат талабларини қондириш, таълим-тарбия жараёнини илмий-методик таъминлаш ва профессор-ўқитувчига юқори даражадаги услубий ёрдам кўрсатиш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмоқда.

Замонавий таълим талабларини бажариш фақатгина ижодкор, ўз ишининг устаси бўлган профессор-ўқитувчилар қўлидан келади. Профессор-ўқитувчилар ушбу сифатларни узлуксиз таълим жараёнида ва мустақил ўрганиш, устозлари ёрдамида эгаллаши мумкин. Узлуксиз педагогик таълим ва малака ошириш жараёнида малака ошириш институтларидаги курслар ва “Устоз-шогирд” тизими катта аҳамиятга эга. Ҳаттоки, малака ошириш курслари ҳам профессор-ўқитувчининг кундалик иш фаолиятида дуч келадиган муаммоларни ҳал қилиш имкониятига эга эмас.

Шунинг учун иш жараёнидаги қийинчиликларни енгишда, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ижодий ташаббускорлигини рағбатлантиришнинг энг ишончли усули олий таълим муассасаларидаги методик ишларни ташкиллаштириш ва “Устоз-шогирд” тизимини йўлга қўйиш ҳисобланади. Булар профессор-ўқитувчиларнинг касбий профессионал ўсишига ва таълим жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилган олий таълим

муассасалари таълимини ривожлантиришни амалга ошириш ва ўз устида ишлаш жараёнида ҳар бир профессор-ўқитувчига аниқ услубий ёрдам беришга йўналтирилган, педагогик жамоанинг биргаликдаги ҳаракатини таъминлайдиган методик иш тизимини яратишдир.

Олий таълим муассасаларидаги методик иш йўналишлари асоси сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- олий таълим муассасалари таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш: олий таълим муассасаларидаги ҳолатни таҳлил қилиш ва унинг ривожланиши йўналишларини режалаштириш; олий таълим муассасаларини ривожлантириш йўналишидаги эришилган ютуқлар ва амалий ишларни таҳлил қилиш; янгиликларни жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш ва унинг самарадорлигини баҳолаб бориш;
- педагогик жамоанинг мақсад ва вазифаларини мослаштириш ва профессор-ўқитувчиларнинг тажриба-синов фаолиятини амалга оширишда керакли услубий ёрдамни ташкил қилиш, ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўз устида ишлашига ва мустақил ўқиб-ўрганишига шароитлар яратиш;
- таълим жараёнини тизимли равишда илмий-услубий таъминлаш: профессор-ўқитувчилар фаолияти учун керак бўладиган илмий-услубий ёрдамга эҳтиёжларини аниқлаш; илмий-услубий таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш; услубий бирлашмалар ишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш, улар ишини таҳлил қилиш ва йўналтириш, назорат қилиш; янги таълим дастурлари ва технологияларини тажриба-синовдан ўтказиш ва жорий қилиш;
- ижодий мулоқотни ривожлантириш: илмий-назарий ва амалий семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш; олий таълим муассасалари инновацион фаолият банкини яратиш; алоҳида профессор-ўқитувчилар, олий таълим муассасалари жамоаси қизиқишидан келиб чиқиб, бошқа таълим муассасалари ва ОТМлар ҳузуридаги малака ошириш марказлари билан яқин алоқалар ўрнатиш; семинар, конференция, танловларда иштирок этиш; газета, журналларда мақолалар билан қатнашиш, радио ва телевидениеда чиқишлар қилиш.

ОТМ раҳбарияти педагог кадрлар билан ишлаш жараёнида уларнинг ўз мутахассисликлари бўйича ютуқларига жавобгар ва педагогик жамоанинг узлуксиз малакасини ошириш учун шароит яратиб бериши керак. Бунда асосий жиҳат бўлиб шахсга йўналтирилган мустақил ўқиш ҳисобланади. Бу жараён ҳаётий ва самарали бўлиши учун дастлаб ҳар бир профессор-ўқитувчининг қизиқиши, қийналадиган соҳалари ва талабларини аниқлаб олиш лозим. Бунинг учун олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти диагностик таҳлили ва ўз-ўзи таҳлили йўлга қўйилиши керак.

Кейинги босқич – мустақил ўрганиш учун аниқ муаммо, мақсад ва масалаларни қўйиш. Ҳар бир профессор-ўқитувчи аттестациялар оралиғи ва аттестация жараёнида мустақил ва услубий ўрганиш бўйича шахсий иш режасини тузади ва раҳбарият билан келишади, мослаштиради. Шахсий иш режада ўз фаолиятининг қайси соҳаларини ривожлантириши, бунинг учун унга қандай ёрдам кераклигини, ўз услубий ишининг йўналишини аниқлаб олади,

бунда унинг вақти ишни бажариш шакли ва якуний хулосаларни чиқариш вақтини кўрсатади, очиқ дарслар мавзуси ва ўтказиш вақтини кўрсатади; ўз ҳамкасбларининг таҳлил қилмоқчи бўлган дарслари мавзуларини ва шу кабиларни белгилаб олади.

Мана шу режалар асосида олий таълим муассасалари раҳбарияти педагогик мониторинг дастурини ишлаб чиқади, уни педагогик йиғилишда муҳокама қилади ва қабул қилади. Олий таълим муассасалари маъмурияти услубий бирлашмалар раҳбарлари билан биргаликда профессор-ўқитувчиларга адабиётларни танлаш, ўз устида ишлаш режасини тузиш ва уни амалга оширишда, профессор-ўқитувчилар ютуқларининг намойишини (очиқ дарслар, ижодий ҳисоботлар, илғор иш тажрибани оммалаштириш) ташкил этишда, аттестацияга тайёрланишда ёрдам беради. Бунда ўз устида ишлаш, мустақил ўрганиш қуйидагиларга асосланиши керак: асосий ролда профессор-ўқитувчи бўлиши керак, мустақил ўқиш профессор-ўқитувчилар, олий таълим муассасалари раҳбарияти ва услубий бирлашмалар ҳамкорлигида ташкил этилиши керак.

Олий таълим муассасалари олдида турган асосий муаммолардан бири ўз фаолиятига янгиликларни киритишни ҳар бир профессор-ўқитувчи учун муҳим аҳамиятли кўринишга келтиришдир. Олий таълим муассасалари фаолияти сифатини аниқлашнинг асосий параметрларидан энг муҳими “инсонлардир”, яъни бошқарувчилар ва педагоглар. Мамлакатимиздаги ижтимоий ўзгаришлар тезлиги авлодлар алмашинуви тезлигидан ортиб бораётганлиги учун жамиятимиз бугунги кунда кўпроқ ўз устида ишлайдиган, ўзига хос эркин фикрлайдиган, ижодкор инсонларга эҳтиёж сезмоқда. Буларнинг ҳаммаси профессор-ўқитувчиларнинг узлуксиз таълимини, уларнинг малакасини ошириш ва педагогик потенциалини оширишни талаб этади.

Tursinkulov Nurali Anarbayevich,
Guluston davlat universiteti o‘qituvchisi

OLIY TA’LIM TIZIMINI ISLOH QILISH DAVR TALABI: MUAMMO VA YECHIMLAR

Mamlakatimizda istiqlolning dastlabki yillaridan boshlab ta’lim-tarbiya tizimini tubdan isloh qilishga alohida e’tibor qaratilib, farzandlarimizning jahon andozalari darajasida zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni egallashi, jismonan va ma’nan yetuk insonlar bo‘lib ulg‘ayishi, ularning qobiliyat va iste’dodini, intellektual salohiyatini yuzaga chiqarish, yosh avlod qalbida Vatanga sadoqat va fidoyilik tuyg‘ularini yuksaltirish borasida ulkan ishlar amalga oshirilmoqda.

Prezidentimizning 2017-yil 7-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi farmonida[23] ijtimoiy soha, xususan, ta’lim va ilm-fan sohalarini takomillashtirish borasida qator vazifalar belgilangan.

[23] http://uza.uz/uz/documents/o-zbekiston-respublikasini-yanada-rivojlantirish-bo-yicha-ha-07-02-2017

Ta’limni rivojlantirish bo‘yicha ko‘plab samarali ishlar olib borilmoqda. Ayniqsa, ikki so‘z – islohot va innovatsiya so‘zlari ko‘p ishlatilmoqda. Ushbu so‘zlarni tahlil qiladigan bo‘lsak. Islohot – ijtimoiy hayotning biron-bir tomoni (tartiblar, idoralar, muassasalar)ni o‘zgartirish, qaytadan tuzish[24]. Ta’lim tizimini XXI asr talablariga moslashtirish, uni zamon bilan hamnafas qilish, keraksiz yuklama va to‘siqlardan xalos qilish hamda o‘tgan yillarda yo‘qotilganlarni, qilinmagan ishlarning o‘rnini to‘ldirish aynan «islohot»ning tub mohiyatini tashkil qiladi.

“Innovatsiya” so‘zi haqida to‘xtalib o‘tadigan bo‘lsak, innovatsiya (inglizcha so‘z bo‘lib, “innovationas” – kiritilgan yangilik, ixtiro) – 1) texnika va texnologiya avlodlarini almashtirishni ta’minlash uchun iqtisodiyotga sarflangan mablag‘lar; 2) ilmiy-texnika yutuqlari va ilg‘or tajribalarga asoslangan texnika, texnologiya, boshqarish va mehnatni tashkil etish kabi sohalardagi yangiliklar, shuningdek, ularning turli sohalar va faoliyat doiralarida qo‘llanilishi[25]. Ta’lim sohasidagi innovatsiya yangicha yondashuv sinflarni kichraytirish va fikrni sayqallovchi munozaralarga o‘rin berish, ijodiy ishlarga urg‘u berish, fikrlar (talabaning o‘z fikriga ega bo‘lishiga chorlash) va mahsulotlar (kompyuterlar va onlayn dasturlar) bilan ta’minlashni bildiradi.

Ammo bular oliy ta’limdagi darajamizni yaxshilash uchun ikkilamchi omil bo‘lib, birlamchi omil – kitob o‘qishni yo‘lga qo‘yish. Ha, ishoning, birlamchi omil kompyuterni yaxshi bilish, kiyinish yoki eng zamonaviy binolarda ta’lim olish emas, balki aynan ko‘p kitob o‘qish. Modomiki, talaba sohasi bo‘yicha yetarlicha kitob o‘qimasa, innovatsion ta’lim metodlari va zamonaviy texnologiya asboblari ta’lim darajamiz yaxshilanishiga omil bo‘lolmaydi, talabalarimiz kuchsiz bo‘lib qolaveradi. Kitob o‘qish hamon ilmiy jarayonlar zamiridagi eng muhim asos bo‘lib qolmoqda. Bizda esa garchi so‘nggi 2-3 yil ichida kitob o‘qishga rag‘batlantirish kuzatilayotgan bo‘lsa ham kitob o‘qish o‘rniga «islohot» va «innovatsiya» so‘zlarini ko‘p ishlatish «asos» bo‘lib qolmoqda. Biz bu so‘zlarni suiiste’mol qilyapmiz. Ming afsuski, ham ijtimoiy va ham aniq fanlar sohasida XXI asr saviyasidagi kitoblar yozilmayapti. Buni, achchiq bo‘lsa-da, tan olishimiz lozim.

Sohada yuz berayotgan ba’zi ijobiy o‘zgarishlarni tan olgan holda insofli ilmiy doiralarimizni, hali-hamon qiynab kelayotgan masalalarni yoritish uchun oltita dolzarb nuqtaga e’tiboringizni qaratamiz:

1. Dunyo davlatlari orasida bellasha oladigan zamonaviy kadrlar tayyorlashni oldinga suryapmiz, ammo olimlarimizning aksariyati chet elni ko‘rmagan.
2. Akademik darajani dunyo standartlariga chiqarishni o‘ylayapmiz, ammo universitetlarimiz nufuzli chet el oliy dargohlari bilan hamkorlikdagi, erkin o‘tadigan konferensiyalar (ilmiy almashinuvlar) o‘ta kam.
3. Olimlarimizdan chet el jurnallarida maqolalarni ko‘paytirishni talab qilyapmiz. Biroq ular o‘z ustilarida ishlay olishlari uchun hatto shaxsiy kabinetlari yo‘q. Bundan tashqari ular hujjatbozlikka ko‘mib tashlangan.
4. Kadrlarimiz tez o‘zgarayotgan dunyoga mos bo‘lishi va kelib chiqayotgan muammolarga konstruktiv ruhdagi ilmiy yechimlarni o‘rtaga tashlashidan umid

[24] https://uz.wikipedia.org/wiki/Islohot
[25] https://uz.wikipedia.org/wiki/Innovatsiya

qilyapmiz. Ammo universitet o‘qituvchisi, hatto, o‘zi o‘tayotgan seminar yoki ma’ruza matnini o‘zi erkin shakllantira olmaydi.

5. Dunyodagi eng kuchli 500 ta universitet ro‘yxatini tuzib, ularning diplomlarini tan olishimizni bildirdik. Bu juda yaxshi. Ammo vataniga katta umidlar bilan qaytayotgan yosh vatandosh olimlarga yo‘l bermayapmiz, ularning intellektual mulkini, ilmiy ijodining bir qismini rektor va kafedra boshliqlari o‘zlashtirib olishayotgani holatlari uchramoqda.

6. Bakalavr bosqichini bitirgan yigit va qizlar fundamental bilimlarni ishga kirgandan keyin qayta o‘zlashtirishga majbur bo‘lishmoqda.

Biz keng miqyosdagi tarjima kampaniyasini boshlashimiz kerak. O‘rta asrlarda, Islom uyg‘onishi davrida kitoblar qanday miqyosda tarjima qilingan bo‘lsa, biz ham shu miqyosda sohalar bo‘yicha kitob tarjimasini yo‘lga qo‘yishimiz kerak. Chunki hozirda bizda bor adabiyotlar davr talabiga javob bermaydi. Biz tabiiy fanlardan boshlab dunyo tan olgan darsliklar tarjimasini tezda yo‘lga qo‘yishimiz kerak. Yaponiya, Koreya, Tayvan kabi davlatlar o‘z rivojlanish odimlarini shunday boshlagan. Bu yo‘nalishda eng mashhur davlat – Germaniya. Nemis professorlarining bu sohadagi mehnatkashliklari dunyoga doston.

Shu yerda savol tug‘iladi: ingliz tilini maktablarda yaxshi o‘qitishga shuncha e’tibor berilyapti, kitoblarni ingliz tilining o‘zida o‘qisa bo‘lmaydimi? Ingliz tilida yozilgan kitoblarni bemalol o‘qib, tushunish uchun chet elda kamida 5 yil yashash lozim. Shuning uchun chet eldan ingliz tili o‘qituvchilarni ko‘proq jalb qilish kerak. Bunga tarixiy misollar keltirsak, maqsadga muvofiq bo‘ladi. Buyuk alloma Abu Rayhon Beruniy ham ilm yo‘lidagi hamkorliklarni qadrlar, shuning uchun ham o‘z davrining taniqli olimlari bilan ilmiy aloqalar o‘rnatgan edi. Masofalar miqdori tafakkur shu’lasi qarshisida ojizdir. Katdan Beruniy yozgan maktublar boshqa turli shaharlarga yo‘l olar, u maktublarda bayon etilgan ilmiy masalalarga javob va talqinlar uzoq karvon yo‘llari osha Katga – Beruniyga intilar edi[26].

Tarixiy haqiqat – aynan kitob tarjimonligi madaniyatini yuzaga keltirib, arab tarjimonlari yunon faylasuflari asarlarini tarjima qilishdi va ularni zulmatga cho‘mgan Yevropaga qaytarib berishdi. Aynan kerakli ijtimoiy va tabiiy fanlar bo‘yicha eng kerakli kitoblarni Meydzi davrida ommaviy tarjima qilgan yaponlar mustamlakachilik asoratidan qutulishdi.

Keyinchalik, masalan, Koreya va Xitoyda yapon tilidagi kitoblar mahalliy tillarga o‘girildi, bu davlatlar o‘z rivojlanish yo‘llari davomida Yaponiyadan juda ko‘p narsalarni o‘zlashtirishdi.

Bundan tashqari tarjimonlik orqali yangi so‘zlar tilimizga kirib keladi, tilimiz taraqqiy etadi, bilim yoyiladi.

Bir qancha talabalarimiz chet ellarda o‘qiyapti, shuning o‘zi yetarli emasmi? Shunday e’tiroz bildirilishi ham mumkin. Ammo bir yoshni chet elga chiqarib o‘qitish davlat g‘aznasiga yuk bo‘ladi. Keyin chet elda olingan bilimlar tor doiradagi insonlar orasida qolib ketadi. Kitoblardan esa butun millatning yosh-u qarisi foyda ko‘rishi mumkin.

[26] Qayumov A. Abu Rayhon Beruniy. Abu Ali ibn Sino (Ajoyib kishilar hayoti). – T.: Yosh gvardiya, 1987. 11-12-b.

Yuzlab sohalar bo‘yicha minglab ilmiy kitoblar o‘z tarjimasini kutmoqda. Buncha kitobni birdaniga tarjima qilish qiyin. Ammo bu ishni boshlamoq berak. So‘nggi paytlarda universitetlar binolarini, texnik anjomlar va mebellarni yaxshilashga milliardlab so‘m mablag‘ ajratilyapti. Ammo kutubxonalarni yangilash ishi oqsayapti.

Ilmiy kitoblarni tarjima qilish hozirgi kunda og‘riqli masala bo‘lib turgan zamonaviy maktab darsliklarini yaratishga ham ajoyib zamin bo‘ladi. Zamonaviy maktablarimiz bo‘lsa-yu, zamonaviy kitoblar bo‘lmasa! Bizda darsliklar masalasida haqiqiy «update system» ishlamay qo‘ygan. Hozirda tan olingan darsliklarni tarjima qilish mana shunday katta kamchilikni to‘ldirib ketadi, deb ishonaman.

Oily ta’lim tizimida o‘tiladigan fanlarni tubdan isloh qilish kerak, sababi ko‘pgina gumanitar fanlar maktab dasturini ma’lum ma’noda takrorlamoqda, bu esa talabani zeriktirib qo‘yadi, ilmga bo‘lgan rag‘batini pasaytirib yuboradi. Maktab va universitetlar o‘rtasida ilmiy ko‘prik o‘rnatish lozim.

Yuqoridagi mulohazalardan quyidagi ba’zi amaliy yechimlarni keltirib o‘tamiz:

– har bir soha bo‘yicha eng ustuvor va fundamental bilimlarni beradigan ilmiy kitoblar ro‘yxatini tuzib chiqish lozim. Undan keyin yeng shimarib ishga tushish kerak. Bu masalada chet eldan har bir soha olimiga murojaat etilib, fan kitoblarimiz birma-bir ekspertizadan o‘tkazilsa, holatimiz qandayligi ayon bo‘ladi;

– Google Translate bilan hamkorlik qilish, uni boyitish va mukammallashtirish, o‘zbek tiliga tarjima jarayonini yaxshilash va tezlatishimiz darkor. Toshkentdagi Jahon tillari universitetida bunday loyihalar qilinyapti, ammo bu ishni davlatning strategik darajasiga chiqarish kerak;

– universitet rahbariyati o‘qituvchilarni chet el safarlaridan ushlab qolishini man etish lozim. Ular chet eldagi simpozium va konferensiyalarga (lozim bo‘lsa qisqa va uzoq muddatli ilmiy almashinuvga ham) qatnashishga targ‘ib qiladigan, «bizdan nima yordam?» deydigan holatga o‘tishlari kerak. Shundagina holat o‘zgarishi mumkin;

– universitetlarimiz o‘z an’anasiga ega bo‘lgan, xalqaro darajada tan olingan ilmiy uyushmalarning yillik yoki ikki yillik anjumanlariga aynan O‘zbekistonda mezbonlik qilishga jiddiy da’vogarlikni boshlashlari va shu orqali ilmiy salohiyatimizni yuksaltirishlari lozim;

– bundan tashqari tor doiradagi vorkshop va seminarlar uchun ortiqcha byurokratik talablarni olib tashlash, ko‘zga ko‘rinmas to‘siqlarni yo‘q qilish lozim;

– yurtimiz universitetlarida xorijlik olimlar qisqa muddatga (1-3 oy) va uzoq muddatga (3 oydan 1 yilgacha) kelib, ilmiy ish qilishlari uchun dasturlar tashkil etish darkor. Toshkentning nomdor universitetlaridan ba’zilari bunday dasturni allaqachon boshlaganliklari quvonarli, albatta, ammo bu kam. Viloyatlardagi universitet va institutlarda esa holat talab doirasida emas.

E’tirof etish kerakki, mazkur takliflar amliyotda qo‘llansa, o‘z navbatida ta’lim sohasiga oid milliy qonunchiligimizning yanada takomillashuviga, sohaga oid barcha muammolarning yechimini topishga xizmat qiladi. Shunday ekan, Oliy ta’lim tizimi

oldiga qo‘yilgan ulkan rejalar biz preofessor-o‘qituvchilardan ham faollikni va mas’uliyatni talab etadi.

Рискулова Камола Джуммаевна,
ЎзДЖТУ Педагогика фанлари доктори, доцент

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЧЕТ ТИЛЛАРГА ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг “Ўзбек модели” илғор тажрибаларни таълим жараёнига татбиқ этиш, таълим сифати ва самарадорлигига эришишда дунёдаги ривожланган мамлакатлар илғор тажрибаларининг мақбул мазмуни, механизмлари, инновацион шакл ва методлари ҳамда воситаларини миллий таълим тизимига мос ҳолда амалиётда қўллаш орқали ўзига хос ва ўзига мос равишда ривожланиб бормоқда.

Бу таълим тенденциясининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабридаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли ҳамда 2013 йил 23 майдаги “Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1971-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 майдаги, “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарорларида ўз аксини топган бўлиб, уларда қўйилган талабларга биноан олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанларнинг мазмунини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш орқали дунё меҳнат бозорида рақобатбардош ўқитувчилар тайёрлаш талаб этилади.

Жумладан, мазкур ДТС белгилаб берилган “Чет тиллари бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қуйиладиган талаблар” 2013 – 2014 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этила бошланди[27]. Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларини ўқитишнинг асосий мақсади жадал ривожланаётган ижтимоий ҳаётда кундалик, илмий ва социолингвистик соҳаларда халқаро миқёсда эркин фаолият олиб боришлари учун чет тилларида коммуникатив компетентликни шакллантиришдан иборатдир.

ДТСда компетенциялар учта гуруҳда тасниф этилади:

– лингвистик компетенция (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллашдан иборатдир;

[27] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича Давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарори.

– социолингвистик компетенция ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларини билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутади;

– прагматик компетенция ўрганилаётган чет тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутади.

Мазкур стандартда дискурс компетенцияси прагматик компетенция таркибига киритилган. Дискурс компетенция оғзаки ва ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаларини назарда тутади.

ДТСнинг характерли жиҳати шундан иборатки, унда чет тили бўйича барча даражалар учун битирувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малака талаблари ҳамда таълим мазмуни белгилаб берилган. Асос қилиб эса умумевропа халқаро стандарти даражалари, яъни CEFR – чет тиллар бўйича умумевропа тавсиялари мазмуни, чет тилларни интегратив ёндашув асосида ўрганишда халқаро стандартларда кўзда тутилган 4 та кўникмага – чет тилида ўқиш, ёзиш, эшитиш ва гапириш даражалари олинган.

Таълим сифати ва самарадорлигига эришиш ҳар қандай давлат миллий таълим тизимининг бош мақсади бўлиб, бу жараён олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини муттасил ривожлантириш, унинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ўқув-услубий таъминоти, таълим менежменти ва назоратини замонавий педагогик технологиялар асосида модернизация қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини жаҳон, жамият, буюртмачи корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларига мос равишда ташкил этиш, олий таълим тизими ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими таълим мазмунини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш тақозо этилади. Бунинг негизида эса чет тилларини чуқур эгаллаш замирида қуйидаги муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган таълим тизими шакллантирилиши назарда тутилади:

– дунё таълим тизимларининг интеграциялашувига эришиш;

– профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг таълим бериш ва таълим олиш борасидаги эркин мобилизациясига эришиш;

– соҳа компетентли кадрлари учун глобал ҳудуд ва минтақалар яратиш;

– соҳа компетентли кадрлари тайёрлаш, унинг бошқарув тизими учун мақбул ягона қоида ва талаблар тизимини яратиш;

– халқаро стандартларга мос социолингвистик билим, кўникма ва малака талабларини, уларни баҳолаш тизимларини бирхиллигига эришиш;

– фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш;

– анъанавий таълим усуллари ўрнига замонавий, инновацион таълим усулларидан кенг фойдаланиш ва умр бўйи таълим олиш тизимига ўтиш ва ҳоказо.

ДТС талабларига кўра, олий таълим муассасалари ихтисослиги чет тили бўлган бакалавр ҳамда магистратура босқичи битирувчилари С1 даража учун таълим мазмуни қуйидаги йўналишларда белгиланган:

– глобал муаммоларга оид мавзулар (масалан, замонавий технологиялар ва уларнинг инсониятга таъсири, глобаллашув, миграция, экология, терроризм, ишсизлик ва ҳ.к.);

– ижтимоий мавзулар (масалан, теварак-атроф билан ижтимоий муносабатлар, жинс масалалари, ижтимоий тенглик, маданий қадриятлар, толерантлик ва ҳ.к.);

– касбга оид мавзулар (масалан, социолингвистик фаолият турлари, малака ошириш, касб этикаси ва ҳ.к.;

– таълимга оид мавзулар (узлуксиз таълим, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, магистратура бўлимида ўқиш ва ҳ.к.);

– илмий тадқиқотга оид мавзулар (халқаро лойиҳалар, илмий тадқиқот этикаси, интеллектуал бойлик, раҳбарлик ва бошқарув, муаллифлик ҳуқуқи).

Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларни рўёбга чиқаришда чет тилларини мукаммал эгаллаш орқали қуйидаги умумий халқаро аҳамиятга эга тенденцияларга эътиборни қаратиш тақозо этилади:

– таълим, хусусан, олий таълим менежментини номарказлаштириш ва демократлаштириш;

– олий таълим муассасалари мустақиллигини кенгайтириш;

– таълим менежменти ва молиялаштиришни бозор муносабатларига мос шакллантириш;

– олий таълим муассасаларининг кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириб бориш кабилардир. Биз тадқиқотлар жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетенциясини шакллантириш ракурсида ДТСда белгиланган таълимнинг барча босқич битирувчиларининг чет тиллари бўйича тайёргарлик даражасига қўйилган талаблар ҳамда таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда инглиз тили ўқитувчилари компетенцияси типологиясини ишлаб чиқдик ва тавсия этдик.

Шунингдек, социолингвистик компетенциянинг мазмуни ва таркибий тузилишини илмий-назарий нуқтаи назардан аниқладик ҳамда асосладик.

Шундай қилиб, глобаллашув шароитида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари компетенциясини шакллантириш масаласи долзарб илмий тадқиқот муаммоси бўлиб, унинг методологик ва илмий-назарий асосларини ҳар томонлама ўрганиш, қиёсий таҳлил этиш, хулоса ва тавсиялар асосида олға сурилган назарий ғояларни амалиётга татбиқ этиш замон талабларига мос ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг гаровидир.

Жўраева С.Н., *пс.ф. н., доцент*
Турақўлова С., *3-01 гуруҳ талабаси,*
ТошДАУ

ЎҚИТУВЧИ КАСБИЙ ҚИЁФАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМИЖИ

Ҳаётнинг катта бўлмаган вазифалари устида сабр билан меҳнат қиларкансиз, ҳаётнинг шаклан ва маънан катта бўлган бутун қисми сизга ҳаёт нима эканлигини кўрсатиб туради. Бунда ўқитувчининг эзгулиги хаммаси айрим саъй-ҳаракатлар туфайли атрофга тарқалади, маънавий қуввати ортади, ўзини аниқлашда булар ахлоқ қиймати эмас, ақлга сингиб кетадиган энг яхши тарафга интилиш каби мақсаддир.

Устоз – ўта мураккаб ва шарафли махсус касб. Устоз доимо ҳамманинг кўз ўнгида. Аудитория остонасида ўқитувчининг талабалар билан нозик ўзаро таъсири бошланади, натижаси устознинг атрофдаги одамларга бўлган муносабатига боғлиқ. Фақатгина “қанотли” ўқитувчи “қанотли” шогирдни тарбиялайди, фақат бахтли бола бахтли одамни келтириши мумкин. Устоз қанчалик касбий тайёрланган бўлишидан қатъи назар у ўз шахсий хусусиятларини доимий равишда такомиллаштириб, ўз имижини яратади.

Ўқитувчининг ижобий қиёфаси нафақат унинг шогирдлари учун, балки бу дунёда унинг маънавий-руҳий мамнуниятини қондириш учун ўзларининг олдида доимий равишда кўрган муваффақиятли шахснинг шахсий намунаси сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Таълим самарадорлигини ошириш воситаларидан бири сифатида олимлар томонидан ўқитувчилик шахсининг улуғланиши ҳисобланади. Таълим ва жамият ривожланишининг замонавий шароитида ўқитувчи имижи шаклланиш муаммоси долзарблиги ва аҳамияти жуда қийин. Ўқитувчи мақоми пасайиши бошланганда унинг сифатини шахс, айниқса, ҳозирги босқичида муносабатлар асоси бўлган пайтда ўқитувчининг имиж муаммоси жуда ўринли бўлади. Ўқитувчиларнинг таълимдаги аҳамияти, ўз ўрнида ижобий ўзгаришлари, янгиликлардан хабардорлиги, кунлик ахборотга эҳтиёжи мавжудлиги ҳисобланади.

Ўқитувчининг касбий фаолиятини аниқлаш, ўқитувчининг касбий қиёфасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусияти бўлиши керак. Асосий мақсад замонавий мактаб ўқитувчиси образини мақсадли шакллантириш зарурлигини оқлашдир.

Ўқитувчининг айни пайтдаги ижобий қиёфаси билан жамоа образнинг асосий хусусиятларини аниқлаш ҳамда замонавий ўқитувчи имижининг асосий хусусиятларини аниқлаш бугунги кун таълимининг долзарб масалаларидандир.

Шундай қилиб, ташқи кўринишдаги имиж – соғлиқ, кийим-кечак, соч турмаги ва бўяниш. Психологик имиж – белгилар, темперамент, ички хотиржамлик. Ижтимоий имиж – жамиятдаги роль, хулқ-атвор ва коммуникатив хусусиятлар. Бу йўналиш бир-бирига боғланиб, бир бутунлик ҳосил қилади. Вебстернинг тушунтириш таърифига кўра имиж сунъий имитация ёки муайян объектнинг ташқи кўринишини тақдим этиш, шахснинг ўзига хос хусусиятларидир. У жамоатчилик онгида шаклланган ақлий нуфуздир.

И.Нефедов ва Э.Власовнинг имижни шакллантиришга эътибор қаратишича: “Имидж инсон, унинг “мен”ини дунёга намоён этиши, бошқаларга

ўзини кўрсатиши каби ҳолатлардир. Бир томондан биз бошқаларга маълумот беришга ҳаракат қиламиз, бир вақтнинг ўзида биз жуда аниқ мақсадларга интиламиз, яъни имижга муҳтожлик сезамиз”.

Инсон шахсининг имижи (табиий ва мақсадга мувофиқ) шаклланиши шахснинг шахсиятга айланиши жараёнига ҳамроҳ бўлади ва биологик жараёнлар ёки “яшаш шароитлари”нинг “таассуротлари” натижасидир.

Имиж қотиб қолган концепция эмас, балки инсоннинг хатти-ҳаракатига қараб буни фарқ қилиш мумкин. Афсуски, бундай ҳолатларда баъзи бир стереотиплар ишлаб чиқилган, муайян ҳаракатлар шакллари, кийим-кечак услуби, мулоқот услуби қўлга киритилган ва ўрганилган бўлади, иккиланмасдан, ушбу стереотипни бошқача тарзда бошқа ҳолатларга ўтказади. Турли вазиятларда атроф-муҳит олдида турган шахс баъзан жуда бошқача шахсга айланади. Уларнинг фарқлари фақатгина турли нуқтаи назарлардаги қарашларидир. Бинобарин, бундай кўп қиррали имижни яратиш нотўғри бўлмайди, бу оддий бир одамнинг, муайян бир гуруҳнинг вакили бўлиб, у бу иш учун энг маъқулдир. Бироқ, агар сиз ўзингизни бутунлай ўзгартириб, ички нафратга учраган нарсаларни гапиришга ҳаракат қилсангиз, натижада натижа ачинарли кўринади. Шундай қилиб, қандай имижни хоҳлашидан қатъи назар у, биринчи навбатда, ички моҳиятнинг акси бўлиши ва мустаҳкам асосга эга бўлиши керак.

Психолог А.Ю. Панасюк имижни қуйидагича тасвирлайди: инсон қиёфаси одамнинг ўзига хос фикри, бу одамнинг руҳида шаклланган қиёфаси натижасида, у шахс билан бевосита алоқада бўлганлиги туфайли ёки бошқа шахсдан олинган маълумот туфайли келиб чиқади.

Оддий маънода имиж икки йўл билан одамга ишлатилади: инсоннинг ташқи кўриниши ва унинг обрўси сифатида. Аслида бу икки қиёфа имижни бирлаштиради. Ташқи кўринишларга риоя қилинганда, обрўга эътибор қаратилади. Имиж ички ва ташқи хусусиятларни ўз ичига олади.

“Ўқитувчининг ўзига хос қиёфаси борми?” – деб бир психолог устози Митиндан сўраганда, у шундай жавоб беради: “Устоз, жуда тез танилмайди, у касбий жараён ва муҳитда танилади, уларнинг алоҳида эски ва ноаниқ яратувчанлик анъаналари ўзига хослигидир” – дея жавоб беради.

Ўқитувчиларнинг ўзларига нисбатан муносабати бошқача. Унга нисбатан салбий муносабат уни мураккаб масала деб биладиган катта авлод ўқитувчиларининг вакиллари билан бўлади. Бироқ бу позицияни қўллаб-қувватлайдиганлар ўқитувчининг ўқитувчини идрок этиш натижаларидан бири ўқитувчининг имижини шакллантиришни унутишларини унутишади. Ҳар бир ўқитувчи ушбу мавзудаги шахсий қарашларидан қатъи назар ўз имижига эга. Имижни яратиш жараёни ўқитувчининг ўзи ва талабанинг ўзига хос хусусиятлари, унинг жинси, ёши, шунингдек, тажриба, билим, миллат ва бошқа омиллар.

Муаммонинг яна бир томони бор: ўз имижини яратадиган ўқитувчи нафақат яхши кўринади, балки яхши ҳис-туйғуга, ўзига бўлган ишончга, охир-оқибат муваффақиятли ишлаш кўникмасини эгаллайди. Ҳар қандай мактабнинг

объекти у ерда ишлайдиган ўқитувчилар ва унда ўқиётган ўқувчиларнинг имижи билан белгиланади.

А.А. Калюзкин, ўқитувчининг қиёфасига қуйидагича таъриф беради: “Ўқитувчининг қиёфаси – ўқитувчининг, ўқувчиларнинг, ижтимоий муҳитнинг, омма онгида ўқитувчининг қиёфасини ҳис қилишнинг эмоционал рангли стереотипи. Ўқитувчининг имижини шакллантирганда, ҳақиқий фазилатлар бошқалар томонидан унга тегишли бўлганлар билан чамбарчас боғлиқ”.

Қисқача маънода, ўқитувчининг имижи муайян ҳаракатлар тарзида (айрим ҳолларда онгли, лекин бошқалари тасодифий характерга эга) ифода этилган муайян хатти-ҳаракатларнинг танлови бўлган бир ўқитувчининг имиджи; ўқитувчининг жисмоний кўриниши, унинг нутқи, ҳаракатларининг ифодаси, юз ифодалари эстетик дизайни билан бирга (ташқи кўриниш, кийим, сочлар, бўяниш ва бошқа хусусиятлар) ўзига хос ташқи намоён топади.

Шунингдек, ушбу ўқитувчининг касбий фаолияти амалга оширилган мавзу-маконли муҳит орқали акс этади. Имижнинг мавжуд таърифларига асосланиб, унинг таркибий қисмларини ажратамиз. Улардан энг муҳими: ташқи кўриниши, оғзаки ва оғзаки бўлмаган алоқа воситаларидан фойдаланиши, касбдаги обрўси ва ички қиёфаси, ички маънавий оламидир.

Саипов Забихулла Сабитович,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Маданиятлараро мулоқот ва туризм кафедраси доценти, сиёсий фанлар номзоди

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ 15 МУАММОСИГА ЭҲТИМОЛЛИ 15 ЕЧИМ

Республикамиздаги таълим сифати ва маориф масалаларига бефарқ эмасман. Олис 2003 йилда чет элда магистратурамни тугатиб, юртга қайтиб келишим биланоқ, катта бир шижоат ва балки қайсидир маънода соддадиллик билан таълимда инқилоб ясамоқчи ҳам бўлган эдим. Айрим фикрларимни қоғозга тушириб, Ўзбекистон илм-фани ривожланиши учун қуйидаги 10 та омилни[28] кўрсатиб ўтган эдим:

1. Шахсий фикрга асосланган таълим. Фанларни қуруқ ёдламаслик.
2. Ўзбек талабасининг феъл-атвори ва кутилаётган мажбуриятлари. Билимга қандай эришилади ва янглик қандай яратилади?
3. Кўчирмачиликка барҳам бериш. Ғарб илмий иш ёзиш услуби қоидаларини қабул қилиш. Ўзбек ёзуви муаммолари. Ғарб ва Шарқнинг илғор илмий изланишларини таржима қилиш. Дарсликларнинг ҳажмини ошириш ва даврий равишда янгилаш.

[28] Саипов З. Ўзбекистон учун фаровонлик калити ёхуд тараққиёт ғилдираги қаерда? Ўзбекистон илм-фани ривожи учун 10 омил. Академик С.С. Ғуломов (умумий таҳрири остида). Хорижда таълим олган ёш мутахассисларнинг II конференцияси. VI Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “ЎАЖБНТ” маркази. 2004 й. 128-130-б. https://bit.ly/2XemeC7

4. Профессор ва ўқитувчиларнинг моддий мавқеини кўтариш ва малакаларини ошириш. Порахўрликка барҳам бериш. Устозлар қасамёди. Талабаларни баҳолашда маҳфийликни сақлаш.

5. Ота-оналарнинг мажбуриятлари.

6. Муқобил фикрга нисбатан тоқат.

7. Янги аср ахборотларидан фойдалана олиш. Юқори технология сабоқлари. “Мактаб” телеканалини очиш.

8. Таълим ва ахлоқ ҳамда Америка ҳақида афсоналар.

9. Мустақил илмий тадқиқот марказлари ва хусусий ўқув юртларини барпо этиш. Тажриба ва хотираларни чоп этиш.

10. Таълим ҳотамтойлари ва ҳар бир маҳаллада бир кутубхона. Кўнгилли маърифатчилар. “Ғоя” миллий марказини ташкил этиш.

Кейинроқ абитуриентларнинг катта салмоғи ва мумкин бўлган лимитни инобатга олиб, қабул квоталарини 200 мингга чиқариш зарурлиги, акс ҳолда унинг ўта салбий оқибатлари ҳақида ҳам 2014 йилда бонг ургандим[29]. Бу ҳақида Жаҳон Банки Ўзбекистон таълим тизимига оид чоп этган катта изланишларга асосланган ҳужжатида бошқа муаммолар баробарида жисмоний имконияти чекланган ҳамда хотин-қизларнинг таълимдаги қамрови ниҳоятда пастлигига доир батафсил статистик маълумотларни келтирган[30].

Маҳаллий Repost ахборот нашри 2018 йилги ушбу маълумотларга таяниб, Марказий Осиё ва Афғонистон аҳолисининг олий таълим билан қамрови инфографикасини келтириб, қизиқ маълумотга эътиборни жалб этади. Унга кўра, Қозоғистон 54 %, Қирғизистон 41 %, Ўзбекистон ва Афғонистонда 10 %, Туркманистон эса 8 %ни ташкил этади[31]. Ушбу “катта муаммони” масофавий таълимни кенг йўлга қўйиб, ҳал этиш мумкин. Қуйида келтириладиган жадвалда дунё бўйича талабалари энг кўп бўлган университетлар рўйхати келтирилади. Ушбу фантастик миқдор, асосан, масофавий таълим ҳисобигадир.

Янги Ўзбекистоннинг олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида мазкур кўрсаткични 50 %дан ошириш стратегик режаси баён этилиб[32], айтишга нақадар оғриқли бўлмасин, олий таълимни “коррупциясиз соҳага айлантиришга”[33] принципиал келишувга эришилган.

Шунингдек, 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги лойиҳаси 2020 йил майда Сенатга маъқуллаш учун йўлланди. Мазкур

---

[29] Саипов З. Сабоқ чиқарилмаган тарих дарслари. Хуршид Даврон кутубхонаси. 25.01.2015. www.kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/zabixulla-saipov-saboq-chiqarilmagan-tarix-darslari.html

[30] World Bank. 2018 Uzbekistan Education Sector Analysis. Washington D.C. December 27, 2018. P. 119 http://documents.worldbank.org/curated/en/379211551844192053/pdf/Uzbekistan-Education-Sector-Analysis.pdf

[31] Каков процент населения с высшим образованием стран Центральной Азии и Афганистана? Repost.uz. 02.03.2020 https://pl-pl.facebook.com/RepostUZ/videos/1480584598771197, а также https://t.me/RepostUz/ 13255 от 03.03.2020.

[32] ЎзА. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. 09.10.2019. www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-oliy-talim-tizimini-2030-yilgacha-riv-09-10-2019

[33] Ўзбекистон Прокуратураси. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. 18.01.2020 www.prokuratura.uz/#/t_news?id=133

қонун лойиҳаси[34] тўпланган таклиф ва фикр-мулоҳазалар билан анча сайқалланган бўлиши табиий. Шу билан бирга, унинг лойиҳа кўриниши, гарчанд унга қатор янги тушунчалар киритилган бўлса-да, ундаги моддаларнинг аксарияти умумлаштирувчи ва мавҳум гаплардан иборат бўлиб, унинг салкам 100 та жойида тегишли бандлар бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар билан тартибга солиниши қайд этилган. Масалан, катта ёшдагилар таълимига оид 16-моддада катта ёшдагилар неча ёшдан бошланиши, уларга берилажак узлуксиз ривожланишни таъминловчи таълимнинг шакли ва механизми қачон ва қай тарзда тақдим этилиши ноаниқ қолган.

Шундай экан, ўтган 17 йил давомида юқоридаги бандлар нақадар тўлиқ ё қисман татбиқ этилди? Мамлакат олий таълимининг бугунги воқеликдан келиб чиққан ҳолда кўз илғамас мавжуд 15 муаммога мутасаддиларнинг диққатларини жалб этиб, унга эҳтимолли 15 ечимни таклиф этмоқчиман. Улар қуйидагилардан иборат бўлиб, улар талаба, ўқитувчи ва университет кесимларида баён этилган:

1. Бюджет грантини ўқишнинг фақат биринчи йили учун тақдим этиш, фанларни яхши даражада ўзлаштирган талабаларгагина ўқишнинг кейинги йиллари учун имтиёзли грантни давом эттириш.

2. Гуруҳларни 16-20 нафардан кўп бўлмаган тарзда ёлғиз меритократия мезонлари асосида шакллантириш. Жуфт миқдор семинарлар учун муҳим. Бир гуруҳда турли билим даражасидаги талабаларнинг пайдо бўлиши ўқиш сифатини орқага суради. Ўзлаштириши тез ва юқори бўлганлар учун дасрлар зерикарли бўлиб қолса, ўзлаштириши суст бўлганлар учун оғир кечади. Натижада айбдор ўқитувчи бўлиб қолади.

3. Гуруҳ сардорларини меритократия асосида шакллантириш. Бу университет шаъни, ҳаёт ва мамот масаласи бўлиши лозим. Сир эмас, кўп ҳолларда фақат амбицияларга тўла, лекин ўқиши суст бўлган талабалар эгарга миниб олиб, ўқитувчилардан баҳо таъна қилишади.

4. Боши берк кўчага кириб қолган баҳолаш тизимини тубдан ислоҳ этиш. Ўзини оқламаган ҳам рейтинг, ҳам 5 баллик тизимларидан воз кечиб, талабалар малакаси, орзуси ва ўқитувчилар виждонига мос келувчи A+, A, A-, B+, B, B-, C+, C, C-, D ва F баҳолаш тизимини қабул қилиш.

5. Стипендиялик аспирантура ва докторантура миқдорини ошириш йилига 1-2 жойдан ортиқ квота берилмаётган даврда мамлакатда 100 дан ортиқ илмий иш проректорларининг фаолият олиб бориши кулгули.

6. Талабаларни ихтисосликка дахли бўлмаган фанлардан озод қилиб, уларнинг ўрнига ҳамиша фойдали бўлувчи оддий CV, ариза, иншо ёзиш, rar, компьютер саводхонлиги, Moodle, Zoom ва бошқа мобиль иловалардан фойдаланиш каби амалий малака ва техник билимларга ошно қилиш. Шу жумладан, маънавият ва маърифат ишларини университет миқёсида 10-15 % оширмаслик. Куч ва эътиборни талабанинг илмий, ақлий, лингвистик, техник салоҳиятини оширишга қаратиш.

---

[34] Ўзбекистон Республикаси қонуни Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси (Янги таҳрири) ID-7093. 29/08/2019. www.regulation.gov.uz/uz/document/7093

7. Шартнома-тўлов нархи “отнинг калласи”дек бўлганига яраша талабалар учун маиший хизматларни кўпайтириш лозим. Улар: университет ҳудуди ва платформаларида бепул Wi-Fi, 24/7 фаолият кўрсатувчи кутубхона, шаҳар транспорти учун чегирмалар, университет ва унинг теварак-атрофидаги ошхона-кафеларда арзонлаштирилган калорияга бой иссиқ таомлар, фоизсиз ёки кам фоизли банк хизматлари ва ҳ.к.

8. Журнал ва давомат масалаларини ўқитувчи гарданидан олиш. Бунинг учун университет аудиторияларини тегишли электрон ускуналар билан жиҳозлаб, талабаларни ҳам электрон ID-карталар билан таъминлаш.

9. Профессор ва ўқитувчилар ўз ўқув-услубий ва илмий-ижодий меҳнатларига шўнғишларини таъминлаш мақсадида уларга кўпроқ эркин ва бўш вақт бериш. PhD, DSc, доцентлик ёхуд профессорликка даъвогар, аниқ йирик лойиҳа устида ишлаётган илмий ходимларга талабалар сафидан танлов асосида чорак ё ярим ставкага университет ҳисобидан ишга олиб, уларга бириктириш. Професор-ўқитувчилар таркибига ҳам дастёр, талабалар учун ҳам қўшимча даромад манбаи ва яхши устоз-шогирд мактаби учун “дебоча”.

10. Бу борада уларнинг қимматли фурсатларини энг кўп емириб, оёқ-қўлларига кишан бўлувчи вазифа – ўқув-услубий мажмуа(ЎУМ)ларини яратиш вазифасидан озод этиш ёки аниқлик киритиш. Қандай қилиб? Аслида ЎУМ яхши нарса, аммо унинг таълим сифатини оширишга хизмат қилмайдиган қоғозбозлик ва расмиятчилик жиҳатлари нотўғри йўлга қўйилган. Ечим – соҳага тааллуқли Гарвард, Оксфорд, Кэмбридж, Принстон университетлари нашриётларида чоп этилган тайёр дарслик, адабиёт, аудио-видео курсларни харид қилиш ё ақалли бепул электрон шаклларидан фойдаланиш. Самара – ҳам жаҳон афкор оммаси эришган илмий, ўқув-услубий натижалар билан баҳраманд бўлинади, ҳам маҳаллий кадрлар жаҳон даражасида рақобатбардош бўлади. Энг муҳими ўқитувчиларнинг “бошини ачитмасдан”, уларнинг илғор адабиёт орқали автоматик равишда малакаси оширилишига эришилади.

11. Скопус машмашаси. Республика раҳбариятининг мамлакатдаги олий ўқув юртларини кучли TOP-1000 лик университетлар сафидан муносиб жой олишга бўлган режаси ўқитувчилар орасида Скопус-манияни юзага келтирмоқда. Ниҳоятда кўп мўътабар ўқитувчилар биз билан тезлик ортидан қувиб сифатни ёддан кўтаришмоқда. Чунки режага нисбатан фоиз ҳисобида бўлиши керак. Натижада пулга хизмат кўрсатувчи, лекин иши мактаб ўқувчисининг рефератига ўхшовчи агентликлар ёрдамида сохта журналларда ёки Скопусда индекс бўлса-да ихтисослик ва тармоғи ўз соҳасидан мутлақо йироқ бўлган бюллетенларда ўз ишларини чоп эттириб, яна бу ишларни устама ҳақ олиш учун тақдим этмоқдалар. Афсуски, айнан шу ишлар университетнинг рейтингини ошириш эмас, аксинча уни туширишга хизмат қилади. Бунга барҳам бериш мақсадида университетларда маҳорат дарсларини ўтиш лозим.

12. Қабулни йилда икки маротаба ўтказиш лозим. Батафсил ёзгудек бўлинса, мақолага ажратилган ҳажмдан ошиб кетилади.

13. Университет бошқарув тизимини такомиллаштиришда нафақат хориждаги, балки хорижнинг республикамизда самарали фаолият юргизиб

келаётган олий таълим муассасалари тажрибасини ўрганиш. Давоматни мақбуллаш, назорат турларининг шакли ва мазмуни ҳамда стратегик фикрлаш бўйича университет деканати ходимлари учун тажриба алмашиш.

14. Олий таълим ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясининг мавжуд университет фаолиятини мувофиқлаштириш, кўрсатма бериш ё тафтиш қилишга доир ўзаро такрорланувчи ва айрим ҳолатларда номутаносиб ваколатларига чек қўйиш ёхуд кўриб чиқиш.

15. Университетларга туташ бўлган бино ва иншоотларни университет балансига ўтказиш ва уларни талабалар турар жойи, ахборот ресурс маркази, янги факультетлар мақсадида фойдаланиш. Қурилишлар ҳам, ўмаришлар ҳам кўп бўлди. Энди навбат бунёд этилган иморатлар кутубхоналарини мазмунли, сифатли ва савияли адабиётлар билан таъминлаш навбати келди.

Т/р	УНИВЕРСИТЕТ НОМИ	ЖОЙЛАШГАН ДАВЛАТИ	ТАЪСИС ЙИЛИ	ТАЛАБАЛАР МИҚДОРИ
1.	Indira Gandhi National Open University	Ҳиндистон	1985	4,000,000
2.	Allama Iqbal Open University	Покистон	1974	3,305,948
3.	Anadolu University	Туркия	1958	2,896,762
4.	California Community Colleges System	АҚШ	1967	2,100,000
5.	Bangladesh National University	Бангладеш	1992	2,090,093
6.	Islamic Azad University	Эрон	1982	1,100,000
7.	Tribhuvan University	Непал	1959	604,437
8.	Universitas Terbuka	Индонезия	1984	585,700
9.	University System of Ohio	АҚШ	2007	509,720
10.	California State University	АҚШ	1857	484,300
11.	Ramkhamhaeng University	Таиланд	1971	435,000
12.	State University of New York	АҚШ	1948	424,051
13.	University of South Africa	ЖАР	1873	420,000
14.	National Autonomous University of Mexico	Мексика	1910	356,530
15.	University of Buenos Aires	Аргентина	1821	328,361

Манба: Бирламчи манбалар асосида муаллиф тўплами.

Американинг шўролар давридан бери саноқли ўзбекшунос олимларидна бири профессор Эдуард Оллоурт ўзининг “Замонавий ўзбеклар – XIV асрдан ҳозиргача маданий тарих” деб номланган китобида жадидчиларнинг Ўрта Осиё ижтимоий тарихида тутган ўрни ҳақида ёзар экан, Ҳожи Муъин ибн Шукуруллоҳнинг “Ойина” жаридасида 1913 йил 2 ноябрда чоп этилган “Истиқбол қайғуси” мақоласидаги қуйидаги ажойиб сатрларини келтиради: “Илмсиз, иттифоқсиз миллатларнинг яшай олмаслиги табиийдир”. Чунончи, проф. Оллуорт: “Ўзгаришдан мақсад маданиятни сақлаш эди, ислоҳот эса такомиллаштириш эди.

Ҳаддан ташқари консерватив расмий шахс ва руҳонийлар мазкур маданий-ижтимоий мутафаккирларнинг фикрларидан баҳраманд бўла олишларини тасаввур қила олмадилар. Ҳукмрон доиралар замонавий услублар мавжуд тузилмани бутунлай ўзгартириш эмас, балки унга янги жон бахш этиш эканлигини англаб етмадилар. Улар шуни тушуниб етмадиларки, ислоҳотчилар Ўрта Осиёнинг ўзига хос ривожланиш йўлидаги энг яхши имкониятни таклиф этгандилар”[35], – дейди.

Юқоридаги фикрлардан ва тарихимизнинг суронли саҳифаларидан сабоқ чиқарган ҳолда айтиш мумкинки, танқидни хурсандлик билан қабул қилишимиз, кутилмаган муқобил фикр муайян соҳанинг такомиллашишига хизмат қилишини ёдимизда тутмоғимиз даркор.

Маматқулова Мухлиса Мамиржоновна,
ТДИУ таянч докторанти

ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ КАСБИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН УЙҒУНЛИКДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Мамлакатимизда мустақилликни қўлга киритган даврдан бошлаб ижтимоий тараққиётнинг барча соҳаларида кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада маънавиятга, маърифатга бўлган муносабат алоҳида ўринга эга бўлиб, шу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар жамият ҳаётининг барча қирраларида ўз аксини топмоқда.

Мустақил ривожланиш, ўз-ўзини тарбиялаш, шахсий имкониятларни эркин рўёбга чиқаришга бўлган ижтимоий талабнинг қондирилиши, унинг қизиқиш, эҳтиёж ва ҳаётий мақсадларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштиришга эришиш асосида кечади. Шу боис таълим жараёнининг мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг таълимий қадриятлар ғояларига мос келиши мақсадга мувофиқдир.

Бўлажак мутахассисларни, энг аввало, иқтисодиёт олий таълим муассасаларида керакли даражада тайёрлашнинг педагогик, ижодкорлик муаммоларини ечиш учун методологик, назарий ва амалий асосларини аниқлаш зарур. Иқтисодчи мутахассисларни юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантириш тизими амалиётига татбиқ этишни амалга оширишнинг ҳам янги илмий асослари зарур.

Шахснинг маънавий маданиятини ривожлантириш ғояси шунчаки жамият ривожланиш тенденциясининг акси, уни мос маданий (маънавий) қадриятларга йўналтириш эмас, балки касбий ҳаракатлар маданиятини шакллантириш билан бирга талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш йўллари ва воситаларини излашни рағбатлантиради. Маънавий маданият инсоннинг ўз ҳаётини яратишнинг универсал жараёни субъекти сифатида ўзини таниши, тайёрлиги, ўтмиш ва ҳозирги куннинг маънавий тажрибасини ўзлаштириш ва

[35] Edward A. Allworth. The Modern Uzbeks: From the Fourteenth Century to the Present: A Cultural History Studies of nationalities in the USSR Hoover Press, 2013. P. 120.

тўлдиришни ўз ичига олади деган тушунча мавжуд эди. Талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш жараёни ҳақида замонавий тушунча шахснинг маънавий маданияти шаклланиши ва ривожланиши муаммосининг назарий ва эксперимантал тадқиқотлари асосида ривожланади.

Талабаларни юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантиришда педагогик таълимни ижтимоийлаштириш, асосан, таълим жараёнида амалга оширилади. Педагогик таълим жараёни эса талабанинг ижодий, ахлоқий, маънавий, жисмоний потенциалини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан шахсни маънавий шакллантиришда ижтимоийлик касб этади.

Олий таълим муассасаларида миллий қадриятлар асосида талабалар маънавиятини шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишидан кўзланган мақсад талабалар томонидан маънавий-ахлоқий тарбия ва унинг моҳияти, шунингдек, иқтисодий билимлар борасидаги назарий билимларни амалий фаолиятда қўллай олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, уларда шаклланган маънавий-ахлоқий сифатларни бойитиш саналади.

Иқтисодий билимлар ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия уйғунлиги асосида талабалар маънавиятини шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий тадбирларни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- талабалар томонидан мутахассислик фанлари ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия юзасидан ўзлаштирилган назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- талабаларда иқтисодий билимлар, шунингдек, маънавий-ахлоқий тарбия юзасидан ўзлаштирилган назарий билимларни амалий фаолиятда қўллай олиш кўникмаси ва малакаларини шакллантириш;
- олий таълим муассасаси талабаларининг дунёқараши ҳамда маънавий-ахлоқий сифатларини бойитиш;
- тингловчиларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун муайян шарт-шароитлар яратиш;
- талабаларда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга нисбатан тўғри муносабатни қарор топтириш;
- уларда ижтимоий фаолликни шакллантириш ва миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланишни шакллантириш.

Жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ислоҳотларимиз жамиятнинг бошқа соҳалари билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда тизимли ва босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, таълим, илм-фан соҳаси бўладими, тиббиёт ёки спорт бўладими, бошқа қатор соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам ёш авлодни соғлом ва етук инсон қилиб тарбиялашдир. Бунга эса мамлакатимизда барча шарт-шароитлар мужассамдир. Шу ўринда Ватанининг тақдири, бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган мутахассислар тайёрлаш йўлида амалга ошириб келинаётган залворли ишларни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз.

Олий таълим муассасаларида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий шакллантириш жараёнида уларда ижтимоий жамият тараққиётининг

асосий йўналиши ҳамда ғояси хусусидаги билимлар ҳақида муайян тасаввурни ҳосил қилиш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшишга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни шакллантириш бугунги кунда таълим масканларининг долзарб муаммоларидан бири саналади. Зеро, педагогик таълимнинг асосий вазифаси ҳар томонлама ривожланган, етук, баркамол шахсни тарбиялашдан иборатдир.

Баркамол шахс тарбиясининг самараси ўлароқ, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий жиҳатдан ривожланган, ижтимоий муносабатлар мазмунида демократик ва инсонпарварлик тамойиллар устуворлиги таъминланган жамият шаклланади. Касбий билимлар асосида талабалар маънавиятини шакллантириш иши объектив шарт-шароитлар ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг диалектик бирлиги негизида ташкил этилади.

Мутахассислик фанлари бўйича ташкил этилаётган машғулотлар жараёнини кузатиш, мазкур жараёнда талабаларни касбий билимлардан хабардор этишга йўналтирилган фаолият мазмунини ўрганиш даврида шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдик, гарчи иқтисодиёт фанлари ўқитувчилари томонидан ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида талаба-ёшларнинг умумий ривожланишини таъминлаш, уларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари ҳамда дунёқарашини бойитиб бориш, шунингдек, уларда касбий малакани ҳосил қилиш каби ҳолатларни қарор топтириш ишига алоҳида эътибор берилса-да, маънавий тарбиянинг ўрни, аҳамияти, талаба-ёшлар томонидан маънавиятни ўрганиш зарурати ва ҳоказо масалаларнинг доимий равишда, мақсадга мувофиқ ёритиб борилишига нисбатан назарий ёки амалий ёндашув амалга оширилиши зарур.

Олий таълим тизими амалиётида муайян ўзгаришларни амалга ошириш, мутахассислик фанлари ўқитувчилари томонидан маънавий-маърифий ишларнинг моҳияти борасидаги амалий-назарий билимларнинг ўзлаштирилиши, шунингдек, уларнинг талаба-ёшлар ўртасида ғоявий тарғиботни ташкил этишга хизмат қилувчи тайёргарликка эга бўлишларини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш заруратини кун тартибига олиб чиқаётганлигини кўрсатмокда.

Иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш жараёнига ва улар шахсига янгича ёндашиш, ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг зарур талабидир. Шундан келиб чиқиб, бўлажак иқтисодчи мутахассисларнинг касбий малакаларини оширишни ташкил этишда педагогик жамоада шарт-шароит яратиш ҳамда мустақил ўз устида ишлашнинг афзалликларини тадқиқ қилишига алоҳида эътибор беришликни кўзда тутади. Бу эса ўз навбатида бўлажак иқтисодчи мутахассислар касбий малакасини шакллантириш учун шароит яратишни талаб қилади.

***Джалалова Сайёра Мирхайдаровна**, старший преподаватель,*
***Кошибхонова Ситора Зухриддин Кизи**, студетка,*
Международная исламская академия

ПУТИ И СПОСОБЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ В ВУЗАХ

В настоящее время образование необходимо рассматривать как производство человеческого капитала, важной составляющей которого является интеллектуальный капитал. Если учитывать возрастание роли человеческого капитала в тенденциях экономического и научно-технического развития, то нетрудно увидеть, что образование становится главной движущей силой развития современного общества. Образование — это производство активных знаний, обеспечивающих ускорение общественного развития во всех его направлениях и тенденциях. Образование — это гармонизация и гуманизация общественной жизни, это движение к подлинной свободе человека. От развития образования зависит развитие общества.

Проблема качества образования в начале XXI века встает со всей остротой в условиях социально-экономических перемен и модернизации системы образования. Отношение к качеству как важнейшему фактору повышения уровня жизни, экономической, социальной и экологической безопасности, как к национальной идее, как к одной из фундаментальных категорий, определяющих успешное развитие человека и общества, требует поиска новых целевых установок в образовательной политике, кардинального пересмотра взглядов и представлений о качестве образования и путях его обеспечения.

Идея качества образования сегодня становится не просто актуальной, а приобретает значение системообразующего фактора среди всех других факторов и направлений деятельности, призванных обеспечить единство образования нашей страны и его уровень, отвечающий требованиям современной экономики и вызовам общества.

В повышении качества высшего профессионального образования заинтересован в той или иной степени каждый участник образовательной системы. Высшим учебным заведениям качество необходимо для поддержания и повышения собственного имиджа, привлечения студентов, получения конкурентных преимуществ, достижения высокого рейтинга. Для профессорско-преподавательского состава качество получаемых студентами знаний, умений, навыков является измерителем, показателем качества преподавания. А вот что же касается студентов, то высокое качество приобретенного ими образовательного продукта является одним из важных

условий успешного трудоустройства. На качество образования реагирует и рынок труда, который формирует спрос на квалификационных специалистов.

За последние несколько лет упорно предпринимаются серьезные попытки поднять систему высшего профессионального образования на более высокий уровень путем изменения организационных форм, содержания и целевой ориентации образовательных стандартов и учебных программ, применения современных информационно-образовательных технологий, учета запросов рынка труда, изменения способов и объектов финансирования. Осознана острая необходимость дальнейшего сближения высшего профессионального образования с наукой, которая является важнейшей предпосылкой улучшения качества образования.

Мы остановимся на одном из путей повышения качества высшего профессионального образования через использование проектной деятельности студентов. Современная модернизация системы образования направлена на личностную ориентацию содержания образования и его обновление, её индивидуализацию.

Создание условий, в которых каждый студент может проявить свои практические навыки, способности, таланты, реализовать творческий потенциал является основной задачей сегодняшнего дня.

Проектная деятельность студентов является одним из направлений личностно – ориентированного обучения.

Проектное обучение позволяет решать актуальные проблемы образования и соответствует современным требованиям времени:

- обеспечивает возможность осуществлять обучение в обстановке, максимально приближенной к реальной жизни;
- позволяет увязать теоретический материал с практической деятельностью и вовлечь студентов в активный самостоятельный познавательный процесс;
- обеспечивает формирование и развитие ключевых компетенций, необходимых для адаптации и продуктивной деятельности в рамках профессиональных сообществ.

Основное целевое назначение проектного обучения в вузе заключается в том, чтобы:

1) *обеспечить подготовку студентов к жизнедеятельности в профессиональном сообществе*:

- познакомить студентов на предметном и межпредметном материале с социально-научными и практически значимыми проблемами, характерными для профессионального обучения и профессиональной деятельности, и со способами решения этих проблем;
- включить студентов в активную, вполне реальную профессиональную деятельность, в проживание реальных событий, позволяющих осмыслить социальную и личностную значимость этой деятельности и ее результатов, оценить свои способности и возможности в выполнении деятельности с

определенными для того или иного направления профессиональной подготовки характеристиками;

- стимулировать интерес студентов:

- к самостоятельному поиску и решению проблем;

- к самостоятельному конструированию знаний из разных областей и источников, которые могут быть использованы в жизни, в будущей профессиональной деятельности, в продолжении образования по выбранному направлению профессиональной подготовки;

- к получению реального результата проектной учебной деятельности, имеющего социальный и личностный смысл;

- к творческой деятельности по конструированию новых объектов;

2) *создать условия для развития интеллектуальных способностей*:

- критически и конструктивно мыслить;
- прогнозировать результаты и возможные последствия разных вариантов решения на основе не только аналитического, логического, но и интуитивного мышления;
- мыслить на уровне широких обобщений;
- ориентироваться в окружающей действительности;
- проводить исследования и экспериментировать;

3) *обеспечить формирование и развитие ключевых компетенций*:

- проектировочной;
- коммуникативной;
- социальной;
- информационной.

Учебный проект является, *во-первых*, способом организации самостоятельной учебной деятельности студентов, направленной на поиск, исследование и решение проблем и оформление результата в виде уникального продукта (материального или интеллектуального), адресованного конкретному потребителю; *во-вторых*, средством учения, инструментарий, позволяющий применить теоретические знания к решению практических задач; в-третьих, интегративным дидактическим средством развития, обучения и воспитания, которое позволяет расширить, углубить знания и сформировать умения, вырабатывать и развивать ключевые компетенции у студентов.

Учебную проектную деятельность от разработки идеи проекта до его завершения можно представить в виде следующей схемы, приведенной на рис.1.

Рис.1. Структура и содержание учебной проектной деятельности

Каждый учебный проект проходит 3 стадии развития: начальную, стадию выполнения и стадию завершения проекта.

Соответственно проектное обучение состоит из 3-х этапов: подготовительного, исполнительного и заключительного.

Первый этап, подготовительный, начинается с инициации проекта. Далее на этом этапе осуществляется концептуализация проекта, разрабатываются проектное задание и его учебно-методическое обеспечение; идет процесс вживания студентов в проблемную ситуацию и личностного присвоения ими проблемы (погружение в проект); организация и планирование работы над проектом.

Второй этап - исполнительный. Это процесс исполнения задач проекта. На этом этапе реализуются планы, разработанные в фазе планирования. Он является центральным, основополагающим, системообразующим, связанным с продуктивной учебной деятельностью, результатом которой являются продукт проекта и отчет о проектной деятельности.

Последний этап – заключительный. На этом этапе проектного обучения осуществляется публичная презентация проекта, его защита и оценка, подведение итогов, осмысление и анализ достижений и допущенных ошибок, а также личностных изменений, сдается отчет о проектной деятельности - проект закрывается.

Абидова Н.З., *доцент кафедры логопедия*
ТГПУ им Низами, доктор философии (PhD)

ПОНЯТИЯ ИНТЕГРАЦИЯ И ИНКЛЮЗИЯ В ОБРАЗОВАНИИ

Согласно закону Республики Узбекистан «Об образовании», образование провозглашается приоритетным в сфере общественного развития и что каждому гарантируются равные права на получение образования, независимо от пола, языка, возраста, расовой, национальной принадлежности, убеждений, отношения к религии, социального происхождения, рода занятий, общественного положения, места жительства, продолжительности проживания на территории Республики Узбекистан.

В последние годы в системе образовании Республики Узбекистан актуализируются ценности инклюзивного образования. Инклюзивное

образование – процесс развития общего образования, который подразумевает доступность образования для всех, в плане приспособления к различным нуждам всех детей, что обеспечивает доступ к образованию для детей с особыми образовательными потребностями [1]. Инклюзивное образование старается разработать подход к преподаванию и обучению, который будет более гибким для удовлетворения различных потребностей в обучении и воспитании детей, а также отмечает, что инклюзивное образование предполагает, что разнообразию потребностей учащихся должен соответствовать континуум сервисов, в том числе образовательная среда, наиболее благоприятная для них. В основе практики инклюзивного обучения лежит идея принятия индивидуальности каждого учащегося и, следовательно, обучение должно быть организовано таким образом, чтобы удовлетворить особые потребности каждого ребенка.

Инклюзивное образование – это специально организованная работа педагогов по обеспечению взаимодействия обычных детей и детей с особыми образовательными потребностями в пространстве общеобразовательного учреждения. Такое взаимодействие предполагает создание специальных педагогических условий обучения: адаптивной образовательной среды, организацию психолого-медико-педагогического сопровождения, формирование инклюзивной культуры детей, педагогов, родителей [4]. Инклюзивного образование – процесс «включения» детей-инвалидов в образовательное пространство групп, классов, коллективов детей, не имеющих отклонений в развитии, на основе организации совместного обучения и воспитания, практик коммуникации, сотрудничества детей, конструирование практик взаимодействия на равных» [3].

Важным этапом на пути формирования инклюзивного подхода в образовании является модель образовательной и социальной интеграции учащихся с особыми образовательными потребностями в систему общего образования.

Сопоставив эти различные модели организации школьного обучения, можно сделать вывод о том, что при интеграционном подходе ребенок с особыми образовательными потребностями адаптируется к системе образования, которая при этом остается неизменной, а при инклюзивном подходе система образования проходит цикл преобразований и приобретает возможность адаптироваться к особым образовательным потребностям учащихся.

Интеграционный подход, который имеет свою длительную историю развития в России, Европе, Северной Америке, ряде других стран, достигается методом перенесения элементов специального образования в систему общего образования. К сожалению, при таком подходе только незначительная группа детей с особыми образовательными потребностями может быть полностью включена в среду общего образования [1]. Основным ограничением интеграции стало то, что при этом не происходит изменений в организации системы общего образования, т.е. в программах, методиках, стратегиях обучения.

В интегрированной системе обучения категория детей крайне разнородна и интегрирована в среду нормально развивающихся сверстников по разным причинам. Условно можно выделить некоторые группы:

– дети, чья интеграция невольно и обусловлена тем, что отклонение в развитии не было выявлено;

– дети, родители которых, зная об особых проблемах ребенка, по разным причинам хотят обучать их в массовом детском саду или школе;

– дети, которые в результате длительной коррекционной работы, проводимой родителями и специалистами, подготовлены к обучению в среде нормально развивающихся сверстников

Ниже сопоставим понятия «интеграция» и «инклюзия». Интеграция: внимание направлено на проблемы «особых» детей; необходимое требование – изменение ребенка с проблемами; преимущество от этого процесса получают только дети с особыми образовательными потребностями; возможно использование специальных методов обучения и терапия. Достоинства интегрированного обучения детей всех категорий связывают с сохранением детско-родительских отношений и возможностью полноценного участия ребенка в повседневной жизни своей семьи, обретением опыта социального взаимодействия со сверстниками и взрослыми, полноценной речевой средой.

Недостатки интегрированного обучения связаны со сложными акустическими условиями в помещении классной комнаты или спортзала, большой наполняемостью класса, расстановкой учебных столов, лекционной формой подачи учебного материала или зачастую нежеланием педагогов образовательного учреждения работать с таким ребенком.

Инклюзия: внимание направлено на всех детей детского сада, школы, преимущества получают все дети; проводится неформальная поддержка и экспертиза воспитателя детского сада, учителя массового класса. Инклюзивное образование – это осознанное включение детей с особенностями в развитии в образовательный процесс в массовых школах по месту жительства. К достоинствам инклюзивного образования относятся: создание в общеобразовательном учреждении специальных условий обучения для детей с особыми образовательными потребностями; создание гибкой адаптивной образовательной среды, которая может соответствовать образовательным потребностям всех учащихся данного образовательного учреждения; обучение в условиях общих классов массовой школы, с предоставлением ученику необходимой психолого-педагогической поддержки профильными специалистами; подготовка ученического, педагогического и родительского коллективов к принятию детей с особыми образовательными потребностями и создание таких условий обучения, которые являлись бы комфортными для всех детей и детей с нарушениями слуха в частности и способствовали бы достижению максимального уровня развития, а также социальной реабилитации ребенка и его интеграции в общество; формирование в классе (группе) навыков толерантности, т.е. терпимости, милосердия, взаимоуважения.

Инклюзивный подход ставит вопрос таким образом, что барьеры и трудности в обучении, с которыми сталкиваются ученики с особыми образовательными потребностями в общеобразовательных школах, происходят из-за существующей организации и практики учебного процесса, а также из-за устаревших негибких методов обучения. При инклюзивном подходе необходимо не адаптировать учеников с теми или иными трудностями в обучении к существующим требованиям стандартной школы, а реформировать школы и искать иные педагогические подходы к обучению таким образом, чтобы было возможно наиболее полно учитывать особые образовательные потребности всех тех учащихся, у которых они возникают.

В основе практики инклюзивного обучения лежит идея принятия индивидуальности каждого отдельного учащегося и, следовательно, обучение должно быть организовано таким образом, чтобы удовлетворить особые потребности каждого ребенка. Таким образом, будущим учителям начальных классов с учетом указанных достоинств и недостатков необходимо формировать свою профессиональную готовность к совместному обучению детей всех категорий.

Комилова Малохат Олимовна,
старший преподаватель кафедры «Педагогики и психологии»
Ташкентской Медицинской академии

ИННОВАЦИОННЫЕ СПОСОБЫ ПЕРЕДАЧИ ЗНАНИЙ БУДУЩИМ ВРАЧАМ-ПЕДАГОГАМ

В медицине методы и технологии меняются особенно быстро. Чтобы не остаться далеко позади, студенты должны с самого начала приобрести привычку быть в курсе всего нового, обрести стремление к познанию. Приобщение подопечных к мировому информационному пространству – одна из главных задач преподавателя. Впрочем, для этого у студентов должна быть сильная внутренняя мотивация

В нашем понимании ***метод обучения*** – это способ совместной деятельности врача-педагога и студента, направленный на реализацию целей и ценностей, предопределяющих становление личности будущего врача, овладение им основ профессиональной деятельности.

Методы обучения являются одним из важнейших компонентов педагогического процесса наряду с его целями и задачами, содержанием, организационными формами и результатами. Метод обучения служит:

- для обмена информацией между преподавателем и студентом (словесной, наглядной, практической);
- управления познавательной деятельностью студентов (непосредственного, опосредованного, самоуправления);
- общения преподавателей и студентов (фронтального, группового, индивидуального);
- стимулирования и мотивации учения и деонтологического воспитания;

- контроля за эффективностью учебной деятельности.

Вначале метод обучения существует как проектируемая преподавателем модель учебно-профессиональной деятельности, а затем реализуется на практике как совокупность конкретных приемов, действий, операций.

В практике медицинского образования закрепился термин ***«активные методы обучения».*** Среди активных методов обучения в медицинских вузах выделяются:

- лабораторные практикумы (изучение материальных и материализованных объектов; препаратов, муляжей, приборов, макетов, фантомов);
- решение клинических задач, выполнение мануальных действий на моделях или пациентах (навыки пальпации, перкуссии, аускультации, остановка кровотечения, искусственное дыхание и т.д.);
- учебные ролевые и деловые игры;
- учебно-исследовательская работа студентов и научно-исследовательская работа студентов; рецензирование и реферирование литературы, выполнение курсовых и дипломных работ, составление учебной истории болезни.

Большинство указанных методов обучения носит *проблемный характер*. Они наиболее адекватно соответствуют логике врачебного (профессионального, клинического) сознания и мышления, поэтому они предпочтительны для всего периода обучения в вузе. Степень самостоятельности студентов должна возрастать по мере продвижения, т.е. в самом начале быть частично-поисковой, а затем приобретать не только поисковый, но и в ряде случаев исследовательский характер. Функция проблемного обучения состоит в том, чтобы сформировать у студентов способность к профессиональной творческой деятельности и потребность в ней, развить мысленные способности, рефлексию и целеполагание.

На современном этапе нужно мыслить шире и выходить за рамки кафедры, факультета, института. Необходимо выстраивать отношения с крупнейшими библиотеками и образовательными платформами, участвовать в дискуссиях на международных форумах. Не ограничиваясь традиционными формами общения, можно смело пробовать новое: заводить общие чаты и блоги, совместно работать над документами, например, в Evernote, пользоваться коллаборативными досками

Мобильные технологии могут радикально изменить преподавание в области медицины. Использование приложений позволит студентам найти новые способы для обработки рутинных задач или приблизиться к решению по-настоящему масштабных проблем

Несомненно, чтобы воплотить вышеуказанные способы, потребуется многое – воспитать новое поколение активных преподавателей, пересмотреть планирование занятий, более жестко подходить к анализу затрат и выгод. Зато в результате структура преподавания будет в корне модернизирована, а вместе с ней и медицинское образование в целом**.**

Орынбай Назарбаев
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат Университетининг иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н.
Махмуд Ахмедович Султанов
ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» ИТМ катта илмий ходими, PhD

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижаси кўп жиҳатдан таълим соҳасида педагог кадрларни сифати ошириш билан узвий боғлиқдир. Истиқболда, мамлакатимиз жаҳонда глобал инновацион индексига эга илғор 50 та мамлакат қаторидан жой олишга талабгор эканлигини ҳисобга олиб, бу соҳада кадрлар таёрлаш жараёни замонавий талабларга келтириш долзарб масала ҳисобланади.

Хар билан давлат аввалом бор фуқароларнинг турмуш даржасини ошириш мақсадида ижтимоий – иқтисодий дастурлар ишлаб чиқиб, аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун, унга тўғри келадиган ялпи ички махсулот улушини ошириш (кўпайтириш) тадбирларини белгилаб олади. Ўзбекистон бу кўрсаткич 2018 йилдаги 1533 доллардан, 2019 йилда 208 долларга ошиб, 1741 долларга етган[36]. Фуқароларнинг турмуш даражасини оширишда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва сифатли ҳамда муносиб кадрлар билан таъминлаш давр талаби эканлигини мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев ҳам ўз сўзларида таъкидлаб келмоқда. Жумладан, “Кадрлар буюртмачилари ҳисобланган иқтисодиёт тармоқларининг реал эҳтиёжидан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегиясини белгилаш, давлат таълим стандартлари ва малака талабларини қайта ишлаб чиқиш, талабаларнинг малакавий амалиётини самарали ташкил этиш лозим”лиги, ҳамда “илмий асосланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш энг муҳим вазифамиздир”[37]- деган эдилар. Президентимизнинг ушбу сўзлари иқтисодиёт соҳаси бўйича мутахассис тайёрлайдиган олий таълим муассаларида махсус фанлардан дарс олиб бораётган профессор ўқитувчиларига улкан маъсулият юклайди.

Олий таълим муассаларида шундай фанлар қаторига “қимматли қоғозлар бозори” фани ҳам киради. Жахон иқтисодиётида қимматли қоғозлар (фонд) бозори муносиб ўринга эга бўлиб, ривожланган ва ривожланаётган давлатларда қимматли қоғозлари савдосида фуқаролар учун қўшича даромад олиш манбаси

[36] https://www.google.com/
[37] Ш.М. Мирзиёев: Бизга миқдор эмас, сифат керак. https://uza.uz/

бўлиб ҳисобланади. Республикамизда қимматли (фонд) бозорининг амалдаги ҳолатини Республикамиз Президенти Ш. Мирзиёев 2019 йил 7 октябрь куни фонд бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда танқидий баҳолаб, “қимматли қоғозлар чиқариб, уларни фонд бозорида сотиш механизмидан самарали фойдаланилмаяпти. Фонд бозоридаги акцияларнинг жами қиймати 25 триллион сўм бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6 фоизга ҳам етмайди. Бу кўрсаткич Сингапурда 188 фоиз, Малайзияда 112 фоиз, Россияда 34 фоизни ташкил этади”[38] -деган эдилар. Шунингдек, ушбу бозорни жаҳон даражасига олиб чиқишда аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этиши хусусида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (КБРА) директори А.Назиров, «Мамлакат капитал бозори максимал имконият билан ривожланиши учун бир неча тўсиқ мавжуд. Одамларда молиявий саводхонлик етишмайди. Бу эса соҳа кадрларининг профессионализмига таъсир кўрсатади. Таълим муассасаларида молиявий билимларнинг берилишига урғу бериш лозим»[39] -деган фикрни билдирган.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, алоҳида таъкидлаш мумкинки, фонд бозорининг иқтисодиётдаги улушини ошириш учун соҳа мутахассислари, уларни тайёрлайдиган профессор – ўқитувчилани малакасини амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда ошириш зарур. Бунинг учун фан ўқитувчиси ҳисобланадиган профессор-ўқитувчиси, биринчидан КБРА томонидан инвестицион воситачиларига фаолиятини лицензиялаш жараёнида малака сертификатлари олиш учун ўрнатилган талабларни бажариши лозим. Бунинг учун дастлаб “қимматли қоғозлар бозор операциялари” бўйича махсус курсларини тугатиб сертификатга эга бўлиши керак. Ушбу сертификат асосида, инвестиция воситачисига бериладиган 1-чи ёки 2-чи даражали малака сертификати олиш учун КБРА томонидан ўрнатилган тартибда қимматли қоғозлар бозорига таъллуқли 600 та саволномани ўзлаштириб, махсус имтихон топширадилар.

Иккинчидан, фонд бозорида (www.uzse.uz) қимматли қоғозлар инструментлари олди сотти билан шуғулланиб, амалий кўникмага малакага эга бўлиши укерак. Бунинг учун лицензияга эга инвестицион воситачида рўйхатдан ўтиб, электрон савдоларида қатнашиши мумкин.

Учинчидан, профессор-ўқитувчи албатта қимматли қоғозлар бозорига таъллуқли илмий - тадқиқот билан мунтазам шуғулланиб бориши керак. Чунки иқтисодиёт соҳаси кўп қиррали бўлганлиги сабабли, фан ўқитувчисидан қимматли қоғозлар бўйича алоҳида малака талаб этилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, таълим сифатини оширишда малака сертификати қимматли қоғозлар бозори бўйича дарс олиб борадиган профессор - ўқитувчи савиясини оширишга, шуниндек, “халқаро стандартларга мувофиқ касбий малакани баҳолаш тизимини жорий этиш[40]да муҳим аҳамият

---

[38]Ш.М. Мирзиёев фонд бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Kun.uz.

[39]А. А.Назиров. Одамларимизда молиявий саводхонлик паст» Kun.uz.

[40] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги №5635- сонли 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини

касб этиб, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириб, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтиришга хизмат қилади.

2-шуъба. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ – ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Исмаилова Зухра Карабаевна,
педагогика фанлари доктори, профессор
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг ривожланишида инновацион марказларнинг роли беқиёсдир. Ҳар бир инновацион марказ ўзига хос бетакрор тарихга эгадир. Уларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи иш юритишга муносабат, халқнинг билимлилик даражаси ва менталитети, ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланганлик даражаси, давлатнинг инновацион жараёнлар билан боғлиқ сиёсати, таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтлари салоҳияти, инсонларнинг инновацион жараёнларга муносабати каби қатор омиллар билан боғлиқдир.

Америка инновация моделини олий таълим тизимидаги намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Калифорниянинг Стенфорд университети менежмент ва компьютер фанлари профессори Уильям Миллернинг фикрига кўра, ушбу географик воҳа тарихининг дастлабки саҳифалари Стенфорд университети билан боғлиқдир. Юз йиллар олдин айнан шу университетнинг собиқ талабаси нисбатан юқори технологик компанияга асос солган, бир неча профессор-ўқитувчилар ҳамда университет ректори ҳудуднинг ривожланиши ва истиқболини кўра билганлар ҳамда кам бўлса-да, молиявий сармоя киритганлар. Бу таълим муассасасида яратилган юқори технологик ғоя воҳанинг 20 йил ичида дунёда учинчи ўриндаги биотехнологик ҳудудга айланишига олиб келган.

Биринчи навбатда олий таълим тизимининг барча босқичларида илмий тадқиқот университетлари моделига ўтиш ва илмий тадқиқот олиб бориш фаолиятларини алоҳида эътибор билан кузатишимиз лозим. АҚШнинг тадқиқотчилик университетлари ҳозирги кунда йирик лойиҳаларини амалга оширмоқда. Улар турли фондлар ва бюджет томонидан молиялаштирилган бўлиб, турли хил ишлаб чиқариш корпорациялари билан яқиндан боғланган.

«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Фармони. 1 илова, 141 банд.

Атрофларида турли бизнес-инкубаторлар, инфратузилма мажмуаларини бирлаштирган. Мазкур инфратузилма мажмуаларининг мавжудлиги инновацион тизимнинг инновацион маҳсулотлари ва технологияларни инновацион тизим ва фаннинг уйғунлашуви доирасида бошқа соҳалар ва йўналишларга татбиқ этиш имкониятларини беради.

Ҳозирги вақтда Германия Федератив Республикаси(ГФР)да инновацион фаолиятнинг етакчи таъсисчилари таркибида саноат ва савдо-сотиқ палаталари, банклар, хусусий фирмалар, иқтисодий иттифоқлар, университетлар бўлган бир неча шундай марказлар мавжуд. Таъсис маркази бошқаруви айрим ҳолларда жамоавий идоралар билан бошқарилади, бошқа ҳолларда эса якка бошқарувчилар билан бошқарилади. Янгиликлар маркази фирмалар билан бирлашган тадқиқотлар ўтказади ва янгиликлар талаблари асосида янги тижорат компанияларини ташкил этади.

Тайвань тажрибаси ҳам қайси бир жиҳати билан Америка моделига ўхшашдир. Бу мамлакатда салоҳиятли таълим муассасалари иқтисодиёт, саноат билан самарали ҳамкорлигининг аҳамиятини яхши тушуниб, бизнес билан уйғунлашган чуқур фундаментал ва назарий муаммолар билан шуғулланган. Тайваннинг “Саноат технологиялари тадқиқот институти” бу борада локомотивга айлангандир. Кўплаб ходимлар институт ишланмалари асосида ўз компанияларини очганлар ёки технологияларини бошқа компанияларга берганлар ва уларнинг ривожланишини таъминлаганлар.

Сингапурда эса кўплаб муваффақиятли компаниялар, асосан, давлат назоратида ёки улар давлат томонидан очилгандир. Ўқув муассасаларида асосий эътибор тадқиқотларга йўналтирилгандир.

Бир қатор мамлакатларда инновацион ривожланиш, ушбу жараёнлар ривожига ёндашув маданияти билан ҳам боғлиқдир. Масалан, Хитойда мутахассис-ходим таълим тизимида бир неча йилга компанияга ишга ўтиши ва яна ўз ўрнига қайтиши, ўзининг ёки ўзганинг компаниясини очишга кўмаклашиши мумкинлиги қонунан белгилаб қўйилган.

Инновация ва инновацион жараёнлар учун айни муддаодир. Ҳозирги замонавий дунёда инновация жараёнларининг ривожланиши, жараёнларга ёндашувлар жамоавий уйғунлашувни талаб этмоқда. Valeo компаниясининг бош директори Жак Ашенбройх(Jacques Aschenbroich)нинг фикрича, инновация бозорда ўз ўрнини топган ихтиродир. Илмий-технологик жараёнлар тобора шаффофлашиб бораётган дунёда компаниялар инновацияларни янада тезроқ ва кенгроқ ўзлаштиришга интилмоқда. Бунинг учун компаниялар давлат илмий тадқиқот ташкилотлари, илмий-техник муассасалар, мижозлар ва таъминотчилар билан ҳам ишламоқда. Инновацион соҳадаги ҳамкорлик илмий-техник интеграция жараёнларини кучайтирувчи, уйғунлашган, фаол инновацион муҳитни шакллантирувчи механизмдир, у стратегик шериклар ва таъминотчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашинувини ҳамда шу асосида иқтисодий ва технологик юксалишни таъминлайди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий шароитларида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг ўзига хослиги бор. Бироқ Ўзбекистон Республикаси

халқаро тажрибанинг асосий омилларидан ва айниқса, илм-фан, ишлаб чиқариш ва олий таълим шароити ўхшаш бўлган мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиши мумкин.

Умуман олганда, инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини таълим тизими предметлари рўйхатига киритиш, олий таълим муассасаларида кичик инновацион тадбиркорликни ташкил этиш фақатгина талабаларнинг қўшимча амалиётга эга бўлишигагина эмас, балки олий таълим муассасалари учун янги даромад имкониятларини очиши мумкин.

Шунингдек, олий таълим муассасалари ва молиявий оқимларни тартибга солувчи компаниялар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар ва интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқларини реализация қилиш кичик инновацион тадбиркорликни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса олий таълим тизими шароитида фан ва таълим интеграцияни қўллаб-қувватлаши ва ривожланишини таъминлаши, шунингдек, республика олий таълим муассасаларидаги илмий кучлар эътиборини жалб этиш, уларнинг фаолиятини ишлаб чиқариш ташкилотлари билан мувофиқлаштириш, шу жумладан, ташкилотлар инновацион салоҳиятини ривожлантириш учун мақбул шароит яратишга олиб келади.

Ашурова Санобар Юлдашевна, *пед. ф. н., профессор,*
Ўзбекистон Республикаси Мактабгача
таълим вазирлиги

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЗАРУРАТИ

Бугун замон ўзгарди, турмуш тарзимиз, ҳаттоки, жамиятимиз кишиларининг дунёқараши ҳам борган сари кенгайиб, ўзгача сайқал топмоқда. Эндиликда анъанавий дарс усулларидан кўра, ноанъанавий дарс ўтиш услублари кўпроқ самарага, таълим сифатини оширишга ёрдам беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек: «Замонавий иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш мамлакатни тараққий этишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Тизимнинг амал қилиши кадрларнинг истиқболга мўлжалланган вазифаларни ҳисобга олиш ва ҳал этиш қобилиятига, юксак умумий ва касбий маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаоликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда йўналиш ола билиш маҳоратига эга бўлган янги авлодини шакллантиришни таъминлайди».

Айтиш жоизки, таълим тизимидаги ислоҳотлар ёшларни ҳаётга мослаштириш, касб-корга ва таълимга оид дастурларни онгли равишда танлаш ҳамда кейинчалик рўёбга чиқариш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик-педагогик ва бошқа шарт-шароитларни яратишни, оила, жамият, давлат олдидаги ўз масъулиятини англовчи баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутади. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади.

Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

– таълим бериш маҳорати;

– тарбиялай олиш маҳорати;

– ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилатлари;

– таълим олувчиларнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Янги кадрлар тайёрлаш муаммосининг самарали ечими, биринчи навбатда, ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладиган психология, педагогика, иқтисодиёт, экологик маданияти, ҳуқуқшунослик ва шунга ўхшаш бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур биладиган профессионал малакага, ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган ўқитувчи кадрларнинг тайёрланиши билан боғликдир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Агар ўқитувчилар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устларида ишламасалар, агар чет элларга бориб, ўз мутахассисларини ва ундаги янгиликларни ўрганмасалар, чет эллик коллегалар билан тажрибалар алмаштирмасалар, акс ҳолда бу нарса ўқув жараёнига ва унинг самарадорлигига салбий таъсир қилади».

Олиб борилган кузатишлар ва АҚШ, Германия, Япония, Франция ва бошқа саноати ва интеллектуал билимлари ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

1. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро самарали алоқадорлигига.

2. Таълим корхоналари ва профессионал таълим дастурлари турларининг (типларининг) хилма-хиллиги; уларнинг фан ва техниканинг энг охирги ютуқлари, иқтисодиёт ва технологияларнинг энг юқори андозалари ва кўринишларидан фойдаланган ҳолда.

3. Профессионал таълим тизимини устувор ва фойда келтирувчи иқтисодий тармоққа айлантириш.

4. Таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техник асосини яратиш ҳамда уларнинг молиявий кўрсаткичларини мустаҳкамлаш.

5. Профессионал таълим тизимига энг юқори малакали ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб эттириш.

6. Ўқув жараёнини информатизациялаштириш ва компьютерлаш.

7. Кадрларни тайёрлашнинг сифат баҳосини ва объектив назорат тизимини қўллаш. Ҳозирги кунда педагогик технологиялар таркибига қуйидагиларни киритишимиз мумкин. Ўқишнинг мазмуний қисми ва унга:

а) ўқишнинг мақсади;

б) ўқув материалининг мазмуни. Янги педагогик технологиялар моҳиятини, мақсадини ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, улар ҳақида илмий асосланган маълумотлар ва амалий йўлланмалар ишлаб чиқиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиққандан сўнг, уни таълим тизимига жорий этишни самарали қўллаши лозим.

Хулоса қилиш мумкинки, таълим тизимида олий таълим сифатини юқори даражага олиб чиқиш мақсадида ҳар бир фан ўқитувчисига ўқитишга технологик ёндашиш усулларидан фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди, жумладан, ўқув-услубий мажмуалар яратиш учун АРМ, ахборот технологиялари ва масофавий таълим маркази, амалий математика ва информатика кафедрасининг компьютер базасидан фойдаланиш, ахборот технологиялари ва интернетдан фойдаланиш ҳамда чет тилларини ўрганиш курслари ташкил этилди. Ҳар бир кафедра қошида машғулотларни янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб бориш учун тўлиқ жиҳозланган аудиториялар ташкилланди.

Демак, олий таълим тизимида ўқув фаолияти, унинг мазмуни, амалга ошириш шакл ва методларига нисбатан ижобий эмоцияларнинг шаклланишини таъминлаш муҳим бўлиб, булар, ўз навбатида, юзага келган эҳтиёж ва қизиқиш амалий фаолиятда инновацияларни қўллаш учун ҳаракатни юзага келтиради.

Berdaliyeva Gulasal Abduqunduzovna,
pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
Maktabgacha, boshlang‘ich va maxsus ta’lim
metodikalari kafedrasi mudiri

BOLALAR NUTQINI BOYITISHDA MAQOLLARDAN FOYDALANISH

Folkorning ommaviy janrlaridan biri maqoldir. Maqollar uzoq asrlar mobaynida og‘izdan og‘izga o‘tib, silliqlanib, xalqning dunyoqarashi, jamoatga munosabatini, uning tarixi va psixologiyasini qisqa shaklda aks ettiradi.

Maqollar insoniyatning turmush tajribalari zaminida tug‘ilgan va xalq donoligini ifodalaydigan qisqa, ko‘pincha she’riy shakldagi hikmatli so‘zlar, chuqur ma’noli iboralardir.

Maqollarda mehnatkash xalqning orzu-umidlari, vatanparvarlik, insonparvarlik xislatlari, qisqasi barcha ijobiy fazilatlar aks etgan bo‘ladi.

A.M. Gorkiy xalq maqollarining roliga yuksak baho bergan edi. «Eng ulug‘ donolik so‘zning soddaligidir», – deb yozadi u. Maqollar va qo‘shiqlar har vaqt qisqa bo‘ladi. Ularda butun-butun kitoblar mazmuniga teng keladigan fikr va sezgilar mavjud bo‘ladi.

Haqiqatan ham maqollar, matallar kishilarning ongini o‘stirishda, odamlarda eng yaxshi insoniy fazilatlarni tarbiyalashda muhim rol o‘ynaydi. O‘zbek xalq maqollari eng qadim zamonlardan beri xalq orasida aytilib, puxtalanib, avloddan avlodga eng yaxshi ma’naviy meros bo‘lib kelmoqda. Xalq maqollarini birinchi marta to‘plagan olim M.Qoshg‘ariydir. U o‘zining «Devonu lug‘atit turk» asarida qadimiy qabila va urug‘lar orasida keng tarqalgan maqollardan ko‘plab namunalar keltiradiki, bu maqollar bizning davrimizda ham o‘z qimmatini yo‘qotgani yo‘q.

Aksincha, xalq orasida turli variantlarda ishlatib kelinmoqda. Masalan, «Devonu lug‘atit turk»dagi: «Kishi olasi ichtin, Yilqi olasi toshtin», «Osh totug‘i tuz», «Er so‘zi bir» kabi maqollar hozirgi kunda: «Odam olasi ichida, Mol olasi

tashida», «Oshning ta’mi tuz bilan», «Yigit so‘zi bir bo‘lar» kabi shakllarda keng qo‘llanib kelmoqda.

Klassik adabiyot namoyandalari o‘z asarlarida xalq maqollaridan, hikmatli so‘zlardan samarali foydalanganlar. Ulug‘ Alisher Navoiy o‘zining «Xamsa», «Mahbub ul-qulub», «Xazoyin ul-maoniy», «Lison ut-tayr» asarlarida ko‘plab maqollar va hikmatli so‘zlarni ishlatgan, ularni ijodiy qayta ishlab, g‘oyaviy-badiiy jihatdan yuksak darajaga ko‘targan.

Gulxaniy o‘z asarlari hajviy kuchini oshirish, xalq hayoti bilan bog‘liq va badiiy jihatdan puxtalash maqsadida «Zarbulmasal»da 400 dan ortiq xalq maqollari, hikmatli so‘zlarni keltirgan.

O‘zbek maqollarining mavzusi boy va xilma-xildir. Maqollarni g‘oyaviy-mavzuiy jihatdan juda ko‘p turlarga ajratish mumkin. Jumladan: Vatan va vatanparvarlik, botirlik va qo‘rqoqlik, mardlik, oila va tarbiya va h.k. Umuman, inson hayotining, insoniy munosabatlarning biron sohasi yo‘qki, maqollarda ifodalanmagan bo‘lsa.

Maqol o‘git, nasihat xarakterida bo‘lib, ikki qismdan tashkil topadi. Birinchi qismi voqea-hodisaning obrazli ifodasi va ikkinchi qismda hikmatli yakun beriladi. Masalan: Hunari yo‘q kishining, – birinchi qism, Mazasi yo‘q ishining, – hikmatli xulosa.

Boshlang‘ich sinflarda matn ostida berilgan maqollarni o‘qish va o‘rganish, tahlil qilish asar o‘qilib, tahlil qilinib bo‘lingach, amalga oshirilishi kerak. Chunki asar mazmuni va unda yozuvchi aytmoqchi bo‘lgan g‘oyani tushunmay turib, maqolning ma’nosini izohlash qiyin boiadi. Mualliflar ham maqol ma’nosini asar voqealari bilan izohlamoqchi bo‘ladilar.

Bolalar nutqini boyitishda maqollar katta ahamiyat kasb etadi. Maqollar o‘qish uchun ham, suhbat uchun ham, hikoya tuzish uchun ham, grammatik tahlil va yozuv uchun ham juda qulay materialdir. Ular ixcham, sermazmun va ta’sirchan bo‘ladi; maqollar o‘quvchilarning badiiy didini o‘stiradi; nutqqa e’tibor bilan qarashga, to‘g‘ri, mantiqiy fikrlashga o‘rgatadi; estetik tarbiyasida muhim o‘rin tutadi. O‘qish kitoblarida mavzuga bog‘liq holda, o‘zbek tili darsliklarida esa mashq matnlari ichida xilma-xil mavzularda juda ko‘p maqollar beriladi. O‘quvchilar maqollarni o‘qib, o‘qilgan asarning axloqiy muammosi bilan, hayotiy sharoit bilan bog‘laydilar, ularning majoziy mazmunini, ayrim so‘z va iboralarning ma’nosini tushuntiradilar. Natijada o‘rni bilan maqollardan foydalana boshlaydilar.

Maqollar o‘qilgan asarning xulosasi sifatida ishlatilib, ko‘pgina asarlarning mazmunini tushunib olishga yordam beradi. Masalan, “Sher va sichqon” (1-sinf) ertagining xulosasi sifatida “Yaxshilik yerda qolmas”, “Ahillikda hikmat ko‘p”, “Do‘stlar ahil bo‘lsa, ish oson bo‘lur” maqollari; “Rostgo‘y bola” ertagidan so‘ng “Boshingga qilich kelsa ham rost so‘zla”, “Aql yoshdan, odob boshdan” maqollari beriladiki, bular shu asar mazmunining mag‘zini ochib beradi.

O‘quvchilar maqollarni yoqtiradilar, shuning uchun ham maqollar bilan berilgan topshiriqlarni jon-dildan bajaradilar. O‘qituvchi shularni hisobga olib, maqollar bilan xilma-xil mashqlar ishlatish orqali o‘quvchilarga so‘zlarning majoziy ma’nosini, ko‘p ma’no ifodalashini amaliy singdirib boradi.

Ta’lim jarayonining eng mas’uliyatli bo‘lgan davri – 1-2-sinflarida sinf-dars tizimini qiziqarli, milliy an’analarga sadoqat ruhida tashkil etib borish katta ahamiyatga egaligi bilan dolzarb hisoblanadi. Demak, xalq og‘zaki ijodi materiallarini o‘rganish jarayonida shunga amin bo‘ldikki, bolalarga xalq og‘zaki ijodi namunalarini qo‘llash, o‘tish orqali ularning fikrlash qobiliyati, ko‘rish hamda eshitish orqali xayol, tasavvur olamini boyitishimiz mumkinligini, ularning topqirlik qobiliyatini shakllantirishimiz, taqqoslash ko‘nikmasini, nutqi va mustaqil fikrlash qobiliyatini shakllantirishimiz mumkinligiga amin bo‘ldik.

Xalq og‘zaki ijodi materiallari orqali bolalar bilmagan va ko‘rmagan narsalarini o‘rganishadi. Xayol olami kengayadi. Ularning fanga bo‘lgan qiziqishlarini xalq og‘zaki ijodi materiallari orqali yanada jonlantirishimiz mumkin bo‘ladi. Sunday ekan, biz bo‘lajak pedagoglar maqollardan foydalanib darslarini o‘tish yo‘llari va usullarini mukammal o‘zlashtirishimiz va o‘quvchilarni darsga qiziqtira olishimiz zarur.

Xalq og‘zaki ijodi materiallari orqali ularning xotirasini mustahkamlashimiz, ziyrakligini oshirishimiz, nutq faolligini shakllantirishimiz bizning asosiy vazifamizga aylanishi lozim. Biz shundagina o‘z ko‘zlagan maqsadimizga erishishimiz va bolalarda fanga oid ko‘nikma, malakalarni hosil qilishimiz mumkin bo‘ladi.

Сатторов Алишер Хасан ўғли,
Тошкент молия институти

МДҲ ДАВЛАТЛАРИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ ТАЖРИБАСИ: УКРАИНА МИСОЛИДА

Сўнгги йилларда Украинада аудиторлик фаолияти тез ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Украинада аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни ифодалайди. Ушбу қонунга мувофиқ, Украинада аудитни фақат сертификат олган аудиторлар ўтказиши мумкин. Аудиторларни сертификатлаштириш Украина Аудиторлик палатаси томонидан амалга оширилади.

Украинада аудит нисбатан янги фаолият тури ҳисобланади, шунинг учун унинг ривожланиш жараёни муаммоли масалаларнинг юзага келиши билан кузатилади. Бу муаммолар бир қатор шарт-шароит ва омилларнинг таъсири остида юзага келган, хусусан: Украинада аудитни тартибга солувчи қонунчилик унча такомиллашмаганлиги, амалий тажрибанинг етишмаслиги, аудит жараёнларини ўтказиш ва ҳужжатлаштириш услубларининг мавжуд эмаслигидир.

Украинада аудиторлик фаолиятини тартибга солиш тизими[41]

Иқтисодчи олим В.В. Панковнинг сўзларига кўра, “аудиторлик институтларига аудиторлик фаолиятининг асосий мазмунини белгилайдиган асосий тушунчалар, меъёрлар, қоидалар ва стандартлар мажмуаси сифатида қаралиши керак” [1].

Ҳозирги вақтда Украинада молиявий аудит жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, 2004 йилдан бошлаб, аудиторлик текширувлари Халқаро аудит стандартлари(ХАС)га мувофиқ ўтказилиб, улар Миллий аудит стандартлари сифатида қабул қилинган. Ҳамма аудиторлар Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан қабул қилинган Профессионал бухгалтерлар одоб-ахлоқи кодексига риоя этишлари шарт.

Украинада аудитор ташкилотлари ва аудиторлар сони[2]

	2015	**2016**	**2017**	**2018**
Аудиторлик ташкилотлари	1071	1002	944	889
Аудиторлар	2675	2646	2653	2725

Украинада аудиторлик ташкилотлари ўзларида аудиторлик хизматларининг ички сифат назорати тизимини татбиқ этиши шарт. 2008 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, Украина Аудиторлик палатаси аудиторлик ташкилотларида Халқаро сифат назорати стандартларига мувофиқлик юзасидан сифат назорати текширувларини ўтказиб келади.

[41] Тадқиқотчи томонидан тузилган.

Кўрсатиладиган хизматларнингумумий миқдори(АҚШ доллари)[42]

Бундай тезлик билан, баъзида илғорлик билан ривожланишига қарамай, Украинада аудитни янада ривожлантиришга сифатли аудитга бўлган “ижтимоий” буюртманинг йўқлиги (энг аввало, мулкдорлар, фонд бозорлари ва молиявий муассасалар томонидан), шунингдек, айланма маблағларидан қатъи назар, нотижорат компанияларнинг (молиявий компаниялардан ташқари) молиявий аудит мажбурий тартибда ўтказилмаслиги тўсқинлик қилади. Шундай қилиб, Украинада аудит бозори аудиторлик фаолияти субъектларининг сони кўп бўлса-да, етарли даражада ривожланмаган.

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, молиявий аудит бўйича амалий тажрибанинг мавжуд эмаслиги, мустақил аудитнинг мақсад ва вазифаларини тушунмаслик аудиторлик ташкилотлари ўз зиммаларига ресурс, билим ва тажриба етишмаслиги туфайли бажара олмайдиган аудиторлик вазифаларини олади. Айниқса, бу молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ёки корпоратив ҳисоботлар билан боғлиқ аудиторлик масалаларига тааллуқлидир. Украинада аудит соҳасида туб ислоҳотлар ўтказилиши тақозо этилади, аудиторлик фаолиятига қўйиладиган талаблар органик жиҳатдан Украина иқтисодиёти талаблари ва аудит субъектлари миқёсига мутаносиб равишда мос келади.

Аъзамов Сулаймонжон Маматисакович,
АндМИ доценти, иқтисод фанлари номзоди
Умарова Сайёра Абдулходиевна,
АДУ ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси

[42] Тадқиқотчи томонидан тузилган.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАТБИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Республикамизда барча соҳаларни тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш белгилаб олинди. Инновацион ғоялар, юқори технологияларни ишлаб чиқаришга, жамият ҳаётига изчил татбиқ этиш замонавий билим ва мукаммал малакага эга мутахассислар тайёрлаш учун миллий таълим тизимида ҳам кенг кўламли ва чуқур ислоҳотларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "...Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим".

Миллий электрон таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантириш дастури Жанубий Кореяда 1995 йилдаёқ қабул қилинган эди. Корея Республикаси Таълим ва персонални бошқариш вазирлиги ҳамда Таълим ва илмий тадқиқотлар бўйича ахборот хизмати – "Korea Education and Research Information Service – KERIS томонидан ишлаб чиқилган ушбу дастур тўрт босқичда амалга оширилди (1-расм).



1-расм. Жанубий Кореянинг "Education Network – EDUNET" тизими

Биринчи босқич – 1996-2000 йиллар. Ушбу даврда мамлакатда "Education Network – EDUNET" ахборот хизмати шакллантирилиб, таълим муассасалари педагоглари рақамли таълим технологиялари бўйича қайта тайёрланишлари

билан бир қаторда аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги саводхонлиги оширилди.

Иккинчи босқич – 2001-2005 йилларда “Education Network – EDUNET” ахборот хизмати такомиллаштирилди. Ўқитиш ва таълим маркази – “Teachingand Learning Centre” ҳамда кибер уй таълими тизими – “Cyber Home Learning System – CHLS” таъсис этилди. Шунингдек, рақамли кутубхоналар ташкил қилинди. Бу мамлакат миқёсида электрон таълимни жорий қилиш имкониятини яратди.

“CHLS” тизими таълим муассасаларида ўқиётганларга ўз билимларини мустақил оширишга мўлжалланган. Мазкур контент талаба ёшларнинг қизиқишлари ва билими даражасидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўқув дастурларини танлаш, репетиторларга мурожаат қилмасдан, қўшимча маълумотларни ўзлаштириш имкониятини яратади. У, айниқса, кам таъминланган оилалар учун қўл келади.

Учинчи босқич – 2006-2010 йилларда Жанубий Корея жаҳон электрон таълим бозоридан мустаҳкам ўрин олди. Бу ҳар йили давлат ғазнасига 2 млрд. АҚШ доллари миқдорида даромад келтира бошлади.

Тўртинчи босқич – 2011-2015 йиллардаги мамлакатда шакллантирилган электрон таълим тизими тубдан такомиллаштирилди. Мамлакатда электрон таълимни мувофиқлаштириш бўйича 17 та минтақавий бўлим – “Metropolitan Provincial Officesof Education – MPOES” шакллантирилди.

Юқоридаги босқичлар асосида Жанубий Кореяда электрон таълим тизимини шакллантиришнинг қуйидаги алгоритми ишлаб чиқилган:

• электрон таълим – Electronic education (E-learning);
• мобиль таълим – Mobile-learning (M-learning);
• ялпи таълим – Ubiquitous-learning (U-learning);
• интерактив таълим – Smart-education.

Жанубий Кореяда ахборот-коммуникация технологиялари бошланғич, ўрта ҳамда олий таълим муассасаларида кенг жорий этилган. Мамлакатдаги университетларнинг 83 фоизи “E-learning” тизими билан қамраб олинган. Бундан ташқари 17 та кибер университет мавжуд бўлиб, уларда онлайн тартибида 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 40 минг талаба таҳсил олади. Ушбу талабалар билимини назорат қилишнинг дастурий таъминоти яратилган. EDUNET интернет портали улкан миқдордаги видеодарслар, электрон китоблар, ўқув материалларининг кўчирмаларига эга. Ундан 6,7 млн. киши фойдаланади. Ҳар кун порталга 410 минг киши кириб, улар 27 млн. саҳифа дарсликлар ва бошқа зарур ўқув материаллари билан танишади.

Жанубий Корея таълим тизими жаҳон миқёсида эътироф этилади. Буюк Британиянинг “Pearson” халқаро гуруҳи томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган миллий таълим тизимлари самарадорлиги рейтингида ушбу мамлакат яқин вақтгача ушбу кўрсаткич бўйича дунёда пешқадамликни қўлдан бермай келган Японияни ҳам ортда қолдирди. Бу Жанубий Кореяда ахборот-коммуникация технологиялари юксак даражада тараққий этгани самарасидир (1-жадвал).

1-жадвал

Жаҳон мамлакатларида ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишининг 2017 йилги индекси

Ўрин	Мамлакатлар	Индекс
1	Исландия	8.98
2	Жанубий Корея	8.85
3	Швейцария	8.74
4	Дания	8.71
5	Буюк Британия	8.65
6	Гонконг	8.61
7	Нидерландия	8.49
8	Норвегия	8.47
9	Люксембург	8.47
10	Япония	8.43
95	**Ўзбекистон**	**4.90**
109	Қирғизистон	4.37

Кўпроқ ривожланган ахборот технологияларига эга бўлган мамлакатларни аниқлаш учун Умумжаҳон иқтисодчилар форумининг “Глобал ахборот компьютер технологиялари – 2017” ҳисоботи маълумотларидан фойдаланилади. Ушбу ҳисоботда 148 та мамлакатни 54 та кўрсаткич бўйича баҳолаш натижалари келтирилган бўлиб, улар уч гуруҳга бирлаштирилган: ахборот-компьютер технологиялари ривожланиши учун шароитлар; фуқаролар, ишбилармон доиралар ва давлат идораларининг АКТлардан фойдаланишга тайёрлиги; ижтимоий, тижорат ва давлат секторида АКТдан фойдаланиш даражаси.

Ахборот-компьютер технологияларининг ривожланиш даражаси бўйича иқтисодий ривожланган мамлакатлар етакчилик қилади, жумладан: Финляндия (1), Швеция (3), Нидерландия (4), Норвегия (5), Швейцария (6), АҚШ (7), Буюк Британия (9) ва “Осиё йўлбарси”, деб аталган: Сингапур (2), Гонконг (8), Жанубий Корея (10) (2-жадвал).

Келтирилган маълумотлар кўрсатишича, охирги ўн саккиз йил ичида меҳнат унумдорлиги ўсишининг юқори суръатлари Осиё мамлакатларига хос бўлди: Кореяда 200,8 %; Гонконгда 196,9 %, Сингапурда 194,6 %. Бу мазкур мамлакатларнинг ривожланиш хусусиятларига боғлиқ, аниқроғи эса учинчи мамлакатларнинг иқтисодий ёрдамидан самарали фойдаланишга; арзон ишчи кучига, ривожланган бизнес инфратузилмасига ва иқтисодиётни тартибга солиш соҳасидаги самарали давлат сиёсатига.

Меҳнат унумдорлигининг 140,0 %дан 145,7 %гача пастроқ ўсиш суръатлари Европа мамлакатлари ва АҚШ учун хос, Швейцария (174,7 %) ва Швеция (128,1 %) бундан мустасно. Умуман, барча мамлакатлар учун аҳоли бандлик даражасини оширмаган ҳолда меҳнат унумдорлигининг ўсиши хос ҳисобланади.

2-жадвал

Ривожланган ахборот иқтисодиётига эга мамлакатларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши

Мамлакатлар	Йиллар бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ (ХҚП бўйича)				2000 йилга нисбатан ЯИМнинг ўсиш суръати		
	2000	2005	2010	2017	2005	2010	2017
Финляндия	24505	30459	34168	35617	125,8	139,0	145,3
Сингапур	33195	45374	58019	64584	136,7	174,8	194,6
Швеция	32146	37107	37943	41188	115,4	118,0	128,1
Нидерландия	29792	35021	40490	41711	117,6	135,9	140,0
Норвегия	39152	47842	51758	54947	122,3	132,2	140,3
Швейцария	26581	33114	43207	46430	124,6	162,5	174,7
АҚШ	36450	44224	48294	53101	121,3	132,5	145,7
Гонконг	26778	36309	46945	52722	135,6	175,3	196,9
Буюк Британия	25722	32666	35349	37307	127,0	137,4	145,0
Жанубий Корея	16528	22783	29458	33189	137,8	178,2	200,8

Манба: Рейтинг стран по ВВП а душу населения. 1980 – 2017 гг., ППС, долл. [Electronic resource]. – Access mode : http://svspb. net/danmark/vvp-stran-na-dushu-naselenija.php

Жанубий Корея таълим соҳасига давлат бюджетидан ажратаётган маблағ 11,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Айни пайтда аҳолиси 48 млн. кишини ташкил этадиган мамлакатда 419 та олий таълим муассасаси мавжуд. Ушбу давлат ҳар 100 минг аҳоли сонига тўғри келадиган талабалар сони бўйича ҳам дунёда пешқадам. Мамлакатда умумтаълим ўрта мактабларини тугаллаган ёшларнинг 70 фоизи олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиради. Уларнинг салмоқли қисми масофадан туриб таълим олиб, бакалавр даражасига эга бўлиш имкониятига эгадир.

Юқори малакали мутахассислар Жанубий Корея иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишини таъминламоқда. Халқаро валюта жамғараси маълумотларига кўра, ушбу мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми 37730 АҚШ долларини ташкил этади. Таққослаш учун Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 6070 АҚШ долларига тенглигини кўрсатиш мумкин. Айни пайтда Жанубий Кореяда “рақамли иқтисодиёт”нинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 8,0 фоизга етган. Бу ҳам жаҳонда Буюк Британиядан (12,4 фоиз) кейин иккинчи натижадир.

Мутахассислар фикрича, яқин вақт ичида таълим соҳасида “рақамлаштириш” билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар кутилмоқда. Электрон (рақамли) таълим (инглизча: “Electronic Learning”, қисқартирилганда: “E-learning”) ахборот ва электрон технологиялар асосида ўқитиш тизими ҳисобланади. Таълимнинг ушбу турига қуйидагилар киради:

• ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон ўқув материалларини шахсан ўзлаштириш;

• масофадан туриб ўқитувчи, мутахассис томонидан маслаҳат олиш, ўз билимининг баҳоланиши;

• хоҳлаган пайтда ва жойда жаҳондаги таълим муассасаларидан замонавий билимларни эгаллаш имконияти ва ҳоказо.

Умуман, электрон таълимни шакллантиришда қуйидаги тўрт босқич ажратиб кўрсатилади:

• CD-ROM (инглизча: “Compact Disc Read Only Memory”, яъни “маълумотларни (файлларни) сақлаш компакт дисклари” элтувчиларига асосланган курслар;

• талабаларга ўқитувчилар томонидан масофадан туриб таълим бериш;

• электрон дарсликларга асосланган махсус интерфаол дастурлардан фойдаланган ҳолда электрон таълим бериш.

Электрон таълим беришнинг жадал суръатларда ривожлантирилиши қуйидагилар билан изоҳланмоқда:

• фан-техника тараққиётининг жадаллашиши натижасида оммавий равишда олий таълимга эга бўлиш зарурати;

• замонавий ишлаб чиқаришлар ва хизмат соҳаларида иш билан банд ходимларнинг ўз билим ва малакаларини мунтазам янгилаб боришга эҳтиёжлари туфайли таълимнинг узлуксизлик хусусиятини олаётганлиги;

• ахборот-коммуникация технологиялари тараққий этиши натижасида масофадан туриб таълим олиш имкониятлари кенгайиши;

• энг нуфузли дарсликлар, қўлланмалар, ўз соҳасининг машҳур олимлари ва мутахассислари маърузаларининг рақамлаштирилиши натижасида билимларнинг мустақил эгалланиши ва ўзлаштирилган ушбу билимларнинг холис баҳоланиши ва шу кабилар.

Ўзбекистонда ҳам “Электрон таълим” миллий тизимини шакллантиришга киришилган. Айниқса, “олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш”га алоҳида эътибор берилмоқда.

2012 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида ушбу марказ томонидан олий ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, видеоконференц-алоқа ва масофадан ўқитиш услубларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни ва илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда 63 та асосий олий таълим муассасаси ва уларнинг 17 та филиали, 15 та ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаси, шунингдек, қатор илмий тадқиқот муассасалари шу тизимга уланган.

Марказ олий ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари педагоглари учун ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича

махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнида компьютер ускуналаридан фойдаланишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва мониторингини юритиш, “Таълим” ахборот тизимлари мажмуасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш билан ҳам шуғулланмоқда. Умуман, олий таълим муассасалари ахборот ресурс марказлари томонидан АРМАТ дастурига киритилган ўқув адабиётларининг электрон каталогдаги библиографик ёзувлар сони 1169,3 мингтадан кўпроқни, тўлиқ матнли электрон ресурслар 19,7 мингтани ташкил этади.

Ўзбекистонда электрон таълимни жорий этиш учун мутахассислар тайёрлашда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг алоҳида ўрни бор. Университет ва унинг Қарши, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Фарғонадаги филиалларида 10,2 мингдан ортиқ талаба ахборот-коммуникация технологияларининг 23 та йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. Ушбу олий таълим муассасаси ривожланган 26 та мамлакатнинг 42 та унивеситети, 8 та илмий тадқиқот маркази ва 12 та йирик компанияси билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Университетнинг Жанубий Кореянинг Ахборот жамияти масалалари бўйича миллий агентлиги (NIA) билан ўн йилдан бери давом этаётган ҳамкорлиги, айниқса, самарали бўлмоқда. Буни университетда Ахборот алмашинуви бўйича ўзбек-корейс маркази мисолида яққол кўриш мумкин.

Шу билан бирга, амалга оширилган таҳлиллар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими IT-технологиялар ривожланишининг тезкор суръатларини ҳисобга олмаётганлиги, электрон таълим беришнинг илғор услубларини жорий этиш бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаётганлигини кўрсатди. Бу ҳисобга олинган ҳолда ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация маркази, шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилмоқда.

Давр Ўзбекистонда электрон таълимни фақат олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидагина эмас, умумтаълим мактабларида ҳам кенг жалб этишни талаб этмоқда. Бу ўринда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти мамлакатларида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб информатика асослари фани ўқитила бошланишини эслатиш ўринли бўлади.

Фикримизча, мамлакатнинг бутун узлуксиз таълим тизимида электрон таълимни йўлга қўйиш учун махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти келди. Бундай дастурлар фақат Жанубий Кореяда эмас, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Хитой, Германия, Италия, Франция, Нидерландия, Сингапур, Малайзия каби 40 дан ортиқ мамлакатда қабул қилинган.

Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимида электрон таълимни жорий этиш давлат дастури қуйидагиларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ бўларди:

• барча таълим муассасаларининг “Электрон таълим” миллий тизимига уланишини таъминлаш;

• мамлакат фуқароларига масофадан туриб барча ихтисосликлар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус ва олий таълим олиш, шу жумладан, чет эл олий таълим муассасаларининг электрон таълим тизимидан ҳам фойдаланиш имкониятини яратиш;

• электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, махсус интерфаол дастурлар, видеоматериаллар, адабиётлар яратиш ва сертификатлашни жадаллаштириш учун махсус давлат муассасаси ташкил этиш ва унинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

• жаҳоннинг нуфузли таълим муассасалари томонидан яратилган электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, махсус интерфаол дастурлар, видеоматериаллардан масофадан туриб таълим олиш миллий тизимида фойдаланиш имкониятини яратиш ва шу кабилар.

Bazarova Umida Mamurjanovna,
Senior teacher of Navoi State
Mining Institute

APPLICATION OF FOREIGN TECHNOLOGIES OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES IN THE CONDITIONS OF MODERNIZATION OF A TECHNICAL UNIVERSITY

Modern pedagogical science is in search of ways to modernize a technical university. The most important task of educational policy at the present stage is ensuring quality on the basis of maintaining the fundamental nature of education, the interests of the individual and the state. Equal importance is given to taking into account the world experience of development in this direction.

The relevance of the application of foreign experience is determined by the fact that, in accordance with the requirements for the structure and content of development programs for technical universities, for which the category “national research university” is established, approved by orders of the Ministry of Education, the following tasks are identified as priority tasks in the framework of development programs for such universities: modernization of educational activities of the university; increased interaction with the international scientific and educational community. By modernization of a higher technical university, we understand the improvement of education aimed at improving the efficiency and quality of training of a competent specialist, taking into account international requirements and trends in reforming a university in a single educational space.

Each level of education is recognized as an organic part of the continuing education system; - The introduction of information technology in vocational education; - The tendency of the transition from a strictly regulated organization of education to a varied, personality-oriented, project, remote. These forms of training imply a high level of development of educational independence, the ability to self-realization, self-improvement, self-education; - Transformation of student-teacher interaction, aimed at partnership and cooperation; - the evolutionary transition of the continuity of all levels of education to a holistic, integrated, providing for the ability of the individual to self-determination, as an effective competence in the field of making personally professional decisions in the constantly changing conditions of society.

Consequently, in the process of modernization of the university, it gradually moves from “transmitting” ready-made information to students to managing their independent educational and cognitive activities, to forming their experience of independent creative work. Such a transition involves taking into account the psychological, theoretical and practical readiness of students to study in a university; selection of tasks for independent work; effective management of this work and the use of advanced technologies for training, testing and evaluation acquired by students of knowledge, skills and abilities.

We believe that in the conditions of modernization of universities, the priority is the teaching technology aimed at: 1) the development of the individual, his ability to innovate on the basis of social order; 2) updating the content of training, involving: the integration of knowledge acquired in

• the course of studying related disciplines and creating the prerequisite for problem-based learning; training on a modular basis;

• strengthening the scientific nature of the educational

• material; increased intercultural information

• in the content of the training;

orientation on the development of thinking and cognitive abilities of students;

• updating curricula and programs with

• a wider and more detailed disclosure of goals, objectives, training methods for the model; the inclusion of new sections and topics related to contemporary issues;

3) optimization of the learning process, aimed at achieving not only high quality knowledge, skills, but also the development of experience in professional and creative activities; 4) the shift of emphasis from the teaching process to the learning process of future specialists, their development of knowledge and experience under the guidance of a teacher.

At the operational level, we determined the following parameters of these training technologies: 1) universality (this parameter implies the possibility of participation of all categories of students); 2) consistency (the ability to use technology at different levels: regional, national, international); 3) adaptability (the possibility of making variations taking into account the specifics and characteristics of a particular country, region); 4) prospects (the ability to use technology, both at the

pre-graduate and post-graduate levels); 5) multidirectionality (focus on both an individual person and a group of students; the possibility of attracting a team of students to individual work, the possibility of interaction and mutual assistance); 6) the balance between scientific knowledge and its practical implementation; 7) integrativity (the ability to develop interspecialization skills and abilities with the help of these technologies, such as communication and languages; mobilizing knowledge, the ability to solve problems, work in a team, implement tolerant speech and non-speech behavior, and develop socially). In our opinion, these ideas are embedded in portfolio technology, problem-based learning technology, which is reflected in the project method, in interactive and heuristic technologies. In the course of our work, we used the rich experience of the following foreign educational schools, colleges and institutes: International Language School, Englishtown (The world's largest online English language school) [6], King‘s College, The Open University of the United Kingdom, Theodor Heuss Kolleg) . Having studied the academic programs of these educational institutions, we borrowed some elements of foreign experience in our work. We also borrowed the following elements of design technology: 1) diagnostics of students' needs; 2) the formulation of learning objectives; 3) an indication of training resources (temporary, material, human, technical); 4) the choice of learning strategies; 5) development of evaluation criteria.

Speaking about the use of foreign technologies for teaching foreign languages in the context of the modernization of higher education, one cannot but say about the reasons that impede the process of their study, adaptation and use in Russian higher education: - lack of differentiation in payroll depending on the quality and quantity of work done to study and use of foreign experience; - low material and technical base of individual universities and their branches, including: a) poor equipment of libraries, lack of foreign periodicals, publications of foreign authors; b) the lack of foreign language classrooms equipped with computer technology, language equipment. We can conclude that the education system, as well as in the domestic one, has determined a tendency to move from informative to active teaching methods and forms with the inclusion of problematic elements, research, with the wide use of the students' independent work reserves both in and out of classes. The need for a more intensive use of the creative and intellectual potentials of members of society as a prerequisite for its progress leads to the objective task of purposefully studying, adapting and using the potential of foreign educational systems to develop all aspects and abilities of both the individual student and society as a whole.

Болтаева Зинора Мирджоновна,
ТДИУ Инглиз тили кафедрасининг ўқитувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ТАЪЛИМИНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Президентимизнинг 2017 йил 7 февраль кунги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, бу борада таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, дастур узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш, олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш, илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш каби устувор вазифаларни ўз ичига олади.

Жаҳонда таълим тизимларининг интеграциялашуви тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи фаолият сифатида тан олинган. Замонавий таълим тизими бўлажак мутахассисларни креатив ёндашувлар асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялаш механизмларини ва уларни амалиётга жорий этишнинг инновацион тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан таълим соҳасида талабалар таълимини индивидуаллаштириш, инновацияларни яратиш, янги билимларни яратувчи замонавий педагогик жараёнлар асосида когнитив фикрлаш қобилиятини тарбиялаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Яна бир муаммони ҳал этиш ўта муҳим ҳисобланади: бу педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларини шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур” деб айтган фикрлари мамлакатимиз олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунё миқёсида тайёрланаётган мутахассислар фаолиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик омилларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган. Бу борада бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг мазмуни ва илмий-методик базасини ривожлантириш, таълим жараёнида ностандарт педагогик ечимларни ўзини ўзи фаоллаштириш асосида ўзлаштириш, ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивацияни ошириш бўйича илмий изланишлар муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасаларида талабаларнинг тадқиқотчилик лаёқатини креатив ёндашув асосида тарбиялаш катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда ахборот муҳитини кенг жорий қилиш шароитида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятига барқарор қизиқишини илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда ривожлантириш имкониятлари яратилган бўлиб, инновацион тафаккур муҳим индикатор сифатида эътироф қилинади. Бугунги кунда бўлажак мутахассисларда тадқиқотчилик фаолиятини тарбиялаш ва изланувчанлик сифатларини уларда шакллантиришни таъминловчи моддий-техник база, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси тубдан янгиланди.

Юқоридаги мулоҳазаларга таянадиган бўлсак, замонавий таълим усулларининг бош мақсади олдиндан белгиланган хусусиятли шахсни шакллантиришни эмас, таълим жараёнида субъект шахсий функцияларининг тўлиқ намоён бўлиши ва шунга мувофиқ ривожланиши учун шарт-шароит яратишдан иборатдир. Шахсий функциялар бу шахснинг муайян вазиятдаги характер хусусиятлари эмас, аксинча, инсоннинг «шахс бўлиши» феноменида намоён бўлувчи белгилардир. Бу функциялар қаторига мотивлаштириш, коллизив, критиклик, рефлексив ижодий такомиллаштириш, индивидуаллаштириш, ўз-ўзини намоён қилиш, ўз истакларига эга бўлиш каби функцияларни киритиш мумкин. Бу функцияларнинг ўқув жараёни субъектлари фаолиятида намоён бўлиши, тўлиқлиги таълим жараёнининг амалиётда «шахсий» даражага етганлик ўлчовидир.

Тадқиқотлардан маълум бўладики, бўлажак мутахассисларнинг касбий мослашиш жараёни шахснинг индивидуаллигини кўзда тутувчи ўзига хос субъектив ўқув ҳамкорлик шаклларини тақозо этади. Маълумки, индивидуаллик шахснинг етилиши, шаклланганлигининг ўлчовидир. Индивидуалликнинг ривожланиши учун эса шахсий тажриба, ижодий фаолият тури, дифференциал муносабат, ўз-ўзини тарбиялаш зарур. Бунда мулоқот, диалог, фикрий ўйин, рефлекция, мазмунни англай олиш шахсий функцияларнинг ривожланиш даражасини белгилаб берувчи мезонлардан саналади. Олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига тизимли ёндашув эса талаба шахсининг ўзига хос тажрибаси, индивидуаллиги ва илмий дунёқарашининг шаклланишида манба ҳисобланади.

Илмий изланиш жараёнида узлуксиз, яхлит, ўзаро боғлиқликни таъминловчи таълим тўлақонли амалга оширилганда талаба-ёшларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш, мустақил мушоҳада юритиш кўникмаларини ривожлантириш, талаба шахсининг шаклланиши билан ўзаро алоқада реал педагогик жараённи вужудга келтириш мумкин. Бу жараён турли таълим концепциялари, назариялари ёрдамида лойиҳалаштирилиши ва таълим муассасаларида татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ. Интеллектуаллик, индивидуаллик, мустақил ва эркин фикрга эгалик, юксак онглилик ва интеллектуал маданиятлилик каби хислатларни шакллантириш ҳамда талабаларни объектив ва ҳиссий билишларини ривожлантириш учун махсус методика, махсус педагогик таъсир ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин.

Умуман олганда, замонавий глобаллашув шароитида Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнини бошқариш жаҳон талаблари даражасида олиб

борилиши учун барча чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Мустаҳкам таълим-тарбия тизимини фақатгина мутахассислик фанларининг илмий-назарий асослари ва амалиётда тасдиқланган қоидалар ёрдамида ривожлантириш мумкин. Бу, албатта, шу соҳадаги янгиликлар билан алоқада амалга оширишни талаб этади. Ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш ёшларда шахсга йўналтирилган таълимни қарор топтиришга қаратилган.

Jalolova Mohigul Odiljon qizi,
Psixologiya kafedrasi o‘qituvchisi,
Xidirov Xurshed Usmoilzoda,
magistratura bo‘limi Psixologiy kafedrasi 1-kurs magistranti ,
FarDU

TARBIYASI QIYIN O‘SMIR SHAXSLAR VA ULARNING XULQINI PSIXOPROFILAKTIKA VA KORREKSIYALASH

Tarbiya uzoq muddatli, ko‘p xususiyatli jarayon. Bu jarayon ta’lim, milliy ma’naviy-axloqiy qadriyat va me’yorlar bilan bevosita bog‘liq. Hozirgi rivojlanish davrida ijtimoiy stereotiplardagi o‘zgarishlar, nafaqat kattalar, balki yoshlar tarbiyasiga ham yuqori talablarni qo‘ymoqda. Bularning ko‘pchiligi oiladagi talabga javob bermaydigan tarbiyaviy ta’sir, qarovsizlik, milliy qadriyatlarning buzilishi, bolalar xulqida noijtimoiy, ya’ni jamiyatga yot bo‘lgan holatlarning paydo bo‘lishi kabi ruhiy jarohat beruvchi ijtimoiy omillarning kuchayishiga olib kelmoqda.

Afsuski, jamiyatimizda tarbiyasi “qiyin” o‘smirlar va o‘spirinlar bilan bog‘liq muammolar ham mavjud. Bu muammolar yoshlarning o‘qish jarayoni va xulqida namoyon bo‘ladi. Tarbiyasi “qiyin” bolalar jamiyat tomonidan o‘rnatilgan me’yorlarga zid ravishda xatti-harakat qilishadi. Ular beqaror axloqli, irodasi bo‘sh, pedagogik ta’sirga doim qarshilik ko‘rsatib keluvchi yoshlardir. Tarbiyasi “qiyin” bolalar sinf jamoasida ozchilikni tashkil qilsalar-da ular o‘quv-tarbiyaviy ishlarda barqarorlikka jiddiy to‘siq bo‘ladilar. Ular maktab va undan tashqarida (oila, ko‘cha, dam olish va boshqa joylarda) tartibsizliklarni vujudga keltiruvchilar hisoblanadilar. Shuning uchun ham “qiyin” bolalar maktabda ham, undan tashqarida ham o‘qituvchi va jamoat e’tiborida turadilar.

Jamiyat tomonidan qabul qilingan xatti-harakatlar, qoidalar va me’yorlardan chekingan o‘smirlar deviant xulqlilar deb ataladi. Deviant xatti-harakat psixik sog‘lom shaxslar tomonidan me’yoriy qoidalarni buzish hollaridir. Deviatsiya ijtimoiy-pedagogik muammo bo‘lib, inson ruhiy olamidagi, uning atrofidagi muhitning o‘zgarish hollari bilan bog‘liq. Bu hol, ayniqsa, o‘smir va ilk o‘spirin yoshdagilarga xosdir.

Voyaga yetmagan yoshlar orasida deviant harakatlarni vujudga keltiruvchi qator sabablar mavjud[43]:

– biologik omillar, ya’ni bolalarning ijtimoiy hayotga moslashuvini murakkablashtiruvchi noxush fizioligik va anatomik holatlar;

[43] G’oziyev E. Ontogenez psixologiyasi. – T.: Noshir, 2010. – 196 b.

– genetik (aqli zaiflar, ko‘rlar, karlar va h.k.);

– psixofiziologik (atrofdagilarda noxush kayfiyat uyg‘otuvchi tashqi qiyofa, tilning duduqligi va shu kabilar);

– psixologik omillar, ya’ni insondagi psixopatologik omillar yoki aksentuant (muayyan vaziyatga haddan tashqari urg‘u berish) holatlar. Bu omillar asab kasalliklari: psixopatiya, nevrasteniya kabi kasalliklar bilan bog‘liq;

– ijtimoiy-pedagogik omillar, ya’ni bolalik davridan boshlab maktab, oila va jamoatchilik tarbiyasidagi nuqsonlar;

– ijtimoiy-iqtisodiy omillar;

– ma’naviy-axloqiy omillar, ya’ni jamiyatdagi ma’naviy qadriyatlarning qadrlansizlanishi, insonlarning ma’naviy qashshoqlanishi, muayyan jamiyatdagi ijtimoiy institutlarning unda ro‘y berayotgan deviant harakatlarga befarqligi va loqaydligi kiradi.

Bizning jamiyatimizda mustaqilligimizning dastlabki kunlaridanoq yosh avlod tarbiyasiga katta e’tibor qaratildi va ta’lim-tarbiya jarayoninini uyg‘unlikda olib borishga qaratilgan maxsus dasturlar, konsepsiyalar ishlab chiqilib, ular bugungi kunda amalda o‘z samarasini bermoqda. Xuddi shunday jamiyatda mavjud bo‘lgan tarbiyasi “qiyin” o‘smirlar bilan ishlashga mo‘ljallangan reabilitatsiya, profilaktika va korreksiya ishlari amalga oshirilmoqda.

O‘smir xulqidagi nuqsonlar: yolg‘onchilik, axloqsizlik, janjalkashlik, agressivlik kabi illatlarni korreksiyalash uchun quyidagilarga rioya qilish zarur:

– pedagogik muammoning paydo bo‘lish sabablarini aniqlash;

– ta’sir kuchini o‘tkazadigan profilaktik tadbirlar metodikasi bilan tanishish;

– guruh jamoasida o‘qituvchi va o‘quvchi orasida bir-biriga hurmat muhitini vujudga keltirish;

– oilada sog‘lom muhitni vujudga kelirish uchun ota-onalar bilan ham psixologik va pedagogik konsultatsiya ishlarini olib borish va hokazo.

Shuningdek, tarbiyasi “qiyin” o‘smir va ilk o‘spirin yoshdagilar, tartibbuzar va intizomi bo‘sh yoshlarni jamoat topshirig‘iga jalb qilish ham yaxshi samara beradi. Jamoat topshirig‘i o‘smirlarda va ilk o‘spirinlik bosqichidagi yoshlarda mehnatsevarlik, mas’uliyatlilik, jamoat joylarda o‘zini intizomli tuta olish, atrofdagilarni hurmat qilish kabi xislatlarni shakllantiradi.

Pedagog mazkur yoshdagi bolaning o‘z-o‘zini hurmat qilishga o‘rgatish tuyg‘usini shakllantirish ham muhim ekanligini hisobga olishi, o‘quvchining sinf va umumjamoa oldidagi obro‘sini ko‘tarish yo‘llarini izlashi kerak. Buning uchun o‘qituvchi bolaning u yoki bu sohadagi yutuqlarini ko‘pchilikka ma’lum qilib, uning ayrim kamchilik va xatolarini yo‘qotishda donolik bilan ish tutib, ularni darrov ko‘pchilikka oshkor qilmay, o‘smir bilan suhbatlashib, uning kuchi va imkoniyatlariga ishonishini amalda ko‘rsatadi, bu bilan o‘smirda shakllanib kelayotgan “katta kishi” bo‘lib qolganlik tuyg‘usini hurmat qilishini bildiradi. Bunday qo‘llab-quvvatlashning kerakligini yaxshi his qilgan o‘smir beixtiyor o‘qituvchining ta’siriga beriladi, chunki pedagog o‘smirning munosabatlarini yo‘lga qo‘yishda uning uchun zarur shaxsga aylanib qoladi.

Эргашева Дилором Данияровна,
старший преподаватель, ТГЭУ

ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ ПЕДАГОГОВ В РАМКАХ ЦИФРОВОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЫ

С появлением цифровой экономики в мире происходят поистине революционные изменения, связанные с новыми технологиями, которые трансформируют отрасли и системы производства, в том числе и образовательную среду. Приоритетным документом для такого прогрессивного развития в стране является Постановление Президента Республики Узбекистан Мирзиеева Ш.М. о принятии Концепции национальной стратегии «Цифровой Узбекистан 2030».

Современная цифровая образовательная среда в Республике Узбекистан», которая на сегодняшний день представляет собой единое электронное образовательное пространство страны, сформирована в результате комплекса организационно-технических мер, обеспечивающая цифровую среду для полноценного образовательного процесса в высшем учебном заведении.

В условиях цифровой среды обучения у учащихся, в частности в вузе, формируются важные качества и умения, востребованные обществом XXI века и определяющие личностный и социальный статус будущего специалиста:

- ✓ информационная активность,
- ✓ умение мыслить глобально,
- ✓ способность к непрерывному образованию и решению творческих задач, готовность работать в команде,
- ✓ коммуникативность ,
- ✓ профессиональная мобильность.

Преподавателю высшего образовательного учреждения цифровая среда позволяет использовать широкий спектр современных информационных технологий, что требует кардинального и глобального переосмысления учебного процесса в части изменения практики его организации, где одной из первоочередных становится задача выработки и реализации нового подхода к его планированию.

Использование современных интернет-технологий дает преподавателю возможность провести лекцию и практические занятия на более высоком техническом уровне, насытить информацией, помогают быстро осуществить комплексную проверку усвоения знаний. Студенты в этом случае более глубоко и осознанно воспринимают информацию, поданную ярко, необычно, что облегчает им усвоение сложных тем.

Применение на лекциях и практических занятиях инструментов цифровой образовательной среды позволяет также организовать самостоятельную исследовательскую деятельность, что немаловажно в вузе и прежде всего :

- способствует достижению более высоких качественных результатов обучения;

• усиливает практическую направленность лекционных и практических занятий;

• активизирует познавательную, творческую деятельность обучающихся;

• формирует у студентов компетенции, необходимые для продолжения образования.

Особую роль в этом процессе играют цифровые технологии, по причине того, что их применение способствует повышению мотивации обучения учащихся, экономии учебного времени, а интерактивность и наглядность способствует лучшему представлению, пониманию и усвоению учебного материала.

Основные педагогические цели в рамках цифровых информационных технологий на занятиях состоят в :

• развитии личности обучающегося, включающее в себя:

• развитие творческого, конструктивно-поискового мышления, развитие коммуникативных способностей;

• развитии умения принимать неординарные решения в сложных ролевых ситуациях;

• совершенствовании навыков исследовательской деятельности.

Оптимальная модель достижения преподавателем вуза профессиональной ИКТ-компетентности обеспечивается сочетанием следующих факторов:

- наличие достаточной технологической базы в высшем учебном заведении;

- освоение педагогом базовой ИКТ-компетентности в системе повышения квалификации с аттестацией путем экспертной оценки его деятельности в ИС образовательного учреждения;

- самообразование преподавателя в области ИКТ-компетентности.

Профессиональное поведение преподавателя составляет основу для порождения новых практических знаний и профессиональных компетенций, так как зарождаются ценностные ориентиры профессионального сотрудничества в педагогическом сообществе:

• нацеленность на профессиональное развитие;

• совместное решение схожих профессиональных проблем;

• участие в инновационной педагогической деятельности.

Таким образом, информатизация образования объективно влечет за собой реорганизацию учебно-методической работы; повышение требований к преподавателю и изменение его роли; возрастание роли личности обучающегося и его индивидуальных особенностей; резкое увеличение объема доступных информационных ресурсов.

Информационные и телекоммуникационные технологии позволяют модифицировать характер развития, приобретения и распространения знаний; открыть возможности для обновления содержания обучения и методов преподавания; расширить доступ к общему и профессиональному образованию; не умаляя потребности в преподавателях, изменить их роль в учебном процессе (постоянный диалог, преобразовывающий информацию в знание и понимание).

Результатом деятельности педагога в рамках использования цифровой образовательной среды будут навыки и компетенции, которые невозможно сформировать в рамках формального обучения:

- Определение цели своего профессионального развития в области использования цифровых технологий.
- Навыки использования электронных ресурсов и сервисов для организации образовательной деятельности.
- Навыки публичного представления своего опыта работы в цифровой среде.
- Опыт разработки электронно-образовательных ресурсов, использования дидактических возможностей коллективной работы в сети Интернет.
- Активное включение в деятельность педагогического сообщества.

Omonov N., dots.
Qodirov Bobur *(Master's student, MMKB-01)*

THE IMPORTANCE OF THE DIGITALIZATION OF THE WORLD ECONOMY

Since the world is only in the early stages of digitization, the economic conditions of the emerging digital economy and the regional economy do not have a comprehensive understanding. There may be many interpretations of the same term in the relevant literature and analyses, as well as in different forums. This is because of the novelty and the lack of sufficient understanding or clarity regarding this phenomenon. It may also reflect the high speed of technological progress. The time required for agreeing on standard definitions often lags behind the velocity of technological change.

The digital revolution has transformed our lives and societies with unprecedented speed and scale, delivering immense opportunities as well as daunting challenges. New technologies can make significant contributions to realizing the Sustainable Development Goals. The rapid spread of digital technologies is transforming many economic and social activities. However, widening digital divides threaten to leave developing countries, and especially least developed countries, even further behind. A smart embrace of new technologies, enhanced partnerships and greater intellectual leadership are needed to redefine digital development strategies and the future contours of globalization. One of the distinguishing features of recent years has been the exponential growth in the aggregation of machine-readable information, or digital data, over the Internet.

This has been accompanied by an expansion of big data analytics, artificial intelligence (AI), cloud computing and new business models (digital platforms). With more devices accessing the Internet, an ever-increasing number of people using digital services and more value chains being digitally connected, the role of digital data and technologies is set to expand further. As a result, access to data and the ability to transform data into digital intelligence have become crucial for the competitiveness of companies. Producers and exporters are becoming increasingly

dependent on data analytics as operations get more digitized, and because they use support services that require access to data such as shipping and transportation, retail distribution and finance.

E-commerce is one of the components of the digital economy, as shown in Figure 1. It covers goods and services sold and bought online, including transactions via platform-based companies such as ride-hailing apps, reflected under business to consumer (B2C) revenue reported by the transportation sector, and room-sharing platforms reported under accommodation. The global value of e-commerce is estimated by UNCTAD to have reached $29 trillion in 2017, which is equivalent to 36 per cent of GDP. This corresponds to a 13 per cent growth from the previous year.

Figure 1. E-commerce sales: Top 10 countries, 2017

Rank	Country	Total e-commerce sales	As a share of GDP	B2B	Share of total e-commerce	B2C	Annual average expenditure per online shopper ($)
		($ billion)	(per cent)	($ billion)	(per cent)	($ billion)	
1	United States	8 883	46	*8 129*	90	753	3 851
2	Japan	2 975	61	2 828	95	147	3 248
3	China	1 931	16	869	49	1 062	2 574
4	Germany	*1 503*	41	*1 414*	92	88	1 668
5	Rep. of Korea	*1 290*	84	*1 220*	95	69	2 983
6	United Kingdom	755	29	548	74	206	4 658
7	France	*734*	28	642	87	92	2 577
8	Canada	*512*	31	*452*	90	60	3 130
9	India	*400*	15	*369*	91	31	1 130
10	Italy	*333*	17	*310*	93	23	1 493
	Total of above	19 315	36	16 782	87	2 533	2 904
	World	29 367		25 516		3 851	

Source: UNCTAD estimates

The list of top 10 countries by total e-commerce sales has remained unchanged since 2016, with the United States being the market leader. Global business-to-business (B2B) e-commerce was $25.5 trillion in 2017, representing 87 per cent of all e-commerce, while B2C e-commerce was $3.9 trillion in 2017, an increase of 22 per cent over the previous year. The top three countries in B2C e-commerce sales were China, followed by the United States and the United Kingdom. Cross-border B2C sales by value of merchandise exports amounted to an estimated $412 billion in 2017. This corresponds to almost 11 per cent of total B2C sales, up from 7 per cent in 2015.

E-commerce allows consumers to benefit from greater choices and lower prices. An estimated 1.3 billion people, or one quarter of the world's population aged 15 years and older, shopped online in 2017. This is 12 per cent higher than in 2016. China has the largest number of online shoppers (440 million), whereas the United Kingdom has the highest proportion of online shoppers to the population (82 per cent of those aged 15 years and older). Uptake in low-income economies is considerably lower, suggesting that it takes more than wireless connectivity for e-commerce to take off.

The transformational impact of digitalization becomes most evident when considering the growing importance of a few large technology companies and digital platforms over the past decade. A comparison of the composition, by sector, of the top 20 companies in the world by market capitalization shows a dramatic shift. In 2009, seven companies from the oil and gas and mining sector were among the top 20, accounting for 35 per cent of the total, whereas there were only three companies from the technology and consumer services sector, which includes digital platforms.

By 2018, the picture had changed significantly: the number of technology and consumer services companies in the top 20 had surged to eight (40 per cent), and that of financial companies to seven.

By contrast, only two companies in oil and gas and mining remained among the top 20. Moreover, out of the top 10 companies in 2018, only two remained from those listed in 2009. Four of the top 10 firms in 2018 did not even feature among the top 100 in 2009: Amazon, Alibaba, Facebook and Tencent. The shift is even more remarkable when measured in terms of market capitalization. In 2009, companies in the oil and gas sector accounted for 36 per cent of the total market capitalization of the top 20, followed by financial services with a share of 18 per cent, while technology and consumer services represented 16 per cent. By 2018 the share of the latter had increased to 56 per cent and that of financial services had risen to 27 per cent. By contrast, the share of oil and gas companies in total market capitalization significantly declined to just 7 per cent over the same period (Figure 2).

Figure 2. World's top 20 companies by market capitalization, by sector, 2009 versus 2018 (Per cent)



Source: UNCTAD, based on PwC, 2018b

The review of recent trends in emerging digital technologies points to a very high level of geographical concentration in almost all aspects of the digital economy and digital infrastructure. In particular, more than in other sectors, digital technologies and digital platforms are closely linked to two countries: The United States and China. For example, these two economies account for 75 per cent of all patents related to blockchain technologies, 50 per cent of global spending on Internet of things, at least 75 per cent of the cloud computing market, and for 90 per cent of the market capitalization value of the world's 70 largest digital platform companies. The United States alone also hosts 40 per cent of the world's colocation centers. Thus, these two economies are playing the leading role in digital technological developments in the world, while Africa and Latin America, in particular, are trailing far behind.

Measuring the digital economy and related value creation and capture is fraught with difficulties. Firstly, there is no widely accepted definition of the digital economy. Secondly, reliable statistics on its key components and dimensions, especially in developing countries, are lacking. Although several initiatives are under

way to improve the situation, they remain insufficient, and are struggling to cope with the rapid pace of evolution of the digital economy. Depending on the definition, estimates of the size of the digital economy range from 4.5 to 15.5 per cent of world GDP. Regarding value added in the information and communications technology (ICT) sector, the United States and China together account for almost 40 per cent of the world total. As a share of GDP, however, the sector is the largest in Taiwan Province of China, Ireland and Malaysia. Global employment in the ICT sector increased from 34 million in 2010 to 39 million in 2015, with computer services accounting for the largest share (38 per cent).

Ахметова Клара Ирисматовна, *старший преподаватель*
Узбекский государственный университет мировых языков

ИННОВАЦИИ – КАК СРЕДСТВА МОДЕРНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Современный период глобализации ставит все новые требования к системе организации, управления и содержанию образования. В настоящее время высшее профессиональное образование должно максимально соответствовать требованиям, вызванным неоднозначными процессами глобализации и стремительного технологического и информационного развития общества. Основой построения новой концепции образования в системе высшего образования сегодня, как известно, является взаимодействие традиционных и инновационных подходов в образовании и воспитании современной молодежи.

В последние годы в системе высшего образования Узбекистана проводится ряд реформ, которые стимулируют инновационные процессы в высших учебных заведениях.

Модернизация системы образования сегодня официально признана генеральной, стратегической линией государственной политики Узбекистана. Модернизация, охватившая систему образования Узбекистана, предполагает формирование принципиально новой системы образования, которая требует постоянного обновления образовательного процесса в соответствии с потребностями современного общества.

Так же одной из основных целей модернизации профессионального образования является создание социально-экономических механизмов устойчивого развития системы образования, обеспечивающих доступность, качество и эффективность образования в соответствии с потребностями личности, экономики и общества.

Успешное развитие системы высшего образования, сегодня неразрывно связано с такими понятиями, как «инновация», «инновационный образовательный процесс». Термин «инновация» происходит от латинского понятия «innovati» – нововведение. В социологическом словаре инновация определяется как «процесс целесообразного создания, распространения и

реализации общественно полезной инициативы, направленной на качественные изменения в различных сферах жизнедеятельности общества, рациональное использование материальных, экономических и социальных ресурсов» [5].

Как показывает практика, существуют объективные и субъективные факторы, побуждающие образовательные учреждения к инновационной деятельности. К объективным факторам относятся современная образовательная политика государства, прикладные исследования в сфере образования, опыт инновационной деятельности образовательных учреждений. К субъективным факторам можно отнести социально-региональные потребности, развитие методологической грамотности и научного потенциала преподавателей, творческие возможности преподавателей и студентов, рост технического потенциала образовательного учреждения, изменение управленческих характеристик.

В системе высшего образования инновационный процесс представляет собой комплексную деятельность, которая связана с применением инновационных форм и приемов обучения, использованием эффективных механизмов управления, созданием новых образовательных продуктов и оказанием услуг. В качестве образовательных инноваций часто рассматриваются такие параметры, как научно-практическое знание новизны, применение новых образовательных технологий обучения, проект эффективного инновационного образовательного комплекса.

Накопление предпосылок для качественных преобразований в высшей школе, способствует не только трансформации ее внешних параметров, но и приводит к активному поиску, а также внедрению новых качеств системы высшего образования. Изучение преобразований в высших учебных заведениях призвано к жизни кризисом основ высшей школы, как углубляющимся противоречием между новыми потребностями и запросами современного общества, и настойчиво сохраняющимися сложившимися формами и методами развития знания, а также построения системы научно-образовательной практики субъектов обучения. В целом же, результаты процессов преобразований в системе высшего образования задаются с учетом образовательной политики, корректно формулируемых управленческих решений и готовности научно-педагогического коллектива к участию в трансформировании, связанным с развитием общества.

Инновационный подход в образовании является процессом и результатом учебной и социально-воспитательной деятельности, стимулирующей и проектирующей новый тип образовательной деятельности как отдельной личности, так и общества в целом. Одной из мер, способствующих повышению качества функционирования образовательной системы, является стандартизация образовательного процесса. Стандартизация образовательного процесса придает образовательной деятельности четкую целевую направленность и повышает ответственность за результаты труда всех участников образовательного процесса.

Формирование модели современного специалиста соответствующего современным требованиям общества возможно в условиях инновационного образования, которое осуществляется путем сочетания самообразования с применением наукоемких образовательных технологий.

Применение современных образовательных технологий рассчитано на деятельность педагога при активной субъектной позиции в процессе обучения личности студента.

Существуют различные подходы к определению понятия «образовательная технология». В большинстве случаев данное понятие трактуется неоднозначно. С одной стороны, она представляет собой совокупность методов и средств разработки и предъявления учебной информации. С другой стороны, рассматривается как наука о способах воздействия преподавателя на студента в процессе обучения посредством использования необходимых технических или информационных средств.

Главным образом под образовательной технологией подразумевается организованная учебная деятельность участников образовательного процесса с использованием инновационных методов обучения, направленная на приобретение студентами знаний, умений и опыта, формирование у них профессиональных компетенций, которые соответствуют целям образовательной программы. В системе высшего образования преподавателями активно используются различные формы организации образовательной деятельности: лекция, практическое или лабораторное занятие, семинар, коллоквиум, самостоятельная работа, консультация, курсовое проектирование.

Многообразие подходов к определению образовательной технологии можно представить как разнообразие методов реализации учебных программ. Внутреннее содержание формы организации обучения раскрывается посредством методов обучения, которые являются составной частью образовательного процесса. Методы обучения имеют большое воспитательное значение: они должны не только способствовать расширению объема знаний, но и активизировать познавательную деятельность студентов. Помимо этого, методы обучения несут практическую направленность, так как именно с помощью методов происходит формирование компетенций обучающихся.

Внедрение образовательных технологий обеспечивает возможность создания качественно новой образовательной среды. Еще одним из главных направлений в данной области является внедрение в образовательный процесс современных электронных технологий, а именно дистанционного обучения. Технология дистанционного обучения интересна тем, что она позволяет использовать по максимуму все современные технологии и при этом соблюдает необходимые требования к обучению. Дистанционная форма обучения характерна гибкостью организационных форм и возможностью индивидуализировать содержание образования.

Можно выделить следующие основные преимущества дистанционного обучения:

• позволяет самостоятельно выбирать и определять темп, время и место обучения;

• предоставляет гибкие графики и программы обучения и возможность сформировать индивидуальный план обучения;

• дает возможность своевременно актуализировать содержание образовательного контента.

Внедрение современных компьютерных образовательных технологий в высших учебных заведениях способствует формированию и развитию уровня самостоятельности студентов. При дистанционном обучении учебный материал, может быть представлен в виде аудио- и видео-лекций, которые студенты могут просматривать и прослушивать в удобное время и при необходимости несколько раз. При традиционном обучении это невозможно. Еще одним новшеством, которое вносит использование компьютера в образовании, является интерактивность, которая позволяет развивать активно-деятельностный процесс обучения. Активно-деятельностный процесс положительно сказывается на самостоятельной работе студентов по поиску и усвоению новой информации.

Помимо всего прочего внедрение компьютерных технологий в образовательный процесс вуза, требует соблюдения ряда требований:

• наличие хорошей аппаратно-программной основы;

• наличие необходимой подготовки у педагогов;

• наличие разработанных электронных учебных и методических материалов.

Следует отдельно отметить значение наличия электронных ресурсов и изданий, которые способствуют обеспечению учебного процесса необходимыми учебными материалами. Помимо этого электронные ресурсы значительно облегчают систематизацию и поиск необходимой информации студентами. Масштаб использования студентами электронных ресурсов достаточно широк – получение теоретической информации, использование учебной информации при выполнении практических заданий, проведение аттестаций и т.д.

Итак, в завершение хотим отметить, что необходимость в инновационной направленности педагогической деятельности преподавателей определяется рядом обстоятельств:

• социально-экономические преобразования, которые предполагают необходимость инновационного обновления содержания системы образования, методологии и технологии организации образовательного процесса в высших учебных заведениях;

• непрерывное изменение перечня учебных дисциплин, который требует постоянного поиска новых организационных форм и технологий обучения;

• изменение характера отношения педагогов к оценке используемых педагогических инноваций, созданию условий для их эффективного применения;

• вхождение в единое мировое образовательное пространство, преимущество многоуровневой образовательной системы, который обеспечивает широкую мобильность в темпах обучения и выборе будущей специальности студентами.

Шарифбаева Халида Ядкаровна *– к.п.н.,*
Абдураззакова Дильдора Анваровна *– асс,*
кафедра социальных дисциплин ТИПЭСАД,
Хайриддинова Латофат*-студентка ТИПЭСАД*

ВОЗМОЖНОСТИ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ ПРИ ФОРМИРОВАНИЯ НАВЫКОВ САМООБРАЗОВАНИЯ У СТУДЕНТОВ

Современные условия развития общества, технологий, обусловленные возрастающей ролью информации, все больше влияют на требования к будущим инженерам. На первый план выступает способность к самообразованию в течение всей жизни, вызванная конкурентной средой в бизнесе, расширяющими условиями международного сотрудничества, тенденциями к глобализации процессов. За последние десятилетия появились новые инструменты для обучения. Это компьютеризированное направление, предоставляющее широкие возможности повышения качества обучения в высшем учебном заведении, формирования навыков самостоятельности и активности у студентов, развития способности к поиску информации, ее осмысления в целях постоянного профессионального роста и построения успешной карьеры.

Одной из актуальных сфер в рамках инноваций в образовании становится внедрение технологии смешанного обучения. Ее смысл заключается в разумном сочетании традиционного и компьютеризированного обучения. Полная замена традиционного образования информационными компьютерными технологиями (ИКТ) нерациональна в силу проявляющихся проблем [1], главной из которых, по нашему мнению, является отсутствие перехода от потребления образовательной информации к генерации самостоятельных профессиональных действий и решению нестандартных профессиональных задач. Смешанное обучение позволяет объединить достоинства двух форм обучения.

Терминология «смешанное обучение» заимствована из западных систем образования и на английском языке обозначается как «Blended Learning». Смешанное обучение – это композиция из двух направлений (традиционное и компьютеризированное обучение), позволяющее использовать электронные образовательные ресурсы для решения поставленных задач в образовательном процессе [2]. Средствами обучения являются специально разработанные учебно-методические комплексы, связанные с цифровой обработкой информации. К примеру: интерактивные обучающие программы, цифровая графика, аудио-видео ресурсы. Все они расширяют возможности передачи информации и познания.

В реализации технологии смешанного обучения выделяют следующие педагогические модели.

1. «Автономная группа», когда обучающиеся делятся на два разных потока. Один из них получает знания, умения, навыки и компетенции при помощи традиционной модели, где необходим преподаватель.

2. «Перевернутый класс», где смысл видится в предварительном знакомстве с новым материалом в условиях домашнего обучения. Посредством ИКТ обучаемый получает доступ ко всей необходимой информации, тренажерам и программам для самопроверки. Затем в учебной аудитории преподаватель дает разъяснения. Преподавать вправе, исходя из уровня полученных знаний, проводить с обучаемыми как индивидуальную, так и групповую работу. На уроке есть возможность совместно обсудить сложные вопросы, понять, насколько материал был доступен для понимания.

3. «Рабочие зоны», когда группа делится на подгруппы непосредственно на занятии. В первой занимаются только с преподавателем, во второй проводится индивидуальная или групповая самостоятельная работа, а в третьей – онлайн-обучение. В течение одного занятия или от урока к уроку подгруппы меняются местами. В целях повышения эффективности составляется индивидуальный маршрутный лист, базирующийся на актуальных потребностях студента.

При реализации какой-либо из приведенных моделей необходимо учитывать, что доля электронных образовательных ресурсов должна составлять не выше 80% и не ниже 20% в общей массе средств обучения [3]. Если нарушить это правило, то высока вероятность полного перехода в традиционное или дистанционное образование.

Технология смешанного обучения органично сочетает достоинства традиционного и дистанционного вариантов получения образования в ВУЗе. Преимущества видятся в следующих фактах:

- Смешанное обучение дает возможность реализации индивидуального обучения при взаимодействии в парах «преподаватель-студент», «студент-студент». Создается максимально благоприятная прозрачная среда, способствующая мотивации процесса обучения, достижению результата. Есть условие для получения быстрого ответа на возникающие вопросы, обсуждения материала, разрешения проблем при усвоении темы.
- Взаимодействие в сотрудничестве способствует интеллектуальному развитию, максимальному увеличению познавательных способностей, эмоциональному настрою на положительные успехи в усвоении учебной программы.
- Онлайн-обучение при поддержке традиционных аудиторных форм обучения позволяет выстроить индивидуальный образовательный маршрут в соответствии с потребностями обучающихся, включая темп, место, время. При этом готовить специалистов, отвечающих требованиям общепринятых образовательных стандартов.

• Что касается преподавателя, то значительно расширяются возможности в преподнесении материалов, оценки его усвоения, разных форм контроля знаний. Передача информации, тестирование занимают меньше ресурсов и проводятся в автоматическом режиме при помощи компьютерных технологий.

Несмотря на положительные отзывы о смешанном обучении, существуют препятствия, которые мешают широкому внедрению технологии в практику работы ВУЗов. Среди них самые значимые:

1. недостаточные навыки самоорганизации обучающихся для выполнения заданий [4];

2. недостаточный уровень владения современными компьютерными технологиями, оборудованием среди студентов и преподавателей [5];

3. низкий уровень оснащенности рабочих мест в ВУЗе компьютерной техникой;

4. недостаточно широкие каналы Интернет связи, которые не позволяют обеспечить качественную онлайн-трансляцию каждому преподавателю со своего рабочего места, а студентам, соответственно принимать ее на мобильное устройство, независимо от своего местоположения в данный момент;

5. разработка учебно-методических комплектов, которые можно изучать посредством ИКТ считается затратным как по времени, так и по ресурсам.

Таким образом, смешанная форма обучения имеет значительные достоинства, способно подготовить будущих инженеров к необходимости постоянно самостоятельно работать над повышением квалификации посредством изучения открытой информации, онлайн-обучения и т.д. Однако раскрытие всего потенциала смешанного обучения требует решения отмеченных нами проблем.

Элмурзаева Насиба Холбоевна,
Республика маънавият ва маърифат маркази тадқиқотчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

Бугунги кунда инновацион педагогик жараёнлар олий таълим муассасаси ўқув фаолиятининг муҳим компонентларидан бирига айланиб бормоқда. Чунки инновацион педагогик жараёнлар таълим хизматлари бозорида нафақат у ёки бу таълим муассасасининг рақобатбардош бўлишига асос яратади, балки олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчи ва талаба шахсини интенсив ривожлантириш, Олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчи ва талабларнинг биргаликдаги фаолияти ва мулоқотини демократлаштириш, таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, талабани фаол таълим олиш ҳамда ўзини ҳар томонлама шакллантириб боришга йўналтириш, таълим жараёнида қўлланилаётган технологиялар, метод ва воситаларини такомиллаштириш

ҳамда модернизациялаш, таълимнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш каби вазифаларни бажаради, педагогларнинг касбий маҳорати, уларнинг ижодкорлиги, изланувчанлигининг ривожланиш йўналишларини аниқлайди, талабаларнинг шахс сифатида камол топишида муҳим ўрин тутади.

Олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчиларнинг ўз фанига оид янгиликлар, охирги қабул қилинган ўқув меъёрий ҳужжатлар билан мунтазам танишиб бориши ҳамда иш ҳужжатларини шулар асосида юритиши замонавий олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчи фаолиятига бериладиган баҳо мезонларидан бири ҳисобланади.

Амалиётда инновацион педагогик жараёнларнинг характери қуйидагилар билан белгиланади:

- олинган натижалар мазмуни;
- татбиқ этилаётган таклифларнинг янгилик даражаси;
- амалиётчиларнинг инновацион педагогик фаолиятга тайёрлиги.

Олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимли, рефлексив-фаолиятли ва индивидуал-ижодий ёндашув асосида олиб борилади.

Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан педагогик таълимнинг барча бўлимлари инновацион педагогик фаолиятнинг барча компонентларини максимал рағбатлантириши лозим.

Рефлексив-фаолиятли ёндашувни амалга оширишда олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчиларда уларнинг ўзи ва ўз фаолиятига нисбатан фаол тадқиқотчилик позициясига ўтиш қобилиятини ривожлантириш назарда тутилади.

Индивидуал-ижодий ёндашув олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчиларни уларда ижодий индивидуалликни аниқлаш ва шакллантириш ҳамда инновацион педагогик жараёнларни англашни таъминлайдиган шахсий босқичга чиқаради.

Олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг асосий омилларидан бири профессор-ўқитувчилар педагогик фаолиятининг индивидуаллигини ривожлантириш ҳисобланади, яъни янгиликларни ўзлаштириш индивидуал-шахсий босқичда амалга оширилади.

Олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш 4 та босқичда амалга оширилади.

1. Профессор-ўқитувчиларнинг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш босқичи. Олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчиларда ижодий педагогик вазифаларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва ечимини топиш қобилиятини шакллантириш, шунингдек, ижодий изланувчанлигини ривожлантириш, яъни аввал эгалланган билим ва кўникмаларни янги вазиятга мустақил олиб ўтиш, маълум бўлган вазиятда муаммо ва объектнинг янги функциясини кўра олиш, объектнинг таркибий қисмларини аниқлаш, муқобил ечим ёки унинг усулларини кўриш, аввал

ўзлаштирилган фаолият усулларини янги вужудга келган муаммо билан мувофиқлаштириш воситасида уни инновацион маҳсулотга айлантириш ҳамда профессор-ўқитувчиларда креатив фикрлашни ривожлантиришни назарда тутади.

2. Илмий билиш, педагогик тадқиқот босқичи. Бу босқичда инновацион педагогикага кириш методологияси асосларининг эгалланиши, уларни инновацион педагогика вужудга келишининг ижтимоий ва илмий замини, шарт-шароитлари, унинг асосий тушунчалари билан таништириш тушунилади.

3. Инновацион педагогик фаолият технологиясини ўзлаштириш босқичи. Бу босқич муаллифлик дастурларини яратишда иштирок этишни ташкил этиш, муаллифлик дастурларини мустақил тузиш методикасини ўзлаштириш, янгиликларнинг кейинчалик ривожланиши ҳамда янгиликларни таълим амалиётига татбиқ этишда кузатилаётган қийинчиликларни таҳлил этиш ва прогнозлаштиришни шакллантиришни назарда тутади.

4. Инновацияларни амалиётга жорий этиш босқичи. Бу босқич тажриба майдончасида профессор-ўқитувчиларнинг амалий ишини ташкил этиш, тузатиш ишларини олиб бориш ҳамда тажриба натижаларини кузатишни ўз ичига олади. Мазкур босқичда профессор-ўқитувчиларда касбий фаолиятини ўзи таҳлил этиш малакаси ошади, уларнинг янгиликларга нисбатан қарашлари, йўналишлари, муносабатлари ўзгаради, инновацион нуқтаи назари шаклланади.

Педагогик жамоада қулай инновацион муҳитнинг мавжудлиги, яъни таълим муассасалари таълим жараёнига инновацияларни киритишни таъминлайдиган ташкилий, методик ва психологик характерга эга бўлган комплекс чора-тадбирларни ўзида мужассам этган белгиланган маънавий-психологик муҳитнинг мавжудлиги профессор-ўқитувчиларнинг янгиликларга “қаршилик қилиш” коэффицентини камайтиради, касбий фаолиятда пайдо бўлган стереотипларни енгиб ўтишга ёрдам беради.

Инновацион муҳит таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларга бўлган муносабатида ўз ифодасини топади.

Олий таълимни модернизациялаш шароитида профессор-ўқитувчиларнинг ўзини ривожлантириши уларнинг ақлий меҳнат техникасини билган ҳамда интеллектуал фаолиятнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилади. Профессор-ўқитувчиларнинг ўзини ривожлантириш фаолияти шахсий вақтни ташкил этишни билиш, ўзини ривожлантириш бўйича индивидуал режа туза олиш ва уни амалга ошириш малакасига эгалигига боғлиқ.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган фикрлар давлат талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда олий таълим тизими раҳбар ходимлари ҳамда педагогларнинг таълим соҳасидаги замонавий бошқарув (менежмент), маркетинг, мониторинг, педагогика, психология, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, миллий ғоя ва маънавият асослари, ҳуқуқ, иқтисодиёт, ихтисослик фани назарияси ва уни ўқитиш методикаси ва бошқа соҳалар бўйича касбий ва методик билимларини чуқурлаштириш ва янгилаш, уларни

амалда қўллашга ўргатиш орқали раҳбар ва педагогларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш ва жалб этиш, улар фаолиятининг сифат ва самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини ошириб боришга имкон яратади.

Эргашова Ш.И., *ўқитувчи,*
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ТАЪЛИМИ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ОИД

Халқимиз турли хил касалликларни доривор ўсимликлар асосида даволаш бўйича ўзининг кўп асрлик тажрибасига эга. Сўнгги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида ислоҳотлар ўтказишга эҳтиёж сезилмоқда.

Асрлар оша бизга шифобахш ўсимликларнинг таърифи ва уларнинг инсон саломатлигини яхшилашда қўлланилишига доир кўпгина илмий асарлар етиб келган. Дунё тиббиёт фани ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккир аждодимиз Абу Али ибн Сино (980-1037) тиббиёт масалаларига доир 20 дан ортиқ илмий асарлар ёзиб қолдирган. Олим 20 йил давомида ўтказган тиббий амалиётида тўплаган тажрибалари асосида 5 жилдлик “Ал-қонун” (“Тиб қонунлари”) асарини яратган, бу асар асрлар мобайнида нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам шифокорлар учун ҳамон дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Китобда 500 дан ошиқ доривор ўсимликлар ҳамда улардан тайёрланган 40 дан ортиқ доривор воситалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Олимнинг бу машҳур асари кўпгина хориж тилларига ўгирилган ва чоп этилган, лотин тилининг ўзида 16 марта қайта-қайта чоп этилган бўлиб, ҳозирги даврда ҳам бу китоб ўз аҳамиятини йўқотмаган [3].

Ўз замонасининг етук энциклопедист олими Абу Райҳон Берунийнинг (973-1048) астрономия, математика, физика, минералогия, геодезия, география ҳамда табиий фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси ниҳоятда улкандир. Беруний яратган илмий асарларининг орасида энг муҳими ва ҳажм жиҳатидан каттаси “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб” (Тиббиётда фармакогнозия) китоби ҳисобланади. Бу асарда ўша даврларда Шарқ табобатида қўлланилган 674 та доривор ўсимликлар ва 90 та доривор ўсимлик маҳсулотлари ҳақида маълумотлар мавжуд. “Сайдана”да тилга олинган доривор ўсимликларнинг номи 750 тага етади [4].

Узоқ вақтлар давомида бутун дунё халқларининг асосий доривор воситалари шифобахш ўсимликлар хомашёси асосида тайёрланиб келинган. Шифобахш ўсимликлар заҳарли эмас ёки кам заҳарли, энг асосийси, асорат қолдирмайди, улар таркибида биологик фаол моддалар кўп ва инсон, ҳайвон организмига узоқ вақт даволовчи таъсирини ўтказиб туради.

XX асрда синтетик кимё жадал ривожланди, синтез йўли билан жуда кўплаб янги, тез ҳамда кучли таъсир этувчи доривор моддалар яратилди, лекин

уларни мунтазам равишда истеъмол қилиш инсон организми тузилмаси ва ҳаётий функциялари бузилишига олиб келиши маълум бўлди [5].

Шунинг учун ҳам ўсимликлар дунёсининг намуналарини тиббиёт амалиётида қўллаш бугунги куннинг муҳим эҳтиёжларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“**Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам айнан шундай масалаларни ўзида акс эттиради [2]. Жумладан, қарорда “...йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш...”, “...2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 2025/2026 ўқув йилига қадар ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимида доривор ўсимликларга оид махсус соатларни ўқув режаларига киритиш...” вазифалари таъкидланган.

Доривор ўсимликлардан нафақат медицинада, балки ветеринария медицинасида ҳам фойдаланиш, бу соҳада илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ. Негаки, кимёвий таркибига кўра ўсимликларнинг аксарияти ҳайвонлар организмига яқин. Ёввойи табиатда ҳам касал ҳайвонлар ўзига керакли ўсимликларни топиб ейди.

Маълумки, ветеринария соҳаси кадрларини тайёрлаш тизимини мақбуллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Самарқанд ветеринария медицинаси институти ташкил этилган эди. “Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорда [1] “ветеринария таълими мазмунида соҳа бўйича инновацион ғоялари ва ишланмалари, юқори унумли ва ресурс тежамкор илғор технологиялари бўйича билимларни акс эттириш” шу соҳадаги кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида келтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Самарқанд ветеринария медицинаси институти бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режасига “Ветеринария медицинасида доривор ўсимликлар” махсус фанининг киритилиши ветеринария таълими сифати ва самарадорлигини бугунги кун талабларига мос бўлишига хизмат қилган бўлар эди.

Юсупова Замира Зариповна, *катта ўқитувчи,*
Тошкент ахборот технологиялари университети

АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГ ИШИНИНГ ҚОИДАЛАРИ ВА ЭТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Психология фанлари ва амалиёти тараққиётининг ҳозирги даражаси, уларни ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга таъсирининг ортиб бораётганлиги ва шу кабилар психологлар фаолиятини илмий тадқиқот ишлари жараёнларида ва улар натижаларини, амалий тавсияларини амалиётга, ҳаётга татбиқ қилишда махсус белгилаб қўйилишини тақозо қилмоқда. Психологнинг нотўғри хатти-

ҳаракати жамоадаги психологик иқлимни яхшилаш эмас, балки ёмонлаштириши мумкин, маслаҳат берилаётган одамнинг аҳволи ва ҳолатини ёмонлаштириши ва энг аянчлиси, психология фанининг камситилишига, қадрсизлантирилишига, обрўсизлантирилишига олиб келиши мумкин.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида – олий таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатаётган психологлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, психологияни камситиш холларини бартараф этиш ва шу кабилар амалиётга психолог ишининг қоидалари ва этик тамойилларини жорий этишни тақозо этади. Бу эса бугунги кун психологининг профессионаллик даражасини нафақат унинг назарий билимлари, методик (услубий) ва методологик тайёрланганлиги, балки ўз фаолиятининг шу этик меъёрларни, тамойилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қила олиш қобилияти белгилаб беришлигини билдиради.

Келгусида бизнинг психологларимизнинг ҳам бутун дунё миқёсида чет эллик ҳамкасблари ўз фаолиятларида амал қиладиган қатъий талаблар, тамойилларга амал қилишнинг жорий этилиши табиийдир. Илмий-амалий соҳаларда ишлаётган психологларни аттестациядан ўтказиш, психологик амалиёт учун лицензиялар бериш кабилар кун тартибида турган масаладир. Бу ўринда психолог ишининг қоидалари ва этик тамойилларини билиш асосий шартлардан ҳисобланади.

Психолог ишининг қоида ва тамойиллари мазмуни. Психолог ишининг этикаси умумбашарият ахлоқий ва маънавий қадриятларга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси низомларига, жамиятнинг мақсад ва вазифаларига асосланади. Шахснинг мустақил ва ҳар томонлама ривожланишининг асослари, уни ҳурмат қилиш, одамларни бир-бирга яқинлаштириш, адолатли, инсонпарвар, гуллаб-яшновчи жамият тузиш кабилар психолог фаолиятини белгилаб берувчилар ҳисобланади. Психолог ишининг этик тамойиллари ва қоидалари унинг профессионализми шаклланадиган ва мустаҳкамланадиган шарт-шароитларни, унинг хатти- ҳаракатларининг инсонийлигини, ўзи билан бирга ишлайдиган одамларнинг нисбатан ҳурматини, унинг ишидан бўладиган реал фойдани шакллантиради.

Синалувчига зиён етказмаслик тамойили. Психологдан ўз ишини шундай ташкил этишни талаб қиладики, уни на амалга ошириш жараёни ва на натижалари синалувчига, унинг соғлиги, аҳволи ва ижтимоий ҳолатига ҳеч қандай зиён етказмаслиги керак. Мазкур тамойилга амал қилиш (тамойилни бажариш) психологнинг синалувчи ва буюртмачи билан бўладиган муносабатлари қоидаларини ва тадқиқот ҳамда мулоқотнинг адекват методларини танлаб олишни белгилаб беради.

Психолог ва синалувчининг ўзаро ҳурмати қоидаси. Психолог шахснинг конституцияда белгиланган ва кафолатланган шахсияти, ҳуқуқ ва эркинлигини ҳурмат қилишга асосланади. Синалувчи билан ишлаш унга тадқиқот мақсади ҳақида, унда фойдаланиладиган методлар ва олинган

маълумотлардан фойдаланиш усуллари ҳақида тегишли маълумотлар берилганидан сўнг ва фақат унинг розилигини олгандан сўнггина бошланади.

Қўлланиладиган методикаларнинг синалувчи учун хавфсизлиги қоидаси. Психолог фақат синалувчининг саломатлиги, ҳолатига хавфли бўлмаган тадқиқот натижасида унда ёлғон-нотўғри тасаввурларни шакллантирмайдиган, айнан мазкур психологик тадқиқот вазифаларига мос келмайдиган, алоқаси бўлмаган психологик хусусиятлар ва хислатлар ҳақида маълумот бермайдиган тадқиқот методикаларини қўллайди.

Буюртмачининг синалувчига нисбатан нотўғри хатти-ҳаракатларини огоҳлантириш қоидаси. Психолог ўз тавсияларини шакллантириши, сақланишини ташкил қилиши, тадқиқот натижаларидан фойдаланиши ва уларни чоп эттиришни шундай тарзда шакллантириши керакки, улардан буюртмачи билан келишиб олинган вазифалардан бошқа мақсадларда фойдаланилишини бартараф этиши ва у синалувчи ҳолатини ёмонлаштирмаслиги керак. Психолог синалувчини буюртмачига берилаётган маълумотлар характери ҳақида огоҳлантириб қўйиши керак ва буни фақат синалувчининг розилигини олгандан сўнг қилинади.

Психологнинг компетентлилик тамойили. Психологдан шуни талаб қиладики, бунга кўра психолог фақат профессионал жиҳатдан хабардор бўлган масалаларнигина ечишга уриниши, уларни ечиш учун амалий иш услубларига эга бўлган психокоррекцион ва бошқа ишларни амалга оширишга ваколати ва ҳуқуқи бўлган ишларнигина қўлга олиши мумкин. Тамойилнинг бажарилиши психологнинг буюртмачи, синалувчи тадқиқот натижалари билан бўладиган муносабатларини тартибга солувчи қоидалар билан таъминланади.

Психолог ва буюртмачининг ҳамкорлиги қоидаси. Психолог буюртмачини у қўйган, талаб этган масала юзасидан ҳозирги замон психология фанларининг реал имкониятлари ҳақида, ўзининг ҳам билим доиралари (даражаси) ва ўз имконияти чегаралари ҳақида хабардор қилиши шарт. Шунингдек, психолог буюртмачини психологик фаолият қоидалари ва тамойиллари билан таништириши ҳамда психологик характерга эга бўлиб, метод ва материаллардан фойдаланишда буюртмачининг розилигини олиши керак.

Психолог ва синалувчининг профессионал маҳорати қоидаси. Психолог психодиагностик суҳбат, кузатиш, психолого-педагогик таъсир ўтказиш методларини шундай даражада билиши керакки, бу билимлари бир томондан қўйилган масалани максимал самарадорлик билан ечиш имкониятини берсин, иккинчи томондан эса синалувчидан психологга нисбатан симпатия ва ишониш, у билан мулоқотдан қониқиш ҳисларини таъминлаб, сақлаб турсин. Агар синалувчи бемор бўлса, унда ҳар қандай тадқиқот ёки профилактика усулини қўллаш фақат врачнинг рухсати билан ёки синалувчи манфаатини ҳимоя қилувчи бошқа одам розилиги билан амалга оширилади. Бемор одам билан психотерапевтик ишларни психолог фақат даволовчи врач билан келишилган ҳолда ва махсус факультетларда билим олган медицина

психологияси ихтисослигига эга бўлган тақдирдагина амалга ошириши мумкин.

Психологик тадқиқотлар натижаларининг асосланганлик қоидаси. Психолог тадқиқот натижаларини психология фанларида қабул қилинган атама ва тушунчаларда (термин) ифодалайди, ўз хулосаларини тадқиқотнинг дастлабки материалларини тақдим этган ҳолда, уларнинг математик-статистик қайта ишланган ҳолда ва компетентлик ҳамкасбининг ижобий хулосаси (тақризи) билан тақдим этади (тайёрлайди). Ҳар қандай психологик вазифани бажаришда қўйилган масалага оид адабиётларни таҳлил қилишга асосланган тадқиқот ўтказилади.

Психологнинг одилона, бетарафлик тамойили. Синалувчи ўзининг кўриниши, юридик ва ижтимоий ҳолати билан қандай субъектив таассурот қолдиришидан қатъи назар, буюртмачининг синалувчига муносабати қандай ижобий ёки салбий бўлишидан қатъи назар синалувчига нисбатан тахминий муносабатда бўлишига илмий маълумотларга зид келувчи хулосаларни шакллантириш ва психологик характердаги хатти-ҳаракатларни амалга оширишга йўл қўймайди. Агар тадқиқот натижаларига синалувчининг ўзининг шахсини, психолог ва буюртмачининг таъсирини белгилаб (регламент қилиб) берувчи қоидалар бажарилса, бу тамойил ҳам бажарилади.

Психолог томонидан қўлланиладиган методикаларнинг адекватлилик қоидаси. Психолог ўтказиладиган тадқиқот мақсади, синалувчининг ёши, жинси, маълумоти, ҳолати эксперимент шартларига мос (адекват) бўлган методикалардан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари методикалар, албатта, стандартлаштирилган, меъёрлаштирилган, ишончли ва валидли, синалувчилар контингентига мувофиқлаштирилган бўлиши керак (валидлик бугун олинган натижа бир ойдан, икки ойдан кейин олинган тест натижаси билан бир хил бўлиши керак).

Психолог тадқиқоти натижаларининг илмийлиги қоидаси. Психолог илмий тан олинган ва унинг илмий иштиёқига, жамоатчилик қизиқиши, маълум бир тоифа синалувчилар доирасига нисбатан бўлган шахсий симпатия, ижтимоий ҳолат профессионал фаолиятга боғлиқ бўлмаган маълумотларни қайта ишлаш ва интерпретация (изоҳлаш) қилиш методларини қўллаши керак. Тадқиқот натижалари шундай бўлиши керакки, агар бошқа шу соҳа бўйича худди шундай малакага, шу мутахассисликка эга бўлган мутахассис томонидан яна қайта интерпретация қилинганида ҳам бир хил маълумот кўрсаткичига эришилса.

Психолог томонидан буюртмачига берилаётган психологик характердаги маълумотларнинг ўлчанганлиги қоидаси. Психолог буюртмачига тадқиқот натижаларини унга маълум бўлган атамалар ва тушунчалар орқали аниқ (конкрет) тавсиялар шаклида беради. Бунда улар синалувчи шахсини психолог олдига қўйилган вазифалардан бошқа фикр-мулоҳазаларга тааллуқли бўлмаслиги керак. Психолог фақат иш манфаатларига амал қилади холос ва синалувчининг, буюртмачининг ва улар ишлаётган

фаолият кўрсатувчи жамоадаги ҳолатни ёмонлаштириши мумкин бўлган маълумотларни бермайди.

Психолог фаолиятининг конфиденциаллилиги тамойили. Бу тамойил шуни билдирадики, психолог томонидан унинг синалувчи билан ишлаши жараёнида ишончли муносабат асосида олинган материаллар онгли ёки тасодифий бўлса-да, келишилмаган ҳолда ошкор қилинмаслиги керак. Шундай тарзда тақдим этилиши керакки, бу на синалувчи, на буюртмачи, на психолог, на психология фанларини камситмаслиги керак. Агар психолог ва буюртмачи ўртасидаги, буюртмачи ва синалувчи ўртасидаги психологик характерга эга бўлган маълумотларни алмаштириш жараёни тегишли қоидалар билан регламентланиб турилса, мазкур қоида ишлайди.

Психологик характерга эга бўлган маълумотларни кодлаштириш. Психолог психологик характерга эга бўлган материалларнинг барчасига баённома, бланклардан то якуний ҳисоботгача синалувчининг фамилияси, исми, отасининг исмини эмас, балки унга берилган бир нечта ҳарф ёки рақамдан иборат бўлган кодни кўрсатиши керак. Синалувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва унга мос келувчи ва фақат психологгагина маълум бўлган кодлаштирилган ҳужжат бир нусхадагина тайёрланади ва экспериментал материалларда ажратилган ҳолда бегоналар ета олмайдиган жойда сақланади, агар иш шароитига кўра зарур бўлса, унда буюртмачига акт орқали берилади.

Психологик характерга эга бўлган маълумотларнинг сақланишини назорат қилиш қоидаси. Психолог даставвал буюртмачи билан синалувчини характерловчи материалларни кўриш ва улар билан танишиш учун кимларга рухсат берилишини, уларни сақлаш жойи ва шароитлари, улардан фойдаланиш мақсади ва уларни йўқотиб юбориш муддати ҳақида келишиб олиши керак.

Психологик характерга эга бўлган маълумотлардан ўринли фойдаланиш қоидаси. Психолог буюртмачи билан синалувчига уни ўрганиш, тадқиқ этиш натижаларини ва айниқса, унга шикаст етказиши мумкин бўлган ёки мазкур келишувнинг бажарилишида муаммолар туғдирадиган маълумотларни тасодифан ёки атайин айтиб қўймаслик ҳақида келишиб олиши лозим. Синалувчи ҳақидаги психологик характерга эга бўлган маълумотлар ҳеч қачон очиқ муҳокама қилинмаслиги, психолог тавсия этган мақсадлардан ташқари ҳеч кимга берилиши ёки айтилиши мумкин эмас.

Келишувлардан хабардорлик тамойили. Психолог буюртмачи ва синалувчиларга психологик фаолият қоидалари, этик тамойиллари, мақсадлари, воситалари ва психологик тадқиқотнинг тахминий натижалари ҳақида хабардор бўлишлари ва унда ихтиёрий қатнашишлари мумкинлиги ҳақида маълумот бериши лозим. Ушбу кўрсатиб ўтилган тамойилларга ҳар бир амалиётчи психолог онгли тарзда амал қилиши лозим. Акс ҳолда мутахассислик мезонлари бузилиши табиийдир.

Амалиётчи психологлар нафақат психодиагностик тест ёки методикалар билан ишлабгина қолмай, балки ҳар қандай таълим муассасасида таҳсил олувчилар ва ходимлар билан ривожлантирувчи ва коррекцион ҳамда ҳар

томонлама маслаҳат ишларини олиб боришга тайёр бўлиши мақсадга мувофиқдир. Руҳий ҳолатларни диагностикалаш натижалари асосида безовталик, астения ва депрессия ҳолатларини коррекциялаш (тузатиш) ишлари, руҳий зўриқишнинг олдини олиш психопрофилактик ва психогигиеник тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга татбиқ қилиши лозим. Ҳар қандай вазифани бажаришдан олдин, аввало, ушбу тамойилларга амал қилишлари зарур, чунки психологларнинг бугунги ҳаракати жамиятимизда мутахассисларимизнинг эртанги кунига пойдевордир. Буни доимо ёдда тутишимиз ва амал қилишимиз жоиздир.

Хакимова Лола Шухратовна
магистрант группы МЭКП-21,ТГЭУ

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА ВЕНЧУРНОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Инновационный процесс охватывает все этапы преобразования научного знания или идеи в конкретный продукт, технологию, услугу и их практическое использование в целях получения полезного эффекта. Одной из основных составляющих этого процесса является финансирование инноваций, направленное как на осуществление промежуточных этапов, так и на достижение конечной цели инновационного процесса. Исследования показали, что развитые фондовые рынки и защита прав миноритарных акционеров имеют большое значение для развития компаний, в которых имеются вложения венчурных фондов.

В Узбекистане в январе 2020 года была создана Ассоциация венчурного инвестирования (АВИУз) в виде негосударственного некоммерческого объединения, целью которого является поддержка и развитие венчурной экосистемы страны. Деятельность ассоциации направлена на продвижение и привлечение венчурного капитала в отечественные стартап-проекты, подготовку специалистов по венчурному инвестированию и проведение исследований рынка венчурных инвестиций в Узбекистане.

В нашей стране этот вид финансирования является относительно новым, хотя во всем мире он существует уже много десятилетий.

Само слово venture в переводе с английского означает «рискованное начинание», хотя объектом венчурного финансирования могут быть как действительно «начинания» в виде едва родившихся на свет бизнес-идей, так и стабильно растущие, давно присутствующие на рынке и уже давно реализовавшие свои концепции компании.

В Европе венчурный бизнес начал активно развиваться в начале 80-х годов XX века. В настоящее время число участников Британской ассоциации венчурного капитала (EVCA) составляет 320 организаций. Европейское сообщество уделяет серьезное внимание поддержке, становлению и развитию венчурного бизнеса в странах Центральной, Восточной Европы и СНГ.

В настоящее время США и Северная Америка в целом — самый «горячий» технологический рынок в мире. Венчурных фондов здесь более полутора тысяч. Капитала на американском рынке больше, чем в других регионах.

На протяжении последних десятилетий Ассоциации венчурного капитала были также образованы в странах Ближнего Востока, Юго-Восточной Азии, Южной Америке и других частях света. Как показывает опыт существующих венчурных организаций, для становления этого бизнеса на первом этапе требуется создание материально-технической базы, человеческий капитал и его постоянное развитие. Затем необходимо инвестирование.

В настоящее время в Узбекистане придается большое значение развитию IT-технологий и подготовке специалистов, владеющими ими. В этом направлении уже имеется ряд успехов. Так, с 2013 года проводится Startup Mix - первая в Узбекистане стартап-конференция, StartIn - встречи стартаперов и инвесторов с 2017 года. В сентябре 2019 года был создан первый в Республике Узбекистан венчурный Фонд, цель которого - инвестирование в венчурные проекты в сфере информационных технологий. Это стало логическим продолжение развития перспективных стартап-проектов. Целевой размер венчурного фонда составил 10 млн долларов США, а его участниками выступили государственные фонды, международные финансовые институты, зарубежные инвестиционные компании и заинтересованные частные инвесторы.

Все это дает свои плоды: работают иностранные и отечественные венчурные компании, совершенствуется преподавание в технических и гуманитарных вузах страны, улучшаются методики подачи материала, открываются новые факультеты и отделения по востребованным в мире специальностям. Открыт проект «Один миллион программистов»: после окончания курсов по данной программе молодые люди смогут применить свои знания и навыки в работе с иностранными заказчиками или станут «мозговым центром» новых отечественных IT-компаний. Усиленно проводится цифровизация всех отраслей экономики, что повышает финансовую и техническую грамотность населения. Взаимодействие вузов, Академий наук, предпринимателей, специалистов с международным опытом, укрепившиеся многолетние связи с ведущими зарубежными финансовыми институтами и содействие госструктур — все это позволяет находить новые оригинальные бизнес-решения и привлекать местный и международный капитал.

Построение архитектуры венчурного бизнеса в Узбекистане — один из основных векторов развития экономики и общества в целом.

Султанов Бобурмирзо Мавлонжон ўғли,

Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази кичик илмий ходими

ДАВЛАТ КЕЛАЖАГИ – ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Жамият учун олий маълумотли, юксак малакага эга бўлган мутахассисларнинг кўп бўлиши жуда муҳим. Улар ривожланишнинг тезлашишига сабаб бўлади. Муҳтарам Президентимиз ушбу фикрни бу мавзуга бағишланган ҳар бир маърузаларида таъкидлаб келмоқда. Чиндан ҳам ушбу омилни ривожланган мамлакатларнинг тарихи исботламоқда. Давлатимиз бозор иқтисодиётига ўтар экан, келажакда ривожланган давлатлар қаторига киришни мақсад қилган экан, ўз келажагини ишончли қўлларда қолдиришни ўйлаши лозим. Ёшларга таълим билан биргаликда тарбияни ҳам олиб бориш орқали бу мақсадга эришиш мумкинлиги мустақилликнинг дастлабки йилларидан англанди. Бунинг учун жуда кўплаб маблағлар сафарбар этилди. “Халқимизда «таълим ва тарбия бешикдан бошланади» деган ҳикматли сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди.

Шу сабабли таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим. Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ даврига инвестиция киритишга, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади” [1].

Ривожланган Япония давлатидаги таълим-тарбия, ўқитувчиларга бериладиган эътибор бошқа давлатларга ўрнак бўла олади. “Масалан, Японияда болага 4-синфгача аниқ фанлар ўрнига адолатли ва ватанпарвар бўлиш, табиатни, гўзалликни севиш, ҳис қилиш каби ҳаёт фалсафасини сингдиришга қаратилган фанлар ўқитилар экан. Чунки болада адолат туйғуси шаклланса, унда ғурур ўсар, ғурурга эга инсон ижтимоий ҳаётда ҳам муносиб яшаш маданиятига эга бўлар экан. Бу фазилатларга эга бўлмаган бола шахс сифатида камолотга етмай қоларкан... Японлар Иккинчи жаҳон уруши вайроналигидан, миллий-оммавий таназзул давридан қисқа муддатда чиқиб кетишга муваффақ бўлди. Бунга таълим фалсафасининг бош ғоясида ўқитувчига император обрўси, бош вазирнинг маоши, дипломатнинг дахлсизлигини бериш амалиёти ётгани сабаб бўлган дейишади” [2]. Ўқитувчилик касбига доимо ҳурмат нигоҳи билан қараган халқимиз онгида айрим сабабларга кўра маълум вақт беписандлик ҳолатлари шаклланган эди. Ҳозирда мамлакатимизда уларнинг мақомини белгилаш бўйича амалий ишлар бошланган. Жумладан, “Ўқитувчи мақоми тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни халқ муҳокамасига қўйилди [3].

Таълим тизимининг ҳар бир босқичи янгиланиш даврини бошидан кечираётганини барча секин-асталик билан ҳис қила бошлади. Мактаб ва коллеж-лицей битирувчиларини олий талим билан қамраб олиш масаласи жиддий этибор марказига айланмоқда. Ривожланган давлатларда ушбу

кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил этадиган бўлса, Ўзбекистонда сўнгги йиллардаги амалга оширилган ишлар натижасида бу 15 фоиздан ошишига эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажисига Мурожаатномасида жорий йилда бунинг салмоғини 20 фоизга етказиш ва йилдан-йилга орттириб бориш муҳим вазифамиз эканлиги баён этилди.

Юртимиз университетларини дунёнинг “Топ-1000“ рўйхатига киритиш учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ҳозирги замон талабидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрловчи хорижий университетларнинг филиаллари, янги факультетлар, хусусий университет фаолияти йўлга қўйилди. Хориж университетларининг дипломларини тан олиш, машҳур профессорларни юртимиз олийгоҳларида таълим бериши малакали ёшларимизни юртимизга қайтариш, ўқувчиларнинг билим даражаси ва дарс сифатини оширишга қаратилган ислоҳотлар ҳисобланади.

Салоҳиятли кадрларни етиштириш мутахассислик фанларига эътиборни кучайтириш, таълим жараёнига инновацион ёндашишни талаб этади. Мисол учун, талабаларга бир ўқув мавсумида ўнга яқин фанлардан дарслар ўтилади. Уларнинг ҳаммаси ўша мавсумга тақсимланади ҳамда аралаш ҳолатда қўйилади. Ушбу ҳолат ўқувчиларга бир вақтнинг ўзида кўплаб мавзулар ҳақида ўйлаш мажбуриятини қўяди. Бу уларнинг катта қисми бирор маълумот ҳақида етарли билимга эга бўла олмаслигига сабаб бўлади. Бир фаннинг бутун мавсум, яъни 9-10 ой давом этиши эса ўқув йили бошидаги маълумотлар ўртасига келиб эсдан чиқишига, натижада дарсларга қизиқиш пастлашига олиб келади.

Юқоридаги муаммони бартараф этиш учун ушбу тизимда ҳам ўзгартириш қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Агар фанларни даврий тарзда ўқитиш йўлга қўйилса, яъни бир соҳага оид фанларни тугатгандан сўнггина кейингисига ўтиладиган бўлса, талаба фақат маълум бир йўналиш ҳақида ўйлайди ҳамда етарли билимларга эга бўлиши мумкин. Бу эса олинган маълумотлар умумлашишига, билимнинг яшовчанлиги ортишига сабаб бўлади. Билимнинг яшовчанлиги янги ёндашувлар ўйлаб топиш, назарий маълумотларни амалий қўллай олиш имкониятини вужудга келтиради.

Ҳар бир таълим даргоҳи ўз соҳаси бўйича етарли билимга эга бўлган мутахассисларни етиштириб чиқарса, жамиятимиз юксалади, давлатимиз эса ишончли қўлларда бўлади.

Миралиева Д.Т., *ст.преподаватель,*
ТГЭУ каф “Инновационное образование”

ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ НАУЧНЫХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ ЗА РУБЕЖОМ

Управление качеством подготовки педагогических кадров в Великобритании. Профессионально-педагогическая подготовка учителей средней школы в Англии начала проводиться на педагогических отделениях университетов в конце XIX века. Первоначально она носила факультативный

характер и состояла из лекций профессоров философии, психологии, социологии и истории. Одним из наиболее значительных моментов в реформе британского образования 1988 года являлось положение о том, чтобы поставить под постоянный государственный контроль учебные планы всех уровней образования, а также оценку деятельности всего корпуса преподавателей. Тем самым правительство взяло на себя ответственность за анализ научной базы образовательной системы и определения стратегических целей в рамках государственной идеологии.

Выполнение этой задачи оно гарантировало созданием комитетов на постоянной основе, в чью обязанность входило проведение мониторинга и проверки надлежащего выполнения указаний правительства .В Англии не существует представления о педагогике как целостной науке со своим предметом, методами и иными атрибутами, присущими любой гуманитарной науке. Даже термин "педагогика" в англоязычной традиции практически не используется, вместо него употребляется термин "науки об образовании" (educational studies). Не встречается в англоязычной литературе и такой термин, как "дидактика".

Это не просто разница в терминологии, здесь проявляется принципиально иной подход к изучению педагогического процесса, явлений и феноменов, присущий англо-американской традиции. По отношению к Великобритании можно использовать термин "оценивающее государство" (Evaluative State), которое рассматривается в качестве альтернативы традиционному бюрократическому контролю со стороны государства. При таком подходе основное внимание уделяется не столько качеству знаний поступающих в учебное заведение, сколько результатам на выходе из него.

Соответственно меняются и механизмы, технологии оценки качества в процессе обучения. Все три сектора образования в Великобритании – школы, высшая школа и профессиональное образование имеют свои традиции в оценке качества. Школы проводят экзамены и подлежат инспектированию, организуемому Управлением по стандартам в образовании (Office for Standards in Education-OfSTED), которое занимается подготовкой инспекторов и разрабатывает рекомендации. Органы высшего образования проводят аудит качества, его оценку с помощью внешней системы экзаменов, которые должны подтвердить достижение стандартов разными учебными заведениями.

В профессиональном образовании используется многосторонний подход к оценке качества и подъему стандартов, основанный на особенностях финансирования, оценке качества инспекторами, показателях деятельности, уставах колледжа и стратегическом планировании. Управление подготовкой педагогических кадров в Великобритании контролируется Государственным департаментом образования и занятости, в структуре которого есть особая служба, занимающаяся непосредственно педагогическим образованием – Агентство по подготовке учителей (TeacherTraining Agency).

Все учебные заведения, обеспечивающие Начальное педагогическое образование (ITT) и последипломное педагогическое образование (INSET) в Великобритании должны быть аккредитованы Госсекретарем по образованию и занятости через Агентство по подготовке учителей (TTA). Для получения аккредитации они должны выполнить определенные требования, которые с течением времени подвергаются изменениям. Вузы, которые не подтвердили свое соответствие стандартам, могут быть лишены аккредитации. Качество обучения оценивается через инспекторскую проверку OFSTEDи самооценку учреждений (включая детали набора студентов).

На основании этой оценки решается план приема студентов и их плата за обучение. По завершении подготовки к профессии учителя для всех видов школ и возрастных групп государственного сектора образования, студенты получают официальный документ, свидетельствующий о завершении курса с указанием даты начала и окончания обучения. Это, так называемая Career Entry Profile, который подготавливает их к карьере в школе и намечает необходимое руководство в течении пробного года. Этот год вступления, который предоставляет дипломированным учителям (NewlyQualifiedTeachers) возможность и право дальнейшего профессионального развития, и через несколько лет становится формой непрерывного профессионального развития (CDP-Continuous Professional Development) для всех учителей.

В Великобритании создан Совет по качеству высшего образования (Higher Education Quality Council-HEQC), который финансируется из взносов университетов. Он оказывает услуги по аудиту направлений, обеспечивающих высокие стандарты подготовки и качества специалистов, распространению положительного опыта. Оценка успеваемости студентов осуществляется по трехбалльной системе: отлично, удовлетворительно и неудовлетворительно. Научно-исследовательская деятельность университетов оценивается по пятибалльной шкале. Инспектирование проводится один раз в четыре года группой независимых экспертов, включающей специалистов по отдельным предметам.

Группу возглавляет зарегистрированный инспектор (Registered Inspector). Инспекция университета проводится на контрактной основе, при которой инспекторские группы соревнуются друг с другом в процессе торгов за контракт. От вузов требуется, чтобы они проводили самооценку своей деятельности и определяли свой рейтинг. Вузы, которые присудили себе рейтинг "отлично", автоматически подлежат инспектированию. Оценка качества Начального педагогического образования в Великобритании сложна и многогранна .

В современной системе подготовки педагогических кадров в Англии можно выделить три этапа: до вузовский, вузовский, послевузовский. До вузовский этап подразумевает профориентацию абитуриентов в период их школьного обучения. Абитуриент определяется в выборе направления будущей профессиональной подготовки, а затем -в предметной области.

Содержание проф ориентационной работы включает лекции и беседы о роли и особенностях педагогической профессии, качественных характеристиках специалиста, профессиональных умениях и навыках, которыми нужно овладеть.

Второй – вузовский этап подразумевает обучение в вузе. Вузовская подготовка учителей на данном этапе осуществляется на педагогических факультетах университетов и институтов, в колледжах и высших школах с последующим получением степени бакалавра образования, наук или искусств и после сдачи определенных экзаменов – статуса квалифицированного учителя. Затем студент продолжает дальнейшее обучение в магистратуре и далее при желании - в докторантуре.

Третий этап в многоуровневой системе подготовки педагогических кадров -послевузовский осуществляется в области профессиональной научной и непосредственно педагогической деятельности. Следует отметить, что в стране широко используются профессиональные стандарты, так как они определяют структуру и содержание профессионального развития учителей. Стандарты создают основу для контроля со стороны правительства за профессиональной деятельностью учителя, начиная с университетской подготовки учителей и заканчивая руководством школ.

Мирсабитов Миразиз, *студент 1 курса,*
Совместная международная образовательная программа ТГЭУ и
Австрийского университета прикладных наук KREMS

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ КАК НАПРАВЛЕНИЕ РЕАЛИЗАЦИИ СОЦИАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

В современном мире университет - это «двигатель» регионального развития. Сегодня вузы призваны стать основными ресурсными центрами для общества и государства, осуществляя социальную функцию. Выполняя свои обязательства перед сообществом, они обязаны не только заниматься наукой и преподаванием, но и придерживаться этики корпоративной социальной ответственности по принципу бизнес-институтов.

Социальная ответственность вуза - это основное направление национальной образовательной политики. Социально ответственный университет способствует ускорению развития региона присутствия, уменьшению политических и социальных рисков, укреплению международных экономических связей региона и страны со странами-партнерами, укреплению репутации вуза, увеличению ценности его бренда, инвестиционной привлекательности. Социальная ответственность университета полезна для долгосрочного успеха самого вуза и для общества в целом, поэтому должна быть неотъемлемой частью его стратегии и долговременной политики. Социальная ответственность вуза реализуется в двух направлениях: интернационализация и регионализация. Регионализация проявляется в тесном

сотрудничестве вуза с бизнесом, научными центрами, обществом, учебными заведениями и органами власти региона. Интернационализация университета заключается в обучении иностранных граждан, привлечении зарубежных преподавателей, в иностранных стажировках, студенческих обменах, международных исследованиях, конференциях, грантах и англоязычном сайте вуза. Интернационализация - один из ключевых факторов конкурентоспособности вуза в современном мире. Направления интернационализации ТГЭУ университета представлены на рис.

Самая высокая доля иностранных студентов соответствует университетам Великобритании, США и школе Цюриха в Швейцарии. За ними следуют высшие учебные заведения европейских стран, Австралии и Канады. Наименьшая доля международных студентов принадлежит китайским и российским вузам.

Исходя из вышеизложенного, можно сказать, что интернационализация образовательного процесса повышает ответственность образовательного учреждения, качество образовательных услуг а это в свою очередь будет способствовать привлечению в учебное заведение еще большего числа иностранных студентов и введению в страну иностранной валюты.

Юлдашева Ш. *, доцент,*
кафедра "Методика начального образования",
ТГПУ

О НЕКОТОРЫХ МОДЕЛЯХ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ ПЕДАГОГОВ В РАЗНЫХ СТРАНАХ

Известно, что полученные знания устаревают, и если человек не занимается самообразованием, не повышает уровень своей квалификации,

его знания начинают не соответствовать решаемым задачам. Педагогическая профессия по своей сути очень индивидуальна. Главное жизненное назначение каждого педагога–стать мастером своего дела. В конце 60-х годов прошлого столетия была принята Рекомендация ЮНЕСКО о положении педагогов. Она представляла собой первый международно-правовой документ, регламентирующий их профессиональное и социально-экономическое положение.

Кроме того, в ней был определен механизм международного контроля за выполнением государствами положений Рекомендации: государства, являющиеся членами ЮНЕСКО обязаны регулярно представлять в Секретариат ЮНЕСКО доклады о выполнении (юридическом и фактическом) положений Рекомендации. Строгий международный контроль осуществляется специально созданным комитетом экспертов. В эти же годы стали закладываться основы непрерывного педагогического образования.

В документах специальной международной конференции по вопросам образования, состоявшейся на 35-й сессии ЮНЕСКО отмечалось, что невозможно снабдить будущего педагога знаниями и умениями, достаточными для всей его профессиональной деятельности. Это обусловлено постоянным обновлением и развитием общих и педагогических знаний и постепенными изменениями, происходящими в педагогических системах, а также ростом творческого характера педагогической деятельности. Поэтому первоначальная подготовка к профессии должна рассматриваться в процессе непрерывного педагогического образования учителей, как первая фундаментальная стадия.

В настоящее время современная концепция непрерывного педагогического образования в мире выглядит следующим образом:

- Начальное фундаментальное педагогическое образование обеспечивается в стенах педагогических колледжей, институтов или университетов, причем во всех странах ярко выражена тенденция перехода на университетское педагогическое образование.
- Период адаптации и становления профессиональной деятельности молодого педагога под руководством более опытных (в Казахстане и России этот процесс получил название наставничество, в Англии -пробный год (тьюторинг) и в США -менторинг, который занимает по продолжительности от одного до трех лет.
- Повышение квалификации работающих педагогов проходит на долгосрочных и краткосрочных курсах, которое осуществляется в вузах, специальных учреждениях повышения (или усовершенствования) квалификации, педагогических центрах (последний тип повышения квалификации получил большое распространение в Англии и США);
- Самообразование педагогов (работа в библиотеках, консультации у более опытных преподавателей вузов, обмен мнениями на различных

совещаниях, семинарах, конференциях по обмену опытом и новейшими методиками и достижениями в педагогической науке).

Система профессиональной подготовки будущего педагога в вузах Англии и США является многоуровневой-бакалавр, магистр. В среднем, студенты, получающие звание магистра того или иного профиля, обучаются 4 - 5 лет. В настоящее время для преподавания в государственных школах Англии на всех уровнях обучения (классы дошкольного, начального, включая подготовительные, и среднего образования) необходимо иметь статус квалифицированного педагога.

Профессиональная подготовка будущих педагогов в вузах Англии и США осуществляется по параллельной, последовательной и альтернативной моделям. Параллельная модель обучения обычно включает в Англии-три, в США-четыре года полного обучения педагога и приводит к первой степени -бакалавра образования. Такое обучение обеспечивается в Англии педагогическими колледжами «общего» профиля университетского уровня и колледжами свободных искусств, в США-педагогическими колледжами. Однако число педагогических колледжей в Англии и США резко сокращается.

Последовательная модель обучения в Англии и США включает в себя три-четыре года обучения по предмету специализации будущего педагога, по окончании которого он получает первую степень и последующего годичного профессионально-педагогического обучения, приводящего к получению второй степени -сертификата об окончании курса по образованию после университета. Такое обучение обеспечивается в технических педагогических колледжах, художественных педагогических колледжах и педагогических отделениях университетов.

В Англии все студенты, обучающиеся по последовательной модели обучения на сертификат PGCE для преподавания в начальной школе, должны пройти 18 недель педагогической практики в школе. Если же они готовятся для работы в средней школе, то они должны пройти педагогическую практику в школе в течение 32 недель. Альтернативные пути получения статуса квалифицированного педагога в Англии включают в себя следующие модели: схему контрактного обучения педагогов; схему лицензионного обучения педагогов; специальную схему обучения педагогов прошедших подготовку в странах, не входящих в Европейское Сообщество; центры по начальной педагогической подготовке. Начиная с февраля 1994 года начал прием студентов Открытый Университет в Лондоне -центр дистанционного обучения в Великобритании -на курсы неполного рабочего дня по подготовке педагогов для получения сертификата PGCE. В США существуют все перечисленные выше пути осуществления подготовки педагогов по альтернативной модели.

Одной из основных проблем является проблема разработки учебных планов профессиональной подготовки педагога. В основном, раньше преобладал технократический предметно-ориентированный подход. Считалось, что если будущий специалист пройдет успешно в процессе

обучения определенные курсы общеобразовательных, специальных дисциплин и производственную практику, то в дальнейшем, в процессе своей производственной деятельности на основе самообразования он вырастет в высококвалифицированного профессионала.

При этом, во многих странах, таких как США, Англия, Германия, преобладала практическая подготовка, в других же, таких как Франция, наоборот, в ущерб практической теоретическая подготовка будущих специалистов в вузах. Педагогический труд требует постоянного движения, творческого поиска. Значение самообразования педагогов особенно возрастает в настоящее время, когда происходит невиданное ускорение прогресса во всех сферах производства и обслуживания, что рождает устаревание профессиональных знаний и умений.

Формы педагогического самообразования различны и многообразны. прежде всего, это самостоятельная исследовательская работа по определенной тематике по специальности, педагогике или методике под руководством преподавателей вузов, опытных наставников, участие с докладами и выступлениями на методических и практических семинарах, конференциях, педагогических чтениях и многое другое. Высшей степенью подготовки в Англии, как и в США, является степень доктора философии, которую присуждают после двухгодичного обучения, а точнее -научно-исследовательской работы по избранной специальности под руководством научного руководителя, устного экзамена и защиты диссертации, объемом 100 тысяч слов.

Как показывает анализ специальной литературы, в мире созданы и продолжают создаваться различные модели профессиональной подготовки педагогических кадров, задачей которых является повышение качества подготовки педагогов, формирование в них потребности в непрерывном образовании, овладение педагогами, необходимыми компетенциями и, как Результат, достижение высокого качества образовательной деятельности по отношению к потребителям соответствующих услуг.

Режапов Хайрилло Хикматуллаевич,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Макроиқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Жаҳонда олий таълим хизматлари бозорининг шаклланиши ва унинг инфратузилмаси барқарор суръатларда ривожланиши, олий таълим тизимини тижоратлаштириш, олий таълим хизматлари билан меҳнат бозорининг ўзаро алоқаси ҳамда таълим сифати ва унинг ривожланиш механизмларини такомиллаштириш, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш, давлат-хусусий шериклик асосида олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг

методологик-услубий жиҳатлари бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ташкил этиш, ривожлантириш йўналишлари, ҳуқуқий институционал асослари бўйича М.В. Лыбанева, Е.А. Федосенко, Е.А. Дмитриева, Е.А. Гарибова, Х.Х. Режаповлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Таълим хизматлари бозорида фаолият олиб бораётган таълим хизматларини кўрсатувчи олий таълим муассасаларининг асосий вазифаси миллий иқтисодиётимиз тармоқлари самарали ривожланишини таъминловчи малакали олий маълумотли кадрларни тайёрлаш билан бирга, ахолига таълим хизматларини кўрсатиш ҳисобига ўзларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатдорликларини таъминлашдан иборат.

Таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини ташкил этишда ҳуқуқий асос бўлиб “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли қарори хизмат қилади[44].

“Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги[45] Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар учун давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилаётган таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва нодавлат таълим ташкилотларини фаолиятини лицензиялаш қоидалари белгилаб қўйилган.

Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти ўз фаолиятини 2018-2019 ўқув йилида “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” томонидан берилган лицензия асосида бошлаган. Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти «Global education school» (Ўзбекистон) НТМ ҳамда «YUKET LLC» МЧЖ (Корея Республикаси) ҳамкорлиги асосида «Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти» МЧЖ қўшма корхона сифатида фаолиятини йўлга қўйган[46]. Ушбу институт фаолиятини ташкил этиш юзасида 2019 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорда институт ректори Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда институт муассислари томонидан тайинланади. Институтнинг тузилмаси муассислар томонидан тасдиқланиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Ёджу технология институтининг (Корея Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилади. Институтни битирган талабаларга Ўзбекистон Республикасида тан олинадигин диплом берилади[47].

[44] https://lex.uz/docs/3601227
[45] https://lex.uz/docs/3601227
[46] https://www.ytit.uz/index.php/ru/glavnaya-stranica/
[47] https://kun.uz/news/2019/02/21/toshkentdagi-yodju-texnika-instituti-haqidagi-iddaolar-qanchalik-haqiqat

Бундан ташқари институтга меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, келгусида янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш ҳуқуқи берилган.

Мамлакатимизда таҳсил олаётган бакалавр ва магистратура талабалари сони 423 минг нафарни ташкил этади. 2016-2019 йилларда талабалар сони 1,7 бараварга кўпайган[48]. 2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари 121 мингта бўлиб, ўтган 2018/2019 ўқув йилига нисбатан 18 %га, 2016/2017 ўқув йилига нисбатан эса 92 %га[49] ошди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ҳисобига ўрта махсус ва мактаб битирувчиларининг университет ва институтларга киришини 50 фоиздан ошириш белгиланган.



1-расм. Нодавлат олий таълим муассасаларини ташкил этиш ва олий таълим билан қамраб олиш режаси[50]

Келтирилган 1-расмдан кўриниб турибдики, 2019 йилда 5 та нодавлат олий таълим муассасасини ташкил этиш ҳисобига мактаб ва лицей битирувчиларининг 20 фоизини қамраб олиш, 2035 йилда 35 та олий таълим муассасасини ташкил этиш ҳисобига мактаб ва лицей битирувчиларининг 50 фоизини қамраб олиш режалаштирилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик хамкорлигини янада кучайтириш учун муассасаларда таълим сифати мониторингини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, олий

[48]http://progaonline.com/antiplagiat/link?url=https://studfile.net/preview/12633444/page:26/&key=21ceadd02d1c6707153564193ffc3091

[49] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»ни тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5847-сонли фармони. https://lex.uz/docs/4545884

[50] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрьдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»ни тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5847-сонли фармони. https://lex.uz/docs/4545884

таълим хизматларида давлат-хусусий шерикликни янада кучайтиришда ривожланган мамлакатлардан хорижий инвестицияларни жалб қилишда преференцияларни кўпайтириш, меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб замонавий таълим йўналишларини очиш, дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллигини ошириш мақсадга мувофиқ.

Нушарова Ш.,
Магистратура 1- босқич талабаси, ТДИУ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ – ТАЪЛИМ СИФАТИНИИНГ ГАРОВИ СИФАТИДА

“Хоҳишсиз талаба – қанотсиз қуш,
уни қанча тарбия этма, уча олмайди”
Саъдий

Жамиятнинг келажаги таълим тизимининг қай тарзда ривожланганлиги билан белгиланади. Бу борада таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини жорий этиш, миллий қадриятларимизни сингдирган ҳолда таълимни ташкил этиш, бу жараённи пухта, самарали, сифатли ва замон талабларига мос равишда амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ислоҳ қилиш шароитида таълим муассасаларида таълимни модернизация қилиш ва хорижий таълим технологияларини жалб этиш, таълим жараёнларига жорий этиш бугунги куннинг энг долзарб муоммоларидан биридир. Ушбу жараён педагогик жараённинг барча жиҳатлари, ўқув-тарбиявий ишларининг ташкилий шакллари, мазмуни ва технологиясини қамраб олмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида ПФ-5847-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 2019 йил 8 октябрда эълон қилинди, бу эса мамлакатимизда олий таълимни модернизация қилиш ва таълимда хорижий технологияларни татбиқ этиш масаласини таълим жараёнига бош мақсад қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида фармонда, асосан, қуйидагиларга эътибор қаратилди:

- олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;
- халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим

олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

•олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

•хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пулли хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, старт-ап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқишдан иборат[51].

Ушбу фармонга асосланган ҳолда таълимга имкон қадар хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пулли хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, старт-ап, акселератор марказларини ташкил этиш ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга асос бўлади. Бунинг учун талабаларни хорижий технологиялардан унумли фойдаланишга ўргатсак, ўз мақсадимизга эришган бўламиз.

Классик педагогиканинг таъкидлашича, билим ўргатишнинг муваффақияти илм ўрганувчининг билим олишига бўлган қизиқишига кўпроқ боғлиқ эканлигини ва унда билим олишга интилиш бўлмаса, унга билим ўргатиш жуда мушкуллигини таъкидлайди. Ҳозирги кунда талабаларни билим олишга қизиқтириш педагоглардан билим, кўникма ва малакадан ташқари хориж тажрибаларидан, технологиялардан унумли фойдаланиш маҳоратига эга бўлишни талаб этади.

Модернизация, педагогик технология тушунчаларининг таърифига тўхталиб ўтамиз.

Модернизация – педагогик таълим жараёни ва педагогика фанини давр талаблари асосида янгилаш.

Инновация – янгидан киритилган тушунчалар, тартиб-қоидалар, технологиялар ва янгиликлар.

Педагогик технология – а) ўқув фаолиятини оқилона ташкил этиш ва жиҳозлаш; б) имкон қадар озроқ вақт сарфлаб, таълим натижасини кафолатлайдиган изчил педагогик тизим; в) педагогик муаммоларни методологик даражада ҳал этишга имкон берувчи педагогик ҳодиса; г) ўқув жараёнини тўлиқ бошқариш имконини берадиган тизимли тафаккур усулини педагогик амалиётга татбиқ этиш шакли; д) педагогик мақсадга эришишни кафолатлайдиган ҳаракатларнинг изчил тизими[52].

---

[51] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5847-сонли фармон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.

[52] Педагогик атамалар луғати. П.ф.д., проф. Р.Х. Джураев, п.ф.д. Ў.Қ. Толипов. 47-58-бет.

Таълим инновациялари муаммоларини ҳал этишда ўқитувчининг фаолияти ҳақида масала энг муҳим масала бўлиб турибди. Педагогнинг ижодий потенциали унинг креативлиги, яъни ижодкорлиги шахсиятини шакллантиришга интилишида, педагогик одобнинг намоён бўлиши, эмпатия, қобилият, тасаввурни рағбатлантириш, юмор ҳиссини ривожлантириш, қизиқарли, кутилмаган, парадокс саволларни қўйиш ўқуви, талабаларни савол беришга жалб қилиш ўқуви ва ҳоказо орқали оширилиши мумкин.

Рус педагоги Е.И. Ильин: “Педагогика “қуйма қуйиш”дан фойдаланиш мумкин бўлган соҳа эмас. Уни нусха кўчириб, сериялаб амалга ошириб бўлмайди. Чунки бир одамга ярайдиган услуб бошқа одамга тўғри келмаслиги мумкин, шундай бўлади ҳам. Бу нусха кўчириб, ҳар бир одамнинг потрфелига солиб қўйиш мумкин бўлган “калит” эмас, балки бирор якка тартибда ишланадиган “очқич” бўлиб, у фақат моҳир уста қўлларидагина иш беради”, – деб таъкидлайди[53].

Таълим жараёнида ўз олдимизга, энг аввало, талабаларга “Касб таълими методикаси ва назарияси” фанини ўрганиш, уларнинг келажакдаги касби учун нақадар зарурлигини англатишга ҳаракат қилишимиз ва педагогик амалиётдан мисоллар келтириш йўли билан ўқитишнинг мотивациясини таъминлаймиз. Талабаларни билим ўргатишга қизиқтиришга интиламиз ва бунда биз ҳар хил иш ўйинлари (Чархпалак, асалари уяси, заиф звено, номаълум тулпор ва шу кабилар) ва хорижий технологиялардан унумли фойдаланамиз.

Я.А. Коменский айтганидек, “Ким бир марта туяни кўрса, булбул сайрашини эшитса, қанднинг таъмини тотиб кўрса, у туянинг кўринишини ҳам, булбул хонишини ҳам, қанднинг мазасини ҳам ҳеч қачон эсдан чиқармайди”. Бу жиҳатдан ҳар бир кафедрада ишлаб чиқилган, талабаларни қизиқтирадиган, фаоллаштирадиган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган янги ўқитиш услублари ҳамда хорижий технологиялардан мақсадли фойдаланиш қўл келмоқда. Демак, ўқув жараёнига хорижий технологияларини татбиқ этишга нафақат талабалар, балки педагоглар назарий ва амалий жиҳатдан тайёр бўлиши таълимнинг сифатини оширишни таъминлайди. Ўқув жараёнига ҳар томонлама ёндашиш, дастурга хорижий технологияларни киритиш, бизнинг фикримизча, бўлғуси мутахассисларни дипломдан сўнгги жарёнга тайёрлаш сифатини янада оширади.

Ғ.Б. Рустамов,
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг
“Тижорат банкларини бошқариш” мутахассислиги тингловчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ТАШҚИ САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан унинг экспорт салоҳиятига боғлиқ. Бугунги кунда давлатнинг

[53] Тожиев М., Салохиддинов Р. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. – Т., 2001. 18-бет.

экспорт салоҳиятини оширишда экспорт товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни молиялаштириш ҳамда юқори салоҳиятли малакали кадр муҳим аҳамият касб этади. Глобализация жараёни давом этаётган бир пайтда ташқи савдо алоқалари билан шуғулланувчи корхоналарнинг даромадини ошириш имконияти мавжудлиги билан бир қаторда унга салбий таъсир этувчи иқтисодий ва молиявий омиллар ҳам мавжуд. Булар қаторига тўлов риски ва маблағ етишмаслиги ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни чуқур ўзлаштирган малакали кадрларнинг камлигини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг экспорт салоҳиятини ошириш масаласи бугунги иқтисодий сиёсатнинг муҳим усувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йилда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида: Барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади. Бу йил экспортёрларга кафиллик берадиган ва харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган – Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун – Экспорт-кредит агентлиги ташкил этилади. Шунингдек, экспорт қилишда замонавий суғурта хизматлари йўлга қўйилади, автомобиль ва ҳаво транспорти харажатларини қисман давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий қилинади[54], дея таъкидлаб ўтилиши ҳам масаланинг долзарблигини яна бир бор исботлайди.

Тижорат банкларида ташқи савдони молиялаштиришда бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги экспорт-импорт операцияларини ўз вақтида самарали амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан, тижорат банкларида ташқи савдони молиялаштиришнинг халқаро факторинг, форфейтинг ва бошқа шу каби илғор усулларининг қўлланилмаслиги, бу борада малакали кадрларнинг етишмаслиги мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Биз олиб борган тадқиқотларимиз асосида, жумладан, экспорт-импорт операцияларини кредитлаш билан боғлиқ махсус адабиётлар ва қонунларни, меъёрий ҳужжатларни таҳлил этиб, шунингдек, тижорат банкларининг ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб, қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Жаҳон Савдо Ташкилотининг (ЖСТ) сўровига кўра, экспорт молиялаштиришнинг етишмаслиги савдони ривожлантиришдаги энг катта тўсиқлардан бири сифатида қайд этилганлиги(WTO (2019))ни ҳисобга олиб, ҳар бир мамлакат ўзининг ташқи савдо сиёсати бўйича стратегиясини ишлаб чиқишда экспортни молиялаштириш, шу жумладан, экспорт олди кредитлари бериш, экспорт жараёнларини суғурталаш ҳамда ушбу мақсадларда давлат томонидан экспорт кредит агентликларини ташкил этиш ва экспортни суғурталаш механизмларини жорий этишга ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни чуқур ўзлаштирган рақобатбардош малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш. Бу таклиф 2020 йилда бутун дунёни ларзага солган

[54] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йилда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

пандемия оқибатида рўй бераётган ноёб иқтисодий инқироз шароитида янада аҳамиятлидир.

2. Тижорат банклари ташқи савдони молиялаштириш ва кредитлашнинг замонавий шакллари ҳисобланган халқаро факторинг, форфейтинг усулларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйишлари учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқа шу каби мақсадли жамғармалар маблағлари ҳисобидан имтиёзли ресурслар ажратишни йўлга қўйиш.

3. Тижорат банкларида халқаро факторинг асосида экспорт ва импортни кредитлаш жараёнида вужудга келадиган кредит ва валюта рискларини самарали бошқаришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш. Бунда нафақат мамлакатимизда, балки ҳар бир тижорат банкларининг ўз суғурта, факторинг компанияларини ташкил этиш орқали банк инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

4. Бугунги глобаллашув шароитида тижорат банкларида алоҳида ташқи савдони молиялаштириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва унда ташқи савдодаги халқаро ҳисоб-китобларнинг барча шаклларини амалга ошириш механизмлари, халқаро кредитлашда иштирок этиш тартиблари ўз аксини топиши лозим.

5. Ташқи савдо йўналишида кадрлар тайёрлаш салоҳиятига эга бўлган Олий таълим муассасаларида “Ташқи савдо” йўналиши ва мутахассисликларида сифатли кадрлар тайёрлашни кўпайтириш лозим.

6. Тижорат банкларида экспорт ва импортни кредитлашда банк рискларини баҳолашнинг алоҳида усуллари ва йўналишлари ишлаб чиқилиши, банкларнинг ташқи савдо бўйича сиёсатини ва хизматлар баҳосини шакллантириш улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга ва рақобатбардошликка хизмат қилади.

Банк хизматларини рақобатчилар баҳосига мувофиқ шакллантириш бир қатор афзалликларга эга. Жумладан:

1. Банк хизматлари баҳосининг эластиклиги таъминланади.

2. Тижорат банкларининг халқаро молия бозоридаги имижи шакллана боради.

3. Тижорат банклари хизматлар бозорида ўз позициясини мустаҳкамлайди ва мижозлар базасини кенгайтиради.

4. Банкнинг юқори фойда олишига замин яратади.

5. Тижорат банкларининг ташқи савдо бўйича сиёсатини ва хизматлар баҳосини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш лозим. Мустаҳкам ресурс базасига эга бўлиши банкларда мукаммал ишлаб чиқилган депозит ва фонд бозори сиёсатини талаб қилади. Депозит сиёсатини амалга оширишда депозит хизматлари баҳосининг шакллантирилиши муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банклари депозит хизматлари баҳоси бир қатор омиллар таъсирида шаклланади. Халқаро амалиётда банк хизматлари баҳосини шакллантириш рақобатчилар баҳоси таҳлилига асосланади. Бозор таҳлили ва рақобатчи банкларнинг сиёсатидан келиб чиқиб, банкларнинг баҳо сиёсатини

ошириш самарали ҳисобланади. Банк хизматларини рақобатчилар баҳосига мувофиқ шакллантириш бир қатор афзалликларга эга. Жумладан:

- банк хизматлари баҳосининг эластиклиги таъминланади;
- тижорат банклари хизматлар бозорида ўз позициясини мустаҳкамлайди ва мижозлар базасини кенгайтиради;
- банкнинг юқори фойда олишига замин яратади.

6. Тижорат банклари экспорт ва импорт операцияларини кредитлаш бўйича фоиз ва асосий қарз суммасининг қайтарилиш тартибини миллий ва хорижий валютада белгилаши лозим. Бизнинг фикримизча, қуйидаги йўналишларда кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни қайтаришни белгилаш зарур:

- миллий валютада берилган кредитлар бўйича асосий қарз ва фоиз тўловларини ҳар ойлик амалга ошириш тартибини ўрнатиш;
- хорижий валютада бериладиган кредитлар бўйича тўловлар муддатини ҳар чоракда камида бир марта қилиб белгилаш;
- кредитлар бўйича тўловларнинг қайтарилиш тартиби ҳам кредит баҳосининг ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади. Юқорида кўриб ўтган ҳар бир кредит асосий қарзи ва фоиз тўловларини қай усулда тўлаш тартибига мувофиқ, уларнинг якуний натижалари турлича келтириб чиқарилади. Бизнинг фикримизча, кредит операциялари бўйича табақалаштирилган усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу усул орқали ҳар ойлик амалга ошириладиган тўловлар орқали асосий қарз қолдиғи камайиб боради ва фоизлар қолдиқ суммага нисбатан ҳисобланади. Иккинчидан эса банкнинг кредит риски камайиб боради, яъни асосий қарз суммаси камайиб бориши риск даражасини туширади. Баъзи ҳолларда мижозлар ушбу усул бўйича тўловларни амалга оширишда бошланғич даврида қийинчиликларга дуч келиб тўловларни кечиктиришлари мумкин.

7. Ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ва юқори технологияли ускуналарни, янги турдаги техника ва технологияларни ишлаб чиқарувчи ҳамда ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларга қўшимча имтиёз ва преференцияларни кўзда тутган “кредитлаш пакетини” кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Р. М. Абдуллаева
Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да жамиятимиз етук, билимли, ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялашга жуда катта аҳамият берилган бўлиб, бу кўрсатмани бажариш таълим муассасалари олдида турган вазифалардан ҳисобланади. Барча таълим муассаларида хизмат қилаётган психологлар ўз иш фаолиятида жамоадаги

психологик муҳитни яхшилаш билан бирга ҳар бир шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиб, қобилиятларига қараб уларга тавсиялар беради, ота-оналар, педагоглар, жамоатчилик билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Шу билан бирга таълим муассасасида таҳсил олаётган тарбияси қийин ҳисобланган талабалар билан коррекцион ишларни амалга оширади ҳамда психологик диагностика ишларини тўғри йўлга қўяди.

Психологик диагностика талабанинг ўзлаштириши, ўқишдаги қийинчиликларини, унинг ўқишига таъсир қилаётган ижтимоий, оилавий омилларни ўрганишга йўналтиргандир. Диагностика натижалари эса таълим-тарбия жараёнини тўғри режалаштириш, йўлга қўйилган хатоларни тузатиш, психологик-педагогик профилактика ишларини олиб бориш имконини беради. Кўзланган мақсад ҳам талабалар психологиясини чуқур билган ҳолда, илмий тадқиқот методлари ва усулларини ҳаётга тўғри тадбиқ қилиб, тўғри ташхис ишларини амалга оширишда мутахассисларга кўмаклашишдир.

Тест синовларни ўтказишга қўйиладиган талаблар: Тадқиқотчи тестнинг текширув технологияси ва тест матнини ишлаб чиқишда қатор мутахассислик-аҳлоқий тамойилларига риоя этишга мажбурдир. Булар:

- Масъулиятлилик, жавобгарлик- текширишнинг мазмуни учун масъуллик зарурати, психологик текширувнинг хулосаси ва қўлланилган усулларининг ишончлилиги.
- Билимдонлик- психология назарияси ва услубларини пухта эгаллаш, услубий ва амалий билимларини, шунингдек илмий янгиликлар бўйича билимдонлиги.
- Махфийлик, сир сақлаш-психодиагностик тадқиқотнинг ўтказиш вақти ва якунланганидан сўнг мутахассислик сирларининг махфий сақланиши, ахборотларнинг тарқалмаслиги.
- Текширувнинг маънавий, ижобий ўтказилиши- шахснинг мутахасислик ва инсоний ривожланишига ҳар томонлама ёрдам беришлик.

Психодиагностик текширувнинг асосий аҳлоқий қоидалари қуйидагилардан иборат: 1. Психолог, одамларга тегишли шахсий маълумотларни шахс унга тўла ишонган ва текширув натижаларидан фойдаланиш мақсадини билган ҳолдагина олиши мумкин. Тест ўтказишдан асосий мақсадни шахсга аввалдан маълум қилиш керак. Ёлғон ишлатиб тест ўтказишга йўл қўйилмайди. Текширув янада самаралироқ бўлиши учун тест ўтказишнинг ҳақиқий мақсадини баён этмоқ лозим. Инсонни алдов йўли билан тестдан ўтказиш мумкин эмас.

1. Ҳамма инсонлар ҳам психологик текширув ёки тажрибага розилик бермасликка ҳақли, шунингдек ўзини ички дунёсига нохуш аралашувларидан ўзини ҳимоя этган бўлади.

2. Агар текширув бирор муассаса манфаати билан ўтказилаётган бўлса, текширилувчи шахс олинган натижаларидан фойдаланиш ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозимки, киши шахсига муносиб берилган баҳо, ўша инсон учун ҳам фойдадан ҳоли эмас.

3. Шахснинг илтимосига кўра ўтказилган текширув натижалари агар у шахс рози бўлмаса, бошқа муассасаларга берилиши мумкин эмас.

4. Тест натижалари қатъий назорат остида бўлиши шарт.

5. Тест натижаларини эълон қилганда, текширилаётган шахснинг алоҳида томонларини эътиборга олиш лозим.

6. Текширилувчига унинг тушуниш доирасидан ташқари тест натижаларини эълон этиб бўлмайди.

Булардан ташқари психодиагностика методлари билан ишлашда тестдан фойдаланувчи бошқа шахслар билан боғлиқ қатор талаблар ҳам мавжуд. **Булар:**

а) психолог-фойдаланувчи, психодиагностик методлар билан боғлиқ ишловчилар;

б) психолог бўлмаган мутахассислар, психология соҳаси билан боғлиқ бўлмаган тадқиқотчи ва бошқалар.

Уларга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

Психолог- барча ҳолдаги талабларга мувофиқ равишда иш юритиши лозим. У эълон қилган материалларга янгилик ёки тузатиш киритишга ҳақли. Почта орқали тест ўтказишга йўл қўйилмайди. Бу усул юқоридаги барча талабларга риоя этишликка ва шартларга мос келмайди. Бундай ҳолда тест натижалари фойдасиз ва ҳатто зарарли бўлиши мумкин. Психолог- тест натижаларидан фойдаланишда катта масъулиятли шахс ҳисобланади. Баҳсли ва гумонли ҳолларда психолог шу соҳадаги **эксперт мутахассислар** билан маслаҳатлашиб, олинган натижаларга бевосита тўғри қараши лозим. Психолог шу методика бўйича нашр этилган материални илмий мақола чоп этиш мақсадида тўплашга ҳақли.

Психолог бўлмаган мутахассисларга қўйиладиган талаблар: Мутахассислиги психолог бўлмаган, психология билан алоқадор соҳаларда ишловчилар (ўқитувчи, шифокор, социолог-тадқиқотчи, инженер ва бошқалар) назарий ва психометрик пухта асосланган ва интерпретация (психологик таҳлил) натижаларини олишда фақат махсус билим талаб қилмайдиган методикалардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Психолог бўлмаган мутахассислар муайян йўриққа эга бўлмаган юқори малакали эксперт усулидан фойдалана олмайдилар. Агар методика психодиагностика бўйича умумий билим, методикани қўллашда махсус тайёргарлик талаб этса, ундан фойдаланаётган киши алоҳида махсус тайёргарлик олиши ёки бу методикани бошқаси билан алмаштириши лозим бўлади.

Психолог мутахассислигига эга бўлмаган шахс психодиагностик методларни қўллашда барча талабларга риоя этиши лозим ва шунингдек мутахассислик сирини фош этмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, психодиагностика бўйича мутахассис бўлмаган ҳолда ўтказилган тестга асосан **ходимларни ишга қабул қилиш ёки бўшатиш** масалаларига аралашишга йўл қўйилмайди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб психолог бўлмаган мутахассис қуйидаги мақсадларда тест ўтказиши мумкин:

- ўзини англашни кенгайишига касбий сифатлар ва шахснинг ўзини беғараз баҳолашнинг шаклланишида;

- ўз руҳий ҳолатини тўғри баҳолаш, бошҳалар ва ўзини нотўғри тушунишдан сақлашда;

- жамоат ичида, шахсий ва касбий ўсиш учун йўл топа билишида.

- оила ва жамоадаги муносабатлар муаммоси ва психологик муаммоларни олдиндан баҳолашда;

- ўз ҳулқини тўғрилаш, иш фаолиятида ҳамкасблар билан муносабатда ва тўсиқларни ҳал қилишда ҳамда инсонларга ёрдам бериш учун тест ўтказиши мумкин.

Тест ёки методиканинг ўзига ҳам қуйидаги талаблар қўйилади:

а) Методикани қўллашдан мақсад, предмет ва ўрни шаклланган бўлиши зарур, методикани қўллаш ўрни яъни ижтимоий муҳит ёки жамият амалиёти муҳити (ишлаб чиқариш, тиббиёт, оилавий ҳаёт, тажрибада текширилаётганларнинг сони, жинси, ёши, маълумоти, мутахассислик тажрибаси, иш лавозимининг даражаси) назарда тутилиши керак. Натижалардан фойдаланиш мақсади аниқлаштирилган бўлмоғи лозим, мутахассислик фаолиятини муваффақиятли башорат қилиш учун, психологик аралашувлар учун, ҳуқуқий ва маъмурий қарорлар қабул қилиш ва шу кабилар учун аниқ кўрсатилиши керак.

б) Тест ўтказиш вазифаларини лаборантга ишониб топшириш ёки ЭҲМ (компьютер) орқали ўтказиш муносиб топшириқ ёки жавобларга мос келиши лозим;

в) Тестни қайта ишлаб чиқиб кўришида олдиндан тасдиқланган статистик бир андозага солинган тест баллар эътиборга олиниши лозим.

г) Тестни баҳолаш кўрсаткичлари текширилган, ишончли, берилган талабга жавоб бериши шарт;

д) Тест ўтказиш ҳисоби назорат қилиниши ва тузилажак баённинг хатолари бўлишига йўл қўймаслиги лозим;

е) Бош услубий ташкилот ҳаққоний ҳисобот юритилиши, тест бўйича йиғилган услубларни доимий тўғрилаб бориши шарт.

Юқоридаги барча талабларнинг бажарилишига эришилса, психолог мутахассисларнинг жамиятимиздаги мавқелари ва уларга бўлган ишонч ҳамда эҳтиёжларнинг ҳам ошиши табиийдир. Бунинг учун эса мутахассис – психологлар ўзларида этик тамойилларни мужассам этмоғи лозим.

3-шуъба. ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мамаражабов Шавкат Эргашевич, *пед.ф. н., доцент,*
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШГАН ТАЪЛИМ – БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ УМУМКАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Маълумки, ҳозирда олий таълим муаммоларидан бири бу: бир томондан талабаларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш зарурати, иккинчи томондан анъанавий таълим жараёни доирасида ўқитишни индивидуаллаштиришни амалга ошириш имкониятининг мавжуд эмаслигидир.

Компетентли-йўналтирилган касб-ҳунар таълими талабаларда умумкасбий билим, кўникма, малакаларни ва махсус ихтисослик қобилиятларини шакллантириши лозим бўлади. Бу замонавий меҳнат бозорининг талаби бўлиб, ҳар бир ўқув фани воситасида шахснинг интеллектуал ресурсларини кенгайтиришни назарда тутади.

Ҳозирда кенг тарқалган анъанавий таълим жараёни мазмуннинг узлуксизлиги, “чизиқли” жойлашуви ва таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этишнинг маълум усулларига асосланган. Бунда бир томондан, ўрганилаётган фаннинг айрим мавзулари ўртасидаги мантиқий боғланиш таъминланади, иккинчи томондан, талабаларни ривожлантириш эмас, жараёнда маълумотларни олиш муҳим бўлиб қолади. Дарҳақиқат, таълим жараёнининг ўзи амалда индивидуал хусусиятларни эътиборга олмайди, натижада талабанинг фикрлаши етарли даражада шаклланмайди.

Шу тариқа қуйидаги хулосага келиш мумкин: олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнида таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олмаслик муҳандислар таълими сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Бу йўналишда олиб борилган ишлар бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил қарашлар, яъни таълимни умумийлаштириш ва уни индивидуаллаштиришни бирлаштиришга уринишга, яъни таълим жараёнини дифференциаллаштиришга олиб келди.

Бошқача айтганда, дифференциаллаштириш ўқув фаолиятини индивидуаллаштириш муаммосини ҳал этиш имконини беради ва бу билан таълимга индивидуал ва гуруҳли ёндашувларнинг ўзаро бирлашувини амалга оширишга ёрдам беради.

Ҳозирда, асосан, умумтаълим мактабларида таълим жараёнини дифференциаллаштириш масаласига бағишланган бир қатор диққатга сазовор ишлар мавжуд. Аммо олий касбий таълимда бу масалага бағишланган ишлар сезиларли даражада камлиги яққол намоён бўлмоқда.

Чунончи, барча тадқиқотчилар, таълим жараёнига дифференциаллаштиришни татбиқ этар экан, анънавий таълим жараёнида узвийликни сақлаган ҳолда дифференциал таълим “ўзининг ривожланиши, мунтазам ва аста-секин ривожланиши имконияти, доимий ўзгарувчи шароитларга тез мослашиши имконияти”ни таъминлашини таъкидлаганлар.

Хўш, дифференциаллашган таълим ўзи нима? Даставвал, “дифференциация” сўзининг маъносини изоҳлаб кўрайлик. Фалсафий энциклопедик луғатда дифференциацияга қуйидагича изоҳ берилади (лотинча “differentia” – фарқ, фарқлаш) “яхлит ривожланишнинг қисмларга, даражаларга бўлиниши, ажралиши билан боғлиқ бўлган ривожланиш жараёнининг бир томонидир... “Дифференциация” атамаси фанда Спенсердан бошлаб кенг қўлланилган. У дифференциация ва интеграцияни материянинг соддадан мураккабга биологик, психологик ва ижтимоий даражада умумий ривожланишини муҳим моменти сифатида қарайди”.

Таълимни дифференциаллаштириш масаласи узоқ йиллар давомида тадқиқ этилиб (Ю.К. Бабанский, Е.Я. Голант, И.Унт, Н.С. Пурышева, В.М. Монахов, В.А. Орлов, В.В. Фирсов ва бошқалар), бу тушунча батафсил таҳлил этилган бўлса-да, педагогик адабиётларда дифференциаллаш тушунчаси, унинг мезонлари, унинг мавжудлик шаклларини тадқиқ этиш масалалари бўйича ягона ечим мавжуд эмас.

Баъзи муаллифлар дифференциаллашни оммавий аудиториядаги айрим ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш сифатида тушунтиришса (В.А. Ганзен, В.И. Загвязинский, Л.Ю. Образцова, Н.И. Ремизова ва бошқалар), бошқалари эса уни жамоа ичидаги таълим олувчилар гуруҳи билан ишлаш сифатида (А.А. Бударный, Т.И. Кутовая, М.А. Мельников ва бошқалар) тушунтиради.

Дифферециаллаш мезонлари бўйича қарашлар ҳам турличадир. Тадқиқот мақсадига боғлиқ ҳолда уни турлича белгилари бўйича ажратилган: таълим олувчиларнинг лаёқати ёки лаёқатсизлиги, билим даражаси, ўрганиш даражаси, мустақиллиги даражаси, қизиқишлари, касбий фаолиятни лойиҳалаштириш ва шу кабилар.

Дифференциаллашган таълим мақсадини шакллантиришда ҳам бирхиллик мавжуд эмас, гарчи кўпчилик дифференциаллашган таълимни қўллаш гуруҳ таркибини “тенглаштириш”ни таъминлаши лозим деб ҳисоблайди.

Таълим жараёнини дифференциаллаштиришнинг мақсади ҳар бир таълим олувчи учун унинг хусусиятларини эътиборга олиш, унинг қобилиятлари, лаёқатлари ривожланиши, уларнинг таълим мазмунини ўзлаштириши жараёнида билиш эҳтиёжлари ва қизиқишлари қондирилиши учун максимал даражада шароит яратилиши ҳисобланади.

Таълим жараёнини дифференциаллаш таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таълим мазмунини, ўқитиш ва натижаларни таҳлил қилиш методлари ишлаб чиқилишидан иборат бўлиб, у фанни етарли даражада ўзлаштириш имконини беради.

Таълимни дифференциаллаштириш деганда, биз таълим олувчиларнинг алоҳида гуруҳларга ажратилиши асосидаги таълимни қуришни тушунамиз. Ҳар бир алоҳида гуруҳни маълум бир индивидуал-психологик хусусиятдан келиб чиққан ҳолда характерланадиган таълим олувчилар ташкил этади. Дифференциаллаш мезони сифатида ривожланиш даражаси ва билиш жараёнининг сифат характеристикалари, мотивациялари, қобилиятлари, шунингдек, психодинамик, характер ва ижтимоий-психологик хусусиятлардан фойдаланиш мумкин.

Бироқ олий таълим тизими ўқитувчилари малакасини ошириш маркази тингловчилари билан ўтказилган суҳбат натижалари таҳлили уларнинг аксарият кўпчилиги дифференциаллашган таълимни амалга оширишга тайёр эмасликларидан далолат беради.

Ушбу тайёргарликнинг асосий камчиликларига ўқитувчиларнинг ўз предметлари бўйича машғулотларда дифференциаллашган таълимни ташкил эта олмасликлари, кўп ҳолларда ўқитувчиларнинг дарсда ва дарсдан ташқари пайтда дифференциаллашган таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл, метод ва воситалари ҳақида чегараланган ва янглиш, нотўғри тасаввур ва тушунчаларга эга эканликлари ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин. Ҳозирги замон олий таълим муассасалари ўқитувчилари дифференциаллашган таълимнинг қайси турини, дифференциаллашган таълим учун ўқув жараёнини ташкил этишнинг қайси шаклларини танлашда катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар; олий ўқув юртидаги ўқув жараёни етарли даражада бўлажак ўқитувчиларни дифференциаллашган таълимга тайёрлашга йўналтирилмаган.

Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчилар тайёрлаш ва таълим тизими педагог кадрларининг малакасини ошириш курсларида уларни дифференциаллашган таълимни амалга оширишга тайёрлаш ушбу муаммони ҳал этишнинг самарали йўлларидан биридир.

Шундай қилиб, таълимни дифференциаллаштириш ҳар бир таълим олувчининг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш имконини беради, уларнинг ривожланиш даражасига мувофиқ келадиган талаблар, топшириқлар, методлар ва таълим шаклларини талаб этади, фанни ўрганишга бўлган мотивацияси ошиши ва ўз-ўзини баҳолашда талабаларнинг фаоллашишига кўмаклашади, шунингдек, индивидуал таълим траекторияси яратилишини таъминлайди.

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна,
пед. ф. д. профессор, ТДИУ

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУЛЬТИМЕДИА ЭЛЕКТРОН ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Республикамизда таълим-тарбия тизими тубдан ислоҳ қилинишининг бош сабабларидан бири ҳам шахснинг янгича даврга мос, янгича фазилатларини шакллантиришга бўлган эҳтиёжидир. Ушбу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳозирги кундаги олий таълим тизимида талабаларга билим, кўникма ва малакаларни етказиб бериш муаммоларини ҳал қилиш масаласи долзарб тус олмоқда. Ёшларга узлуксиз равишда анъанавий усулларда ўқитиш орқали таълим беришгина етарли бўлмасдан, замонавий талабларни қондириш мақсадида талабалар олдига мустақил таълим олиш, билимларни ўзлаштириш имкониятлари яратиб берилиши зарурдир. Ушбу мақсадни амалга оширишнинг замонавий йўлларидан бири таълим тизимида ўқув жараёнларини виртуаллаштириш масаласини ўртага ташлашдир. Бу эса таълим жараёнини ташкил этишда Web-технологияларни қўллашни талаб этади.

“Мультимедиа” атамасининг асосий маъноси мультимуҳитни англатади. Одатда, мультимедиа деганда, турли шаклдаги маълумотларни қайта ишловчи воситалар мажмуаси тушунилади. Айни вақтда бу, аввало, товушлар, видеоэлементларни қайта ишловчи воситалардир. Шу билан бирга, мультипликация (анимация) ва юқори сифатли графика ҳолларида ҳам мультимедиа ҳақида гапириш мумкин. Келажакда мультимедиа версиялари маълумотнинг бошқа турлари, масалан, виртуал воқелик билан ишлаш имконини бериши эҳтимолдан холи эмас.

Таълим соҳасида мультимедиа. Маълумки, маърузани талабаларнинг 25 %га яқини ўзлаштиради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бир вақтнинг ўзида ҳам маърузани эшитиш, ҳам материални компьютер экранида кўриш ва уни экранда чиқаришни актив бошқариш ўзлаштириш сифатини оширади. Ҳозир мультимедиа ўқув дастурларидан Math CAD, PLUS 6.0 каби кучли дастур маҳсулотлари таркибидан фойдаланилади. Мультимедиа технологиялардан фойдаланиладиган етарлича жиддий дастурлар ҳозирча йўқ. Асосий муаммо профессор-ўқитувчиларнинг мультимедиа имкониятларини яхши биладиган дастурчилар билан биргаликда ишлашининг ташкил этилмаганлигидир. Бундай ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқув юртларида кенг жорий қилиш лозим.

Дастурлаш технологиясида мультимедиа. Бу замонавий дастур маҳсулотларини яратишдаги янги технологиядир. Бу профессионал бўлмаган фойдаланувчини мулоқот менюлари, чиройли тасвирлар, синтезланган товушлар, мусиқа товушлари, динамик графиканинг турли эффектлари каби дастур объектларини дастурлаштиришдек мураккаб ишдан озод қилади. Мультимедиага мансуб техник воситаларга мос маълумотни, масалан, товуш ва видеоэлементларни, тақлидли, узлуксиз шаклдан компьютер тушунадиган рақамли шаклга ўтказади. Шу билан бирга, сақланган ва қайта ишланган мос маълумотни инсон адекват қабул қила олиши учун мультимедиа қизиқтираётган рақамлардан зарур образлар, масалан, товуш ва видеоэлементлар яратади. Мультимедиа компьютернинг зарур элементи, товушни қайта ишловчи товуш платасидир. Товуш платасига товуш чиқариш воситаси, акустик тизимлар ёки якка тинглагичлар ҳамда аудиомаълумотларни киритиш учун хизмат қиладиган микрофонлар уланади. Товуш платасига,

шунингдек, магнитофон, электр мусиқа асбоблари каби аудиокомплектлар ҳам уланиши мумкин.

Видео билан тўлақонли ишлаш учун видеомаълумотни компьютерга мос шаклга ва аслига қайтарувчи мослама видеокарта зарур. Унга видеокамера, видеомагнитофон ва телевизор каби мосламалар уланиши мумкин. Аммо видео шаклларини компьютерга қайта ишлаш билан одатда тор доирадаги мутахассислар шуғулланади, холос. Аксарият фойдаланувчилар учун видеоэлементларни мониторда ифодалай олиш етарли бўлади. Шундай масалани ҳал этиш учун ҳар қандай замонавий компьютерда мавжуд бўлган видеоадабтер ва монитор етарлидир.

Товушли (аудио) ва айниқса, видеомаълумотни компьютерга сақлаш учун таққосланганда ниҳоятда кичик сиғимлар пайдо бўлади. Шу боис мультимедиа сифатига эга бўлган дастурий маҳсулотлар (ўқув қўлланмалари, справочник, энциклопедия, ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган турли дастурлар), одатда, компакт дискларда тарқатилади. Бундай маҳсулотлардан фойдалана олишимиз учун CD ROM деб аталадиган жамловчи зарур бўлади. У бўлмаса, компьютерни муҳокама этилаётган маънодаги имкониятлари компьютер ўйинлари билан чегараланади. CD ROM, DVD, RW компакт диск деб аталмиш жамловчи нафақат мультимедиа иловалардан фойдаланишда, балки компакт дискларда катта ҳажмдаги бошқа дастурий маҳсулотлар учун ҳам ишлаб чиқилади. Улар ўнлаб юқори зичликдаги оддий дискетларнинг ўрнини эгаллаши мумкин. Яъни жамловчилар фақат мультимедиага таалуқли бўлиб қолмай, балки кенг маънодаги татбиқларга ҳам эга мосламалардир.

Товуш ва видео билан ишлашни истаган фойдаланувчилар мультимедиа маҳсулотлари компьютер маълумотлари учун мўлжалланган доимий хотирага ҳамда компьютернинг микропроцессори, оператив хотираси ва видеотизимга юқори талабларни қўйишни билишлари лозим. Бундай юқори сифатлар, айниқса, видеомаълумотлар билан ишлашда зарурдир. Табиийки, келажакда бу йўналишдаги талаблар янада ортади. Замонавий шахсий компьютерларнинг имкониятлари кенг экранли видеомаълумотларни тўлақонли тасвирлаш учун етарли бўлмагани учун бу маълумотларни зичлаштиришга мажбур бўлади. Бу амал оддий маълумотларни зичлаштиришдан фарқли ўлароқ, мос маълумотнинг тўлақонлилигини йўқотади. Видеомагнитофонларни зичлаштириш учун техник ҳамда дастурий воситалар мавжуд, аудиомаълумотларни ҳам зичлаштириш мумкин, мос ҳажмлар катта бўлмагани учун бу амал унча долзарб эмас.

Аксарият фойдаланувчиларни қаноатлантирувчи минимал иловалар, товуш ва видео билан ишлашга мўлжалланган бир қатор дастурий воситалар мажмуаси бевосита Windowsда мавжуд. Биз бу иловалардан фойдаланиш таркиби билан танишиб чиқамиз. Улар товуш ва мусиқали компакт дисклар, яъни CD дисклар, товушли файлларни тинглаш, ёзиш ва таҳрир қилишни, видеоклипларни кўришни, турли манбаалардаги сигналларни туташтиришни, уларнинг баландлиги мажмуаси ва тембрини белгилаш имконини беради.

CD Player дастури воситасида товушли компакт дискларни тинглаш

мумкин. CD ROM туридаги жамловчиларнинг яратилишидан аввал куй, мусиқий ва товушли композициялар каби асарлар ёзилган компакт дисклар CD-ифодаловчи воситасида тингланар эди. Ҳозирги вақтда ўзимиз ёқтирадиган мусиқий асарни асосий ишимиздан четлашмаган ҳолда, бевосита компьютерларнинг ўзида тинглашимиз мумкин. Бунинг учун компакт диск жамловчисига (дисководга) ўрнатилади ва Плей тугмаси босилади. Товуш баландлиги юзадаги панелдаги ўрнатувчи билан бошқарилади. Бундай ўрнатувчи бўлмаган ҳолда дастурий воситаларда фойдаланишга тўғри келади. Яна юзадаги панелда товуш платаси ва акустик тизимдан якка ҳолда фойдаланишга режалаштирилган махсус тингловчи мослама улагичи мавжуд бўлиши мумкин. Товуш тинглашдаги минимал функцияларни таъминловчи бошқа тугмалар юзадаги панелда жойлашган, улардаги белгилар стандартлашган бўлади ва сиз улар билан қуйида танишасиз. Товушли компакт дискларни тинглашда кенгроқ имкониятларни Windows туркумига кирадиган CD Player лазерли дастур яратади. Ушбу операцион тизим шундай ташкил этилганки, ундаги CD Player дастури ўта хайрихоҳлик билан ўз хизматларини таклиф этади ва компакт диск ўрнатилиши билан муттасил тарзда фаоллашиб боради. Windows аудиокомпакт дискларни компьютер дисклари каби қабул қилади.

Визуал воситалар. Визуал (кўргазмали) воситалар педагогик технология жараёнида ўқувчи-талабалар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган барча воситаларни ўз ичига олади. Буларга синф доскасидаги ёзув ва бошқа тасвирлар, китоблардаги ёзув ва тасвирлар, тарқатма материаллар, ўқув плакатлари, фотосуратлар, тасвирий санъат асарлари, видео, кино тасвирлар, жониворлар, ўсимликлар, табиат объектлари, турли буюмлар ва шу кабилар киради. Кўргазмали воситаларнинг педагогик технологияда қўлланилиши ўқувчи-талабаларга ўргатиш керак бўлган ахборотга тегишли мазмунни турли шакл ва усулларда кўрсатиш орқали тез, аниқ ва тўғри тушунтириш имкониятини беради.

Аудиовоситалар. Аудиовоситалар эшитиш орқали ахборотни ўрганиш, ўзлаштириш имкониятини беради. Ҳозирда кўпроқ аудиовизуал воситалар, яъни бир вақтда эшитиш ва кўришга хизмат қилувчи воситалар: кино ва бошқа овозли видеотасвирлардан фойдаланилади. Аслида эса амалиётда мавжуд шароит ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ижодий ёндашув асосида мавжуд воситалардан комплекс фойдаланиш энг яхши самара бериши мумкин.

Табиий воситалар. Табиий воситаларга педагогик технология жараёнида ўрганиш кўзда тутилган мазмунга тегишли барча табиий нарсалар киради. Булар одам ва жониворлар, ўсимликлар ва табиат, асбоб-ускуналар, буюмлар, машиналар, механизмлар, иншоотлар ва шу кабилардан иборат.

Умуман, педагогик технологиянинг сифати ва самарадорлиги ҳозирги кунда кўп жиҳатдан барча турдаги зарур воситаларнинг сифати ва улардан юқори самарадорлик билан фойдалана билишга боғлиқ. Бу воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиш педагогнинг малака, маҳорат, ижодкорлиги, изланувчанлигига боғлиқ.

Лутфуллаева Нигора Халимбоевна,
п.ф.н., доцент, ТДИУ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ АНИҚЛАШДА ШАХСИЙ ОМИЛЛАРНИНГ РОЛИ

Меҳнат, билим, маҳорат, ижод... Улар инсон ҳаётининг бош мезонлари ҳисобланади. Бу мезонлар фаолият орқали шаклланади ва амалга оширилади – меҳнат қилиш, изланиш жараёнида ютуқлар қўлга киритилади, маҳоратга эришилади. Педагогик маҳоратга эга бўлиш йўлида ҳаракат қилаётган, изланаётган ҳар қандай ўқитувчи, шубҳасиз, эгаллаши лозим бўлган илмий-назарий маълумотларни қўлга киритиш учун ўқитувчилик позициясига эга бўлиши керак, мазкур позиция ижтимоий жиҳатдан прогрессив, шахсий жиҳатдан оптимистик бўлиб, замонавий педагогика, психология, методиканинг илғор ғояларини ўзида акс эттириши лозим. Бу, ўз навбатида, педагогик жараёнга демократик ва инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашишни тақозо қилади. Ҳатто, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам долзарб масалалар қаторида илм-фан ва таълим, таълим ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт муносабатларига алоҳида урғу берилганлиги бежиз эмас.

Модомики, таълим тизимининг марказида инсон капитали, уни тўғри тақсимлаш, ундан самарали фойдаланиш ва мақсадли йўналтириш турар экан, бунда замонавий таълим инновациясига эришиш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бундай ёндашиш фаолият асосида амалга оширилади. Фаолият эса маҳоратга етказувчи бош мезон бўлиб ҳисобланади. Педагогик меҳнат объекти сифатида ўқитувчининг шахси (характери, иродаси, хулқ-одоби, тафаккури ва ҳ.к.), субъект сифатида эса тарбияланувчига таъсир кўрсатишни назарда тутади. Педагогик фаолият аниқ кўринишда бўлса, ўқитувчи ўқитиш, тарбиялаш ва шахсий сифатларни ривожлантириш вазифаларини аниқ ҳал этишга ҳаракат қилади. Мазкур жараёнда фаолият ақлий-руҳий жиҳатдан таъсир кўрсатиш, натижаларни назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда янги вазифаларни белгилаш учун тайёрланиш билан чегараланади.

Педагогик фаолият ўзининг таркибий қисмлари узвий боғлиқликда, бир-бирига таъсир кўрсатган ёки бир-бирини тўлдирган тақдирда моҳирлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик ўз муддаосига эришади.

Ҳозирги таълим-тарбия мазмунининг миллийлашуви, ўқув-тарбия тизимига янги педагогик технологиянинг татбиқ этилиши жараёнида янги типдаги ўқув муассасаларининг кенг ривожланиб бориши кескин тус олиб

бораётган бир даврда ўқитувчи касбий махоратини такомиллаштириш вазифаси турибди. Бу вазифа ўқувчилар фаоллиги ва мустақиллигини оширишни, унинг педагогик техникаси, педагогик такти (назокати), педагогик қобилиятини такомиллаштириш учун доимий изланишни талаб қилади.

Қайд қилиб ўтилган хусусиятлар ҳар бир таълим-тарбия ишлари билан шуғулланувчи учун зарурдир. Бу хусусиятлар педагогик техникани эгаллаш, педагогик қобилият, педагогик назокат, педагогик мулоқот малакалари билан қуролланиш орқали қўлга киритилади.

Идеал педагог самарали фаолият олиб борар экан, у доимо мутахассис сифатида:

- педагогик назоратининг бўлиши;
- педагогик маҳоратга эга бўлиши;
- психологияни билиши;
- таълим ва тарбия технологияларини билиши;
- меҳнатни рационал ташкил этиш кўникмаси;
- ишга муҳаббат;
- ўқувчиларга бўлган муҳаббат;
- инсонга ишониш;
- педагогик қобилиятлар;
- сабр-тоқатлилик, оптимист, ўзини идрок этиш, билимдонлик;
- эмоционал турғунлик;
- нутқнинг аниқлиги ва ишонарлилиги;
- талабчанлик, ўзини тута билишлик, адолатпарварлик, мулоқотга киришувчанлик, тинглай олиш қобилияти ва ҳ.к.;
- мақсадни қўя билиш ва унга эришиш;
- вақтни тўғри тақсимлаш;
- малакани ўз вақтида, режали, мунтазам равишда ошириш;
- ижодга бўлган қобилият;
- дунёқарашнинг кенглиги;
- меҳнат қилишга муштоқлилик;
- жамоада ишлаш қобилияти;
- иқтидорлилик, қатъиятлилик, жавобгарлилик, фаоллилик;
- юқори ахлоқий сифатлар;
- жамоат ишларида фаол иштирок этиш;
- ҳамма нарсада ва ҳар ерда шахсий эркинлик;
- давлат қонунларини ҳурмат қилиш, ватанпарварлик;
- мустаҳкам соғлиқ;
- соғлом ҳаёт тарзи;
- инсонпарварлик, очиқ чеҳралилик, одоблилик, маънавий бойлик;
- ўзининг фаолиятига танқидий ёндашиш тўғри келади.

Олий таълим муассасалари ўқитувчилари мисолида сўровномага кўра олиб борилган тадқиқотда юқори педагогик қобилиятга эга ўқитувчилар гуруҳини ўқитувчи фаолияти самардорлигига таъсир этувчи психологик

омилларни санаб ўтишни таклиф этганда, А гуруҳидаги юқори касбий педагогик қобилиятга эга ўқитувчилар *педагогик такт ва педагогик маҳоратга эга бўлиш, ўз соҳасида билимлилик, ўз ишини ҳис қилиш, касбга ижодий ёндашувчанлик, масъулиятлиликни сеза билиш, ташкилотчилик, ўз ишини ёқтириш, меҳнатсеварлик* каби шахсий сифатларни омил дея келтириб ўтишди.

Б ва В гуруҳидаги қуйи касбий педагогик қобилиятларга эга ўқитувчиларнинг фикрлари эса ёш ва тажрибасининг камлиги, малакаларининг тўлиқ шаклланиб улгурилмаганлиги туфайли бўлса керак, муҳим омиллар деб дарс жараёнида *моддий-техник воситаларга, жиҳозларга эга бўлишлик, дарс олиб боришда замонавий усуллардан самарали фойдалана билиш, талабаларнинг фаол иштироки ва давомати ҳамда иродавийликни* ифода қилганлар.

Ўқитувчилар гуруҳи / **Омиллар**	**А Гуруҳи (n=26)**	**Б Гуруҳи (n=26)**	**В Гуруҳи (n=26)**
Ўз ишини ёқтириш	*22*	*18*	*17*
Юқори маданиятга эга ҳолда катта аудиторияни ишлата олиш	*15*	*9*	*5*
Педагогик такт ва маҳоратга эга бўлиш	*24*	*19*	*15*
Қатъийлик	*7*	*18*	*14*
Меҳнатга қобилиятли, меҳнатсеварлик	*21*	*16*	*12*
Танқидийлик	*16*	*13*	*18*
Талабаларга муҳаббат	*19*	*14*	*15*
Ҳаракатчанлик, фаоллик	*18*	*15*	*9*
Касбга ижодий ёндашувчанлик	*23*	*16*	*13*
Ташкилотчилик қобилиятлари	*22*	*14*	*11*
Масъулиятлиликни сеза билиш	*23*	*18*	*13*
Ўз соҳасида билимлилик	*24*	*22*	*16*
Маълумотларни жонли нутқ билан талабаларга етказувчанлик	*21*	*14*	*9*
Дарс олиб боришда замонавий усуллардан самарали фойдалана билиш	*19*	*15*	*20*
Иродавийлилик	*20*	*16*	*21*
Вақтдан тўғри фойдаланиш	*19*	*19*	*17*
Талабаларнинг фаол иштироки ва давомати	*15*	*21*	*23*
Дарс жараёнида моддий-техник воситаларга, жиҳозларга эга бўлишлик	*19*	*23*	*25*
Меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик таъминотга эга бўлишлик	*20*	*16*	*19*

Рағбатлантириш механизмлари ташкил этилганлик	*16*	*24*	*20*

Демак, юқори кўрсаткичга эга бўлган касбий педагогик қобилиятли ўқитувчилар ўз фаолиятининг самарадорлигига таъсир этувчи психологик омиллардан шахсга боғлиқ омилларни бирламчи сифатида ифода этган бўлсалар, ўрта ва қуйи касбий педагогик қобилиятга эга ўқитувчилар вазиятга боғлиқ омилларни асосий деб белгилаганлар.

Ўқитувчи фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи психологик омилларни умумлаштирган ҳолда икки гуруҳга: шахсий ва вазиятга боғлиқ омилларга ажратиш мумкин. Шахсга боғлиқ омилларга: ўқитувчи шахсининг йўналганлиги, касбга нисбатан барқарор қизиқиш, масъулият ҳисси, темпераментнинг намоён бўлиши, педагогик фаолиятга адекват талаблар; ижобий характер хусусиятлари; педагогик ва ташкилотчилик қобилияти бўлиб ушбу шахсий сифатларнинг шаклланганлиги ўқитувчининг амалий фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил қилиши ва доимий фаолият услубига эга бўлишига ёрдам беради.

Вазиятга боғлиқ омиллар эса машғулотларга ва уларни ўтказишга тайёрланиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишда намоён бўлади.

Дарс жараёнида ўқитувчи фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи педагогик қобилиятлар шахсга боғлиқ омил сифатида эътироф этилиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради.

Юлдошева Феруза Мамасахатовна, *катта ўқитувчи,*
ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, ТерДУ

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ-КАДРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

Республикамизда мустақиллик йилларида кадрлар тайёрлашнинг янги тизими яратилиб, мутахассислар сифатига қўйиладиган замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош, танланган таълим йўналиши бўйича мустақил ишлай оладиган, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишига қодир мутахассислар тайёрлаш изчил амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ, “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини давом эттириш” муҳим вазифалар ҳисобланади [1].

Бугунги кунда узлуксиз таълим (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мактабдан ташқари таълим) турлари, жумладан, олий таълим ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ўртасидаги интеграцияси алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитувчи ёш авлод қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказиш билан бирга, уларнинг маънавий эҳтиёжларини замон талаблари асосида янги босқичга кўтаради. Янгича фикр ва дунёқарашни шакллантиради. Ўқувчиларнинг ахборот муҳити билан ўзаро таъсиридаги асоосий муаммолардан бири уларнинг ахборотнинг яхши-ёмонлиги фарқига бормаслиги; ахборот олишнинг ҳаддан ортиқлиги, ахборот хафвсизлигининг мавжуд эмаслигидир. Шу сабабли ахборотларни тўғри қабул қила билиш масаласи бугунги кунга келиб энг муҳим масалага айланди [2].

Ахборот глобал ахборотлашув шароитида шахсни ахборотни излаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, ундан фойдаланиш, уни узатиш метод, усул ва воситаларидан хабардор қилиш, амалий фаолиятда уларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Олий таълим муассасалари педагогларида ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- ахборотлашган жамият талаби, ижтимоий-таълимий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ахборот-коммуникатив компетенцияларнинг функцияларини аниқлаштириш;
- малака ошириш тизимида педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришда шахсий ва касбий ахборот майдонининг уйғунлигига эришиш;
- педагогларда ахборот-коммуникатив компетенцияларни таркиб топтиришда етакчи хорижий мамлакатлар тажрибасидан самарали фойдаланиш;
- педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш борасида тўпланган тажрибаларни умумлаштириш;
- малака ошириш тизимида педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни мажмуавий ривожлантиришга эътибор қаратиш;
- педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликнинг яхлит намоён бўлишига эришиш.

Замонавий педагог қуйидаги асосий ахборот компетенцияларини ўзлаштириши зарур: ўз фани бўйича компьютер ва Интернет технологияларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, дарс ўтиш методикаси; замонавий ахборот массивларидан ахборотларни қидириб топиш, сақлаш методларидан фойдаланишни билиш; компьютер, локал ва глобал тармоқдан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш ҳамда уни

такомиллаштириш, турли шаклдаги компьютер ахборотлари билан ишлаш ва уларни Интернет тармоғига жойлаштириш кўникмаларига эга бўлиш; дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда интернет технологиялар воситасида ўқувчиларнинг мустақил ишлашини ташкил этиш кўникмасига эга бўлиш зарур.

Таълим соҳасида интернет технологияларининг кириб келиши жаҳон миқёсида электрон таълим муҳитини шакллантиришга хизмат қилди. Барча хорижий олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун электрон ўқув курслари ёрдамида фанлардан маъруза, амалий машғулот, лаборатория машғулотлари ва виртуал лабораториялар мустақил ўрганувчиларга интернет орқали тақдим қилинмоқда. Талабалар томонидан топширилиши режалаштирилган мустақил ишлар электрон тарзда, лойиҳа ва илмий-ижодий ишлар кўринишида қабул қилинмоқда. Талабанинг мустақил иши муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишида йўналган тизимли фаолиятдир. Ўқишнинг бошланғич босқичларида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ.

Айниқса, биринчи курс талабалари таълимнинг навбатдаги тури – олий таълимга кўникиши қийин бўлади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини тўғри ташкил эта олмайдилар. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур.

Шунда мустақил таълимда кўникма орттирган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Ҳар қандай объект каби ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни ҳам ўзига хос яхлитлик хусусиятига эга бўлиб, бу яхлитлик маълум ўзаро боғлиқ ва таъсир этувчи компонентларни талаб этади. Маълумки, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги даражасига қўйилган талаблар орқали олий таълим босқичларига мос равишда Давлат таълим стандартлари ва давлат талабларида нималарни билиши ҳамда уддалай олиши зарурлиги ҳамда етарлилиги белгиланган. Бироқ узлуксиз таълим тизими ислоҳотларининг ҳозирги ҳолати, энг аввало, таълим мазмунининг

мақбуллигини таъминлаш йўналишида маълум тадқиқот ишлари олиб боришни талаб этмоқда. Ана шундай муҳим йўллардан бири таълим турлари орасида узвийликни таъминлаш ҳисобланади.

Таълим муассасасидаги таълим-тарбия сифати ўқитувчининг билим савияси, шунингдек, меҳнатини ташкил этиш ва назорат қилиш, унга маънавий ва моддий ҳамда илмий-методик ёрдам кўрсатишга боғлиқдир.

Педагог кадрларнинг касбий билим ва маҳоратларини оширишда малака ошириш жараёни муҳим роль ўйнайди. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш зарурати жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Бунинг учун эса ўз ўрнида малака ошириш тизимида ўқитувчиларга ташаббускорлик, ижодий ишлаш, ижодий такомиллашув учун кенг имконият яратиш талаб этилади. Ўқитувчилар ижодий имкониятларининг ривожланиши, уларнинг мустақиллигига таяниш ва ўз-ўзини билиш (ўқитувчи сифатида англаш) асосида бўлиши мумкин. Чунки ўзини англаш ва ўзини билиш, ташаббус ва ижод учун катта йўл очади.

Малака ошириш мазмунини давр талабларига ва тингловчиларнинг эҳтиёжларига тез мослашувчанлигини таъминлайдиган янги модулли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий этиб, самарадорлигини тажриба-синов ишлари орқали исботлаш лозим. Шу билан бирга, малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг фаоллигини таъминловчи омилларни аниқлаш, бу жараёнда фаол ўқитиш методларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда фаол ўқитиш методларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиб, уларни оммалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Узоқова Гулноза, *пед.ф.н., доцент,*
Қарши ДУ,
Файзуллаева З.С., *ўқитувчи,*
10-умумий ўрта таьлим мактаби

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва маърифий соҳаларида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари узлуксиз таълим тизимига ҳам бевосита таъсирини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, замонавий таълим муҳитининг муҳим тавсифи ҳамда шахс имкониятлари муваффақиятли амалга оширилишининг шарти сифатида таълим парадигмаларини такомиллаштириш, унинг таркибий қисмлари функционал ва концептуал муаммолари ечимини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Республикамизда узлуксиз таълим тизими ижтимоий соҳалар ҳамда иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш шароитида муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида таълимий, тарбиявий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий функцияларни бажармоқда. Уларнинг муваффақиятли

бажарилишини таъминлаш учун ўқувчиларда ижодий ва мустақил фикрлаш, касбий етуклик ва юксак маънавиятни шакллантирувчи педагогик шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнида узвийлик ва узлуксизлик фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро узвийлиги; таълим мазмуни узвийлиги; билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдаги узвийлиги; ўқувчи шахсини шакллантиришдаги узвийлик; таълим методлари ҳамда шаклларини қўллашдаги узвийлик; ўқувчилар ўзлаштиришини баҳолашни ташкил қилишдаги узвийликни таъминлайди.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўртасидаги таълим-тарбия жараёни Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда дастурларни ишлаб чиқишда ўзаро узвийликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу мақсадда вариатив ўқув дастурлари ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизими педагогларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш талаб этилади.

Инсон бугунги кунда тайёр ечимлар бўлмаган ва берилмайдиган ўзгариб борувчи муҳитда, жамиятда фаолият юритмоқдаки, унда ҳар бир шахс зарур ечимни ўзи мустақил топиши ва ушбу ечим оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига олиши талаб этилмоқда. Шу сабабли ижодкор мустақил фикрловчи ва қарор қабул қила олувчи, ўзгалар фикрини тинглаб, уни эътиборга олган ҳолда хулоса чиқара олувчи шахсни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим ёшларни тайёр ўқув материалини ўзлаштиришга эмас, балки муаммолар ечимини топишга ўргатмоғи лозим.

Шахс ижодий қобилиятини ривожлантириш назариясидан ташқари ўқувчилар ўқув ижодий фаолияти жараёнини интенсивлаштиришнинг педагогик технологиясини ишлаб чиқиши зарур. Аммо интенсивлаштириш технологияси даражасигача чиқиш учун ўқув ижодий фаолиятни интенсивлаштириш, оптималлаштириш ва интеграциялаш жараёни диалектикасини очиб бериш керак.

Мазкур муаммолар бўйича кўплаб педагог-психологлар текширишлар олиб борганлар. Психология соҳасида Д.Б. Эльконин, В.В. Давидов, Н.А. Мечинская, педагогика ва дидактика соҳаси бўйича М.А. Данилов, М.Н. Скаткин, И.Я. Лернер, А.В. Усова ва бошқалар ўқув-тарбия ва ўқув ижодий фаолиятни интеграциялаш бўйича муайян имий амалий натижаларга эришганлар.

Узлуксиз таълим тизимида ҳар томонлама етук, ижодкор шахсни тарбиялаш, ўқувчини узлуксиз ривожлантириш учун таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларида педагогик тизимнинг таркибий қисмлари ўзаро алоқадорлиги, мувофиқлиги ҳамда истиқболга йўналтирилганлигини таъминлаш ҳамда уларни амалга оширишнинг дидактик шарт-шароитларини аниқлашни тақозо этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган узлуксиз таълим тизимида узвийликни таъминлаш миллий

дастурда белгиланган вазифаларни амалга оширишда устувор аҳамият касб этиб, таълим тизимининг вертикал ва горизонтал узвийлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш борасидаги илмий тадқиқотларни жадаллаштиришни талаб қилади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини ишлаб чиқишда миллий таълим модели илмий ёндашувининг ўзига хос хусусияти шундаки, узлуксиз таълим тизими яхлитлик, узвийлик ва узлуксизликда, яъни бир бутун тизим шаклида қаралади. Узвийлик ва узлуксизлик таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири сифатида белгиланиб, педагогика назариясида уни ифодаловчи тизимлилик ва изчиллик таълимнинг методологик асосини ташкил қилиши билан бирга дидактик принцип сифатида ҳам алоҳида қайд этилган.

Таълимнинг узвийлиги таълим мазмунининг тизимлилиги, изчиллиги ва мантиқан боғлиқлиги таъминланишини, ўқувчилар ўзлаштирган билимларнинг кейинги босқичларда кўникма ва малакаларга ўтишига асос яратувчи, таълимнинг ҳар бир босқичида маълум даражада билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминлашни талаб қилувчи дидактик принципдир. Узвийликнинг моҳияти ҳар бир шахсга ўзига мос билим олиш шароитларини яратиб бера оладиган таълимга бўлган шахс ва жамиятнинг эҳтиёжларини қониқтириш зарурати билан белгиланади.

Касб таълимининг ҳозирги кундаги амалиёти, умумтаълим тайёргарлиги бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаслигини кўрсатмоқда. Чунончи, халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи касб таълими олдига ўз талабларини қўймоқда. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий тушунчалар, ҳодисалар, қонунлар, назариялар ўқувчиларга кўплаб хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёнларини, турли воқеаларни, иқтисодий механизмларнинг ишлаш тамойилларини тушунишга ёрдам беради. Модомики, иқтисодий билимлар ўзига хос назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу соҳа бўйича замонавий педагогикада икки қарама-қарши тенденциялар ҳукмронлик қилмоқда, бир томондан таълим олиш жараёнини бошқаришнинг самарали воситаларини ишлаш амалга оширилса, иккинчи томондан ўқувчилар идрок этиш фаоллиги, уларда билимларни мустақил олиш маҳоратини юзага келтириш имкониятлари аниқланмоқда.

Ўқув тарбиявий жараённи интеграциялашни амалга ошириш натижасида ўқувчилар фаоллик даражасини юқори босқичга, янада самаралироқ босқичда ўтишни амалга оширамиз. Бундан ташқари интенсификация шароитида интеграциялаш фақатгина ташкил этиш жараёнига эмас, балки ички, руҳий (мотивацион, интеллектуал, иродавий ва шу кабилар) жараёнларни фаоллаштирувчи ҳам ҳисобланади.

Таълим жараёнини интегратив дастурлар ва дарсликлар асосида ташкил қилиш орқали ўқув тарбиявий жараёнида самарадорликка эришиш назарда тутилар экан, бунда узвийликнинг тури даражаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан:

1-расм. Узвийликни ўқув жараёнига татбиқ этиш йўллари

Шахснинг билим олишида, ижодий изланишида энг кучли потенциалга эга бўлган жаҳон ахборот тармоғига боғланиш, турли хилдаги маълумотлар, амалий тажрибалар билан танишиш, табиий ва гуманитар билимларнинг интеграцияси тўғрисида кўникма, тушунча ва билимлар пойдеворини ҳосил қилиши зарур. Ўқув фанларига тегишли замонавий билимларни пухта ўзлаштириш, биринчидан, оламнинг илмий манзарасини яққол тасаввур қилиш ва тушуниб олишни назарда тутса, иккинчидан, олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш маҳорати ва кўникмаларини эгаллашни тақозо қилади. Бунинг учун таълим жараёнига илғор педагогик технология ва услубларни қўллаш зарурати туғилади. Бундай технологиялардан бири интегратив таълим технологияси бўлиб, у таълимга синергетик ёндашув ва тизимли таҳлил каби усуллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги кунда жамиятда янги иқтисодий муҳит шаклланиб бормоқда. Шунга кўра, бозор муносабатлари талабларига мувофиқ тарзда ҳаётий жараённинг тури соҳаларида фаолият кўрсатувчи шахснинг иқтисодий саводхонлик даражасига қўйиладиган талаблар ҳам ошиб бормоқда. Иқтисодий таълим жараёнида узвийлик қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

1. Турли ўқув предметлари таркибида берилиши мўлжалланган иқтисодий таълим мазмунини аниқлаш.

2. Иқтисодий билим ва кўникмаларнинг кенгайиб, чуқурлашиб боришини таъминлаш.

3. Ўқувчиларнинг физиологик ва психологик хусусиятларини инобатга олиш.

4. Тақдим этилаётган илмий, иқтисодий, ижтимоий маълумотлар ўқувчиларнинг умумий иқтисодий саводхонлиги ва маданиятини шакллантириш имконини беришига эришиш.

5. Иқтисодий назария билан бир қаторда амалий характерга эга бўлган вазифаларни (иқтисодий вазиятлар, иқтисодга оид тест ва шу кабилар) топширишни таъминлаш.

6. Иқтисодий материалларнинг тақдим этилиши мўлжалланган ўқув фани мазмунига мос келишини таъминлаш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, иқтисодий таълимда узвийликни татбиқ этиш ва таълим бериш методикаси илмий билимлар тахлили ва синтез муаммосини педагоглар методологик қарашларига фанлар дифференциациясининг конкрет ифодаланиши деб ҳисоблашимиз мумкин. Бу муаммонинг назарий ва амалий ечими жамият ривожланиши иқтисодий фанлар ва ўқув юртининг ижтимоий буюртмасига мос равишда ўзгариб келади.

Маматалиев Абдаким Маматали ўғли,
Ангрен компьютер технологиялари
коллежи директори

ИНТЕРНЕТГА ВЕБ-САЙТНИ ЖОЙЛАШТИРИШДА ПРОВАЙДЕР ПАРАМЕТРЛАРИ

Кўпинча сайтлар қайсидир интернет-провайдер серверининг дискли бўшлиғига жойлаштирилади. Лекин бу провайдер интернетга киритилмаслиги мумкин. Сайтни жойлаштиришда интернетга кириш имкониятини беролмайдиган провайдерлардан фарқли ўлароқ, бошқа параметрларга эътибор бериш зарурати пайдо бўлади. Улардан баъзи бирлари қуйида келтирилган:

1. Дискли бўшлиқ ва почта яшиги. Маълумки, сайтни жойлаштириш учун дискли бўшлиқ ва почта яшиги керак. Охиргиси, одатда, пулсиз тақдим этилади. Назардан қочирмаслик керакки, почта адреси билан почта яшиги, булар бутунлай бошқа-бошқа нарсалардир. Почта адреси учун почта яшиги ҳар доим тақдим этилавермайди. Баъзида яшиклар қўшимча ҳақ учун тавсия қилинади. Сайт учун дискли бўшлиқларни тақдим этишга ҳаддан ташқари эътибор бериш керак эмас, чунки ҳозирги вақтда тармоқда хоҳлаганча бўш ва текин жойларни топса бўлади. Агар сиз танлаган провайдер параметри бўйича талабга жавоб бермаса, бунга парво қилмаса ҳам бўлади.

2. Трафик ҳажми. Яратилган сайт учун ташриф буюрувчилар сони қанча кўп бўлса, шунча яхши. Бунда Web-сервер билан узоқдаги фойдаланувчи ўртасида қандайдир ахборот алмашуви содир бўлади. Унинг ҳажмини эса трафик ташкил этади. Сайтни жойлаштиришда провайдер билан ҳажмни чегаралаш ва баҳо шкаласи тўғрисида аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир, чунки барча ҳал қилинмаган масалалар, одатда, провайдер фойдасига ҳал бўлади.

3. Сайтни кузатиш усуллари. Стандарт вариант – FTP бўйича кириш. Бу режимда каталогларнинг ўз тузилмаси бўйича ҳаракатланиш, файлларни ўчириш, кўпайтириш ва номларини ўзгартириш мумкин. Кўпинча, Telnet – кириш усули учраб туради. Бунда фойдаланувчи серверга тўла кириш ҳуқуқига эга бўлади. Ишга туширишда Dos сеансидан фойдаланилади, операцион тизим

сифатида UNIX (буйруқли Shell интерпретатор сеансида) ишлатилади. Лекин улар билан ишлаш анча ноқулай. Бунга қарамай, бу режим фақатгина сайтда ишлайдиган дастурларни созлаш ва текшириш учун зарур. Бундан ташқари провайдер серверниng хавфсизлиги камаяди. Сайтларни бошқарувда электрон почта ишлатилган ҳолат энг ноқулай вариант ҳисобланади, яъни сайтдаги ихтиёрий ўзгариш E-mail фойдаланадиган ҳолатдаги провайдер администратори орқали амалга ошади.

Демак, одатдаги информацион сайт эҳтиёжи учун FTP бўйича кириш етарличадир.

4. Web-сервер нусхаси. Сайтлар жойлашадиган провайдерларда иш икки хил ташкил этилиши мумкин, яъни барча сайтлар битта Web-сервер бошқарувида ишлаши мумкин ёки битта сайт учун алоҳида Web-сайт нусхаси ажратилади. Агар сайтни жиҳозлашда кўплаб актив элементлар ишлатилса, у ҳолда охирги вариант маъқул. Шу билан бирга, у ўз сайтингизни сақлашда анча қулайдир.

5. Дастурий таъминот. Сайтни яратишда қандай дастурий таъминотдан фойдаланганлиги сайтни жойлаштиришда юзага келадиган муаммолардан бири ҳисобланади.

Агар Microsoft Front Page ишлатилган бўлса, у ҳолда максимал самара олиш учун ва татбиқ этилган актив элементларнинг тўғри ишлаши учун серверда “серверная часть Front Page” аталадиган керакли қўшимча платани ўрнатиш керак.

6. Провайдернинг жойлашган ўрни. Провайдер билан шартнома тузишда провайдер жисмонан жойлашган минтақа қонунларига суяниб ишлаши зарур. Нормал, соғлом амалиёт шуни талаб қиладики, сайтга тегишли барча масалалар ҳудуднинг ҳаракатдаги барча қонунларга мос келиши шартномада, албатта, кўрсатилган бўлиши керак.

7. Сайт учун ном. Номлар қуйидаги кўринишга эга: WWW. Сайт номи. Домен. Биринчи даражали домен сайтнинг асосий хусусиятларини кўрсатади.

Булар миллий ва олтита дунёвий доменлардир. Иккинчи даража доменлари чапдан яна бир ном билан ёзилиши билан юзага келади (ном, домен). Бу домен ичида фойдаланувчи учинчи даражадаги бошқа доменларни яратиши мумкин (WWW.mak.com) ва шу кабилар.

Хулоса. Агар номлар обрўси ахамиятсиз бўлиб, иқтисод қилиш маъқул келса, учинчи даражали домен номлари сайтни қайд қилиш бутунлай ўзини ўзи оқлайди.

Tojiboyeva Gulxumor, *dotsent,*
Shobdurahimova Umriniso, *assistent,*
ADU

O‘QITUVCHI FAOLIYATIDA MULOQOT MADANIYATI, UNI BAHOLASH MEXANIZMI VA PSIXOLOGIYASI

O‘qituvchi kasbiy faoliyatida muloqot madaniyatini shakllantirish muammosi kishilik jamiyatining ehtiyojlari va talablaridan kelib chiqqan holda hal qilinadi. Shu

boisdan hozirgi davrda O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi qonuni, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da kasb tanlash motivlari, kasbiy tayyorgarlik, kasbiy layoqat va kasbiy mahorat bilan cheklanib qolmaslikni, balki bo‘lg‘usi pedagog kadrlar shaxsiy faoliyatida kasbiy madaniyatni tarkib toptirish mutlaqo zarur ekanligi ta’kidlanadi.

Respublikamizda o‘qituvchilik kasbining o‘ziga xos etnopsixologik fazilatlari, xislatlari, qobiliyatlari, ish uslublari, pedagogik mahorat sirlarini egallash yo‘llari, shaxslararo muloqot madaniyati yuzasidan turli davrlarda har xil ilmiy izlanishlar olib borilgan. Muloqot madaniyatining tarbiyalovchi imkoniyatlarini ro‘yobga chiqarish ko‘p jihatdan o‘qituvchining shaxsiy sifatlari bilan belgilanishini ta’kidlab o‘tish lozim. Pedagogik muloqot madaniyatining har jihatdan to‘g‘ri tanlangan, o‘qituvchining ma’naviy saviyasi, betakror xususiyatlariga muvofiq keluvchi uslubi quyidagi vazifalar majmuyini hal qilishga yordam beradi:

- birinchidan, muloqotda har bir o‘quvchiga alohida e’tibor va dilkashlik sinf jamoasi bilan umumiy muloqot jarayonini soddalashtiradi, o‘qituvchining erkin pedagogik-psixologik faoliyati uchun zamin tayyorlaydi, ziddiyatli vaziyatlarni oson hal qiladi;

- ikkinchidan, har bir o‘quvchi bilan o‘zaro munosabatni erkin muloqot asosida tashkil qilish, ularning yosh xususiyatlariga monand pedagogik va psixologik muloqot uslublarini tanlash, uning ruhiyatini bilishga, ichki dunyosiga “kirib borish”ga yo‘l ochadi;

- uchinchidan, psixologik muloqotda o‘qituvchining ma’naviy-axloqiy normalari muvaffaqiyatlar kaliti bo‘lib, ta’lim-tarbiya samaradorligini oshiradi, muloqotning barcha bosqichlarida o‘qituvchining o‘z faoliyatidan qoniqish hissini va xotirjamligini ta’minlaydi.

O‘qituvchining o‘quvchilar bilan bo‘ladigan muloqot madaniyati individual uslublarini shakllantirish metodikasi quyidagi bosqichlarni o‘z ichiga oladi: ta’lim-tarbiyaviy jarayonni tashkil etishda pedagogik-psixologik muloqot madaniyati o‘qituvchi va o‘quvchilarning bevosita o‘zaro munosabatini ma’lum bir maqsad sari hamjihatlikka yo‘naltiruvchi kuchdir. Bu o‘rinda o‘qituvchi quyidagi vaziyatlarni e’tiborga olishni alohida ta’kidlash lozim:

- o‘qituvchining ilk tarbiyaviy faoliyatidan boshlab muloqot madaniyatiga rioya qilishi, bu jarayonda o‘qituvchi va o‘quvchilar jamoasi bilan har kungi muomalani vaziyatga qarab rejalashtirishi, har bir harakat, so‘z ohangiga e’tibor, an’anaviy muloqotning eng yaxshi xususiyatlarini o‘zlashtirishi;

- muloqot asosida sinf jamoasidagi turli vaziyatlarni qayd etish, o‘quvchilar xatti-harakatining oldingi holati bilan, tarbiyaviy faoliyatdan keyingi holatini qiyoslab chiqib baho berish;

- o‘z muloqot uslubi natijalarini tanqidiy nuqtayi nazardan tahlil qilib, kamchiliklarni uzluksiz bartaraf etib borish. Zarur so‘z, ovozdagi yoqimli ohang, xulq-atvorni vujudga keltirish;

- psixologik muloqot madaniyatining samarali kechishi uchun uning shart-sharoitlarini bilib olishning o‘zi kifoya qilmaydi, o‘quvchilar bilan o‘zaro muomalaning “ustoz-shogird” an’analariga xos boshlanishi va o‘zaro fikr almashish

asosida muhim vazifalarni hal qilish bilan muomala obyektining diqqatini o‘ziga jalb qilish;

- muloqot obyekti, ya’ni o‘quvchining diqqatini o‘ziga jalb qilish deganda nimani anglash kerak? Buning ma’nosi o‘qituvchi o‘zining xushmuomalaligi, madaniyati, go‘zal xulqi, muloqotda o‘quvchilar qalbiga yo‘l topa olishi bilan o‘z mahoratini namoyish qilib, muloqot madaniyatining tashkiliy shakllariga ijtimoiy-psixologik negizni asos qilib olishidir.

Ko‘rsatib o‘tilgan vaziyatlar asosida pedagogik-psixologik ta’sir ko‘rsatish uchun o‘qituvchining psixogik muloqot madaniyati, etikasi va odob-axloqiga, dilkashligi, muosharat odobiga alohida talablar qo‘yiladi. Ushbu fazilatlar o‘qituvchining sinf jamoasida, ota-onalar bilan muloqot qila bilishida, o‘quvchilar bilan aniq maqsadni ko‘zlagan holda tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishi va ularni boshqara olishida muvaffaqiyatlar garovidir. Kasbiy faoliyatning noyob fazilati bo‘lmish pedagogik-psixologik muloqot madaniyatiga amal qiladigan yosh o‘qituvchi quyidagi xususiyatlarni o‘zida mujassamlashtirishi lozim:

- mamlakatimizning ijtimoiy-siyosiy talablari va ehtiyojlariga mos bo‘lgan yuksak ma’naviyat darajasidagi qarashlar, kuchli va barqaror e’tiqod, davlatimiz ideallari, milliy g‘oya va istiqlol mafkurasiga sodiqlik, vatanparvarlik, fidoyilik tuyg‘ulari shakllangan ijtimoiy-siyosiy faol shaxs;
- o‘quvchilarga samimiy mehr-muhabbat, ularning har qanday ehtiyojlari, qiziqishlari, xatti-harakatlari motivlarini, xulq-atvorlarini tushunish ko‘nikmasi va malakasining shakllanganligi;
- jamiyatda ro‘y berayotgan hodisalar, jahonda ro‘y berayotgan voqealar, tabiatga, borliqqa, shaxslararo, guruhlararo, millatlararo munosabatlarga nisbatan psixologik kuzatuvchanlik, yangilikka, ijodiy izlanishga nisbatan intilish qobiliyatining mavjudligi;
- psixologik faoliyatning barcha jabhalarida odamlarning xatti-harakatlari, munosabatlaridagi xususiyatlarni oqilona tushunish, o‘z faoliyatiga nisbatan refleksiv munosabatni tarkib toptirish;
- har qanday favqulodda vaziyatlarga, jamiyatda ro‘y berayotgan yangiliklarga nisbatan hamda ijtimoiy-iqtisodiy o‘zgarishlarga omilkorlik va aql-idrok bilan munosabatda bo‘lish, o‘z oldiga to‘g‘ri maqsad qo‘ya olish, reja tuzish, bevosita nazorat qilish, boshqarish va o‘z imkoniyatlarini namoyon eta olish;
- pedagogik-psixologik faoliyatlarda, jamoatchilik tizimida muvaqqat guruhiy munosabatlarda ommaviy harakatlarda tashkilotchilik va boshqaruvchanlik qobiliyatini namoyish etishi;
- dunyoqarashi va tafakkur ko‘lamining kengligi, dunyoviy bilimlarni bilishga nisbatan qiziqishining serqirraligi, ilmiy izlanishlarga moyilligi, muayyan ilmiy salohiyat va pedagogik mahorat darajasini muntazam oshirib borishi;
- o‘quvchilar bilan muloqotda layoqatliligi, nutq madaniyatining mantiqan ixcham, ma’noli, ta’sirchan kuchga egaligi, psixologik ta’sir o‘tkazish uslublari bilan qurollanganligi.

O‘qituvchi bilan o‘quvchilarning muloqotda bir-birlarini o‘zaro tushunmasliklari, muloqot vositalarining qashshoqligi, har bir o‘quvchining

ruhiyatiga qarab muomala qilinmasligi, barchaga bir xil majburiy itoatkorlik munosabati, o‘quvchilarni tor doiradagi intizomga chaqiruvchi emotsional jihatdan salbiy tus berilgan buyruq shaklidagi muloqot doimiy ziddiyatlarni keltirib chiqaradi. Psixologik muloqot usullari ustida ishlashning asoslangan tizimini tuzish uchun, har bir o‘qituvchi o‘zining muammolaridan, yo‘l qo‘yilgan kamchiliklaridan kelib chiqib, qiyinchiliklarni tahlil qilish bilan bartaraf etishi lozim.

Psixologik muloqotga doir barcha mashqlarning umumiy yo‘nalishini mavjud pedagogik-psixologik vaziyatlarda malaka hosil qilish uchun har bir muloqot ishtirokchilarining imkoniyatlarini ochishga ko‘maklashuvchi, uning shaxsiy xislatlarini rivojlantirib borishni ta’minlovchi vositalardan foydalanish taklif qilinadi. Muloqotga ba’zi o‘quvchilarning subyektiv qarashlarini aniqlash, shu o‘quvchi bilan muloqotning oqilona hal qilinishi uchun zarur bo‘lgan vazifalarni belgilash, uning xulqini tuzatish yoki unda shunchaki ishonch kayfiyatini yaratish kerak.

Mazkur vaziyatlarda o‘zaro harakatlarning tizimli vositalari majmuasi quyidagicha belgilanishi mumkin:

• muloqot jarayonida tarbiyalanuvchi obyektning javob harakati imkoniyatlarini oldindan ko‘ra bilish;

• obyektda psixologik to‘siq va salbiy qarashlarni keltirib chiqaruvchi vositalarni qo‘lga kiritish;

• vaziyatning o‘zgarishiga qarab foydalanish mumkin bo‘lgan muloqotlarning bir nechta modeliga ega bo‘lish;

• o‘quvchilar jamoasi fikrlarini tinglash, ularning mulohazalariga qo‘shilish, ularga hamdardlik ko‘nikmasini rivojlantirib borish;

• o‘zaro muloqot natijalarini baholash va erishilgan yutuqlar hamda kamchiliklarni pedagogik-psixologik vositalar asosida taqqoslash.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, psixologik faoliyat va muloqot xarakteri o‘qituvchining shaxsi, uning qarashlari nuqtayi nazarlari va xulqida namoyon bo‘ladigan g‘oyaviy-siyosiy saviyasi, professional tayyorgarligi va bilishga intilishi bilan uzviy bog‘liq. Bu asosiy xislatlardan tashqari o‘qituvchining umumiy va boshqa qobiliyati, uning moyilligi xarakteri, muvaqqat psixik holatlari, shuningdek, to‘plangan tajribasi muhim ahamiyatga ega. O‘qituvchi shaxsining professional jihatlari va o‘z-o‘zini tarbiyalash yo‘llari o‘zining sifat va xislatlarini, shuningdek, psixologik faoliyat va muloqotlarining barqaror xususiyatlariga, o‘qituvchi bilimining saviyasi va tarbiyalanganligi natijasida erishilgan natijalarini tahlil qilishga doir mashqlarda ham namoyon bo‘ladi.

Жўраева С.Н., *пс. ф.н., доцент*
ТДАУ

ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ЕТУКЛИК ДАРАЖАЛАРИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқдир. Ҳақиқий инсонни, фуқарони тарбиялаш мураккаб жараёндир. Зеро, ҳар бир фуқаро фуқаролик

жамиятининг эзгу ғояларига содиқлик, ахлоқ-одоблилик, ўзи яшаётган жамиятда юз берадиган ўзгаришларга бефарқ бўлмаслик, Ватан тимсолларини қадрлаш ва сақлаш, Ватан равнақи учун бутун куч имкониятини сарфлаши ва ўз-ўзига: «Мен шу халқ учун, унинг равнақи ва фаровонлиги, тинчлиги ва гуллаб-яшнаши учун яшаяпман» деган жавобни мужассамлаштирган бўлиши лозим. Фуқаролик онгига мустақиллик, ватанпарварлик, садоқат, миллий ғурур каби тушунчаларни сингдириш, уларни буюк давлатнинг фарзандлари қилиб тарбиялаш давр талабидир. Жамият ва инсон манфаатига қаратилган бу ислоҳотларнинг самараси бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир.

Психологик етуклик тушунчаси ва унинг компенентлари ҳақида фикр юритар эканмиз, энг аввало, етуклик даврини мураккаб, қарама-қаршиликларга эга, онтогенезининг қонуниятларида намоён бўлувчи, фаолиятга бевосита таъсир этувчи ва шахснинг ҳаётий тажрибасини ҳам ўзида акс этишини таъкидлаш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда Б.Г. Ананьевнинг таъкидлашича, етуклик онтегенези икки фазадан иборатдир. Биринчи фаза умумий функциялар фронтал прогресс асосида шаклланади (ўспиринлик, ёшлик ва ўрта ёшда). Иккинчи фазада функциялар эволюцияси маълум фаолиятга йўналганлик негизида ривожланиб боради. Етукликнинг иккала фазасида ҳам юқори ривожланиш даражасига эришиш юқори мотивация, оптимал юклама, операцион янгиланиш эвазига амалга оширилади.

Етуклик деганда, инсонни маълум ёш даврида унинг ривожланишига қўйилган мезонлар асосида тўлиқ етилиши, катталар қўядиган талабларга жавоб бериши ҳамда ўзи ҳам айнан шу жараённи англаб етиши деб изоҳлашимиз мумкин. Айнан психологик етуклик ҳақида гап кетганида унга таъсир этувчи биринчи омиллардан бири интеллектдир. Ғарб олимлари ўз тадқиқотларида ушбу муаммога ҳар томонлама ёндашишига ҳаракат қилганлар ва ўз тадқиқотлари предметига айлантирганлар.

Экзистенциализмнинг асосчиси бўлмиш немис файласуфи Мартин Хайдегер: «Ўз диққатимизни тушуниш учун фикримизни қарата олсаккина, биз фикрлашга ўрганамиз», – деб ёзади. Унинг фикрича, нарса ва воқеаларнинг моҳиятини тушуниш, англаб етиш инсон фикрлаш жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Тушунишни талаб қиладиган нарса инсонни фикрлашга ундайди. Тушунишни талаб қиладиган нарса ҳеч қачон биз томонимизда яратилмайди.

Ғарб ёзувчиси И. Лафантер ҳам ўз вақтида ёшларга ақл тарбияси хусусида бундай ёзган эди: «Ақлли, доно бўлишни хоҳлайсанми? Оқилона сўраш, диққат билан тинглаш, баъманилик билан жавоб бериш, гапиришга сўзинг қолмаганда, ўз вақтида тўхташга ўрган». Бу сўзларнинг тагида, замирида жуда катта маъно ва ҳаёт фалсафаси ётибди. Тафаккурнинг функцияси мия фаолияти жараёнида кечадиган субъектив психологик жараёнлар билангина чегараланмайди.

Биринчидан, интеллект онгнинг субъектив ҳолатинигина ифодаламасдан, балки объектга ҳам тегишли бўлади ва нарсалар муносабатини ифодалайди.

Иккинчидан, янги фикрнинг вужудга келиши билан билиш жараёни тугамайди, балки фақатгина бошланади. Бу билишнинг бошланғич босқичи бўлиб, ғоянинг субъектив ҳолатидир, энди фикрни амалга ошириш босқичи бошланади.

Учинчидан, алоҳида индивиднинг фикри ижтимоий етилган фикрларнинг хусусий кўринишидир. Ҳар бир алоҳида шахс ижтимоий тушунчалар ва тасаввурлар ёрдамида фикрлайди. К.Р. Мегрелидзе инсон фикрининг ижтимоийлиги ҳақидаги фикрни қайта-қайта таъкидлайди: «Фикрлар ва ғоя эркин индивидуал ижоднинг маҳсули эмас, балки индивиднинг ўзи каби жамият ва ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Шунинг учун инсон тафаккури, тафаккур босқичлари, инсон тафаккурининг шакллари ва усуллари ҳақидаги жумбоқнинг ечимини мантиқий изланишлардан, анъанавий психологиядан эмас, балки, аввало, бу ғояларнинг ижтимоий келиб чиқишдан излаш керак. У ёки бу индивид жамиятда етилган ижтимоий ғояларнинг «тасодифий» ифодаловчиси бўлиб қолади».

Замонавий ўзбек психологияси фанида ҳам тафаккур, шахс интеллекти муаммоси қатор тадқиқотлар объектига айланган. Ушбу муаммо билан боғлиқ тадқиқотлар, илмий рисола ва мақолалар таҳлили шуни кўрсатадики, тафаккур муаммоси мунозаралар объекти сифатида олимлар диққат эътиборидадир.

Пайдо бўлган янги фикр одамни бошқалар билан мулоқотда бўлиш, улар билан ўртоқлашишга ундайди. Айни шу жиҳати фикрлашнинг ижтимоийлигидан дарак беради. Тафаккурнинг бу муҳим сифатини психолигимиз Э.Ғ. Ғозиев қуйидагича белгилайди: «Тафаккурнинг мустақиллиги деганда, кишининг шахсий ташаббуси билан ўз олдига конкрет мақсад, яъни вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва илмий характердаги фараз(гипотеза)лар қилиш, натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган вазифани ҳеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасиз, ўзининг ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул ва воситалар топиб, мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий тушуниш керак».

Етуклик даврида интеллект ва тафаккурнинг ривожланишига тўхталадиган бўлсак, Фульдс ва Равен фикрича, 20 ёшлиларда мантиқий тафаккур қобилияти 100 %, 30 ёшда 96 %, 40 ёшда 87 %, 50 да 80 % ва 60 ёшда 75 %ни ташкил этаркан. Етуклик даврида интеллектнинг ривожланиши икки фактор: ички ва ташқи факторга боғлиқ. Иқтидор ички фактордир. Иқтидорли кишиларда бу жараён, яъни ривожланиш узоқ давом этади ва инновацияларнинг кириб келиши кечроқ бўлади. Етуклик даврида интеллект ривожланишининг ташқи факторларига таълимни киритиш мумкин. Зеро, айнан таълим етуклик даврида қариш ва психик функцияларнинг инволюциясини тўхтатиб туради.

Е.И. Степанова етуклик даврининг интеллектуал тараққиётининг уч даврини ажратади. Биринчи давр – 18-25 ёшгача, иккинчи давр – 26-35 гача ва учинчи давр – 36-40 ёшгача. Ушбу микродаврлар хотира, тафаккур, диққат ва умумий интеллекнинг турли темпда ривожланишини фарқлайди. Етуклик даврида интеллекнинг ниҳоятда ўзгарувчанлиги биринчи даврда кузатилади.

Кейинги даврларда бу ривожланиш анча барқарорланади. Иккинчи ва учинчи босқичда нутқий интеллектнинг ривожланиши яққол намоён бўлади. Ушбу даврларга қисқача тавсиф Е.П. Ильин томонидан берилган бўлиб, у қуйидагича изоҳланган.

Эрта етуклик етилишга қадам қўйиш босқичи бўлиб, у организмнинг биологик етилиши, оптимистик руҳнинг мавжудлиги, шахсий ва касбий келажакни режалаштириш, фуқаролик етукликка эришиш, ижтимоий ролларнинг ўзгариши билан ифодаланди.

Ўрта етуклик "очилиш" даври бўлиб, ижодий ва касбий муваффақиятга эришишнинг юқори босқичи, қайсидир миқдорда ҳаётий фаолликнинг камайиши, ўз билим, малака ва кўникмаларини қуйи авлодга қолдириш эҳтиёжининг мавжудлиги, лекин, шу билан бирга, эриша олмаган ютуқлари ва муваффақиятсизликларидан ўкиниш ҳам давридир.

Кеч етуклик касбий ва профессионал фаолиятнинг якунланиши, янги ижтимоий ролларнинг юзага келиши, қарилик даврига ўтиш давридир.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, интеллектнинг оптимизациясига илмнинг таъсири катта экан. Олий маълумотли кишиларда етуклик даврининг барча босқичларида интеллектнинг юқори даражаси сақланиб қолади. Ҳатто, айнан етуклик даврида таълим ва илмни ривожлантиришга интилиш ортиши кузатилади.

Етуклик даврида оптимум (юқори натижага эришиш) ижодий фаолиятда ҳам ёркин намоён бўлади. Етуклик даврида, масалан, илмий фаолиятда оптимум 35-45 ёшда намоён бўлса, 20-25 ёшда хореографик, 30-35 ёшда мусиқа ва шеърият, 40-55 ёшда сиёсат ва бошқарув фаолиятида юқори натижалар кузатилади. Албатта, етуклик даврида фақат оптимум эмас, балки инқирозий орқага кетиш ёки тўхтаб туриш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, етуклик давридаги имкониятларни тўғри аниқлаш ва баҳолаш шахс имкониятларини тўғри тақсимлаш имкониятини беради. Бу инсон интеллектининг продуктив даврини билиш ва уни ишга солишга ёрдам беради. Албатта, интеллектнинг оптимуми ва инқирози ҳаммада ҳам бир хил вақтда намоён бўлмаслиги мумкин. Бу шахс индивидуал хусусиятлари, ташқи ва ички омиллар, мотивацияга, яшаш муҳитига бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Бежизга ҳам етуклик даврида ижод аҳли вакиллари бир хилда самарали меҳнат қилмайди. Бу бевосита замон ва макон ҳамда шахсга боғлиқдир. Қуйидаги жадвалда умумий ҳолатда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бир неча фан йўналишларида шахс оптимуми ва инқирози даврларини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Илмий фаолият билан шуғулланувчиларнинг онтогенестик динамикаси

Старт	1-оптимум	1-инқироз	2-оптимум	2-инқироз	3-оптимум	3-инқироз
Математиклар	23-39	39-45	45-54	54-58	58-67	67 ёшдан кейин
Физиклар	27-41	41-45	45-55	55-60	60-70	70 ёшдан кейин
Биологлар	31-40	40-47	47-55	55-60	60-75	75 ёшдан

						кейин
Психологлар	30-40	40-45	45-59	59-65	65-70	70 ёшдан кейин
Физиологлар	28-42	42-46	46-55	55-60	60-70	70 ёшдан кейин

Эрта етуклик даврида шахс шахсий ҳаётий образини, касбий ролини, ижтимоий активлигини тасаввур қилади ва яратишга замин қўяди. Ўрта етуклик даври ижтимоий ва касбий роллар консолидациясига юзага келади. Етукликнинг қуйи даврида фаолият йўналишига кўра касбий ва ижтимоий роллар доминанта ҳисобига ўзгариши, қайта кўриб чиқилиши, оилавий муносабатлар тузилмасига ўзгартиришлар киритилиши билан характерланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, психологик етуклик тушунчаси нафақат интеллектуал тараққиёт, касбий ролларнинг шаклланиши, балки оилавий етуклик фактори ҳам мавжуддир. Профессор Ғ.Б. Шоумаров таъкидлаганидек, етуклик дейилганда, оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин. Буларнинг орасидан ҳуқуқий, тиббий, жинсий етуклик аниқ маълумотлар, аломатларга эга бўлса, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик етуклик жиҳатлари бироз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади. Бунда оила етукликнинг барча кўринишлари шаклланишида бош омиллардан бири эканлигини таъкидлаш лозим.

Инсон юқорида қайд этилган мезонларни ўзида мужассамлаштиргандагина етукликка етгани ҳақида гапириш мумкин. Бу ўринда етуклик касбий, ижтимоий-оилавий, ҳаётий-сиёсий, мулоқот, шахслараро муносабатлар, фарзанд тарбияси билан боғлиқ фаолиятларда ифодаланиши мумкин. Албатта, етуклик шахс ривожланаётган муҳит ва унга таъсир этаётган факторларга бевосита боғлиқ.

Мусаханова Г.М.,
ТДИУ, Инновацион таълим
кафедраси катта ўқитувчиси

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда муваффақият билан амалга оширилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури сифат босқичида кўпроқ эътибор бевосита таълим-тарбия жараёнларининг субъектларига – педагоглар ва талаба-ўқувчиларга, уларнинг муносабатларига ҳамда ушбу жараённинг самарадорлигини таъминловчи педагогик ва психологик технологияларга қаратилаётганлигида кўринмоқда. Чунки бизнинг даврimizда том маънодаги маърифат эгаси ва ўз соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиш учун фақат ўз юрти, ўз мамлакатида олган билим ва маълумотлар билан чекланиб қолиш етарли эмас.

Ҳеч шубҳасиз, жаҳон илм-фани ва маданияти хазинасининг ноёб бойликлари таълим тизимига қанчалик чуқур татбиқ этилса, инсон шунчалик теран билимга эга бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда мамлакатимиз таълим жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, жумладан, интернет тармоғидан кенг фойдаланиш ва уларни ривожлантириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Табиийки, бундай технологиялар ёшларимизнинг жаҳон ахборот тизимига очиқ ва кенг миқёсда кириб бориши, уларнинг ақл-заковати ва профессионал жиҳатдан ўсиши учун беқиёс имкониятлар яратади. Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ёш мутахассислар, айниқса, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битириб чиқаётган йигит-қизлардан жаҳон андозалари, юксак илм-фан ютуқлари асосида яратилган замонавий техника ва технологияларни, иш услубларини, ўз фаолиятида ахборот тизими воситаларидан самарали фойдалана билишни тақозо қилади.

Жамиятнинг тараққиёт даражаси, давримизнинг ахборот асрига айланиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шуни кўрсатадики, ёшларни етук, вазиятни тезда баҳолайдиган, ҳар қандай шароитда ҳам тўғри ва оқилона қарор қабул қила оладиган малакали мутахассис қилиб тайёрлаш учун фақат анъанавий услубларга таяниб дарс ўтиш етарли эмас. Бу эса таълим тизимида жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланишни талаб этади. Шу талабдан келиб чиқиб, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида педагогик ва ахборот технологиялари асосида фан асослари ўқитиладиган бўлди.

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида талаба ёшларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда уларнинг машғулотларда ахборот технологиялари, электрон дарсликлар ва мультимедиалардан фойдалана билиши муҳимдир. Бу эса талабаларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялашни, ўқув фаолиятини таҳлил қилишни, истиқболда касбий маҳорат ва компьютер саводхонлигини орттириш уларнинг ички эҳтиёжига айлантирилишини талаб этади.

Муаммоли таълим ўқувчи-талабага бериладиган билимнинг қайси қисмини, қандай йўл билан бериш муаммосини самарали ҳал қилишга қаратилган ўкитувчи фаолиятидир. Муаммоли таълим дарсда бир вақтнинг ўзида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати бўлиб, у ўқувчи шахсидаги муҳим белги – ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Муаммоли таълим ўқувчиларнинг эркин фикрлашлари, ўзининг фикрини эркин баён қила олишлари ва фикрларини янада ривожлантиришларига таъсир этишдир. Бунда талаба диққат билан тинглаши, мустақил ва ёлғиз фикрлаши, жамоа бўлиб фикрлаши, таҳлил қилиши, кўпчилик бўлиб муҳокама қилиши ва тўпланган фикрни баён қила олиши керак.

Муаммоли таълим ўқитувчидан аниқ ҳаракат қилишни, дарснинг ҳар бир дақиқасини ҳисобга олишни, ушбу вақтда керакли самара ҳосил бўлиши учун ўзининг барча имкониятлари ва маҳоратини ишга солишни талаб этади. Бу масалани ҳал этишнинг муҳим шарти ўқитувчининг бўлажак ўқув машғулотига тайёргарлигидир. Тайёргарлик жараёнида муаммоли таълимнинг барча кўринишларини ҳисобга олиш ва унинг услубини ишлаб чиқиш зарур.

Муаммоли таълимга тайёргарлик кўришда ўқитувчилар қатор қийинчиликларга дуч келадилар. Бу қийинчиликларни енгишда ўқитувчининг инновацион ижодий лабораториясининг аҳамияти катта.

Ҳозир мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий рақобат – фан, техника ва технология соҳасидаги рақобатга айланди. Демак, рақобат интеллектуал моҳият касб этиб, таълим соҳасидаги рақобатга айланмоқда. Шунинг учун ҳам бутун дунёда малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга, бунинг учун эса ўқув жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этишга алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда.

Глобаллашув шароитида иқтисодий таълим жараёнида ўқувчиларни касбий тайёрлашда таълим технологияларидан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Бу иқтисодий билимларни пухта эгаллаш гарови бўлиб қолди. Чунки таълимда илғор педагогик технологиялар қуйидаги кафолатларни белгилайди:

- педагогик технологиялар ўз лойиҳасига эга бўлганлигидан уни амалда такрорлаш қулай;
- педагогик технологиялар натижаларнинг турғун бузилишини таъминлайди;
- педагогик технологиялар аниқ мақсад сари йўналтирилган бўлиб, олдиндан натижани тахмин қилиш имконига эга;
- эришилган натижалар даражасининг аниқ бўлиши билан белгиланади.

Шундай қилиб, муаммоли таълим технологияларини ўқув жараёнига киритиш шунга олиб келадики, бунда ўқитувчи томонидан ўзи ўқитаётган фаннинг ҳар бир машғулот мавзуси бўйича тузилган технологик карта унга фани, предметини яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндашиш, тушуниш, яъни бир семестр ёки ўқув йили бўйича яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик картанинг ўқувчининг имконияти, эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга олиб келади. Бу эса ўқитишнинг самарадорлиги ошишига имкон яратади.

Jumanazarova Zuhra Qoosimjaonovna, *assistent,*
Namangan muhandislik texnologiya instituti

BO‘LAJAK KASBIY TA’LIM O‘QITUVCHISINI MA’NAVIY-KASBIY TARBIYALASH

O‘zbekiston uzluksiz ta’lim tizimining keyingi yillardagi taraqqiyoti uning jahon hamjamiyatdagi o‘rnini, mohiyatini belgilab beradi. Ravshanki, bugungi kunda jamiyatning ijtimoiy va iqtisodiy jihatdan o‘sishi ta’lim va madaniyat sohalarining yuksalishi bilan uzviy bog‘liq. Keyingi 20 yil ichida ta’lim tizimida o‘ziga xos tarixiy xususiyatlar shakllandi. Ular nafaqat iqtisodiy va ma’naviy sohalar uchun kadrlar tayyorlash omili, balki milliy madaniyat, milliy pedagogikasi mavjud bo‘lishi

shakli, xalqimizning unutilgan madaniy, kasbiy tajribalarini tiklash usulini namoyon etadi.

Ta’lim holatini belgilovchi asosiy shaxs o‘qituvchi hisoblanadi. Jamiyatimizning ijtimoiy-iqtisodiy va ma’naviy jihatdan rivojlanish natijalari mustaqil hayotga, erkin fikrlashga qadam qo‘yayotgan yosh avlodning ma’naviy axloqiy qiyofasi, madaniyati va kasbiy tayyorgarligi darajasi, qiziqishlari doirasi va fuqarolik mavqeyiga bevosita bog‘liq.

Ma’naviy-kasbiy tarbiyalanganlik bo‘lajak o‘qituvchini kasbiy jihatdan tarbiyalashning maqsad va natijasidir. Uning asosida shaxsning atrof-borliqqa, pedagogning kundalik kasbiy turmush tarzi rejalariga ma’naviy-axloqiy munosabati bo‘lajak mutaxassisning ma’naviy boyligi ko‘lamini, uning ijtimoiy faolligi darajasini, go‘zallik va ezgulik yaratishga, ijtimoiy foyda keltirishga bo‘lgan intilishlarini ifodalaydi.

Uning dunyoni tushunish va his qilish, “go‘zallik qoidalari”ga ko‘ra o‘zgartira olish qobiliyatini aks ettiradi. Ana shu nuqtayi nazardan qaraganda bo‘lajak pedagogning dunyoni o‘zgartirish va takomillashtirishga, eng birinchi navbatda, kelajak insonni tarbiyalab voyaga yetkazishga intilish juda muhim ma’naviy sifat hisoblanadi.

O‘qituvchining bunday tarzda ijtimoiy faolikka, yaratuvchanlikka, jamiyatga foyda keltirishga intilishi kasbiy tarbiyalanganlik mohiyatini tushunib yetishga asosiy omil hisoblanadi. Tarbiyalanganlik umumiy va kasbiy bilimlar darajasi, faollik, mustaqil ta’lim olish istagi va o‘quv bilan birgalikda insonning ijtimoiylashuvini belgilab beradi. Ijtimoiylik – pedagogik jarayonning oxirgi va faol mahsullaridan biri.

Ijtimoiylik pedagogik jarayonning tarkibiy qismi, katalizatori, rag‘batlantiruvchisi, dinamikasi omiliga aylanadi. Demak, bo‘lajak o‘qituvchining ijtimoiy faolligi bilan birga qo‘shilgan ziyolilik sifati uning ichki mohiyati yoki ichki kasbiy tarbiyalanganligining tashqi namoyon bo‘lish shaklidir. Albatta, pedagog uchun ziyolilik muhim va zarur, qimmatli, ammo ziyolilik xususiyati nafaqat insonning bilimi, balki boshqalarni tushunish qobiliyati orqali ham ifodalaydi. Boshqa odamlarni (o‘quvchilarni) tushuna bilish, ularning dardi, ruhiy holatini his qilishi, o‘zgalarga ta’masiz yordam qo‘lini cho‘zish, uning taqdir-qismatida ishtirok etish, bilmaganini so‘rab o‘rganish, o‘zini kamtar tutish, bir so‘z bilan aytganda, ziyolilik shaxsning ma’naviy-axloqiy sifatidir.

Ziyolilik – tushunish, qabul qilish qobiliyati, tevarak-atrof va odamlarga sabr-toqat bilan munosabatda bo‘lish. Shunisi muhimki, o‘qituvchining kasbiy tarbiyalanganligini izohlashda axloqiy va ma’naviyat tushunchalarini o‘zaro chambarchas bog‘liqlikda qarash kerak. Bu o‘zaro bog‘liqlik shu bilan belgilanadiki, axloqiylik o‘qituvchi faoliyati va mavqeyining ijtimoiy asosini, ma’naviyat uning insoniyligini aks ettiradi, axloqiylik shaxs tarbiyalanganligi mazmun-mohiyati, uning shaxsiy sifatlarining faoliyatida mujassamlanishi usullari va xulq-atvorini, o‘qituvchi mehnatining ijtimoiy ahamiyatini, ma’naviyat esa shaxs erkinligini, tevarak-atrof olamini yaratish va o‘zgartirish va uning kelajagini yaratuvchi insonni tarbiyalab voyaga yetkazishdagi faolligini ifodalaydi.

Ma’lumki, kasbiy faoliyatga kirishish, kasbiy ideallarga amal qilish jarayonining o‘zi, odatda, hamma vaqt bir tekis yoki uyg‘un kechmaydi, ya’ni muammosiz bolmaydi.

Bundan kelib chiqadigan bo‘lsak, bo‘lajak o‘qituvchilarni kasbiy ajratish g‘oyasi tarbiyalanganligiga ko‘ra, tiplarga ajratadi. Bo‘lajak o‘qituvchilarning kasbiy tarbiyalanganlik darajasini bunday tushunish ma’naviy-kasbiy tarbiyalanganlik tiplarini aniqlashga imkon beradi. Kasbiy tarbiyalanganlik turlari: “Har tomonlama uyg‘un rivojlangan”, “Rivojlanishda bir oz orqada qolgan”, “Rivojlangan”, “Nouyg‘un”, “Kasbiy yo‘nalish ola bilmagan”, “Faoliyati muvofiqlashmagan yoki muammoli” kabilarga ajratib tadqiq etish ma’qul boladi.

Bunda quydagi komponentlarga alohida ahamiyat beriladi.

1. Kognitiv sohada – ma’naviy-estetik qiziqishlarning kengligi va barqarorligi, shaxsning ma’naviy-axloqiy qadriyatlarga yo‘nalishi.

2. Emotsional sohada – chuqur emotsional reaksiyaga layoqati, ularni ma’naviy-axloqiy jihatdan qabul qilish va his etish.

3. Amaliy faoliyat sohasida – ijodiy va kasbiy faoliyatda faol, ongli holda ishtirok etish, muloqot, munosabat, turmush sohalarini, xususiy sohalarini go‘zallashtirish.

Keltirilgan ko‘rsatkichlar bo‘lajak o‘qituvchining ma’naviy-axloqiy tarbiyalanganlik darajasini aniqlashga hamda borliqqa munosabatlar – ehtiyoj, qiziqish (motiv), qadriyatlarini, intilish-holatlari, didi, bilimi, ideallari, his etishi, baholashi, fikr yuritishi, faoliyat shaxsiy sifatlarining rivojlanishi haqida xulosaga kelishiga imkon beradi.

Имомов Мусурмон Пирназарович, *мустақил изланувчи,*
Педагогик инновациялар, касб-ҳунар
таълими бошқарув ҳамда педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш институти

МАШИНАСОЗЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА РАҚОБАТБАРДОШ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Республикамиз таълим тизими, жумладан. ўрта махсус касб-ҳунар таълими мазмуни ҳам “Таълим тўғрисидаги қонун” ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида босқичма-босқич янгиланиб бормоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси сифатида барча ўқув предметларини ўқитиш мазмуни Давлат таълим стандартлари асосида такомиллаштириб борилмоқда. Ушбу ислоҳотлар самарадорлигини оширишда ўқув муассасаларида таълим мазмунини янада такомиллаштириш, таълим жараёнининг дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминланишини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган вақт мобайнида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун янги Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиши мутахассислик фанлар бўйича ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга асос бўлди.

Қисқа вақт ичида машинасозлик касб-ҳунар коллежлари учун мутахассислик фанларидан қатор дарсликлар, ўқув адабиётлари, электрон дарсликлар яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Машинасозлик касб-ҳунар коллежларида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш биринчи галда мутахассислик фанлари мазмуни ва уларнинг қай даражада ўқитилишига боғлиқ. Касб-ҳунар коллежлари ўқув жараёнини таҳлил қилиш касб-ҳунар коллежларида мутахассислик фанлари мазмунини белгилашда интегратив ёндашиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Машинасозлик касб-ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда, ушбу фанлар узвийлигини таъминлаш, интеграцияни амалга ошириш қуйидаги мақсадларни назарда тутади:

- машинасозликка оид билимлар яхлитлигини таъминлашни;
- билимларни тизимлаштиришни ташкил этишни;
- умумий тушунча, кўникма ва малакаларни шакллантиришга бир хил ёндашувни таъминлашни;
- ўқитишнинг касбий йўналтирилганлигини кучайтиришни;
- ўқувчиларда ҳодисалар, қонунлар, тушунчалар, назариялар орасида ҳар томонлама узвий боғланиш мавжудлиги бўйича билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришни.

Фанлараро бундай боғланиш асосида дарсларни ташкил этиш учун, биринчи навбатда, интегратив характердаги ўқув материалларининг мазмунини аниқлаш зарур бўлади.

Мутахассислик фанларини ўрганишда амалийликнинг юқори бўлиши, ишлаб чиқаришга яқинлиги уларнинг умумтаълим фанларидан яққол фарқли эканлигини кўрсатади. Мутахассислик фанларида ўқувчининг танлаган касби, фаолият усуллари тўла очиб берилади. Масалан, «Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш» йўналиши бўйича мутахассислик фанлар жиҳозларнинг тузилиши, тури ва ундан фойдаланиш қоидалари, таъмирлаш усуллари ва техник хизмат кўрсатиш, ўрганилаётган касб бўйича технологик жараёнларни бажариш технологиясини очиб беради.

Мутахассислик фанлари бўйича билимларни амалий қўллаш соҳасини кенгайтириш, улардан мажмуавий фойдаланиш зарурлигидан келиб чиқади. Машинасозлик касб-ҳунар коллежларида кичик мутахассисларни тайёрлашда мутахассислик фанларини интеграциялаб ўрганиш: таълим мазмунини оптималлаштириш, бўлажак кичик мутахассисларнинг фаолиятларида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳар томонлама чуқур ва пухта ўрганишга; машғулотларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларнинг изчиллиги ва уйғунлигини таъминлашга; ўзлаштирилган билим ва касбий иш-ҳаракат усулларини олдиндан маълум бўлмаган ҳолатлар ва вазиятларга “кўчириш”, яъни ўқувчиларда мантиқий тафаккур, мустақиллик ва ижодий

қобилиятларни шакллантириш, умуман олганда, кичик мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга катта имконият яратади.

«Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш» йўналишидаги мутахассисликларда айрим ҳолларда мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида билимлар интеграциясини ифода этиш фанлараро алоқадорликда намоён бўлади.

«Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш» йўналишдаги касб-ҳунар коллежларида мутахассислик фанларни интеграциялаб ўқитиш самарадорлигини оширишга қуйидаги шартлар асос бўлади:

1. Мутахассислик фанларни ўрганишда политехник билимлар бериш кетма-кетлигини интеграциялаш асосида бир тизимга келтириш.

2. Интеграциялашни амалга оширишнинг услубий мақсадини мувофиқлаштириш.

3. Интеграциялашни махсус топшириқ, машқ, ижодий, ишчанлик, ўйинлар, ишлаб чиқариш вазиятини амалий ишлар орқали амалга ошириш.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида интеграция жараёнлари кичик мутахассиснинг касбий тайёргарлигида ўта муҳим ва объектив зарурат бўлиб, ўқувчиларни ижодий камолот сари йўналтирувчи механизмдир. Бинобарин, таълимдаги бундай механизм самарали ишлаши таълим-тарбияда фойдаланилмай ётган потенциал имкониятларни ишга солиб, ўқувчи ёшларнинг касбий тайёргарлигида янги сифатни таъминлайди. Шу орқали машинасозлик касб-ҳунар коллежларида рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириб бориш мумкин.

Ibragimova Gulzoda Nabiyevna, *assistent,*
Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti

TA’LIM-TARBIYA JARAYONIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH

XXI asr – axborot texnologiyalarni asri, shuning uchun butun dunyo, xususan, bizning mamlakatimizda ham ta’lim sohasida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan keng foydalanilmoqda. Uzluksiz ta’lim O‘zbekiston Respublikasining taraqqiyotini ta’minlovchi shaxs, jamiyat va davlatning iqtisodiy, ijtimoiy, ilmiy-texnikaviy va madaniy ehtiyojlarni qondiruvchi ustuvor soha bo‘lib, ijodkor, ijtimoiy faol, ma’naviy boy shaxsni shakllantirish va yuqori malakali raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash uchun sharoitlarni yaratadi. Ta’lim tizimini texnologiyalashtirish g‘oyasi o‘tgan asrning boshlarida G‘arbiy Yevropa va AQShda ta’lim tizimini isloh qilish, ta’lim samaradorligini oshirish, shaxsning ijtimoiylashuvini ta’minlash uchun muayyan shart-sharoitni yaratish borasidagi ijtimoiy harakat yuzaga kelgan davrda ilk bora o‘rtaga tashlandi.

Mazkur g‘oya 30-yillarda ta’lim jarayonida “pedagogik texnika” (ta’lim texnikasi) tushunchasining olib kirilishi bilan asoslanadi. Pedagogik texnologiya ta’lim shakllarini takomillashtirish vazifasini ko‘zlangan o‘qitish va boshqalarni

o‘zlashtirishning barcha jarayonlarini texnika va inson omillarida, ularning birgalikdagi harakatlari vositasida yaratish, tatbiq etish va aniqlashning izchil metodidir. Ta’lim texnologiyasining markaziy muammosi ta’lim oluvchi shaxsni rivojlantirish orqali ta’lim maqsadiga erishishni ta’minlashdan iborat [2].

O‘zbekiston Respublikasida amalga oshiriliyotgan ta’lim sohasidagi islohotlar jamiyat hayotini yangilashda muhim o‘rin tutadi. Jamiyat ijtimoiy-iqtisodiy, ma’naviy-madaniy taraqqiyoti ta’lim muassasalarida tahsil olayotgan yoshlarning bilim darajasini hamda ular tomonidan egallangan kasbiy ko‘nikmalarga bog‘liqdir.

Oliy ta’limda o‘qitishning mazmuni shunga qaratilganki, bunda talabalarga zamonaviy ishlab chiqarish asoslarni tushuntirishni, oliy o‘quv yurtida mavjud bo‘lgan ilmiy-amaliy texnika uskunalarini egallash ko‘nikmasi va malakasini hosil qilishda ishlab chiqarishdagi mehnat faoliyatida zamonaviy sohaga xos mashina-texnikaga o‘rgatish hamda fanga muhabbat uyg‘otish kabi tarbiyaviy ishlarni olib borishni maqsad qilib qo‘ygan. Har bir fan shunday maqsadga olib boriladiki, bunga talaba bilimlarni o‘zlashtirishi va shuningdek, mazkur fan (predmet) talabada amaliy ko‘nikma va malaka mutaxasislik soha shakllarni nazarda tutishi lozim.

“Eng avvalo, bizning ta’lim tizimiga bo‘lgan munosabatni ham tubdan o‘zgartirishimiz kerak. Ta’lim islohoti bizni demokratik o‘zgarishlar, yangi jamiyat barpo etish yo‘lidan dadil yetaklovchi, barchamizni harakatlantiruvchi ichki kuch bo‘lmog‘i zarur. Har birimizga ayon bo‘lsinkim, ta’lim-tarbiya tizimini o‘zgartirmasdan turib, odamlar ongini, ularning turmush tarzini tubdan o‘zgartirish mumkin emas” [1].

Har tomonlama yetuk mutaxassis kadrlarni kamol toptirishda ta’lim-tarbiyaning davr talabiga, jamiyatning rivojlanish prinsiplariga, bozor iqtisodyoti tamoillariga mos kelishida zamonaviy texnologiyalarning o‘rni muhim. Zamonaviy texnologiyalarni ta’lim jarayoniga tatbiq etish xususida so‘z yuritishdan avval quyidagi tushunchalarni bilib olish muhim. “Techne” mahorat, san’at hamda “logos” tushuncha, ta’limot so‘zlarning birikmasidan iborat. “Talim texnologiyasi” tushunchasi esa lug‘aviy jihatdan (inglizcha “an education technology”) ta’lim (o‘qitish) jarayonini yuksak mahorat, san’at darajasida tashkil etish borasida ma’lumotlar beruvchi ta’limot ma’nosini anglatadi. Pedagogik texnologiya ta’lim-tarbiya jarayoni, ya’ni o‘qituvchi bilan talaba o‘rtasidagi pedagogik muloqot ko‘rinishida amalga oshadigan jarayon hisoblanadi. Pedagogik texnologiyalarga xos bo‘lgan asosiy xususiyatlar mavjud bo‘lib, ular quydagilar:

- shaxsning kasbga yo‘nalganligini aniqlash;
- ta’lim jarayonida shaxsning o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olish;
- o‘qituvchi va talaba o‘rtasida o‘zaro hamkorlikdagi faoliyatini tashkil etish;
- shaxsning o‘z-o‘zini tarbiyalashi va o‘z-o‘zini rivojlantirishi.

Pedagogik texnologiyaning asosiy jarayoni o‘qituvchi uchun so‘zlash, ko‘rsatish, topshiriqlar berish, nazorat qilish (tushuntirish, rahbarlik qilish) orqali mustaqil bilim olish va fikrlashga o‘rgatishdan, talaba uchun esa diqqatni jamlash hamda tinglash, kuzatish, topshiriqlar bajarish orqali mustaqil bilim olish va fikrlashga o‘rgatishdan iborat. Pedagogik texnologiyalar va interfaol uslublarni o‘quv jarayoniga joriy qilishda mashg‘ulotni inobatga olish muhimdir. Pedagogik

texnologiyalardan foydalanish o‘quv jarayonini loyihalashdan boshlanadi. Bugungi kunda bu jarayonni quyidagi bosqichda amalga oshirish maqsadga muvofiqdir: a) o‘quv predmetining mavzusiga oid materiallar yig‘ish; b) ta’limning maqsad va vazifasini belgilash; c) ta’lim mazmunini ishlab chiqish; d) ta’lim shakli, metodi va vositalarini tanlash; e) vaqt o‘rnini belgilash; f) mashqlar o‘rnini ishlab chiqish; g) loyihani o‘quv jarayoniga tatbiq qilish.

Pedagogik texnologiyaning an’anaviy ta’lim-tarbiya metodikasidan farqi va ustunligi ham talaba faolligi prinsipiga asoslanishidir. Ta’lim jarayonida qo‘llaniladigan interfaol metodlarning bir qancha turlari mavjud bo‘lib, ularning mavzu maqsadi va mazmuniga mos qilib tanlash o‘qituvchidan ilg‘or pedagogik tajriba va yuksak mahorat talab etiladi. Ta’lim jarayonida yangi pedagogik texnologiyalarni tatbiq qilish kadrlar tayyorlashda yo‘naltirilgan umumiy jarayon mazmunining sifat jihatidan o‘zgarishini ta’minlaydi.

Bugungi kunda oliy ta’lim tizimida pedagogik texnologiyalarni qo‘llash imkoniyatlari keng bo‘lib, ularni qo‘llash natijasida ta’lim sifati, ta’lim oluvchilarning bilim olishga bo‘lgan qiziqishi, ijtimoiy faolligi ortadi. Ta’lim texnologiyalari jamiyatning madaniy saviyasini yaxshilashi va uning iqtisodiy qudratini shakllantirishi shartdir.

Xulosa qilib aytish mumkinki, ta’lim tizimi samaradorligini oshirishda mavjud barcha pedagogik texnologiyalardan keng va samarali foydalanish, har tomonlama yetuk mutaxassis kadrlarni kamol toptirish, ta’lim-tarbiyaning davr talabi, jamiyatning rivojlanishi prinsiplari, bozor iqtisodiyoti tamoillariga mos kelishida zamonaviy texnologiyalarning o‘rni muhim.

Абдуллаева Ранажон Матёқубовна, *доцент,*
ТДИУ

ТАЪЛИМДА ТАЛАБАНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юксак умумий маданият ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаоликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тўғри йўл топа билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, шунингдек, ҳар томонлама камол топган, ҳаётга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутган педагогик ғояни илгари суради.

Маълумки, кадрлар билими ва малакаси янада яхшиланишига нисбатан қўйиладиган талаблар бугунги давр ва истиқболдаги эҳтиёжлардан келиб чиқиши керак[55]. Президент 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”га алоҳида эътибор қаратди. Унга асосан: олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш; илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш каби такомиллашиб борувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Замонавий иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш мамлакатни тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Бундай тизимни қўллаш кадрларнинг истиқболга мўлжалланган вазифаларни ҳисобга олиш ва ҳал этиш қобилиятига, юксак умумий ва касбий маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳамда мустақил йўналиш ола билиш маҳоратига эга бўлган ёш авлодни шакллантиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 16 ноябрдаги “Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги , 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[56]ги қарорлари ҳамда 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурининг қабул қилиниши олий таълим тизимининг истиқболини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Жамиятнинг тараққиёт даражаси, давримизнинг ахборот асрига айланиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шуни кўрсатадики, ёшларни етук, вазиятни тезда баҳолайдиган, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри ва оқилона

[55] 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Президентининг ПФ-4947-сонли фармони. 07.02.2017 й.

[56] “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарор.

қарор қабул қила оладиган малакали мутахассис қилиб тайёрлаш учун уларга хос индивидуал хусусиятларни билиш ва унга мос муносабатни шакллантириш лозим. Ватаннинг равнақи ва унинг келажаги баркамол авлод фаолиятига бевосита боғлиқ бўлганлиги туфайли бўлғуси мутахассисларда мутахассислик қобилиятларини шакллантириш, уларни эртанги кун талабига мос кадр қилиб тайёрлаш долзарб вазифадир. Таълим-тарбия жараёнида шахснинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш таълим-тарбия жараёнининг сифатли бўлишини таъминлайди.

Ҳар бир шахс ўзига хос индивидуалдир. Шахс – қайтарилмас, у ўз сифатлари ва борлиги билан ноёбдир. Ана шу қайтарилмаслик ва ноёбликнинг асосида унинг индивидуал-психологик хусусиятлари мажмуи ётади. “Индивидуаллик” у шахсни бошқа бир шахсдан фарқловчи барча ўзига хос хусусиятлар мажмуини ўз ичига олади. Шахснинг индивидуаллигига унинг қобилиятлари, темпераменти, характери, иродавий сифатлари, эмоциялари, хулқига хос мотивация ва ижтимоий установкалари киради. Индивидуал-психологик хусусиятларнинг аҳамияти катта, улар бизнинг жамиятдаги ўрнимиз, обрў-эътиборимиз, ишдаги ва ўқишдаги ютуқларимиз, инсон сифатидаги қиёфамиз, ким эканлигимиз, ўзлигимизни белгилайди. Ким билан қаерда учрашмайлик, ўша инсоннинг бугунги ҳолати, қайфияти, бизга ва биз билдираётган фикрларга муносабати, ҳамкорликда ишлаш тилак-истакларига доимо эътибор берамиз ва бу масала биз учун муҳим бўлади.

Демак, индивидуал сифатлар бизнинг онгли ҳаётимизнинг ажралмас кисми, идрокимиз, хотирамиз ва фикрларимиз йуналтирилган муҳим предмети экан. Чунки айнан улар бизнинг турли фаолиятларни амалга ошириш ва ишларни бажаришдаги индивидуал услубимизга бевосита алоқадор. Кимдир жуда чаққон, тез иш қилади, лекин сифатсиз. Кимдир жуда яхши қойилмақом иш қилади, лекин жуда секин, кимдир ишга юзаки қараб, номига уни бажарса, бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиқоди билан муносабатда бўлиб, тинимсиз изланади ва жамият учун манфаат қидиради. Шунинг учун ҳам индивидуалликнинг фаолият ва мулоқотдаги самарасини инобатга олиб, энг муҳим индивидуал-психологик хусусиятларни алоҳида ўрганамиз.

Одамларнинг ўқув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани, биринчи навбатда, қобилиятлар ва иқтидор масаласига мурожаат қилади. Чунки қобилиятли одамдан, аввало, жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳам қилган ҳар бир ҳаракатидан ўзи учун наф кўради.

Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар лаёқатлар деб юритилади ва унинг икки хили фарқланади: табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси одамдаги туғма хусусиятлардан – олий нерв тизими фаолиятининг хусусиятлари, мия яримшарларининг қандай ишлаши, қўл-оёқларнинг биологик ва физилогик сифатлари, билиш жараёнларини таъминловчи сезги органлари – кўз, қулоқ, бурун, тери кабиларнинг хусусиятларидан келиб чиқса (булар наслий ота-онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёқат – бола туғилиши билан уни ўраган муҳит, мулоқот услублари,

сўзлашиш маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар (улар ота-она томонидан яратилади)дир. Лаёқатлилик белгиси бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёқат муҳитини тайёрича қабул қилади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир онгли инсон ўзидаги қобилият ва зеҳнни илк ёшликдан билиб, ўша ўзи яхши кўрган, “юраги чопган” иш билан шуғулланса, ва ундан қониқиш олиб, қобилиятини ўстиришга имконият топиб, ютуқларга эришса, биз уни иқтидорли деймиз. Иқтидор инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари, билимлари, имкониятлари, малакаларига нисбатан субъектив муносабатидир. Иқтидорли одам гениал ёки талантли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзлари шуғулланаётган ишни бажонидил, сидқидилдан бажаради. Улар ана шундай ҳаракатлари билан баъзи ўта истеъдодли, лекин камҳаракат кишилардан кўра жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Иқтидорли инсонда истеъдод соҳиби бўлиш имконияти бор, зеро истеъдод ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилиятдир. У тинимсиз меҳнат, ўз қобилиятини такомиллаштириб бориш йўлида барча қийинчиликларни енгиш ва иродаси, бутун имкониятларини сафарбар қилиш натижасида қўлга киритилади.

Амалий психологиянинг бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири лаёқат куртакларини барвақт аниқлаш, интеллект даражасига кўра шахс қобилиятлари йўналишини очиб беришдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўплаб интеллект тестлари ва қобилиятларни диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва улар муваффақиятли тарзда амалиётда қўлланилмоқда. Шахснинг индивидуал хусусиятлари таҳлил қилинганда, уларнинг туғма, биологик хусусиятларига алоҳида эътибор берилади. Чунки аслида бир томондан шахс ижтимоий мавжудот бўлса, иккинчи томондан биологик яхлитлик, туғма сифатларни ўз ичига олган индивид ҳамдир.

Темперамент ва лаёқатлар индивиднинг динамик – ўзгарувчан психик фаолияти жараёнини таъминловчи сифатларини ўз ичига олади. Бу сифатларнинг аҳамияти шундаки, улар шахсда кейин онтогенетик тараққиёт жараёнида шаклланадиган бошқа хусусиятларга асос бўлади. Одам темпераментига алоқадор сифатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар одам бир фаолият туридан иккинчисига, бир эмоционал ҳолатдан бошқасига, бир малакаларни бошқаси билан алмаштирган пайтларда реакцияларнинг эгилувчан ва динамиклигини таъминлайди ва шу нуқтаи назардан қараганда, темперамент шахс фаолияти ва хулқининг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал-ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир.

Темперамент хусусиятлари шахснинг ички тузилмаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг намоён бўлиши унинг конкрет вазиятларга муносабатини, экстремал вазиятларда ўзини қандай тутишини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам темпераментнинг шахс шаклланиши ва ижтимоий муҳитда ўзига хос мавқеини эгаллашидаги аҳамияти жуда катта. Ўзини босиб олган, ҳаёт қийинчиликларини сабр-бардош билан кўтарадиган инсоннинг одамлар

орасидаги обрўси ҳам баланд бўлади. Бу унинг ўз-ўзига нисбатан ҳурматини ҳам оширади, ишга, одамларга ва нарсаларга муносабатини такомиллаштириб боришига имкон беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шахснинг меҳнат қилиш услубини танлаш, ўқишга нисбатан муносабатини ўзгартириш ва профессионал маҳоратини ўстиришда юқоридаги омилларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Таълим-тарбия жараёнида айнан ҳар бир таълим олувчига хос хусусиятлар ҳисобга олингани ҳолда муносабатга киришилса, ижобий натижага эришилиши табиийдир. Мутахассислар тайёрлашдаги асосий мақсад зарур билимларни ўзлаштириш билан бирга талабаларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, уларда мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилишдир.

Арипжанова Махфуза Акмаловна, *ассистент,*
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБ КЎНИКМАЛАРИ, МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРИШ

Касб таълими методи бўлган мустақил ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришдан ўқувчиларнинг машқлар жараёнида ҳосил қилган меҳнат ва касб кўникмалари, малакаларини тўла-тўкис шакллантириш, янада такомиллаштириш, мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилади.

Мустақил ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш вақтида ўқувчилардан мустақиллик намунасини кўрсатишни, ишда зарур аниқликка, меҳнатни ташкил этишда пухталикка, оз жисмоний ва ақлий меҳнат сарфлаган ҳолда ишнинг унумли бўлиши, унга ижодий ёндашишга риоя қилишни талаб этиш лозим.

Меҳнат ва касб таълими бўйича амалий машғулотлар доирасида мустақил ўқув ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш дарснинг бошқа қисмларига нисбатан кўп вақт олади. Бинобарин, машғулотнинг бу қисми талабаланинг меҳнат ва касб таълими ҳамда тарбиясига оид кўпгина масалаларни ҳал қилишда етакчи роль ўйнайди.

Қуйидаги шартлар мавжуд бўлгандагина талабаларнинг мустақил ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда таълим-тарбия муваффақиятларига эришиш мумкин:

1. Талабалар бажарадиган ишнинг мазмунини яхши тушунишлари ва уни бажариш тартибини аниқ тасаввур қилишса.

2. Талабалар топшириқни қандай асбоб-ускуналар билан бажариш кераклигини, уларнинг тузилиши ва ишларига оид хусусиятларини, уларни иш режимига мослаш усулларини, ишдаги нуқсонларининг олдини олиш чораларини билишса.

3. Иш ўрнини тўғри ташкил этиш, бунинг учун иш ва ўлчов асбобларини, заготовкаларни, технология ҳужжатларини тўғри жойлаштириш усулларини билишса.

4. Сифатсиз маҳсулот тури ҳолларини, унга барҳам бериш ҳамда тузатиш усулларини билсалар.

5. Ишни бажаришнинг ҳамма босқичларида унинг сифатини назорат қилишнинг энг оқилона усулларидан фойдалана билсалар.

6. Хавфсизлик техникаси, саноат санитария ва меҳнат гигиенаси қоидаларига риоя қилиш зарурлигини билсалар.

7. Топшириқларни бажариш изчиллигини ва унинг натижаларини таҳлил қила билиш ҳамда хулосалар чиқаришга эришсалар.

Талабаларнинг ўқув- ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш вақтидаги мустақиллиги типик ишларни бажариш вақтида, яъни ташқи кўриниши жиҳатидан ҳам, тайёрлаш технологияси жиҳатидан ҳам кўпгина умумийликка эга бўлган ишларни тайёрлашда кўпроқ намоён бўлиши лозим.

Бундай ҳолда, масалан, металлни тискиларда қирқиш вақтида (ўқувчилар плитада қирқишни ўрганиб олганлар) ўқитувчи инструктаж ўтказишни режа асосида суҳбат ўтказиш билан алмаштириш мумкин.

Ишлаб чиқариш таълими методларини танлаш кетма-кетлиги

1. Ишлаб чиқариш таълими дастурлари мазмуни дидактик таҳлили.

Бунда стандарт талаблари асосида:

- ўқувчиларнинг ўзлаштириши зарур бўлган билимлар тизимини ажратиш;
- ўзлаштириш даражасини аниқлаш (танишиш, ўзлаштириш, ижодкорлик);
- билимлар тизимини туркумлаштириш (илмий факт, ҳодиса, жараён, техник-технологик тушунчалар, илмий назорат, қонун ва қоидалар);
- касбий билимларни шакллантириш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмалар тизимини ажратиш;
- меҳнат функциялари натижасида шакллантирилган малака ва кўникмаларни таҳлил этиш;
- ўқувчилардан маънавий-маърифий хусусиятларни шакллантиришга оид ўқув материалларини танлаш ва баҳолаш.

2. Касбнинг истиқболли ва бу билан боғлиқ бўлган талаблар таҳлилида касб эгасига қўйиладиган талаблар, унинг бошқа касб билан ўрнини алмаштира олиш имконияти, касбий фаолиятининг истиқболи ва шунга ўхшаш келажак билан боғлиқ масалалар.

3. Келажакдаги касбий фаолият шароити таҳлили. Бунда ишлаб чиқариш тури (шахсий, кичик сериядаги ёки йирик сериядаги ишлаб чиқариш), меҳнатнинг ташкил қилинганлик шароити, ишлаб чиқаришнинг механизациялашган ёки автоматлаштирилган даражаси.

4. Дидактик таҳлил натижасини ҳисобга олиш, яъни ишлаб чиқариш дастури мазмунидан келиб чиқадиган дидактик мақсад: ўқувчиларнинг ўқув-ўрганиш, ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида қўйилган мақсадларга

эришиш учун зарур бўлган талабларни бажариш ва ўқувчиларнинг мустақил ишлай олишига эришиш.

5. Асосий дидактик мақсадларга эришишни белгилаш (таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи).

6. Тайёрланаётган бўлажак касб эгаларининг касбий фаолияти шароитида ва бу касбнинг истиқболда ривожланишини ташкил этиб ҳисобга олиш (касбий зарур бўлган ижобий сифат белгилари, билим, малака ва кўникмалар рўйхати).

7. Ишлаб чиқариш таълими даражаларининг аниқ мақсадларини шакллантириш, ифодалаш.

8. Уйга берилган топшириқни текшириш. Ўқувчилар билими ва кўникмалар даражасини текширишнинг бу методи бутун текшириш тизимида асосий методлардан бири ҳисобланади.

Психологларнинг тасдиқлашларича, ўқув материалини китоб бўйича ёки ўқитувчининг сўзларидан эслаб қолиш йўли билан бир марта ишлаб чиқилганда, ҳатто кучсиз ўқувчилар ҳам унинг тахминан 70-75 %ини яхши ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Демак, уйга берилган топшириқларни текшириш, назоратнинг бошқа методлари билан бир қаторда, ўқув материалини ўзлаштириш сифатини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Уйга берилган вазифаларни текшириш вақтида фақат бир методга кўпроқ эътибор бериш ва бошқа самаралироқ методларни инкор этиш яхши натижаларга олиб келмайди.

9. Амалий-лаборатория ишларини текшириш. Амалий-лаборатория ишлари таълим методи сифатида ўқувчиларда мустақиллик даражаси, топшириқларнинг тўғри бажарилганлигини, бажарилган ўлчовлар, тузилган эскизлар, чиқарилган хулосаларнинг тўғрилигини текширади ва қайд қилади.

Шундай қилиб, амалий-лаборатория ишлари жараёнида ўқитувчининг текшириши натижасида аниқланган маълумотлар ва тайёрланган ёзма ҳисоботларнинг натижаларини бутун гуруҳ иштирокида муҳокама қилиш, йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб ўтиш ва умумлаштириш зарур.

Туйчиев Хайрулла Эргашевич, *таянч докторант,*
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти

ТАЪЛИМГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизими орқали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш асоси яратилди. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган ёш авлоднинг келажаги, истиқболи, таълим-тарбиясига масъул бўлган устоз ва мураббийларнинг касбига бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Шундай экан, бугунги кун педагогларининг асосий вазифаси таълим ва тарбия билан боғлиқ бўлган барча янгиликларни ўрганилаётган фаннинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнига татбиқ этиш ва амалга оширишдан иборат.

Ҳозирги кунда таълим тизимида инновацион педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга эътибор янада ортиб бораётган бир вақтда таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштиришни бугунги кунда янги педагогик инновация йўналишисиз тасаввур этиб бўлмайди. Таълим тизимида инновацион жараёнлар ва инновацион янгиликларни жорий этиш ўқитувчининг касбий имконияти билан белгиланади. Жумладан, жаҳон таълим тизими фанини ўқитишда ҳам замонавий ўқитиш усуллари, интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Таълим муассасалари педагог ўқитувчилари учун амалий тавсияларда ўқув-тарбиявий жараёнда педагогик технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётганлигининг асосий сабаби қуйидагилар деб таъкидланган:

Биринчидан, педагогик технологияларда шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш инмкониятининг кенглигида. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Иккинчидан, педагогик технологиялар ўқув-тарбия жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини беради.

Учинчидан, педагогик технология ўқитувчининг таълим-тарбия жараёни мақсадларидан бошлаб ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Тўртинчидан, педагогик технологиялар янги воситалар ва ахборот усулларини қўллашга асосланганлиги сабабли уларнинг қўлланилиши Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини амалга оширишни таъминлайди.

Шундай экан, анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллайдиган билимларни қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатса, ўқитувчи шахсининг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Бу ҳолатда талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг учун ҳам олий таълим муассасалари ва факультетларда малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари – интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва ролини ошириб бориш лозим. Жумладан, жаҳон таълим тизимида ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологиялари бор. Яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология якка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқитувчи талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир. Жаҳон таълим тизимини технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёти йўналиши билан белгиланганлигини эътироф этган ҳолда педагогик технологияларнинг ўзига хос томонларини ва яқин келажакда у билан боғлиқ вазифаларни қуйидагича белгилашга ҳаракат қилинган:

- кўп босқичли таълим тизимида педагогик технологияларнинг ўрнини асослаш ва зарур тавсияномалар ишлаб чиқиш;

- замонавий саноат, тиббиёт, иқтисодиёт, экология, машинасозлик каби соҳа технологиялари билан педагогик технологияларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва табақалаштирилган ёндашув асосида уларни қўллаш мезонларини аниқлаш;

- истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш, такомиллаштириш ва уларга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарасини аниқлаш;

- республикамиз олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида илғор педагогик ва ахборот технологиялари бўйича янги билимлар тизими билан қуроллантиришни узлуксиз ташкил этиш;

- республикамизда фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчиларнинг иш услубларини мунтазам ўрганиб бориш ва улар томонидан яратилган методларни янги педагогик технология даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш ва хоказолар.

Педагогик технология ўқитиш жараёнида қўлланилган у ёки бу турдаги техник восита эмас, педагогик технологиянинг асосий негизи таълим жараёнида мақсадга эришиш учун қўлланиладиган ҳамкорлик фаолияти ҳамда ижобий натижага эришиш.

Муқимов Байрамали Рахимович, *ассистент,*
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ЎСТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг дастурий ҳужжатларида рақобатбардош кадрларни тайёрлашни таъминлаш деган мақсад қўйилган. Ёшларнинг янги авлоди истиқбол масалаларини қўйиш ва ҳал этиш, фикр юритишнинг юксак маданияти, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда мустақил йўл топа олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Республикамиз таълим тизимида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар талабаларга янги билим, кўникма ва малакаларни бериш билан бир қаторда, ёшларимизнинг ўзига ва бошқа инсонларга, жамият, давлат, табиатга нисбатан ўзгаришини, ватанпарварлик ғояларини онги ва қалбига сингдиришини ҳам кўзда тутади. Демак, таълим муассасаларимизнинг фаолияти, асосан, ўқувчи ва талабаларимизни демократик жамиятда мустақил фикрлайдиган, ўз дунёқарашига эга маънавий комил шахс бўлиб шаклланишига қаратилган бўлиши керак.

Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида ўқитилаётган турли фанлар бўйича талабаларда билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришда янги педагогик технологиялардан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Бунда талабаларни дарс мобайнида фаол иштирок этишларига ҳаракат қилинади, уларнинг ўтилган дарс

мавзусини тушунишларига, олган билимларини амалда қўллай олишларига ҳамда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Талабаларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришда уларга бериладиган айрим фан мавзуларини мустақил ўзлаштиришлари муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу мақолада электротехника фанидан талабанинг мустақил ишини ташкил этиш йўлларидан бири тавсия этилади. Талабанинг мустақил иши сифатида ўзгармас ток занжирларини ҳисоблаш учун Кирхгофф қонунларини амалий ўрганиш мавзуси берилган бўлсин. Бунда талаба томонидан мустақил ишнинг бажарилиши қуйидагича ташкил қилиниши мумкин:

1. Мустақил иш мавзусини назарий ўрганиш учун талабага дарслик, ўқув қўлланма ва махсус адабиётлар рўйхати берилади. Мазкур адабиётлардан фойдаланган ҳолда талаба Кирхгоффнинг биринчи ва иккинчи қонунлари таърифини ва математик ифодасини ўрганади ва қонунларни амалий шароитда қандай текшириб кўриш мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритади.

2. Талаба Кирхгоффнинг биринчи ва иккинчи қонунлари бажарилишини текшириш учун электр занжири схемаларини чизади. Бунда талаба лаборатория хонасидаги мавжуд электр ўлчов асбоблари ва жиҳозларининг (вольтметр, амперметр, ҳар хил қаршиликли резисторлар ва ҳоказо) кераклисидан фойдаланиш учун электр занжири схемаларига зарур ўзгартиришлар киритади. Бошқача қилиб айтганда, талаба лаборатория хонасининг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда электр занжири схемасини тузиши керак бўлади.

3. Талаба ўзи чизган электр занжири схемаларини ўқитувчига кўрсатади. Ўқитувчи уни тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ўз фикрини билдиради. Бунда талаба схемадаги камчиликларни ўзи мустақил равишда аниқлаши ва уни бартараф этишига эришиш зарур.

4. Кирхгоффнинг биринчи ва иккинчи қонунларини текшириш учун тўғри деб топилган электр занжири схемалари талаба томонидан лаборатория жиҳозларидан фойдаланган ҳолда навбатма-навбат йиғилади. Бу схемалар ўзгармас ток манбаига улашдан олдин ўқитувчи томонидан текширилади ва ток тармоғига улашга рухсат этилгандан сўнг уланади. Зарур ўлчашлар бажарилади ва ўлчаш натижалари олинади.

5. Ўлчаш натижаларига кўра хулосалар чиқарилади.

6. Талаба томонидан мустақил иш мавзуси бўйича бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрланади. Ҳисоботда мустақил иш мавзусининг назарий қисми баён қилинади ва унинг тўғрилиги бажарилган ўлчаш натижалари ёрдамида асослаб берилади.

Талабанинг мустақил ишни бажаришдаги фаолияти ўқитувчи томонидан текшириб турилади. Ўқитувчи талабанинг ижодий ишлашига, уни мустақил фикр юритишга йўналтириб туриши билангина ёрдам бериши мумкин.

Талабаларнинг мустақил ишини шундай ташкил этиш мустақил таълим ҳақида низом талабларига мос келади, талабанинг мустақил фикр юритиши,

масалалар моҳиятини тўғри тушуниш ва ижодий ҳал этиш малакаларини оширади.

Хужаёрова Нафиса Султанмуродовна,
Қарши давлат университети Педагогика кафедрасининг ўқитувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Таълим жараёни ўзаро ҳамкорликка ва ижодий тажриба алмашинишга асосланилган жараёндир. Таълимда самарали ўқитишнинг ташкил этилишига эришишда бир қанча таълим турларидаги жорий этилаётган ўқитишнинг янги шаклларини жорий этиш зарур. Ўзлаштирилаётган билим ва малакалар қанчалик тажрибадаги мавжуд бўлган маълумотлар билан ассоциатив боғлиқлик ҳосил қилса, уни ўзлаштириш ва хотирада сақланиши осон кечади. Шу маънода олий ва ўрта махсус таълимидаги жорий этилаётган самарали ўқитиш усулларининг қўлланилиши талабаларнинг илмий ижодиётини ўстириш, мустақил фикрий таҳлилини ошириш ва ўз устида ишлашга кенг имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш устувор вазифа этиб белгиланди. Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш тизимини янги босқичга кўтаришда 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури ҳам муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги амалга оширилаётган янгиликлар талабаларнинг мустақил фаоллигини оширишни, ўқув машғулотларида ноанъанавийликка асосланилган усулларга кўпроқ ёндашишни тақозо этади. Талаба шахси камолотида берилаётган мустақил ўқув топшириқлари, муаммоли ечимга қаратилган мунозарали дарс шакллари ва аудиовизуал воситаларга асосланилган ўқув материаллари кучли ижтимоийлаштирувчи таъсир аҳамиятига эга. Айнан мана шундай ўқитиш усуллари воситасида бўлажак ўқитувчиларни олий таълимдаги ўқув фаолиятига тайёрлаш, мантиқий ва танқидий тафаккурини шакллантириш, мавжуд қобилиятларини юзага чиқаришга имкон яратилади. Бу эса ўз-ўзидан ўқитувчи-талаба ҳамкорлигини талаб этадиган педагогик фаолиятдан иборат бўлади.

Замонавий шароитда бўлажак ўқитувчи шахсига қўйилаётган талаблар нафақат касбий билим, кўникма ва малакаларни, балки уларни ижтимоий, касбий ва шахсий ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни такомиллаштириш уларни рақобатбардош кадрлар сифатида тайёрлашнинг муҳим кўрсаткичларидан

биридир. Айниқса, шахсга йўналтирилган таълим парадигмаси бўлажак ўқитувчида ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини намоён этиш қобилиятини рўёбга чиқаришни тақозо этади.

Педагогика олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни талабаларнинг инсон ва жамият, тарих ва маданият, маънавият ва маърифат ҳақидаги билимларни ўзлаштириш, таянч фундаментал билимларни эгаллаш, илмий фаолиятга йўналтириш, касбий педагогик билим асосларини сингдириш, педагогик креативликни ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш имконини беради. Шу билан бир қаторда бўлажак ўқитувчиларнинг таълим олиш ва ижодий педагогик фаолиятини давом эттириш ҳуқуқини таъминлашдан иборат.

Бўлажак ўқитувчи шахсини ривожлантиришнинг умуммиллий, психологик-педагогик асосларини ижтимоий ҳис-туйғулар ва мослашиш асосида ижтимоий қийинчиликларни бартараф этиш, таълим жараёнини тавсифловчи омил сифатида ижтимоий муҳитнинг устуворлиги, жамиятга муносабат ва жамият олдидаги бурчни адо этишга касбий фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш, шахснинг шаклланиш асоси сифатида майлларнинг ривожланишига оид назарий ёндашувлар ва ижтимоий педагогик ғоялар ташкил этади. Ҳар қандай шахс касбий билимларнинг ривожланиши натижасида муайян фаолият тажрибасини эгаллайди. Шунинг учун ҳам шахс ўзининг ижодкорлиги, компетентлиги билан касбий фаолият тажрибасини яратиши, бойитиши, тўлдириши лозим. Бундай тажрибаларни бўлажак ўқитувчилар педагогика олий таълим муассасаларида ўзлаштириб, бутун ҳаёти давомида бойитиб боради. Ўқитувчиларнинг шахси ҳар доим муҳим аҳамиятга эга бўлган ижодий фаолият кўникмаларини намоён эта олиши керак. Шундагина у ўз фаолияти давомида касбий компетентлигини намоён эта олади.

Олий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг билиш фаоллиги ва шу асосда улардаги ижодий интилишни қўллаб-қувватлаш воситалари қуйидаги мақсадларга йўналтирилган бўлади:

- барча таълим олувчиларни умумий педагогик қўллаб-қувватлаш, яъни талабаларга диққат билан, яхши муносабатда бўлиш, уларни ўқув-билиш жараёнини режалаштиришга жалб қилиш, ўзаро ўқитиш муҳитини яратиш, таълимнинг фаолиятли мазмуни, ўргатувчи ўйинлар, ранг-баранг ижодий ишлар, уларнинг ютуқларини ижобий баҳолаш, диалогик мулоқотдан фойдаланиш;

- индивидуал-шахсий қўллаб-қувватлаш, бўлажак ўқитувчи-талабанинг шахсий муаммоларини аниқлаш, ривожланиш, тарбияланганлик, таълим олишни ташхислаш, ҳар бир талабанинг ривожланиш жараёнини кузатиб бориш, педагогик ёрдам ва қўллаб-қувватлаш заруратини уларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таъминлашдан иборат.

Шунингдек, таълим олувчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришда муаммоли таълим бошқа таълим турларидан фарқли равишда ўрганувчиларда билим, кўникма ва малакалар тизимини таркиб

топтириш билан бирга, уларда юқори ақлий фаолият, ўз-ўзини ривожлантиришни шакллантиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги ривожланганлигини тўлақонли тарзда ўрганиш учун муносабат назарияси нуқтаи назаридан ёндашиш талаб этилади, чунки муносабат шахснинг майлларини ўзида мужассамлаштиради ва шу асосида шахснинг касбий йўналганлигини аниқлаш имконияти вужудга келади.

Абдурахманов А.А., *студент 2 курса ,*
УзМУ

ЗАЩИТА ПРИРОДЫ И ЭКОЛОГИЯ ЦИВИЛИЗАЦИИ

Термин "экология" стал применяться очень широко, по самым различным поводам. Так, например, говорят, что в городе "плохая экология". Это выражение бессмысленное, так, как экология - научная дисциплина и она одна для всего человечества. Можно говорить о плохой экологической обстановке, о неблагоприятных экологических условиях. Термин "экология" возник в рамках биологии. Его автором был профессор Йенского университета Э.Геккель (1866 год). Экология первоначально рассматривалась как часть биологии, изучающая взаимодействие живых организмов, в зависимости от состояния окружающей среды.

Первоначально термин "экология" означал дисциплину, которая изучает эволюцию фиксированных экосистем. Теперь же в курсах общей экологии основное место занимают проблемы биологического плана. Природа и человека. Человек, как и другие живые существа, вписывался в ее кругообороты веществ и живет по ее законам. Когда было изобретено земледелие, и скотоводство, взаимоотношения человека и природы стали качественно меняться.

Сельскохозяйственная деятельность человека постепенно стала создавать искусственные экосистемы, живущие по собственным законам: для своего поддержания они требуют постоянного целенаправленного труда человека. Без вмешательства человека они существовать не будут. В результате его активности начинает меняться характер кругооборота веществ в природе, меняется характер окружающей среды. По мере того, как растет население и растут потребности человека, свойства среды его обитания изменяются все больше.

Существует несколько способов решения экологических проблем

- Эффективная переработка мусора и других вредных отходов.
- Использование экологически безопасного топлива, не загрязняющего атмосферу.
- Строгие санкции и штрафы на государственном уровне за загрязнение атмосферы, воды и земли.
- Просветительская работа и социальная реклама среди населения.

Все эти шаги кажутся очень простыми и легко применимыми на практике, но зачастую все оказывается не так просто. Многие страны и

некоммерческие организации ведут борьбу с нарушителями, но им катастрофически не хватает финансовой поддержки и человеческих ресурсов для осуществления своих проектов. Для того, чтобы жить в нашем общем доме, мы должны выработать не только некие общие правила поведения, если угодно - правила общежития, но и стратегию своего развития. Правила общежития носят в большинстве случаев локальный характер. Они сводятся чаще всего к разработке и внедрению малоотходных производств, к очищению окружающей среды от загрязнений, то есть - к охране Природы.

Чтобы удовлетворить этим локальным требованиям, нет необходимости в сверхкрупных мероприятиях: все решается культурой населения, технологической, экологической грамотностью и дисциплиной местных чиновников. Но тут существуют более сложные ситуации, когда приходится думать о благополучии не только своем, но и далеких соседей. Решение проблем такого масштаба доступно только человечеству. А это потребует изменения всей организации планетарного сообщества, новой цивилизации, перестройки самого главного - систем ценностей, которые утверждались веками. Принцип необходимости формирования новой цивилизации рассмотрен Международным зеленым крестом - организацией, создание которой было провозглашено в 1993 году в японском городе Киото. Основной тезис - человек должен жить в согласии с Природой.

Хамраева Ирода Сайфуллаевна, *таянч докторант,*
ТДПУ

ЎҚИШНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ПСИХОЛОГИК АКТИ

Ўқиш – мураккаб психофизиологик жараён. Унинг ҳосил бўлиш актида кўрув, нутқ-ҳаракат, нутқ-эшитув анализаторлари иштирок этади. Б.Г. Ананьевнинг таъкидлашича, ўқиш жараёнининг марказида “анализаторлар ва икки сигнал тизимларининг вақтинчалик боғланишлари ўртасидаги ўзаро алоқалари”нинг энг мураккаб механизмлари ётади[57].

Ўқиш ёзма нутқнинг кўринишларидан бири сифатида оғзаки нутққа қараганда, унинг шаклланиши кечроқ ва мураккаброқ кечади. Ёзма нутқ оғзаки нутқ асосида шаклланади ва нутқ ривожланишининг юқори босқичини англатади. Ёзма нутқ мураккаб шартли рефлектор алоқаси билан аллақачон бирлашган иккинчи сигнал системаси (оғзаки нутқ) орқали шаклланади ва уни ривожлантиради, яъни ёзма нутқнинг мураккаб шартли рефлексли алоқалари иккинчи сигнал тизимининг (оғзаки нутқ) аллақачон шаклланган муносабатларига қўшилиб, уни ривожлантиради. Ёзма нутқни ёзиш жараёнида талаффуз қилиш, сўз-эшитиш ва сўз-кўрув ўртасида янги алоқалар ўрнатилади. Агар оғзаки нутқ, асосан, нутқ-ҳаракат ва нутқ-эшитув анализаторларининг

[57] Ананьев Б. Г. Анализ трудностей в процессе овладения детьми чтением и письмом.- Известия АПН РСФСР, вып. 70, с. 106.

фаолияти билан амалга оширилса, ёзма нутқ эса эшитув-ҳаракат билан эмас, балки кўрув-эшитув-ҳаракат образлари орқали амалга оширилади[58].

Ёзма нутқ оғзаки нутқ мавжудлигининг кўрув шакли сифатида ҳосил бўлади. Ёзма нутқ тақлид қилиш, маълум график пиктограммалар билан кўрсатилган, моделлаштирилган, оғзаки нутқда сўзларнинг овоз тузилиши, товушларнинг вақтинчалик кетма-кетлиги, график тасвирларнинг фазовий кетма-кетлигига, яъниҳарфларга айланиши асосида пайдо бўлади[59].

Шундай қилиб, оғзаки нутққа қараганда анча мураккаб психофизиологик механизмлар асосида ҳосил бўладиган ўқиш жараёнини оғзаки ва ёзма нутқнинг бирлигидан ташқарида кўриб чиқиш мумкин эмас.

Ўқиш-кўрув идроки асосида ҳарфларни таниб олиш ва уларни бир-биридан фарқлашдан бошланади. Шу асосда ҳарфлар мос келадиган товушлар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, сўзнинг кўринишини қайтарадиган товуш талаффуз қилинади ва у ўқиб борилади.

Ва ниҳоят, сўзнинг товушли шакли маъноси билан ўзаро боғлиқлиги сабабли ўқилганларни тушуниш амалга оширилади. Шундай қилиб, ўқиш жараёнининг икки жиҳатини шартли равишда ажратиб кўрсатиш мумкин:

- техник томони (ёзма сўзнинг кўрув тасвири унинг талаффузи билан ўзаро боғлиқлиги) ва сўзнинг маъноси (қайсики ўқиш жараёнининг асосий мақсади бўлган сўзнинг маъно-мазмуни ҳосил бўлади).

- тушуниш “сўзнинг маъноси овозли шакл билан боғлиқ бўлган ҳолда амалга оширилади”[60].

Ўқиш жараёнининг ушбу жиҳатлари ўртасида жуда яқин ва ажралмас боғлиқлик мавжуд. Ўқилган матнларни тушуниш идрокнинг қанчалик ривожланганлик характерига боғлиқ. Бошқа томондан эса кўрув идрокининг жараёни аввал ўқилган сўзнинг маъно таркибига ўз таъсирини ўтказади. Катта одамнинг ўқиш жараёни фақатгина вазифа учун, яъни ўқилаётган матннинг маъноси, мазмуни тушунилади ва шу билан бир вақтда содир бўлаётган психофизиологик операциялар худди ўз-ўзидан, онгсиз автоматик равишда амалга оширилади. Бироқ саводхонликни ўргатиш вақтида ушбу автоматлаштирилган операциялар мураккаб ва кўп қиррали ҳолда пайдо бўлади. Ўқиш жараёнининг техник томони мураккаблиги шундаки, матн ўқиётган ўқувчи кўз ҳаракатларини таҳлил қилишда ўзини активлик билан намоён қилади.

Тажрибали ўқувчининг кўз ҳаракатлари жуда тезлик билан амалга ошади, яъни матннинг бир нуқтасидан (тўхташ) бошқасига тез сакраш орқали юз беради. Ўқиш жараёнида нафақат олдинга (ўнгга), балки орқага ҳам ҳаракат қилиш мумкин. Олдиндан қабул қилинган орқага қараб ҳаракатланишга қайтиш регрессия деб аталади. Матн ўқиётган ўқувчи сўзларни идрок қилиши, яъни ўқиш жараёнининг ўзида фиксация (ёзиб қўйиши, қайд қилиши) кўзнинг қаторда тўхташи орқали содир бўлади. Кўз ҳаракати орқали ўқиш жараёнида

[58] Ананьев Б.Г. Восстановление функций при аграфии и алексии травматического происхождения. Ученые записки МГУ. В 3-х т. 1947. Т. II. С. 139.
[59] Лалаева Р.И. Нарушение процесса овладения чтением у школьников. – М.: Просвещение, 1983. С.136.
[60] Эльконин Д.Б. Некоторые вопросы усвоения грамоты. Вопросы психологии, 1956. № 5. С. 39.

ўқилганларни тушуниш тўғридан-тўғри амалга ошмайди. Бу кўзнинг фиксация (ёзиб қўйиши, қайд қилиши) қилиш давомийлиги билан тасдиқланади. Ўқиш жараёнидаги тўхташ вақти кўзнинг қатор бўйлаб ҳаракатланиш давомийлиги вақтига қараганда 12-20 баравар кўпроқдир.

Бундан ташқари ўқиш шартлари ўзгарганда ўқилаётган матн мураккаблашгани сари фиксация бардошлилигининг сони ва давомийлиги ўзгаради ва шу билан бир вақтда кўз бир тўхташдан бошқасига ўтиб кетаверади. Қатордаги тўхташлар сони ҳар хил бўлиши мумкин, бу қатордаги сўзлар ёки ҳарфларнинг сонига боғлиқ эмас, чунки кўзларнинг фиксация қилиши сўзлар орасида ҳам, сўзлар ўртасида ҳам бўлиши мумкин. Тўхташлар сони бир қатор шартларга қараб ўзгариши мумкин: булар сўзнинг тузилиши, унинг қанчалик танишлиги, сўзнинг тўғридан-тўғри ёки мажозий маънода қўлланилаётгани ва шу кабиларга боғлиқ.

Тажрибали, маҳоратли ўқувчилар орасида регрессия (яъни аввал ўқиб қабул қилинган сўзни аниқлаштириш учун орқага қайтиш жараёни) бирмунча кам учрайди. Ўқилаётган матннинг қийинлик даражаси, сўзларни ўзлаштирганлиги, ўқувчи учун матннинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда регрессиялар сони ва давомийлиги ўзгаради. Масалан, бадиий адабиётлар ўқиш жараёнидагига қараганда, мураккаб илмий матнни ўқиётганда регрессиялар сони анча кўп бўлади.

Тажрибали ўқувчи ўқиш жараёнида бир вақтнинг ўзида ҳарфларни эмас, балки сўзларни ёки сўзлар гуруҳини идрок эта олади. Аммо бу унинг сўзнинг асл таркибини эътиборсиз қолдиришини англатмайди. Ўқишнинг тезлиги ва аниқлиги кўрув идроки орқали сўзларнинг идрок қилиниши, сўз тузилишининг узунлигига, ҳарфларнинг график кўринишига, элементларнинг характерига, ҳарфларнинг тузилишига боғлиқ. Тажрибали ўқувчи ўқиётган матнидаги ҳар бир ҳарфни ўқимайди, балки уни бутунлигича тушунади, танийди. Сўзларни таниш жараёнида энг характерли ҳарфлар, шунингдек, ҳарфларнинг элементлари чизиқдан юқорига чиқадиган ёки чизиқ остидаги элементлари бўлишидан қатъи назар йўналтирувчи нуқта устунлик қилади. Бундан ташқари ўқувчи сўзни таниб олишда матннинг аввал ўқилган қисмининг маъносига таянади.

Шундай қилиб, маъноли тушуниш матнни кўрув идроки орқали идрок қилинишини осонлаштиради. Айниқса, ўқилаётган матннинг охирги иборалари сўзни таниб олишга катта таъсир кўрсатади. Албатта, гапдаги бошланғич сўзларни ўқиётганимизда бизга камроқ таниш бўлган сўзлар, шунингдек, ғайриоддий грамматик қурилишни идрок қилиш вақтида маъноли тушунишларнинг ўрни сезиларли даражада пасаяди. Бундай ҳолларда сўзларни тўғридан-тўғри идрок этиб ўқиш кўрув идрокига таянади. Шундай қилиб, ўқиётганда маънони тушунишнинг аҳамияти сўзнинг гапдаги ўрни, шунингдек, ўқилаётган матннинг лексик ва грамматик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Ижобий хусусиятлар билан бир қаторда, маънони тушуниш кўпинча сўзларни алмаштиришга, тушириб қолдиришга, сўзларда ҳарфларнинг жойини

ўзгартиришга олиб келади, яъни ўқиш жараёнида маънонинг субъектив равишда киритилиши кузатилади. Бу ўқиётган ўқувчи томонидан матннинг маъносини тушуниш кўрув идроки орқали етарлича назорат қилинмасагина юз беради.

Катта кишининг ўқиши шаклланган ҳаракат, кўникма, малака ва маҳоратдир. Ҳар қандай шаклланган кўникма ва малакалар сингари ўзида ўқиш жараёнини шакллантириш бир қатор сифат жиҳатидан ўзига хос босқичлардан ўтади. Ушбу босқичларнинг ҳар бири олдинги ва кейинги босқичлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, аста-секин бир сифатдан иккинчисига ўтиб боради.

Олдинги босқичларда ривожланишнинг кейинги юқори босқичларга ўтишини белгилайдиган элементлар тўпланади[61]. Ўқиш кўникмаларини шакллантириш жараёни узоқ ва мақсадли йўналтирилган таълим асосида амалга оширилади.

Машҳур рус психологи Т.Г. Егоров ўқиш кўникмаларини шакллантиришда қуйидаги 4 босқични ажратиб кўрсатади:

1. Товуш-ҳарфий белгиларни эгаллаш босқичи.
2. Бўғинли ўқишни шакллантириш босқичи.
3. Синтез усулига асосланган ўқишнинг шакллантириш босқичи.
4. Синтетик (сўзларнинг гапда ўзаро боғланиши, сўз формалари орқали ифодаланадиган) ўқиш босқичи.

Бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хослиги, сифат хусусиятлари, маълум бир психологик тузилишга эгалиги, ўзига хос қийинчиликлари, вазифалари ва моҳирлик техникасини эгаллаш билан бир-биридан ажралиб туради.

Халимова М.В., *, пс.ф.н., доцент,*
АДУ Умумий психология кафедраси мудири

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Таълим мазмунининг моҳияти унга бўлган турли ёндашувлар билан белгиланади. Таълим мазмуни тарихий характер касб этади.

Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида таълим мазмуни муайян мақсад ва вазифаларга эга бўлади. Таълим мазмуни давр талаби, назарий билим ва ишлаб чиқариш тараққиёти даражасига мос равишда ўзгариб туради. Таълим мазмуни ижтимоий ҳодиса сифатида майдонга келади ва у ўзининг бошланғич даврида амалий аҳамият касб этган, яъни инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур ҳисобланган билимга бўлган талабини қондирган.

Бу назариянинг асосий мақсади фаннинг турли соҳаларидан мумкин қадар кўп миқдорда билим беришдир. Бундай қарашни Я.А. Каменский ҳам ёқлаган ва ўзининг дарслигида ўқувчиларга зарур бўлган барча билимларни жойлаштиришга кўп йиллик ҳаётини бағишлади. Я.А. Каменскийнинг

[61] Егоров Т.Г. Психология овладения навыком чтения. – М., 1953. С. 31.

замондоши инглиз шоири ва тарихчиси Джон Мильтон (1608-1674) ҳам таълим мазмунини шундай тушунган.

Дж.Дьюининг айтишича, алоҳида олинган ўқув фанлари мазмуни орасидаги алоқаларнинг манбаи таълим олувчиларнинг индивидуал ва ижтимоий фаолияти ҳисобланади. Бу фаолият турлари оптимал дастурни ўқув фанларининг кетма-кетлиги ва узвийлиги асосида эмас, балки ўқувчининг эркинлигида, унинг тажрибалари билан боғланган хулқининг янги муносабатлари ва типларини шакллантириш асосида таъминлайди.

Дидактик утилитаризм америка мактабларининг ҳам таълим мазмунига, ҳам ўқув ишлари методларига кучли таъсир этди, бунинг натижаси ўлароқ, таълим олувчиларга максимал даражада эркинлик берилди, жумладан, мажбурий ва факультатив фанлар сифатида ажратилган ўқув фанларини танлаб ўқитишга ижозат берилди. Ўқув-тарбия жараёни ўқувчиларнинг индивидуал сўровлари(танловлари)га мослаштирилди.

Польшалик олим В. Окунь функционал материализм деб номланувчи таълим мазмуни назариясини ишлаб чиқди. Бу назариянинг асосида эса билимнинг фаолият билан интеграл алоқаси қоидаси ётар эди. Бу назарияда жамиятнинг таълимга қўйиладиган талаблари ва ўқувчиларнинг индивидуал сўровлари бирлиги сезилиб туради.

Педагогика назариясида таълим мазмунини шакллантиришнинг асосий тамойиллари В.В. Краевский томонидан ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилардир:

1. Таълим мазмунининг жамият, фан, маданият ва шахс билан мувофиқлиги тамойили. Бу тамойил таълим мазмунига зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни, шунингдек, жамият, маданият ва шахс имкониятлари ривожланишининг замонавий даражасини акс эттирувчи билимларни киритишни кўзда тутади.

2. Ўқитишнинг мазмун процессуал жиҳатлари ягоналиги тамойили. Бу тамойил ўқув жараёнининг конкрет хусусиятлари, унинг тамойиллари, уларни амалга ошириш технологиялари ва уни ўзлаштириш даражаси бирлигини акс эттиради.

3. Турли сатҳлардаги таълим мазмуни тузилмасининг ягоналиги тамойили. Буни шакллантириш назарий тасаввур, ўқув фанлари, ўқув материаллари, таълим олувчининг шахси каби қисмларнинг мувофиқлаштирилишини тақозо қилади.

4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш принципи. Бу тамойил шахснинг умуминсоний маданияти, унинг маънавий эҳтиёжи ва қобилиятларининг фаол ижодий ва амалий ўзлаштирилишига шарт-шароит яратишни тақозо қилади.

5. Таълим мазмунининг асосланганлиги тамойили. Бу гуманитар ва табиий-илмий билимларни интеграциялаш, узвийлик ва фанлараро алоқаларни ўрнатишни талаб қилади.

6. Таълим мазмуни асосий компонентларининг шахс ички (таянч) маданияти тузилмасига мувофиқлиги тамойили.

Замонавий педагогика фани таълим мазмунининг қуйидаги компонентларини белгилайди:

- шахснинг когнитив тажрибаси;
- амалий фаолият тажрибаси;
- ижод тажрибаси;
- шахс муносабатлари тажрибаси.

Шахснинг когнитив тажрибаси. Бу компонент табиат, жамият, тафаккур, техника, фаолият усуллари тўғрисидаги билимлар тизимини ўз ичига олади. Бу асосий компонент ҳисобланади, чунки шахснинг шаклланиш асосини билим ташкил этади. Билимлар борлиқни, табиат, жамият, тафаккурнинг ривожланиши қонунларини билиш натижаси сифатида белгиланади. Билимларнинг асосий функциялари дунёнинг умумий манзарасини яратиш, билим ва амалий фаолиятни таъминлаш, ягона илмий дунёқарашни яратишдан иборатдир.

Таълим мазмунининг амалий компоненти малака ва кўникмаларни шакллантиришни ўз ичига олади. Ташқи ёки амалий ва ички ёки интеллектуал малака ва кўникмалар мавжуд.

Малака ва кўникмалар барча ўқув фанлари учун умумий бўлиши мумкин ва ҳар бир ўқув фани учун ўзига хос ва характерли бўлади. Малака ва кўникмалар муайян фаолият турининг асосини ташкил этади. Фаолиятнинг эса билиш, меҳнат, бадиий, ижтимоий, қадриятларга йўналтирилган ва коммуникатив турларини қайд қилиш мумкин.

Ижодий фаолият тажрибаси. У янги муаммоларни ҳал қилиш ва воқеликни ижодий қайта яратишга тайёр бўлишда намоён бўлади.

Шахс муносабатлари тажрибаси. Бу асослаш (мотивация) – баҳолаш, ҳиссийлик, иродалилик муносабатлар тизимидан иборатдир. Бу тажриба дунёга, воқеликка, одамларга баҳо бериш муносабатида намоён бўлади.

Хотима. Мутахассис шахси ривожланишининг асосий воситаларидан бири ва уларнинг чуқур фундаментал билим ҳамда амалий тайёргарлиги олий мактабдаги таълим мазмуни билан белгиланади.

Таълим мазмунининг ривожланиши шуни кўрсатадики, у таълим олувчининг ижтимоий ва индивидуал талабларини ҳисобга олади ҳамда тобора такомиллаштириб бориш, тарбиялаш ва билиш аҳамиятини касб этади.

Педагогика назарияси таълимнинг бир неча шаклланиш тамойилларини асослаб берди: таълим мазмунининг жамият, фан, маданият, шахс ривожланиши талабларига мувофиқлиги тамойили, таълимнинг ягона мазмун ва процессуал жиҳатлари мазмуни, турли сатҳларда таълим мазмуни тузилмасининг ягоналиги, таълим мазмунини инсонпарварлаштириш, таълим мазмунининг асосланганлиги, таълим мазмуни асосий компонентларининг шахс ички (таянч) маданияти тузилмасига мувофиқлиги.

Таълим мазмунининг асосий компоненти қуйидагилар: шахснинг когнитив тажрибаси, амалий фаолият тажрибаси, ижод тажрибаси, шахс муносабатлари тажрибаси.

Тадқиқотчилар (А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой, А.Г. Кругликов, А.С. Ахиезер, Н.П. Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: *янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири микросатҳи.*

Биринчи ёндашувда ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади. Иккинчи ёндашув алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир. Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилади. У қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.

2. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.

3. Яратилган янгиликни амалий қўллай билиш босқичи.

4. Янгиликни ёйиш, уни кенг татбиқ этиш босқичи.

5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.

6. Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасининг қисқартириш босқичи.

В.А. Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.

Ҳозирги даврда таълимни инсонпарварлаштириш ва таълим мазмунининг моҳиятини шахсга йўналтирилган ёндашув майдонга олиб чиқди. Бу ёндашув марказида шахс туради. Бундай ёндашув таълим мазмунини эркин танлаш имкониятини беради. Шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш жараёнида шахснинг таълимий, маънавий, маданий ва ҳаётий талаблари қондирилади. Энг муҳими, шахсга нисбатан инсонпарварлик муносабати намоён бўлади, маданий-таълимий шароитда ўқиш индивидуаллиги ва мустақил ҳаракат қила олиш имконияти шаклланади.

Karimova Zarifa Gulyamovna, *s.f.n., dotsent,*
O‘zDK Musiqiy pedagogika kafedrasi

MUSIQIY TA’LIM VOSITASIDA TALABA-YOSHLARNING ILMIY IJODGA INTILISHINI SHAKLLANTIRISH

Dunyoda har bir davlat katta-kichikligidan qat’i nazar o‘zining taraqqiyoti jarayonida ma’naviyatiga ehtiyoj sezgan va sezadi. Bu tarixiy zaruratdir.

Ma’naviyatning jamiyat taraqqiyotidagi o‘rni va ahamiyati tarixning burilishi, yangilanish davrlarida beqiyos bo‘ladi.

O‘zbekistonning mustaqilligi tufayli buyuk ajdodlarimiz boy tarixiy qadriyatlari, ming yilliklarni o‘z ichiga olgan betakror va jozibali madaniyatiga asoslangan ma’naviy merosini tiklay boshladi.

Jamiyatimiz taraqqiyotini yuksaltirishning iqtisodiy va siyosiy omillari singari o‘ta zarur bo‘lgan yana bir muhim asos borki, usiz mustaqillikni mustahkamlash, ko‘zlangan oliy maqsad ozod va obod Vatan, erkin va farovon jamiyat qurishga erishish mumkin emas.

Mustaqillik iqtisodiy va siyosiy islohotlar bilan bir qatorda odamlar ongi va dunyoqarashida odob-axloqi, iymon-e’tiqodi, bilim saviyasi va ruhiyatida, madaniyat va ma’naviyatida tub asosli o‘zgarishlar bo‘lishini taqozo etadi.

Shuning uchun ham ma’naviyat va ma’rifat, milliy g‘oya va mafkurani yaratish va shakllantirish hamda ma’naviy va barkamol inson tarbiyasi masalalari ijtimoiy hayotimizning dolzarb muommolari hisoblanadi, chunki istiqlolimiz sharofati bilan Vatanimizda shakllanayotgan nazariy va amaliy bilimlar shuni ko‘rsatmoqdaki, ajdodlarimiz qoldirgan ma’naviy-madaniy meros jamiyatimiz taraqqiyotining kafolatlaridan biri bo‘lib, uni belgilovchi omilidir.

Inson shaxsining yuksak ma’naviy fazilatlarini kamol toptirish, milliy musiqa san’atining rivojlanishida o‘quvchi-yoshlarda ijodkorlik mohiyatlarini yuzaga keltirish, boy madaniy merosimiz hamda tarixiy qadriyatlarimizga hurmat-e’tibor, o‘rganilayotgan fanlarga mehr-muhabbat ruhida tarbiyalash oldimizga muhim vazifalar qo‘ymoqda.

Sharq-u G‘arb xalqlarida so‘z, soz va ovoz uyg‘unligida yaralgan badiiy barkamol asarlar og‘zaki yoxud yozma tarzda ajdodlardan avlodlarga o‘tib kelgan. Ularda yuksak badiiy tafakkurga yo‘g‘rilgan go‘zal his va tuyg‘ular jonli ifodasini topadi. O‘ziga xos va ayni paytda o‘zaro mushtarak xislatlar mujassam.

Aytish joizki, el-yurtimizda teran bilim, keng tafakkur, munosib iste’dod egalarining ijodiy izlanishlari tufayli kasbiy xonandalikning an’anaviy, akademik hamda estrada turlari uzil-kesil shakllanib, ravnaq topish yo‘lidan shaxdam odimlab bormoqda.

Inson ovozi vositasida yaralgan va unda ijro etilish uchun mo‘ljallangan namunalarning paydo bo‘lishi cholg‘u musiqaga nisbatan ancha qadimiyroq, albatta. Hech shubha yo‘qki, u bizlardan juda uzoq, ibtidoiy zamonlarda ham mavjud bo‘lgan. Biroq o‘sha paytlarda kuylash ko‘nikmalari kasbiy tus olmagan, xonandalik yo‘nalishi tarzida maxsus ixtisosliklarni hali tashkil etmagan edi.

“Musiqashunoslik” fani o‘qituvchilarining oldiga qo‘yilgan o‘quvchilarni madaniy, ma’naviy, mafkuraviy shakllangan, milliy o‘zligi, tili, diniy e’tiqodi, qadriyatlari, an’ana va urf-odatlariga sodiq komil inson sifatida tarbiyalash kabi keng ko‘lamli vazifalar oliy ta’limda bo‘lajak o‘qituvchilar tayyorlash mazmunini takomillashtirishni talab etadi. Shuning uchun ham bo‘lajak musiqa o‘qituvchisi shaxsini kasbiy rivojlantirish va boyitish, estetik jihatdan o‘stirish va yo‘naltirish asosida uni o‘z sohasining serqirra mutaxassisi qilib shakllantirish hamda “Davlat

ta’lim standartlari” talablari darajasida nazariy bilim va amaliy malakalarini tarkib toptirish muammolari yotadi.

Oliy musiqiy ta’lim jarayoni chuqur bilim va malakalar berish bilangina cheklanib qolmasdan, intellektual va musiqiy rivojlanishning yuqori darajasiga erishish, badiiy didni shakllantirish, tanqidiy tafakkur, musiqiy hodisalarga mustaqil mantiqiy baho berish kabi ko‘nikmalarni rivojlantirish zarur.

Milliy xor janri, yoshlar ijodkorligini shakllantirish va yuksaltirishda katta ijtimoiy-tarbiyaviy va badiiy-estetik ahamiyat kasb etuvchi dolzarb ilmiy va amaliy muammo ekanligini ko‘rsatadi.

Asarni sinchiklab o‘rganish, uning g‘oyaviy mazmunini bilib, estetik jihatdan musiqaning qanday ta’sir etishini aniqlab olish zarur.

O‘qituvchi o‘quvchi-yoshlarning o‘z ustida mustaqil ishlash qobiliyatini shakllantiradi va yo‘naltiradi. Asardagi musiqiy nolalar ta’sirchanligini oshirishda badiiy ifoda vositalaridan foydalanish mahorati talabada takror-takror ijro etishda o‘zi tushunib his tuyg‘ulari orqali, asarni tasavvur qilish orqali dinamik tuslar bilan ijro etish qobiliyati yuzaga keladi.

dim < cress > p, pp, f, ff, rit va tugallash imkoniyatlari asarni o‘rganishdagi ijodkorlik, qobiliyat unumli mehnat tufayli yuzaga keladi. Ko‘rinib turibdiki, talaba-yoshlar asar g‘oyasini ochishda o‘z tafakkuri orqali ichki kechinmalarini his qilgan holda o‘z talqinida asar mazmuni va g‘oyasini ochib beradi.

Bu ijodiy qobiliyatni rivojlantira olish o‘qituvchining bilimi, sezgisi, mahorat va qobiliyatiga bog‘liqdir. O‘quvchi-yoshlardagi bu xislatlarni rivojlantirish orqali yaxshi natijalarga erishish mumkin: masalan, xor konsertlarga borish, teatr xor kollektivlari ijro etgan asarlarni tinglash, bastakor va kompozitorlarning ijodiy kechalarida ishtirok etib, ular yozgan xor asarlarining jonli jarangini tinglashi va ularni o‘zi ijro etishi kerak.

O‘quvchi-yoshlar kursdosh va sinfdoshlarini bilim cho‘qqilarini egallashga chorlaydi. Fanga bo‘lgan izlanish va iste’dod kurtaklari rivojlanadi, ilmiy ijodkorlik ruhiyati shakllandi.

Asarning badiiyligi, yangicha talqin qilish talabada ijodkorlikni shakllantiradi va rivojlantiradi. Jumladan, I.Kant ijod jarayonini maxsus tahlildan o‘tkazdi va bunga insonning tasavvuri mahsuli deb qaradi. Ijod bir tomondan sof intellektual hodisa, ikkinchi tomondan esa ijodiy faoliyat negizidagi ko‘rinish deb talqin qilingan. Bu hozirgi zamon yangi innovatsion axborot texnologiya ilmiga xosdir.

O‘quvchi-yoshlardagi ilmiy-axborot texnologiya bilimlari asosida o‘zida yangicha zamonaviy ijod mavzusi ustun turadi. O‘quvchi-yoshlar o‘zi dirijyorlik qilayotgan xor asarini yangicha talqin qiladi. Asarni o‘rganish jarayonida o‘zida ilmiy ijodkorlikni rivojlantirish xususiyatlari paydo bo‘ladi. Jumladan, asarning badiiy g‘oyasini ochishda aniq qiziqtirgan jahon musiqa bilimlarini o‘rganib, nazariy jihatdan qobiliyatli shaxsga aylanadi. O‘z bilim malakasini oshirishga ehtiyoj tug‘iladi.

Ilmiy ijod ilmiy bilimni rivojlantirish, undan faol o‘rganish va yuzaga olib chiqishdir. Bunda o‘quvchi-yoshlar o‘zi o‘rganib ijod qilgan musiqiy asar o‘zgacha jaranglaydi, u qobiliyatli bo‘lishga, o‘z ustida tinmay ishlashga, yuksak madaniyatli,

chinakam ziyoli, yuksak darajada ma’lumotli bo‘lishga intiladi. O‘quvchi-yoshlardagi zahmatkashlik, zukkolik nafaqat musiqa ilmiga, balki dunyoviy ilmlarga ham zo‘r qiziqish uyg‘otadi.

Kelajakda biz tasavvur qilgan o‘quvchi-yoshlar iqtidorli rahbar, mahoratli o‘qituvchi, ustoz-shogirdlar tayyorlashda samimiy, san’atning sir-asrorlarini erinmay o‘rganuvchi zamonga mos iqtidorli pedagog bo‘lishi, istiqbol yo‘lida o‘z mehnatini ayamaydigan ijodkor inson bo‘lishi, Vatanimizga mehrli, uning xizmatlariga hozir-u nozir inson, mahoratli ijodkor sifatida faoliyat ko‘rsatish lozim.

Ярманова Ю.Б., *ўқитувчи,*
ҚаршиДУ Бошланғич таълим кафедраси

БОЛАЛАРДА ШАХС СИФАТЛАРИНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШДА ТАРБИЯЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ

Замонавий таълим тизимининг мақсади ва мазмуни шахсга қаратилган бўлиб, унда ёш авлоднинг етакчи хусусиятларини рўёбга чиқариш, боланинг фаолиятида миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлаш, табиат, инсон, жамият муносабатларини интеграциялашга қаратиш лозимлиги бугунги кун талабига айланди. Шу нуқтаи назардан тарбиячининг болаларда барча инсоний ва шахс сифатларини таркиб топтиришда назарий-амалий билимларни бирлаштириш асосида шакллантириш ва ривожлантириш долзарб эканлиги ўзининг яққол тасдиғини топмоқда.

Чунки ёш авлоднинг келажаги кенг фикрга эга бўлган тарбиячиларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Тарбиячилар ўз мутахассислиги доирасида “махсус таёргарликка эгалиги ва иш тажрибаси натижасида касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, уни жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик хуқуқларини таъминловчи мутахассис бўлиши лозим”[62]. Педагог Х.Абдукаримов таърифлаганидек, “тарбиячиликдан устун турадиган, тарбиячининг ўрнини боса оладиган касб соҳиби бўлмаса керак”[63].

Бола шахсини таркиб топтиришда психолог М.Т. Давлетшин тарбиячида ўзига хос қуйидаги сифатларнинг мавжудлиги зарурат эканлигини кўрсатади:

- шахсий хислатлар: болаларни яхши кўриш, меҳнатсеварлик, жамоат ишларида фаоллик ва ҳоказо;
- касбга хос билимларга эгалик: таълим-тарбия жараёнининг моҳияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниш ва ҳоказо.
- ўз касбига хос хислатлар: ҳозирги замон педагогикасининг методологик билимларни эгаллаши ва ҳоказо.

[62] Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т., 2009. 210-211-212-213-бетлар.
[63] Абдукаримов Х. Профессиональное воспитания личности учителя в проыессе непрерывного педагогического образования. – М., 1998. С. 30.

- шахсий педагогик уддабуронлик: машғулотлар учун зарур материалларни танлай олиш, мақсадларни режалаштира олиш ва ҳоказо[64].

Бугунги кунда тарбиячи ҳал этиши лозим бўлган барча касбий масалалар иккита катта синфга ажратилган:

1. Жамият томонидан аниқланадиган ва зарур ечим талаб этиладиган ижтимоий масалалар.

2. Тарбиячининг амалий фаолияти давомида пайдо бўладиган ҳолатга боғлиқ масалалар.

Қайд этиб ўтилган синфлар олинган маҳсулот натижаларига кўра иккита вазифани ташкил этади:

1. Хусусий педагогик вазифалар, ечим натижасига кўра педагогик фаолият объектларида, шахсда янги ташкил этувчилар кўринишида (билимларнинг ортиши, фаолият кўникма ва малакаларнинг шаклланиши ва шу кабилар) амалга оширилади – таълимий вазифалар; тарбиявий вазифалар; таълимий ва қайта тарбиялаш вазифалари; тарбиявий ва қайта тарбиялаш вазифалари.

2. Функционал вазифалар – гностик вазифалар; конструктив, лойиҳалаштириладиган вазифалар; ташкилий вазифалар; коммуникатив вазифалар.

Шундай экан, тарбиячи ўз олдига қўйилган вазифаларни ва ўзи тарбия қилаётган тарбияланувчининг шахс ва индивидуал сифатларини таркиб топтиришда ўз устида тинимсиз изланиши, инновацион технологиялардан ҳабардор бўлиши ва уни фаол қўллашни уддалаши лозим. Бугунги кунда тарбиячиларнинг инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Тарбиячилар томонидан инновацион фаолият жараёнида билим, кўникма, малакаларини ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндашувга инновацион ёндашувнинг қарор топиши асосида кечади. Тарбиячи ўз фаолиятини инновацион ёндашув асосида ташкил қилар экан, бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- тарбиячи ўз инновацион фаолияти жараёнида янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ҳал этишга қаратиши;

- тарбиячи боланинг шахс сифатларини таркиб топтиришга йўналтирилган янгиликларни қўллашга тайёргарлиги;

- болани индивидуал ривожлантириш жараёнида новатор педагоглар томонидан таклиф этилган педагогик янгиликларни қабул қилиши, новаторлик даражасига максимал ҳаракат қилиш;

- инновацион фаолиятнинг ажралмас қисми ҳисобланган ижодий коммуникатив қобилиятларининг ривожланиш йўлларини излаб топиш.

Тарбиячининг бола шахсини шакллантириш жараёнига инновацион ёндашуви педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга

[64] Абдукаримов Х. Профессиональное воспитания личности учителя в проыессе непрерывного педагогического образования. – М., 1998. С. 30.

йўналтириш асосида билим, кўникма, малакани эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантириб бориш эвазига юзага чиқади. Тарбиячиларнинг ўз фаолияти давомида инновацион технологияларнинг қўлланилиши машғулот жараёни модернизациясининг таркибий қисми ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда замонавий шароитда машғулотларни технологиялаштириш кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда кутилаётган натижани қўлга киритишга имкон беради, ўқитиш сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширади. Шу билан бирга, тарбиячининг машғулот жараёнида қўллаган таълимий инновациялари педагогик фаолиятга янгиликларнинг изчил олиб кирилишини тавсифлайди. Педагогик инновацияларнинг дидактик имкониятларига кўра машғулот жараёнида боланинг шахс сифатлари ривожланиб боришига имкон яратади. Тарбиячининг инновацион фаолияти нафақат болалар жамоаси, балки педагогик жамоани ҳам ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, яратувчанликни рағбатлантирувчи имконият сифатида кўзга ташланади, таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди.

Махмудова Феруза Халилжановна,
Бахтиярова Мехринисо,
ТДИУ магистрлари

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жаҳонда бўлаётган глобаллашув ва таълим интеграциялашуви жараёнларида бўлажак мутахассисларнинг касбий-ижтимоий тайёргарлигини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Хусусан, малакали мутахассиснинг касбий компетентлигини белгиловчи муҳим мезон сифатида касбга йўналтирилган вазифалар билан боғлиқ сифатларни белгилаш, битирувчининг касбий компетентлик сифатларини муҳим сифатлар қаторидаги учликка киритиш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича касбий компетентлигини тадқиқ этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион методларини излаб топиш ва улардан унумли, самарали фойдаланиш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, «Ўзбекистон илм-фан,

интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт».

Дарҳақиқат, бугунги кунда таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим муассасалари муҳим ўринни эгаллайди. Шу боис, олий таълим муассасаларини иқтисодиётнинг реал секторидаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ривожлантириш талаб этилади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълимдаги стратегик йўналишлардан бири – таълим муассасаларининг инновацион фаолияти асосий омил сифатида белгилаб берилаяпти. Ҳозирги шароитда ҳар бир бўлажак мутахассис таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб етиши ва уни амалиётда таълим муассасаларининг инновацион жараёнларига қўшилишидаги аҳамиятини англаб етиши ҳамда яратиш имкони мавжуд бўлган инновацион майдонда ўзини кўриш ва энг муҳими, янгиликларни ўзлаштиришдан иборат.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари таълим соҳасидаги амалга оширилаётган янгиликлар талабаларнинг мустақил фаоллигини оширишни, ўқув машғулотларида ноанъанавийликка асосланилган усулларга кўпроқ ёндашишни тақозо этади. Талаба шахси камолотида берилаётган мустақил ўқув топшириқлари, муаммоли ечимга қаратилган мунозарали дарс шакллари ва аудиовизуал воситаларга асосланилган ўқув материаллари кучли ижтимоийлаштирувчи таъсир аҳамиятига эга. Айнан мана шундай ўқитиш усуллари воситасида талабаларни олий таълимдаги ўқув фаолиятига тайёрлаш, мантиқий ва танқидий тафаккурини шакллантириш, мавжуд қобилиятларини юзага чиқаришга имкон яратилади. Бу эса ўз-ўзидан ўқитувчи-талаба ҳамкорлигини талаб этадиган педагогик фаолиятдан иборат бўлади. Педагог, одатда, ўқитиш давомида талабалар ўқув маълумотларини қанчалик ўзлаштирганликлари, аниқ билимларга эга бўлганликларидан хабардор бўлсагина, талабани янги билимлар билан қуроллантира олади.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда, асосан, интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол методлар жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талаба-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- талабани дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;

- талабаларнинг ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;

- педагог ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолиятининг ташкилланиши.

Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларни қўллаш орқали узлуксиз таълим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Педагогик технологиялар таълим бериш ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш ёрдамида талабаларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятини берувчи ўқув воситалари бўлиб, у ўзига хос дидактик ва услубий асосга эга. Шунингдек, замонавий педагогик технологиянинг энг асосий негизи ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқдир.

Олий таълим муассасаларида иқтисодий фанларнинг ўқитилиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида педагогик технологияларни замонавий ахборот технологиялар имкониятлари асосида уч турдаги ўқув машғулотларига, яъни маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ҳолда қўллаш тавсия этилади.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларида инновацион технологияларни ўқитиш жараёнида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий омилкорликларини шакллантириш, методик маҳоратини кўтариш, уларни замонавий технологиялар билан қуроллантириш омили бўлиб қолмоқда.

Орипова Феруза Мелиевна, *ўқитувчи,*
Жиззах давлат педагогика институти

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ИЖОДИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнида шахсни ривожлантириш ва тарбиялашнинг устуворлик тамойилига тўла амал қилмаслик таълим соҳасида муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Таълим мазмуни ва уни ташкил этиш, асосан, талабаларга назарий билимларни беришдан иборат бўлиб қолмоқда. Таълим жараёнига инновацияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тарбиялаш жараёни ривожланиб борувчи тарбиявий вазиятларнинг ўзаро мажмуидир. Унда мутахассисларнинг ўзаро алоқадорлиги содир бўлади. Кадрларни мақсадга мувофиқ шакллантириш жараёнида фақатгина бошқариш эмас, балки қўйилган мақсадга эришишга қаратилган ўзаро алоқалар ҳам амалга оширилади.

Тарбия жараёнининг муваффақияти жуда кўплаб омиллар, бир қатор вазиятлар кадрларнинг ўзаро муносабати, шунингдек, мулоқотларини ташкил этиш чоғида амал қилинувчи қоидаларга ҳам боғлиқ бўлади. Мулоқотлар бўлажак иқтисодчи мутахассислар меҳнатининг ажралмас қисми асосидир. У мутахассисдан касбий фаолият асосларини билишни, фаолиятни ҳамда ўзининг руҳий ҳолатини бошқара олишни, мулоқотларни ташкил этиш маҳоратига эга бўлишни тақозо этади.

Ҳар қандай таълим жараёнида мутахассисларга тарбиявий таъсир этиш имконияти мавжуд. Хусусан, шахснинг тўла шаклланиши ва ҳар томонлама ривожланиши, шарқ мутафаккирларининг педагогик меросини ўрганишда миллий ўзликни англаш, шахсда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, касбий-педагогик мулоқотлар асосларини эгаллашда шахснинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш ва ҳоказо.

Тадқиқот жараёнида бўлажак иқтисодчи мутахассислар томонидан таълимнинг тарбиявий имкониятларини кучайтириш борасидаги назарий ва амалий билимларни ўрганиш бир қатор омиллар асосида кечиши аниқланди.

Бизнинг назаримизда, таълим муассасаларида машғулотлар ўтиш жараёнида таълимнинг тарбиявий имкониятларини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга ва қуйидагилар етакчи ўринни эгаллайди:

- мақсадга эришиш йўлида ўқитувчилар ва талабаларнинг ҳамкорлигини таъминлаш;
- ўқитиш жараёнининг давомийлиги (мазкур жараёнда талаба мунтазам равишда турли вазиятлар таъсири остида бўлади, ана шу вазиятда унда муайян шахсий тажриба ортади);
- психологик ва педагогик талабларга мувофиқ ўқув-тарбиявий жараённинг мажмуавийлиги, таълим субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатиш.

Бўлажак мутахассисларни тарбиялаш бўйича чуқур билимлар зарур бўлади. Ахборот-ўрганиш маърузаларида хабар бериш, таъкидлаш, ишонтириш, тушунтириш, асослаб бериш, ҳикоя қилиб бериш, баён этиш, тизимлаштириш, таърифлаш, умумлаштириш, хулоса, якунлаш каби методлардан фойдаланилади.

Ўзаро фаол, инсонпарварлик ғоялари асосида ташкил этилувчи касбий-педагогик мулоқотлар унинг иштирокчилари бўлган субъектларнинг индивидуал-ижодий ривожланишига ёрдам беради. Ушбу вазиятда бўлажак мутахассис кадрлар ҳаракатлари тартибга солинади, эмоционал-ижобий муҳит яратилади, уларнинг эмоционал-психологик бирлиги таъминланади, ҳамкорликда фаолият юритиши учун яхши ўзаро муносабатлар юзага келади. Буларнинг ҳаммаси кадрларга тарбиявий таъсир кўрсатиш, шунингдек, уларнинг фаол мулоқотларига ижобий таъсир кўрсатишнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Тарбиявий йўналишдаги касбий мулоқотларда мутахассисларнинг ҳаёт фаолияти ва ёшини ҳисобга олиб, бошқариш зарур. Ўқитиш-тарбиялаш ишларида иқтисодчи-мутахассислар ўртасидаги мулоқотларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш инсонпарварлик муносабатларининг юзага келишига ёрдам беради. Атрофдагилар билан мазмунли муносабатларга сабаб бўлади – шахс шаклланиши ва ривожланиши самараси ошади. Таълим муассасаларида бўлажак иқтисодчи мутахассисларнинг фаол ҳаётий мавқелари шаклланади.

Касбий мулоқотлар жараёнида қандай қилиб самарали тарбиявий таъсир кўрсатиш мумкин? Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги шартларга риоя қилиш зарур:

- мулоқотлар жараёнида маълумотларнинг бўлажак мутахассисларда мавзуни ўрганишга бўлган қизиқишини уйғота олиши;

- ушбу даврда қизиқарли, мазмунли, тарбиявий таъсирга эга бўлган материаллардан фойдаланиш;

- бўлажак мутахассисларнинг ижобий сифатларига таянган ҳолда салбий одатларни бартараф этиш;

- саволларнинг мантиқли, саводли, ўринли берилишига эришиш;

- суҳбатдошини тинглай билиш, унга нисбатан ҳурмат билдириш, диққатнинг барқарор бўлишига эришиш, хушмуомалалик, қизиқувчанлик;

- бир-бирини тушуниш, бир-бирига қизиқиш, ғамхўрлик қилиш, ҳамкорликка асосланган ўзаро мулоқотларни ташкил этиш, бир-бирига таъсир кўрсатиш;

- мулоқот жараёнида эмоционал бирликка эришиш.

Кузатишлар кўрсатишича, касбий-педагогик мулоқотлар асосларини ҳисобга олган коллежнинг педагоглари бевосита ўқув-тарбиявий ишларни олиб боришда муваффақиятларга эришадилар.

Ҳозирги шароитида таълим жараёни ўзаро ҳамкорликка ва ижодий тажриба алмашинишга асосланилган жараён ҳисобланади. Таълимда самарали ўқитишнинг ташкил этилишига эришишда бир қанча таълим турларидаги жорий этилаётган ўқитишнинг янги шаклларини жорий этиш ўта муҳим. Ўзлаштирилаётган билим ва малакалар қанчалик тажрибадаги мавжуд бўлган маълумотлар билан ассоциатив боғлиқлик ҳосил қилса, уни ўзлаштириш ва хотирада сақланиши осон кечади. Шу маънода олий таълимдаги жорий этилаётган самарали ўқитиш усулларининг қўлланилиши талабаларнинг илмий ижодиётини ўстиришга, мустақил фикрий таҳлилини оширишга ва ўз устида ишлашга кенг имкон яратади. Бугунги кунда таълим соҳасидаги амалга оширилаётган янгиликлар бўлажак мутахассисларнинг мустақил фаоллигини оширишни, ўқув машғулотларида ноанъанавийликка асосланилган усулларга кўпроқ ёндашишни тақозо этади.

Бўлажак мутахассисларнинг шахси камолотида берилаётган мустақил ўқув топшириқлари, муаммоли ечимга қаратилган мунозарали дарс шакллари ва аудиовизуал воситаларга асосланилган ўқув материаллари кучли ижтимоийлаштирувчи таъсир аҳамиятига эга. Айнан мана шундай ўқитиш усуллари воситасида бўлажак мутахассисларни олий таълимдаги ўқув фаолиятига тайёрлаш, мантиқий ва танқидий тафаккурини шакллантириш, мавжуд қобилиятларини юзага чиқаришга имкон яратилади. Бу эса ўз-ўзидан педагог-талаба ҳамкорлигини талаб этадиган педагогик фаолиятдан иборат бўлади. Педагог, одатда, ўқитиш давомида талабалар ўқув маълумотларини қанчалик ўзлаштирганликлари, аниқ билимларга эга бўлганликларидан хабардор бўлсагина, талабани янги билимлар билан қуроллантира олади.

Шунга кўра, педагог ўз олдига талаба ўқув ахборотлари, маълумотларнинг мазмунини тушуниши, ўзлаштириб олиши ва амалда қўллай олишини ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу, одатда, ўқув мақсади деб юритилади. Зеро, у таълим жараёни охирида кутилаётган натижа

тавсифидир. Таълим жараёни икки жонли мавжудотнинг иштирокида кечганлиги сабабли педагог ўргатиш мақсадини, талаба ўрганиш мақсадини амалга оширади.

Умуман, таълимдаги таъсирчан усуллар, онгли мақсадга асосланган ёндашувлар шахснинг ҳар томонлама камолотини таъминлайди. Баркамол шахс шаклланишида мустақил фикрга эга бўлиш, воқеликни тўғри таҳлил қила олиш ва онгли муносабат билдириш муҳим такомиллаштирувчи аҳамиятга эга.

Турдахматов Абдулазиз Абдусаломович, *преподаватель, кафедра «Телекоммуникационный инжиниринг»* ТУИТ ФФ ,
Жалолова Мохигул Одилжон қизи, *преподаватель, кафедра «Психология» ФГУ*

АКТУАЛЬНОСТЬ СОЗДАНИЕ УЧЕБНИКОВ НА ОСНОВЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Продиктованное высокой конкурентной средой, в области трудоустройства кадров выявляет новые тенденции в области педагогической подготовки преподавателей для повышения качества образования и осуществления высококачественного обучения учащихся, что в свою очередь должно повлиять на выпуск квалифицированно-подготовленных в своих областях специальности готовых кадров.

В нашем веке наука дает невероятные открытия, объясняет сложные процессы, происходят глобальные процессы, связанные с универсальными технологиями. Для воспитания гармонично развитой личности, современные педагогические технологии играют наиважнейшую роль обеспечивая их всестороннее развитие и дает возможность правильно организовывать учебные и воспитательные процессы.

Для качественного получения знаний молодёжью, большую значимость имеют литература и учебники, которые они читают. В быстро изменяющемся веке, требуется постоянное обновление учебников и обогащение их все новыми актуальными данными относящихся к предмету обучения. Исходя из вышеуказанного, в процессе реформ высшего, средне-специального, общеобразовательного, прецессионного образования учитывается и уделяется особое внимание для обновления и усовершенствования всех стандартов образования по предметам, созданию новых современных учебных программ, учебников и учебной литературы.

Создание и внедрение электронных учебников, пособий по учебным предметам способствует переходу на новый качественный уровень обучения. Эти инструменты открывают пути для исследований, достижения новых целей и успеха для педагогов и учащихся живущих в веке информационных технологий.

В числе полезных свойств созданных электронных учебников для профессоров преподавателей можно привести:

- применение электронных учебников в процессе обучения способствует повышению грамотности пользованием компьютерными технологиями;

- раскрываются способности ученика усвоения нужных материалов по предмету;

- появляется возможность в удобный момент и в удобное время повторить и укрепить пройденный материал;

- помогает экономить драгоценное время и силы профессоров преподавателей тем самым направить эти ресурсы в более важные сферы научной деятельности;

- ученики получают возможность анализировать разные данные по пройденным лекционным занятиям что в свою очередь развивает и укрепляет способы рационального мышления;

Электронный учебник - является инструментом обучения и познания, его структура и содержание зависит от целей его использования. Он и репетитор, тренажер и самоучитель. Особую значимость он приобретает при использовании в телекоммуникационных системах.

Известно, что для решения определенной проблемы на компьютерных вычислительных технологиях, для начала нужно смоделировать ее модель и составить алгоритм, после этот алгоритм пишется в виде указаний и команд на основе определенных законов и правил, которые может понимать компьютер. Так, программа – является последовательностью указаний для решения какой-либо задачи компьютером.

В это время происходящие инновационные процессы выявляют вопросы в области системы образования для решения которых необходимо воспитать поколение личностей, способных усвоить новые информационные данные и способные к самостоятельной оценке полученных информационных данных, принимающие самостоятельное решение, здравомыслящих, имеющие свое независимое мнение.

Поэтому в учебных заведениях для организации учебного и воспитательного процесса роль современных методов обучения – интерактивных методов, инновационных технологий считается великой.

Другими словами методы интерактивного обучения - это специальный вид организации знаний и коммуникативной деятельности, в нем обучающееся привлекаются к процессам познания, они получают возможность понимать и осмысливать полученную и уже имеющееся знания.

Для оживления этого процесса требуется, у учителя глубокомыслие, высокие нравственные и морально этические качества, иметь педагогическое мастерство, проводить уроки при помощи современных педагогических технологий и высокоэффективных интерактивных методов обучения.

Из этого мы можем сделать вывод, что для выполнении вышеприведенных требований, электронные учебники открывают двери очень больших возможностей, при этом нам для создания прикладных программ основанных на мультимедийных технологиях можно воспользоваться представленным очень удобным в использовании с предельно простым

интерфейсом программой Autoplay Media Studio который будет понятным при проектировании пользователями начального уровня.

Для этого было нужно создать web-страницы подготовленные на MS Word, после еще более усовершенствовать на основе программы DREAMWEAVER.

Естественно возникает вопрос для чего это - ?. Это пригодится для разнообразия и поскольку файловые расширения “.html” “.htm” на MS Word составляет большой объем, что позволяет предотвратить это, так же при помощи программы Autoplay Media Studio можно воспользовавшись несколькими готовыми шаблонами проектов сделать среду прикладной программы с интересной дизайнерской мыслью.

Электронный учебник после конвертирования, представляет собой последовательность страниц, содержащих изображения, в которых заключен весь текстовый материал, формулы, графики и рисунки, а также вложенные видео и звуковые материалы, тестовые блоки и элементы навигации.

Autoplay Media Studio так же представляет возможность написания сценариев, конечно это дело является несколько трудоемким. Но это способствует эффективному использованию современных технологий и методов обучения, гармонично воспитывает ряд качеств учеников, у молодого поколения повышается интеллектуальный потенциал, понимания профессионализма и мастерства. В частности, разбудить интерес и сформировать какие-либо представления у учеников начальных классов представляет сложный процесс нежели у учеников старших классов. В таких обстоятельствах для учителя учебники, разработанные на основе вышеприведённых программ наполненные разнообразными цветными графиками дает шанс получить результат высшего качества.

Турсунова Умидахон Агзамовна, *ўқитувчи,*
ТДИУ Инглиз тили кафедраси

БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА КАСБИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Юксак малакали кичик мутахассисларнинг истеъмолчилар талабларига қараб тайёрланиши, талабаларни танлаган ихтисосликлари бўйича билим, кўникма ва малакаларининг шакллантирилиши мустақил равишда билим олишга ва амалий фаолиятга ўргатилиши таъминланиши керак.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида педагогик технологиялар, инновациялар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ қилиш, кўпроқ талабаларни мустақил ишлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яна бир жиҳати муҳимки,

олий таълим муассаларида таълим олаётган талабаларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллашлари учун махсус фанларни ўқитишни самарали ташкил қилишни таъминлаш лозим.

Ҳар қандай жамиятда бўганидек, республикамизнинг тараққиётида бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга бардош бера оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Мутахассис кадрлар тайёрлаш, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш борасида ҳам сўнгги йилларда кенг кўламли ишлар қилинди ва қилинмоқда. Жумладан, тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги, тадбиркорлиги, фаоллиги, мулоқот компетенцияси каби хислатларини таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мустақил ишни қандай бажаришни ҳар бир талабанинг ўзи ташкил этади. Мувафаққиятга эришиш учун талабанинг ўзи сабр-тоқат билан, машаққатлардан қўрқмай ўз устида ишлаши керак. Буни эса талабанинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

Демак, пировард мақсад талабаларга мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш омиллари ҳақида назарий билимлар бериш, уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун, улар билан якка ҳолда шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мустақил ишлаши, мустақил билим олишлари учун кенг йўл очиб беришда талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш элементларини қўллаш шу куннинг заруратига айланиши керак.

Шахс ижтимоий муносабатлар маҳсули дейилишининг энг асосий сабаби унинг доимо инсонлар даврасида, улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлишини англатади. Бу шахснинг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан бири мулоқот эканлигига ишора қилади.

Инсоний муносабатлар шундай ўзаро таъсир жараёнларики, унда шахслараро муносабатлар шаклланади ва намоён бўлади. Бундай жараён дастлаб одамлар ўртасида рўй берадиган фикрлар, ҳис-кечинмалар, ташвишу қувончлар алмашинувини назарда тутади. Инсонлар мулоқотда бўлишгани сари, улар ўртасидаги муносабатлар тажрибаси ортган сари улар ўртасида умумийлик, ўхшашлик ва уйғунлик каби сифатлар пайдо бўладики, улар бир-бирларини бир қарашда тушунадиган ёки «яримта жумладан» ҳам фикр аён бўладиган бўлиб қолади, айрим ҳолларда эса ана шундай мулоқотнинг тиғизлиги тескари реакцияларни – бир-биридан чарчаш, гапирадиган гапнинг қолмаслиги каби вазиятни келтириб чиқаради. Яъни мулоқот фаолияти шундай шарт-шароитки, унда ҳар бир шахснинг индивидуаллиги, бетакрорлиги, билимлар ва тасаввурларнинг хилма-хиллиги намоён бўлади ва шуниси билан у инсониятни асрлар давомида ўзига жалб этади.

Бугунги кунда бўлажак мутахассисларнинг энг табиий бўлган мулоқотга эҳтиёжи, унинг сирларидан хабардор бўлиш ва ўзгаларга самарали таъсир эта олишга бўлган интилиши янада ошди ва бунинг қатор сабаблари бор.

Биринчидан, индустриал жамиятдан ахборотлар жамиятига ўтиб бормоқдамиз. Ахборотларнинг кўплиги айнан инсон манфаатига алоқадор

маълумотларни саралаш, у билан тўғри муносабатда бўлишни тақозо этди. Ахборот XXI асрда энг нодир капиталга айланди ва бу, ўз навбатида, инсонларга зарур ахборотлар узатилиши тезлиги ва темпини ўзгартиради.

Иккинчидан, турли касб-фаолият соҳасида ишлаётган одамлар гуруҳининг кўпайиши, олий таълим муассасаларида талабалар сонининг ўсиши, улар ўртасида муносабатлар ва алоқанинг долзарблиги ахборотлар тиғиз шароитда оддийгина мулоқотни эмас, балки профессионал билимдонлик асосидаги мулоқотни талаб қилади.

Учинчидан, охирги пайтларда шундай касб-ҳунарлар сони ортдики, улар социономик гуруҳ касблар деб аталиб, уларда «одам-одам» диалоги фаолиятнинг самарасини белгилайди. Масалан, педагогик фаолият, бошқарув тизими, турли хил хизматлар (сервис), маркетинг ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай шароитларда инсонларнинг атайлаб мулоқот билимдонлигининг оширилиши меҳнат маҳсулини белгилайди.

Шунинг учун ҳам мулоқот, унинг табиати, техникаси ва стратегияси, мулоқотга ўргатиш масалалари билан шуғулланувчи фанларнинг ҳам жамиятдаги ўрни ва салоҳияти кескин ошди.

Муомала шахслараро муносабатларнинг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар ўзаро психик жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашинадилар, таъсир ўтказадилар, таъсирланадилар, идрок этадилар, тушуниш ва баҳолаш жараёнларини кечирадилар. Шунинг учун муомала ижтимоий психологик ҳодиса, ижтимоий категория сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида бевосита иштирок этиб, ҳамкорлик фаолиятининг моддий, маънавий, эмоционал, когнитив, мотивацион, регулятив қирраларини акс эттирувчи объектив ва субъектив эҳтиёж сифатида вужудга келади, ижтимоийлашувнинг асосий омили, негизи вазифасини бажаради.

Олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш режалаштирилган.

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш, касбий йўналганлик, мулоқот компетенциясини ривожлантириш ва унда мустақил ишлаш ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда.

Талабани мустақил, ижодий ва мулоқот компетенциясини шакллантиришга хизмат қиладиган таълимнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёни илмий жиҳатдан асосланган қонуниятларга таянган ҳолда ташкил этилади;
- талаба билан тақдим этилган ахборотлар орасида алоқадорлик вужудга келади;

•мазкур технологиянинг йўналишлари, қисмлари талабани фикрлаш ва мулоқотга ундайди;

•ҳар бир ўқув вазияти, ўқув дақиқасида ўқитувчи мулоқотга ундовчи субъект сифатида намоён бўлади;

•бўлажак мутахассисларнинг мустақил, ижодий ва мулоқот компетенциясини ривожлантириш учун, асосан, ўз устида ишлаш тавсия қилинади;

•талабаларни билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган технологиялар ялпи таълим жараёнини ўзаро ҳамкорлик, биргаликда режалаштириш, мулоқотга киришиш, фикрлаш асосида амалга оширилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, замонавий таълим шароитида юксак малакали мутахассисларни истеъмолчилар талабларига қараб тайёрланиши, уларни танлаган ихтисосликлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантирилиши, мустақил равишда билим олишга ва амалий фаолиятга ўргатилиши таъминланиши давр талабидир.

Файзиева Гулнигор Хушвақтовна,
ТДИУ магистри,
Бойназарова Дилрабо Турсунпўлатовна,
50-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИАГНОСТИК ТИЗИМИ

Бугунги кунда таълим муассасалари олдида таълим-тарбия бериш соҳаларига малакали ва билимдон мутахассислар етказиб бериш масаласи долзарб бўлиб турибди. Таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби таълимнинг тўртта шартини чуқур ўзлаштирган бўлишлари керак, булар: ўз фанини аъло даражада билиш, ўз касбини жон-дилидан севиш ва ўқувчи-талабаларда фанларга нисбатан қизиқиш уйғотиш, синаб кўриш ва амалий ишларни ҳозирги давр талаблари асосида уюштириш, чуқур билимга эга бўлиш кабилар. Булар, ўз навбатида, бўлажак мутахассисларнинг сифатини янада яхшилашга, уларни ижодий фикрловчи ва ташаббускор мутахассислар қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

Инновацияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш тўғрисида фикр юритар эканмиз, яна бир муҳим ҳолатни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бу ҳам бўлса технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилувчи ўқитувчи шахсидир. Ҳар қандай технология ўқитувчининг ақл-заковати, шахсий ва касбий маҳорати орқали таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиниб, ўқув жараёнини интерфаол метод асосида ташкил этишда юксак маҳорат ва малака талаб этилади. Интерфаол методларнинг қандай жиҳатларини таҳлил қилмайлик, унинг асоси таълим самарадорлигини оширишга, яъни кам вақт сарфлаб, кўпроқ сифатли натижага эришишга қаратилган. Қўлланиладиган

интерфаол методлар натижаси эса биринчи навбатда педагогнинг маҳоратига, методларни тўғри танлашига ва улардан моҳирона фойдаланишга боғлиқдир.

Таълим соҳаси учун ўқув муассасаларида олган билим, кўникмалари ва тажрибани инсон муносабатлари ҳамда жамият тузилишининг оқилона моделида фойдалана оладиган, ўзгариб бораётган бозор муҳитида тез мослаша оладиган, таваккалчилик шароитида мустақил қарорлар қабул қила оладиган, бир хил бўлмаган ечимларни топа оладиган, киришимли ва ижтимоий-мосланувчан мутахассисларни тайёрлаш лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодий фанларни ўқитиш янгича ёндашувни талаб этади, бу эса касбий фанларни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш технологиясини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш демакдир.

Модомики, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари, шунингдек, ақлий ривожланиши, билимларни ўзлаштириши, фикрлаши, хотираси, тасаввур этиши натижавий омиллар бўлса, унда ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишга таълим ва ўқувчиларни ривожлантириш мақсади асос бўлади.

Таълим технологиясида мақсадга етишишга олиб борадиган ўқитиш ҳаракатлари назарда тутилади. Ҳар бир кейинги ўқитиш ҳаракатлари умумий ўқитишнинг технологик стратегиясига киритилади. Ўқитувчи ва ўқувчининг мўлжалланган ўзаро фаол ҳаракати ўқув-педагогик жараённинг муваффақиятли ҳаракатини аниқлайди. Агар технологияда ўқувчилар ҳаракатининг қатъий кўрсатмалари ўрни бўлса, унда ўқувчиларнинг алгоритмлашган ҳаракатлари билан уларнинг мувофиқлиги бирмунча тўлиқ бўлади ҳамда технология ўқувчилар ҳаракатида баъзи эркинликларни мўлжалласа, унда кўрсатилган ва амалий ҳаракат мослиги ўқув жараёнининг бошқарувини тўғрилаш йўллари орқали эришилади.

Педагогик технология ўқув билиш қонуниятларини акс эттирувчи, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ахборотли бошқарувининг дидактик тузилишидир. Технологияда тақдим этилган ўқитувчининг дидактик ақлий фаолияти ўқитишнинг инновацион шароитини таъминлаш учун зарур педагогик ҳаракатларни олдиндан аниқлаш билан боғлиқ.

Технология концептуал ёндашувларга асосланиб, биз касбий фанларни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишга асосланган машғулот мазмуни ва технологияни ишлаб чиқдик. У ўзида зарур психологик-педагогик муолажалар тўплами билан тўлиқ технология таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлигини, ўқувчиларда маълумотли кўникмаларни ўқув касбий фаолиятнинг аниқ шароитга ўтказишни ифодалайди.

Машғулот технологиясини ишлаб чиқишда ўқитувчига зарур ҳолатда ўз вақтида бошқарув ечимини қабул қилиш имконини ва охирги натижага етишиш жараёнига тузатишлар киритиш, белгиланган мақсадга эришилган натижаларнинг мувофиқлик даражасини аниқлашни таъминлайдиган бошқарув ва ахборотларни йиғишнинг қуйидаги усул ва воситаларидан фойдаланилди:

- ўқув материаллар: ўқув лойиҳа, ўқув ахборотлари, ўқув адабиётлар, йўриқномалар, плакатлар, ўқув топшириқ мажмуалари;

- ўқитишнинг техник воситалари: проектор, компьютер;
- таълим-тарбиянинг бошланғич ва ҳозирги ҳолати диагностикаси. Бу таълим жараёнининг боришида ҳамма томонларини равшанлаштириш, яъни маҳсулдорликка ўтиши боис уни аниқ натижа билан аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилишдир.

Назорат – таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни билдиради. Текширув ўқувчи билан бизнинг қайтар алоқамизни, ўқув материалини ўзлаштириш даражасининг ҳақиқий ахборотини олиш, билим, кўникма ва малакалардаги камчилик ва бўш жойларни ўз вақтида аниқлашни таъминлайди.

Таълим жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун бир қатор вазифаларни бажариш лозим. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;
- ўқувчиларда дунёқарашни, ишонч ва эътиқодларини ўстириш;
- ўқувчиларнинг маънавиятини бойитиш ва тарбиялаш;
- ёшларнинг ички имкониятлари, қобилиятлари ва истеъдодларини очиш ҳамда ўстириш.

Ушбу вазифаларни бажаришда дифференциялашган ёндашувнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки дифференциация (яъни якка ҳолдаги ёндашув) ўқувчи шахсини чуқурроқ ўрганишга, кучли ва заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради. Ўқувчи шахси чуқурроқ ўрганилгандан кейингина унга мос бўлган методлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқ. Барча ўқувчилар учун умумий методлар қўллаш таълимни кўр-кўрона олиб бориш билан баробар ва бу ҳолда таълимнинг самараси жуда паст даражага эга бўлади. Таълимни дифференциациялаш муаммоси ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда маълум даражада ўз ечимини топмоқда ва айтиш керакки, бу ечимлар ижобий ютуқларни қўлга киритишга ёрдам бермоқда.

Таълимда ёшларни билим, кўникма, малакалар билан қуроллантириш, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ривожлантириш жараёнида баҳолаш ва билимларни текшириб туриш муҳим аҳамият касб этади. Баҳолаш таълим тизимида фойдаланилаётган методлар қанчалик самарали эканлигини, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, бугунги кунда республикамизда таълим самарадорлигини оширишда, ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйишда ўқувчиларнинг ақлий имкониятлари, захиралари, умумий савияси, билимларни ўзлаштириш даражаси, ўқишга муносабати, ўз-ўзини бошқариш даражасини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларда учрайдиган ижтимоий-психологик, билишга оид касбий қийинчиликларнинг олдини олиш учун таъкидлаб ўтилган мезонларни аниқлаш кўзланган мақсадни амалга ошириш сари етаклайди. Чунки ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ҳамкорлик фаолияти кўлами қанча кенг бўлса, билимларни ўзлаштириш даражаси шунчалик юқори, ўз-ўзини бошқариш эса пухта эгалланган бўлади. Ўзаро таъсир ўтказиш доираси қанчалик кенг бўлса, у ҳолда муаммоларни ҳал қилиш жараёни шунчалик тез амалга оширилади.

Яхёева Гулнора Бахтиёровна, *ассистент,*
Ўзбек ва чет тиллар кафедраси,
Навоий давлат кончилик институти

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Замонавий таълим тизими бўлажак мутахассисларни креатив ёндашувлар асосида ижодий, касбий лаёқатини тарбиялаш механизмларини ва уларни амалиётга жорий этишнинг инновацион тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан таълим соҳасида мутахассисларнинг тарбиялаш инновацияларини яратиш, янги билимларни яратувчи замонавий педагогик жараёнлар асосида когнитив фикрлаш қобилиятини тарбиялаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ҳар бир шахс дунёни англаши, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиши, ер юзасидаги турли халқлар ва миллатлар дунёқараши, ғояси, маслак-муддаоларини билиш учун ҳам танқидий фикр юрита олиши давр талаби бўлмоқда. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва мухолиф билан баҳсга киришиши учун ҳар бир инсон танқидий фикрлай олиши зарур. Тадқиқотчилик асосида фаолият олиб боришнинг аҳамияти жамоа асосида, ахборотларни қабул қилиш, уларга ўз муносабатини билдириш, хатолик ва номувофиқларини излаш, ўз мулоҳазаларида хатоликка йўл қўймасликка интилиш, тушунмовчиликларини англаш, фикрлаш, аниқ ҳулосалар чиқаришга йўллашдан иборат. Таълимнинг бугунги вазифаси эса талабаларни кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан онгли тафаккур орқали оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат.

Талабаларнинг ижодий фаолияти бу янги билимларни ишлаб чиқиш жараёни, билиш фаолияти туридан биридир. Унга объективлик, ишончлилик, аниқлик хос. Мавзуни белгилаш, мавжуд ахборотни, тадқиқот соҳасидаги шарт-шароит ва методларни, илмий фаразларни олдиндан таҳлил этиш, тажриба ўтказиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, келиб чиққан

фаразларни олинган далиллар асосида текшириш, янги факт ва қонунларни ифодалаб бериш, илмий башорат юритиш тушунилади. Ижодий фаолият ғоя ва имкониятларни, янги билимларни ишлаб чиқиш билан уйғунлашуви, концепция ва ахборотларни қайта фикрлаш ва қайта қуришдек мураккаб жараёндир. Бу фаол ва интерактив билишнинг бир неча даражаларида бир вақтда рўй берадиган жараён ҳам ҳисобланади.

Ҳар бир таълимот ўзининг назарий ҳамда амалий асосларига эга бўлади. Ижодий фаоллигини ривожлантирувчи стратегиялар борасидаги илк ғоялар илгари сурилган даврлардаёқ унинг назарий асослари билан бирга уни амалиётга татбиқ қилишнинг умумий асослари ҳам яратила бошланган. Ижодий фаоллигини ривожлантирувчи стратегиялар назарий ва амалий асосларини унинг мақсади, объекти, асосий тушунчалари, мезонлари ва шу кабилар ташкил этади.

Талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантирувчи стратегиялар умумий моҳияти хусусида сўз юритиш учун, аввало, ушбу тушунчанинг туб маъносини англаш талаб этилади. Бугунги кунда танқидий ривожлантирувчи стратегиялар тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, шу сабабли ҳар бир ўқитувчи ўрганган адабиётлар ва амалий тажрибаси асосида ўзи учун энг мақбул деб ҳисобланган таърифни қабул қилиши ёки улардан келиб чиққан ҳолда ўз таърифини шакллантириши мумкин.

Ўқитиш жараёнида ижодий фаоллигини ривожлантирувчи стратегиялардан фойдаланишда талабалар танқидий фикрлашини ўрганишда замонавий дидактика ўқиш жараёнида улар изланувчилик билан шуғулланувчи таълим психологияси ютуқларидан кенг фойдаланади. Ўқув материали ёш ва мазмунга боғлиқ ҳолда бу фаолиятнинг ўзига хослиги таълим жараёнида психологик қонуниятларни ўрнатади, ижодий фаоллик жараёнида талабаларнинг индивидуал ва типик хусусиятларини кўриб чиқади.

Ўзлаштириш жараёнида таҳлилий-синтетик фаолият, шунингдек, қиёслаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш ва аниқлаштириш каби фикрий операциялар муҳим роль ўйнайди.

Бўлажак касб эгасининг биргаликдаги (гуруҳий) фаолияти, ҳамкорлиги, шунингдек, профессонал мулоқотнинг шу касбга доир қабул қилинган усуллари ҳамда ўз меҳнати натижалари учун ижтимоий жавобгарлиги ижтимоий билимдонлик саналиб, иқтисодий таълим жараёнида унинг шакллантирилишида кейс усулининг роли ўзгача. Бу усул бўлажак касб эгасига вазият, асосий муаммолар ва уни ечиш йўллари ҳақида гуруҳий қарашларни ўзлаштиришга, қабул қилаётган энг мақбул қарорлари юзасидан жавобгарликни ҳис этишга ҳамда ўз ақлий соҳасини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Шунингдек, фанда шахсий ўзлигини ифодалаш ва ўзини-ўзи ривожлантириш усуллари ҳамда унинг касбий «бузилиши (деформацияси)»га қарши тура олиш воситаларини эгаллаши шахсий билимдонлик, деб эътироф этилиб, унинг шаклланишида ўқув фильмларининг аҳамияти беқиёс. Бу усул ёрдамида бўлажак касб эгасининг ўзини-ўзи идрок қилиш, ўзининг яхши ва

ёмон сифатларини тўғри баҳолаш, ўзининг тўғри ёки нотўғри амалларини ички назорат қила олиш хусусиятлари шакллантирилади. Бундай билимдонликка эгалик иқтисодчи-педагогда «касбий ўзини-ўзи англаш» жараёнини тезлаштириб, «профессионал менталитет» моҳиятини очиб беради.

Касбий таълим ва профессионал билимдонлик контекстида шахс масаласи тадқиқ этилар экан, ўзгаришлар шароитида ўзи ҳақида аниқ тасаввури шаклланмаган, ўз имкониятлари ва қобилиятларини аниқ била олмаган инсон нафақат ҳаётда, балки у ёки бу нарсага эътиқодда ҳам бироз оқсаши мумкинлигини алоҳида эътироф этиш мумкин. Олий таълимнинг касбий таълим (ижтимоий-иқтисодий соҳа) йўналиши бўйича таҳсил олаётган ёшларнинг кўпчилигида ўз иқтидорига нисбатан ва қобилият, имкониятларига нисбатан нотўғри тасаввурлар бор. Бундай тасаввурларни бартараф этишга хизмат қиладиган профессионал билимдонликни ошириш, охир-оқибат, талаба-ёшлар орасида ўз касбига содиқлик ва маҳоратга эришиш мотивациясини шакллантириш амалиётда учраб турган баъзи бир нохушликларнинг олдини олишга ҳам асос бўлади.

Джураева Мухайё Тўраевна, *катта ўқитувчи,*
Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ МАРКАЗИ ПСИХОЛОГИНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИ МЕЗОНЛАРИ

Бугунги кунда ҳар қандай фаолият билан ишловчи мутахассисга самарали натижага эришиши учун касб мезонларига амал қилиш зарурлиги тавсия этилади. Мутахассис психолог эса нафақат ўзгаларга тавсия бериши, балки шахсан ўзи амал қилиши лозим бўлган мезонлар мавжудки, уларга риоя этмаслик мумкин эмас. Психологнинг касбий фаолияти у қайси соҳада (таълим тизими, ишлаб чиқариш, тиббиёт, ҳуқуқ-тартибот, оила хизмати ва ҳоказо) ишлашидан қатъи назар мижозлар олдидаги ўта масъулиятлилиги билан характерланади. Психолог уларга ёрдам бера олиши учун уларнинг ишончига муҳтождир. Психологнинг вазифаси инсоният билимларини кенгайтириш, бу билим ва кўникмаларни айрим индивид ва бутун жамият фаровонлиги учун қўллашдан иборатдир. Психолог инсон шахси дахлсизлиги ва фазилатлари ҳамда одамнинг фундаментал ҳуқуқларини ҳурмат қилиши шарт.

1. Психолог ўз касбий фаолиятида ҳалоллик намоён қилишга ва унга билдирилган ишончни оқлашга мажбур. У ҳар доим жамият олдидаги бурчини ёдида тутиши лозим, чунки унинг ҳаракатлари одамлар ҳаётига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Психолог ҳар бир одамнинг ўз қарашлари ва эътиқодларига мос ҳаракат қилиш ҳуқуқини тан олиши ва ўз касбий фаолиятида объективликка ва тахмин, фаразларга асосланиб фикр юритмасликка интилиши лозим.

2. Психологнинг масъулиятли касбий фаолияти унинг ўз соҳасида ўта билимдон бўлишини талаб қилади. Психолог виждонан тайёргарлик кўриш йўли билан ўз фанининг энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиши шарт.

Шу билан бирга, у касбий фаолиятини тартибга соладиган қоидаларни ҳам билиши керак. Психолог ўзи зарур билим ва малакага эга бўлган хизмат турларинигина таклиф қилиши мумкин. У ўз ишида илмий ва синаб кўрилган методларни қўллайди. Психолог илмий фаоллик принципига амал қилиши ва олинган натижаларни текшириб кўриши керак.

Психологнинг мижозлар ва пациентларга нисбатан хулқи

1. Ўзаро ишончли муносабатлар. Психологнинг мижоз ёки пациент билан ўзаро муносабатлари ҳар иккала томоннинг бир-бирига тўла ишонч ўрнатилиши зарурати туфайли ҳам алоҳида характерга эга. Психолог ўртадаги ўзаро ишонч йўқолган тақдирда касбий мажбуриятни ўз зиммасига олмаслик ёки уни тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Аниқлик киритиш мажбурияти. Психолог мижоз ва пациентни ҳар бир муҳим қадам ёки даволаш характери ҳақида хабардор қилиши шарт. Клиник шароитда психолог беморнинг диққатини эҳтимол тутилган таваккалчиликка ва даволашнинг муқобил методларига қаратиш лозим.

2. Холисликни сақлаш. Клиник психолог ўз мижозлари билан ҳар қандай шахсий муносабатларга киришишдан сақланиши лозим.

3. Индивидуал маслаҳат олиш ва даволаниш ҳуқуқи. Мижозлар психологнинг маслаҳатини олиш ва даволанишда учинчи шахснинг иштирок этишини рад қилиш ҳуқуқига эга. Мижозлар шундай хоҳиш билдиришганда психолог уларга тўсқинлик қилмаслиги лозим.

4. Клиник психологнинг алоҳида мажбуриятлари. Агар психолог клиникадаги даволаш жараёни ижобий натижа бермаслигига ёки мижознинг соғлиги учун хавф туғдиришига ишонч ҳосил қилса, дарҳол таъсир кўрсатишни тўхтатиши лозим.

Психологнинг ҳамкасблари ва бошқа соҳа вакилларига нисбатан муносабатидаги хулқи:

1. **Ҳамкасабаларига нисбатан муносабатидаги хулқи.** Психолог ўз ҳамкасабаларини ҳурмат қилиши ва уларнинг касбий ҳаракатларини асоссиз танқид қилмаслиги шарт. Психолог ўз ҳаракати билан ҳамкасабасининг ишсиз қолиши ёки ўз фаолият соҳасидан сиқиб чиқарилишига йўл қўймаслиги лозим. Агар психолог, ҳамкасабаси ўз касбига нолойиқ ҳаракат қиляпти деб ҳисобласа, биринчи навбатда бу фикрни унинг юзига айтиши керак.

2. **Бошқа касб вакилларига муносабатидаги хулқи.** Бошқа соҳа вакиллари билан муносабатда психолог тоқатлилик, ёрдам беришга тайёрлик, холислик фазилатларини намоён қилиши керак. Бошқа касбларни даражаси бўйича бўлиш ярамайди. Одамларни ишга қабул қилишда психолог ўз билимдонлиги доирасида мустақил ҳаракат қилиши ва қонун талаб қиладиган касб сирини сақлаш мажбурияти ҳақида эслатиб ўтиши лозим. Психолог унга касбий раҳбарлик қилишни фақат ўзига ўхшаган психолог амалга ошириши мумкинлигини эслатиб ўтиши лозим. Шу билан бирга, психолог яна ўзидан талаб қилинадиган нокасбий ва ахлоқсизлик характеридаги талабларни бажара олмаслигини ҳам эслатиб ўтиши шарт.

Маълумотлардан фойдаланиш: 1. Психологик хизматлар тижорат принципларига эмас, фақат касбий принципларга бўйсуниши лозим. 2. Психологлар ўзлари яхши эгалламаган ёки самаралилиги касбий ёки илмий жиҳатдан шубҳали бўлган махсус муолажа, методикалар ёки бошқа услубларни таклиф қилмасликлари керак. 3. Агар психологга унга маълум бўлмаган қандайдир имкониятларни билиши ҳақида маълумот хабар қилинса, у бундай маълумотни рад қилиши лозим. 4. Психологлар мижозлар ёки пациентларга ўзлари кўрсатаётган хизматнинг самаралилигини муболаға қиладиган маълумот бермасликлари лозим.

Психологик тадқиқот ўтказиш. Психологик тадқиқотлар унда одамларнинг текширилувчи сифатида иштирок этишига боғлиқ. Психолог тадқиқотчи билан текширилувчилар ўртасидаги ўзаро муносабат ва бундан келиб чиқадиган масъулият спецификасини англаши текширилувчи шахсининг яхлитлигига ва нуфузига зарар етказмаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим. У текширилувчиларнинг хавфсизлиги, хотиржамлиги, бардамлигини таъминлаш ва пайдо бўлиши мумкин бўлган таваккалчилик имкониятини минимумга тушириш учун ҳамма чораларни кўриши керак. Психологик тадқиқотда иштирок этиш ихтиёрийдир. Текширилувчиларга тадқиқотда иштирок этиш ҳақида қарор қабул қилишлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тадқиқотнинг хусусиятлари ва эҳтимол туғилган таваккалчилик ҳақидаги билимлар уларга тушунарли шаклда хабар қилиниши лозим. Текширилувчиларга яширин кузатишнинг ҳар қандай шакли хабар қилиниши керак. Тўла маълумот бериш ўтказилаётган тадқиқотнинг мазмунига тўғри келмайдиган айрим ҳолатларда уларга амалга оширилаётган дастур ҳақида тўла маълумот бериш имконияти йўқлигини айтиш зарур. Мумкин бўлган ва текширилувчиларга зарар етказмайдиган айрим ҳолларда тушунтириш ишлари эксперимент тугагандан кейин амалга оширилиши мумкин. Психолог текширилувчиларнинг жисмоний ёки психологик ҳолатига зарар етказишга олиб келадиган таъсирларни қўлламаслиги керак. Текширилувчида кутилмаганда стресс реакцияси пайдо бўлса, эксперимент ўша заҳоти тўхтатилиши шарт. Психологик эксперимент алоҳида шароитларда ўтказилиши лозим.

Психологнинг ўз иш шароитини таъминлаши: 1. Психолог ўз вазифасини самарали бажаришига имкон берадиган меҳнат шароитининг яратилишига эришиши лозим. 2. Психолог ҳозирги замон психология фани ва амалиёти нуқтаи назаридан бажариш мумкин бўлмаган муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилиши мумкин эмас.

Сир сақлаш бўйича психологнинг мажбуриятлари: 1. Психолог касби бўйича ўзи билан алоқада бўлган текширилувчиларга тегишли бўлган барча маълумотларни сир сақлаши шарт (текширилувчилар деганда, психологга маслаҳат ёки ёрдам сўраб мурожаат қилган, индивидуал ёки гуруҳли кўрикдан ўтказилган барча шахслар тушунилади). Психолог ўзи ишлаётган ташкилотнинг хизмат сирларини сақлашга мажбур.

2. Психолог оғзаки ёки ёзма илмий маълумот бераётганда касб сирини сақлаши шарт. У ўзига маълум бўлган шахсий маълумотларнинг мақола,

ҳисобот ёки маъруза орқали ноқобил одамларга маълум бўлиб қолмаслигига ҳаракат қилиши керак. У кўрикдан ўтган шахсларнинг исм-шарифлари яширин қолишига эришиши лозим.

3. Психологнинг касбий сирини сақлаш мажбурияти кўрикда, маълумотларни қайта ишлашда қатнашаётган, шунингдек, амалиёт ўтаётган, яширин маълумотларни ўқиши мумкин бўлган ҳамма шахсларга тегишли. Психолог бу ҳақда уларни керакли пайтда ва мумкин бўлган шаклда огоҳлантириши лозим.

4. Агар жамият ёки фуқаро ҳуқуқини ҳимоя қилиш зарурати туфайли маълумотлар бошқа шахс ёки расмий идораларга берилиши керак бўлса, манфаатдор томонлар бу ҳақда хабардор қилиниши лозим.

Чўлпонова Х.Т., *катта ўқитувчи,*
ТТЙМИ

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АМАЛИЁТЧИ-ПСИХОЛОГ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Таълим жараёнидаги психологик хизмат кўрсатиш XIX асрда бошланган бўлиб, АҚШда С.Холл, Францияда А.Бине, Германияда Э.Мейман ва Россияда А.П. Нечаева номлари билан боғлиқ. Таълим жараёнидаги биринчи амалиётчи-психологлар педагоглар бўлган. Кейинчалик таълим жараёнида амалиётчи-психолог лавозими ўқув юртларининг хусусиятларига кўра киритилди. Америка мактабларидаги амалиётчи-психологлар тестлардан, айнан талабаларнинг ақлий қобилият коэффициентини (IQ) аниқловчи тестдан кенгроқ фойдаланиб, таълим жараёнидаги психологик хизматнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботлаб бердилар.

Ўқув юртларининг кўпгина раҳбарлари психологик хизматнинг муҳим эканлигини англаб етдилар. Бу жамиятда амалиётчи-психолог мутахассислигига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарди. Психологик хизматни ташкил этиш таълим муассасаларида қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишни психологик жиҳатдан таъминлашга ёрдам беради.

Таълим жараёнидаги психолог ишининг асосий вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- *гностик вазифа:* ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг психофизиологик, индивидуал-психологик ва шахсий хусусиятлари, уларнинг ижтимоий мавқеи ҳамда педагоглар жамоаси ва талабалар гуруҳларидаги шахслараро муносабатларнинг муҳим хусусиятларини ўрганишдан иборат. Бу вазифанинг натижасида ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг психологик паспорти тузилади, улар ҳақида аниқ психологик характеристика (тавсиф) ёзилади ва коррекцион психотерапевтик тадбирлар белгиланади ва амалга оширилади;

- *конструктив-маданий-маърифий вазифа:* психологик сабаблар асосида келиб чиққан низо ва камчиликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш; ижтимоий психология бўйича асосий маълумотларни ўқитувчи ва тарбияланувчига бериш; мулоқот қилишда кўникма ва малакаларни

шакллантириш, ривожлантиришнинг индивидуал дастурини ишлаб чиқиш, олдини олиш ва тадқиқ этиш чора-тадбирларини режалаштириш. Талабаларга психолого-педагогик таъсир кўрсатиш ўқитувчилар, тарбиячи ва устозлар ҳамда гуруҳ мураббийлари орқали доимий-жорий этилган семинарларда амалга оширилади;

- *маслаҳатли вазифа:* ўқитувчи ва талабаларнинг кайфияти, алоҳида ҳолатларини психологик таҳлил қилиш ёки уларнинг оилавий, касбий фаолиятидаги хулқ-атвор хусусиятларини тушунтириб бериш;

- *тарбиявий вазифа:* талабаларни маънан-иродавий хусусиятларини тарбиялашга йўналтирилган тадбирларни танлаш ва амалга ошириш, уларнинг аниқ шахсий сифатларини шакллантириш, шахснинг алоҳида ижтимоий мавқеига таъсир кўрсатиш, педагогик жамоа ва талабалар гуруҳида илиқ психологик иқлимни ташкил этиш;

- *психопрофилактик ва психотерапевтик вазифа:* асабий ҳолатларда диагностик, психотерапевтик ва психопрофилактик ишлар, шахсий ва ақлий ривожланишдаги қийинчиликларни бартараф этиш ва уларни қайта тиклаш тадбирларини ташкил этиш ҳамда психик ҳолатни бошқариш (психик ўз-ўзини бошқаришни ўргатиш, ўз кучига бўлган ишончни шакллантириш, ижодий имкониятларини ривожлантириш, стресс ҳолатидан чиқиб кетиш кўникмаларини ишлаб чиқиш) бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- *методик (услубий) вазифа:* таълим ва тарбиянинг эски методларини мослаштириш ва янгиларини яратиш бўйича ишлар олиб бориш ҳамда ўқув юрти учун зарур бўлган янги диагностик ва профилактик методларни қайта ишлаб чиқиш.

Психологнинг иши анъанавий тарзда қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

- диагностик ишлар;
- ривожлантирувчи – коррекцион (тузатиш) ишлар;
- маиший-маслаҳатли ишлар.

Диагностика талабаларининг индивидуал-психологик хусусиятлари намоён бўлишини ривожлантириш, касбий ўз-ўзини аниқлаш, кундалик фаолият ва ўқув вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун зарур бўладиган кўникмаларни шакллантириш уларнинг ривожланишидаги оғишлар ва қийинчиликларнинг характери ва сабабларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Психологик диагностика бутун ўқув йили давомида талабаларни психолого-педагогик ўрганиш, шахснинг индивидуал хусусиятлари ва қизиқишларини, имкониятларини аниқлаш, таълим жараёнидаги ва шахс ривожланишидаги намоён бўладиган салбий оғишлар механизми ва сабабларини ўз ичига қамраб олади. Психологик диагностика мутахассислар томонидан индивидуал тарзда ва гуруҳларда ўтказилади.

Психологик коррекция шахснинг жорий даврида шаклланиш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш ва унинг индивидуаллигини сақлаб қолишдир.

“Коррекция” тушунчаси кишининг “меъёрий психик ривожланиши” асосида психик ҳолатини ўзгартириш мақсадида психологик таъсир кўрсатиш

демакдир. Яъни кишининг у ёки бу психик намоён бўлишига ташқи томондан таъсир кўрсатишдир (шахснинг ривожланиши ва ақлий ривожланишида, невроз ва асабий ҳолатларида).

Психологик профилактика – таълим-тарбия ва ривожлантириш масалаларида ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, педагогларга илиқ психологик муҳитни яратиш ва аниқ кўрсатмалар асосида ишлаб чиқишда йўл-йўриқлар бериш ҳамда болаларнинг мослашувчанлик жараёнида пайдо бўладиган хато ва камчиликларни бартараф этиш.

Коррекцион-ривожлантириш ишлари талабанинг ривожланиши ва унинг баркамоллигини шакллантириш мақсадида унга фаол таъсир кўрсатиш учун амалга оширилади. Талаба билан коррекцион-ривожлантириш ишларини олиб боришдан мақсад талабанинг психик ривожланиш қонуниятлари катталар билан ҳамкорликдаги фаол фаолияти сифатида тушунишини аниқлаб беришдир.

Психокоррекцион ишлар индивидуал ва гуруҳ ичида ўтказилади. Психокоррекция дастури амалиётчи-психолог томонидан тан олинган методологик тамойиллар ва психодиагностик тадқиқот натижалари асосида тузилади.

Психологик билим бериш талабалар ва уларнинг ота-оналарида, педагог ходимлар ва раҳбарларда психологик билимларга бўлган эҳтиёж ва уларни ўз ривожланиши учун қўллай билиш истагини шакллантириш, талабаларнинг ҳар бир ёш даврида ўз-ўзини англаш ва баркамол ривожланиши учун шарт-шароит яратиш ҳамда шахс ва унинг онги ривожланишида пайдо бўладиган оғишларнинг ўз вақтида олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Маслаҳат бериш – талабалар, ота-оналар, педагог ходимларга ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчиларига таълим-тарбия ва ривожланиш масалаларида психологик маслаҳат орқали ёрдам кўрсатиш.

Психолог ишининг самарадорлиги талабаларга таълим бериш ва тарбиялаш масалаларини ҳал этишда маъмурият, ота-оналар ва педагоглар билан режали ҳамкорликни амалга ошириши билан белгиланади.

Амалиётчи-психолог ўзининг маслаҳат ишларида психологиянинг ҳамма йўналишларидаги (диагностик, экзистенциал, ижтимоий, бихевиористик ва шу каби) ёндашувлар тамойилларини амалиётга татбиқ этиши мумкин. Амалиётчи-психолог талабалар билан ишлашда уларнинг ёш давр хусусиятларини ҳисобга олиши маслаҳат ишларининг шарти ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, амалиётчи-психолог таълим муассасидаги таълим, тарбия жараёнида талабаларнинг психик, ижтимоий ва соматик ривожланиш муҳитини сақлаб қолишга йўналтирилган касбий фаолиятни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Жумладан, талаба шахсининг ривожланишига монелик кўрсатувчи омилларни аниқлаш, психокоррекция, реабилитация ва маслаҳат каби психологик ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни кўриши; аниқ муаммоларни ҳал этишда педагогик жамоа, ота-оналар ҳамкорлиги талабаларга ёрдам кўрсатиши лозим.

Жолдашева Акчач Улмасовна, *доцент,*
ОшГУ Кыргызской Республики

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ТЕНДЕНЦИИ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ ПРИ ПОДГОТОВКЕ МОЛОДЕЖИ К СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ

Семья представляет собой ту территорию, на которой люди объединяются, устанавливают взаимные связи, живут интересами друг друга. Когда два человека создают семью, они действительно начинают осваивать некое особенное искусство - искусство уживаться между собой. Нельзя сказать, чтобы это искусство было им вовсе незнакомо: ведь с момента своего рождения любой человек попадает в семью (или в какую-то группу, заменяющую семью), где он должен делать то же самое-уживаться с другими ее членами. Но в родительской семье для ребенка уже как бы заранее подготовлены место и роль, которым он будет в той или иной мере соответствовать.

Взрослый человек, создающий собственную семью, нагружен опытом жизни в семье родительской, обладает вполне определенными представлениями о том, какой должна быть семья, какую роль должен занимать он сам, а какую-его партнер. При этом человек может стремиться к тому, чтобы его семья стала точно такой же, какой была семья родителей, или, напротив, хочет построить свою жизнь совсем по-другому. Но как бы не было, поскольку в создании новой семьи принимают участие два человека- каждый со своим «багажом» и со своими индивидуальными особенностями, - новый семейный «организм» все равно не будет простым повторением (или простой противоположностью) одной из родительских семей.

Семья – живая система, которая постоянно обменивается с окружающей средой энергией и информацией. Это система обладает воистину уникальной способностью изменяться, адаптируясь к новым требованиям среды, и в то же время сохранять свои отличительные, сугубо индивидуальные черты[1].

Главные задачи семьи: поддерживать индивидуальность входящих в нее людей; создавать у них ощущение принадлежности к целому, защищая их от одиночества.

Основные задачи семьи на первом этапе ее развития:

- Соотнесение между собой образов жизни, устремлений и ценностей обоих супругов.
- Выработка правил поведения по отношению друг к другу, способов выражения чувств.
- Определение ролей, прав и обязанностей каждого из супругов.
- Развитие взаимопонимания (умение слушать и слышать другого, формирование общих ценностей, накопление совместных воспоминаний, переживаний, ассоциаций и так далее).
- Нахождение способов решения конфликтов.

- Отграничение семьи от остального мира с одновременным поддержанием важных контактов (и развитием новых), то есть регуляция отношений «Мы и все остальные».

Основные задачи семьи на втором этапе ее развития:

- Адаптация к потребностям нового члена семьи.
- Распределение и освоение новых обязанностей.
- Сохранение супружеских отношений, что требует решения ряда частных задач: например, нужно организовать свою жизнь таким образом, чтобы у супругов, поглощенных заботами о ребенке, все-таки оставалось личное время, принадлежащее лишь им двоим.
- Построение новых отношений с окружающим миром - с родственниками и знакомыми, врачами, воспитателями и так далее.
- Адаптация к потребностям нового члена семьи. Построение отношений родителей с ребенком. Вам придется постоянно решать такие вопросы, как, например, установление и сохранение родительской власти, поддержание контроля, который ни в коем случае не мешал бы, а, напротив, помогал ребенку развиваться и чувствовать себя счастливым.
- Адаптация к потребностям нового члена семьи. С рождением следующего ребенка возникнет еще целый ряд задач и проблем. Те стереотипы взаимоотношений, которые были выработаны после появления первенца, в значительной степени утратят свою пригоднось. На карте семьи появится новое «государство»- «Братско-сестринское». Понятно, что отношения в семье станут гораздо более разнообразными и сложными.

Основные задачи семьи на третьем этапе ее развития:

- Решение новых проблем, распределение новых обязанностей в связи с поступлением ребенка в школу.
- Пересмотр границ и стереотипов взаимоотношений в семье с учетом возрастающей независимости ребенка; особенно остро эта проблема встает по достижении ребенком подросткового возраста. Отношения должны быть организованы таким образом, чтобы ребенок (подросток) получал необходимую ему свободу при сохранении определенного контроля и управления со стороны родителей.
- Адаптация семьи к новым потребностям и ценностям ее взрослых членов. Это потребности и ценности формируются в результате личностных возрастных кризисов. Одним из самых сложных периодов в жизни любого человека является «кризис сорока лет». Супругам часто приходится коренным образом пересматривать свои отношения и способы взаимодействия.
- Адаптация к потребностям представителей старшего поколения (родители родителей), которые все больше нуждаются в заботе и опеке.

Основные задачи семьи на четвертом этапе ее развития:

- Возвращение к изначальным границам «семейной территории», когда семья состояла только из супружеской пары. Понятно, что это не буквальное возвращение к тем стереотипам отношений, которые были установлены между молодыми супругами в первые годы после свадьбы, но весь накопленный опыт

совместной жизни должен теперь организоваться так, чтобы супруги могли вновь жить только вдвоем и при этом не страдать от неполноценности этой жизни. Иначе говоря, если когда-то супругам пришлось учиться жить с детьми, то теперь приходится учится жить без детей.

- Как и на предыдущих этапах развития семьи, одновременно с процессом ограничения (отделения) семьи или поддержания ее целостности и отдельности от окружающего мира идет и процесс налаживания внешних связей. Теперь это прежде всего связи с семьями, которые образуются у взрослых детей. Необходимо выстраивать отношения с зятьями, невестками и, конечно же, с внуками.

На четвертом этапе у детей, теперь уже молодых взрослых, формируются собственный образ жизни, своя карьера, появляется круг друзей и, наконец, партнер. Примерно в это же время нередко уходят из жизни и представители старшего поколения (родители родителей). Изначальная семья снова состоит из двоих людей. Этот этап семейной жизни вполне может стать периодом настоящего расцвета супружеской любви: теперь, когда появилось свободное время, наконец- то можно посвятить его осуществлению своих мечтаний и планов, которые все время приходилось откладывать, любимым увлечениям и, конечно, друг другу. Но все это – при условии, что у вас есть эти мечты и планы, есть интересы и увлечения, есть чем поделиться и порадовать близкого человека[2].

Было достаточно общую схему развития семьи – некой абстрактной, средне-статистической семейной структуры. Ведь на самом деле все семьи разные, и путь развития у каждой из них свой, особенный. Многодетная семья или семья без детей, семья- треугольник (мама – папа - я) или три - четыре поколения, живущие под одной крышей, семья городская или деревенская, семья, которая постоянно переезжает с места на место.

Семейная жизнь – это подлинное творчество, непрерывный поиск новых возможностей и нестандартных решений.

Сегодня для большинства молодых людей, вступающих в брак, такой подход неприемлем. Нам, пожалуй, уже хочется чего-то большего. Мы хотим провести жизнь рядом с человеком, по настоящему близким и интересным. Что же именно должно «совместиться» в молодых супругах, чтобы их жизнь сложилась более или менее удачно? Адаптации двух людей друг к другу подразумевает, в частности:

- *духовную адаптацию,* то есть совместимость основных жизненных ценностей;

- *психологическую адаптацию,* то есть гармоническое сочетание определенных черт характера, свойств и особенностей супругов;

- *интеллектуальную адаптацию,* иначе ее иногда называют совместимостью по индексу образования;

- *семейно-ролевую адаптацию,* то есть совместимость представлений каждого из супругов о том, каковы роли жены и мужа в семье, в чем заключаются права и обязанности каждого из них;

- *педагогическую адаптацию,* то есть совместимость представлений мужа и жены о том, как нужно воспитывать детей;

- *материально – бытовую адаптацию*, то есть совместимость представлений о том, как нужно вести домашнее хозяйство, сколько нужно иметь денег, как их зарабатывать и тратить;

- сексуальную адаптацию[3].

Одного полного совпадения по всем, номинациям добиться невозможно. И это, наверное, неплохо: до тех пор, пока вы в чем-то не совпали, у вас остается пространство для дальнейшего роста, неизведанные территории, на которых вас ждут неожиданности и новые открытия. Быть может, семейную жизнь и нужно рассматривать как путь двух людей друг к другу.

Kurbonova Gulchehra Abdullayevna, *ps.f.n., dotsent,*
O‘zbekiston davlat konservatoriyasi Musiqiy pedagogika kafedrasi ,
Turon fanlar akademiyasi akademigi

TA’LIM JARAYONIDA O‘QITISHNING MODUL TIZIMI TAMOYILLARI

O‘zbekiston Respublikasida ta’lim tizimiga bo‘lgan munosabat kundan kunga jadal sur’atda rivojlanmoqda. Bugungi kunda barcha turdagi oliy va o‘rta maxsus ta’lim muassasalarida ta’limning innovatsion usullardan foydalanib, ta’limga zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini tatbiq etib, ta’lim samaradorligini oshirishga bo‘lgan qiziqish, e’tibor kundan kunga oshib bormoqda. Dars jarayoniga zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini tatbiq etishdan bosh maqsad dars jarayonida ta’lim oluvchilarni tinglovchidan dars jarayonning ishtirokchisiga, ma’lumot tarqatuvchi manbaga aylantirishdan iboratdir. Bu jarayonning yana bir muhim jihati darslarga zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari tatbiq etilganda ta’lim oluvchilarda juda katta hajmdagi ma’lumotlarni tez va puxta o‘zlashtirish imkoniyati paydo bo‘ladi. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar qo‘llanilgan mashg‘ulotlar talabalar egallayotgan bilimlarni o‘zlari qidirib topishlariga, mustaqil o‘rganib, tahlil qilishlariga, hatto, xulosalarni ham o‘zlari keltirib chiqarishlariga qaratilgan. Bundan tashqari ta’lim jarayoniga ta’lim texnologiyalarining to‘g‘ri tatbiq etilishi o‘qituvchining bu jarayonda asosiy tashkilotchi, boshqaruvchi yoki maslahatchi sifatida faoliyat yuritishiga olib keladi.

Modul bo‘yicha tinglovchilarning bilimi, ko‘nikmasi, malakasi va kompetensiyalariga qo‘yiladigan talablar:

“Innovatsion ta’lim texnologiyalari va pedagogik kreativlik” kursini o‘zlashtirish jarayonida amalga oshiriladigan masalalar doirasida**:**

- innovatsion ta’lim texnologiyalarining funksiyalari;
- innovatsion ta’lim texnologiyalarining turlari va qo‘llanilish sohalari;
- innovatsion ta’lim texnologiyalarini qo‘llashning pedagogik-psixologik va metodik shart-sharoitlari;
- pedagog kasbiy kompetentligining tuzilishi;
- pedagogik mahorat asoslari va tarkibiy qismlari;
- nutq texnikasi va madaniyati;

- oliy ta’lim pedagog kadrlarining kreativ potensiali tushunchasi va mohiyati haqida bilimlarga ega bo‘lishi;

- aniqlashtirilgan o‘quv maqsadlarini shakllantirish;

- interfaol ta’lim texnologiyalariga asoslangan o‘quv mashg‘ulotlarini loyihalash va rejalashtirish;

- interfaol ta’lim texnologiyalarini oliy ta’lim amaliyotiga samarali tatbiq etish;

- shaxsga yo‘naltirilgan o‘quv-tarbiya jarayonini tashkil etish va boshqarish;

- ta’lim oluvchilarning birgalikdagi, hamkorlikdagi faoliyatini tashkil etish;

- pedagogik jarayonda muloqot uslublarini to‘g‘ri tanlash va ulardan samarali foydalanish;

- auditoriyada shaxslararo munosabatlarni samarali tashkil etish va guruhni optimal boshqarish;

- zamonaviy pedagog imiji hamda o‘qituvchining o‘z-o‘zini kasbiy va shaxsiy takomillashtirib borish;

- ta’limni axborotlashtirish sharotida pedagog kadrlar kreativ imkoniyatlarini baholash ko‘nikmalarini egallashi;

- innovatsion ta’lim texnologiyalari asosida o‘quv jarayonini “jonli”, ijodiy tashkil etish;

- innovatsion faoliyatni tashkil etish;

- innovatsion tafakkur yuritish orqali ta’lim jarayonida ijodiy muhitni yaratish;

- innovatsion ta’lim texnologiyalarini oqilona tanlab olish;

- mutaxassislik bilan bog‘liqlikda innovatsion ta’lim texnologiyalarini real amaliyot bilan uyg‘unlashtirishga erishish;

- innovatsion ta’lim texnologiyalarini ishlab chiqish va ommalashtirish;

- pedagogning psixologik, metodik, informatsion, kreativ, innovatsion kompetentligini rivojlantirish;

- pedagogik deontologiyani tashkil etish;

- pedagogik nizolarni samarali hal etish yo‘llarini egallash;

- oliy ta’lim pedagog kadrlarining kreativ potensialini rivojlantirish malakalarini egallashi;

- innovator, tyutor, ingilator va fasililatorlik faoliyatini samarali amalga oshirish;

- innovatsion ta’lim muhitini boshqarish;

- innovatsion ta’lim texnologiyalariga asoslangan o‘quv-bilish faoliyatini tashkil etish;

- talabalarning izlanishli – ijodiy faoliyatga jalb etish kompetensiyalarini egallashi lozim.

Hozirgi kunda ta’lim jarayonida o‘qitishning modul tizimiga bo‘lgan ehtiyoj kundan kunga ortib bormoqda. Shu o‘rinda modul tushunchasi ta’rifiga to‘xtalib o‘tamiz:

- obyekt tuzilishi, xususiyatlari, o‘zaro bog‘liqliklari hamda vazifalarini ko‘rsatuvchi elementlar tizimiga modul deb aytiladi;

- “Modulli o‘qitish” deganda esa faoliyat ko‘rsata oladigan o‘zaro chambarchas bog‘liq elementlardan iborat bo‘lgan tugunni bildirib, u tugallangan informatsiya bloki sifatida tushuniladi.

Modulli ta’lim dasturlari quyidagi uchta asosiy tarkibiy qismni o‘z ichiga oladi:

1. Maqsadli mazmuniy dastur.
2. Turli ko‘rinishlarda taqdim etilgan axborotlar banki.
3. Talabalar uchun uslubiy ko‘rsatmalar.

Modulli o‘qitish o‘quv jarayonini tashkil etishning asosiy shakli bo‘lib, unda o‘qitishdagi o‘quv materiallarining mantiqan tugallangan birliklari, ya’ni modullarni bosqichlar va qadamlar bo‘yicha o‘zlashtirishni anglatadi.

Quyidagi qayd etilgan asosiy tamoyillar modulli ta’lim texnologiyalarining asosini tashkil etadi:

1. Faoliyatlilik tamoyili. Bu tamoyil modullar mutaxassisning faoliyat mazmuniga muvofiq shakllanishini anglatadi. Bu tamoyilga ko‘ra modullar bo‘yicha faoliyatli yondashuv yoki tizimli faoliyat yondashuvi asosida tuzilishi mumkin.

2. ***Tenglik tamoyili.*** Bu tamoyil pedagog va talabaning o‘zaro munosabati subyektivligi xarakterini ifodalaydi. Bu esa modulli o‘qitish texnologiyalarini shaxsga yo‘naltirilgan texnologiyalar toifasiga taalluqliligini ko‘rsatadi. Ya’ni modulli o‘qitish texnologiyasi shaxsning individual psixologik xususiyatlariga moslashgan bo‘ladi.

3. ***Tizimli kvantlash usuli.*** Bu tamoyil axborotni siqiq holda berish nazariyasi, muhandislik bilimlar konsepsiyasi va didaktik birliklarini yiriklashtirish talablariga asoslanadi.

4. ***Motivatsiya.*** Bu tamoyilning mohiyati talabaning o‘quv-bilim olish faoliyatini rag‘batlantirishdan iborat bo‘ladi. Shuningdek, u asos soluvchi qoida hamdir. Modulning o‘quv materialiga talabalarga qiziqish uyg‘otish, bilim olishga rag‘batlantirish, mashg‘ulotlar paytida faol ijodiy fikrlashga da’vat etish modulning tarixiy va muammoli elementlarining vazifalaridan hisoblanadi.

5. ***Modullik tamoyili.*** Bu tamoyil o‘qitishni individuallashtirishning asosi bo‘lib xizmat qiladi.

6. ***Muammolilik tamoyili.*** Bu tamoyil muammolli vaziyatlarda vujudga keltirishni va o‘qitishning amaliyligini oshirishni ko‘zda tutadi. Mashg‘ulotlarda gipotezalar muhokamaga qo‘yiladi, asoslanadi va kerakli yechimlar topiladi.

7. ***Kognitiv vizuallik tamoyili.*** Bu tamoyil psixologik-pedagogik qonuniyatlardan kelib chiqadi. Bunda murakkab obyektlar kompyuter suratchalar ko‘rinishida namoyish etiladi. Modulning tarkibiy tuzilmasi bo‘lib, rangli bajarilgan, kognitiv-grafik o‘quv elementlari (raqamlar bloki) xizmat qiladi.

8. ***Xatoliklarga tayanish tamoyili.*** Bu tamoyil o‘qitish jarayonida doimiy ravishda xatoliklarni izlash va anglashga sharoit yaratadi. Bu usullarni, didaktik vositalarni qayta-qayta tekshirishga undaydi.

9. ***O‘quv vaqtini tejash tamoyili.*** To‘g‘ri tashkil etilgan modulli o‘qitish o‘qish vaqtini 30 % va undan ortiq tejash imkoniyatini yaratadi. Buning uchun ta’lim jarayonida modulli o‘qitishning barcha tamoyilllariga to‘liq e’tibor qaratish lozim bo‘ladi.

Yuqoridagilardan xulosa qilib ta’kidlash mumkinki, ta’lim jarayonida o‘qitishning modul tizimidan foydalanishni keng yo‘lga qo‘yish, talabalarda bilimlarni o‘zlashtirish darajasining oshishiga, o‘zlashtirilgan bilimlarning xotirada uzoq muddat saqlanishiga hamda ularda ijodkorlik tafakkurining shakllanishida muhim omil hisoblanadi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, o‘quv-tarbiya jarayonida innovatsion ta’lim usullaridan foydalanishda, ta’limga zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini tatbiq etishda, ta’lim samaradorligini oshirishda ta’lim jarayonida o‘qitishning modul tizimidan foydalanishni keng yo‘lga qo‘yish maqsadga muvofiqdir. Bu jarayonni to‘g‘ri tashkil etish talabalarda mustaqil fikrlashni, ta’limga qiziqishni, o‘zaro pedagogik hamkorlikni shakllantiradi va talaba faoliyatini dars maqsadlariga (kafolatlangan natijaga) erishishga yo‘naltirishga xizmat qiladi.

Mirzaabdullayeva Munojatxon Adamovna,
Andijon viloyati Qo‘rg‘ontepa tumanidagi 5-IDUM direktori

IJTIMOIY HIMOYAGA MUHTOJ AHOLI QATLAMINI HIMOYA QILISHDA NOGIRONLIGI MAVJUD TALABALARNING TA’LIM OLISHDAGI MUAMMOLARINI HAL ETISH

Mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki kunlaridan boshlab aholini ijtimoiy muhofaza qilishni yanada kuchaytirish, ayniqsa, ijtimoiy himoyaga muhtoj nogironlarga hayotda teng imkoniyat va sharoitlar yaratib berish masalasiga alohida ahamiyat berib kelinadi. O‘zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A. Karimov tomonidan 1991-yil 11-iyulda 162-sonli qarori bilan «O‘zbekiston Respublikasida nogironlarni ijtimoiy himoya qilish to‘g‘risida»gi qonun qabul qilingan edi [1].

Hozirgi vaqtda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 1-avgustdagi F-5006-sonli farmoyishi bilan tashkil etilgan Nogironligi bo‘lgan shaxslarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash tizimini tubdan takomillashtirishga qaratilgan takliflarni tayyorlash bo‘yicha komissiya tomonidan nogironlikni barvaqt aniqlash va oldini olish, nogironligi bo‘lgan shaxslarga tibbiy-ijtimoiy yordam ko‘rsatish, ularni kasbga o‘qitish va ishga joylashtirish sohasidagi ishlarning ahvoli kompleks va chuqur o‘rganildi [2].

Ushbu qonun nogironligi bo‘lgan shaxslarning huquq va erkinliklarini amalga oshirish, ularning hayot kechirishida cheklovlarni olib tashlash, to‘la hayot tarziga ega bo‘lishiga imkon beruvchi qulay sharoitlar yaratish va jamiyatning iqtisodiy, siyosiy hayotida faol ishtirok etish, shuningdek, o‘zining fuqarolik burchlarini bajarishi uchun O‘zbekiston Respublikasining boshqa fuqarolari bilan teng imkoniyatlar yaratilishini ta’minlaydigan davlat siyosatini belgilaydi [3].

Dunyoning har bir mamlakati aholisining ma’lum bir qismini jismoniy yoki ruhan nuqsonligi mavjud kishilar tashkil etadi. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi Respublika tibbiy-ijtimoiy ekspertiza komissiyasining birlamchi ma’lumotlariga asoslanadigan bo‘lsak, 2017-yilda O‘zbekistonda 670866 nafar nogironligi bo‘lgan shaxslar ro‘yxatga olingan bo‘lib, ularning 100827 nafari (15,0 %) 18 yoshgacha bo‘lgan bolalardan iborat. Ayollar nogironligi bo‘lgan shaxslarning

42,4 foizini yoki 284420 kishini tashkil qiladi. 18 yoshgacha bo‘lgan voyaga yetmaganlar orasida nogironligi bo‘lgan shaxslarning 45,9 foizini yoki 45134 nafarini ayollar tashkil qiladi. Nogironlik tarkibida 8,9 foizini I guruh, 66,4 foizini II guruh, 11 foizini III guruh va 13,7 foizini 16 yoshgacha bo‘lgan nogironligi bo‘lgan bolalar tashkil etadi [4].

BMTning “Nogironlar huquqlari to‘g‘risida”gi konvensiyasini ratifikatsiya qilishga tayyorgarlik ko‘rish bo‘yicha amaliy chora-tadbirlar tashkil etilmoqda. “Nogironligi bo‘lgan shaxslarning huquqlari to‘g‘risida”gi qonun loyihasi ishlab chiqildi. Insonlarning nogironlarga nisbatan munosabatini o‘zgartirish, atrofdagilarni ularning jamiyatda to‘liq va teng huquqli ishtiroki haqida xabardor qilish nogironlarning dolzarb muammolarini hal etishda o‘ta muhim va birinchi navbatdagi qadam hisoblanadi. Ushbu maqsadda «nogiron» tushunchasi muomaladan chiqarilmoqda va u, eng avvalo, inson ekanligini hisobga olgan holda umume’tirof etilgan «nogironligi bo‘lgan shaxs» atamasi kiritilgan.

Farmonda nogironligi bo‘lgan shaxslarning davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi tizimini takomillashtirishning quyidagi asosiy yo‘nalishlari belgilab olingan:

- nogironlik belgisi bo‘yicha kamsitishga yo‘l qo‘ymaslik, nogironligi bo‘lgan shaxslarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ro‘yobga chiqarishda teng sharoitlarni va ularni buzganlik uchun javobgarlikning muqarrarligini ta’minlash;
- nogironligi bo‘lgan shaxslar huquqlarini ta’minlash sohasidagi umume’tirof etilgan xalqaro norma va standartlarni milliy qonunchilikka implementatsiya qilish;
- nogironligi bo‘lgan shaxslarga tibbiy-ijtimoiy yordam ko‘rsatish darajasi va sifatini yuqori texnologiyali ixtisoslashgan tibbiy va ijtimoiy yordamdan foydalanish imkoniyatini kengaytirish orqali oshirish;
- nogironligi bo‘lgan shaxslarning oilasi, jamiyat va davlat bilan o‘zaro aloqasini kuchaytirish, ularning qulay muhitda bo‘lishi, shahar yo‘lovchi transporti, ijtimoiy va boshqa infratuzilma obyektlaridan erkin foydalanishi uchun zarur sharoitlar yaratish;
- nogironligi bo‘lgan shaxslarning jamiyat ijtimoiy-iqtisodiy hayotiga jalb qilinishi va faol ishtirokini ta’minlovchi inklyuziv ta’lim va ishga joylashtirish tizimini takomillashtirish va shu kabilar.

Yurtimizda ijtimoiy himoyaga muhtoj aholini qo‘llab-quvvatlash maqsadida nogironligi mavjud shaxslarni hayotini yanada barkamollashtirish uchun ko‘plab ishlar amalga oshirilmoqda. Bularga misol keltiradigan bo‘lsak, 2017-yildan boshlab ijtimoiy aholi uchun davlat tomonidan barcha sharoitlari yaratilgan uylar, ularning bandligini ta’minlash uchun kreditlar hamda tekin reabilitatsiya xizmatlari tashkil etildi. Shu bilan birga, davlatimiz Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 01.12.2017-yildagi PF-5270-sonli “Nogironligi bo‘lgan shaxslarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorida OTMga nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun qo‘shimcha ravishda 2 % kvota o‘rinlari ajratilishi ko‘zda tutilgan. Buning natijasida ko‘plab nogironligi bo‘lgan

yoshlarimizda o‘zlarining qiziqqan kasblari sohasi bo‘yicha ta’lim olish imkoniyatlari tug‘ildi [5].

Ammo ta’kidlab o‘tishimiz kerakki, nogironligi mavjud talabalarimizning bilim olishlarida barcha qulayliklar yaratilgan deyishimiz qiyin. Masalan, Samarqand shahrida nogironlar uchun shahar aholi harakatlanuvchi yo‘llarning notekisligi, jamoat transportlarida maxsus o‘rinlar tashkil etilmaganligi, svetoforlarning taymerli yoki signalli emasligi va shu kabi bir qancha muammolarni misol keltirishimiz mumkin [6]. OTMlarda nogironligi mavjud talabalarimiz uchun hali barcha talablariga javob beradigan darajada sharoitlar yaratilmaganligi uchun bunday talabalarimiz ba’zi qiyinchiliklarga duch kelishmoqda. Ular o‘zlarining muammolari bilan, albatta, OTM rahbariyatlariga hamda hukumatga murojaat etishmoqda va bu kabi muammolar asta-sekinlik bilan bartaraf etilmoqda. Lekin ba’zi nogironligi bor talabalarimiz bilim olishlarida yuzaga kelayotgan muammolari bilan qayerga murojaat etishlarini bilishmaydi.

Yevropa mamlakatlarida nogironligi mavjud shaxslarning ta’im olish jarayonida zarur barcha shart-sharoitlar mukammal tarzda yaratilgan. Bunday sharoitlarni Germaniya misolida ko‘rishimiz mumkin. Germaniyada nogironlik holatida talaba sifatida o‘qish sog‘lom talaba sifatida o‘qishdan hech qanday farq qilmaydi. Bu ularning yuqori sifatli va yaxshi tashkil etilgan ta’lim tizimi tufayli, har bir talabaga jismoniy imkoniyatlaridan qat’i nazar teng darajada sharoitlarning yaratilganligidir. Germaniya davlati universitetlari nogiron talabalarning ehtiyojlarini o‘rganib chiqib, ularning ehtiyojlariga mos keladigan usullarni takomillashtirishdi. Ular o‘zlarining imkoniyatlari, o‘quv dasturlari, talaba ittifoqlari, ma’muriy xizmatlari va ko‘pgina maxsus xizmatlarning ro‘yxatini ishlab chiqdi. Bu nogironlarga nisbatan teng muomalada bo‘lish majburiyatlaridan kelib chiqqan holda yaratilgan hamda buni Germaniya davlati 2009-yilda Birlashgan Millatlar Tashkilotining nogironlar huquqlari to‘g‘risidagi konvensiyasini imzolash orqali isbot etishgan.

Germaniyada har bir nogironligi mavjud talabalarning tahsil olish davomida qiyinchiliklarga uchramasliklari uchun ularning barcha muammolari bilan tanishib, hal qilishda yordamlashadigan ko‘plab tashkilotlar mavjud, ulardan biri Deutsches Studentenwerk hisoblanadi.

Deutsche Studentenwerk nima?

Germaniya hukumati talabalari bilan shug‘ullanish, shu jumladan, Germaniyada o‘qiydigan nogiron talabalarning murojaatlarini qabul qilish vazifasini o‘z zimmasiga olgan qator tashkilotlarni tashkil etadi. Ushbu tashkilotlar Deutsches Studentenwerk deb ataladi. Deutsches Studentenwerk talabalar umumiy muammolarini aniqlash va ularni hal qilish bo‘yicha ish olib boruvchi notijorat tashkilotlardir. Hozirgi kunda Germaniyada ushbu tashkilotlarning keng tarmog‘i mavjud bo‘lib, ularning har biri ma’lum bir soha va muayyan miqdordagi universitetlar ichida ish olib boradi. Ushbu tashkilotlar Germaniya Milliy talabalar Assotsiatsiyasi deb nomlangan yana bir yirik davlat tashkiloti tarkibiga kiradi. Germaniyada o‘qiydigan nogironligi mavjud talabalarni turar joy bilan ta’minlash, ularning o‘qishlari davomida yuzaga kelgan muammolarini hal etishda, ularning

huquqlarini himoya qilishda hamda Oliygohlarda ular uchun barcha sharoitlar yuqori darajadaligi, shahar ichida ularning erkin harakati ta’minlanganligini mana shunday tashkilotlar o‘rganadi [7].

Yuqorida keltirilgan ma’lumotlardan xulosa qiladigan bo‘lsak, O‘zbekistonda 600 mingdan ortiq nogironlar hayot kechirmoqda. Ko‘pchilik nogironlar kundalik turmushda turli qiyinchiliklarga duch kelib, bu ularning mamlakat siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy hayotida faol ishtirok etishiga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, jannatmakon yurtimizda istiqomat qiluvchi har bir shaxs o‘zining davlatimiz rivojiga, tinchligiga hamda rivojlangan davlatlar qatorida birinchilardan bo‘lishiga hissa qo‘shishni istaydi, shu jumladan, nogironligi bor shaxslar ham bundan mustasno emas.

Bugugi kunda nogironligi mavjud talabarimiz o‘zlariga yaratilgan imkoniyatlardan foydalanib tahsil olarkan, o‘zlarining bilimlari, fikrlari hamda qo‘li gul hunarmandliklarini isbot etishmoqda va kelajakda yuritimizning yanada gullab-yashnashi uchun, iqtisodiy rivoji uchun ulkan hissa qo‘shishlariga intilmoqda. Ularning bunday orzulari amalga oshishida ta’lim olishlari uchun esa albatta qulay sharoitlar yaratilishi zarur. Buning uchun Germaniya hukumati tomnidan nogironligi mavjud talabalarning muammolarini o‘rganib chiquvchi tashkilotlar tashkil etilsa, ularning harakatlanishini yanada faollashtiruvchi choralar ko‘rilsa, yanada maqsadga muvofiq bo‘lar edi. Bunday guruhga kiruvchi talabalarimizning ta’lim olishda qiyinchiliklarga uchramasliklari uchun yana quyidagi takliflarni kiritaman:

- nogironligi mavjud talabalarimiz uchun barcha jamoat transportlari ularga moslashgan holda ta’mirlanishi zarur;
- aholi harakatlanadigan yo‘laklarning notekisligi ta’mirlanishi va lozim bo‘lgan joylarga panduslar qo‘yilishi kerak;
- katta yo‘llarni kesib o‘tuvchi joylarda taymerli svetoforlarni tashkil etish;
- tammaddi xonalarda ular uchun ajratilgan maxsus stol hamda stullar bo‘lishi zarur;
- oliygoh, kutubxonalarda hamda konsert zallarida ular uchun maxsus g‘ildirakli stullar tashkil etish;
- uzoq shahar va tumanlardan qatnovchi nogironligi mavjud talabalar uchun yotoqxonalarda maxsus sharoitlar yaratilishi lozim.

Yuqorida keltirilgan takliflarni O‘zbekistonda ta’lim olayotgan talabalarimiz hayotida ularni so‘g‘lom talabalar kabi harakatlanishlari hamda bilim olishlari uchun qo‘llasak, maqsadga muvofiq bo‘lar edi. Kelajakda bu kabi talabalarimiz o‘zlarining olgan bilim va iqtidorlari bilan yurtimiz nomini butun dunyoga tanitishda o‘z hissalarini qo‘shishadi.

Aliyeva Gulnora, *katta o‘qituvchi,*
Bunyod Matyusupov, *o‘qituvchi,*
Urganch davlat universiteti

TURIZM DESTINATSIYASI RAQOBATBARDOSHLIGI TUSHUNCHASI VA UNGA TA’SIR QILUVCHI OMILLAR

Dunyo bo‘ylab so‘nggi o‘n yilliklarda turizm global iqtisodiy faoliyatga aylandi. Nisbatan kuchli global iqtisodiyot, rivojlanayotgan davlatlardagi o‘sib borayotgan o‘rta sinf, texnologik yutuqlar, biznesning yangi modellari, qulay va hamyonbop narxlarda vizalarni rasmiylashtirish imkoniyatlari natijasida xalqaro turistlarning tashrifi 2018-yilda 5 foizga o‘sib, 1,4 milliardga yetdi. Bu esa ushbu rejaga UNWTO prognozidan ikki yil oldin erishilganini ko‘rsatmoqda. Shuningdek, 2018-yilda turizmdan olingan eksport daromadi 1,7 trln. AQSh dollariga yetdi. Bu natijalar sohaning iqtisodiy o‘sishi va rivojlanishida, shuningdek, ko‘proq ish o‘rinlarini yaratishida, innovatsiyalar joriy qilinishida va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Muxtasar qilib aytganda, turizm millionlab odamlarning hayotini yaxshilashga va butun jamoalarni o‘zgartirishga yordam bermoqda. Oxirgi yillarda xalqaro turizm tashriflari va daromadlarining o‘sishi jahon iqtisodiyotining o‘sish ko‘rsatkichlarini ortda qoldirishda davom etmoqda. Bu esa ham rivojlangan, ham rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyotiga foyda keltirmoqda. So‘nggi yetti yil davomida turizm eksporti tovarlar eksportiga qaraganda tezroq o‘sgan[65].

So‘nggi yillarda O‘zbekiston Respublikasida turizmga qaratilayotgan katta e’tibor natijasida mamlakatimizda sohaning jadal rivojlanayotganini ko‘rish mumkin. Faqatgina 2019-yilning o‘zida mamlakatda turizmni jadal rivojlantirish va uni iqtisodiyotning strategik tarmoqlaridan biriga aylantirish uchun 15 ta yangi normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi. Shuningdek, 86 ta davlat bilan 7-60 kunlik vizasiz rejim, 36 ta mamlakat bilan tranzit vizasiz rejim va 57 ta mamlakat bilan elektron vizalar rejimi joriy qilinishi chet ellik tashrif buyuruvchilar sonining keskin o‘sishiga olib keldi.



1-rasm. O‘zbekistonda turizm sohasi rivojlanishining asosiy ko‘rsatkichlari[66]

[65] UNWTO, 2019.
[66] O‘zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasining yillik ma’lumoti, 2019.

1-rasmdan ko‘rishimiz mumkinki, Davlat tomonidan olib borilayotgan islohotlarning samarali amalga oshirilishi va mamlakatning jahon hamjamiyatiga ochilishi natijasida 2019-yilda chet ellik tashrif buyuruvchilar soni 2017-yilga nisbatan 2,5 baravar, turizm xizmatlarining eksporti 2019-yilga nisbatan 2,4 baravar oshdi. Ushbu amalga oshirilayotgan islohotlar va erishilayotgan natijalar mamlakatda turizm sanoatini yanada rivojlantirish, jahon turizm xizmatlari bozorida o‘z mavqeyini mustahkamlash va turizm hududlari raqobatbardoshligini oshirish muhim masalalardan biri ekanligini ko‘rsatadi.

So‘nggi yillarda chop qilingan ko‘plab nashrlarga qaramay, hozirda destinatsiyaning raqobatbardoshligi yanada chuqurroq o‘rganish va sohani yanada rivojlantirish zarurati mavjud. Ushbu ishning asosiy maqsadi turizm destinatsiyasi raqobatbardoshligining nazariy konsepsiyasini muhokama qilish va mavjud sharoitlarni yaxshilash uchun takliflar taqdim etishdir. Kuchli raqobat keng tarqalib borayotgan hozirgi davrda turizm destinatsiyasidagi raqobatbardoshlik har bir destinatsiyaning turizm bozori ulushini oshirish uchun katta ahamiyatga ega hisoblanadi. Bundan tashqari bugungi kunda raqobatbardoshligi yuqori bo‘lgan bozorlarda sektor rahbarlari tomonidan amalga oshiriladigan eng qiyin va asosiy vazifalardan biri destinatsiyadagi raqobatbardoshlikni saqlash va qo‘llab-quvvatlash hisoblanadi. Destinatsiyadagi raqobatbardoshlikni oshirishda uning muqobil va innovatsion turizm mahsulotlarini hamda jozibadorligini barcha potensial bozorlarga batafsil yetkazib berish muhim o‘rin egallaydi.

Shu bilan birga, ushbu tadqiqotning asosiy maqsadiga erishishda destinatsiya menejmenti sohasida raqobatbardoshlikni oshirishda innovatsiyalarni amalga oshirish tushunchasini tahlil qilish va aniqlash juda muhimdir. Sohadagi so‘nggi raqamlar raqobatbardosh turizm destinatsiyalarining bozor ulushi o‘sishi kutilayotganligini ko‘rsatmoqda.

Adabiyotlar sharhi. Destinatsiya raqobatbardoshligi bo‘yicha tadqiqotlarning sezilarli qismida iqtisodiy yondashuvdan foydalanilgan (Mangion va hk. 2012; Vu va Turner, 2011; Zhang va Jensen, 2007). Bir qancha tadqiqotlarda turizm destinatsiyasidagi boshqaruv samaradorligi tahlil qilingan va bunda tadqiqotlar destinatsiyaning iqtisodiy xususiyatlari bilan bog‘lab olib borilgan (Barros va hk., 2011; Cracolisi va hk., 2008; Croes va Rivera, 2010;). Boshqa bir muhim tadqiqotlar guruhida destinatsiya raqobatabrdoshligi bo‘yicha nazariy modellar ishlab chiqilgan (Dwyer va Kim, 2003; Ritchie va Crouch, 2005). Boshqa bir guruh ishlarda asosiy e’tibor turizm destinatsiyasi menejmenti va marketingiga qaratilgan (Buhalis, 2000; Pike va Mason, 2010). Faulker (1999) va Enright va Newton (2004,2005) uchun mavzuni o‘rganishda destinatsiyaga turistlarni jalb qiluvchi diqqatga sazovor joylar e’tibor markazida bo‘lgan bo‘lsa, Hassan (2000) hamda Huybers va Bennett (2003) o‘z tadqiqot ishlarida turizm raqobatbardoshligi va barqarorligi o‘rtasidagi aloqalarga asosiy e’tiborni qaratganlar.

Destinatsiya raqobatbardoshligi nazariyasi va destinatsiya raqobatbardoshligiga ta’sir qiluvchi omillar tahlili. Turizm hududi (destinatsiya) turstlar o‘z tashrif maqsadini amalga oshirayotgan sayohat hududidir. Uning

institutsional shakllariga sayohatgoh, oromgoh va ziyoratgohlar kiradi (Navruz-zoda va h.k., 2017).

Turizm hududi raqobatbardoshligi turizm hududlarining barcha bozorlarida o‘z o‘rnini saqlab qolish, vaqt oralig‘ida sifat va ko‘lamini muntazam oshirib borish qobiliyatidir[67]. Bundan tashqari raqobatbardoshlik turizm hududlarining o‘z raqobatchilariga nisbatan bozordagi salmoqni saqlab turib mavjud resurslardan oqilona foydalangan holda qo‘shimcha qiymatga ega mahsulot va xizmatlarni yaratish va ularni integratsiyalash qobiliyati[68] hamda tashrif buyuruvchilarning ehtiyojlari hudud yetkazib berayotgan mahsulot va xizmatlar evaziga, boshqa turizm hududlari bilan qiyoslaganda, to‘laroq qondirilishidir[69]. Destinatsiya raqobatbardoshligi to‘g‘risida yanada kengroq ma’lumot olish maqsadida quyidagi 1-jadvalda u bilan bog‘liq bo‘lgan tavsiflar keltirib o‘tiladi.

1-jadval

Destinatsiya raqobatbardoshligi bilan bog‘liq tavsiflar

Turizm destinatsiyasi agar potensial sayyohlarni jalb qila olsa va ularni qondira oladigan bo‘lsa, raqobatbardoshdir	Enright va Newton (2005)
Raqobatbardoshlik – birlik, kompaniya yoki hududning barcha raqobatchilardan miqdor va sifat jihatidan ustunligi	Cracolici va Nijkamp (2008)
Aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot daromadlari turmush darajasining ko‘rsatkichi deb faraz qilgan holda, raqobatbardoshlik belgilangan destinatsiyada istiqomat qiluvchi aholining turmush darajasiga ta’sir qiladi	Croes va Rivera (2010)
Shahar turizmining raqobatbardoshligi shaharning turistlar uchun jozibadorligini namoyish qila olish, turistlarga tovarlar va xizmatlarni boshqa shaharlarga qaraganda yaxshiroq taqdim etish qobiliyatini aks ettiradi	Cibinskiene va Snieskiene (2015)
Turizm destinatsiyasi raqobat kuchi uning muqobil turizm mahsulotlarini va jozibadorligini barcha potensial bozorlarga batafsil yetkazish bilan ortadi	Ozen (2017)
Tadqiqot davomida destinatsiya raqobatbardoshligini baholashda tashrif buyurayotgan turistlar oqimi davriy tebranishlari tahlili muhimdir	Zhang & Jensen (2007); Li & Huang (2010)
Destinatsiyaning raqobatbardoshligi darajasi u yerda faoliyat yuritayotgan korxonalar samaradorligiga bog‘liqdir	Claver-Cortes va boshqalar (2007)

Belgilangan raqobatbardoshlik turizmda muhim rol o‘ynaydi, chunki jahon bozorlaridagi turizm destinatsiyalarining muvaffaqiyati ularning raqobatbardoshliligiga bog‘liqdir. O‘z navbatida, ushbu sohadagi tadqiqotlarga bo‘lgan ehtiyoj eng dolzarb ikkita modelning yaratilishiga olib keldi. Xususan, birinchi model Crouch va Ritchie tomonidan 1999-yilda ishlab chiqilgan va

[67] Hassan S.S. Determinants of market competitiveness in an environmentally sustainable tourism industry. // Journal of travel research. 2000. T. 38. № 3. C. 239-245.

[68] Hassan S. S. Determinants of market competitiveness in an environmentally sustainable tourism industry. // Journal of travel research. 2000. T. 38. № 3. C. 239-245.

[69] Dwyer L. & Kim C. (2003). Destination competitiveness: determinants and indicators. Current Issues in Tourism, 6 (5): 369-414.

keyinchalik 2003 va 2005-yillarda o‘zlari tomonidan takomillashtirilgan (2-rasmda tasvirlangan) va ikkinchi model 2003-yilda Dwyer va Kim tomonidan ishlab chiqilgan (3-rasmda tasvirlangan). Umuman olganda, ushbu ikkita model, destinatsiya raqobatbardoshligiga ta’sir qiluvchi har bir omilning muhimligini hisobga olgan holda, mamlakatlar va sayyohlik sektori tarmoqlarini raqobatbardoshligi jihatidan taqqoslash imkonini beradi.

Kuscer (2012) ta’kidlaganidek, yuqorida aytib o‘tilgan ikkita destinatsiya raqobatbardoshligi modellari, asosan, turizm sohasida foydali vositalar ekanligi isbotlandi. Destinatsiya raqobatbardoshlik modeli turizm sektor tomonidan tahlil qilish, bashorat qilish, rejalashtirish va raqobatbardoshlik strategiyalari kommunikatsiyasi uchun foydalaniladigan mexanizmdir (Kuscer, 2012).



2-rasm. Crouch va Ritchie ning destinatsiya raqobatbardoshligi modeli[70]

Crouch va Ritchie (2003) tomonidan ishlab chiqilgan modelning o‘ziga xos xususiyati qiyosiy va raqobat ustunliklarining bir-biridan ajratilganidir. Unga ko‘ra, qiyosiy ustunliklarga inson resurslari, tabiiy resurslar, to‘plangan bilim, kapital, infratuzilma va turizm infratuzilmasi, tarixiy va madaniy resurslar kiritilgan. Ya’ni olimlarning fikricha, qiyosiy ustunliklar turizm hududidagi mavjud barcha resurslarni qamrab olsa, raqobat ustunliklari ayni resurslardan samarali foydalanishni bildiradi. Shu sababli raqobat ustunliklariga audit va inventarizatsiya, texnik xizmat ko‘rsatish, o‘sish va rivojlanish, samaradorlik va natijadorlik kabi resurslar misol qilib keltirilgan.

Qisqacha aytish mumkinki, mavjud ijtimoiy-madaniy va tabiiy resurslar miqdori belgilangan destinatsiyaning qiyosiy ustunligi va ushbu resurslardan uzoq muddatli foydalanishni ta’minlash qobiliyati raqobatbardoshlik ustunligidir. Tabiiy

[70] Crouch G.I. & Ritchie J.R.B. (2003). The Competitive Destination: A Sustainable Tourism Perspective, Wallingford, Oxon, UK: CABI Publishers.

resurslar mehnat mahsuli emas va odamlar tomonidan teng darajada yaratib bo‘lmaydigan bo‘lsa ham, atrof-muhitga e’tiborli yondashilmaganda ularning sifati yomonlashishi mumkin. Resurslarni to‘g‘ri boshqarish va belgilangan destinatsiyada turizmni rivojlantirish strategiyasi bo‘yicha manfaatdor tomonlar o‘rtasida kelishuv turizm destinatsiyasining raqobatbardoshligi va maqsadga muvofiq rivojlanishini to‘g‘ri rejalashtirish uchun juda muhimdir.

Olimlarning fikricha, modelda ko‘rsatilgan raqobatbardoshlik omillarini tizimlashtirish turizm hududlarini yanada samarali boshqarish imkonini beradi. Kuscer (2012) ta’kidlashicha, resurslarning mo‘l-ko‘l boyligi samaraliroq foydalaniladigan resurslar soni kamroq bo‘lgan destinatsiyaga qaraganda kamroq raqobatbardosh bo‘lishi mumkin, chunki resurslardan foydalanish samaradorligi belgilangan destinatsiyaning raqobat ustunligini ta’minlaydi (Crouch and Ritchie, 2000).



3-rasm. Dwyer va Kimning destinatsiya raqobatbardoshligi modeli[71]

Belgilangan raqobatbardoshlikni to‘liq tushunish va tavsiflash uchun faqat qiyosiy va raqobat ustunliklarni hisobga olish yetarli emas hamda qiyosiy va raqobat ustunliklari tushunchasi bo‘lishiga qaramay, raqobatbardoshlikning barcha omillarini aytib o‘tish va ular o‘rtasidagi bog‘liqlikni tushunish juda muhimdir. O‘z modellarida (2-rasm) qiyosiy va raqobatbardosh ustunliklarni sinchkovlik bilan muhokama qilgan holda, Crouch va Ritchie belgilangan destinatsiyada elementlarga ta’sir ko‘rsatadigan ikki turdagi muhitni ajratib ko‘rsatishdi: raqobatbardosh (mikro) muhit va global (makro) muhit. Birinchi muhit, raqobatbardosh (mikro) muhit, xususiy va davlat sektorining turli institutlari belgilangan joyda ta’sir ko‘rsatadigan omillardan iborat, ikkinchisi esa manzilga ta’sir qiladi, ammo menejerlar buni nazorat qila olmaydi.

Bundan tashqari ushbu model 5 ta guruhga bo‘lingan 36 ta turizm hududi raqobatbardoshligi omillaridan iborat. Birinchi guruh “Qo‘llab-quvvatlovchi omillar va resurslar” deb ataladi va quyidagilarni qamrab oladi: infratuzilma, mamlakatga kirishning soddaligi, qo‘llab-quvvatlovchi resurslar, mehmondo‘stlik, ishbilarmonlik

[71] Dwyer L. & Kim C. (2003). Destination competitiveness: determinants and indicators. Current Issues in Tourism, 6 (5): 369-414.

hamda siyosiy iroda va xohish. Ikkinchi guruh “Asosiy resurslar va diqqatga sazovor joylar” bo‘lib, quyidagi omillarni qamrab oladi: tabiat va iqlim, madaniyat va tarix, xilma-xil turizm faoliyati, maxsus tadbirlar, ko‘ngilochar joylar, turizm infratuzilmasi va bozor rishtalari. Uchinchi guruh “Turizm hududi (destinatsiya) menejmenti” deb ataladi va quyidagi omillarni o‘zida qamrab oladi: boshqaruv, marketing, xizmat ko‘rsatish sifati, axborot va tadqiqot, inson resurslarini rivojlantirish, moliya va kredit tizimi, tashrif buyuruvchilar menejmenti, resurslarni boshqarish va inqirozni boshqarish (кризис менежмент).

To‘rtinchi guruh “Turizm hududiga oid siyosat, rejalashtirish va rivojlantirish strategiyalari” deb ataladi va u quyidagi omillarni o‘zida qamrab oladi: tizimli yondashuv, ustuvor rivojlanish yo‘nalishlari, istiqbolni ko‘rish, brending va bozorda o‘rnashtirish, rivojlanish, raqobatchi va hamkorlar tahlili, monitoring va natijalarni baholash hamda audit. Oxirgi, beshinchi guruh “Kuchaytiruvchi va belgilovchi omillar” deb atalib, turizm hududi raqobatbardoshligini oshirish yoki aksincha chegaralashga xizmat qiluvchi quyidagi omillarni o‘zida qamrab oladi: geografik joylashuv, xavfsizlik va tinchlik, narx-navo, o‘zaro bog‘liqlik, mashhurlik va imij hamda sig‘im, ya’ni turizm hududida shakllantirilgan turizm infratuzilmasining sig‘imi.

Ritchie va Crouch tomonidan ishlab chiqilgan modelni tahlil qilish va takomillashtirish orqali Dwyer va Kim tomonidan erishilgan natija destinatsiya raqobatbardoshligining integratsiyalashgan modeliga olib keldi. Crouch va Ritchie tomonidan ishlab chiqilgan modelni takomillashtirgan holda Dwyer va Kim talab shartlarini destinatsiya raqobatbardoshligini belgilovchi omil sifatida qo‘shdi va destinatsiya raqobatbardoshligining o‘zi asosiy maqsad emas, balki mintaqaviy yoki milliy iqtisodiy rivojlanish maqsadlariga yo‘naltirilgan oraliq maqsad ekanligini aniqladi.

Xulosa va takliflar. Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, ushbu yuqorida tahlil qilingan turizm destinatsiyasi raqobatbardoshligiga ta’sir qiluvchi omillarni o‘zida aks ettirgan ikkita model orqali destinatsiyaning raqobatbardoshligi munosib baholanishi mumkin. Ushbu modellardan foydalanishda mualliflar tomonidan destinatsiya menejerlariga bir nechta destinatsiyani tanlashlari tavsiya qilingan. Bunda birinchi destinatsiya ularning o‘zlarining destinatsiyalari bo‘lsa, qolganlari strategik maqsadlar uchun taqqoslash va tanqidiy baholashda raqib bo‘lgan destinatsiyani tanlashi ko‘rsatilgan. Shu asosda raqobat muhitidagi destinatsiyalarning raqobatbardoshligini baholashda ushbu modellarda ko‘rsatilgan omillarning destinatsiya raqobatbardoshligiga qanday darajada ta’sir qilayotganini o‘rganish muhim ahamiyat kasb etadi.

Zero, destinatsiya raqobatbardoshligini baholash jarayonida shuni unutmaslik kerakki, har qanday tarixiy-madaniy resurslarga yoki tabiiy resurslarga ega bo‘lgan, shuningdek, geografik jihatdan qulay joylashgan destinatsiya resurs-boyligidan samaraliroq foydalaniladigan, lekin resurslar soni kamroq bo‘lgan destinatsiyaga qaraganda kamroq raqobatbardosh bo‘lishi mumkin. Chunki destinatsiya raqobatbardoshligini ta’minlashda resurslardan foydalanish samaradorligi muhim ahamiyat kasb etadi. Mamlakatimizni butun bir turizm destinatsiyasi sifatida olib

qarasak ham yoki hududlar bo‘yicha alohida- alohida turizm destinatsiyasilarga ajratgan holda qarasak ham ushbu omillarning roli juda muhimligini ko‘rishimiz mumkin. Aynan ushbularni hisobga olgan holda aytishimiz mumkinki, destinatsiyalarning raqobatbardoshligini oshirishda belgilangan destinatsiyadagi infratuzilmani yaxshilash, innovatsiyalarni qo‘llash, rivojlangan mamlakatlar tajribalarini o‘rganish, turizm bozorida o‘z imijini yaratish, tarixiy-madaniy va tabiiy resurslar, shuningdek, inson resurslaridan samarali foydalanish hamda uzoq va qisqa muddatli turizmni rivojlantirish strategiyalarini maqsadga muvofiq to‘g‘ri rejalashtirish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Sharipov Bahodir Akilovich-
Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti
katta o’qituvchsi

ELEKTRON DARSLIK ISHLAB CHIQISH BOSQICHLARI

Elektron darsliklarni ishlab chiqish texnologiyasini amalga oshirish maqsadida ularning an'anaviy vositalardan ustunligini tasdiqlovchi qator ijobiy omillar mavjud. Mazkur omillar didaktik, psixologik, iqtisodiy, fiziologik guruhlarga ajratildi. Elektron darsliklarni qo‘llash asosida o‘quvchilarning mustaqil ta'lim olish ko‘nikma va malakalarini shakllantirishda o‘quvchilarning funktsional va psixofiziologik imkoniyatlari inobatga olinishi shart. Elektron darsliklar asosida imkon qadar ko‘proq ma'lumotlarni yoritishga intilis o‘quvchini ortiqcha toliqtirishga olib kelishi mumkin. O‘z navbatida ma'lumotlarni uzatish tezligini oshirish esa ma'lumotlarni o‘zlashtirish sifatiniing pasayishiga, xatoliklar sonining ortib borishiga, o‘quvchining o‘zini his qilishi va sog’ligiga salbiy ta'sir qiladi.

Elektron darslikni yaratish jarayoni bir necha bosqichlardan iborat: muammoni tahlil qilish bosqichi, dizayn bosqichi, tadbiq qilish bosqichi, sinov va baholash bosqichi.

1) Birinchi bosqich. Muammolarni tahlil qilish bosqichi quyidagi vazifalardan iborat:
- o'qitish maqsadi;
- uslubiy yondashuvni tanlash;
- bilim va ko'nikmalar talablarini tahlil qilish;
- natijalarni prognoz qilish;

Birinchi bosqich quyidagi natijani beradi:
- Uslubiy kontsepsiya yaratiladi.

2) Ikkinhi bosqich. Rejalashtirish bosqichi quyidagi vazifalardan iborat:
- o'quv maqsadlarini shakllantirish va didaktik usullarni tanlash;
- o'quv materiallarini taqdim qilish shakllarini tanlash;
- texnik va dasturiy vositalarni tanlash;
- boshqaruv strategiya va kanallarini tanlash.

Ikkinhi bosqich quyidagi natijani beradi:
- Didaktik usullarni tavsiflash.
- Shakllar formatlarining ro'yxati va ma'lumotlarni taqdim etish.
- Texnologik platforma va uskunalar.

3) Uchinhi bosqich. Loyihalash bosqichi quyidagi vazifalardan iborat:

- komponentlarning tarkibini aniqlash va umumiy stsenariyni loyihalash;
- o'quv materiallarining axborot - mantiqiy modelini ishlab chiqish;
- o'quv vazifalari turlarini aniqlash va bilimlarni boshqarish vositalarini loyihalash;
- interfeys va navigatsiyni loyihalash;

Uchinhi bosqich quyidagi natijani beradi:

- Makrostruktsiya va mikrostruktsiya.
- O’quv kursining axborot-mantiqiy modelining tavsifi.
- Bilimni boshqarish sxemasi.
- Elementlar va shablonlar

4) To’rtinchi bosqich. Tadbiq qilish bosqichi quyidagi vazifalardan iborat:

- tarkibni to'ldirish;
- darslar davomida o'quv materiallarini metodik tashkil etish;
- dasturiy ta'minotni joriy qilish va nosozliklarni tuzatish.

To’rtinchi bosqich quyidagi natijani beradi:

- Elektron o'quv materiallari.
- Multimedia komponentlari.
- Dastur tarkibiy qismlari.

5) Beshinchi bosqich. Baholash bosqichi quyidagi vazifalardan iborat:

- eksperimental tekshirish;
- samaradorlikni baholash.

Beshinchi bosqich quyidagi natijani beradi:

- Foydalanish uchun yo’riqnomalar.
- Pedagog va talabalar uchun ko'rsatmalar.
- Ko’paytirish uchun tayyorlash.

Hozirgi kunda elektron darsliklarni yaratish uchun ko'plab dasturiy vositalar ishlab chiqilgan. Ularni uch toifaga bo'lish mumkin. Birinchisi, elektron muharrirlarni o'z ichiga oladi. Ular matn va boshqa ob'ektlarni tahrirlash uchun yetarlicha katta imkoniyatlarga ega. Grafika, navigatsiya elementlari va boshqalar nuqtai nazaridan elektron darslikni samarali ravishda yaratishga imkon beradigan ko'plab andozalar mavjud, ammo elektron muharrirlari juda qimmat, ularni o'zlashtirish uchun ko'p vaqt talab etiladi va birinchi navbatda ular kompyuter sohasida yetarlicha o'qitilgan foydalanuvchilar uchun mo'ljallangan. Ushbu toifaga quyidagi muharrirlar kiradi: CourseLab, NeoBook Professional Multimedia, DeskTop Author, eBooks Writer, SunRav BookOffice va boshqalar.

Ikkinchi toifaga HTML kompilyatorlari kiradi, ular oldindan tayyorlangan HTML fayllarini umumiy tarkibga birlashtirishga imkon beradi. Ushbu dasturlar funksionallik nuqtai nazaridan tahrirlovchilardan imkoniyatlari kam, ammo ular arzon va foydalanuvchilar o'zlashtirishlari uchun ko'p vaqtni talab qilmaydi. Ushbu guruhda quyidagi dasturlarni ajratib ko'rsatishingiz mumkin: LCDS (Learning Content Development System), eBook Maestro, eBookGold, HTML Help Workshop.

Uchinchi toifaga elektron kitoblar yaratishga mo’ljallangan dasturiy ilovalar

kiradi. Ko'pincha ushbu dasturlar ixtisoslashgan formatdagi elektron kitoblarni ishlab chiqish uchun mo'ljallangan. Bunga quyidagi dasturlar kiradi: Microsoft Reader, Mobipocket, Hiebook va boshqalar. Shuning uchun elektron darsliklarni yaratish uchun Adobe Acrobat, BookDesigner dasturlardan foydalanish yaxshiroqdir. Ular PDF formati va boshqa ko'plab formatlarni qo'llab-quvvatlaydilar, bu sizga ko'plab elektron kitoblarni ochish imkonini beradi.

Elektron nashrlarni ishlab chiqish uchun mavjud dasturiy ta'minot ularning yaratuvchilariga ta'lim xizmatlari bozorida ko'plab o'quv, test va boshqa elektron materiallarni taklif qilish uchun katta imkoniyatlar yaratadi. Yaratishning professionalligi ko'p jihatdan dasturiy mahsulotni tanlashga emas, balki ma'lumotlarning sifatiga va belgilangan ta'lim standartlariga muvofiqligiga bog'liq. Bu elektron nashrning shakli, tuzilishi, shuningdek uni ro'yxatdan o'tkazish qoidalariga aniq va oshkora talablarni yaratishda namoyon bo'ladi. O'quv elektron nashrlarini tayyorlash va ulardan foydalanish bo'yicha uslubiy ko’rsatmalar to'plami funktsional jihatdan to'liq bo'lishi kerak. Bu ushbu o'quv vositalarini yaratish va qo'llash jarayonining samaradorligini sezilarli darajada oshiradi.

Radjabova Sanobar Raximovna
OzDK “Musiqiy pedagogika”
kafedrasi katta o‘qituvchisi

GLOBALLASHUV JARAYONIDA MUSIQA MADANIYATIGA OMMAVIY MADANIYAT TA’SIRI VA MUAMMOLARI

Jamiyatda globallashuv hayotimiz sur’atlarining shiddat bilan tezlashuvi, jamiyki, rivojlanayotgan sohalarda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ijobiy – salbiy munosabatlar doirasida doimo chuqur o‘ylangan mulohazalar talab etiladi.

Chindan ham, axborot jamiyatida yuzaga kelayotgan turli musiqa yo‘nalishlari – rok, rep va yangidan – yangi kirib kelayotgan estrada yo‘nalishlari ba’zilari shaxvoniy, axloqiy buzuqlik va tubanlik sari yetaklayotgani ayon. Bizga ma’lumki, odam yaxshilik qilishdan ko‘ra, yomonlik qilishga moyilligi kuchliroq. Ayni damda milliy qadriyat va qarashlarimizga zid bo‘lgan vayronkor g‘oya va hatti – harakatlar ayniqsa, yoshlarning barkamol bo‘lib yetishishida to‘sqinlik qilib, jamiyatda turli ichki ziddiyatlarni keltirib chiqarish holatlarini G‘arb mamlakatlari misolida ko‘rishga chorlaydi. *Tom ma’noda ommaviy madaniyat jarayonining kengayish vositalaridan biri bo‘lgan didsiz, shokka tushiruvchi va ruhiy nomutanosib musiqa sog‘lom turmush tarzi va farovon hayot tizginini izdan chiqarish kuchiga ega bo‘lgan xavfli quroldir.*

Hattoki, hamisha o‘z manfaatini ko‘zlaydigan, jamoatchilik manfaatlarini inkor etuvchi va jamiyatga faqat ziyon keltiruvchi ayrim kimsalar ommaviy madaniyatning musiqa niqobi ostida quloqqa tez yoqadigan musiqa ohanglari vositasida, insonlarga turli axborot istemol tovari sifatida ortishi, ayni paytda, shuning evaziga shou biznesni rivojlantirish singari bozor munosabatlari asosida,

aslida, moddiy manfaatdorlik ustunligi va bu munosabatlarning chegara bilmay chuqurlashib ketayotgani ayni haqiqat.

Yunon faylasufi Aflotun aytgan “Davlatning kuch – qudrati unda qanday musiqa yangrayotganligiga tog‘ridan – to‘g‘ri bog‘liqdir” degan chuqur ma’no – mohiyati mazkur holatlarni yanada tasdiqlaydi. Qanchalik urunmaylik, bugungi kunda musiqa madaniyatining salbiy intihosiga qarshi tog‘ri, rejali va aniq yondashuv kasb etmoqda.

Bundan ko‘rinadiki, Kaykovusning “Ey farzand, agar hofiz bo‘lsang, xush fe’l, quvnoq bo‘l, hamisha pok, xush ro‘y va xush zabon bo‘lg‘il va o‘z ishingg‘a mashg‘ul bo‘lg‘il, yaramas xulq, qo‘pol bashara bo‘lmag‘il” deb aytgan hikmatli so‘zlari o‘rinlidir.

Chunki, hozirda estrada va boshqa musiqa yo‘nalishlarini xonanda va sozandalar tomonidan qo‘shiq yoki kuy ijrosi jarayonida ayrim achinarli holatlarni tanqid qilishga undamoqda. Misol tariqasida, internet saytlarining birida ayol xonandaning yarim - yalang‘och, tutruqsiz xatti – harakatlari hamda qo‘shiq so‘zlaridagi ma’nosiz va odob – axloq doirasidan mustasno so‘z jumlalari insonni inson sifatida emas, balki, odam ko‘rinishidagi manqurt va jirkanch qiyofasini ifodalaydi. Yana shu kabi intermet saytlarning birida, torli – kamonli, puflama – damli va urma – zarbli musiqiy cholg‘ular vositasida xonanda va sozandalar tomonidan ijro etish faoliyatida turli – xil noan’anaviy tusdagi soch turmaklar, yirtiq va yarim yirtiq kiyimlar, tana a’zosidagi tatirovkalar va xilma – xil individual kayfiyatni ko‘rsatuvchi holatlar, aynan, musiqa orqali tashqi ko‘rinishni insonlar ongiga singdirishning eng samarali usuli ekanligiga amin bo‘lamiz. Chindan ham, *musiqa ohanglarini tubi va hususiyatlari mavhum bo‘lib, odamning sezish a’zolari orqali miyya nerv tolalari va faoliyatga keltiruvchi miyya to‘qimalariga shu qadar chuqur muhrlanadiki, so‘zning ta’siridan ham kuchliroqdir*. Xalqimizda “so‘z – qush, soz – qanot” degan maqoli yoki nemis kompozitori Lyudvig Van Betxovenning “Musiqa – zakovat va falsafadan yuksakroq vahiydir” degan hikmatli so‘zlari o‘rinlidir.

Rok va rep kabi konsert jarayonini aynan bo‘layotgan joyida duch kelsak, musiqa tovushining texnika aparatlari vositasida u yerdagi tinglovchiga o‘ta yuqori chastotada yetkazib berilayotganiga guvoh bo‘lishimiz mumkin. Ayni vaziyatlardan kelib chiqib tekshirib ko‘rilganda odamning sezgi a’zolari va ruhiyatiga salbiy ta’sir o‘tkazish holatlarini tibbiyot sohasi mutaxassislarining xulosalaridan ilg‘ab olish darkor.

Avvalambor, bunday ayanchli oqibatlarni oldini olish maqsadida insonlarni, ayniqsa, tarbiyalanayotgan yangi avlod yoshlarini milliy qadriyatlarimiz va an’analarimizga tayanch bolib kelgan, xalq ijodiyoti namunalari, mumtoz musiqamiz, jumladan, maqomlarning noyob namunalarini, o‘zbek bastakorlari ijodining merosi durdonalari, shuningdek, chet el kompozitorlarining asarlari va boshqa xalqlar musiqa ijodiyoti namunalarini muntazam singdirib borish talab etiladi.

O‘zbek musiqasi ba’diy, zavq baxsh va diltortar ohanglarga boy. Zaminimizda Shashmaqom, Farg‘ona – Toshkent maqom yo‘llari va Xorazm maqomlari singari yirik majmuadagi namunalarini o‘rganish, uzoq o‘tmishdagidek, ustozdan –

shogirdga, otadan – o‘g‘ilga meros bo‘lib kelishini hozirda ham uchratamiz. Qadimdan davom etib kelayotgan bugungi kundagi musiqamizga oid ustoz – shogird an’analari o‘zining axloqiy, iymon – e’tiqod, poklik va ezgu maqsadlari asosida, o‘ziga xos hususiyatlari bilan boshqalardan ajralib turadi.

O‘zbek milliy estradasi kelajagini globallashayotgan ommaviy madaniyatning musiqa qarashlari bilan emas, balki, milliy, an’anaviy, estetik, va mumtoz musiqa asarlari bilan rivojlantirish kerak. Va shu asosida, milliy estradamizning yangi istiqbolini ko‘ra olishimiz mumkin.

Atoqli o‘zbek adibi Shukrulloning “Kuy bu tilsiz falsafa, xalq qalbining ifodasidir” degan, mashhur yozuvchi Chingiz Aytmatovning “Faqat musiqagagina zamonlarga xos yolg‘on aqidalarni yengib o‘tib, mudom kelajak sari intiladi” deb aytgan, yoki Karl Mariya fon Veberning “Musiqa – chinakamiga umuminsoniy til” kabi chuqur ma’noli so‘zlari, aynan, quyidagi jumlalarning yorqin dalilidir.

Файзуллаев Рустам Хамраевич,
доцент в.б., педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD),
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти

ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА МОДУЛЛИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИ

XXI аср ахборот технологияларни асри, шунинг учун бутун дунё, хусусан бизнинг мамлакатимизда ҳам таълим соҳасида замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Узлуксиз таълим Ўзбекистон Республикасининг тараққиётини таъминловчи шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларни қондирувчи устувор соҳа бўлиб, ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахсни шакллантириш ва юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун шароитларни яратади.

Хозирги замон таълим тизимини модернизациялаш жараёни кечаётган бир вақтда йўналишга қараб ҳар бир талабанинг ижтимоий ва унинг билан индивидуал ишлаш, унга бериладиган ўқув материалини ўзлаштириш қобилиятини инобатга олган ҳолда таълим бериш усулини жорий этишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида ташкил этилаетган ўқитиш тизими изчил суръатларда ривожланиб бориши таълим тизими ўқув материаллари мазмунига тегишли ўзгартиришлар киритилишини тақозо этмоқда. Ахборот коммуникация технологияларини ривожланиши халқаро миқёсда мулоқотни таъминлаш учун таълимнинг барча босқичларида чет тилларини мукаммал ўзлаштиришга зарурат туғдирмоқда.

Шахснинг сифат ва билим кўрсаткичларига эришиш тизими модуллар иерархиясини ташкил этади. Меҳнат янгиликларини модулли ўқитиш технологияси қисқа муддатда ёш мутахассисларни тайёрлаш билан бирга малакаларини ҳам кўзда тутади. Модулли ўқиш ўқув жараёнини шундай ташкил этишни кўзда тутадики, бунда ўқув материаллари модулларга бўлинади. Бир неча модуллар тўплами маълум ўқув мавзуси ёки ўқув фани мазмунини ёритади. Модуллар мақсадли (янги ходисалар, аниқ фактлар ҳақидаги маълумотлардан), ахборотлар (китоб, ўқув қўлланма, дарслик), жараёнлар (амалий топшириқ ва машқлардан) иборат бўлиши мумкин. Ўрганилиши лозим бўлган ўқув материалларининг ҳажми ва таркиби, талабанинг тайёргарлик ҳолати ва ҳар бир талабанинг келгусидаги мутахассислик даражасига қараб белгиланади.

Модулли таълим педагогик технологияларнинг бир тури сифатида таълим жараёнига тобора кенгроқ ёйилмоқда. Модул сўзининг асл маъноси “модель” (франц. modele - намуна, лотинча – modulus – ўлчов) шартли образ (кўргазма, схема ва б.қ.) яъни объект ёки объектли тизим маъноларини билдиради. Умумий маънода модул технологиясини ўқитишда кўргазмали воситаларнинг бири сифатида ҳам тушуниш мумкин.

“Модулли ўқитиш” термини халқаро тушунча модул билан боғлиқ бўлиб, унинг битта маъноси – фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Бу маънода у, модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган информация блоки сифатида тушунилади.

Ўқитишнинг модул тизими ҳақида расмий равишда биринчи марта, 1972 йил, ЮНЕСКОнинг Токиодаги бутун жаҳон концепциясида сўз юритилган эди. Модулли ўқитиш технологияси – функционал тизимлар, фикрлашнинг нейрофизиологияси, педагогик-психологияларнинг умумий назариясидан келиб чиқади.

Модул фанининг фундаментал тушунчаларини – маълум ҳодиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади.

Модул – бу ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилгандир.

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси у фақат ўқитувчи – билим узатувчи, тадқиқотчи – олим бўлибгина қолмай, балки у талабанинг руҳий ҳолатини, ёшларнинг ўсмирлик ҳусусиятларини билиши учун малакали руҳшунос ҳам бўлиши керак. Меҳнат бозорининг изчил ўзгариб туриши мутахассис кадрлар тайёрлаш таълим тизимида янги ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ўқув масканларининг асосий вазифаси ёшларга билим ва мутахассислик бериш билан чегараланмай, янги техника ва технологияларни ўргатишга мослашиш, шаклланиш, янги мутахассислик малакаларини оширишдан иборат. Бугунги

кундаги таълим тизимини модернизацияланишуви инновацион ҳарактерга эга, яъни таълим мазмунини, фаолият шаклини ўзгартиришни талаб этади.

Модулли блокли ўқитиш – педагогик технологиянинг бир тури ҳисобланиб, якка шахсга қаратилган. У бир вақтда ўқув жараёнларини оптималлаштириш, ўқув мақсадига эришишда унинг тўлиқлигини таъминлаш, талабанинг шаклланиши ва англаш доирасини кенгайтиради. Ушбу технология талабаларнинг мустақил равишда илмий оммабоп ва адабиётларни ўрганиш, ўқиш билан ишлаш жараёнида билимга эришишга асосланган. Модул технологияси талабанинг ўз-ўзини бошқариш учун англаш, ўзлаштириш фаолиятини бошқаришни, унинг кенг имкониятларини мувофиқлаштиришга олиб келади. Модул талаба интеллектини, мустақиллигини, коллективлашувини, ўқув-ўзлаштириш фаолиятини бошқара олиш қобилиятини шакллантиради. Модулли-блокли ўқитиш технологияси ҳар бир талабада мустақил билим олиш қобилиятини ривожлантиради, мустақил маълум бир мақсадга эришишга ўргатади, ўзўзини билим савиясини баҳолайди, ўзлаштириш ва билим олишдаги камчиликларини англайди.

Модулли-блокли технология жорий этилганда барча педагогик жараён иштирокчилари ўз-ўзини таҳлил, назорат, баҳолаш ва мослашиш кўникмаларига эга бўладилар. Ушбу технология шарофати билан “ўқитувчи-талаба” тизимида марказий ўрнида талаба бўлади. Чунки талаба маълум вақт оралиғида, ўзи тушунганича, англаганича ва эслаганича ўз имконият доирасида топшириқни бажаради. Бу ўз навбатида талабада фанга бўлган қизиқишини орттиради, доимий бандлиги тартиббузарликни олдини олади.

Ҳулоса қилиб айтганда модулли-блокли ўқитиш технологиясини амалда, таълим тизимида жорий этилиши талабанинг олган назарий билимларини бевосита тажрибада қўллаш амалий кўникмаларини шакллантиришга, унинг фан материалларини ўзлаштиришга ижодий ёндошишига, инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш сирларини ўрганишга олиб келади.

Чориев Рузимурот Кунгратович,
Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор,
педагогика фанлари номзоди, доцент,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА “УСТОЗ-ШОГИРД” МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, ўқитиш ва

тарбиялаш мазмунига миллий қадрият ва анъаналарни сингдириш, уларни илғор ғоялар билан бойитишга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган бебаҳо маънавий мерос, унитилган қадриятларни қайта тиклаш, миллий ўзликни англаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий анъана ва қадриятлар қайтадан мустаҳкам қарор топиши натижасида ўқитувчи-устоз фаолияти бўлажак юқори малакали мутаҳассис кадрларни тайёрлашда нафақат фан асослари юзасидан билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда, балки аудиториядан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, уларнинг иқтидори, қизиқиши ва интилишларини инобатга олган ҳолда илмий тадқиқот ишларига жалб этишда, уларда юксак маънавиятлиликни шакллантиришда “устоз-шогирд” анъаналаридан фойдаланиш эҳтиёжга айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат юқори малакали муттассис кадрлар тайёрлашда “устоз-шогирд” тизимининг аҳамияти беқиёсдир. Мазкур тизим асосида замонавий миллий кадрларни етиштиришда устознинг шогирд билан, яқин, самимий, оқилона муносабатларини жонлантиришга қаратилаётган жиддий эътибор диққатга сазовор. Шунингдек, мазкур тизим бу икки таълим субъектлари орасида нафақат илм-фан маълумотларини ўзаро алмашиш, балки юқоридаги хулоса: қайси фазилат ва сифатлар асосида илмий тадқиқотлар олиб боришга киришиш, олинган билимларни амалиётга қандай тадбиқ этиш, қайси мақсад ва ғоялар амалиётига йўналтириш ва бошқа шу каби маънавий-маърифий тарбия масалалари билан уйғунликда олиб боришни кўзда тутмоқда. Демак, бугунги “устоз-шогирд” муносабатларида устоз – мураббийларнинг ўз издошларига фақатгина билим бериш билан чекланиб қолмаслигига аҳамият қаратилаётгани ўзига хос ва муҳим хусусият сифатида намоён бўлади. Хатто, тизимнинг ташкил этилиши ва уни янада такомиллаштиришга берилаётган эътибор марказида – шогирдларнинг маънавий камолотига ғамхурлик қилтинаётгани алоҳида феномендир. Глобал муносабатлар ривожланиб, турли ахборотлар билан бир қаторда, ранг-баранг ғоя ва қарашлар шиддат билан оммавийлашиб бораётган ҳозирги даврда, ёшлар маънавий камолотига эътибор бериш ҳар қачонгидан долзарблашиб, “устоз-шогирд” тизими олдига ҳам бир қатор вазифаларни қўйиши табиийдир. Ҳар қандай юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг чуқур билимга эга бўлиши – маънавий камолот билан уйғунликда олиб боришни тақозо этади.

Ёшларда касбий маҳоратни тарбиялаш, уларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш, изланиш, ижод қилиш, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришда ўзига хос тарбиявий таъсир кўрсатиш мавжудлиги билан “устоз-шогирд”анъаналари катта аҳамият касб этади.

“Устоз-шогирд”анъаналарининг яна бир характерли жиҳати шундаки, унда шогирднинг ўз имкониятларига ишонч, вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда иродавий сифатлари шаклланади, энг асосийси унинг ижтимоий фаоллиги устозлар назоратида бўлади. Устознинг энг буюк бурчи – юрт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган, ақл-идрокли, фаҳм-фаросатли ва

қобилиятли шогирдлар тайёрлашдан иборат. Устоз яхши шогирд тайёрлаш учун аввало унинг ўзи касбий салоҳиятли, маънавий баркамол, кенг дунёқараш ва соғлом фикрга эга бўлмоғи лозим.

Қадимдан “устоз-шогирд” анъаналарида устоз нафақат шогирдига йўлйўриқ, кўрсатма берибгина қолмай, ўз навбатида уларни мустақил фаолиятга тайёрлаган ҳамда ўзидан кейин иш тажрибаси, билим ва маҳоратини авлодданавлодга ўтишига имконият яратган.

“Устоз-шогирд” муносабатлари муайян дастур, режа асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада шогирд билан олиб бориладиган иш шаклларида устоз қуйидагиларга риоя қилиши лозим:

- шогирдга тарбиявий таъсир кўрсатишда уларни замон талабларига, жамият қонун-қоидаларига мос билимлар билан қуроллантириш;
- ягона мақсад сари интилишга, ишнинг натижасини кўра билишга ўргатиш;
- шогирднинг руҳияти, маънавиятига ижобий таъсир кўрсата олиш ва ўз ўрнида талабчан бўлиш;
- ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилишга одатлантириш;
- муваффақиятни кўзлаган ҳолда олға одимлаш;
- ижобий қайтувчан алоқани ўрнатиш;
- тарбияда турли хил усуллардан фойдаланишга эътибор қаратиш;
- тарбия жараёнида устознинг ҳар томонлама: маънавий, ахлоқий, касбий жиҳатдан намуна бўлиши;
- бурч, масъулият, жавобгарлик ҳиссини шакллантириб бориш ва ҳоказо.

Юқори малакали ҳар томонлама етук мутаҳассис кадрлар тайёрлашга қаратилган “устоз-шогирд” анъаналарида қуйидаги педагогик тамойиллар муҳим аҳамият касб этади:

- онглилик ва фаоллик, яъни эгаллаётган у ёки бу фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари, моҳиятини онгли тарзда тўлиқ англаб етиш, унинг истиқболи ва равнақида фаоллик билан ҳаракат қилиш;
- таълим-тарбиянинг турмуш, ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлигини инобатга олиш;
- ўқитиш, тарбиялаш мазмуни ва шогирдлик босқичлари изчиллик билан белгилаб қўйилган аниқ мантиқий тартибга эга бўлиши;
- илм-фаннинг сир-асрорларини эгаллашда пухталик;
- шогирднинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;
- мутақилликка, ижодий изланишга йўналтириб боришда назарий билимларнинг амалиёт билан боғлиқлигини ҳисобга олиш;

Юқорида таъкидланганидек таълим-тарбия тизимида “устоз-шогирд” муносабатларин шакллантириш ва ривожлантириш таълим-тарбиянинг янада самарадорлигини ошишига ёрдам беради, юқори малакали шогирд тайёрлашдан кўзланган самарани беради. Педагогик таълимот ғояларига кўра амалий кўникма ва малакалар бевосита машқлантириш, яъни муайян фаолиятни амалга бевосита бажариш орқали шаклланади. “Устоз-шогирд” анъанаси эса талаба-ёшларда бевосита ишлаш, уларнинг индивидуал хусуссиятларини

инобатга олган ҳолда ёндашиш, мавжуд иқтидорларини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитни яратиши билан аҳамиятлидир. Бу каби ҳолатлар ёшларни нафақат меҳнат ва ишлаб чиқариш фаолиятига масъулият билан ёндашиш, балки ўзгалар меҳнатини қадрлаш, ҳалол меҳнат қилиш, меҳнат самарадорлигидан ғурурланиш каби маънавий-ахлоқий сифатларни ҳам тарбиялайди. Фарзанд тарбиясида шарқона, қадимий аждодлар урф-одатлари, анъаналари, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишда халқимизнинг миллий тарбия тизимидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бериш ва бу борада устозлар ўз кучи, ақл-заковотини аямасликлари лозим.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, ҳозирги кенг қамровли демократик ислоҳотлар муҳитида келажак авлоднинг ватан равнақига ўз ҳиссаларини қўша оладиган юқори малакали кадрлар қилиб тарбиялаш давр талабига айланди. Бу борада таълим-тарбия тизимида “Устоз-шогирд” анъаналари имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Авлаев Ориф Умирович *- ТошДАУ, п.ф.н., доцент*

ИЖТИМОИЙ ИНТЕЛЛЕКТ-ШАХСНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ

Турли вазиятларда инсонларнинг ўзларини қандай тутишларини башорат қилишнинг ишончлилиги ва уни баҳолаш қатор омилларга (маданияти, хабардорлиги, баҳолаш субъекти ва шунга ўхшаш) боғлиқ, бироқ асосан, ёки вазият таъсири билан, ёки шахсий диспозициялари билан белгиланади. Мазкур ҳолатда диспозиция деганда шахсий фазилатлар, установкалар, мақсадлар, қадриятлар, вазиятнинг аҳамияти ва бошқалар тушунилади.

Баъзи муаллифларнинг эътироф этишича, шахсий фазилатлар (диспозициялар) орасидан инсон хулқи детерминантини излашга қаратилган йўл маҳсулдор бўлиб чиқмади (Росс, Нисбетт, 2000 ва бошқалар). Худди шундай хулоса, тўлақонлигича, вазиятнинг ўз характерстикалари ичидаги хулқ детерминантини излашга ҳам тегишлидир. Методологик тупик рамзий интеракционизм ғояларини қабул қилиш орқали ҳам, вазиятнинг турли типларини ва уларнинг инсон томонидан идрок қилиниши, вазиятни шахс томонидан бошдан кечирилишини тадқиқ қилувчи бошқа ёндошувларни ишлаб чиқиш орқали ҳам бартараф этилган. Бироқ бугунги кунда бу муаммони ўрганишнинг кўп жиҳатлари тугалланмасдан қолмоқда.

Шу билан бирга ижтимоий вазиятларда инсон ҳатти-ҳаракатларини тадқиқ қилишнинг янги йўналишлари белгиланди.

Ижтимоий интеллект муаллиф томонидан интеллект билан зот-тур муносабатлари ила боғланган мустақил интеллект тури сифатида кўриб чиқилади. Ижтимоий интеллектда турга оид таянч компонент деб, ижтимоий хулқнинг реаллиги ва онглилиги образини, ҳамда бу хулқининг мослашув механизмларни конструкциялашни таъминлашга киритиладиган ментал

фаолиятга бўлган қобилиятни ҳисоблаш мумкин. Концепциянинг назарий асослари 2011 йилда эълон қилинган мазкур нашрда баён қилинган (Лунева, 2011).

Шахснинг ижтимоий интеллекти, мураккаб умумий қобилият бўлиб, шахс хусусиятларини фаоллаштириш, уларни ўзаро ҳаракат иштирокчиларига тақдим этиш вазифаларини бажаради ва ўзаро ҳаракат жараёнида уларнинг намоён бўлишини бошқаради. Ижтимоий интеллектнинг ўзи эса ўз структурасига коммуникатив ўзаро таъсирнинг мақсадлари ва форматига релевант бўлган бир қанча қобилият турларини олувчи мураккаб қобилиятнинг онтологик мақомига эга. Ижтимоий интеллект тадқиқот предмети сифатида ички ва ташқи ўзаро интизомлиликка эга.

Маълумки, шахснинг социал интеллектуал фаолияти жараёнининг асосий функцияси субъектни ўраб турган дунёда унга тўғри йўл кўрсатишдан иборат. Бунда социал интеллект интеграциялашуви натижасида мулоқот ва ижтимоий адаптациянинг муваффақиятлилигини таъминлайди. Э.Торндайкнинг таъкидлашига кўра шахс интеллектининг қуйидаги турлари мавжуд**: абстракт интеллект** - бу абстракт, вербал ва математик белгиларни тушуниш ва уларнинг ёрдами билан турли ақлий ҳаракатларни амалга ошириш қобилиятидир, **социал интеллект-** одамларни тушуниш.

Г.С. Сухобская индивидуал психологик камолот атрибутларининг қуйидаги рўйхатини таклиф қилади: ўз хулқини мустақил прогнозлаш, ҳаракат ҳақидаги ўз қарорини амалга оширишга ўзини сафарбар қилиш, ўз ҳаракатлари бажарилишининг боришини ва натижаларини кузатиш, баҳолаш рефлексиясини намоён қилиш қобилиятлари; турли вазиятлардаги ўз хулқидан “дарс олиш” қобилияти; ўз хулқининг турли вазиятларига бўлган эмоционал-адекват реакция кўрсатиш қобилияти [6]. Индивидуал-психологик камолотдан ташқари, муаллиф ижтимоий камолот ҳақида ҳам гапиради ва бу камолот унинг фикрига кўра социумнинг қадриятларини тўлиқ бўлишиш ва уларни ўз хулқида амалга ошириш, ҳамда шахсга фақат инсониятнинг ривожланишига томон ижобий йўналтирилган қадриятларга установка бериш қобилиятида ифодаланади.

Р.Р. Калинина шахс камолоти масъулият, эмоционал камолот, ўз хулқини назорат қилиш, мустақиллик, креативлик, эмпатиялик, сабрлилик, ўзига ишониш, табиийлик, рефлексивликни ўз ичига олади [9].

Шахс камолоти психология соҳасида мунозарали бўлиб, чет эл тадқиқотчиси И.С. Кон, Г. Олпортнинг ишига таяниб [11, С.177], шахс камолоти нафақат ижтимоий ролларни эгаллаш билан характерланадиган, балки инсоннинг мустақил ҳатти-ҳаракатлар қилишга бўлган қобилияти, фаол ижтимоий позиция, ўз хулқининг ижтимоий оқибатлари учун жавобгарликни бўйнига олиш билан характерланадиган ижтимоий камолотни муҳокама қилади [11, С. 177-193]. Бир қатор муаллифлар “ижтимоий камолот”, “шахс камолоти”, “ижтимоий-психологик камолот” тушунчаларини синоним деб ҳисоблашади ва бу билан шахснинг ижтимоий табиатига урғу беришади [1; 12, С.102-109].

Инсон ижтимоий мавжудот сифатида турли ижтимоий гуруҳлар билан ўзаро ҳаракатда бўлади, жамият ҳаётида бирга иштирок этади. Бунда шахснинг социал интеллектининг ривожланиши муҳим аҳамият эга. Айни пайтда кўплаб ижтимоий гуруҳларнинг иштирокичси сифатида уларнинг ҳар бирида гуруҳларнинг бошқа аъзолари билан ўзаро турлича муносабатда бўлади.

Инсон шахс даражасига етиши учун унинг онги, фаолияти, ўз-ўзини англашидан иборат ички йўналтирувчи механизми муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг шахс сифатида ривожланиши унинг қизиқиши, характери, қобилияти, ақлий ривожланганлиги, эҳтиёжлари, меҳнат фаолиятига муносабати билан белгиланади. Ана шу хусусиятлар ривожланиб, инсоннинг ижтимоий воқеликка, меҳнатга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати маълум босқичга етгандагина у шахс камолотга эришади [19. 82 бет].

Муаллифлар: Б.Г.Ананьев, А.Н.Леонтьев, Л.С.Выготскийларнинг фикрларига таянган ҳолда ўқитувчи шахси тарбия ва ижтимоийлашув шароитида шаклланади, деган хулосага келади [3, 9-10].

Б. Г. Ананьевнинг фикрича, инсон ўқув фаолиятидан меҳнат фаолиятига ўтганда етуклик бошланиб, у фуқаролик, ақлий ва ахлоқий етуклик йўналишларида намоён бўлади [2,158-159]. Буни ёш даврлари билан боғлаган ҳолда инсоннинг индивид сифатида етилиши (жисмоний етуклик), шахс сифатида етуклиги (фуқаролик етуклик), оламни англаш субъекти сифатида (ақлий етуклик) ва меҳнат фаолиятига йўналганлик (мехнатга лаёқатлилик) бир ёш даврида намоён бўлмайди. Б.Г.Ананьевнинг фикрича, инсоннинг умумсоматик ва жинсий етуклиги биологик меъзонлар билан, ақлий тараққиёт ва ақлий етуклик аниқ таълим тизими ва тарихий давр билан, фуқаролик етуклиги хуқуқий саводхонлик, юридик мақомга эга бўлиш, ҳуқуқ ва бурчлар билан, шахсий етуклик миллий урф-одатлар, муҳит, иқтисодий-сиёсий шароитга, касбий етуклик ақлий ва жисмоний етукликка бевосита боғлиқ.

Д.Собирова ҳам ўз тадқиқот ишларида социал интеллектнинг ўқитувчи касбий фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омил сифатидаги хулқ-атвор, когнитив, эмоционал компонентлари ва гносеологик, аккумулятив, коммуникатив функцияларини аниқлаштирган[17].

Корин Космитски ва Оливер Джон шахснинг имплицитив тасаввурларини тадқиқ қилиш асосида социал интеллектнинг еттита асосий хусусиятларини ажратишди: инсонларнинг фикрлари, туйғулари ва мақсадларини яхши тушуниш; инсонлар билан яхши келишиш; инсонлар ўзаро муносабатларининг қоида ва меъёрларини яхши билиш; бошқа инсоннинг нуқтаи назарини тушуна олиш; ижтимоий вазиятларга яхши мослаша олиш; меҳр ва эътибор; янги тажриба, янги ғоя ва қадриятларни қабул қила олиш [24].

Юқоридаги келтириб ўтилган турфа хил фикрларга қарамасдан, шахс камолотида социал интеллектнинг ўрни ва аҳамияти юқорилигини таъкидлаш жоиз. Чунки, шахснинг социал интеллектуал фаолияти инсоннинг дунё билан алоқасини амалга оширади ва онтогенезнинг турли босқичларида конкрет шароитларда ҳаракат қилувчи субъектнинг фаоллигида намоён бўлади; эҳтиёж предмети бу алоқани йўналтиради, ва бунинг натижасида ўзининг ва дунёнинг

тушунилган ва мақсадга йўналтирилган ўзгартирилиши содир бўлади. Социал интеллектуал фаолияти қадрият сифатида интегратив шаклда намоён бўлади, шахснинг индивидуал хусусиятларини акс эттиради ва турли хил ёшдаги шахсларнинг касбий ривожланишига таъсир кўрсатиб, унинг мослашишини таъминлайди. Маълумки, шахснинг социал интеллекти нафақат коммуникатив ўзаро таъсирда намоён бўладиган ресурслар бўлган, балки социал интеллектнинг шахс мақсад ва вазифаларига таъсир кўрсатувчи омил бўлган шахс хулқ-атвори билан чамбарчас ўзаро алоқада кўриб чиқилади.

Социал интеллект шахс хусусиятлар ва характеристикалари структурасидаги мустақил қобилиятдир. Бироқ унинг коммуникатив ўзаро таъсирда шахснинг хулқини ташкиллаштириш ва бошқаришга қўшилиши унинг кўринишларига ахлоқий, ижтимоий характеристикалар йиғиндиси ёрдамида детерминация-ланадиган маълум бир ижтимоий қиймат берадики, унга шахс ҳатти-ҳаракларининг сабаблари, стратегиялари, установка ва хусусиятлари киради. Охиргилари маълум бир шаклланганлик даражасига эга (етуклик, ривожланиш) ва социал интеллект орқали коммуникатив ўзаро таъсирда намоён бўлади.

Талаба шахси камолотининг самарадорлигини бевосита таъминловчи социал интеллект омиллари ва мазкур омилларни изоҳловчи кўрсаткичлар кўлами ўртача-умумий ва қиёсий-типик жиҳатдан ўрганилиб, бугунги кун таълим тараққиёти талабларига мос равишда тадқиқ этилди. Буларнинг барчаси психология фанида шахс социал интеллектининг психологик асосларини янада такомиллаштириш механизмларига хизмат қилувчи назарий ва эмпирик тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

Социал интеллект – шахс камолотини таъминловчи муҳим психологик омил сифатида алоҳида ўрганиш; шахс камолотининг уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи социал интеллект омиллари, кўрсаткичлари ва улар орасидаги корреляцион муносабатлар эмпирик жиҳатдан таҳлил этамиз. Шу сабабли бевосита тадқиқот натижалари шарҳига мурожаат этайлик (1-жадвал).

Талабалардаги социал интеллектни ўрганишда Дж.Гилфорд методикасидан фойдаланар эканмиз, унинг таркибидаги субтестлар шахс умумий интеллектининг қирраларини ёритишга хизмат қилади. Умумий интеллект тушунчасининг мазмуни ва методиканинг хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, талабаларнинг мулоқотда ва ижтимоий шароитга мослашувчанликка қобилиятлилиги ҳамда инсонларни идрок этиш, улар билан мулоқотга киришимлилигидаги интегралашган интеллектуал қобилияти ўртача даражали қийматни ифодаламоқда.

1-жадвал

Талабаларнинг социал интеллект кўрсаткичлари

№	Умумий ва социал интеллект	М	У
1.	Умумий интеллект	94.12	10.95
2.	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	3,41	0,59

3.	Новербал ҳулқ-атворни тушуниш	3,38	0,92
4.	Вербал экспрессияни тушуниш	2,81	0,63
5.	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	2,78	0,94

Бундан кўринадики, талабалар таълим жараёнида умумий ва социал интеллектларини ривожлантириш масаласига доимо эътибор қаратишлари лозим бўлади. Уларнинг умумий интеллекти (IQ) даражаси ўртача бўлгани сингари социал интеллектни ифодаловчи мезонлардан "Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш" бўйича (3.41±0.59) ўртача кучли даражани намоён этди. Бу эса, талабаларнинг одамлар билан муносабатни олдиндан прогнозлаш, воқеа-ҳодисаларнинг боришини тахминлашга лаёқатлари бор, аммо уни ривожлантириш лозим, деган хулосани беради. Агар талабаларда ушбу субтестни юқори даражада ечиш қобилияти бўлганда, нотаниш кишиларни фотосуратига қарабоқ, унинг кимлиги, шахси ҳақида батафсил тавсиф бера олардилар. Афсуски, талабалар социал интеллектининг бу жабҳаси ўртачадан юқорироқ камол топган.

Талабалар новербал хулқ-атворни тушуниш бўйича ҳам ўртачадан юқори қийматга эга бўлганлар (3.38±0.92). Талабалар ўзларини ишчанлик муҳитига тайёрлашга, новербал сигналларни илғашга, одамларнинг новербал мулоқотлари ёрдамида, позаси, мимикаси ва хатти-ҳаракатларига кўра, баҳолаш иқтидорлари асоси борлигидан далолат беради. Агар талабалар ўзларидаги ушбу сифатни юқорироқ даражада шакллантиришга эришсалар, у ҳолда бу уларнинг фаол, стеник, чуқур рефлексияга, мулоқотда инсонларнинг эмоционал ҳолатларига нисбатан сезгирликка, ўзларининг ҳис-туйғуларини ҳам тушунишга мойилликлари ортишини билдиради.

Хулоса

1. Шахснинг социал интеллекти ўзига хос ижтимоий психологик тузилмага эга бўлган шахс типлари, шахс хусусиятлари ҳамда когнитив, эмоционал, хулқий компонентларга таъсирида ривожланади.

2. Шахснинг социал интеллекти кўрсаткичларини Гилфорд методи бўйича тўрт шкала-мезонига асосан тадқиқ қилинди. Бунда шахснинг социал интеллектининг ижтимоий-психологик кўрсаткичлари, вербал ва новербал ҳаракатларни адекват тушуниш, мулоқотга мойиллик, ҳиссий барқарорлик, шахслараро таъсирлашувни самарали ташкил эта олиш каби шахс сифатларининг намоён этилиши билан белгиланади ва баҳоланади.

3. Талабаларнинг умумий интеллектини тадқиқ қилишнинг учун психодиагностик методикалари мавжуд бўлиб, уларни амалиётга татбиқ этиш шахснинг касбий-шахсий камолоти юзасидан етарлича илмий-услубий маълумотлар олишга хизмат қилади.

Тавсиялар: Социал интеллектни ўстириш учун таълим жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган янги йўналишдаги психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш йўналишида изланиш олиб бориш зарур. Бундан кўринадики, талабалар шахси камолоти учун олий таълим мактабларида

таълим-тарбия жараёнини яхлит тизим сифатида қараб, таълим беришнинг учта жабҳасини инобатга олиш муҳим:

1. Талабаларнинг касбий камолоти ва интеллектуал ривожи учун уларга психологик-педагогик таъсир кўрсатишни ўқитиш жараёнида ва шахсий камолотини тизимли ташкил этиш.

2. Талабаларнинг касбий камолоти шароитида шахсий ривожланиши, ақлий камолоти ва ўзлаштиришини таъминлашга йўналтирилган психологик-педагогик ва Ижтимоий шарт-шароитларни яратиш. Бу ўз навбатида талабаларнинг индивидуал хусусиятларини намоён этишга олиб келади.

3.Таълим жараёнида талабаларнинг касбий ва шахсий камолотига ёрдам кўрсатувчи махсус психологик-педагогик ва ижтимоий шароитларни яратиш. Бўлажак мутахассислар шахс камолотининг шаклланишида интеллекти салоҳиятини ошириш учун хизмат қиладиган механизм психологик-педагогик муаммоларни бартараф этувчи тизимлаштирилган тадбирлар характерида бўлиши зарур. Бунда таълим ва маънавий-маърифий ишлар жараёни ўртасида ўзаро изчиллик ва узвийликни таъминлаш орқали талабаларда эркинлик, мустақиллик, ижтимоий фаоллик сифатларини шакллантириш мақсадида туркум тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

Шарафутдинова Х.Г.
Термиз давлат университети доценти

ИЖОБИЙ КАЙФИЯТ ВА ИНСОН РУҲИЯТИ ХУСУСИЯТЛАРИ

“Агар мен ҳис қилаётганларимни ҳамма инсонларга тарқатилганда эди, дунёда хурсанд чеҳра топилмас эди”
(Абраҳам Линкольн).

Ҳозирда жаҳондаги ҳар тўрт кишидан биттаси ўз ҳаёти мобайнида турли руҳий муаммоларга юз тутмоқда. Халқаро ташкилотлар атиги бир неча йилдан кейин руҳий касалликлар соғлиқ тизими учун энг йирик муаммога айланишини башорат қилишган. Мутахассислар яқин орада руҳий муаммолар ҳозирда энг кўп тарқалган, деб ҳисобланадиган юрак ҳасталикларидан сўнг иккинчи ўринга чиқиши ҳақида башорат қилмоқдалар. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирда ўртача ҳар 4 инсондан биттаси руҳий муаммога юз тутмоқда. Бу холатни олди олиниши ва бартараф этилиши зарур бўлган муҳим ижтимоий муаммо деб баҳолаш мумкин.

Жамиятда ижтимоий психологик муҳитнинг соғлом бўлиши “ердаги азон қатлами”нинг мустаҳкам бўлиши учун хизмат қилади. Дархиқиқат, жамият мустаҳкам иродали, ақлли, билимли, тажрибали, ўзига ва келажакка ишонган, ўзининг ва одамларнинг тақдири учун қайғурадиган, софдил, меҳнаткаш, меҳрли инсонларга доимо катта эҳтиёж сезади. Ана шундай фазилатларга эга бўлган кишилар маънавий юксаклик сари интиладилар. Аксинча, юрагида керакли асосга эга бўлмаган ғубор, ҳасад, дангасалик, лоқайдлик, тушкунлик,

умидсизлик ёки бошқа ижтимоий иллатга эга бўлган кишилар тубанликка юз тутадилар. Бундай тоифадаги кишилар ҳар доим ҳам шахсий муаммоларининг сабабчилари энг аввало ўзлари эканлигини англаб етавермайдилар. Кўпроқ муаммоларининг сабабчиси сифатида атрофдагиларни, вазиятни кўрсатадилар.

Кайфият тушунчасига психологик манбаларда турли нуқтаи назардан ёндашилган тақдирда ҳам мазмунан улар бир хилликни англатади. Жумладан, К.Турғунов луғатида шахснинг кучсиз ёки ўртача кучга эга бўлган нисбатан барқарор умумий эмоционал ҳолати, А.В.Петровскийнинг "Умумий психология" дарслигида кайфиятлар анча вақт давомида кишининг бутун хатти-ҳаракатига тус бериб турадиган умумий ҳиссий ҳолатини ифода этади, деб таъкидланади. Профессор Э.Ғозиев фикрича, кайфият шахснинг руҳий жараёнларига муайян вақт давомида тус бериб турувчи эмоционал ҳолатдир. Кайфият, яъни одамнинг хурсанд ёки ғамгин кайфияти ҳеч вақт сабабсиз майдонга келмайди. Одам бажараётган бирор ишнинг маваффақиятли тугаши ёки имтиҳондан яхши ўтиш-яхши тетик кайфиятни юзага келтиради. Киши амалга ошираётган ишининг олдинга юрмаслиги ёки ишга берилган ёмон баҳо унда маъюслик, кучига ишонмаслик кайфиятини туғдиради.[1,2,4]

Албатта, кайфиятнинг хуш ёки нохуш бўлиши, биринчи навбатда одамнинг сиҳат-саломатлиги билан ҳам боғлиқдир. Масалан, бирор оғриқ безовта қилиб турган вактда кайфият чоғ бўлмайди. Одатда одамда кайфиятнинг у ёки бу тури, яъни хушчақчақлик хурсандлик ёки ғамгинлик, маъюслик, тушкунлик устун бўлиши мумкин. Ана шунга қараб одамлар хушчақчақ, ғамгин, серташвиш деб турли гуруҳларга бўлинадилар. Лекин шуни айтиш керакки, одам ўз кайфиятининг қули бўлиб, қолмай, уни бошқара билиши керак. Ўз кайфиятини идора қила биладиган одамларнинг ҳар доим руҳи тетик, кайфияти чоғ ва ишида унум бўлади. Кайфиятни идора қила олмайдиган одамлар билан яшаш жуда қийин бўлади. Бундай одамлар арзимаган нарсадан кайфиятини бузиб, хўмрайиб юрадиган ёки аразлайдиган кишилардир. Бундай одамларни одатда «сиркаси сув кўтармайдиган» ёки «жаҳли бурнини учида турадиган» деб таърифлашади. Киши хар доим ўйлаб, ақл билан иш тутиши билан ўз кайфиятини бошқариши мумкин.

Инсон кайфиятини пайдо бўлишига ва ўзгаришига таъсир қилувчи қуйидаги иккита омилларни таҳлил қилиш лозим: Улардан биттаси объектив ва субъектив хусусиятли вазиятдир: а) табиий омилларга тааллуқли бўлган вазият (ҳавонинг совуқлиги ёки иссиқлиги); б) шахслараро муносабатнинг ноқулайлиги ва бошқалар. Иккинчисини бир манба сифатида талқин қилиш мумкин, бу-субъектив, шарт-шароитлардир. Масалан, меҳнат ва ўқиш фаолиятига керакли воситаларнинг мавжудлиги. Иккинчи субъектив муносабатлар, илиқ психологик муҳит, мулоқатмандлик мароми, рағбатлантириш, мулоқот ўрнатиш услуби, шахсиятига тегмаслик, тенг хуқуқлилик, шахснинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш ва ҳокозо.[3]

Баъзи инсонлар рухий муаммоли ҳолатларига нисбатан юқори ҳаяжонда бўлиб, бир қанча вазифаларга шўнғиб кетиш билан жавоб беришади. Бу ҳолатда улар ўзларини ҳаяжонланган, бироз мулоҳазасиз ёки етарли даражада

мамнун ҳис қиладилар. Баъзи инсонларда эса бунинг акси яъни ғамгинлик, маъюслик ҳолати бўлади. Бошқача қилиб айтганда, инсон кайфиятида икки ҳолат мания ва депрессия учраб туради[72]. Бу эса кишининг муаммолар гирдобига тушиб қолиши, ҳаёт фақат муаммолардан иборат эканлиги ҳақидаги "шахсий бузуқ ҳаёллар"га берилиши, атрофдаги ўз ҳаётидан рози, мамнун, ҳаётига позитив муносабатда бўлиб тинимсиз ҳаракатда бўлган инсонларга нисбатан ҳасад, кўролмаслик, ҳатто душманлик хиссини юзага келтириши мумкин. Натижада бу, соғлом фикр, соғлом эътиқод, хаётий позициясини тўғри идрок қила олмасликка олиб келиб, шахснинг маънавий юксалишига тўсқинлик қилади.

Мания бу – психологик ҳолатнинг нормал ҳолатидан оғиши бузилишидир. Бу ўта ҳаяжонланиш, серҳаракат, сергаклик ҳолатилари кучайиб, савдойилик маъноларини англатади. Бундай кайфиятдаги шахс маник деб номланади. Депрессия эса жиддий тушкунликка тушиб қолиш ҳолатидир. Агар бу кайфият ўзгаришлари инсонда узоқ давом этса, бу уларнинг нормал ҳаётига маълум даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолатлар эса "кайфият тартибсизликлари" ёки "аффектив тартибсизлик" деб аталади.

Мания ҳодисалари тўсатдан бошланади. У бир неча кундан бир неча ойгача давом этиши ва қўққисдан якунланиши мумкин. Бу ҳолатнинг яққол кўриниб турувчи жиҳатлари қуйидагилар: - юқори фаоллик ёки жиззаки кайфият; - ҳаракатчанликнинг юқори даражада бўлиш; -сергаплик, кўпинча баланд овозда, тез ва тўхтовсиз гапириш; - ҳаёллар парвози, ҳаёлнинг жуда кенг бўлиши; - ўз-ўзига баҳо беришнинг юқорилиги, ўзларини жуда мафтункор, муҳим, кучли инсон сифатида кўришлари; - уйқусизлик, кўпинча уйқуга нисбатан жуда кам эҳтиёж; - чалғувчанлик, фикрларининг жуда тарқоқлиги; - бемулоҳаза хулқ-атвор кабилар.

Кайфиятдаги тушкунлик ҳолатлари маник ҳолатларга қараганда анча силлиқ ва сокин кўринишга эга. Баъзи психологик жароҳатлар шахсни бирдан тушкунликка тушиб қолишига олиб келади. Ҳуруж аста-секин бошланиб бир неча ҳафта ёки бир неча ой давом этади. Тушкунлик ҳолати узоқ давом этади ва бошлангани каби секин якунланади. Маник ҳолатлар каби тушкунлик ҳолатларида ҳам шахс фақат кайфиятида эмас, балки мотиватсияларида, ўйлашларида ва жисмоний функсияларида ҳам ўзгаришларга йўлиқади. Тушкунлик ҳолатлари қуйидагилардан иборат: - тушкун кайфият, ожизлик ва умидсизлик; - кундалик фаолиятларга нисбатан қизиқиш ва завқнинг йўқолиши, мотивациянинг сустлиги; - иштаҳанинг йўқолиши; - уйқунинг бузилиши, уйқусизлик; - психомотор сусайиш ёки ҳаяжонланиш; қувватнинг йўқолиши; - гуноҳ ва қадрсизлик ҳиссиётларини туйиш; - тафаккурдаги қийинчиликлар; - ўз жонига қасд қилиш ёки ўлим ҳақида фикрларнинг даврий такрорланиб туриши кабилар.

Демак, инсон кайфиятининг ҳар икки ҳолати мания ва депрессия ҳам инсоннинг рухиятига салбий таъсир кўрсатиб, унинг маънавий психологик тузилмаси мукаммаллигини издан чиқаради. Аммо, бундай холатларнинг

[72] Richard Bootzin R., Joan Ross Acocella. Abnormal Psychology. New-York: Mc Graw-Hill, 1989. – P. 227-232

вақтинчалик бўлиб, маълум вақтдан сўнг нормал кайфиятга қайтиш норма хисобланади. Чунки, баъзан бу инсон кундалик турмушидаги баъзи вазиятларга нисбатан реакция сифатида намоён бўлиши мумкин. Агар бундай кайфиятнинг узоқ давом этиши салбий оқибатларга олиб келувчи психодепрессионал ҳолатга дучор қилиши мумкин.

Ижобий кайфият эса инсон руҳиятини кўтариб, унинг фаоллигини оширади, руҳий қувватини мустаҳкамлайди, унга тетиклик, мамнунлик, шукроналик, ҳаловат, энг муҳими яхши амалларга даъват этади. Буларнинг барчаси инсоннинг маънавий юксалиши учун муҳим руҳий компонентлардир.

Маънавий юксалиш йўлидаги киши ҳар қандай вазиятда ҳам яхшилик, аҳиллик учун ижобий кайфиятни сақлаб қола олади. Айниқса, бу оилавий муносабатларнинг ижобий бўлишида алоҳилда аҳамиятга эга. Оилавий келишмовчиликлар, уларнинг сабаб ва оқибатлари турли оилашунослар томонидан турлича талқин қилинади. Биргина ижобий кайфиятнинг хукмронлиги оила мустаҳкамлигига қанчалик таъсир кўрсатиши ҳақида ҳамма ҳам эътибор қаратавермайди.

Аёллар ўз эрларига: «Бир қоғозга бизнинг салбий сифатларимизни ёзиб беринг, уларни тузатмоқчимиз», дейишди. Бунинг сабаби улар аёллар жамиятига аъзо бўлиб, дарс ўтаётган психолог ўқитувчи шундай қилишларини сўраган эди. Психолог барча аёлларга турмуш ўртоқлари ёзиб берган қоғоздаги салбий сифатларни ўқиб, уларни тузатиш йўлларини ўргатди. Лекин бир аёлнинг турмуш ўртоғи қоғозни мақтовли сўзларга тўлдирганини кўрди. У аёли ҳақида ҳеч қандай салбий сифат ёзмаган эди. Ўқитувчи ҳайрон бўлиб, уни чақиртириб, сабабини сўради. У айтди: «Аёлимнинг ўндан ортиқ жиддий, салбий сифатлари бор. Лекин, мен уларни айтишим билан масала ҳал бўлиб қолмайди. Айб ва хатоларни юзга солиш нафрат ва қайсарликни келтириб чиқаради холос. Аммо, меҳр-муҳаббатни ифода қилувчи сўзлар эса оилага ижобий кайфият олиб киради ва аҳллари орасида дўстона, илиқ муҳитни яратади. Зеро, ҳадиси шарифда ҳам: «Яхши сўз садақадир», дейилади. Шу муборак насиҳат оилада гўзал руҳият тақдим этади». Психологнинг яна ҳайрати ошди ва унга юзланиб: «Энг тўғри ечим шу!» деб, уни олқишлаб қўйди.[73]

Ҳаммада ҳам омадсиз кунлар бўлиб туриши табий хол, бундай вазиятларда киши энг асосийси — тушкун кайфиятга берилмаслик ва чалғий олиш, руҳий ва жисмоний соғлиқ ўртасидаги боғлиқликни инобатга олиб, енгил машқ қилиш, яқин дўстга қўнғироқ қилиб, қўллаб-қувватловчи сўзлар айтиш, ҳазиллашиш, улар билан учрашиш, ёмон кайфият ва апатия куч-қувват ва ишдаги самарадорликдан маҳрум қилишини англаган ҳолда, кичик бўлса-да, мақсад қўйиб, унга эришишга ҳаракат қилиш орқали ўзидан қониқиш ҳосил қилиш ҳиссини уйғотиш, романтик комедиялар тамоша қилиб, эзгуликка бўлган ишончни ошириш, хотиржамлик, вақтида дам олиш, эришган муваффақиятлари учун ўзига раҳмат айтиш, ўзига совға қилиш кабиларни шакллантириш орқали ёмон кайфиятга ҳаётимизда ўрин қолдирмаслиги лозим.

[73] http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/11793

Ш.А.Раупова, ТТА,
“Педагогика ва психология”
кафедра катта ўқитувчиси

ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦОН ФАОЛИЯТ ЁНДАШУВИ

Бугунги кундаги таълим тизимини такомиллаштириш ва барқарорлаштириш ҳамда фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқларини таъминлашда ривожланган хориж давлатларининг тажрибаси билан бир қаторда буюк аждодларимизнинг бебаҳо таълим-тарбия соҳасидгаги меросларидан ҳам фойдаланиш давр талабидир. Мамлакатимиз таълим тизимида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳатлар бугун жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўйилган ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этишга қодир мутахассисларни тайёрлаш муҳим омил саналади. Шундай экан, ўқувчиларда дастлабки касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнида амалга ошадиган ўқув амалиётини тўғри ташкил этмасдан туриб таълим сифатини таъминлаш ҳамда малакали кадрлар тайёрлашни амалга ошириш мумкин эмас, чунки таълим сифати тайёрланаётган мутахассиснинг қай даражада қабул қилувчилар талабига жавоб бериши билан белгиланади.

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнида интерфаол методлар, инновацион, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда. Бу эса ўқувчи-талабаларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларини ҳам ўзлари келтириб чиқишларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади. Шу бир қаторда бошқарувчанлик, йўналтирувчанлик функциясини бажаради. Шунинг учун ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида касб эгаларини тайёрлашда замонавий интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи-талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерафаол методлардан тўлиқ фойдаланилади. Бундай методлар - жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, у педагогик таъсир этиш усул бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, маъсулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан самарали

фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагогика ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради. Бундай натижага эришиш ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади.

Ўқитиш тизимига инновациянинг кириб келишини таълим мазмунида, ўқитиш методларида, дарс шакли, ўқитиш турлари, ўқитиш воситаларида кўришмиз мумкин.

- таълим мазмунига инновация анъанавий, ноанъанавий ва масофавий ўқитиш турларининг кириб келиши билан изоҳланади.
- ўқитиш методларига инновация фаол, пассив ва интерфаол методларининг кириб келиши мисолида кўрамиз. Актив методни қўллаш талабаларни дарс жараёнидаги фаоллигини оширишга хизмат қилса, пассив метод талабаларни бир томонлама тушунча берилиши билан изоҳланади. Интерфаол методда биргаликда фаол ҳаракат қилиш (ўқитувчи билан талаба, талаба билан талаба) тушунилади.
- дарс шаклига инновация кириб келишини стандарт, ностандарт ҳамда вертуал дарс шакллари мисолида кўришимз мумкин.
- ўқитиш турларидаги инновацияни муаммоли таълим, эвристик таълим, даражаланган таълим, интеграцияланган таълим, интерфаол таълим, информал таълим, расмий таълим, норасмий таълим турлари билан изоҳланади.
- ўқитиш воситаларига инновациянинг кириб келишини дарс жараёнида мультимедиа, электрон доскалар ва бошқа воситалар билан изоҳлаймиз.

Демак, инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёки амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга йўналтирилган фаолият хисобланади. Педагогик инновацияларнинг изчил равишда педагогик фаолиятга янгиликларни олиб киришга имкон бериш орқали таълим тизими ёки жараёни мунтазам ривожланиб боради. Шу боис ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига татбиқ эта олса таълим жараёни ҳам сифат ҳам самарадорлик нуқтаи назардан тараққий этади. Бу эса ўз навбатида таълим тизимининг ривожини таъминлайди. Таълимнинг яна асосий мақсади ёшларни мустақиллик ҳаётга тайёрлаш яъни турли хил ҳаётий шароитларда ўз билим, малака ва кўникмаларини амалда қўллай олиш даражасига етказишдир. Таълим жараёнида фақат илмий билимлар билан қуролланмай, балки ана шу билимларни амалиётда қуллай олишларини таъминланиши хам керакдир.

Бу ўз навбатида келгусида мураккаб илмий назарияларни амалда қўллай олиш учун зарур бўлган тажрибадир. Таълим жараёнида ўқув материални моҳиятини, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини илмий асосда тўғри, чуқур тушуниб олаш ва келажакда амалий фаолият учун зарур бўлган маҳорат, кўникма ва малакалар ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам билимларни мумкин қадар амалиёт билан боғлаш таълим жараёнини тамойили сифатида қабул қилинади. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақилликка эришиш, олинган билимларини амалда самарали қўллашдан иборатдир. Бундан ташқари билимларни онгли равишда ўзлаштириш билимларга нисбатан маълум

муносабат хосил қилишни, эмоционал кечинмалар уйғотишни ҳам ўз ичига олади.

Н.А. Аскарова *ТМА., г.Ташкент*

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ БЕСЕДЫ С ПОСТРАДАВШИМИ В ЭКСТРЕМАЛЬНЫХ СИТУАЦИЯХ

Очень важно, как вы общаетесь с человеком, который находится в состоянии дистресса. Люди, пережившие кризисное событие, могут находиться в подавленном состоянии, испытывать тревогу или смятение. Некоторые винят себя в том, что случилось. Сохраняя спокойствие и проявляя понимание, вы помогаете переживающим стресс людям ощутить себя в безопасности, почувствовать, что их защищают, понимают, уважают и заботятся о них должным образом. Люди, пережившие стрессовую ситуацию, возможно, захотят рассказать вам, что с ними произошло. Выслушать чей-то рассказ – это уже большая поддержка. Однако важно не принуждать людей рассказывать о пережитом. Некоторые люди не хотят говорить о том, что произошло, или о своих личных обстоятельствах. При этом для них может быть важно, чтобы вы просто побыли рядом, пусть и молча. Постарайтесь найти для разговора тихое место, где вас ничто не будет отвлекать. Уважайте конфиденциальность и по возможности не разглашайте сообщенные вам личные сведения. Будьте рядом с человеком, но соблюдайте необходимую дистанцию с учетом его возраста, пола и культуры. Покажите своим видом, что внимательно слушаете говорящего, например кивая головой или произнося краткие подтверждающие реплики. Будьте терпеливы и спокойны. Предоставляйте фактическую информацию, если она у вас есть. Честно говорите, что знаете, а чего не знаете: «Я не знаю, но постараюсь для вас узнать». Не принуждайте человека рассказывать, что с ним произошло. Не перебивайте и не торопите собеседника (например, не смотрите на часы и не говорите слишком быстро). Не прикасайтесь к человеку, если не уверены, принято ли это в его культурной среде. Не давайте оценок тому, что человек сделал или не сделал, или его эмоциям. Не говорите «Вы не должны себя так чувствовать» или «Вы должны радоваться, что выжили». Не выдумывайте того, чего не знаете. Не используйте слишком специальные термины. Не давайте ложных обещаний или заверений.

Следите за своими словами и языком тела, в частности мимикой, зрительным контактом, жестами, а также за тем, как вы сидите или стоите по отношению к другому человеку. Каждой культуре присущи собственные способы поведения, которые считаются подобающими и вежливыми. Говорите и ведите себя с учетом культурных особенностей человека, его возраста, пола, обычаев и религии. Самое главное, будьте самим собой, ведите себя естественно и будьте искренни, предлагая помощь и заботу. Помните о правилах общения, когда смотрите, слушаете и направляете, то есть реализуете принципы оказания ППП. Предоставляйте информацию так, чтобы ее легко было понять, – простыми словами. Выражайте сопереживание, когда люди

говорят вам о своих чувствах, понесенной утрате или важных событиях(потеря дома, смерть близкого человека и т. п.): «Какое несчастье! Я понимаю, как вам тяжело». Отметьте проявленные пострадавшим усилия, направленные на самостоятельный выход из тяжелой ситуации. Дайте возможность помолчать. Обратитесь к людям, которым, возможно, требуется поддержка. Спросите, в чем они нуждаются и что их тревожит. Выслушайте их и постарайтесь успокоить.

Важно уметь слушать людей, чтобы понять положение, в которое они попали, и их потребности, чтобы помочь им успокоиться и оказать необходимую помощь. Когда вы беседуете с человеком, слушайте: глазами демонстрируя пристальное внимание; ушами, чтобы действительно услышать, что именно тревожит человека; сердцем, с сопереживанием и уважением. Люди, пережившие кризисное событие, иногда бывают сильно возбуждены или расстроены. Они в замешательстве, ошеломлены, и это порой проявляется такими физическими реакциями, как нервная дрожь, затрудненное дыхание или сильное сердцебиение. Ваш тон должен быть спокойным и мягким. Старайтесь во время разговора поддерживать зрительный контакт с человеком. Скажите, что вы здесь, чтобы помочь. Если человек уже находится вне опасности, напомните ему об этом. Если у пострадавшего возникает ощущение нереальности происходящего, оторванности от привычной обстановки, он почувствует себя лучше, восстановив контакт с окружающей средой и самообладание. Для этого:

- попросите его упереться ногами в пол, помогите ему похлопать пальцами или кистями рук по своим коленям;

- обратите его внимание на какие-либо нейтральные предметы окружающей обстановки, которые он может увидеть, услышать или потрогать; попросите его рассказать, что он видит и слышит;

- попросите его сосредоточиться на своем дыхании и дышать медленно.

Оказавшиеся в экстремальных ситуациях люди проходят в своих психологических состояниях ряд этапов. Сначала возникает острый эмоциональный шок, который характеризуется общим психическим напряжением с преобладанием чувства отчаяния и страха при обостренном восприятии. Люди, пережившие травмирующее событие, нередко чувствуют себя незащищенными, отрезанными от мира или беспомощными. Их повседневная жизнь рушится, они больше не получают привычной поддержки или внезапно оказываются в стрессовых условиях. Направить людей туда, где им предоставят практическую помощь, – одна из основных целей первой психологической помощи.

Алиева Г.И. *Урганч давлат университети катта ўқитувчиси*

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида хизматлар соҳаси айниқса, туризмнинг ўрни сезиларли даражада юқори бўлиб, бунинг яққол мисоли сифатида унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улушини айтиб ўтишимиз мумкин. Масалан, 2017-йил якунларига кўра, жаҳон ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ)да туризмнинг улуши 10 фоиз(%)ни ташкил қилган бўлса, бутун экспорт ҳажмининг 7 фоиз(%)ни ва умумий хизматлар соҳасининг 30 фоиз(%)ни айнан туризм соҳасига тўғри келади. Бундан ташқари бутун дунё бўйлаб ҳар ўнта ишчидан биттаси туризмда банд ҳисобланади. 2017-йил якунларига кўра туризмдан келган даромад 1.6 трлн АҚШ долларига етганини алоҳида таъкидлаш ўринли ҳисобланади[74].

Туризм жадал суръатларда ривожланаётган ҳозирги даврда инновациялар соҳанинг янгича замонавий тарзда олдинга силжишини таъминлаб берувчи янги ғояларни, янгича хизматлар ва янгича жаҳон стандартларига жавоб берувчи туристик маҳсулотларни яратиш имконини беради. Президентимизнинг Олий Мажлисга 2018-йил 28-декабрдаги Мурожаатномасида ҳам инновацион фаолиятга берилаётган эътибор қай даражада эканлигини кўришимиз мумкин: “Биз 2018-йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном бериб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва бир миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганимиз ўтган йили яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак[75]”

Туризм бозорида ўсиб бораётган рақобатчилик шароитида, мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сонини мунтазам ошириш, хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш учун янги ғоя ва тадбирлар ташкил этиш, халқаро тажрибалардан унумли фойдаланиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади. Айнан шу мақсадда соҳа ривожланишида инновациялардан фойдаланишнинг ўрни беқиёсдир.

Туризмда инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги учта жараёндан фойдаланилади:

1. Давлатнингинновацион фаолиятдаги бевосита иштирок қилиши. Мисол учун, ҳудудлардаги туристик ёки транспорт инфратузилмасини яхшилаш, ҳудудлардаги туристик фаолиятларни ахборотлаштириш, илмий ва статистик тадқиқотлар ўтказиш, кадрлар тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ва бошқалар;

[74]World Tourism Organization (2018) «UNWTO Tourism Highlights, 2018 Edition, UNWTO, Madrid, page-3.
[75]Manba: https://www.pv.uz/oz/news/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirzieeva-olij-mazhlisu/

2. Соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи илмий изланишларни субсидиялар ва грантлар бериш йўли билан рағбатлантириш;

3. Илмий ишланмаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи хусусий ташкилотларга керакли шарт-шароитларни яратиш. Масалан, солиқ имтиёзлари, молиявий-инвестицион кўмаклар, кредитлар ажратиш ва бошқалар.

Бу борада республикамизда ҳам кўпгина ишлар олиб борилмоқда, камчиликлар ўрганилиб бартараф этилмоқда. Шу ўринда мамлакатимизда айнани ннновацион туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам мавжуд улар қуйидагилар:

- Инновацияларнинг бюджетдан жуда оз молиялаштирилаётгани;
- Давлат ва хусусий ташкилотлар ўртасида инновацион ҳамкорликнинг сезиларли даражада пастлиги;
- аниқ, ишончли ва ўз вақтида етказилиб борувчи статистик маълумотларнинг камлиги;
- инновацияларни жалб қилиш ёки улардан фойдаланишда халқаро тажрибанинг етишмаслиги.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий қилишни рағбатлантиришнинг институционал ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017-йилнинг 29-ноябрда «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди.[76] Инновацион вазирликнинг ташкил этилиши натижасида инновацион маҳсулотларнинг, ишларнин гва хизматларнинг ҳажми 2017 йилда 18543,3 млрд.сўмни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 1,7 баробар, 2008 йилганисбатан 14 баробарга кўпайган. Инновацияларга харажатлар 2008 йилганисбатан 8баробарга, 2016 йилганисбатан 1,6 фоизгакамайган.(1диаграмма):

1-диаграмма. Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлари динамикаси (2010-2017-йиллар, млрд сўмда)[77]

[76]O‘zbekistonRespublikasiPrezidentiSh.M.Mirziyoyevning «O‘zbekistonRespublikasiInnovatsionrivojlanishvazirliginitashkiletishto‘g‘risida»gifarmonigasharh, Toshkent shahri, 2017-yil.

[77]Manba: https://stat.uz/uz/ /4838-innovatsion-faoliyat-2/



Демак, инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши инновацион ва илмий-техникавий ривожланиш соҳасида ягона бўлган давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган. Янги идора инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни рўёбга чиқариш учун бюджет маблағларидан оқилона фойдаланган ҳолда мавжуд ресурс ва маблағларнинг сафарбар этилишини таъминлайди.

Пирназаров Сухробжон Тўлқинович
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Лойиҳа бошқарув миллий агентлиги қошидаги
Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби тингловчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

Ҳозирги замон илмий-техник инқилобининг асосий жиҳатларидан бири таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви ҳисобланади. Бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланадиган бу тизим барча даражадаги юксак малакали мутахассисларни етиштириб чиқаради. Улар эса, ўз навбатида, янги илмий-техник ютуқларни таъминлайдиган рақобатбардош фанни ва ишлаб чиқаришни ривожлантиради.

Жаҳон тажрибасида бундай интеграция ўқув-илмий ишлаб чиқариш марказлари, комплекслари, технополислари сингари омиллар шаклида амалга оширилади. Уларда юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда бу тадқиқотлар натижасини саноатда ўзлаштириш вазифаси мужассамланади. Бундай бирлашмаларда жамият эҳтиёжлари асосида тегишли тармоқ ўқув-илмий-техник сиёсатни амалга оширадиган олий ўқув юртлари асосий ташкилий бўғин ҳисобланади.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти таълим-тарбия тизимини ўзгартириш, уни ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш, шу жамиятда яшаётган фуқароларнинг интеллектуал ва маънавий

салоҳиятини оширишга боғлиқ. Шу мақсадни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармонида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва инновацияютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш ва бошқа вазифалар таълим тизимир соҳасидаги устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор «Инсон манфаатлари - ҳамма нарсадан устун» деган тамойил ва «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилишига қаратилди.

Бугунги кунда замонавий жамият ўзининг тез ва чуқур ўзгарувчан тавсифига эга бўлиб, бундай ўзгаришлар жамиятчилик тузилмалари, жумладан, мустақил давлатлар, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар, демографик сиёсат, урбанизация жараёнларида кўзга яққол ташланмоқда. Таълим ҳам глобал умумҳамжамият тузилмасининг алоҳида таркибий қисми сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, ана шу асосда ўз тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши зарур.

Иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялаш жараёнлари жадал кечаётган бугунги шароитда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, қўшма корхоналар тузиш, корхоналарни очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ва айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида маълум бир ижобий ютуқларга эришилмоқда. Лекин бу борада айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқдаки, бунинг асосий сабаби тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган шахслар уни нимадан бошламоқ кераклигини, қандай ташкил этиш зарурлиги, бошқариш сирлари, бизнес режанинг аҳамияти ҳақида тўла тасаввурга эга эмаслиги ҳамда тадбиркорларда етарлича билимнинг йўқлиги, ҳуқуқий асоснинг номукаммаллиги, кредит олишда ҳали ҳам мавжуд бўлган баъзи мураккабликлар кузатилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида хусусий мулкчилик муҳим аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистонда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотларнинг етакчи бўғинидир. Хусусийлаштириш натижасида демократик жамиятнинг ижтимоий заминини ташкил қилувчи хусусий мулкчилик қатлами шаклланиши, бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришни самарали ривожланиши учун шароитлар яратилиши керак.

Хусусийлаштириш жараёни ўзича жуда оғир ўтади. Чунки хусусий мулкчиликни яратиш турли хил соҳалар ва корхоналарнинг иқтисодий

тайёрлигини, иқтисодий манфаатларни, якка ҳукмронликни енгиб ўтишни, шерикчилик асосида тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этилишини, айнан шундай ташкилий ва молиявий муносабатларни шаклланишини, янги молиявий, ишлаб чиқариш, хусусий ўзаро алоқаларни ташкил бўлишини ва манфаатларни чатишиб кетишини ҳисобга олиши керак. Бозор тузилмаларини яратилишида умумдавлат миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш талаб қилинади. Хусусийлаштирилган мулкка ҳақиқий таклиф ва талабни ҳисобга олган ҳолда молиявий томони ҳақида ҳам ўйлаш ва ҳисоблаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳам хусусий тадбиркорликни, аввалambор, микрофирма ва кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг жадал ривожланиши учун қўшимча шарт-шароит яратиш, имкониятларни кенгайтиришга қаратилган. Қарор асосида ташкил этилаётган Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси зиммасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмак бериш мақсадида қатор вазифалар юклатилмоқда. Жумладан, тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун миллий ва хорижий валютада, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобидан ресурслар тақдим этилади. Жамғарманинг тижорат банклари томонидан берилаётган кредит миқдорининг 50 фоизигача (кредит миқдори 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган тақдирда) ёки унга эквивалент ҳажмдаги кредитлари бўйича кафил бўлиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, жамғарма томонидан тижорат банклари кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда амалдаги таъминотнинг чекланган миқдори 100 минг АҚШ долларига тенг ҳажмдаги маблағни ташкил этади. Ушбу маблағ миқдорини беш баробар кўпайтириш, шубҳасиз, тижорат банклари кредитларини жалб этган ҳолда йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида қўшимча имкониятлар яратади.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафолат ва компенсациялар, тижорат банкларига эса қуйидаги йўналишдаги лойиҳалар бўйича кредит ажратиш учун ресурслар тақдим этади:

қишлоқ хўжалиги соҳасида, биринчи навбатда, энергия тежамкорлиги юқори замонавий иссиқхоналар қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик, узумчилик ва боғдорчиликни, жумладан, интенсив боғларни ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, жумладан, интенсив боғларда етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасида – ушбу маҳсулотларни сақлаш бўйича инфратузилма ва транспортировка қилиш билан боғлиқ логистика марказларини ташкил этиш;

кўп қаватли уйлар атрофидаги умумий фойдаланишга мўлжалланган жойларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари томонидан ободонлаштириш ва таъмирлаш;

тадбиркорлик фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган бошқа йўналишлари учун.

Шунингдек, қарорда давлат бюджетининг ушбу мақсадлар учун ҳар йили тасдиқланадиган ажратмалар доирасидаги маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик соф даромадининг Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг Жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлари (қарзлари) ва грантлари ҳамда Жамғарманинг депозитларни жойлаштириш, кафолатлар беришдан тушадиган даромадлари, шунингдек, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар Жамғарма ресурсларининг қўшимча манбалари сифатида белгиланди.

Қабул қилинган ушбу қарор республика банк-молия тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий ҳимоя қилиш ва кафолатларини таъминлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий қилиш, бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли ҳаёт даражасини оширишга хизмат қилади.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича мулкдорга хусусий ва шахсий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мулки билан жавобгар бўлади. У ўзи ишлаб чиқариш ва капитал қурилишини ихтисослашган таъминот-савдо ташкилотлари, биржалар, ярмаркалар, аукционлар хизматидан фойдаланиш орқали ва бевосита ишлаб чиқарувчилар билан муносабатга киришиб, шунингдек, четдан келтириш йули билан моддий-техника жиҳатидан таъминлашни мустақил ташкил этади. Ҳукумат органлари томонидан ўтказилган таҳлиллар ва тавсиялари асосида “Тадбиркорликни кучайтириш ва рағбатлантириш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. У жойлардаги ҳокимият идораларига, тармоқ раҳбарлари зиммасига:

- моддий-техника, ахборот ва кадр ресурсларига нисбатан тадбиркорлар ва давлаткорхоналарининг тўла тенг ҳуқуқлилигини огишмай таъминлаш;
- тадбиркорларнинг қонунларда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари пайтлардаги жорий-хўжалик ва хўжалик-тижорат фаолиятига аралашувларга йул қўймаслик;
- маҳсулот ишлаб чиқаришни, савдо ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш биноларини белгиланган тартибда хусусий корхоналарга бериб қўйиш;
- деҳқонлар (фермерлар)дан ва хусусий тадбиркорлардан қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини харид қилиш бўйича доимий ҳаракатдаги ихтисослашган улгуржи бозорлар ташкил этиш;

- бўшётган бинолардан тадбиркорларнинг тайёр маҳсулотларини сақлаш учун омборхона сифатида фойдаланилишини ташкил этишга кўмаклашиш;
- товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни маҳаллий хомашё ва материаллар билан таъминлаш учун улгуржи-воситачилик таркибларини ташкил этиш;
- буюртмалар тўплаш, хомашё ва материалларни харид қилиш, навларга ажратиш, сақлаш, зарур кондицияга етказиш ва уларни тадбиркорларнинг буюртмалари бўйича сотишни амалга оширувчи тижорат марказлари ва савдо уйлари ташкил этишни юклайди.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва самарали бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг ҳар томонлама ривожланиши муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

4-шуъба. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АКАДЕМИК МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Jumanov Alisher Asatillayevich, *tayanch doktorant,*
Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti

OLIY TA’LIM MUASSASALARI HAMDA KASB-HUNAR KOLLEJLARIDA KADRLAR TAYYORLASH XUSUSIYATLARI

Bozor munosabatlarining rivojlanishi va raqobatning keskinlashuvi bilan savodli, madaniyatli ishlash so‘zsiz katta ahamiyatga ega bo‘ladi. Bu esa o‘z navbatida, korxonada yollanma ishchilar sifatida band bo‘lgan insonlarning kasb malakasini doimiy ravishda oshirib borishga undaydi.

Oliy maktabning rivojlanishida bozor iqtisodiyotining kuchli motivatsion omillari har tomonlama namoyon bo‘ladi. Bozor sharoitida mehnat motivatsiyasi tizimi yuqori malakali, vijdonan mehnat qilishning ustuvorligini tasdiqlaydi va bilimlar kulti, “Inson sarmoyasi” kultini shakllantiradi (V.Aseyev). Bozorning obyektiv talablari, shuningdek, samarali, yuqori malakali mehnatga oddiy kam unumdor mehnatga qaraganda yuqori haq to‘lanishini talab qiladi. Bozor motivatsion tizimining boshqa kuchli aspekti insonlarning ishsizlar sirasiga tushmaslikka urinishi hisoblanadi. Bozor iqtisodiyotining jahon tajribasi shuni ko‘rsatmoqdaki, oddiy ma’lumotga ega bo‘lish bilan ishsizlik ehtimoli ancha kamayadi (X.Hekkauzen).

Ijtimoiy institut faoliyatida oliy ta’limning maqsadi jamiyatni tegishli soha mutaxassislari bilan ta’minlash va shaxsning intellektual, madaniy va axloqiy rivojlanishiga bo‘lgan ehtiyojlarini qondirishdan iborat.

Oliy ta’lim muassasasida kasb ta’limi sohasi mutaxassislari bo‘yicha zamonaviy kadrlarni tayyorlashning o‘ziga xos xususiyatlari quyidagilar hisoblanadi:

1. Oliy ta’lim sohasidagi qonun hujjatlariga tayanish.
2. Ta’lim jarayonini tuzishga nisbatan yangi yondashuvlarni o‘zlashtirishning innovatsion ta’lim strategiyasiga chiqish.
3. O‘qishning zamonaviy shakllari, usullari va texnologiyalarini qidirib toppish.
4. Ta’limga nisbatan kasbiy yondashuv.

Bunday yondashuvning asosida ta’lim sohalari bo‘yicha taqsimlangan, ta’lim yo‘nalishlarining sistemalashtirgan ro‘yxatini o‘zida namoyon etuvchi oliy ta’lim yo‘nalishlari va mutaxassisliklarining klassifikatori yotadi va u oliy kasb ta’limining quyidagi ta’lim dasturlarining tarkibiy asosi hisoblanadi:

1. Kamida 4 yil mobaynida bakalavr darajasini olishni ta’minlovchi dasturlar.
2. Bakalavriat bazasida kamida 2 yil mobaynida magistr darajasini olishni ta’minlovchi dasturlar.
3. Iqtisodiy soha kadrlarini tayyorlash darajasiga quyidagilar: davlat talablari nafaqat bakalavr va magistrning ma’lumotlilik darajasiga qo‘yiladigan umumiy talablarni, balki umumiy gumanitar, ijtimoiy-iqtisodiy, umumiy matematika va

tabiiy-ilmiy, umumiy kasb va maxsus fanlar bo‘yicha bilimlar va ko‘nikmalarga qo‘yiladigan talablarni ham belgilab beradi. Ular, shuningdek, yo‘nalish yoki mutaxassislik bo‘yicha kasb dasturi mazmunining ta’lim minimumini ham belgilab beradi.

Mutaxassislarni o‘qitishni tashkil etishning asosiy muammolaridan biri talab va taklifning mos kelmasligi hisoblanadi. Ko‘pchilik oliy ta’lim muassasalari an’anaviy tarzda yirik korxonalar uchun bakalavrlar va magistrlarni tayyorlashga yo‘naltirilgan va ularning o‘qitishga nisbatan yondashuvi tadbirkorlik sohasi uchun mutaxassislarni tayyorlashga yaxshi moslashmagan.

Yuqorida bayon etilgan munosabatlar bilan, biz iqtisodiy bilimlarni berish va kasb ta’limi sohasi uchun mutaxassislarni tayyorlash jarayonini optimallashtirishga nisbatan alohida ilmiy-uslubiy yondashuvlarni taklif etamiz.

O‘qitish jarayonini optimallashtirish o‘qitishning yangi maqsad va vazifalarini qo‘ymaydi, u faqatgina kasbiy tayyorlash oldiga qo‘ygan maqsadlarga erishishning eng yaxshi usullarini aniqlash va qo‘llash jarayoni hisoblanadi, xolos. Shuning uchun biz ularni kasb ta’limi sohasi uchun mutaxassislarni tayyorlashning oldinga qo‘yilgan maqsadlariga erishish omillarini boshqarish nuqtayi nazaridan ko‘rib chiqdik.

Oliy kasbiy ta’limning maqsadini umumiy tarzda quyidagicha ifodalash mumkin: zamonaviy kasbiy bilimlarning asosini o‘zlashtirish uchun shart-sharoitlarni ta’minlash, ya’ni ularning bazasida kasbiy faoliyatini amalga oshirish, bozor iqtisodiyoti sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy vazifalarni hal etish mumkin bo‘lsin.

Ushbu maqsad quyidagi vazifalarni keltirib chiqardi:

1. Fundamental kasbiy bilimlarni o‘rganish.

2. Kasb-hunar ta’limi nazariyasining fanlar tizimidagi o‘rnini anglab yetish.

3. Professional mutaxassislar uchun zarur bo‘lgan kasbiy bilim va ko‘nikmalarni o‘zlashtirish.

4. Shaxsning axloqiy-etik xususiyatlarini rivojlantirish.

Mazkur vazifalarni hal etish uchun kasbiy bilimlarni sistemalash, yaxlitlilikni ta’minlash, funksional ahamiyatga qarab ranjirovka qilish, bazaviy va qo‘shimcha bilimlar, umumfan, umumiy kasb va maxsus bilimlarni aniqlash va oxir-oqibatda mutaxassisni ushbu bilimlar va ko‘nikmalarni real iqtisodiy amaliyotda qo‘llashga o‘rgatish zarur.

Bir tomondan, oliy kasbiy tizimni takomillashtirish maqsadida o‘tkazilgan tadqiqotlar iqtisodiy o‘quv jarayonini optimallashtirishning asosiy ko‘rsatkichlarini umumiy ko‘rinishda optimallashtirishning quyidagi uchta aspektida ifodalash va ranjirovka qilish imkonini beradi:

1. Kasbiy o‘quv jarayonini tashkil etish.

2. Kasbiy o‘quv mazmuni.

3. Kasbiy o‘quv uslublari.

Kasbiy o‘quv jarayonini tashkil etishni optimallashtirishga oliy ma’lumotli iqtisodiy kadrlarni tayyorlashni ixtisoslashtirish masalasi kiritildi. Bunda biz kasb-hunar ta’limi mutaxassisliklarining tabaqalanishini qayta ko‘rib chiqib, mutaxassislarni tayyorlash sohasining optimal kengligini asoslab berdik hamda faoliyati sohalariga qarab mutaxassisliklarni yiriklashtirdik.

Shu munosabat bilan biz tayyorlashning kengligi va chuqurligini uyg‘unlashtirgan holda mutaxassislarning kasb sohasini kengaytirishni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Ixtisoslikka ega bo‘lgan keng sohali mutaxassislar tayyorlashni qaysi yo‘l bilan oqilona uyg‘unlashtirish, tayyorlashdagi takrorlanishlarni qanday qilib aniqlash masalasi jiddiy muammo tug‘dirdi.

Kasb-hunar ta’limi o‘quv mazmuni oliy ta’lim muassasasida o‘qitish jarayonining mazmuniga nisbatan didaktikaning umumiy talablariga amal qilish yo‘lida qurildi. Ma’lum bir sohadagi oliy ma’lumotli mutaxassislarni tayyorlash kasb yonalishini saqlab qolishni talab qildi.

Kasbiy o‘quv mazmunida biz iqtisodiy jarayonlarning mohiyatiga izoh bergan holda kasbiy toifalar, tushunchalar, amaldagi qonunlarning tarkibiy va funksional aloqalarini qayd etdik.

Полванов Расулбек Бахтиярович*, докторант(PhD),*
Ташкентская Медицинская Академия
Фақиров Алижон, *доцент,*
кафедра «Общая хирургия с детской хирургией»

ВЛИЯНИЕ ПЛАСТИЧЕСКОЙ КОРРЕКЦИИ ВНЕШНОСТИ НА ПСИХОЭМОЦИАОНАЛЬНОЕ СОСТОЯНИЕ ОРГАНИЗМА, ХАРАКТЕР И ТЕМПЕРАМЕНТ ИНДИВИДУУМА

Актуальность проблемы. По данным различных медицинских, философских, эстетических и религиозных источников внешность индивидуума во многом определяет состояние внутреннего мира, характера и темперамента. (1,2,3). В свою очередь характер и темперамент влияют на стиль и качество жизни, определяя жизненный путь данного субъекта. (3). То что связано с произволом и деятельностью одного индивидуума называется мероприятием, а то что предопределено сверху – судьбой. Сливаясь, дополняя и совершенствуя друг друга оба состояния определяют жизненный путь человека, от начала до конца (қазойи –қадар). (4,5).

По статистическим данным большинство населения земного шара не удовлетворены своей внешностью и хотят в той или иной степени коррегировать его. При анонимном опросе у подростков этот показатель равен 34,5%, у женщин 46,7%, у мужчин 12,4%. (6. 7). В свзязи с повсеместным развитием пластической, эстетической и косметической хирургии около 3,1-5,8% неселения земного шара желает изменить свой пол, а 12,6-16,9% людей свою внешность (4,7). При анонимном опросе, проведеннном среди женшин детородного возраста желаюших изменить формы своего носа, губы и разрез глаз составляет около 28,7%. (6, 8). Все эти факты ещё раз подчеркивают актуальность проблемы.

Цель и задачи: Исходя из вышеперечисленных данных мы перед собой поставили цель - изучить изменение характера и внутреннего мира больного после хирургической коррекции внешности и провести их сравнительную

характеристику. Для достижения данной цели поставили перед собой следующие задачи :

1. Классифицировать поступивших больных по возрасту, полу и месту жительства.

2. Классифицировать поступивших больных по жалобам и желаниям.

3. Изучить влияние успешного хирургического исправления дефекта внешности и коррекции на характер и психоэмоционального состояния больных.

Объект исследования. С 2005 по 2018 гг под нашим наблюдением находились 33 больных. Классификикация поступивших больных по возрасту,полу и месту жительства приведены в таблице № 1

Таблица 1

Больные	Пол	возраст		местожительство	
		15-29	30-45	Город	Кишлоқ
Женщины и девушки	31 (93,9)	17(51,6%)	14(42,4%)	21(63,7%)	10(30,3%)
мужчины	2(6,1%)	1(3,0%)	1(3,0%)	1(3,0%)	1(3,0%)
Всего	33(100,0%)	18(54,6%)	1545,4%)	22(66,7%)	11(33,3%)

Как видно из таблицы основной контингент больных составляют представители прекрасного пола (93,9%). Представители сильного пола составляют всего, 6,1% (2). Эти мужчины обратились не по поводу изменения, улучшения части лица, а именно удаление грубого шрама после ожога и травм. Раньше существовало мнение, что в основном молодёжь и подростки недовольны своей внешностью. Наше исследование изменило эту теорию. Среди обратившихся в нашу клинику около половины больных имеет возрастную границу 30-45 лет (42,4%). Из этого факта видно, что стремление человека к совершенству и красоте не зависит от возраста и связано со многими общественными и природными факторами и личными мотивами.

По данным исследования из 33 больных 22 проживают в городах (66,7%), 11 в деревнях (33,3%). Значит жители города почти два раза больше озабочены своей внешностью, чем жители сельского населения. Здесь может иметь место другие факторы, как труднодоступность квалифицированной и специализированной хирургической коррекции, низкая осведомленность населения деревень по данным вопросам, материальные и моральные проблемы. Но, факт остается фактом.

По сборе анамнеза, опроса и объективных обследований классификация обратившихся по разновидностям жалоб отражены в таблице № 2.

Таблица 2

Больные	Жалобы у больных				
	Разрез глаз и век	Ушная раковина	Губы	Область скул и нос	Другие области
Женщины и	11 (33,3%)	6(18,2%)	5(15,2%)	5(15,2%)	6(18,2%)

девушки					
Мужчины	-			2(6,0%)	-
всего	11 (33,3%)	6(18,2%)	5(15,2%)	7(18,2%)	6(18,2%)

Как видно из этой таблицы, среди женского населения самые многочисленные жалобы связаны с формой и величиной разреза глаз и состояние век (33,3%). На втором месте формы и размер ушных раковин (18,2%), губы и нос (15,2%), скулы, боковые области лица и шеи (15,2%), наконец у 6 больных жалобы связаны с другими областями тела (18,2%). Двое мужчин обратились по поводу грубых рубцов после ожога и травм в области щёк и скул, что составляет 3,0% от общего числа больных.

Обсуждение. У всех больных, независимо от возраста, пола и рас проведено общепринятие клинические, лабораторные и инструментальные исследования. Кожные покровы больных , предназначенные к пластике обследованы и оценены с точки зрения эстетической, пластической и косметической хирургии. У двоих женщин старше 40 лет обнаружились (6,0%) гипертония, сахарный диабет, и повышение уровня холестерина в крови, также у одной женщины (3,0%) ТОРЧ инфекция, в связи с чем они отстранились от операции.

Из всего обратившихся больных у 30 (91,0%) проведены различные коррегирующие пластические операции разной сложности и продолжительности. У 28 больных (93,3%) послеоперационная рана зажилась первичным натяжением, отвечающая требованиям пластической и эстетической хирургии. У одного больного несмотря на антибиотикотерапию, иммунотерапию, витаминотерапию и физиотерапию (33,3%) послеоперационная рана нагноилась, ещё у одной из-за частичного расхождение швов рана зажилась вторичным натяжением.

Значит, из успешно оперированных 28 больных у 25 (89,3%) в послеоперационном периоде отмечались изменения характера и психоэмоционального состояния в лучшую сторону. Они избавились от недовольства своей внешностью и связанными с ними конфликтом внутреннего мира, в связи с чем избавились и от депрессии и появилась жизнерадостность. Отношение с окружающим миром, природой и общественностью улучшились.

Вывод. Результаты исследования, проведенные нами позволили сделать следующие выводы:

1. Такие факты, как 42,4% больные, обратившихся по поводу изменения внешности имеют возраст 30-45 гг говорит о том,что с возрастом не снижается интерес и стремление к совершенству облика.

2. Так как из 33 больных 22 жители города (66,7%), говорит о том, что они больше уделяют внимание к красоте и совершенству чем жители деревень.

2. Среди представителей прекрасного пола основные жалобы относятся к разрезу глаз, форм век (33,3%), на втором месте уши (18,2%), на третьем месте губы и нос (15,2%), говорит о том, что женщины больше уделяют внимание к области глаз и век.

3. Из 28 оперированных больных у 25 (89,3%) изменения психоэмоционального состояния и характера в лучшую сторону доказывает влияние безпорочной внешности на внутренний мир человека.

4. Исходя из вышеперечиленных данных необходимо продолжить исследования в данной области с использованием инновационной технологиии в в психиатрии.

Пулатова Зиёда Абдумаликовна, *ўқитувчи,*
ТДИУ Инглиз тили кафедраси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёни кечаётган ҳозирги вақтда ривожланишнинг асосий омиллари сифатида жамият аъзоларининг фаоллик даражаси эътироф этилмоқда. Бу эса ўз навбатида, барча даврларда бўлгани каби ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва рағбатлантириш жараёнини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, талаба-ёшларда мустақиллик, ижодий ташаббускорлик, касб-ҳунарни онгли эгаллаш ва ижтимоий масъулиятни ривожлантиришнинг янги педагогик механизмларини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш заруратининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти таълим-тарбия тизимини ўзгартириш, уни ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш, шу жамиятда яшаётган фуқароларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оширишга боғлиқ. Шу мақсадни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш ва бошқа вазифалар таълим тизими соҳасидаги устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

Бугунги кунда замонавий жамият ўзининг тез ва чуқур ўзгарувчан тавсифига эга бўлиб, бундай ўзгаришлар жамиятчилик тузилмалари, жумладан, мустақил давлатлар, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар, демографик сиёсат, урбанизация жараёнларида кўзга яққол ташланмоқда. Таълим ҳам глобал умумҳамжамият тузилмасининг алоҳида таркибий қисми сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, ана шу асосда ўз тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши зарур. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш билим олишга, иқтисодиёт сир-асрорларини ўрганишга бўлган ҳаракатни, фанни чуқур ўрганишга бўлган

талабларни ҳам кучайтиради. Бу эса ўз навбатида, иқтисодий қонунларни яхши биладиган, турли вазиятларни таққослаш, иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида самарали хўжалик юритиш учун муқобил вариантларни тўғри танлаш ва қарор қабул қилиш малакасига эга бўлган иқтисодчи мутахассислар тайёрлашни ҳам талаб қилади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шунга қарамасдан, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ҳозирги кунда таълим жараёнини олий ва ўрта махсус таълимнинг ўқув режа ва дастурларига инновацион технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, хориж амалиётидан кенг фойдаланиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш асосий ва бош мақсад бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизнинг таълим сиёсатидаги бош масаласи малакали, ҳар томонлама камол топган инсонни тарбиялаш, бўлажак иқтисодчи мутахассислар тайёрлашни меҳнат бозори талабларига мослаштиришдир. Таълимнинг ижтимоий жиҳатдан аҳамияти кўп жиҳатдан ёшларнинг иқтисодий тайёргарлиги билан аниқланади. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак иқтисодчи мутахассислар хориж тилларини мукаммал эгаллаши, иқтисодиётдаги турли тенденцияларни аниқлай билиши, амалий фаолиятга тайёр бўлиши лозим.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда иқтисодий таълимга қуйидаги талаблар қўйилади: сифатлилик, яъни ёшлар талаб қилинган даражада билим, малакага эга бўлиши; барча ёшлар иқтисодий билимларни ўрганиши; инглиз тилини чуқур билиши; самарали бўлиш, яъни олий таълим муассасаларини таълим-тарбияга сарфлаган харажатлари, албатта, максимал самара бериши керак.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан фаол шахсни тарбиялаш тараққиётнинг барча босқичларида муҳим вазифалардан биридир, чунки биринчидан, жамиятнинг эволюцион ривожланиши манавиятнинг доимий ривожини талаб этади. Иккинчидан, бугунги кунда фан-техниканинг жадал тараққиёти инсониятдан янгича дунёқараш, янгича фикр, янгича муносабат ва юксак ахлоқийликни талаб этмоқда. Учинчидан, бугунги кунда Ўзбекистонда юз бераётган туб ўзгаришлар маънавият ривожини, хусусан, маънавиятнинг асоси ҳисобланмиш ахлоқий тарбиянинг, ижтимоий фаолликнинг янада юқорироқ поғонага кўтарилишини талаб қилмоқда.

Замонавий глобаллашув шароитида жамият учун ҳар бир шахснинг ўз истеъдодини тўлиқ намоён этиши, табиат инъом этган ақлий қобилиятини ривожлантириши учун имконият яратилиши аҳамиятга молик масала

ҳисобланади. Ўқимишли кишининг маънавий олами эътиборга молик бўлиб, у нисбатан бой, унинг ҳаёти эса фақат моддий фаровонлик билангина чекланиб қолмайди. Бу ҳол мавжуд давлат, мамлакат аҳолисининг ақлий салоҳиятини янада ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда интегратив ва дифференциал ёндашув, психологик-педагогик назарий ва амалий билимларни интеграциялаш, умумкасбий ва ихтисослик билимлар интеграцияси, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш асосида касбий фаолиятга тайёргарликни такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш, долзарб масалалардан бири сифатида илмий тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этади.

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг ривожланиб бориши, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини янада такомиллаштириш, фан-техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда талабаларни мутахассис бўлиб етишишларида уларнинг изланувчанлик, ижодкорлик, ижтимоий фаоллик, фикрлаш қобилиятларини юксалтириш, нутқ маданиятини ўстириш; хорижий тилларни пухта ўрганишларида ахборот-коммуникацион технологиялар хизматидан мақсадли равишда самарали фойдаланиш, таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Sadikova Firuza Maxmudjanovna, *mustaqil izlanuvchi,*
Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti

TA’LIM JARAYONIDA INTELLEKTUAL TIZIMLARNI QO‘LLASH

Ta’lim jarayonida talabaning kasbiy hamda individual rivojlanishi jarayonini tashkil etishga nisbatan yangicha yondashuv sifatida ixtisoslik fanlarini intellektual tizimlar asosida o‘qitishning maqsadi, tarkibi va qo‘llash texnologiyalarini ishlab chiqish hozirgi kunning dolzarb muamolaridan biri hisoblanadi.

O‘qitishning intellektual tizimi sun’iy intellekt metodlari va vositalarining avtomatlashtirilgan o‘qitish sohasida qo‘llanishining amaliy natijasi bo‘lib, ta’lim tizimlarining yangi avlodi hisoblanadi. Ta’lim jarayonida talabaning bilim ko‘nikma va malakalarini shakllantirishning yuqori ko‘rsatkichlariga erishish uchun ixtisoslik fanlari o‘qituvchisi uch asosiy tipdagi bilimlardan foydalanadi: o‘qitilayotgan ixtisoslik fani bo‘yicha bilimlar, o‘qitish metodlari to‘g‘risidagi bilimlar va ta’lim oluvchi haqidagi bilimlar. O‘qitishning an’anaviy avtomatlashtirilgan tizimlarida bu bilimlarning ko‘pgina qismlari tanlangan o‘qitish metodikasiga mos ravishda o‘quv fanining alohida bo‘limlariga qat’iy ravishda kiritilgan. O‘qitishning intellektual tizimida zarur bo‘lgan bilimlar ajratib olinadi va sun’iy intellektning turli metodlari va texnologiyalaridan foydalangan holda ko‘rsatiladi. O‘qitishning intellektual tizimida o‘quv materialini taqdim etishda, bu bilimlardan foydalanib va talabaning

psixofiziologik va intellektual imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda, eng samarali o‘qitish metodlari, usullari va sur’atlarini, fanning mazmuni, hajmi va topshiriqlarning murakkablik darajasini aniqlash va tartibga solish mumkin bo‘ladi.

Ixtisoslik fanlarini o‘qitishning intellektual tizimi bilimlar bazasi, boshqarish tizimchasi, o‘qitish tizimchasi va muloqot tizimchasidan iborat. Ixtisoslik fanlarini o‘qitishning intellektual tizimi asosi bilimlar bazasi hisoblanadi. Har bir ixtisoslik fani bo‘yicha bilimlar bazasi, o‘z navbatida, o‘zaro bog‘langan bir necha ma’lumotlar bazasidan iborat bo‘ladi va har biri o‘qitilayotgan fanning ma’lum bir qismlarini tashkil etadi: «Atamalar va asosiy tushunchalar», «Nazariya», «Amaliy-laboratoriya ishlari», «Mustaqil ishlar». O‘qitish metodlari haqidagi bilimlar, «Topshiriqlar» ma’lumotlar bazasida yig‘ilib boradi, bu bazada o‘quv fanining barcha bo‘limlari bo‘yicha didaktik materiallar tasniflangan va tartibli tarzda, o‘qitish metodlariga mos ravishda namoyon bo‘ladi. Ta’lim oluvchi haqidagi bilimlar «O‘qitish natijalari» ma’lumotlar bazasida yig‘iladi. Bunda har bir talabaning individual kartasi tuzilib, unda o‘qitilayotgan fan bo‘yicha talaba ega bo‘lgan bilimlar darajasi va sifati haqida, uning psixofiziologik rivojlanish xususiyatlari haqidagi ma’lumotlar aks ettiriladi.

Bilimlar bazasini boshqarish tizimchasi yangi bilimlarni kiritish va to‘plash uchun mo‘ljallangan. Birinchi bosqich tizimni o‘rganishdan iborat bo‘ladi, ixtisoslik fani bo‘yicha barcha bilimlar yangi hisoblanadi va bu bilimlarni yig‘ish tizim va ekspert o‘rtasidagi muloqot (dialog) jarayonida amalga oshiriladi. Keyingi bosqichlarda yangi bilimlarni izlash avtomatik tarzda amalga oshiriladi: barcha qabul qilinayotgan axborotlar mavjud bo‘lgan axborotlar bilan solishtiriladi, mavjud bo‘lgan bilimlarga tayangan holda yangi axborotlar saralanadi, tahlil qilinadi va ularning tasnifi bir yoki bir necha variantda taqdim etiladi.

O‘qitish tizimchasi aniq maqsadga yo‘naltirilgan ta’lim jarayonini tashkil etish va qo‘llab-quvvatlashga mo‘ljallangan hamda bu tizimcha uch moduldan iborat bo‘ladi: o‘qitishni boshqarish, topshiriqlarni shakllantirish, natijalarni tahlil qilish. O‘qitishning har bir bosqichida, talabaning individual kartasini tahlil qilish natijalariga asoslangan holda o‘qitishning maqsadi aniqlanadi, o‘qitish vazifalari tanlanadi yoki ishlab chiqiladi. Agar talaba mustaqil ravishda ishlaydigan bo‘lsa, uning harakatlari kuzatilib, xatoliklari, duch kelgan qiyinchiliklari qayd qilib boriladi, qachon o‘quv jarayoniga aralashish, yordam ko‘rsatish, talabaning individual kartasiga o‘zgartirishlar kiritish lozimligi aniqlanadi. Barcha qarorlar talabaning individual xususiyatlaridan kelib chiqqan holda qabul qilinishi bois intellektual tizim ta’lim jarayonining talaba uchun optimal tarzda kechishini ta’minlaydi.

Muloqot tizimchasi ilm oluvchi bilan individual tarzda va tarmoq rejimida ishlashda masofadan turib o‘qitish jarayonida o‘zaro muloqotni ta’minlash uchun xizmat qiladi. Bu tizim talabaning shaxsini aniqlashga, uning o‘qitish tizimchasidan, bilimlar bazasidan, ma’lumotlar va o‘quv-axborot materiallaridan

foydalana olishini ta’minlashga qaratilgan. Talaba va tizim o‘rtasidagi muloqot tushunish uchun qulay bo‘lgan shakllarda va sodda tilda amalga oshirilishi lozim.

Ixtisoslik fanlarini o‘qitishning intellektual tizimini amalga oshirish jarayonining umumiy ko‘rinishini quyidagi sxema tarzida ifodalash mumkin: foydalanuvchining shaxsi tasdiqlangandan keyin, uning tizimga kirish huquqi aniqlanadi, o‘qitishni boshqarish tizimchasining moduli talabaning individual kartasining holatini tahlil qiladi, navbatdagi o‘qitishning maqsadi, metodikasi va vazifalarini belgilaydi. Topshiriqlarini shakllantirish moduli tanlangan metodika va bilimlar bazasi ma’lumotlariga asoslanib, o‘qitish vazifasini ishlab chiqadi. Natijalarni tahlil qilish moduli yo‘l qo‘yilgan xatoliklarni, sodir bo‘lgan qiyinchiliklarni aniqlaydi va talabaning individual kartasiga o‘zgartirishlar kiritadi. Shu bilan o‘qitish davri yakunlanadi va tizim keyingi jarayon uchun tayyorlik holatiga o‘tad. Ixtisoslik fanlarini o‘qitishning intellektual tizimi talabaning individual xususiyatlarini hisobga olgan holda, yopiq tizimda, avtomatlashtirilgan boshqaruv vositasida, mustaqil, individual, jamoaviy va masofaviy shakllarda shaxsning kamolotiga yo‘naltirilgan, aniq maqsadlarga qaratilgan ta’lim jarayonini amalga oshirish imkonini beradi.

Boltayeva Nafosat Bahodir qizi,
TDIU, MIKP-01 guruhi magistranti

MODULLI O‘QITISH TEXNOLOGIYASINI JORIY ETISH MUAMMOLARI

Mehnat bozorining o‘zgaruvchanligi ta’lim tizimida yangi vaziyatni yuzaga keltirmoqda. Tadqiqotchilar ta’kidlashicha, hozirgi paytda ta’lim muassasalarining vazifasi nafaqat yoshlarga umumiy ta’lim va kasbni berish, balki yangi texnologiyalar, texnikalarni, ilg‘or malaka oshirish va yangi mutaxassisliklarni rivojlantirish uchun zarur shart-sharoitlarni shakllantirishdan iborat. Ta’lim tizimini modernizatsiya qilishning zamonaviy jarayonlari ta’lim mazmunidagi o‘zgarishlarning innovatsion tabiati, faoliyat yo‘nalishi, natijada mutaxassislarning kasbiy va umumiy vakolatlari darajasiga bo‘lgan talablarning o‘zgarishi bilan bog‘liq. Talabalar bilan ishlashda duch kelinayotgan muammolar[78]:

- yangi sharoitga moslashuvning turli darajalari;
- turli xil tayyorgarlik darajasi;
- mustaqil faoliyatning past darajasi;
- turli tadqiqotlarni o‘tkazish va ularni qayta ishlashdagi muammolar;
- o‘quv, kasbiy yoki tadqiqot mavzusidagi muammoli vaziyatlarni tahlil qilish.

Ushbu muammolarni bartaraf etish uchun modulli o‘qitishdan foydalanish tavsiya etiladi. Bu o‘z-o‘zini anglovchi, hayotiy va kasbiy muammolarni hal qilishga qodir mutaxassisni yaratishga yordam beradi. Modulli ta’lim pedagogik texnologiyalardan biri bo‘lib, mohiyatan shaxsga yo‘naltirilgan ta’limdir. Bu bir

[78] Королева В.В. Модульное обучение как один из способов повышения качества подготовки специалиста. / Молодой ученый. 2015. № 3 (83).

vaqtning o‘zida o‘quv jarayonini optimallashtirishga, o‘quv maqsadlarini amalga oshirishda, o‘quvchilarning bilim va shaxsiy sohasini rivojlantirishda uning yaxlitligini ta’minlashga imkon beradi. Ushbu texnologiya talabalarning o‘quv jarayoni davomida o‘quv, ommaviy-ilmiy va ma’lumotnoma sifatidagi adabiyotlar bilan mustaqil ravishda ishlashga va bilim olishiga asoslanadi. Pedagogika va metodologiyada modul butun tizimning muhim qismi sifatida ko‘rib chiqiladi.

Modulli o‘qitish nazariyasining asoschisi, amerikalik olim J.Rassell o‘z ishida modulni “didaktik tarkib va o‘quvchining harakatlar to‘plamidan iborat konseptual birlikni o‘z ichiga olgan o‘quv to‘plami” deb ta’riflagan. Shu bilan birga, u yangi bilimlarni to‘liq o‘zlashtirish uchun talaba ushbu harakatlarni individual sur’atlarda bajaradi, deb tasavvur qildi”. Ushbu ta’rifda, mohiyatiga ko‘ra modulning didaktik tarkibiy birliklarini tanlash tamoyili ko‘rsatilgan. Uning ma’nosi shundan iboratki, yangi bilimlarni o‘zlashtirish obyekti sifatida minimal semantik tarkibga ega bo‘lgan, ammo ayni paytda yaxlitlik xususiyatlarini saqlaydigan tuzilmani tanlash kerak. Ko‘rsatilgan holat modulli o‘qitish texnologiyasida prinsipial ahamiyatga ega.

Modulli texnologiyalarni tatbiq etish tahlili ta’lim muassasasining eng muhim quyidagi vazifalarini aniqlashga imkon beradi:[79]

1. Professor-o‘qituvchilarni psixologik va pedagogik tayyorlashdagi kamchiliklarni bartaraf etish.

2. Mehnat bozorida mustaqil va faol subyekt mavqeyiga yo‘naltirilgan kasbiy va pedagogik tafakkurni shakllantirish.

3. O‘z faoliyatini tahlil qilish, o‘zini o‘zi anglash, o‘z-o‘zini tarbiyalash qobiliyatlarini rivojlantirish.

4. Pedagoglarni ijtimoiy-madaniy va innovatsion faoliyatlarga yo‘naltirish.

Modulli o‘qitish joriy etilganda, quyidagi afzalliklarga erishiladi:

– samaradorligi;

– o‘qitishning individualligi;

– o‘quv jarayonini o‘quvchining shaxsiy ehtiyojlari asosida shakllantirish;

– o‘quv materialini individual qobiliyat va pedagogik maqsadlarga moslashtirish;

– o‘quv yuklamasining bir tekis taqsimlanishi;

– bajarilgan ish natijalari bo‘yicha bilimlarni baholash;

– mashg‘ulot vaqtini qisqartirish;

– masofadan o‘qitish imkoniyati.

Modulli ta’limning ba’zan quyidagi salbiy tomonlari ham uchrashi mumkin:

– bitta modul ichida materiallarni noto‘g‘ri tanlab olish holatlari bo‘lishi mumkin;

– topshiriqlarni bajarish muddatining chegaralanganligi;

– modulli dasturlar va materiallarni tayyorlash uchun vaqt xarajatlari;

– o‘qitishning yangi shakliga moslashish.

[79] Корнеева Н.Ю., Корнеев Д.Н., Уварина Н.В. Модульное обучение как методическая основа конструирования образовательных программ высшего образования. // Вестник Южно-Уральского государственного гуманитарно-педагогического университета. 2016.

Modulli o‘qitish o‘quv materiallarining qat’iy tuzilmaga ega bo‘lishini, o‘qitish mazmuni va talabalarning ishlarini tashkil qilishni mantiqiy yakunlangan o‘quv bloklari to‘liq o‘z ichiga olishini nazarda tutadi. Modul o‘quv predmetining mavzusiga mos keladi. Biroq modulda mavzulardan farqli o‘laroq, hamma narsa o‘lchanadi, hamma narsa baholanadi: topshiriq, ish, darsga qatnash, boshlang‘ich, oraliq va yakuniy daraja. Modulda o‘quv maqsadlari, vazifalari va ushbu fanni o‘rganish darajalari, ko‘nikmalari va malakalari aniq belgilanadi. Modulli o‘qitishda hamma narsa oldindan dasturlashtirilgan: nafaqat o‘quv materialini o‘rganish ketma-ketligi, balki uning o‘zlashtirish darajasi va o‘zlashtirish sifatini nazorat qilish.

O‘quv kursi, odatda, kamida uchta modulni o‘z ichiga oladi. Bunday holda nazariy modul, amaliy ish va yakuniy loyihalar alohida modul bo‘lishi mumkin. Modulni ishlab chiqishda har bir modul mutlaqo aniq mustaqil bilim berishi va zarur ko‘nikmalarni shakllantirish kerakligi hisobga olinadi. Har bir modulni o‘rganib chiqqandan so‘ng, talabalar o‘qituvchidan kelgusi ishlari uchun tavsiyalar olishadi. Talabalar to‘plagan ballariga ko‘ra, o‘zining o‘zlashtirish darajasini baholay oladi.

Modulli o‘qitish tizimi quyidagi xususiyatlarga ega bo‘lishi kerak:

– modullilik. O‘quv materiallari mantiqiy ravishda bir-biri bilan bog‘langan va bitta didaktik maqsad bo‘yicha birlashtirilgan alohida tugallangan bloklarga bo‘linadi;

– moslanuvchanlik. O‘quv dasturlarining o‘zgarishiga qarab modulning tarkibini erkin ravishda to‘ldirish va almashtirish mumkin;

– egiluvchanlik. Modul tarkibini talabalarning individual talablariga moslashtirish;

– maqsadli o‘qitish. Talabalar oldiga hozirgi va istiqboldagi maqsadlar qo‘yiladi. Bilimlarni o‘zlashtirish jarayoniga ongli munosabatda bo‘lishga asoslangan holda oquv bloki tashkil etiladi;

– individuallik. Har bir talaba uchun individual maslahat va ko‘rsatmalar berish.

Pedagog o‘quv materialini bloklarga ajratadi, modulli dastur tuzadi va modulli darslarni ishlab chiqadi. Asosiy maqsad – modul bilan ishlashda talabalarning mustaqil faoliyatini tashkil etish. Buning uchun dars davomida pedagog o‘quv jarayonini nazorat qiladi, maslahatlar beradi. Har bir o‘quv elementining bajarilish vaqtini kuzatib boradi va o‘quvchilarga belgilangan vaqt haqida ma’lumot beradi.

Modulli o‘qitishda talaba uchun quyidagi afzalliklar yuzaga keladi:

– o‘quv materialini mustaqil o‘zlashtirish;

– mashg‘ulotdagi psixologik qulaylik;

– modullar bilan ishlash individual sur’atlarda olib boriladi;

– har bir modulli darsda individual ish traektoriyasi.

Modulli o‘qitishda pedagog uchun quyidagi afzallik yuzaga keladi:

– dars davomida talabalarga individual ravishda maslahat berish uchun bo‘sh vaqtga ega bo‘linadi.

Modulli o‘qitishda talabalar uchun quyidagi muammolar yuzaga kelishi mumkin:

– vazifalarni bajarishda vaqtning yetishmasligi;

– topshiriqlarning yuqori sur’atlarda bajarilishi;
– ba’zi talabalar mustaqil ravishda ishlay olmaydilar.

Modulli o‘qitish texnologiyasini joriy etish jarayonida milliy ta’lim tizimining asl holati va o‘ziga xos xususiyatlarini, uning ijobiy va salbiy tomonlarini hisobga olish va bu texnologiyaning ushbu tizimda samarali ishlashiga sharoit yaratish kerak.

Toshpo‘latova Ra’no To‘raqulovna, *magistrant,*
Ta’lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi
Maktabgacha ta’lim fakulteti, SamDU

MAKTABGACHA TA’LIM TIZIMIDA INNOVATSION FAOLIYAT ASOSLARI

Keyingi yillarda mamlakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning ustuvor yo‘nalishlariga hamda xalqaro standartlar talablariga mos keladigan ta’lim tizimini yaratish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Ta’lim jarayonida interfaol metodlar, innovatsion pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanib, ta’limning samaradorligini oshirishga bo‘lgan qiziqish, e’tibor hamda talab kundan kunga kuchayib bormoqda.

Ta’lim-tarbiya jarayonida pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ahamiyatli tomoni shaxsni rivojlantiruvchi ta’limni amalga oshirish imkoniyatining kengligidir.

Zamonaviy texnologiyalar qo‘llanilganda pedagoglar egallayotgan bilimlarni o‘zlari qidirib topishlariga, mustaqil o‘rganib, tahlil qilishlariga, hatto, xulosalarni ham o‘zlari keltirib chiqarishlariga qaratilgan. Pedagog bu jarayonda shaxs va jamoaning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi.

Maktabgacha ta’limda yangi pedagogik texnologiyalardan oqilona foydalanish tarbiyani ta’limga bog‘lash, har ikkisini tuzilishi va mazmuni jihatdan yaxlitlashtirishga, tarbiyalanuvchi faoliyatini mujassamlashtirishga, mustaqil fikrlashga yo‘llash uchun qulay sharoit yaratadi. Pedagogik texnologiya asosida o‘tkazilgan mashg‘ulotlar yosh avlodni mustaqil fikrlaydigan, ma’nan yetuk, barkamol shaxslarga aylantiradi. Shuning uchun ham ta’lim muassasalaridagi ta’lim-tarbiya jarayonida zamonaviy o‘qitish uslublari – interfaol uslublar, innovatsion texnologiyalarning ahamiyati va o‘rni beqiyosdir.

Innovatsiya (inglizcha innovatsion – yangilik kiritish) tizimning ichki tuzilishini o‘zgartirish demakdir. Innovatsiyalar dolzarb ahamiyatli bo‘lib, bir tizimda shakllangan yangicha yondashuvlardir.

Pedagogik texnologiya ta’limga tizimli yondashuv asosida tatbiq etiladi hamda tarbiyalanuvchining yoshi, ruhiyati, dunyoqarashi, bilimi, faollik darajasi, ta’lim-tarbiyaning maqsadi, yo‘nalishi, mazmuni, shakllari, usullari e’tiborga olinadi. Pedagogning bu jarayon tashkilotchisi, ijodkor sifatidagi faoliyati asosini uning bilimi va mahorati, texnik vositalardan foydalanib, bolaning qiziqish va intiluvchanligiga ta’sir ko‘rsatish, bolani faollashtirishga xizmat qiluvchi usullarni qo‘llab, kafolatlangan samaralarga erishish qobiliyati tashkil etadi.

Zamon shiddat bilan o‘zgarib borar ekan, ta’lim sohasi ham u bilan barobar o‘zgaradi va o‘qituvchidan o‘z faoliyatini o‘zgartirishni talab etadi. Pedagogning asosiy vazifasi faqat ta’lim berish emas, balki boshqaruvchilikdan ham iborat bo‘lib, u ta’lim jarayonini to‘g‘ri tashkil qilishi va boshqarishi, ta’lim-tarbiya jarayoniga yangiliklarni uzluksiz kirita olishi, ya’ni innovatsion faoliyat yuritishi talab etiladi. Innovatsion faoliyat pedagogni harakatga keltiruvchi, izlanuvchanligini oshiruvchi, olg‘a boshlovchi, taraqqiy ettiruvchi kuchdir.

Innovatsion faoliyat uzluksiz ravishda yangiliklar asosida faoliyat yuritishdir. U uzoq vaqt davomida shakllanadi va takomillashib boradi. Maktabgacha ta’lim tashkilotida innovatsion jarayonni tashkil etish va boshqarishda asosiy shaxs tashkilot rahbari hisoblanadi. Tashkilot rahbarining vazifasi innovatsion jarayonni rejalashtirish, tashkil etish, boshqarish va nazorat qilish hamda pedagoglar o‘rtasidagi raqobatbardoshlikni ta’minlashdan iborat.

Shuningdek, tashkilot rahbari xodimlar faoliyatini tahlil qilishi, samaradorlik darajasini aniqlashi, innovatsiyani doimiy rivojlantirishi talab etiladi. Biz bilamizki, innovatsion jarayonlarni boshqarish o‘ziga xos muammodir. Bu jarayonda rahbarning tashabbuskorlik faoliyati, boshqaruvchilik qobiliyati alohida o‘rin egallaydi.

Ta’lim tizimidagi innovatsion jarayonlarning boshqaruvi 4 bosqichda amalga oshiriladi:

- rejalashtirish;
-tashkil etish;
- rahbarlik;
- nazorat qilish kabi jarayonlardir.

Bu izchillik rahbar tomonidan to‘laqonli amalga oshirilsa, ta’lim jarayonidagi innovatsion faoliyatdagi mavjud to‘siqlar muvaffaqiyatli hal etilishi mumkin.

Rejalashtirish faoliyat ko‘rinishlaridan biri bo‘lib, ta’lim strategiyalarini aniqlash, kelgusida qanday natijalarga erishish ko‘zda tutilayotganligi, ta’lim samaradorligi, buning uchun qanday harakatlar, qanday izchillikda va qaysi muddatda bajarilishi kerakligi, ya’ni nima, qayerda va qaysi tartibda amalga oshirilishi lozimligini belgilab beradi. Faoliyatni rejalashtirish kelgusida amalga oshiriladigan ishning maqsadi, tarkibi, tuzilmasi va bajarish muddatlarini belgilash demakdir.

Ishni tashkil etish – pedagogik jamoaning birgalikda samarali ishlashlari uchun kim va qanday ishni bajarishi, majburiyatlari, huquqlari, javobgarligini, kim bilan va qay tarzda o‘zaro munosabatda bo‘lish lozimligini belgilash, taqsimlashni hal etish jarayonidir.

Rahbarlik boshqaruvni rejalashtirish va tashkil qilishni to‘gri bajarishi tufayli maktabgacha ta’lim tashkilotidagi jamoani samarali birlashtirish imkoniyatini yaratadi.

Pedagogik jamoadagi qulay ijtimoiy-psixologik muhitni saqlab turish uchun boshqaruv subyekti amalga oshiradigan xatti-harakatlar uyg‘unligi rahbarlik qilish deb ataladi.

Nazorat qilish – maktabgacha ta’lim tashkilotlarida kunlik ish jarayonini nazorat qilish tashkilot rahbari va tajribali pedagoglar zimmasiga yuklangan. Bu borada xodimlarning innovatsion faoliyatni tashkil etish mahorati kuzatib boriladi.

Bugungi kunda maktabgacha ta’lim tashkilotlari davlat tomonidan tasdiqlangan 2018-yil 7-iyuldagi Maktabgacha ta’lim vazirligining 4-sonli hay’at yig‘ilish qarorida ko‘rib chiqilgan «Ilk qadam» davlat o‘quv dasturi asosida ish tashkil etilgan. Dasturga muvofiq, kichik va o‘rta hamda katta maktabga tayyorlash guruhlarida mashg‘ulot jarayonlarini innovatsion faoliyat asosida olib borish maqsadga muvofiqdir.

Bunda boladagi mavjud izlanuvchanlik, istedod, yaratuvchanlik, ixtirochilik qobiliyatlari shakllanib boradi. Kelajakda bu bolalar fizika, astronomiya, informatika, iqtisodiyot va boshqa fanlarning kasb egalari bo‘lishiga erishiladi. Tabiat bilan tanishtirish ochiq mashg‘ulotlarida ham interfaol o‘yinlar, innovatsion faoliyatni tashkil etgan holda o‘tkazilishi yaxshi natija beradi. Bunda bolalar ochiq tabiat qo‘ynida yangi bilim, ko‘nikma va malakalarga ega bo‘ladilar.

Bu kabi innovatsion faoliyatni nutq o‘stirish qisqa oquv mashg‘ulotlarida, jismoniy mashqlarni takroriy bajarish jarayonida, musiqiy bilim berish va badiiy adabiyot, syujetli o‘yinlar, atrofimizdagi olam bilan tanishtirish, nutqni rivojlantirish, elementar matematika, aplikatsiyalar yasash, rasm chizishni o‘rganish vaqtida qo‘llash ijobiy samara beradi.

Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida innovatsion faoliyatni tashkil etish orqali bolaning individual ehtiyojlarini hisobga olgan holda uning har tomonlama barkamol rivojlanishi uchun qulay shart-sharoitlar yaratiladi. Bola bu faoliyat orqali berilayotgan bilimlarni tez o‘zlashtiradi.

Bolaning asosiy faoliyat turi o‘yin bo‘lib, innovatsion faoliyatni o‘yin bilan birga ko‘rsatish va bajarish uning xotirasida uzoq vaqtgacha saqlanib qoladi. Xotiraning logik, harakat va emotsional turi ham yaxshi rivojlanadi. O‘yin orqali bolaga ta’lim berish va rivojlantirish, innovatsion faoliyatga moslashtirish mumkin. Bunda bolaning ijodiy rivojlanishi yaqqol nomoyon bo‘ladi. Kelajakda bolada ikkinchi tilga bo‘lgan qiziqishi ortadi va shu til haqidagi qisqa tasavvurlari paydo bo‘ladi.

Xulosa sifatida ta’kidlash lozimki, kelajagimiz egalari bo‘lmish yosh avlodni zamon talablari darajasida o‘qitish kelajakda barkamol inson, mustaqil fikrlovchi shaxs sifatida tarbiyalashdek murakkab masalalarni muvaffaqiyatli hal etish ko‘p jihatdan o‘qituvchining kasbiy mahorati, bilimdonligi, ijodkorligi, pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanib, o‘quv-tarbiya jarayonini tashkil etishi va boshqarishiga bog‘liqdir.

Нарметова Ю.К.,
Тошкент тиббиёт академияси

ОИЛА – БОЛАЛАР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ПСИХОСОМАТИК ОМИЛИ СИФАТИДА

Психосоматик бузилишларнинг шаклланишида муҳим омил кўп ҳолатларда дифункционал оила бўлиб ҳизмат қилади. Ҳеч кимга сир эмаски,

инсоннинг асосий ижтимоийлашув жараёни оилада бўлиб ўтади, оилавий ўзаро муносабатларнинг бузилиши у ёки бу патологиянинг вужудга келишига сабаб бўлади. Эрта ёшликдан она болада ўзига ва атроф-муҳитга нисбатан муносабатни белгилайди, болада тана тилини шакллантиради. Агар онанинг психосоматик характерикстикаларига мурожаат қиладиган бўлсак, унинг тарбияга ўта кириб кетганлиги, авторитарлиги, доминантлиги, юқори хавотирлиги, тажаввузкорлиги, талабчанлиги, ички низолилигини кўриш мумкин.

Манбаларда қуйидаги **психосоматоген оилаларнинг** намоён бўлиши кўрсатилади:

1. Ота-онанинг боланинг ҳаётий муаммоларига ўта киришиб кетганлиги, бу унинг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатиб, ҳимоя механизмлари ривожланига йўл қўймайди.

2. Оиланинг ҳар аъзосининг бошқасининг стрессларига нисбатан юқори сезувчанлиги.

3. Ўзгарувчан вазиятларда ўзаро муносабатларнинг ригидлигида қоидаларни ўзгартира олиш қобилиятининг сустлиги.

4. Ўз фикрини ифодалашдан ва низоларни очиқ муҳокама қилишдан қочиш.

5. Боланинг касаллиги кўп ҳолатларда эр-хотин низоларида стабилизатор (мувозанатлаштирувчи) ролини бажаради [1].

Бошқача қилиб айтганда, соғлиқ саломатликнинг бош шарти – оиланинг руҳий хотиржамлигдир. Шунинг учун, агар ота-она психологик маҳоратли бўлса, фарзандларини тушунса, қадрласа, зарур “миқдорда” ижобий эмоциялар бера олса ва энг муҳими бир-бирини севиб, ғамхўрлик қилсагина, фарзанд стрессларга бардош берувчи ва табиийки, соғлом бўлади.

Ота-оналарнинг тарбиялаш услубларидаги оғишлар рўйхатини қуйидагилар билан тўлдириш мумкин: аёл, эркак ёки болаларга хос хусусиятларни ихтиёр этиш, ота-оналар ҳис-туйғулари соҳасини кенгайтириш, боладан жудо бўлиш қўрқуви, ота-оналик ҳис-туйғуларининг ривожланмаганлиги, ўзининг салбий хусусиятларини болада кўриш, эр-хотин ўртасидаги низоларни тарбия соҳасига кўчириш [2].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ота-оналик услуби умумлаштирилган, ўзига хос, визиятли ва ноодатий тарзда ота-оналарнинг бола билан мулоқоти, фарзандга нисбатан муносабат шаклидир. Тахмин қилиш мумкинки, оилавий ўзаро муносабатлардаги оғишлар маълум психосоматик бузилишлар шаклланишига сабабчи бўлади.

Касаллик бир томондан муҳитга мослашув услуби бўлса, иккинчи томондан салбий омил ҳисобланади. Юзага чиқарилмаган қаҳр, қўрқув, айбдорлик ҳисси танадаги блокларга олиб келади, улар вақт ўтиб, у ёки бу аъзо ёки тана қисми касаллигига айланади. Кейинчалик ушбу эмоционал ҳолатлар соматик саломатликда акс этади. Бунда ота-оналар ҳис-туйғуларга таъқиқлар ёки тез-тез такрорланиб турувчи диструктив низолар уларнинг фарзандарининг психосоматик соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Ҳаттоки, агар оилада

хотиржамлик бўлса, стресс ёки психик жароҳат психосоматик касалликларга олиб келиши мумкин, шунинг учун тиббий даволаш билан бир қаторда психотерапевтик ёрдам ҳам кўрсатилса, боланинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий ҳолатидаги натижа юқори самарадорликка эга бўлади.

Нурматов А.Ш.,
Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази

ОИЛАДА ОТА-ОНА БОЛАНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ИДЕАЛ ТАРБИЯЧИСИ СИФАТИДА

Оиладаги тарбиявий жараён ўзига хос хусусиятга эга. Унинг охири ва боши ҳам йўқ. Биз катталар, яъни ота-оналар болани туғилгандан бошлаб то вояга етгунича тарбия қиламиз. Бола ота-онасининг хатти-ҳаракатларини тақлид қилиш орқали ўрганади, ҳатто оғзидан қандай усулдаги сўз чиқса, ўшани қайтаради.

Демак, ота-она бола шахсининг шаклланиши учун идеал тарбиячи бўлиши керак. Оиладаги тарбиявий жараён, аввало, бола билан ота-она ўртасидаги доимий мулоқот жараёнида шаклланади.

Тажрибали психолог А.А. Бодалев фикрича, ҳатто ўйин фаолиятида бола мулоқотда бўлади. Та’лим жараёнининг асосида мулоқотга ўргатиш масаласи биринчи ўринда туради, қолаверса, меҳнат таълими жараёнида кишилар доимо мулоқотга эҳтиёж сезадилар. Мулоқотнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, у инсон дунёқарашини кенгайтиради ва руҳиятини ривожлантиради, яъни барча руҳий жараёнлар мулоқот орқали шаклланади.

Етакчи рус психолог олимаси Н.П. Аникеева фикрича, бошқа одамлар билан мулоқотда ҳар бир шахс муайян ижтимоий ролни эгаллайди. Роллар шахсни тўлароқ очиб бериши, уни ниқоблаши мумкин. Лекин позиция – ролларни танлаш, албатта, инсоннинг ўз моҳиятига, унинг кучи, заифлиги, салоҳият даражаси, ўз-ўзини танқид қила олиши, хулқ-атворининг пухталиги ва ўзини четдан кўра билиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Боланинг тарбияси яхши бўлиши учун ота-она уни севиши, ардоқлаши ва қўллаб-қувватлаши лозим. Ўринли савол туғилади: биз бола билан мулоқотга неча дақиқа вақт ажратамиз? Бугунги кундаги шахс ривожланишининг шиддатли долзарб даврида ҳар бир ота-она мазкур саволга масъулият билан ёндашса ва бола тарбиясига амалий ёндашса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, катталар ва бола ўртасидаги мулоқот бир суткада 1,8 соатни ташкил қилар экан. Шундан она бор-йўғи бола билан 35 дақиқа мулоқотда бўлар экан: “Қорнинг очми? Нима ейсан?” каби саволлар тарзида. Бола савол берса, кўпгина ота-оналар жавоб бергилари келмайди. Она овқат тайёрлаш билан овора бўлса, ота эса газета ўқиш билан банд. Турли ёшдаги фарзандларда у ёки бу муаммо бўлишини биз катталар билишимиз, унга вақт ажрата олишимиз лозим. Моддий ғамхўрлик болага, унинг тарбияси, мулоқоти ва руҳиятининг шаклланиши учун етарли эмас. Ота-

она боланинг қалбига қулоқ сола билиши муҳим аҳамиятга эга. Ота-она ўртасидаги низоларнинг келиб чиқиши сабабларидан бири болага эътибор бермаслигидадир. Нима учун биз ҳамкасбларимиз билан, дўстларимиз билан қанча мулоқотда бўлсак ҳам қониқмаймиз-у, лекин фарзандимиз билан кам мулоқотда бўламиз?

Ота-онанинг эътибори оилада ҳиссиёт маданиятини тарбиялашга ёрдам беради. Шундай савол туғилади: Нима учун ўсмирлар жиноятчилик кўчасига кириб қолаяпти? Масалан, ўсмирлар кекса кишини ўлгудек калтаклашаяпти (бунга ҳаётимизда мисоллар талайгина). Демак, биз катталар, жумладан, ота-оналар ўз фарзандимизга таълим-тарбия беришда эътиборлироқ бўла олмаяпмиз. Уларнинг кўнглига қулоқ сола олмаяпмиз. Ёшларда бошқалар ғамига ҳамдард бўлиш туйғусини шакллантира олмаяпмиз. Ёшлар билан мода-кийиниш ҳақида гаплашсангиз, улар сиз билан кўнгилдан мулоқотда бўладилар. Шу тариқа уларнинг кўнглига қўл солиш мумкин-ку.

Ҳаётда болалар билан ота-она ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкиллаштириш учун турли тўсиқлар халақит беради. Жумладан:

- банд бўлиш “тўсиғи”, ота-оналар доимо банд бўлишади, болага эътибор беролмайдилар, чунки уларнинг уй юмушлари кўп. Бу болада руҳий-ҳиссий ривожланиш тўхташига олиб келади;

- иккинчи тўсиқ ёшга боғлиқ “тўсиқ” бўлиб, бунда катталарнинг ёши улуғ бўлгани учун болани тушунмайдилар. Боланинг ички дунёсини ҳисобга ололмайдилар. Катталар учун арзимайдиган нарсалар бола учун муҳим бўлиши мумкин;

- эски қолип “тўсиғи” – ота-оналар ўзининг боласи ёши улғайиб бораётганини сезишмайди. Фарзанд улғайиб борган сари ота-онасининг у билан ҳисоблашишларини истайди. Шунинг учун улар ўртасида тушунмовчиликлар ва низолар келиб чиқади. Биз катталар фарзандларимиз доимо бизни тинглашларини хоҳлаймиз, бизга бўйсунишларини истаймиз. Уларнинг мустақил фикрларини эшитишга эринамиз. Демак, катталар болага нисбатан эски қарашларини ўзгартиришлари лозим. Шунда ўртадаги барьер (тўсиқ) йўқолади;

- тарбиявий анъаналардаги “тўсиқ” – ота-оналар оиладаги илгариги тарбиявий таъсир усулларини қўллайдилар, боланинг руҳий ривожланиши даражасини ҳисобга олмайдилар. Улар ўзларининг малакаларини ошириш устида ишламайдилар. Натижада бола билан ота-она ўрталарида тўсиқ пайдо бўлади ва натижада бир-бирларини тушуна олмайдилар;

- дидактизм “барьери (тўсиқ)” – бунда ота-оналар болага доимо ақл ўргатадилар (... ундай қилма, бу тўғри, бу нотўғри” ва ҳ.к.). Боланинг ҳар бир қадами ўлчанади ва баҳоланади. Бу эса болада психологик зўриқишни юзага келтиради ва асабий бўлиб қолади.

Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида санаб ўтилган “тўсиқлар”ни йўқотиш учун ота-она ўз фарзанди билан тўғри мулоқотда бўлиш йўлларини излаб топиши ва таълим-тарбияда жамият талаби меъёрларига алоҳида эътибор беришлари лозим. Шундагина ота-оналар боланинг ҳар бир ёш

даврида психологик хусусиятидан келиб чиқиб, у билан тил топа олишлари мумкин бўлади ва натижада бола ҳам баркамол шахс сифатида шакллана боради.

Авазов Хусан Баходир угли, *студент,*
факультет «Корпоративное управление», ТГЭУ

ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ПО ПОВЫШЕНИЮ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ МОЛОДЁЖИ

Роль образования на современном этапе развития Узбекистана определяется задачами ее перехода к рыночной экономике в условиях внедрения цифровых технологий. В современном мире значение образования как важнейшего фактора формирования нового качества экономики и общества увеличивается вместе с ростом влияния человеческого капитала.

Система образования нашей республики способна конкурировать с системами образования передовых стран мира. При этом ощущается широкая поддержка со стороны общественности проводимой образовательной политики, глубокой и всесторонней модернизации образования с выделением необходимых для этого ресурсов и созданием механизмов их эффективного использования. Основные постулаты Государственной программы 2020 года – «Года развития науки, просвещения и цифровой экономики» направлены на долгосрочную перспективу социально-экономической политики Узбекистана и определяют приоритеты и меры реализации стратегической линии нашей страны в условиях модернизации образования.

Образовательная политика республики, отражая общенациональные интересы в сфере образования, учитывает вместе с тем общие тенденции мирового развития, обусловливающие необходимость существенных изменений в системе вузовского образования: ускорение темпов развития общества, расширение возможностей политического и социального выбора; переход к информационному обществу; формирование глобального мышления у молодого поколения; динамичное развитие экономики; рост конкуренции; возрастание роли человеческого капитала, который в развитых странах составляет 70-80% национального богатства, что, в свою очередь, обусловливает интенсивное и опережающее развитие образования молодежи.

На современном этапе развития Узбекистана образование, в его неразрывной связи с наукой, становится все более мощной движущей силой экономического роста, повышения эффективности и конкурентоспособности народного хозяйства, что делает его одним из важнейших факторов национальной безопасности и благосостояния страны, благополучия каждого гражданина. Потенциал образования должен быть в полной мере использован для консолидации общества, сохранения единого социокультурного пространства страны. Обновленное образование должно сыграть ключевую роль в обеспечении устойчивого, динамичного развития нашего общества – общества с гражданско-правовой, профессиональной и бытовой культурой.

Для этого надлежит повсеместно обеспечить равный доступ молодых людей к полноценному качественному образованию в соответствии с их интересами и склонностями, независимо от материального достатка семьи, национальной принадлежности и состояния здоровья.

Важной задачей также является формирование профессиональной элиты, выявление и поддержка наиболее талантливых детей и молодежи. В условиях приоритетной поддержки образования со стороны государства система образования должна обеспечить эффективное использование своих человеческих, информационных, материальных и финансовых ресурсов.

Значит, государственно-политические и социально-экономические преобразования первых двух десятилетий XXI века оказали существенное влияние на образование, позволив обеспечить многообразие высших учебных заведений и модернизацию образовательных программ.

Высшее учебное заведение становится важнейшим фактором гуманизации общественно-экономических отношений, формирования новых жизненных установок личности. Поскольку нашему обществу нужны современно образованные, нравственные, предприимчивые люди, которые могут самостоятельно принимать ответственные решения в ситуации выбора, правильно прогнозируя их возможные последствия, способны к сотрудничеству, отличаются мобильностью, динамизмом, конструктивностью, обладают развитым чувством ответственности за судьбу страны.

Содержание образования должно обеспечить выпускникам фундаментальные знания, важнейшие составляющие стандарта образования нынешнего века: математики и информатики (умения вести поиск и отбор нужной информации), русского и иностранных языков, базовых социальных и гуманитарных дисциплин (экономики, истории и права). Поскольку время предъявляет новые требования к уровню квалификации специалистов в современной экономической жизни.

Решение социально-экономических проблем осуществляется на основе опережающего развития республики, рассматриваемого как вложение средств в будущее страны, в котором участвуют государство и общество, предприятия и организации, граждане, то есть все заинтересованные в качественном образовании молодёжи. В этой связи обеспечивается опережающий рост затрат на образование, существенно увеличилась заработная плата педагогов и усилено стимулирование качества и результативности педагогического труда. Повышается инвестиционная привлекательность образования в республике, модернизируются действующие организационно-экономические механизмы. Система образования является важным фактором сохранения престижа страны, обладающей высоким уровнем науки, образования и культуры.

Мавланов Рамшид Тўлқинович, *магистранти,*
ТДИУ

МУТАХАССИСЛИК УЧУН БИРИНЧИ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонлари билан тасдиқланган олий таълим сифатини яхшилашдаги бош **“Мутахассислик учун биринчи қадам”** йўналишини жорий этиш бир кун назарий, бир кун амалиёт учун бирон-бир корхона фаолиятини ўрганиш ва ҳисоб-китобини таҳлил қилиш демакдир.

Мазкур таълим мазмуни ҳозирги реал сектордаги ишлаб чиқаришга ва жамиятнинг мутахассисларга эҳтиёжларини қондириши, талабаларда таълим олиш жараёнида бўлажак мутахассислардаги муҳим касбий сифат жиҳатларини шакллантира олиши лозим. Олий таълим муассасаларининг сифатини ошириш йўли билан уларнинг рақобатбардошлиги таъминланади. Олий таълим тизимининг рақобатбардошлилиги уларнинг меҳнат бозори талабларига тўлақонли равишда жавоб бериш қобилияти ва уларнинг бозорда ўз ўрнини эгаллашидир. бу жараёнлар асосида маълум тавсифдаги эҳтиёжларни қондириш имкониятларини берувчи хусусиятлар етарли бўлади.

Таълим тизимининг рақобатбардошлигини уларни бошқа шу турдаги хизматларга қиёсий таққослаш асосида аниқлаш мумкин: 1. Бугунги кунда республикада 114 та олий таълим муассасаси ташкил этилган бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди.

Кўриниб турибдики, барча соҳалар бўйича бакалавр талабалари 410000 та ва магистратура талабалари 13000 тани ташкил қилмоқда. Маълумки, бу талабаларнинг битириб чиқаётган маълум қисми мутахассислик даражасини олиб, ишлолмай ва иш тополмай, бошқа мутахассисликлар бўйича фаолият юритади.

Демак, олий таълим тизими талаба даражасига етиши билан ишлаб чиқариш жараёнида амалиёт бошламаганлигини қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

а) таълим муассасалари ҳали ҳам меҳнат бозори талабидан эмас, балки ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрламоқда;

б) тизимнинг моддий-техник базаси талабга жавоб бермаслиги сабабли тайёрланаётган мутахассислар амалий кўникмаларининг пастлиги;

в) ёшларнинг мутахассисликни танлашда бозор талабларидан эмас, балки ота-оналарининг хоҳиши ва уларнинг имкониятларидан келиб чиқаётганлиги;

г) мутахассисларни тайёрлашда ишлаб чиқариш субъектларининг иштирок этиш механизми етарли даражада шаклланмаганлиги.

Жадвал

Мамлакатимиздаги олий таълим мутахассисликлари буйича

Соҳалар бўйича	Бакалавр талабалари			Магистратура талабалари		
	Талабалар сони	Таълим йўналишлари	Мутахассисликлари бўйича (%)	Талабалар сони	Таълим йўналишлари	Мутахассисликлари бўйича (%)
Жами	**410000**	**329**	**100**	**13000**	**582**	**100**
Шу жумладан:						
гуманитар ва педагогик	224680	180	54,8	5304	237	40,8
ишлаб чиқариш-техник	103320	83	25,2	3029	136	23,3
ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ	21320	17	5,2	1729	77	13,3
қишлоқ ва сув хўжалиги	24190	19	5,9	767	34	5,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	18040	14	4,4	1755	79	13,5
хизмат кўрсатиш	18450	15	4,5	416	19	3,2

Олий таълим сифатини яхшилашдаги “**Мутахассислик учун биринчи қадам**” бош масаласи талаба даражасига эришиши билан уларни мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқариш амалиётлари билан биргаликда олиб бориш қуйидаги мақсадларга эришишга имконият яратади:

1. Олий ва ўрта махсус муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш.
2. Ишсизлик даражасини камайтириш.
3. Меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмасини таъминлаш.
4. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш.
5. Кадрларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш.
6. Сифатли таълим хизматларини ошириш.
7. Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасалари битирувчилари эмас, балки талабаликка қабул қилинганларни меҳнат бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб, рақобатбардошлигини ошириш мақсадида таълим сифатини ошириш, мутахассислик фанлари ҳамда талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёт

соатларини назарий соатларга тенг равишда кўпайтириш учун тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёнини яхшилашда сифатли дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишга эътиборни кучайтириш, олий таълим муассасалари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш таълим бериш сифати ошишига ва амалиётни жорий этиш таълим жараёнини яхшилашга хизмат қилади. Олий таълим сифатини яхшилашдаги "**Мутахассислик учун биринчи қадам**" жараёни асосий мазмуни биринчи назарийда олинган билимни бошқа куни ишлаб чиқаришми, хизмат кўрсатиш ва бошқа реал секторлардами амалий ўтказиш демакдир.

Таълим сифатини оширишда ўкувчилар назарий-амалий фаолиятини бир жараёнга тўплаш, ўзлаштириш ва амалий билим билан бирга олиб бориш, педагогик кўникмасини ҳамда илмий тадқиқот ишларида ва янги адабиётлар яратишдаги ўрнини хисобга олиш, умуман олганда, талабалар ўртасида рақобат муҳитини юзага келтириш зарур. Талабаларга ватанпарварлик ҳиссини уйғотишда профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш асосида ўқитувчиларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссини ошириш асосида таълим сифатини кескин яхшилашимиз мумкин.

***Абдуллаева Насиба Абдакимовна**, магистр,*
Узбекский государственный университет мировых языков

МЕТОД ДИСКУССИИ – КАК СПОСОБ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ НАВЫКОВ СТУДЕНТОВ

Преобразования в профессиональной школе, которые набирают силу, вызваны потребностями общества, они является составной частью общественного развития, важнейшим фактором социально-экономического прогресса.

Перед педагогами всегда стояли важнейшие задачи по обучению и воспитанию специалистов – будущих руководителей экономической, социальной и культурной жизни и деятельности общества.

В настоящее время требуется перестройка традиционной системы обучения, внедрение стройной системы содержания и технологий обучения, которые основаны на достижениях психологии и дидактики, в которых воплощен коллективный разум и опыт многих поколений психологов-теоретиков, ученых-педагогов и педагогов-практиков.

В такой ответственный период перед преподавателями высших учебных заведений стоят такие важные задачи, как повышение качества образования и воспитания; обеспечение более высокого научного уровня преподавания каждого предмета, добиваться прочного овладения основами наук, улучшение духовно-нравственного воспитания, эстетического и физического развития; усовершенствование учебных планов и программ, учебников и учебных пособий, методов обучения и воспитания; устранение перегрузки обучаемых,

чрезмерной усложненности учебного материала; усиление практической направленности преподавания.

При решении этих задач мы не можем обойтись без опоры на педагогическую теорию, на ее новые, оригинальные исследования, которые носят фундаментальный характер. Только используя современные достижения в педагогической науке мы можем добиться качественных изменений профессиональной деятельности педагогов, соответственно, и в коренных преобразованиях педагогической практики.

Необходимо отметить, что в современных условиях развития общества всё больше возрастает потребность в нестандартно мыслящих творческих личностях. На данный момент, традиционная система подготовки специалистов, которая ориентирована на формирование знаний, навыков и умений в предметной области, всё больше отстаёт от современных требований. Основой современного образования становятся не столько учебные дисциплины, сколько способы мышления и деятельности студентов.

Задачей любого высшего образовательного учреждения является не только выпуск специалистов, получающих подготовку высокого уровня, но и включение студентов уже в процессе обучения в разработку принципиально новых технологий, их адаптация к реальным условиям производственной среды. Вместе с тем, в процессе обучения, важно развивать у студентов такие важные способности, как творческая активность, креативное мышление, умение оценивать, рационализировать, быстро адаптироваться к изменчивым потребностям рынка.

Приобретение таких навыков во многом зависит от содержания и методики обучения будущих специалистов.

Немаловажную роль в реализации вышеуказанных задач играют интерактивные методы обучения, которые применяются в процессе обучения и способствуют подготовке специалистов, способных нестандартно, гибко и своевременно реагировать на изменения, которые происходят в мире.

Интерактивные методы обучения подразумеваются постоянное взаимодействие, диалог, беседу преподавателя и студента, причем, доминирующую позицию в процессе обучения занимают студенты, а преподаватели должны давать правильное направление в работе.

Интерактивными методами обучения считаются такие формы обучения, которые органично включают студентов в процесс изучения учебной дисциплины, более глубокому ее познанию и овладению необходимыми знаниями и при которых студент является субъектом, а не объектом учебно-воспитательных воздействий педагога, так как успешность обучения зависит не только от активности преподавателя, но и от активного участия студента в образовательном процессе.

Исходя из опыта научно-педагогической деятельности мы хотим выделить дискуссию как одну из самых важных методических форм работы со студентами. Поскольку дискуссия активизирует деятельность студентов по приобретению новых знаний и обогащению имеющегося понятийного аппарата

учебных предметов и повышает уровень учебной автономии студентов. Посредством данного метода развивается способность студентов к самообразованию в дальнейшей профессиональной деятельности, развиваются их когнитивные и исследовательские умения и информационная культура, расширяется кругозор и повышается общая культура, и к тому же учебный материал усваивается студентами более качественно и экономичнее во времени.

В ходе дискуссии, студенты овладевают такими элементами общения, как умение выразить собственное мнение, прервать собеседника, в нужный момент согласиться с его мнением или опровергнуть его, умением целенаправленно слушать собеседника, задавать уточняющие вопросы и т.д.

Дискуссия является процессом диалогического общения участников дискуссии, в процессе которого происходит формирование практического опыта совместного участия студентов в обсуждении и решении теоретических и практических проблем изучаемых учебных предметов.

К тому же, занятия-дискуссии создают креативную среду в аудитории и положительно влияют на учебный процесс, повышают интерес и мотивацию студентов к изучаемому предмету. Метод дискуссии широко используется для формирования и развития критического мышления студентов, стимулирования их активности, инициативности, творчества и самостоятельности.

Посредством дискуссии наиболее эффективно формируется социолингвистическая и прагматическая компетенции студентов. В процессе обсуждения выявляются противоречия социокультурного плана, выдвигаются аргументы и контраргументы, выстраивается логика доказательности позиции выступающего. К тому же студенты учатся рассматривать проблему со всех сторон, рассуждать, формулировать и отстаивать свою точку зрения. Причем студенты должны четко представлять то, что от них требуется. Они должны именно делать выводы по проблемам изучения, а не просто перечислять факты, аргументировать ответы, а не представлять размытые рассуждения, где не видно сути.

Эти требования к ведению дискуссии позволяют сформировать определенную культуру речи и поведения, например, выслушивать собеседника до конца не перебивая, задавать вопросы, опровергать суждения или, напротив, соглашаться с ним, развивая мысль. Дискуссионный метод позволяет также формировать сознательное отношение к рассмотрению выдвигаемых проблем, активность в их обсуждении, речевую культуру; выявлять причины возникающих разногласий и искать возможные пути их решения. При этом реализуется принцип формирования у студентов критического мышления. Язык, таким образом, является одновременно и целью и средством обучения.

Среди всевозможных аспектов организации дискуссии можно выделить два самых существенных. Первый — это соблюдение самого формата дискуссии, воплощение всех нужных ее этапов. Второй — это грамотный выбор организационной схемы дискуссии в соответствии с задачей, а также возрастных особенностей обучающихся.

Рассмотрим более подробно этапы дискуссии:

1. Формулирование целей и темы дискуссии. Здесь выбирается предмет обсуждения и описывается желаемый результат. Чем конкретнее, понятнее задан предмет, тем эффективнее и плодотворнее будет дискуссия. Все участники к моменту начала дискуссии должны иметь ясное понимание предмета обсуждения. Как результат групповой дискуссии может быть: общее решение какого-либо вопроса, ситуации; четкое самоопределение каждого участника по рассматриваемой проблеме.

2. Сбор данных (знаний, суждений, новых идей, предложений участников) по вопросу. Данный этап по форме схож с мозговым штурмом: возможность высказаться есть у всех, никакой критики, вопросы лишь на уточнение, фиксируются все мнения, все новые данные.

3. Упорядочение, обоснование и общая оценка информации, что получена во время обсуждения. Основная задача этого этапа — провести критический анализ всех предложений (предложений, а не их авторов) и определиться с (всем вместе или каждому для себя) определенной позицией.

4. Формулирование итогов дискуссии, определение итогового решения, сравнение целей с полученными результатами.

Таким образом, дискуссия – это один из видов спора, публичный диалог, в процессе которого сталкиваются различные, противоположные точки зрения, целью которого является выяснение и сопоставление позиций, поиск правильного решения, выявление истинного мнения. Дискуссия помогает найти нестандартное решение проблемы или задачи, посмотреть на обсуждаемую тему с различных точек зрения, определить минусы и плюсы каждого из подходов.

Салихов Равшан Мухиддинович, *магистрант,*
ТДИУ

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУАММОЛИ ИЗЛАНИШ МЕТОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади таълим тизимини ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун қуйидаги вазифаларнинг ҳал этилиши назарда тутилган:

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш;
- педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мавқеини кўтариш;
- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Республикамизда таълимни ривожлантиришнинг бугунги босқичида жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш

шароитларига мослаша оладиган, иқтисодиётимизни буюк давлат даражасига кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндашувни шакллантириш, мустақил фикрлаш ва татбиқ қилиш сифатларини тарбиялашга эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда таълим самарадорлигини таъминлаш мақсадида фаол ўқитиш усулларини қўллаш талаб этилмоқда. Бундай методларни самарали қўллашнинг муҳим мезонларидан бири муаммоли вазиятни вужудга келтириш, муаммони кун тартибига қўя билишдир. Ҳозирги таълим тизимида энг кўп қўлланадиган самарадор ўқитиш технологияси муаммоли ўқитиш саналади. Муаммоли ўқитиш технологияси самарадорлигининг аҳамияти кенг бўлиб, у қатор вазифалар билан белгиланади.

Демак, унинг асосий вазифаси фаол бўлиш, жараёнга ундаш ва тафаккурда тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий фаол шахс тарбияси мақсадлари билан узвий боғликдир. Ушбу жараёнда талабанинг мустақиллиги ўқитишнинг репродуктив шаклларига нисбатан тобора ўсиб боради. Бугунги таълим тизимига кенг қўллашга эҳтиёж ортиб бораётган мазкур технология ва унинг моҳиятини ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини, саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштиришнинг илмий тадқиқот усулларини вужудга келтиради. Муаммоли ўқитишнинг асосида инсон фаолиятининг муайян қонуниятлари, шахс ривожи ётади. Инсоннинг билиш фаолияти жараёни мантиқий зиддиятларини ҳал қилишда объектив қонуниятлари дидактик тамойил – муаммоликка таянади. Ўқитишнинг ҳозирги жараёни таҳлили, муаммоли вазият, кутилмаган ҳайрат ва маҳлиё бўлишдан бошланади, деган хулосалар тўғри эканлигини кўрсатади. Ўқитиш шароитида инсоннинг психик, эмоционал ва ҳиссий ҳолатига фикрлаш ва ақлий изланиш учун ўзига хос туртки вазифасини бажаради. Муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади. Шунингдек, ўрганилган мавзулар хусусиятларидан келиб чиқиб, бундай вазиятларни яратишнинг махсус усулларини ишлаб чиқиш зарур.

Шундай қилиб, ўқитишда муаммоли вазият шунчаки «фикр йўлидаги кутилмаган тўсиқ» билан боғланган ақлий машаққат ҳолати эмас. У билиш мақсадлари махсус тақозо қилган ақлий таранглик ҳолатидир. Бундай вазият негизида аввал ўзлаштирилган билим излари ва янги юзага келган вазифани ҳал қилиш учун аклий ва амалий ҳаракат усуллари ётади. Бунда ҳар қандай машаққат муаммоли вазият билан боғлиқ бўлавермаслигини таъкидлаш ўринли бўлади (янги билимлар аввалги билимлар билан боғланмаса, ақлий машаққат муаммоли бўлмайди). Муаммоли вазият ҳар қандай фикрлаш машаққатларидан фарқ қилиб, унда талаба машаққат талаб қилинган талаб объект(тушунча, факт)нинг аввал ва айни вақтда маълум вазифа, масала бўйича ички яширин алоқаларни англаб етади.

Мутахассисларнинг фикрича, муаммоли ўқитиш талабанинг мустақиллигини, фикрлаш доирасини кенгайтиришга олиб келади. Муаммоли ўқитиш талабаларни фаол билиш жараёнига ундаб, тафаккурни илмий тадқиқотга йўналтиради. Муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади. Муаммоли вазиятнинг моҳияти шуки, у талабага таниш бўлган маълумотлар, билганлари билан янги фактлар, ҳодисалар ўртасида ҳамда муқобил танлов зарурати вужудга келиши натижасида қарор қабул қилишнинг қийинчилиги оқибатида келиб чиқадиган вазиятдир.

Вазиятдан чиқиш сабаблари муаммонинг ечимини топишга ундайди. Шунинг учун ҳам хоҳ маъруза, хоҳ амалий машғулот, семинар бўлсин, ўқитувчининг муаммо қўйиши ёки муаммоли вазият вужудга келтириши катта аҳамиятга эга. Мазкур методнинг ўзига хос жиҳати талабалар олдига муаммолар қўйишдир. Муаммоли маъруза савол, яъни муаммо қўйиш орқали бошланади, маърузачи томонидан изчил ва мантиқий ҳолда ечиб берилади ёки уни ҳал этиш йўллари кўрсатилади. Таълим жараёнида мақсадга эришиш учун муаммоли ўқитишга қатор талаблар қўйилади. Булар:

- муаммоли ўқитиш таълим олувчилар эҳтиёжларини қондириш ва фаоллигини оширишга йўналтирилиши;
- тақдим этилган муаммонинг таълим олувчилар учун аниқ ва тушунарли бўлиши;
- қўйилган муаммонинг муҳимлиги;
- муаммо иложи борича реал ҳаётдан олиниши;
- таълим олувчилар учун муаммо маълум аҳамиятга эга бўлиши;
- таълим олувчиларнинг ҳамкорликда фаол ишлаши;
- муаммога алоқадор ахборотлар;
- муаммони ечиш.

Педагогик технологиялар педагогнинг талабага нисбатан муносабатига қараб бир қанча турларга бўлинади:

1) авторитар технология; бунда педагог асосий субъект сифатида бошқарувчи, текширувчи, талаб қилувчи бўлиб майдонга чиқади, талаба эса тобе сифатида тан олинади;

2) дидактик технология, бунда педагогнинг ўрни маълум, юқори бўлиб, бу технология марказида таълим жараёни туради ва тарбиядан устунлик қилади;

3) шахсга йўналтирилган технология; бунда тизимнинг марказида талаба шахси туради, талабанинг ривожланишида соғлом психологик хусусиятни ташкил қилиш, имконият ва қобилиятларни ўстириш асосий ҳисобланади. Бу йўналиш ҳам ўз навбатида, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) инсоний (шахсий) технология, бу технология ўзининг психотерапевтик хусусияти билан ажралиб туради;

б) ҳамкорлик, бу ўзаро тенглик, демократизмга асосланган технология;

в) эркин тарбия, талабага бунда танлаш, эркинлик, мустақиллик берилади;

г) экзотерик, онгдан ташқари билимларни ўрганишга қаратилган технологиядир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланиши қўлланилмоқда. Замонавий технологик мутахассис бўлиш учун таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан, педагогик компонентларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим. Педагогик технология кўпроқ сифатли натижага эришишга қаратилган, у, асосан, педагогнинг маҳоратига, педагогик классификация турларидан моҳирона фойдалана олишига, илмий-касбий тажрибасига, шахсий хусусият ҳамда инсоний фазилатларига боғлиқдир.

Lutfullayev Shohrux Bobur o‘g‘li,
TDIU magistratura bo‘limi talabasi

OLIY TA’LIMDA IQTISODIY FANLARNI MUAMMOLI O‘QITISH USULI ORQALI TASHKIL ETISH SAMARADORLIGI

So‘nggi yillarda oliy ta’lim sohasida iqtisodiy fanlarni o‘qitish, iqtisodiy ta’lim-tarbiya, o‘zlashtirilgan iqtisodiy bilimlar darajasini yangi pedagogik texnologiyalarga suyangan holda tashkil qilish, baholash, iqtisodiy fanlar bo‘yicha yangi o‘quv dasturlarini yaratish muhim muammolardan biriga aylandi. Shu o‘rinda aytish kerakki, iqtisodiy tarbiya tizimini ishlab chiqishda uzluksizlik, yaxlitlik va bog‘liqlikni ta’minlovchi “Bosqichli ta’lim” konsepsiyasi tavsiya etildi. Konsepsiya negizida maktabgacha ta’lim sohasida o‘zlashtirilgan elementar iqtisodiy ta’lim-tarbiyadan iqtisodiy madaniyatlilik darajasigacha bo‘lgan jarayon edi. Bu jarayon tarbiyalanuvchilarga iqtisodiy tayyorgarlik, iqtisodiy tafakkur, fikrga egalik, iqtisodiy ong va iqtisodiy madaniyatlilik kabi sifatlarni kamolga yetkazishni talab qiladi.

Oliy ta’limda iqtisodiy fanlarni muammoli o‘qitish usuli orqali tashkil etishning ahamiyati katta. Muammoli o‘qitish texnologiyasining asosiy maqsadi bilim oluvchilarning mustaqilligi va faolligini oshirish, tafakkurini rivojlantirish, o‘zlashtirilgan bilimlarning amaliyotga tatbiq etilishini kuchaytirishdan iborat. Muammoli ta’limni qanday nomlashdan qat’i nazar uning asosiy xususiyati – bilim oluvchining aqliy faolligini oshirish, mustaqil ijodiy izlanish, o‘zi uchun yangi bilim, ko‘nikma va malakalarni kashf etishdir. Muammoli o‘qitishning o‘qituvchi shunday tashkil etadiki, bunda talabalar notanish bilimni o‘zlashtirishi uchun nima qilish kerakligi haqida mulohaza yuritadi va o‘ziga bir necha savollar bilan murojaat etadi. Masalan, dastlab u “Muammoni hal etish va u bilan bog‘liq bilimni o‘zlashtirish uchun nima qilishi kerak?”, “Masala yechimining tamoyili qanday?” kabi savollarga javob topishga urinadi. Muammoni hal etish jarayonida talabalar ma’lumotlarni qayta ishlabgina qolmaydi, balki ularni o‘zlashtiradi va o‘zi uchun yangi bilimlarni kashf etadi. Muammoli o‘qitishning asosiy mohiyati va afzalligi shundaki, o‘qituvchi ta’lim usullari (muammoli savollar qo‘yish, farazlarni ilgari surish va ularni tasdiqlash yoki rad etish, talabalarga “yordam so‘rab” murojaat etish va shu kabilar) orqali ularni ijodiy fikrlashga va munozaraga chorlaydi.

Muammoli metodlar muammoli vaziyatlarni vujudga keltirib, talabalarning muammoni hal etish, murakkab savollarga javob topish jarayonida alohida obyekt, hodisa va qonunlarni tahlil qilish koʻnikmalari va bilimlarni faollashtirishga asoslangan faoliyatini taqozo etadi. Muammoli vaziyat muayyan pedagogik vositalarda maqsadga muvofiq tashkil etiladigan oʻziga xos oʻqitish sharoitida yuzaga keladi hamda oʻrganilgan mavzular xususiyatlaridan kelib chiqib, bunday vaziyatlarni yaratishning maxsus usullarini ishlab chiqish zarur. Oʻqitishda muammoli vaziyat shunchaki “fikr yoʻlidagi kutilmagan toʻsiq” bilan bogʻlangan aqliy mashaqqat holati emas, balki u bilish maqsadlari maxsus taqozo qilgan aqliy taranglik holatidir. Bunday vaziyat negizida avval oʻzlashtirilgan bilim izlari va yangi yuzaga kelgan vazifani hal qilish uchun aqliy va amaliy harakat usullari yotadi. Bunda har qanday mashaqqat muammoli vaziyat bilan bogʻliq boʻlmasa, ya’ni yangi bilimlar avvalgi bilimlar bilan bogʻlanmasa, aqliy mashaqqat muammoli boʻlmaydi.

Muammoli vaziyat har qanday fikrlash mashaqqatlaridan farq qilib, unda talaba-talaba mashaqqat talab qilgan tushuncha yoki faktning unga avval va ayni vaqtda ma’lum boʻlgan vazifa, masala boʻyicha ichki, yashirin aloqalarini anglab yetadi. Mavzu doirasida ta’lim texnologiyasini yaratish mavjud sharoit va oʻrnatilgan vaqtda belgilangan ta’limiy maqsad va koʻzlanayotgan natijalarga kafolatli erishishni vositali ta’minlovchi, muloqot, axborot va boshqaruvning eng qulay yoʻl va oʻqitish vositalarining tartibli yigʻindisi ekanligiga e’tibor qaratish demakdir. Ta’lim tizimida pedagogik texnologiyalarning samarali ta’sirini oʻrganish uchun Toshkent davlat iqtisodiyot universitetida “Iqtisodiyot nazariyasi” fanining “Tovar-pul munosabatlari rivojlanishi – bozor iqtisodiyoti shakllanishi va amal qilinishining asosi” mavzusini loyihalashtirdik va amalga oshirdik. Bunda zamonaviy oʻqitish metodlarining ahamiyatini oʻrganish uchun nazorat va tajriba guruhlari ajratib olindi.

Nazorat guruhida 28 nafar talaba, tajriba guruhida esa 30 nafari ishtirok etdi. Nazorat guruhida yillar davomida tashkil etib kelinayotgan an’anaviy dars usuli qoʻllanilgan boʻlsa, tajriba guruhida yangi zamonga xos pedagogik texnologiyalar asosida oʻqitishning produktiv metodlaridan foydalanildi. Dars mashgʻulotlari yuqorida qayd etib oʻtilganidek, kasb ta’limi yoʻnalishi talabalarida aqliy hujum va muammoli vaziyatlar usullari yordamida interfaol oʻqitish shakli bilan amalga oshirildi.

Nazorat guruhida an’anaviy ravishda dars olib borilar ekan, oʻqituvchi tomonidan biz mavzu doirasida “Tovar-pul munosabatlari rivojlanishi – bozor iqtisodiyoti shakllanishi va amal qilinishining asosi” ekanligi haqida monologik ma’ruzani hamda savol-javobga asoslangan amaliy dars mashgʻulotini ifoda etdik. Bunda talabalarning natijaviy oʻzlashtirish holatini kuzatish uchun 10 ta nazorat savollari berildi:

Ijtimoiy xoʻjalik shaкllariga umumiy tavsif bering. Tovar ishlab chiqarish va bozorning vujudga кelishining umumiy shart-sharoitlarini tushuntiring.

Nima uchun tovarga naflilik (iste’mol qiymat) va almashuv qiymatining birligi sifatida qaraladi? Tovardagi bu iккi xil xususiyat nimadan кelib chiqadi?

Keyingi (oxirgi) qoʻshilgan miqdor (tovar va xizmat) nafliligi nima va uning pasayish sababini tushuntiring.

Tovarlarning qiymatini aniqlashga bo‘lgan quyidagi fikrlarga o‘zingizning munosabatingizni bildiring:

a) ijtimoiy zaruriy mehnat sarflari bilan belgilanadi;

b) keyingi qo‘shilgan tovarlarning nafliligi bilan aniqlanadi;

d) keyingi qo‘shilgan tovarlarning nafliligi va ishlab chiqarish xarajatlari bilan aniqlanadi.

Pulning mazmunini va vujudga kelishining umumiy shart-sharoitlarini tushuntirib bering.

Oltin pul va qog‘oz pul o‘rtasidagi umumiylik va farqlarini ko‘rsatib bering: qog‘oz va kredit pullarining qadr-qiymati va barqarorligi nima bilan belgilanadi?

Mazkur javoblar quyidagicha baholandi:

1-jadval

Talabalarni baholash mezonlari

№ F.I.SH.	Axborotning to‘liqligi *1,5 – 2 ball «a’lo»*	Axborotning to‘liq emasligi *1,0 – 1,4 ball «yaxshi»*	Axborotning o‘rtacha ekanligi *0,5 – 0,9 ball «qoniqarli»*	Axborotning yo‘qligi *0 – 0,4 ball «qoniqarsiz»*
1.				
n….				

Javoblarga ko‘ra: talabalarning *14 %i* “a’lo”, *25 %i* “yaxshi”, *39 %i* “qoniqarli” *va 14 %i* “qoniqarsiz” tarzda o‘zlashtirildi. Bundan ko‘rinib turibdiki, an’anaviy tarzda dars tashkil etilishida o‘zlashtirish holatining katta ko‘rsatkichi *39 %*da qoniqarli bo‘lgan.

2-jadval

An’anaviy tarzda olib borilgan mashg‘ulotning talabalar tomonidan o‘zlashtirish darajasi

T/r	***O‘zlashtirish darajalari***	***Nazorat guruhi (n=28)***	
		Soni	***foizi***
1.	85,1 % - 100 % → ***«A’lo»***	*4*	*14 %*
2.	70,1 % - 85 % → ***«Yaxshi»***	*7*	*25 %*
3.	55,1 % - 70 % → ***«Qoniqarli»***	*11*	*39 %*
4.	0 % - 55 % → ***«Qoniqarsiz»***	*4*	*14 %*

Tajriba guruhida mavzu doirasidagi dars mashg‘ulotlarimiz esa yangi muammoli ta’lim texnologiyalaridan hisoblangan “Aqliy hujum”, “Nima uchun?”, “Qanday?”, “Muammoli vaziyatlar” usullari qo‘llanildi. Tajriba guruhida 30 nafar talaba mashg‘ulotda “Aqliy hujum”, “Muammoli vaziyatlar” yordamida mavzuni o‘rganib bordilar. Ya’ni aqliy hujum uslubi orqali iqtisodiy sohalarda natural ishlab chiqarishdan tovar ishlab chiqarishga o‘tishning asosiy sabablari, marjinalistik tovar qiymatining asosini nima tashkil qiladi, oltin va qog‘oz pullarning qanday xususiyati

bor kabi savollarga javob berishni taklif etdik. Barcha talabalar birin-ketin javoblarni bera boshladilar.

Hamma berilgan tushunchalar doskada o‘z aksini topdi. Eng asosiy joylarga urg‘u berildi. Bunda doskada keltirilgan tayanch so‘zlar va tushunchalarga qaytib alohida e’tibor berildi. Mashg‘ulotda mavzu bo‘yicha bilimlar chuqurlashtirishga ham qaratilgan bo‘lib, guruhlarda ishlash kommunikatsion ko‘nikmalarini rivojlantirish, o‘z fikrini bayon eta olishga chorladi. Xususan, talabalar 4 guruhga bo‘lindi. O‘quv vazifalari tarqatildi. Qanday natijalarga erishish mumkinligiga aniqlik kiritildi. Guruhlardagi ish tashkil qilindi. Bunda ishlayotgan guruhlar nazorat qilindi. Talabalar ishlari sharhlab borildi, ularga muvaffaqiyatlarining darajasini baholovchi aniq axborotlar berildi. Aniq tanqidiy mulohazalar berildi. Bahs-munozara yakunida taqdimotlarning boshlanishi e’lon qilinib, guruhlarda qilingan ishlar haqida hisobot beruvchi talabalar belgilandi. Guruhlar ishlarining natijalari tahlil qilinar ekan, ushbu holat quyidagi baholash mezonlari yordamida amalga oshirildi.

3-jadval

Guruhlarni baholash mezonlari

Guruh t/r	*Faolligi uchun (0,3)*	*Namoyonlik materiallari uchun (0,7)*	*Javoblarining aniqligi, mazmuni, ravonligi uchun (1,0 balldan)*	*Baholash mezoni 1,5-2=«5» 1-1,5=«4» 0,5-1=«3» 0,5 ball=«2»*	*Ballarning jami (2,0)*
1.					
2.					
3.					
4.					

“Aqliy hujum”, “Nima uchun?”, “Qanday?” kabi zamonaviy pedagogik usullar yordamida tashkil etilgan mashg‘ulotlardan talabalarning barcha fikrlari o‘zlashtirilgan darajasi nazorat savollari orqali yana bir bor tekshirib ko‘rildi. Mazkur jarayonda talabalarning 30 %i “a’lo”, 50 %i “yaxshi”, 20 %i “qoniqarli” tarzda o‘zlashtirildi. Bundan ko‘rinib turibdiki, mavzuni o‘zlashtirish uchun muammoli ta’lim texnologiyalariga oid usullardan samarali foydalanilgan tarzda dars tashkil etilishida o‘zlashtirish holati an’anaviy darsga nisbatan samarali bo‘ldi (1-diagramma).

1-diagramma

Tajriba va nazorat guruhida olib borilgan mashg‘ulotlarning talabalar tomonidan o‘zlashtirish diagrammasi



O‘zlashtirish jarayonida muammoli ta’lim usullari bilan mashg‘ulot olib borilganda “A’lo” va “Yaxshi” bahoga o‘zlashtirish 2 baravarga o‘sgan. “Qoniqarli” baholanish esa pastga tushgan. Demak, mavzuni muammoli o‘qitish usullari yordamida ayniqsa “Aqliy hujum”, “Nima uchun?”, “Qanday?”, “Muammoli vaziyat” usullaridan foydalangan holda olib borilishi talabalarda iqtisodiy tushunchalarni, bilimlarni o‘zlashtirish jarayoni oshadi, mustaqil fikr-mulohazalar shakllanadi va rivojlanadi.

Demak, “Iqtisodiyot nazariyasi” fanini samarali tashkil etishda “Tovar-pul munosabatlari rivojlanishi – bozor iqtisodiyoti shakllanishi va amal qilinishining asosi” mavzusini muammoli ta’lim metodlaridan bo‘lgan “Aqliy hujum”, “Nima uchun?”, “Qanday?”, “Muammoli vaziyat”lardan foydalanish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Iqtisodiy ta’lim maqsadidan kelib chiqib, talabalarda iqtisodiy dunyoqarashni to‘g‘ri shakllantirish zarurati yuzaga kelar ekan, buning uchun ushbu vazifalarni bajarishni tavsiya etamiz:

1. Talabalarda mamlakatimizni iqtisodiy rivojlantirish borasida korxonalarning o‘rni, ularning turlari, o‘ziga xos jihatlari, ulardagi muhim iqtisodiy ko‘rsatkichlar va jarayonlar dinamikasidagi asosiy tendensiyalar to‘g‘risida keng bilimlarni muammoli ta’lim texnologiyalari va vositalari asosida hosil qilish maqsadga muvofiq.

2. Talabalarda mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishidagi mavjud muammolar to‘g‘risida tasavvur hosil qilish va ularni hal etish yo‘llari borasida hamkorlikda o‘qitish shakli bilan mustaqil va tahliliy fikrlashga o‘rgatish zarur.

Zaripov Elbek Egamberdiyevich, *3-kurs talabasi*
Muhandislik qurilish infrastrukturasi fakulteti, TAQI
Ilmiy rahbar - t.f.n., professor ***Sattorov Zafar Murodovich***

TALABALARDA MUSTAQIL FIKRLASHNI RIVOJLANTIRUVCHI ASOSIY OMILLAR

Hozirgi kunda davlatimiz kelajakni yoshlarga va ayniqsa, ertangi kunning asosiy poydevori bo‘lmish talaba yoshlarga qo‘yayotgan asosiy talablaridan biri zamonaviy bilimni mukammal egallashdir.

Oliy o‘quv yurtlarida ta’lim jarayonini tashkil etishda talabalarning mustaqil fikrlashi, tafakkurini rivojlantirish muhim talablardan biridir. Bunda pedagog ta’limning yangi uslublarini qo‘llashi o‘zlashtirishning samaradorligini ta’minlaydi.

Ma’lumki, inson oldida muammo vujudga kelmas ekan, u holda tafakkur protsessi hosil bo‘lishi mumkin emas. Inson esa o‘z oldiga har doim har xil ehtiyojlari, manfaatlari, hayotiy maqsadlari bilan bog‘liq bo‘lgan muammolarni hal qilishga intiladi. Bu esa uni aql-zakovatisiz, uning ongli munosabatlarisiz tasavvur etish qiyin. Ko‘rinib turibdiki, insonning tafakkuri bu buyuk bir in’om. U o‘z tafakkurining kuchi bilan amalda juda ko‘p yangiliklarni jamiyatga, insoniyatga bergan.

“Kuch – bilim va tafakkurda” ekan, uning yordamida inson xayolidagi yetib bo‘lmas deb o‘ylagan juda ko‘p yutuqlarni yaratib, o‘zining hayotini boyitib bormoqda. Bu yo‘lda tinim bilmay izlanmoqda.

Hozirgi kunda dars mashg‘ulotlari zamonga xos holda olib borilishi, talabalarga bilim berish davrida ta’lim taraqqiyotining eng so‘nggi yutuqlarini qo‘llagan holda olib borilishi, yoshlarga berilayotgan bilimlarni chuqur o‘zlashtirishlariga, shuningdek, ularning dunyoqarashini kengaytirishga, tafakkurini chuqurlashtirishga va olayotgan bilimlarini yanada mustahkam hamda mukammal bo‘lishiga sababchi bo‘ladi.

Ta’lim jarayonidan asosiy maqsad ta’lim oluvchida yetarli darajada bilim, malaka va ko‘nikmalar hosil qilish hisoblanadi. Shu bilan birga, shaxsda erkin va mustaqil tarzda o‘z fikrini bayon eta olish ko‘nikmalarini shakllantirish muhimdir.

Talabalarga bilim berishning asosiy omillaridan biri o‘qituvchining pedagogik mahorati, talabalarga psixologik ta’sir eta olishi, dars o‘tish uslubi hamda mashg‘ulotlarda qatnashayotgan, turli muhitda shakllangan yoshlarni bir yo‘nalishga qarata olish, ya’ni mashg‘ulot mavzusiga jalb qila olish jarayoniga bog‘liqdir.

O‘qituvchi talabalarga taqdim etgan mavzu yuzasidan talabalar to‘plangan ma’lumotlarni ko‘rib chiqishi, ular yuzasidan o‘z fikrini aytishi va ushbu ma’lumotlarni to‘g‘ri yoki noto‘g‘ri ekanligini isbotlovchi, talabalar diqqatini jalb etuvchi, ularni izlanishga undovchi aniq dalillar ro‘yxatini berish kerak.

Dars o‘tish uslubini keyingi vaqtlarda avj olayotgan va keng tatbiq etilayotgan usuli bu noan’anaviy usul hisoblanadi. Noan’anaviy dars o‘tish uslubidan biri talabalar orasida qizg‘in munozara va bahs uyushtirishga asoslangan bo‘lib, bu har bir talabani o‘z mustaqil fikrini bayon etishga sharoit yaratadi, bu esa o‘qituvchiga talabaning bilim saviyasi, dunyoqarashi, intilishlari, izlanishlari hamda jamoa orasida fikrini bayon qila olish qobiliyatini, ya’ni notiqlik san’atini baholashga keng imkon beradi. Dars o‘tish davomida zamonaviy texnika vositalaridan foydalanish, talabalar olishi kerak bo‘lgan ma’lumotlarni videoproyektr, kompyuter, slaydlar va mavzuga oid plakatlar orqali yetkazish bilimni mustahkamlashga yordam beradi.

Oliy o‘quv yurti talabalarining mustaqil ish bajara olishiga qiziqishini oshirish va ko‘nikmalarini rivojlantirish quyidagi bosqichlarda amalga oshirilsa, maqsadga muvofiqdir:

- birinchi bosqich: talabalarning bo‘lajak faoliyatlari tahlili. Ularning o‘quv muassasasini tugatganlaridan keyin ilmiy izlanishlar olib borishlari yoki kasbiy faoliyatlarining tahlili;
- ikkinchi bosqich: shu tahlildan kelib chiqib, mustaqil ish bajarish texnologiyasini ishlab chiqib, unga ta’limning har bir bosqichida, mashg‘ulot

davomida o‘quv fanlarining mazmunini belgilash. Ta’limning diagnostik asosda maqsadini jamiyat manfaatlari nuqtayi nazaridan belgilash;

- uchinchi bosqich: belgilab olingan ta’lim mazmuni asosida talabalarning mashg‘ulot davomida va mashg‘ulotdan tashqari vaqtlarda o‘quv yuklamasi, kerakli vaqt rejasini aniqlash lozim;
- to‘rtinchi bosqich: didaktik jarayonini amalga oshirish uchun mustaqil ta’limning tashkiliy, optimal shakllarini tanlash va shunga muvofiq o‘qitish vositalarini aniqlash zarur:
- beshinchi bosqich: didaktik maqsadni amalga oshirish uchun talabalarning qiziqishlarini yanada rivojlantirishni hisobga olgan holda mavzular, aniq darslar bo‘yicha uslubiy ishlanmalar, kompyuterda dasturli animatsiyalar ishlab chiqish kerak;
- oltinchi bosqich: ta’lim maqsadi asosida mustaqil ish bajarishda samaradorlikni oshirish tizimini ishlab chiqish va uni ta’lim jarayoniga joriy qilish;
- yettinchi bosqich: talabalarning belgilangan o‘quv materiallarini o‘zlashtirishlarini, mustaqil ish bajarish ko‘nikmalarini shakllantirishlarini, kompyuter savodxonliklarini, bilim saviyalarini nazorat qilish va o‘zgartirishlar kiritish;
- sakkizinchi bosqich: mustaqil ta’lim mazmuni va tarkibini ishlab chiqish, shu asosda dars va uy vazifalarini, mustaqil ishlarni optimal rejalashtirish;
- to‘qqizinchi bosqich: yuqoridagilardan kelib chiqib, loyihalashtirilgan mustaqil ta’lim jarayonini sinovdan o‘tkazish.

Bu bosqichlar mustaqil ta’lim olish texnologiyasini ishlab chiqishning ketma-ketligi bo‘lib, mustaqil tafakkurni, ijodiy fikrlashni shakllantirish jarayoni mustaqil ta’limning asosiy qismi hisoblanadi.

Bu tarzda ish olib borish talabalarda: shaxsiy, kasbiy, individual xususiyatlarni namoyon qilish; bilim, ko‘nikma, malakalarni shakllantirish; ularning maxsus fanlarga oid bilimlarini rejalashtirish, tartibga solish va nazorat qilish uchun ongli ravishda foydalana bilish; ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga asos bo‘ladi.

O‘sib kelayotgan yosh avlod fikrlay olsagina, ular kelajakda o‘z oldilarida turgan vazifalarni, qolaversa, Vatan oldida turgan fuqarolik burchlarini to‘la va to‘g‘ri amalga oshira oladilar, bu esa pedagoglar oldiga qo‘yiladigan vazifalardan biridir.

Talaba bilim olar ekan, olgan bilimlarini amaliyotga tatbiq etishni ham o‘rganishi lozim. Shunday ekan, talabalarni amaliyotga jo‘natishdan oldin ularning qiziqishlarini bilish katta ahamiyatga ega. Amaliyotdan orttirgan tajribalarini, ko‘rgan-bilganlarini umumlashtirib tahlil qiladi va kelajakda, amaliy hayotida to‘qnash kelishi mumkin bo‘lgan muammolar yuzasidan ma’lumotlar yig‘a boshlaydi. Bu esa zamon talablarini o‘zida aks etgan shaxslarning shakllanishiga asos bo‘ladi.

Турдиева Моҳира Жўрақуловна,
мустақил изланувчи, Бухоро МТИ

ТЕХНИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ЎҚУВ РЕЖА, ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ

Жамиятимиздаги ҳозирги муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ўзгаришлар малакали мутахассислар меҳнати мазмуни ва характерига сифат жиҳатдан мутлақо янги талаблар қўймоқда. Бу ҳолат малакали мутахассисларни тайёрлаш муаммосига мажмуавий ёндашувни тақозо этмоқда. Малакали мутахассисларни тайёрлашга мажмуавий ёндашув эса ўз ўрнида олий таълим муассасаси олдига ўқув-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш ва етук мутахассис тайёрлаш мазмунини ривожлантириш, такомиллаштириш ва интеграциялаш талабини қўймоқда.

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан сўнг таълим мазмуни сезиларли даражада янгиланди, деб айтиш мумкин. Давлат таълим стандарти талаблари асосида янги ўқув қўлланма ва дарсликлар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқилмоқда. Бироқ кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқув режасида ўқув предметларининг сони ортиб кетган. Ўқув фанлари миқдорини кўпайтириш билан талабалар билимини оширишга ҳаракат қилиняпти. Лекин бу ҳаракатлар ўзини оқлаяпти, деб айтолмаймиз. Чунки:

1) ўқув фанлари кўпайган сари талабаларга бериладиган билимлар майдалашиб, кўпайиб бормоқда;

2) ўқув қўлланма ва дарсликларда такрор берилаётган материаллар миқдори ортмоқда;

3) талабанинг ижтимоий тажрибасига кирмай қолган билим ва тушунчалар кўпаймоқда;

4) ДТСлари билан ўқув режа, ўқув дастурлари орасидаги номувофиқлиқ вужудга келмоқда.

Таълим жараёнида муайян ўқув фанларга оид билимлар билан бир қаторда халқнинг ижтимоий тажрибаси, тил бойлиги, миллий, маънавий, маданий қадриятлари, ахлоқий меъёрлар билим ва тушунчалар шаклида ўргатиб борилиши зарур [1]. Амалдаги таълим жараёнини таҳлил қилиш натижаларига кўра, ихтисослик фанларининг мазмунида талабаларнинг ижтимоий тажрибасига кирмай қолган билим ва тушунчалар мавжуд. Бунинг асосий сабаби ўқув фанининг мазмуни ўта мураккаб ёки ҳаддан ташқари содда эканлигидадир. Агар ўқув материали ўта мураккаб бўлса, талаба уни тўлиқ ўзлаштиришга қийналади. Агар содда ва такрорланса, бундай ўқув материалини ўзлаштиришга қизиқмайди, талабада ўқув предметидан зерикиш юзага келади [2].

Ҳозирги вақтга келиб, жаҳондаги мамлакатларнинг 70 фоизи таълим тизимида интегратив характердаги ўқув дастурлари ва дарсликлардан фойдаланмоқда. Ҳар бир мамлакат айнан шу давлатнинг таълим тизимига

қўйилган буюртманинг табиатидан келиб чиқиб, интеграциянинг турли даражаларини ишлаб чиққан ва таълим тизимида жорий этган. Масалан, Буюк Британия таълим тизимида, асосан, интегратив фанлар жорий қилинган бўлса, Корея ва Швейцарияда интеграциялашган фанлар ёки алоҳида ўқув предметлари, Австралияда интеграциялаштирилган фанлар, Япония, Ирландия, Гонг-Конг ва Германияда ҳам алоҳида фанлар, Венгрияда маданият йўналишидаги ўқув предметлари, инсон ва табиат интегратив фанлари, Нидерландияда алоҳида ўқув предметлари, Ирландияда фан ва техника каби блокларда барча ўқув фанлари интеграциялаштирилган ҳолда ўқитилади [3].

Мамлакатимизда бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Таълим жараёнини интегратив дастурлар ва дарсликлар асосида ташкил этиш назарда тутилар экан, бунда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

1. Мавзуларни кетма-кет тақдим этиш асосида интеграция, бунда ўқув материалларини баён қилишда концентризм принципига амал қилинади. Яъни олдинги ўқув материали кейингисини тўлдиради. Лекин ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди. Бундай интегратив ёндашув натижасида талабанинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда ижодий фаолиятлари мунтазам равишда ривожланиб, бойиб боради.

2. Ўқув дастурларида ўзаро уйғунлашган нуқталарни вужудга келтиришга асосланган интеграция; бунда ҳам такрор тарзда бериладиган тафталогия асосидаги ўқув материалларининг олдини олиш учун дастурларда мавзулараро уйғунликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг афзаллиги шундаки, талабанинг вақти ва кучи тежалади, дарсликларнинг ҳажми ихчамлашади ва таннархи арзонлашади [3].

3. Модуллашган интеграция: бундай интеграция доирасида турдош ўқув фанларига оид билим ва тушунчалар бир тизимга солинган ҳолда, узвий тарзда талабаларга тақдим этилади.

4. Интегратив дастурлар: ушбу типдаги дастурлар бир неча ўқув предмети ёки ўқув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштирилган ҳолда тақдим этишни назарда тутади. Бугунги кунда ўқув режасида ўқув предметларининг сони максимум кўпайиб кетганлигини инобатга олсак, бундай типдаги дастурларни яратишга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

5. Мавзулараро интеграция: бунда айни бир курс доирасида бериладиган ўқув материаллари бошқа бир курс доирасидаги моҳиятан яқин бўлган ўқув материаллари билан интеграциялаштирилади.

Интеграциялашган ўқув дастурларида ДТС асосида талабанинг билими ҳамда тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимум талаблар ўз ифодасини топиши лозим. Амалга оширилиши назарда тутилаётган интеграция даражаси айни бир ўқув фани мазмунида чуқур, ҳар томонлама алоқадан бошлаб, ўқув фанлариаро боғланиш, уйғунлаштириш даражасида таъминланиши керак.

Таълимни интеграциялаш ҳам иқтисодий, ҳам педагогик, гигиеник ва физиологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга [3]. Шунингдек, бунда талабанинг

вақти, кучи ва пули тежалади, ортиқча руҳий зўриқишларнинг олди олинади. Таълим жараёнининг самарадорлик даражаси ортади.

Бунда, биринчи навбатда, ўқув материалларини мазмун жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай мақсадга эришиш учун таълим мазмунида ўқув фанларини интеграциялашнинг илмий ва педагогик асосларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнини либераллаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режасини такомиллаштириш; интегратив мазмундаги ўқув дастурлари ва дарсликларнинг янги авлодини яратиш, таълим мазмуни интеграциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ саналади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, интеграциянинг у ёки бу даражасини таълим жараёнида жорий этиш натижасида талабанинг вақти ва кучи тежалади; унинг билиш имкониятлари кенгаяди; мавзулараро интеграция асосида ўқув-билиш жараёни натижаларини истиқболлаш механизмлари яратилади; интеграциялаштирилган таълим жараёнини бошқарадиган ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини оширишни йўлга қўйиш учун ҳуқуқий методик имкониятлар яратилади; интегратив дастурлар асосида ўқув-билиш жараёнининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлик даражаси аниқланади; ўқув-билиш жараёнини интеграл дастурлар асосида ташкил этиш соҳасидаги халқаро тажрибалардан кенг фойдаланиш учун қулай имкониятлар туғилади.

Каюмова Мехрибону Шералиевна, *докторант,*
ТДИУ

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ҳозирги замон илмий-техника инқилобининг асосий жиҳатларидан бири таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви ҳисобланади. Бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланадиган бу тизим барча даражадаги юксак малакали мутахассисларни етиштириб чиқаради. Улар эса ўз навбатида, янги илмий-техника ютуқларини таъминлайдиган рақобатбардош фанни ва ишлаб чиқаришни ривожлантиради.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси мамлакат тараққиётига хизмат қилади. Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда халқимизнинг жаҳон тамаддунига улкан ҳисса бўлиб қўшилган бой маънавий мероси ва салоҳиятига, ривожланиб бораётган техника ва технологияларга ҳамда илм-фан ютуқларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган, дунёда ноёб ҳисобланган, бугун ўзининг юксак самарасини бераётган миллий дастур ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Интеграциялашган турли хилдаги ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари иқтисодиёт ва жамиятнинг барқарор тараққиёти пайтидагина эмас, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтиш даврида жамият, иқтисодиёт ҳамда таълим тизимини қайта ислоҳ қилиш жараёнида бу ишга тегишли кадрларни тайёрлаш учун ҳам ниҳоятда зарурдир.

Ўзбекистон шароитида бундай лойиҳаларни амалга ошириш тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда моддий-молиявий харажатларни тайёрлашдан ташқари таълим-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этадиган омилларни психологик жиҳатдан қайта тайёрлашни, мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигига эришиш – таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни таъминлашга имкон берадиган буткул янги даражада интеграциялашувини кенг ривожлантиришни тақозо этади.

Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашувининг буткул янги даражаси қуйидагиларга асосланиши лозим:

- саноат, иқтисодиёт, таълим, фан, ишлаб чиқариш ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳамда халқаро ҳамкорликка;

- малакали, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишдаги таълим жараёнига академия ва соҳа илмий тадқиқот институтлари, корхона ва ташкилотларни манфаатдор шерик сифатида кенг жалб этиш;

- талабаларни таълим, илмий тадқиқот, илмий-ишлаб чиқариш ва инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтириш.

Касбий таълим интеграцияси – рақобатбардошли олий профессионал маълумот (бакалаврлар, дипломли мутахассис ва магистрлар) берадиган нуфузли университетлар, таълим-илмий, таълим-илмий-ишлаб чиқариш ва таълим-ишлаб чиқариш бирлашмалари, шунингдек, малакали кадрларни тайёрлаш учун касбий-ишлаб чиқариш (“Бошланғич олий мактаб” тоифасидаги таълим муассасалари) – ишлаб чиқариш бирлашмаларини барпо этиш.

Мазкур таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси қуйидагилар асосида шакллантирилади:

– олий таълим муассасаларининг (айниқса, минтақавий олий таълим муассасаларининг) педагогик, илмий ва моддий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

– академия ва соҳа илм-фанининг таълим муассасасидаги таълим жараёни билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

–ўқитувчилар, тадқиқотчилар, стажёрлар, магистрлар ва талабалардан ҳамкорликда фойдаланиш учун фундаментал тадқиқотларнинг тажриба-синов ва жиҳоз базасини ривожлантириш;

– таълим жараёнида фундаментал илмий тадқиқотлардан фойдаланиш учун ахборот-ресурс базасини барпо этиш;

– касбий таълимнинг барча даражасида узоқ муддатли интеграциялашган амалий тадқиқот ишларини ўтказишни йўлга қўйиш имконини беради.

Бугунги кунда таълимнинг халқаро интеграциялашуви қуйидагилардан иборат:

– саноат ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда бозор ва халқаро муносабатлар, юксак ва илм-фан билан боғлиқ технологиялар, касбий йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича (университетлар, касб-ҳунар коллежлари, кадрларни қайта тайёрлаш ва

уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказлари ва ҳ.к.) қўшма таълим муассасаларини барпо этиш;

– “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали иқтидорли ёшларнинг, жумладан, тадқиқотчилар, ёш олимлар, магистрларнинг саноат ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий таълим марказларида таълим олишини йўлга қўйиш;

– мамлакатимиз олий таълим муассасаларини АҚШ, Европа ва Осиёнинг энг нуфузли олий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан бевосита алоқаларини ривожлантириш;

– мамлакатимиз олий таълим муассасаларини халқаро таълим ва илмий дастурларига бирлаштириш йўли билан амалга ошириш зарур.

Таълимда муваффақиятга эришишдан асосий мақсад малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш таълимнинг барча турларини – давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими миллий моделини ва унинг фаолият кўрсатиш механизмларини қамраб олади. Таълимда узвийлик деганда, бир таълим тури фанлари дастурининг кейинги таълим турига ўтганда, мутаносиб равишда ўзгартириб, соддадан мураккабга қараб тўлдириб борилиши тушунилади.

Қайси фанларни таълим турларининг қайси босқичида ўқитилиши ҳам муҳим ва уларни тартибга солиш натижасида узвийлик яратилади. Узвийлик таълим сифатига тўғридан-тўғри қайтарилиши ҳам, мантиқий узилишлар бўлиши ҳам таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади. Фанлар ўртасидаги ва таълимдаги узвийлик, айниқса, алоҳида аҳамият касб этади.

Демак, таълим тизимини ривожлантириш фан билан таълим жараёнининг ўзаро алоқаларини, ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантиришга асосланади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати Давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида ижтимоий-гуманитар ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогика ва илмий тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади;

- ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимларни ишлаб чиқишда иқтисодиёт корхоналари ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланилади, мутахассис кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда амалга ошириб борилади.

Шундай қилиб, юртимизнинг эртанги ривожи йўлида тузилган дастурлар, бу режаларни бажариш учун яратилган моддий асос ва имкониятлар, сафарбар этилган сармояларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган

қудратли омил юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук малакали мутахассис ёшлардир. Бугунги кунда олий таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базадан самарали фойдаланишни таъминлаш, таълим тизимидаги йўналишлар ва мутахассислар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш давр талабидир.

Шарипова Наргизахон Абдуқаххоровна, *ўқитувчи,*
Қўқон давлат педагогика институти академик лицейи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕДАГОГИК ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИГА НАЗАР

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бугунги босқичида таълим тизимининг барча соҳаларига катта талаблар қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни таъкидлайди: “Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу педагог ва ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳит яратиш зарур”[80].

Ўтмишда ўқитувчилар қандай тайёргарликлардан ўтган? Қайси ўқув юртларида ва қай тарзда таълим олган? Замонлар ва сиёсий жараён ўзгариши ўқитувчиларга қандай таъсир кўрсатган? Қуйида шу саволларга адабиёт, даврий нашр ва архив манбалари ёрдамида жавоб олишга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон таълим тизимида ўқитувчи мутахассислар тайёрлаш учун педагогика билим юртлари, педагогика институтлари, ўқитувчилар институтлари фаолият олиб борган. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида таълим олишнинг кундузги, сиртқи, кечки усуллари яратилган.

Ўзбекистон олий таълими ривожланиши Тошкент шаҳрида 1920 йили Туркистон давлат университетининг очилиши билан боғлиқ. Кейинчалик 1927 йилда Самарқанд давлат педагогика институти очилди. 1933 йилда эса Ўзбек педагогика академияси базасида Самарқанд давлат университети очилди.

Республикада биринчи ўқитувчилар институти 1934 йилда Фарғона шаҳридаги педагогика институти қошида очилди. 1943 йилгача ўқитувчилар институтлари республиканинг йирик шаҳарларида – Тошкент, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Андижон, Урганч, Нукус, Наманган, Қўқон, Марғилон ва Қарши шаҳарларида фаолият олиб борарди[81].

[80] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 45-б.
[81] Кадыров И. Народное образование в Узбекской ССР за 30 лет. – Т., 1954. С. 94.

Ўқитувчилар тайёрлаш институтларида ўқиш муддати 2 йил бўлиб, асосан икки ёки учта факультетдан иборат эди. Педагогика институтлари ва билим юртлари кўпайгандан кейин ўқитувчилар институтига қабул тўхтатилди. Мавжудлари педагогика институтларига қўшиб юборилди[82].

Тошкент, Бухоро, Фарғона шаҳарларида педагогика институтлари урушдан олдин ўз фаолиятини бошлаган бўлса, уруш йилларида худди шундай педагогика институтлари Урганч ва Нукусда ҳам очилди[83]. Уруш ва урушдан кейинги йилларда ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёж янада ортди. Чунки ўқитувчи кадрларнинг аксарияти урушга кетди, уларнинг кўпчилиги қайтмади. 1943 йилда хотин-қизларни, айниқса, ўзбек аёлларини ўқитувчилик касбига жалб қилиш учун педагогика ва ўқитувчилар институти бирлаштирилиб, Қўқон шаҳрида республикада ягона хотин-қизлар институти ташкил этилди[84].

1945 йилга келиб, мактабларда олий маълумотли ўқитувчилар етишмас, ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж ҳам юқори эди. 1945-1946 ўқув йилларида Республика Маориф Министрлиги тизимида 1967 кишилик контенгенти билан 2 та университет, умумий контенгенти 2008 талаба бўлган 5 та кундузги ва 3 та кечки таълим берадиган педагогика институтлари, 2135 талабани қамраб олган 10 та кундузги ва 3 та кечки таълимдаги ўқитувчилар институтлари фаолият олиб борган.

Борган сари педагогика институтлари кенгайиб, факультетлар сони кўпайиб бора бошлади.

1948 йилда Тошкент педагогика институти таркибидан алоҳида чет тиллари институти ташкил топди. Бухоро педагогика институтининг Қарши филиалида ҳам 1949 йилда Чет тиллари ўқитувчилар институти ташкил қилинди. СССР Министрлар Кенгашининг 1961 йил 27 май, Ўзбекистон Коммунистик партияси ва Республика Министрлар Комитетининг 1961 йил 8 июлдаги “Чет тилларни ўрганишни яхшилаш тўғрисида” қарорига асосан Ўзбекистон ССР Маориф Министрлиги республика мактабларида чет тилларни ўқитишни яхшилашга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширди[85].

1950 йилга келиб, республикада педагогика йўналиши бўйича қуйидаги олий ўқув юртлари фаолият юритарди: Тошкент, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Қорақалпоғистон педагогика институтлари; 11 та ўқитувчилар институтлари – Тошкент, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Андижон, Урганч, Нукус, Наманган, Қўқон, Марғилон, Қарши; 3 та кечки педагогика институтлари – Тошкент, Самарқанд, Бухорода – жами 20 та олий ўқув юртлари бор эди[86].

1-жадвал[87]

[82] ФВДА ф. 1125, р. 5, й. 101, в. 11 “Постановление коллеги Министерство Просвещения УзССР”.
[83] Кадыров И. Народное образование в Узбекской ССР за 30 лет. – Т., 1954. С. 7.
[84] Қодиров И.К. Народное образование в Узбекской ССР за 30 лет. – Т., 1954. С. 81.
[85] Мўминов И. Ўзбекистон ССР тарихи 4-том. – Т., 1971. – 429 б.
[86] Рахманов Н. Развитие педагогического образования в Узбекистане. – Т.: Узбекистан, 1976. С. 39.
[87] ФВДА, ф. 1125, р. 5, й. 24, в. 25. “Постановление Совета Министров Узбекской ССР”.

Республика педагоглар тайёрловчи ўқув юртларининг 1951-1952 ўқув йили учун қабул режаси

Вилоятлар	Педагогика билим юртлари		Ўқитувчилар институти		Педагогика институтлари		Сиртқи ўқиш		Кечки пед институтлари		Жами	
	Жами	Қабул	Жами	Қабул	Жами	Қабул	Жами	Қабул	Жами	Қабул	Жами	Қабул
Андижон	615	125	733	100	-	-	1348	225	-	-	1348	225
Бухоро	466	100	926	200	524	50	1016	350	15	-	1934	350
Қашқадарё	914	125	-	-	-	-	914	125	-	-	914	125
Наманган	622	125	500	100	-	-	1132	225	-	-	1132	225
Самарқанд	1407	375	849	100	-	-	2256	375	572	100	2828	475
Сурхондарё	486	125	-	-	-	-	486	125	-	-	486	125
Тошкент	942	175	-	-	-	-	942	175	-	-	942	175
Тошкент ш	-	-	1228	200	1719	250	3047	450	1422	200	4469	656
Фарғона	894	150	760	150	781	100	2535	400	-	-	2535	400
Хоразм	308	75	695	100	-	-	1003	175	-	-	1003	175
ҚАССР	357	125	383	50	152	50	892	225	-	-	802	225
Жами	7021	1400	6171	1000	3276	450	16471	2850	2009	300	18180	3159

1954-1955 ўқув йилида эса 10 та педагогика институти, 4 та ўқитувчилар институти, 2 та кечки институтлари фаолият юритган. 1956-1957 ўқув йилида республикадаги бир қатор педагогика билим юртлари тугатилиб, уларнинг ўрнига педагогика институтларида “Бошланғич таълим” факультетлари очилди[88].

2-жадвал[89]

Ўзбекистон Республикаси Маориф Министрлигининг ўқитувчилар тайёрлаш бўйича 1955-1960 ўқув йилларига мўжалланган режаси

Ўқув юртлари	Қабул режаси						Битирувчилар					
	1955	1956	1957	1958	1959	1960	1955	1956	1957	1958	1959	1960
Жами	5484	4120	4100	4200	4200	4100	4020	4710	5380	5670	4765	3470
Пед.билим юрти	1774	1320	1200	1200	1200	1200	1952	2120	2580	1940	1540	1140
Ўқитувчилар институти	367	350	0	0	0	0	866	740	360	330	-	-
Пединститутлар	3363	2450	2900	3000	3000	2900	1202	1850	2440	3400	3225	2330

КПСС Марказий Комитетининг 1963 йил 9 майдаги “Олий ва Ўрта махсус таълимни ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлашни яхшилаш”[90] ҳақидаги қарорига асосан умумтаълим мактаблари учун ўқитувчилар етиштириб беришни тезлаштириш ва педагогика институтларида ўқитиш муддатини беш йилдан тўрт йилга камайтириш кўзда тутилди.

1966 йилда Ўзбекистонда 15 та олий ўқув юрти маорифга керакли ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаб берган[91]. Бу кўрсаткич 1976 йилда 17 та, 1988 йилда 14 тани ташкил қилган[92].

[88] Рахманов Н. Развитие педагогического образования в Узбекистане. – Т.: Узбекистан, 1976. С. 56.
[89] Ўзбекистон Миллий архиви ф 94, р 7, й 321 “А”, в 65 “План по подготовке педагогических кадров минпрос УзбССР на 1956-61 годах”.
[90] Справочник партийного работника, вып. V. – М.: Госполитиздат., 1964. С. 240-244.
[91] Мўминов И. Ўзбекистон ССР тарихи 4 том. – Т., 1971. 444-б.
[92] Развитие народного образования в Узбекистане. – Т., 1988. С. 11.

Аммо олий ўқув юртларида етишиб чиқаётган кадрлар салоҳияти пастлиги, дарс бериш жараёнида ўқитувчиларнинг қийналаётгани “Қайта қуриш йилларида” танқидларга сабаб бўлди. Ўқитувчилар муаммога муносабат билдириб, газета таҳририятларига хатлар ёзганлар. Шундай мактублардан бирида ёзилишича: республикамизда олий ўқув юртлари кўпайиб, майдаланиб кетганлиги, уларда методик, моддий-техник база етишмаслиги, оқибатда педагогик кадрлар тайёрлаш сифати пасайганлиги асосий сабабларидан эканлиги тўғри қайд этилган[93].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон таълим тизимига ўқитувчилар етиштириб бериш билан шуғулланган олий ўқув юртлари сони йиллар ўтган сайин кўпайтириб борилди. Дастлаб вазиятдан чиқиш учун ташкил этилган ўқитувчилар институти кейинчалик тугатилди. Ҳар бир вилоят марказларида, республиканинг катта шаҳарларида педагогика институтлари ташкилланди. Фуқаролар онгида ҳам ўқиш, билим олишга интилиш кучайиб, институтларга бўлган талаб ҳам ортиб борди. Лекин олий ўқув юртларида тайёрланаётган кадрлар салоҳиятига ва таълимга қўшаётган ҳиссасига эътибор тобора сусайиб борди. Тўғри, олий маълумотли ўқитувчиларга бўлган талаб кучайиб борди. Лекин иқтисодий қийинчиликлар илмий салоҳиятнинг пасайишига сабаб бўлди.

Йўлдошев Жаҳонгир, *ТДИУ магистри,*
Қурбонова Барно Абдигаффаровна, *амалиётчи психолог,*
Қибрай туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактаби

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бугунги кунда замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг ҳамда мамлакатимизнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. Чунки бугунги тезкор ривожланиш даврида жамият учун фаол фикрловчи, инновацион ғояларни яратувчи ҳамда уларни амалиётда самарали қўлловчи малакали мутахассислар зарур. Бу эса ўз навбатида, таълим жараёнига инновацияларни, ўқитишнинг замонавий интерфаол ва ижодий услубларини жорий этиш ва соҳага йўналтириш орқали таълим сифатини оширишга кўмаклашувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, педагог кадрларининг илмий тадқиқотларини ташкил этиш ва бошқариш уларнинг инновацион компетентлигини ривожлантиришни талаб этади.

Таълимдаги янгиланиш, асосан, Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишнигина амалга оширмай, балки таълим муассасаларидаги ўқув жараёни орқали ўқувчи-талабаларни ўз келажагини ёркин тасаввур қила оладиган, бу борада ўз тақдири ва ўз шахсига онгли муносабатда бўлиб, турли фаолиятларда ўз-ўзини ривожлантира оладиган тафаккури шаклланган, эркин, фаол ва

[93] Ўзбекистон Миллий архиви ф. 2806, р. 1, й. 42, в. 17 “Маориф тўғрисидаги хатлар”.

мустақил шахсни шакллантиришни кўзда тутади. Ўқувчи-талабаларга мутахассислик фанларини ўқитишда, уларнинг иқтисодий тафаккурини шакллантиришда ҳар қачон, миллийлик ва миллий манфаатлар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда дарсларни ташкил этиш лозим. Ҳар бир давр иқтисодий тараққиёти даражаси ва иқтисодий муносабатлари тизимини ўрганиш ва баҳо беришда холисликка ва адолатга суянмоқ керак.

Таълим муассасаларида янгича мустақил фикрлайдиган, ижод қиладиган ўқувчи-талаба ёшларни тарбиялаш энг асосий муаммоларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Талабалик йилларида ёшлар биологик жиҳатдан баркамоллик, ижтимоий нуқтаи назардан етуклик, жисмоний бақувватлик босқичига кўтарилади. Ўқувчи-талабаларда ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш каби ақл-заковатнинг муҳим жиҳатлари тараққиётнинг янги юксак босқичига кўтарилади. Уларда тафаккурнинг ривожланиши, илмий дунёқарашнинг шаклланишида умумкасбий ва ихтисослик фанлари муҳим ўрин тутади.

Талабалар тафаккури, асосан, ўқиш, амалий машғулот ва мустақил билим олиш фаолиятларида жадал ва узлуксиз равишда ривожланади. Гоҳо маъруза жараёни улардан репродуктив тафаккурни тақозо этса ҳам, лекин амалий машғулотлар, мустақил топшириқлар, лаборатория топшириқлари продуктив (ижодий) фикр юритиш фаолиятини талаб қилади. Ҳар иккала таълим шакли ҳам ўқувчи-талабалар ақлий меҳнати, мақсадга йўналтирилган ва мувофиқлаштирилган диққати ёрдами билан амалга ошади. Таълим-тарбия жараёнида замонавий иқтисодиётнинг назарий, амалий ва услубий асосларини, тадбиркорлик ва бизнес қонуниятлари юзасидан чуқур назарий методологик, илмий-услубий хусусиятдаги билимлар ўзлаштирилади. Айниқса, ушбу даврда тафаккур ўқувчи-талаба учун омилкор ақл-заковат қуроли вазифасини бажаради.

Олий таълим муассасаларида ўтиладиган фанлар узлуксиз равишда ижодий тафаккурни талаб қиладиган, муаммоли хусусиятдаги топшириқ ва масалалар тизимидан иборатдир. Ҳар бир маъруза, семинар, мустақил таълим, лаборатория ишлари ҳам муаммоли вазият, ҳолатнинг таркибий қисмларидан тузилган бўлади. Уларни ҳал қилиш эса талабадан ижодий изланишни талаб қилади. Чунки муаммоли ҳолатгача давр, муаммоли вазият, муаммоли вазиятдан кейинги ақлий жараёнлар ҳам талабадан ижодий қидирув, тадқиқот фаолиятини амалга оширишни тақозо этади. Топшириқларни мустақил бажариш талабалардан тафаккур операциялари (таҳлил, таққослаш, солиштириш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, гуруҳлаш) ва шаклларидан (тушунча, ҳукм, хулоса чиқаришдан) фойдаланишни талаб қилади.

Бизнингча, мутахассислик фанларидан муаммоли ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабанинг мустақиллик роли репродуктив ўқув усулларига солиштириб қараганда анча самарали бўлади. Муаммоли таълимнинг мақсади ҳам улар билан ишлаш жараёнида таълим-тарбия масалалари, юзага келган муаммо ва саволларига жавоб қидириш, уларни ҳал этиш йўллари билан янги билимларни ўзлаштиришни, ўқувчи-талабалар ўқув фаолиятида муаммоли

вазиятларни вужудга келтириш ва ҳал этиш бўйича профессор-ўқитувчилар уларда қизиқиш уйғота олишидан иборат. Жумладан:

1. Иқтисодиётда юзага келган муаммоларни таҳлил қилиб фикр юритиш ўқувчи-талабаларнинг мустақил ақлий фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим талабларидандир. Бундай фикр юритиш ўқувчи-талабани шу нарсани англай олмаганлигини тушуниб етиб, бу гапнинг маъносига жиддий равишда эътибор беришга, тафаккурини шакллантиришга қаратади.

2. Таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида иқтисодий тафаккурни самарали, мақсадга мувофиқ бўлиши учун уни ўқув жараёни, ўқув-тарбия ишлари асосининг бир қисмига айлантириш зарур. Муаммоли таълим ёрдамида эса бўлажак мутахассисларда ўқув муаммолари ва мутахассислик масалаларини ечишга тадқиқий ёндашиш, иқтисодий тафаккурини ривожлантириш, мустақил тарзда ўрганиш маҳоратини шакллантиришни тарбиялайди.

3. Иқтисодий таълим талабалар билим тизимлари ва ақлий ҳамда амалий фаолиятларида самарали ўзлаштиришга, тафаккурини шакллантиришга ёрдам беради, ўзлаштирган янги билимларидан келажакдаги вазиятларда унумли фойдалана олишни, таълим муаммоларини еча билиш, мустақил изланишга ўргатиш, ижодий тажрибага эга бўлиш ва уни ривожлантириш, таълим жараёнининг вазифаларини таҳлил қилиш, муаммоли таълимни аниқлаш имкониятларини очиб беради.

Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, яъни иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишгина эмас, инсонларда, айниқса, ёшларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш муҳим роль ўйнайди. Чунки иқтисодий тафаккур жамият аъзоларининг дунёқарашини шакллантиришда мустақил фикр юритиш, вазиятга кўра қарор қабул қилишга ўрганишига асос бўлади.

Умуман олганда, ўқув жараёнида ўқувчи-талабаларнинг тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган ана шундай ўқитиш уларга ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун ёрдам беради. Бундай ҳолатда таълим олиш талабалар томонидан эришиш лозим бўлган мақсад деб эмас, балки ўз шахсини ривожлантириш воситаси деб қабул қилинади ва сўзсиз машғулотлар ўтиш жараёнида уларнинг таълим олишга бўлган қизиқишларини оширади.

Zaripova Nilufar Egamberdiyevna, *2-kurs magistratura talabasi,*
O‘zDSMI “Madaniyat va san’at sohasi menejmenti” mutaxassisligi,
Ilmiy rahbar – f. f.d., professor ***Yuldashev Ibrohim Jo‘rayevich***

ZAMONAVIY RAHBAR: MUAMMO, YONDASHUV VA USULLAR

Boshqaruv jarayonida rahbar ma’lum jamoada faoliyat olib boradi va u qilgan mehnatning samarasi umumiy maqsadlarga erishishga qaratilgan birgalikdagi harakatlar asosida yaratiladi. Shaxs va jamoa manfaatlari hamma vaqt ham mos

kelavermaydi. Rahbar va umuman jamiyatning muhim vazifalaridan biri jamiyat va shaxs manfaatlarini uyg‘unlashtirish uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish, har bir shaxs va umumiy, yagona ijtimoiy organizm sifatidagi jamoaning manfaatlariga to‘liq javob beradigan ichki tartib va qoidalar, me’yorlarning oqilona tizimini yaratishdir. Jamoa faoliyatining yutug‘i, ko‘p jihatdan, jamiyatning shaxs oyoqqa turishi va rivojlanishi uchun qanday shart-sharoitlarni yaratib berganiga, jamoaning har bir a’zosi ehtiyojlarini qay darajada qondira olishiga bog‘liq bo‘ladi.

Lekin inson shaxsi o‘zini namoyon qilish, o‘zining betakrorligini, o‘ziga xosligini isbotlash, jamoadagi boshqa shaxslardan alohida xususiyatlari bilan ajralib turish ehtiyojiga ham ega bo‘ladi. Shaxs, jamiyatning har bir a’zosiga nisbatan qo‘yadigan talablarini tushungan, jamiyat ma’naviyati va axloqi talablariga rioya etgan holda, vaqti-vaqti bilan umumiy tamoyillarga qarshi kayfiyatda yoki munosabatda bo‘lishi ham mumkin.

Rahbar qanday shaxsiy xususiyatlarga ega bo‘lishi lozim? Shaxs va rahbar xususiyatlari kishilarni azaldan qiziqtirib kelgan. Bu xususda 900-yilda Sharqning buyuk mutafakkiri Abu Nasr Forobiyning mashhur risolasi chop etilgan; fors ilohiyotchisi Abu Xomid Muhammad G‘azzoliy o‘z qarashlarida rahbarning muvaffaqiyatli faoliyati uchun zarur bo‘lgan talablarni keltirgan. Davlat boshqaruvi, maqsadlar tizimini ishlab chiqish masalalari va ko‘pchilikka ta’sir etish usullari italiyalik Nikkolo Makiavelli(1469-1527-y.)ning «Hukmdor» kitobida chuqur tanqid qilingan. Uning o‘ziga xos paradoksal xulosalari hozir ham zamonaviy olimlarda qiziqish uyg‘otib kelmoqda.

70-yillarda mashhur bo‘lgan «Yuqori boshqaruv personali uchun kurs» nomli katta asarda ma’muriy personalning asosiy sifatlari orasida chidamlilik, mustahkam asab va maqsadga intilish, muammoning mohiyatini tezda tushunib, uni tezroq hal qiluvchi mantiqiy va oqilona fikr yuritish qobiliyati; boshqaruv qarorlari va harakatlari uchun mas’uliyatni o‘z zimmasiga olish; kishilar bilan samimiy, do‘stona, xushmuomala, lekin qatiyatli munosabatda bo‘lish; o‘z fikrini yozma yoki og‘zaki ravishda aniq va tushunarli bayon qilish kabi xislatlarning muhimligi alohida ta’kidlanadi.

Iste’dodli rahbar doimo qo‘l ostidagilar, o‘ziga teng lavozimdagilar va hatto, o‘zidan yuqori turgan boshliqlar orasida ham ibrat bo‘la oladi. O‘ziga xos boshqaruv usullarini, xulq-atvor me’yorlarini suhbat va pand-nasihatlar yo‘li bilan o‘tkazish mushkul, aksincha, u ishlab chiqarish aloqalari vaqtida muntazam kuzatish mumkin bo‘lgan xulq-atvor, xatti-harakatlar orqali samaraliroq bo‘ladi.

U. Djeymsning mashhur formulasi[94] ustida ham mulohaza qilib ko‘rish zarur. Bu formula shaxsiy g‘urur hissi (IIIFH), inson tomonidan erishilgan muvaffaqiyat (M) va uning talabgorligi (T) o‘rtasidagi bog‘liqlikni o‘rnatadi, ya’ni: SHG‘H=M/T.

Shuningdek, rahbar shaxsiga zarur bo‘lgan to‘rtta “T”[95]:



[94] Qosimov N. Hayitov U. Rahbar ma’naviyati va boshqaruv mahorati uyg‘unligi. – T.: Ma’naviyat, 2016. 13-bet.

[95] Zaripova N. Ta’lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasida intellektual salohiyatli yoshlar – mamlakat taraqqiyotining muhim omili (An’anaviy XIII – Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to‘plami). – Samarqand, 2016-y. 17-bet.

O‘ziga xos, alohida shaxs, albatta, fikrlashning ham o‘ziga xos, alohida uslubiga ega bo‘ladi, buning uchun olingan axborotni qayta ishlash tezligi, qabul qilinayotgan qarorlarning boshqachaligi hamda analiz-sintez qilish qobiliyatining yuqori rivojlangani muhimdir.

Bu alohida, ota-bobolardan qolgan buyuk meros yoki hayot kechirish davomida shakllangan fikrlashning **ijodiy fikrlash** (yoki kreativ, lateral) turi deyiladi. Yaxshi rivojlangan ichki idrok, ya’ni ongning «eng tubida» amalga oshirilayotgan fikrlash faoliyati uning asosiy xususiyati hisoblanadi. Yaxshi rivojlangan **fahm-farosat** kishining turmush tajribasiga suyanadi va ko‘pincha, hamma sezgi organlaridan kelib tushadigan va darhol ajratilib, tahlil qilinib, qaror qabul qilish ko‘rinishida umumlashtirilgan turli-tuman axborotlardan yig‘iladi. Ko‘pincha, inson bir qarorni nima uchun, qaysi mezonlarga ko‘ra qabul qilganini, uning fahmlashi orqali chiqargan xulosalariga, masalan, «Bunday kishiga ishonish mumkin emas» yoki «Bu ishda tavakkal qilsa bo‘ladi» deb o‘ylashi uchun nima ta’sir etayotganini tushuntirib bera olmaydi.

Fahm-farosat doim boshqaruv amaliyotining muhim tarkibiy qismi hisoblanadi va uning hodisalarni oldindan belgilashda, reja, farazdan boshlab darhol qabul qilishgacha bo‘lgan fikrlash jarayonidagi roli juda muhimdir.

Rahbarga xos fazilatlardan yana biri shuki, o‘zini o‘ylamasdan, avvalambor, o‘ziga ishongan xalqning dard-u g‘amini, uning taqdiri, ertangi kunini o‘ylab yashashi lozim[96]. «Aqliy hujum» deb nomlanuvchi usul, ya’ni jamoaviy ijodiy fikr juda katta foyda keltirishi mumkin. Unda, asosiysi, eng kutilmagan, «g‘ayrioddiy» g‘oyalarni tartibsiz ravishda guruh a’zolariga taqdim etish, belgilangan vazifani hal qilishga yoki unga yaqinlashishga yordam beradigan har qanday rejani aytish va rivojlantirish yo‘li bilan qo‘yilgan maqsadga erishishdir. Bu usul muammoni hal qilishning bir qancha variantlariga ega bo‘lish imkonini beradi, ulardan ayrimlari hatto boshlanishida juda g‘aroyib tuyulishi ham mumkin. Odatda, bir xil fikrlovchilar, maslakdoshlar jamoasi 1,5 soat izlanish orqali masalani hal qilishning yuzlab muqobil yo‘llarini taklif qila oladilar va bunda rahbar eng qulayini tanlab olish imkoniga ega bo‘ladi. O‘z jamoasining aqliy salohiyatini ocha bilish boshqaruv mahoratining eng yuqori ko‘rsatkichi hisoblanadi. Agar rahbar faoliyatini shu orqali boshqara olsa, oxir-oqibat korxona ishining samaradorligi rahbardan ko‘ra, uning xodimlariga bog‘liq bo‘lib qoladi[97].

Mehnatni rag‘batlantirishni oshirishning yana bir muhim omili maqsadni aniq tushunib belgilash, kishining hayotiy dasturlari va uni amalga oshirishning taktik

[96] Zaripova N. Yuksak badiiy va intellektual salohiyatli yoshlar tarbiyasining dolzarb muammolari (konferensiya materiallari to‘plami). – T.: O‘zDSMI, 2016-yil. – 288 bet.
[97] Knorring V. Sotsiolnoye upravleniye: gosudarstvo, kollektiv, lichnost. Uchebnik. Izd-vo “Egzamen”. – M., 2008. 411-bet.

variantlarini ishlab chiqishdir. Maqsad tamoyili boshqaruvning asosiy tamoyillaridan biri ekani bejiz emas. Aksariyat kishilarning nima deyishlari zarurligini, o‘zlarini nimaga bag‘ishlashlari, qaysi maqsadlarga erishishlari zarurligini bilmasliklari hayron qolarli holdir. Bunday kishi irmoqqa tushgan barg singari o‘zining taqdiriga ixtiyorsiz ravishda bo‘ysunadi, oqim bo‘yicha oqadi, ba’zida yillab tinch joyda turib qoladi va o‘zini «hamma qatori yashayapman» deb ovutadi. Faol, iqtidorli va izzattalab kishi esa bunday vaziyatlarga bo‘ysunishni istamaydi, u aniq-ravshan maqsadga ega bo‘ladi hamda unga erishish yo‘llarini qidiradi, ularga bor kuch-g‘ayrati, shijoati bilan intiladi.

Aniq ko‘zlangan maqsad eng muhim mo‘ljal bo‘lib, unga erishilgan natijalar solishtiriladi hamda yana nimalarga e’tibor qaratish, o‘z kuchi va aqlini nimalarga yo‘naltirish zarurligi aniqlanadi. Maqsadning o‘zi ham hayot kechirish uchun muhim turtkilardan biridir. Maqsad istiqbolni oldindan belgilash, kelajakni ko‘ra bilishdir. U o‘zida hali to‘liq ochilmagan maqsadga erishish usullarini mujassam etgan. Bu haqida Nikkolo Makiavelli bunday deydi: «Kichik bir narsaga erishish uchun kattaroq narsaga qo‘l urish zarur. Tajribali kamonchi xuddi shunday yo‘l tutadi: mo‘ljallagan joyining uzoqligi va o‘qining uzoqqa qanchalik yeta olishini oldindan chamalab, mo‘ljalni nishondan yuqoriroqqa oladi, buni u o‘qni shunchaki balandga otish uchun emas, balki balandni ko‘zlab o‘ljani urib tushirish uchun qiladi».

Maqsadlar tizimi insonning haqiqiy imkoniyatlarini hisobga olishi zarur. Maqsadning qo‘yilishi jamoaning kelajakka nazarini, mo‘ljalini, butun kuchi va faolligiga erishilishi lozim bo‘lgan narsaga qaratishni bildiradi. Maqsad pirovard natijani aks ettiradi. Maqsadlarsiz baholash mezonlari bo‘lmaydi, shuning uchun ham maqsadlar erishilgan natijani baholash uchun muhim. Maqsadni qo‘ya bilish mahorati boshqarish mahoratidir. Maqsadlarsiz jarayonning borishi va natijasini nazorat qilib bo‘lmaydi. Maqsadlarsiz xodimning mehnat faoliyati hech qanday asosga ega bo‘lmaydi. Shuni doim esda tutish zarur: ilk maqsad maqsadlarni belgilab olishdir. Agar boshqaruv jarayoni, rahbar va tashkilotning strategiyasi belgilab olinmasa, yirik miqyosdagi vazifalar qo‘yilmasa, xuddi ochiq dengizda kompassiz suzishdek samarasiz bo‘ladi. Ammo har qanday sharoitda, har qanday faoliyat turida ham yuzlab tezkor, bir lahzalik muammolarning yechimlarini izlab topishga to‘g‘ri keladi.

Boshqaruv mahorati juda ko‘p muhim va orqaga surib bo‘lmaydigan vazifalar orasidan eng muhimlari, qat’iyan ustunlarini tanlay olish va butun e’tiborini ularga qarata olish qobiliyatidan iboratdir.

Xulosa qilib aytganda, yuqorida ta’kidlanganidek, rahbarning ma’naviyati, yetakchilik faoliyati, intilishlari va maqsadlari insonlar ongi, ma’naviy jarayonlarga ta’siri, insonlar hayotidagi ma’naviy munosabatlarning barcha yo‘nalishini hisobga olgan holda olib borilsa, uning natijasi samaraliroq bo‘ladi. Rahbar o‘z ish faoliyatida kelajakka nazar solishi, odamlarning ma’naviy hayotiga faol ta’sir etishi, unda o‘zini namoyon qilishi va eng muhimi uni oqilona boshqarishi kerak. Shuning uchun jamiyatning ma’naviy negizi imkoniyatlarning muayyan chegaralari asosi, aql ruhiga, mazkur vaqt va shart-sharoitlariga mos keladigan ishlarni amalga oshirish kerak. Boshqacha so‘z bilan aytganda, jamiyat hayotining ma’naviy asosi, uning o‘sishi va rivojlanishining turli yashirin imkoniyatlari, tafakkurining turli yo‘nalishlari mavjud

bo‘ladi. Bu harakatlarning eng maqbul variantlarini aniqlash va amalga oshirish davlat hokimiyati va uning tuzilmalarida faoliyat olib borayotgan rahbar kadrlar oldidagi eng muhim strategik maqsad bo‘lishi lozim.

Нишонова Дилноза Бахриддин қизи, *2-курс магистри,*
ТДИУ, “Кадрлар менежменти” мутахассислиги

ЛИДЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар жамиятнинг турли соҳаларида лидерларни шакллантириш учун янги технологияларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бу ерда лидерликни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни ўрганиш алоҳида ўрин тутади. Шу муносабат билан истиқболдаги лидерлар салоҳиятини шакллантириш давлат томонидан ҳам, замонавий бизнеснинг ҳам диққат марказида турган масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ижтимоий-иқтисодий муҳит беқарор ва ўзгарувчан бўлган бир пайтда, раҳбарларнинг муваффақиятли бошқарув қарорлари ташкилотнинг самарали фаолиятининг калитига айланмоқда. Бу, айниқса, лидер-раҳбарнинг профессионал салоҳиятига боғлиқ. Шу муносабат билан лидерлик ва лидерларни шакллантиришга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг чегараларини белгилаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Лидерликни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишда турли хил ёндашувлар мавжуд. Уларни жамлаган ҳолда объектив ва субъектив омилларга ажратиш мумкин.

Объектив омиллар шахснинг хоҳиш-истакларига боғлиқ бўлмайди ва иерархиянинг ҳар бир даражаси учун ўзига хос хусусиятларга эга бўлган лидерлик услубининг асосини белгилайди. Лидерларни шакллантиришнинг объектив омилларига қуйидагилар киради: глобаллашув омиллари, тарихий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, ижтимоий-маданий, ахборот-технологик ва шу кабилар. Қуйида уларга қисқача таъриф берамиз.

Глобаллашув омиллари жаҳон молиявий-иқтисодий тизимларининг бирлашиши, ахборот-коммуникация тизимларининг жадал ривожланиши, ғарб корпорациялари ва компанияларининг шарқда кенгайиши билан боғлиқ цивилизацион ижтимоий-маданий ўзгаришлар билан боғлиқ. Ушбу жараёнлар ғарб моделларининг бошқа маданий муҳитларда тўғридан-тўғри мос келмаслигини тан олишга олиб келди, шу билан бирга, шарқий компанияларнинг ғарбий бозорларга кириб бориши рақобатбардошликни ошириш учун ташкилий тузилмаларни ўзгартириш ва соддалаштиришни тақозо этди. Бундан ташқари услублар, усуллар, технологиялар ва бошқарув техникалари ўзаро таъсирининг кучайиши ва ўзаро бойиши, жамоаларда куч ва лидерликнинг қайта тақсимланиши кузатилмоқда.

Лидерликни шакллантириш жараёни унда ташкилот раҳбари фаолият юритадиган ва ўзаро таъсир қиладиган маълум бир *тарихий ва сиёсий омиллар* билан боғлиқ бўлади. Бунга жамият тараққиётидаги тегишли тарихий босқичнинг мазмуни ва характери, сиёсий режим хусусиятлари киради, чунки бу омиллар авторитар ёки демократик лидерларнинг пайдо бўлишига сабаб

бўлади. Шунингдек, лидерликни жамият ривожланишининг асосий вектори белгилаши мумкин: жамиятнинг жадал, инқилобий ривожланиши, одатда, лидерликда авторитар тенденцияларнинг шаклланишига олиб келади, эволюцион йўл эса демократик услубларни ривожлантиради.

Лидерларни тайёрлашнинг классик шакллари ижтимоий буюртмаларга асосланган эди ва ҳар доим ҳам касбий билимларга асосланмаган. Бу профессионаллар аҳамиятини камайтириб, депрофессионализация учун асос бўлди, натижада ўтиш давридаги жамиятда қарама-қаршилик пайдо бўлди. Ушбу қарама-қаршиликнинг ечими янги типдаги профессионаллар – лидерларни шакллантириш технологияларини ўрганишни талаб қилади.

Лидерлик салоҳиятини шакллантиришга таъсир қилувчи *иқтисодий омиллар* қаторига қуйидагилар киради: жамиятдаги мавжуд иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш шакли, мулкчилик шакли, унинг тақсимланиши ва иқтисодий салоҳият. Инсон капиталига инвестиция киритиш омили инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида муҳим аҳамият касб этади, чунки юқори сифатли ва узоқ муддатли инвестициялар шахснинг деярли бутун иш фаолияти давомида инсон капиталининг сифат ва миқдорий хусусиятларини яхшилашга ёрдам беради.

Бугунги кунда иқтисодий фаолият жараёнида эргашувчиларга эга бўлган ва улар билан мустаҳкам муносабатларни ўрнатишни биладиган, жамоа учун энг юқори қийматга эга бўлган фазилатлари, профессионаллиги, компетентлиги, ностандарт фикрловчи ва ривожланиш стратегиясига кўра билиш қобилияти, ҳалоллиги, ақл-идроки, билими, ғайрати, қарашларидаги барқарорлиги ва ўзига бўлган ишончи, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини такомиллаштиришга интилиши, ходимларнинг касбий ўсишига доимий ғамхўрлик кўрсатиши орқали ҳурмат ва авторитетидан фойдалана оладиган инсон лидер бўлади. Айни шу даражада лидерликнинг инсон капиталини режалаштириш, ривожлантириш ва сақлаш натижаларига таъсирини лидерлик салоҳиятининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари тизими орқали баҳолаш керак.

Хусусан, бу кўрсаткичларга лидерлик индекси (ишчилар умумий сонидаги лидерларнинг улуши), самарадорлик индекси (бошқарув қарорларининг умумий сонида самарали лидерлик қарорларининг улуши); корхонанинг бозор капиталлашуви ва унинг обрўси ошганлик даражаси; такомиллаштиришга сарфланадиган харажатлар умумий ҳажмида инновацион ва ахборот технологияларига сарфланадиган харажатлар улуши; жорий этилган инновацион лойиҳалар ва ноу-хау сони кабиларни киритиш мумкин.

Лидерликка бевосита таъсир кўрсатадиган асосий *ижтимоий-демографик омиллар* аҳолининг асосий гуруҳлари даромадларидаги фарқлар; ижтимоий гуруҳлар ва аҳоли қатламларининг ҳолати, ижтимоий табақаланиш (одамларнинг ижтимоий мавқеидаги фарқлар), ижтимоий табақаланишнинг очиқлиги ва жамиятнинг ҳаракатчанлиги даражаси кабилардан иборат. Лидерларнинг шаклланишига таъсир қилувчи демографик омилларни аниқлаш алоҳида эътибор талаб этади. Аҳоли зичлиги, ўртача умр кўриш даражаси, туғилиш даражаси, умумий ўлим даражаси, аҳолининг табиий кўпайиши

(камайиши); миграция ва эмиграция интенсивлиги – бу ва бошқа омиллар лидерлик салоҳиятини шакллантириш жараёнларини тезлаштиради ёки секинлаштиради.

Лидерлар шаклланишининг **субъектив омилларини** ҳам бир неча таркибий қисмларга бўлиш мумкин.

1. Лидерлик хислатлари. Айрим тадқиқотчилар бошқарув тизимидаги лидерлик масаласини кўриб чиқиб, шахснинг лидер сифатида шаклланишини ва фаолиятдаги муваффақиятини аниқлайдиган энг муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатишган:



1-расм. Лидерлик хислатлари

Манба: Чередниченко И.П., Тельных Н.В. Психология управления. Ростов-на-Дону: Феникс. С. 262.

1. Муваффақиятли лидерликка етарлича юқори даражадаги ақл ва билим, ҳалоллик, ақл-идрок, ташаббускорлик, ўзига ишонч, интизом, қатъиятлилик, маълум бир ижтимоий-иқтисодий мақом, ишончлилик, жавобгарлик, ижтимоий фаоллик таъсир қилади.

Лидернинг энг муҳим фазилатларидан бири яхши муносабатларни ўрнатиш, уларни ҳар қандай вақтда ушлаб туриш қобилияти ва жамоа учун энг муҳим бўлган муносабатларни яратиш қобилиятини назарда тутувчи киришимлилик ҳисобланади. Тадқиқотчилар лидерларга хос бўлган фикрлашнинг ўзига хос хусусиятларини, жумладан, мослашувчанлик, самарадорлик, тезкорлик ва аналитик фикрлашни ажратиб кўрсатишади. Мослашувчан фикрлаш гуруҳ ёки ташкилотнинг ўзгарувчан шароитларда фаолият юритишини ва вазиятга мослашишини таъминлайди, бу эса унинг жамоасининг ҳаётийлигини узайтиради. Фикрлаш самарадорлиги лидернинг инновацион ва реал асосланган ғояларни яратиш қобилиятини акс эттиради. Фикрлаш тезлигига бўлган эҳтиёж табиий танланиш туфайли секин фикрлайдиган инсон лидер бўлолмаслиги билан изоҳланади. Шунингдек, агар лидер вазиятни таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлмаса, у узоқ вақт давомида ўз ҳокимиятини сақлаб қола олмайди.

2. Ҳар қандай вазиятда лидер ўзининг Мен-концепциясига мос ҳолда фаолият олиб боради. Унинг хатти-ҳаракати у ўзини ким деб ва қандай англашига, ўзини у билан муносабатда бўлганлар билан қандай таққослашига боғлиқ. Мен-концепциясининг лидерлик таркибий қисмлари тўғрисида етарлича хабардор бўлиш лидерга асосий бошқарув функцияларини, яъни режалаштириш ва назорат қилиш, қарорларни қабул қилиш ва низоларни ҳал қилиш, меҳнатни рағбатлантириш ва бошқаларни яхшироқ бажаришга имкон беради.

3. Лидер ҳам ҳар бир инсон сингари эҳтиёжларнинг катта тўпламига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум бир вақтда пайдо бўлади ва қондирилгандан кейин ёки агар қондириш имконсиз бўлса, воз кечгандан кейин йўқолади. Бироқ умуминсоний эҳтиёжлардан ташқари лидерликнинг ўзига хос эҳтиёжлари ҳам мавжуд. Уларнинг асосийлари сифатида ҳокимиятга бўлган эҳтиёж; воқеалар ва инсонлар устидан назорат қилиш эҳтиёжи; мақсадга эришиш эҳтиёжи; бир гуруҳга дахлдорлик ва тан олиниш эҳтиёжларини санаб ўтишимиз мумкин.

4. Эътиқод тизими инсон унинг ҳақиқатлигига ишонадиган ва ўзининг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш учун фойдаланадиган тартибли билимлар мажмуидир. Қатъий эътиқод тизими бўйсунувчилар учун лидер-раҳбарни тушуниш, унинг фикр-мулоҳазаларини тахмин қилиш ва уларга мослашишга ёрдам беради. Бошқа томондан, қатъий эътиқод тизими раҳбарнинг мослашувчан эмаслигини билдиради, бу унинг қарор қабул қилиш услубига ва бошқа барча бошқарув функцияларига таъсир ўтказади. Кучли эътиқодга эга бўлган одамга мослашувчан эътиқодли инсонга қараганда таъсир ўтказиш осонроқ ҳисобланади.

5. Қарор қабул қилиш услуби деганда, индивидуал қарорларни қабул қилиш усуллари тушунилади. Қарорларни қабул қилиш услуби қуйидагилар билан белгиланади: а) янги маълумотларни олишга ёндашув: исталган ижобий ва салбий маълумотни қисқа шаклда олиш қобилияти; тафсилотларни ўрганишга мойиллик, экспертлардан мустақил бўлиш; тафсилотларни ёрдамчиларга қолдирган ҳолда объектив, бироқ қисқа маълумот олишга интилиш; б) фикрлаш хусусиятлари – бунда фикрлаш турлари ва унинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади; д) маълум миқдордаги таваккалчиликка устунлик бериш; э) когнитив мураккаблик, яъни олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва синтез қилиш қобилияти ва мойиллиги.

6. Шахслараро муносабатларнинг услуби. Лидер-раҳбарнинг шахсий хусусиятлари, айниқса, унинг бошқа одамлар билан муносабатда бўлишда ўзига эп кўрадиган, унинг хатти-ҳаракатларини белгилайдиган хусусиятлари назарда тутилади.

7. Стрессга бардошлилик лидернинг ажралмас хусусияти ҳисобланади. Агар стрессга бардошли бўлмаса, у инсон лидер бўла олмайди, чунки лидерлик позицияси эргашувчиларига қараганда юқори психологик босимга дош беришига тўғри келади.

2. Касбий маҳорат даражаси. Бизнинг фикримизча, профессионал компетенция лидернинг у бошқа одамлардан олдинда турадиган ўзига хос хусусиятларидан иборат: серғайратлилик – кучли энергия ва қатъият билан муваффақиятга эришиш истаги; ўзига бўлган ишонч; ижодкорлик; лидерлик мотивацияси – раҳбарлик қилиш ва бошқалар устидан ҳокимиятга эга бўлиш истаги.

1-жадвал[98]

Лидерларнинг касбий компетенциясини шакллантириш хусусиятлари

Хусусияти	**Таърифи**
Ғайратлилик	Муваффақиятга эришиш истаги, кучли хоҳиш, кучли энергия, тиришқоқлик, ташаббускорлик
Ҳалоллик ва тўғрилик	Ишончга сазовор бўлиш, очиқлик
Лидерлик мотивацияси	Умумий мақсадларга эришиш учун бошқаларга таъсир ўтказиш истаги
Ўзига бўлган ишонч	Ўз қобилиятларига бўлган ишонч
Ақлий қобилиятлар	Ақл-идрок, катта ҳажмдаги ахборотни бирлаштириш ва талқин қилиш қобилияти
Ижодкорлик	Оригиналлик
Мослашувчанлик	Ўз қўл остидагиларининг эҳтиёжларига ва вазиятнинг ўзгарувчан талабларига мослашиш қобилияти
Компетентлик	Гуруҳ фаолияти ҳақида билиш, тегишли техник масалаларни билиш

3. Лидернинг авторитети ва ижтимоий-сиёсий етуклиги. Самарали лидерлик масаласини кўриб чиқишда баъзи тадқиқотчилар, агар лидерлар ўз услубларини гуруҳ эҳтиёжларига мослаштирсалар, самарали ҳаракат қилишларини таъкидлашади ва айрим лидерлар ўзларини ўзгартирганлари учун эмас, балки гуруҳни ўзгартириш ва уни ўз мақсадларини амалга оширишга илҳомлантириш қобилиятига эга бўлганлиги туфайли самарали бўлишига алоҳида эътибор қаратишади[99].

Нафақат ўз қўл остидагиларнинг маъқулланишига, балки юқори маҳсулдорликка эриша оладиган лидерлар маълум хусусиятларга эга. Тадқиқотчилар бир нечта хусусиятларга эга бўлган одамларни ўзгарувчан (харизматик) лидерлар деб аташади. Улар эргашувчиларнинг интилишлари ва “Мен” концепциясини шакллантирадилар, шунда бутун гуруҳнинг муваффақияти эргашувчиларнинг шахсий ютуғига айланади ва лидернинг мақсади уларнинг ҳам ўз мақсадларига айланади. Бундай лидерлар ўз издошларини интеллектуал равишда рағбатлантирадилар, уларнинг ҳаётий позициялари ва қадриятларини синаб кўришларига имкон беради, издошларни шахсан муҳим роль ўйнаётганига ва умумий ишда муҳим ҳисса қўшаётганига ишонтиришади.

Ўзгарувчан лидернинг авторитети ва ижтимоий-сиёсий етуклигини шакллантирувчи асосий хусусиятларни қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз.

---

[98] Социальная психология: ключевые идеи. / Р.Бэрон, Д. Бирн, Б. Джонсон. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2003. – 512 с.
[99] Уилк Х., Книппенберг Э. Групповое действие. // Перспективы социальной психологии. – М.: Эксмо-Пресс, 2001.

2-жадвал[100]

Ўзгарувчан лидернинг хусусиятлари ва уларга мос хатти-ҳаракатлари

Хусусиятлар	**Мос хатти-ҳаракатлар**
Идеаллашган таъсир ўтказиш ёки "харизма"	Эргашувчиларга "биргаликдаги миссия" деган ҳисни англатади; ўз издошларига садоқатини намойиш этади; издошларнинг умидлари ва истакларига мурожаат қилади; гуруҳ мақсадлари учун шахсий мақсадларини қурбон қилишни хоҳлайди
Интеллектуал рағбатлантириш	Фикрлашнинг янги усулларига очиқликни шакллантиради; муаммога нисбатан турли хил қарашларни ўз ичига олган "катта манзара"ни яратади; ҳатто бир қарашда "аҳмоқона" туйиладиган ғояларни ҳисобга олишни истайди
Илҳомлантирувчи мотивация	Издошларини, улар ўйлаганидан кўпроқ нарсани қилиш қобилиятига эга эканликларига ишонтиради; бошқалар интилишлари учун ўрнак кўрсатади; келажакка оптимистик қарашни намойиш этади
Шахсий ёндашув	Алоҳида бир кишининг кучли ва заиф томонларини тан олади; бошқаларнинг фаровонлигига қизиқади; фаолиятни яхшилаш учун бошқаларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди

Шундай қилиб, келажакдаги лидерларнинг профессионал салоҳиятини шакллантириш нафақат ижтимоий-психологик, балки кадрлар менежменти соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳам долзарб объекти ҳисобланади. Ҳозирги инновацион иқтисодиётга ўтаётган жамиятимизга ислоҳотларни амалга оширишда салоҳиятли лидерлар зарурлигини ҳисобга олган ҳолда юқоридаги омилларга таяниб ёшлар ва раҳбарлар орасида лидерликни ривожлантиришга эътибор қаратиш зарур.

Ахмедова Эльнора Маъмур қизи,
ТДИУ 1-босқич магистранти

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги тенденциялари, аввалambор, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва самарали бошқариш нуқтаи назаридан хар қандай миллий иқтисодиётнинг юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва рақобатбардошлик даражасини таъминлаш муаммосини кўриб чиқишни кўзда тутади. Бу, айниқса, Ўзбекистон учун долзарбдир, чунки у етарли даражада инновацион салоҳиятга эга ва Марказий Осиё минтақасида технологик етакчиликда ўз ўрнига эга [1,2].

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси" тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармонининг 1-иловасида "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси"

[100] Уилк Х., Книппенберг Э. Групповое действие. // Перспективы социальной психологии. – М.: Эксмо-Пресс, 2001.

тўлақонли, изчил ва юқори самарадорликда амалга оширилиши олдимизда турган бош мақсаддир. Мамлакатимиз Президенти муҳтарам Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистоннинг 2019 йил биринчи ярим йилликдаги мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек: “...энг катта хавф – кадрлар савияси, билими, илми ва фидойилигидадир” [3].

Шу туфайли бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш бу тизимнинг энг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Бугунги шароитда мазкур муаммонинг нечоғлиқ самарали ҳал этилиши республикамизда амалга ошириб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва жамиятимиз ҳаётини тубдан қайта қуриш борасидаги юксак мақсадларга эришишни таъминлашга ижобий таъсирини кўрсатади.

Мазкур устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”нинг 3.2.-банди “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш”га [3] бағишланган.

Унда: миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш; иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош мухитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш; принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш; хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш; туризм саноатини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туризм хизматларини диверсификациялаш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш; экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш; йўл- транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш каби вазифалар белгиланган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий шароитларида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг ўзига хослиги бор. Бироқ Ўзбекистон Республикаси халқаро тажрибанинг асосий омилларидан ва айниқса, илм-фан, ишлаб чиқариш ва олий таълим шароити ўхшаш бўлган мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиши мумкин. Умуман олганда, илмий-инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини таълим тизими предметлари рўйхатига

киритиш, олий таълим муассасаларида кичик инновацион тадбиркорликни ташкил этиш фақатгина талабаларнинг қўшимча амалиётга эга бўлишигагина эмас, балки олий таълим муассасалари учун янги даромад имкониятларини очиши мумкин.

Шунингдек, олий таълим муассасалари ва молиявий оқимларни тартибга солувчи компаниялар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар ва интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқларини реализация қилиш кичик инновацион тадбиркорликни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса олий таълим тизими шароитида фан ва таълим интеграцияни қўллаб-қувватлаши ва ривожланишини таъминлаши, шунингдек, республика олий таълим муассасаларидаги илмий кучлар эътиборини жалб этиш, уларнинг фаолиятини ишлаб чиқариш ташкилотлари билан мувофиқлаштириш, шу жумладан, ташкилотлар инновацион салоҳиятини ривожлантириш учун мақбул шароит яратишга олиб келади.

Олий таълим муассасаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишда бугунги кунда бир қатор муаммоларга дуч келиниши табиий ҳолдир. Бироқ бу жараён тўғридан- тўғри миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари, олий таълимни ҳамда молиявий оқимларни ташкиллаштириш билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтсак, бугунги иқтисодий ижтимоий ўзгаришлар негизида ОТМларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш ҳар томонлама молиялаштиришга боғлиқ. Ўтиб бораётган 2019 йил Президентимиз ташаббуслари билан “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилинди. Ҳар бир ОТМнинг жозибадорлиги у таълим-тарбия бераётган талабалари билангина эмас, балки моддий-техник базаси, илмий-инновацион ривожланишига ҳам бевосита боғлиқдир. ОТМларга молиявий эркинликнинг берилиши нафақат ОТМ нуфузига, моддий ривожланишига, балки унинг илмий-инновацион фаолиятига ҳам бевосита таъсир этади.

Хусайнова Мунисахон Яхшибековна
Қўқон университети Таълим кафедраси ўқитувчиси

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ПЕДАГОГЛАРДАГИ СТРЕССЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Шахснинг барча фаолият турлари каби таълим жараёни ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у кишининг билиш жараёнлари, индивидуал хусусиятларига алоҳида талаблар қўяди. Мазкур фаолиятга муносабат шаклида у ёки бу психик ҳолатлар пайдо бўлади. Таълим жараёнида вужудга келадиган психик ҳолатлар доимо бир хил сифат ва давомийликка эга бўлавермайди. Ижобий кечинмалар фаолият самарадорлигига таъсир этиб, уни янада қизиқарли бўлишини таъминласа, салбий ҳис-туйғулар таълим жараёни самарадорлигини тушуриб юбориши ҳам мумкин. Бир неча объектив, субъектив сабаблар таълим жараёнида ўзига хос стрессларни вужудга келишига

туртки бўлиб ҳисобланади. Таълим фаолиятида пайдо бўладиган стрессларни бартараф этиш таълим самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Психолог Морин Парсин ҳам қуйидагича маслаҳат беради:

- Ўз ғазабингизни тадқиқ қилинг. Ўзингизни тута олмай жанжал чиқарган воқеани, албатта ёзиб қўйинг. Унга ғазабингиз қўзғашига сабабчи бўлган гап, сўзларни ҳам киритишингиз керак. Яна дафтарда можарода ким иштирок этгани, ўзингизни қандай ҳис қилганингиз, ғазаб олови қанчагача ўчмай тургани ёзилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бир-икки хафта ўтиб, бунинг ўзига хос қонуниятга эга эканини англаб оласиз. Тўғри жанжал инсонга кўп нарсани ўзгартиришга ёрдам бериши ҳам мумкин, аммо уни бошқача йўл билан яъни гўзаллик ва соғлиққа путур етказмай ўзгартирса ҳам бўлади. Агар вазият ўзгармаса унга бошқача ёндошишга ҳаракат қилиш керак.

Ҳаддан ортиқ сержаҳл инсонларда секин-аста депрессия, гипертония, юрак хасталиклари, артритлар, ароқ ёки дори-дармонларга боғланиб қолиш ва хатто семириб кетиш холларини ҳам кузатиш мумкин. Бундан ташқари жаҳлини ҳаддан зиёд намойиш этадиган аёлларда сут бези раки ҳам кузатилиши мумкин.

Ҳиссиётларини мутлақо юзага чиқармайдиган, ичига ютадиган инсонларда ҳам стресс ҳолатларини кузатиш мумкин. Бунинг устига улар семириб кетишлари ёки аксинча, озиб кетишлари, инфарктга ҳам чалинишлари мумкин. Умуман бундай стресс ҳолатларига психологлар совуққон муносабатда бўлиш кераклигини таъкидлаб, совиш жахлдан тушиш учун жисмоний машқларга зўр бериш керак эканлигини таъкидлаб ўтадилар, чунки жахл чиққанда жисмоний машқлар билан шуғулланиш икки кара фойдали экан. Шунда инсон тетиклашади.

Инсон кучли стрессли ҳолатларни, зўриқтирувчи вазиятларни муваффақиятли бартараф этса келажакда яна шундай вазиятларни енгишга ўзида ишонч ва куч пайдо бўлади. Стресс ҳолатларини енгишга катта журъат билан киришиш ва ҳал этиш худди шундай вазиятларда ўз эмоцияларини бошқаришни эгаллаганлигига боғлиқ бўлади.

Стрессни енгиллаштирувчи усуллардан бири бу юмор ҳиссини фаоллаштиришдир. Чунки енгил юмор, кулгу, табассум безовталик ва сезгирликнинг пасайишига олиб келади. Юмор орқали инсон воқеанинг ахамияти ҳақидаги баҳони ўзгартиради.

Инсон вазиятни ўта оғир деб идрок этаётганида бош мия пўстлоғида доминант қўзғалиш ўчоғи юзага келади. Бу вазиятда инсонга ёрдам бериш учун унга янги доминант қўзғолиш ўчоғини юзага келтириши лозим. Бош мия пўстлоғидаги янги қўзғолиш ўчоғи қўзғолишнинг кучини камайтиради ва баъзан умуман босиб кетади. Масалан, ички низолар туфайли кучли руҳий тенглик ҳолатида турган инсон ўзига яқин одамига ҳавф таҳдид солганда ўз кечинмаларини унутиб, бутунлай соғайиб кетади. Албатта, бундай вазиятларда жамоатчилик ишларига чалғиш, илмий ёки бадиий иш билан шуғулланиш шахсий кечинмаларнинг енгиллашишига ёрдам беради.

Кўпроқ ўз ички дунёси билан банд бўлувчи инсонлар учун мусиқа стрессни бартараф этувчи, енгиллаштирувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Ўқув жамоаларидаги соғлом, ишчан вазиятнинг шахс эмоционал хушвақтлигига (комфортлик) таъсирини алоҳида қайд этиш лозим. Инсон умуман ўзига ижобий муносабатда бўлгани ҳолда муайян хатти-ҳаракатидаги қусурларни, камчиликларни, ноетуклик ҳолатлари ҳақидаги тасаввурни англай олса, бу ҳолда у камчиликларни бартараф этиш йўлига ўтади. У ўз ҳулқини ўзгартиришга эришиши мумкин, бу янги ҳулқ эса унинг онгига таъсир этиши туфайли бутун ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин. Чунки психологик ҳимоя механизмларининг ҳаракати инсоннинг қадриятлар тизимига зиён етказадиган ва шунингдек, унинг ички дунёсига жароҳат етказувчи барча нарсаларни онг соҳасидан сиқиб чиқариш эвазига ички мувозанатни сақлаб қолишга йўналтирилгандир. Баъзида психологик ҳимоя механизмлари инсоннинг ўз-ўзини ривожлантиришга тўсиқ бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Ҳозирги жамиятимизда педагогнинг мустақил равишда билимларни эгаллаб, ўз малакасини ошириб бориши - бир томондан ўқитувчилик фаолиятининг борган сари нақадар муваффақиятли бораётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан муҳим вазифа эканлигидан далолат беради - чунки, бу кечиктириб бўлмас жараён шахсни интеллектуал қашшоқликдан қутқариб қолади.

Психологик нуқтаи-назардан педагог доимий равишда ўз билимларини ошириш билан шуғулланиши зарурдир. Чунки ўқитувчилик меҳнатининг асосий хусусияти ҳам шудир. Педагог ҳар доим одамлар орасида бўларкан, у биринчидан, одамларни кўпдан бери қизиқтириб келаётган ҳақиқатни ўз қарашлари бўйича тўғри тушунтириб бериши лозим. Албатта, педагогдаги бу тариқа қарашлар кўп йиллар давомидаги меҳнат ва ҳаёт фаолияти жараёнида шаклланади; иккинчидан, педагогнинг ўзи ахборотлар олиш учун ўқувчиларга нисбатан чекланган вақт имкониятига эга; учинчидан, у ўта тор доирадаги тенгқурлари билангина мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлиб, кўпинча ўз касбига хос қизиқишлар билангина чекланиб қолади.

Педагогга жамият томонидан қўйиладиган талаблар, турли хилда ижтимоий кутишлар, педагогнинг индивидуаллиги, унинг шу тариқа талабларга жавоб беришга субъектив тайёрлиги муайян ўқитувчининг педагогик фаолиятга нақадар тайёрлигидан далолат беради.

Педагог ўз касбидан ва ҳаётдан доимо мамнунлигини дилдан ҳис қилиб, бу ҳолатни атрофдагиларга, жумладан ўқувчиларига, ҳамкасбларига, оила-аъзоларига ҳам намоён қилиши зарур. Доимо оптимистик кайфиятда бўлиш, биринчидан таълим самарадорлигига таъсир қилади; иккинчидан ўқувчиларда педагогик касбга қизиқиш уйғонади. Ўқувчиларда келажакда мен ўқитувчи бўлсам, устозимга ўхшаб, ҳаётда ўз ўрнимни топаман, ҳаётдан мамнун яшайман, деган фикр шаклланади. Шундай қилиб, ўз ҳаётидан ва касбидан мамнун ўқитувчиларимизда стрессга барқарорлик шаклланади, кучли зўриқиш ҳолати бўлмиш стресс уларни четлаб ўтади.

Хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки, педагогик фаолият энг мураккаб соҳалардан бири ҳисобланади. Чунки бунда ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, уларга мослашиб, педагогик талаблардан четга чиқмай фаолият юритиш ҳар бир педагогда стрессларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Стрессларга барқарорликни эса педагогнинг ўзи эгаллаган билим, кўникма ва малакаси орқали назорат қилади. Педагогнинг барча ижобий, умуминсоний аҳлоқ меъёрларига мос келувчи ҳислатлари катта аҳамиятга эга. Агар биз қуйидаги ҳислатларини олиб қарайдиган бўлсак, буларнинг барчаси ҳам ўта муҳим омиллардир. Жумладан, ўқитувчининг ташқи қиёфаси унинг обрўси шаклланишига таъсир этади. Ўкитувчининг озодалиги, ихчамлиги, унинг покизалиги, саранжом - саришталиги, ўзини чиройли тутиши қадди-қомати ва юриш-туришлари ўқувчиларда жуда яхши таассурот колдиради.

Farmonqulova Nilufar Ilxamovna
Qo'qon universiteti ta'lim kafedasi o'qituvchisi

CHET TILINI O'QITISHDA ZAMONAVIY INNOVATSION TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH VA UNING SAMARADORLIGI

Bugungi tezkor rivojlanayotgan zamonda ilm-fan, texnika ham shiddat bilan o'sib bormoqda. Har bir sohada taraqqiyot ilgari qadam tashlamoqda. Xususan, ilm-fanda ham katta o'zgarishlar, sezilarli yutuqlarga erishilmoqda. Har bir fanni yangi innovatsion pedagogik texnlogiyalardan foydalanib talabalarga yetkazib berish bugungi kundagi ta'limning asosiy talablaridan biri hisoblanadi. Ayniqsa, O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimovning 2012 yil 13 dekabrdagi PQ 1875 –sonli qarori qabul qilingandan so'ng mamlakatimizda chet tillarni o'qitishga, o'rganishga bo'lgan e'tibor yanada kuchaydi. Yurtimizda chet tillarni o'qitilishida yangicha bosqich, yangucha davr boshlandi. Chet tili darslarining o'itilishi jarayonida ilg'or pedagogik texnologiyalarni, interfaol, innovatsion usullardan, kommunikativ-axborot vositalaridan foydalanish talab qilinmoqda. Respublikamizda chet tilining o'qitilishi, chet tili o'qituvchilarining bilim va ko'nikmalarini baholashning umumevropa ramkalari tavsiyanomalari (CEFR) ga mos ravishda yangi usul va talablari ishlab chiqildi. Unga ko'ra umumta'lim maktablari va kasb-hunar kollejlari o'quvchilari uchun darsliklar yaratildi. Ushbu talablarga mos ravishda o'quv xonalari stendlar va yangi axborot kommunikativ texnikalar bilan jihozlandi. Chet tili o'rganishga bo'lgan talab ham kundan kunga oshib bormoqda. Chet tili fani to'rt aspectga (o'qish, yoish, tinglab tushunish va gapirish) bo'linib, ularning har biri bo'yicha alohida tushuncha va ko'nikmalar berilmoqda. Ta'lim texnologiyalari, bu ta'lim jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan unumli foydalanishdir. Shuningdek, ta'lim jarayoniga zamonaviy innavatsion texnologiyalarini olib kirish orqali ta'lim sifati va samaradorligini oshirishni nazarda tutadi. Xususan, chet tilini o'rganishda bunday

axborot-kommunikatsion texnoogiyalardan foydalanishning bir qancha afzalliklari mavjuddir. Til o’rganish va o’qitishda zamonaviy taxnologiyaning roli beqiyosdir. Texnologik vositalardan foydalanish chet tili o’rganishning har bir aspect (o’qish, yoish, tinglab tushunish va gapirish)ida qo’l keladi. Masalan, tinglab tushunish uchun, albatta kompyuter, player,CD disklarsiz bu jarayonni amalga oshirish mumkin emas. Tinglab tushunish til o’rganishning eng muhim qismlaridan biridir. Bunda o’quvchi bir paytning o’zida so’zlovchining talaffuzi, grammatik qoidalarga rioya qilganligi, so’z boyligi va uning ma’nolariga e’tibor berishi talab qilinadi. Ta’lim jarayonida zamonaviy texnologiyalardan foydalanishda o’quvchilar ham axborot — kommunikatsion texnologiyalarni yaxshi bilish va ulardan foydalana olishi muhim omil hisoblanadi. Chet tilini zamonaviy texnologiyalardan foydalanib o’rgatish va o’rganish eng samador usullardan biridir.

Globallashuv jarayonida hayotimizni internetsiz tasavvur qilish qiyin. Chet tilini o’rganish va o’qitish jarayonida undan unumli foydalanishning eng samarali usullardan hisoblanadi. Internet orqali chet tilida so’zlashuvshilar bilan muloqot qilish imkoniyati paydo bo’ladi. E-mail orqali xat yozishish bilan yozish mashqini takomillashtirish mumkin. Ta’lim jarayoniga zamonaviy — kommunikatsion texnologiyalarni olib kirish ulardan maqsadli va to’g’ri, unumli foydalanish, ular orqali o’quvchida chet tiliga bo’lgan qiziqishni orttirish, o’qitish samaradorligini oshirish eng muhim masala hisoblanadi. Bu orqali ta’limning innavatsion texnologiyalaridan foydalanishga imkoniyat tug’iladi va talab ortadi. Bugungi kunda innavatsion ta’lim texnologiyalarining bir necha xil usullari mavjud. Ulardan darslarda mavzuni yoritishda keng va turli usullaridan foydalanilsa, darsning samaradorligi yuqori bo’ladi va o’quvchilrning darsga bo’lgan qiziqishlarining ortishi ham ta’minlanadi. Ta’lim jarayoniga yangiliklarni olib kirish va ularni tadbiq qilish orqali ta’lim samaradorligini oshirish nazarda tutiladi. Chet tili darslarining o’qitilishida turli rolli, harakatli o’yinlardan foydalanish ham darsga ham til o’rganishga bo’lgan qiziqishni ortishiga sabab bo’ladi. O’quvchilarning juft yoki kichik guruhlarda ishlashlari orqali esa o’quvchilarning boshqalar bilan kommunikativ aloqa qilishlari uchun yordam beradi. Ta’lim jarayonida grafik organayzerlardan foydalanish mavzuni yoritishda, uni o’quvchilarga yetkazib berishda eng muhim visitalardan hisoblanadi. Bir mavzuni yoritishda bir necha xil grafik organayzerlardan foydalanish ham mumkin. Chet tilini o’qitishda grafik organayzerlardan foydalanib, mavzuga oid yangi so’zlarni, grammatik qoidalarni tushuntirish maqsadga muvofiqdir. Grafik organayzerlar orqali bular berilsa, yodda saqlanib qolishi ham oson bo’ladi. Chet tilini o’qitish jarayonida turli xil jadvallardan foydalanishning ham samarasi yuqoridir. Ta’lim jarayonida jadvallardan foydalanib, o’quvchilar ma’lum bir grammatik qoidani,masalan, zamonlardan foydalanib gaplar tuzish, yangi so’zlarni joylashtirib chiqishi mumkin. Chet tilini o’rganishga ehtiyoj yuqori bo’lgan bir davrda, ta’lim jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan, innavatsion ta’lim texnologiyalaridan unumli foydalanish bu jarayonni samarali bo’lishiga olib keladi. Innavatsion ta’lim texnologiyalarning samaradorligi ularning ta’lim jarayonida to’g’ri va unumli foydalanilganidadir.

Хайдарова Чаросхон Жахонгир қизи
Қўқон университети Таълим кафедраси ўқитувчиси

ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАР АСОСИДА ЎҚУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Маълумки ҳар қандай педагогик технология таълимни ривожлантирувчи янги тамойилларга асосланган бўлиб, тингловчи талаба шахсини шакллантиришга йўналтирилмоғи керак. Илғор педагогик технология марказида таълим жараёнининг раҳбари ҳамда шу жараённинг субъекти-ю объекти бўлган ўқтувчи ва тингловчи талаба туради. Шундай экан, бу икки шахснинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида бўлиши лозим. Бунинг учун таълим жараёни, ўқитувчи, таълим тарбия - жараёни олдига қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари тингловчи талабани ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, тингловчи талаба шахсий фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик муҳитини вужудга келтириш, тингловчи талаба фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, таълим олувчилар фаолиятини назорат этиш, улар томонидан эгалланган билим, малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни талаб этади.

Ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тўпланиб интерактив методлар номи билан юритилмоқда. Бундай методлардан бири “Кластер” (“Тармоқлар”) методидир. Бу метод педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таълим олувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ-ўйлаш ва фикрларини бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. «Кластер» методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади.Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади.Ушбу метод муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Кластер» методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан таълим олувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ушбу метод гуруҳ аъзолари томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён

бўлади. Бу эса гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан илгари сурилаётган ғояларни уйғунлаштириш ҳамда улар ўртасидаги алоқаларни топа олиш имкониятини яратади.

Мазкур методни машғулотларга қуйидагича қўллаш мумкин:

Мавзу: маҳсулотларнинг бозордаги аҳволи.

Дарсни ташкил этиш:

Янги мавзуни ўзлаштиришнинг самарадорлигига эришиш учун ўтилган мавзулар юзасидан қисқача такрорлаш машқлари ўтказилади. Уни қуйидагича ташкил этиш мумкин:

1. Кичик ва ўрта бизнес деганда нимни тушунасиз?
2. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун амалга оширилаётган вазифалар нималардан иборат.
3. Кичик ва ўрта бизнес йирик корпарацияларга айланиш мумкинми?

Ўтилган мавзуни такрорлаш билан таълим олувчилар онгида янги мавзуни ўзлаштиришга замин ҳозирланади. Бу эса янги мавзуни ўзлаштиришнинг самарадорлигини таъминлайди. "Кластер" методига асосан, гурух асосида ташкил этилаётган машғулотларда ушбу метод гурух аъзолари томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Ҳар бир гурух аъзоси бирор бир ғояни илгари суради, шундан сўнг барча ғоялар уйғунлаштирилади.

Бунинг учун ўқитувчи жамоани 3 ёки 4 гурухга бўлади. Уларга муайян мавзуни айтади. Мазкур мавзуни пухта ўзлаштиргунларига қадар босиб ўтиладиган йўлнинг намунасини келтиради. Унга кўра, муайян мавзу: " Кичик ва ўрта бизнеснинг бозордаги ўрни"ни аниқлаш. Буни аниқлагунга қадар таълим олувчилар қуйидаги муаммолар юзасидан эркин, очиқ ўйлаш, фикрлаш имкониятига эгадирлар:

Кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни қандай бўлиши керак?

У нимага боғлиқ:

Қандай хизмат кўрсатишга ва қандай товар ишлаб чиқаришга боғлиқ.

Бу масалалар ёритилган плакат ёзув тахтасига илиб қўйилади.

Дарснинг бориши:

Такрорлаш учун аввалан тузиб қуйилган саволлар берилади.Таълим олувчилар шу орқали ўтилган мавзуни такрорлаб олишади.

Ўқитувчи:

"Кластер" методидан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

1. Ўртага ташланган масала юзасидан ниманики ўйлаган бўлсангиз, шуни қоғозга ёзинг. Фикрингизнинг сифат аҳамиятга эга эмас.
2. Ёзувингизнинг имло ёки бошқа жихатларига эътибор берманг.
3. Берилган муаммоларни ечиш учун 20 дақиқа мухлат ажратилган. Сиз шу дақиқа ичида ёзишдан тўхтаманг.Ёзиш учун ғоя топа олмасангиз, қўйилган муаммолар юзасидан тасаввурингиздаги нарсалар расмини чизинг. Бу ҳолатни янги ғоя туғилгунга қадар давом эттиринг.

4. Муайян мавзу доирасида имкон қадар кўпроқ ғояларни келтиришга харакат қилинг ва улар иложи борича бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлсин. Улар орасидаги чексиз алоқаларни кўрсата олинг.

Мазкур босқичларни бажариб бўлингач, энди гурухдагилар ўз фикр (ғоя) ларини уйғунлаштирадилар, улар ўртасидаги алоқаларни топиб битта андозага соладилар. Ва ўқитувчи ҳамда бошқа гурух аъзоларининг хукмига ҳавола этадилар. Бунинг учун ҳар бир гурухдан вакил сайланади. Гурух томонидан жамланган ғоялар туркумини ўқиб эшиттирилади.

"Кластер" методи бўйича келтирилган ушбу босқичлар босиб ўтилгач, таълим олувчилар ўз-ўзидан янги мавзуни тушуниб оладилар.Чунки, бу ерда ҳамма ғояларни ўқитувчи эмас, балки ўзлари ўйлаб топадилар. Бу ерла ҳар томонлама қарашлар, ғоялар ўртага ташланади ва масаланинг ечими изланади. Ечимни топиш учун изланиш давомида янги билим ва маълумотлар, мавзуга тегишли муҳим жихатлар очилади,ўзлаштирилади. "Кластер" методи ўқувчиларнинг мустақил, эркин фикрлаш малакаларининг такомиллаштириш билан бирга уларнинг ижодий мушоҳада этиш салоҳиятини ҳам ривожлантиради.

Машғулот сўнгида ўқитувчи таълим олувчиларнинг ғояларини маълум хулосага келтиради ва эълон қилади. Таълим олувчиларнинг билими баҳоланади, фаол иштирокчилар рағбатлантирилади.

Уйга вазифа берилади.

Ушбу методни иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юрти талабалари учун ҳам қўллаш мумкин. Бунда талабалар фақат иқтисодий фикрлашнигина ўрганиб қолмай, кенг доирадаги иқтисодий муаммоларни аниқлаши, таҳлил қилиши, иқтисодий ривожланиш тенденцияларига баҳо бериши, бу ўзгаришлар келажакда қандай натижаларга олиб келиши мумкинлигини англай олишлари мумкин.

Маматкулова Мархабохон Нуриддин қизи
Қўқон университети Таълим кафедраси ўқитувчиси

ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги кунда таълим тизими ва олиб борилаётган туб ижтимоий иқтисодий ва маънавий ислоҳотларнинг асосий мақсади таълим муссасалари ва ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сархитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашдир.

Шундай экан эндиликда ушбу холат таълим ва тарбияни мақсади мазмуни моҳияти ва педагогик ва иктисодий жараённи тубдан модернизациялашни тақазо этади. Бу борада амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар тартибига эътиборни қаратадиган бўлсак, ўқитувчи ва талаба фаолиятига алоҳида урғу берилиши мақсадга мувофиқ хисобланади.

Демак бугунги куннинг ўқитувчи (тарбиячи)си ўзининг юқори интелектуал салоҳияти, ижобий сифат фазилатлари ва бошқа алоҳидалик томонлари билан ёшларга ўрнак бўла олишлари даркор.

Бу ерда бир савол туғилади, бугунги муаллим, тарбиячи юқоридаги талабларга тўла жавоб бера оладими? Агар жавоб берса нур устига нур, акс ҳолда нима бўлади? Энди жавоб қандай, бунинг учун барча бўғин таълим муассасалардаги ҳолатни атрофлича ўрганиб чикилиши лозим бўлади.

Тўғри сўнги пайтларда барча таълим муассасаларда олиб борилган кадрлар сиёсатида модернизацияга алоҳида эътибор қаратилиб таркибида тубдан ўзгаришлар юзага келди. Натижада олий таълим тизимида профессор ўқитувчиларнинг салоҳияти ва ёшлари бўйича сезиларли ўзгаришлар юзага келди. Ўрта мактаб, академик лицей ва касб хунар коллежлари ва бошка иктисодий сохалларда хам жамоа орасида асл ватанпарвар кадрларнининг салмоғи ўртача 70-80 фоизни тўғри келаётган бўлса, айрим муассасаларда бу кўрсаткич ундан ҳам юқорини ташкил этмоқда. Тизимда ёшларнинг салмоғи кескин ортмоқда.

Бир томондан қараганда бу яхши ҳолат, аммо унинг иккинчи томони ҳам бор. Сабаби таълим муассасаларида билим билан тарбияни уйғунлигини бош омил сифатида қараш лозим. Шу боисдан таълим тизимини модернизациялаш жараёнида тарбия ва тажрибага ҳам алоҳида эътибор қаратмоғимиз шарт.

- Таълим ва тарбия жараёнини давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим бир объекти сифатида қараш;
- Аксарият ёш ўқитувчиларимиз етарли даражада тарбия борасида тажриба салоҳиятига эга эмаслигини олдини олиш;
- Уларнинг кўпчилиги тадбиқчи ва тарбияланувчи орасидаги масофа (муносабат) мазмун ва моҳиятини, ёшларни тарбиялашдаги ижобий ва салбий оқибатларини тўлиғича фарқлай олмайди;
- Айрим ёш ўқитувчи (тарбиячи)ларимиз онгида шахсий манфаат устуворлиги сақланиб қолаётганлигини олдини олиши;
- Ўз устози олдида илгари шогирд бўлганлигини унитиб қўювчиларга бархам бериш;
- Таълимтарбия жараёнида, тажриба устуворлигини таъминлаш.

Сир эмас, юқорида зикр этилган ҳолатларнинг таълим муассасалари ходимлари орасида ҳамон учраб туриши, бу борадаги ислоҳотлар самарасига салбий таъсирини ўтказмоқда.

Шу боисдан биз бугунги молиявий-иқтисодий инқироз ҳукум сураётган бир пайтда, унга қарши чоралар дастури доирасида қуйидаги тадбирларни амалга оширилишини мақсадга муофиқ деб ҳисобладик.

Бу ерда тарбиячи ва тарбияланувчилар ўз хуқуқ ва бурчларини тўла англашлари, бу соҳадаги қонунлар, меъёрий хужжатларни амалиётда тўла қўллай олишлари шарт. Сир эмас, таълим муассасаларининг айрим ваколатли шахслари юқоридаги меъёрий хужжатлардан ўзларининг манфаатлари йўлида фойдаланиши ва ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилиши ҳоллари ёшлар

орасида таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг стратегик мақсадларини тушунишига тўсиқлик қилмоқда.

Бу нафақат таълим муассасаларидаги тарбияланувчилар тарбиясига акс таъсир ўтказибгина қолмай, ҳукумат қарорлари, меъёрий хужжатлар обрўсига путур етказмоқда. Бу масалаларга биринчи навбатда тарбиячи томонидан чек қўйилиши бугунги куннинг асосий талабларидан биридир.

Ижтимоий-иқтисодий воситалар. Бу ерда биз барчанинг онгида сақланиб келаётган таълим муассасалари ҳодимларининг иш ҳақларини ошириш зарур дейилган фикрдан бир оз йироқмиз. Асосий кўзланган мақсадимиз илмий ҳодимларнинг илм соҳасида тадбиркорлик билан кенгроқ шуғулланиш зарурлигини назарда тутамиз. Бу йўл ўзининг бир қатор ижобий томонларига эга.

– Таълим соҳаси инновацион лойиҳаларни тадбиқ этилишига олиб келади, янги маҳсулот (хизмат)лар юзага келади;

– Таълим муассасалари ҳодимлари бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиш имкони юзага келади ва уларни ўз илмий меҳнатларидан манфаатдорлиги ортади;

– Юқоридаги ижобий ҳаракатларни ёшлар, яъни тарбияланувчилар кўз ўнгида юзага келиши, ўрнак олиш ҳисини уйғотади ва илмга қизиқишини ортиради;

– Таълим тизими муассасалари моддий техник базасини юксалтирибгина қолмай ишлаб чиқариш билан илм (фанни) узвийлигини таъминлайди. Бу масалаларни ҳал этишда таълим тизимда бошқарувнинг барча усулларидан оптимал фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу ерда тарбиячи йўлбошчилик ҳусусиятларини тўла номоён этишлари лозим, яъни ёшларни тўғри йўлга бошлаши, уларга меҳнатга нисбатан муносабатни тўғри шакллантириши, меҳнатни биринчи эхтиёж эканлигини ёки ҳар қандай меҳнатларнинг энг улуғи илм эканлиги тушунтирилиши лозим. Бу борада биринчи навбатда ўзи ўрнак бўла олиши керак. Бундан ташқари ваъдага вафо қилиш, ўз сўзи устидан чиқиши ҳам фойдали ҳисобланади.

Муаммони ижобий ҳал этишда таълим муассасалари ҳодимларининг иш куни тартибини тўғри танлай олиши ва танлашда комплекс ёндашувни талаб этади. Бу ерда ҳодимларга таълим ва тарбия жараёнидан ташқари, дарсдан ташқари вақтларни кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Акс ҳолда таълим муассасалари ҳодимларининг таълим соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, давлат грантлари хўжалик шартномалари асосида иш олиб бориш имкониятлари чекланишига олиб келади.

Ҳаммамизга маълум таълим муассасалари меҳнати махсули ёки махсулоти бу халқ хўжалигининг барча соҳалари учун тайёрланаётган малакали кадрлар хисобланади. Кадрлар малакаси ҳақида гап борганда бу битирувчининг маълум бир меҳнат фаолиятини амалга ошира олиш қобиляти тушунилади. Шундай экан аввало устоз мураббий ёшларга билим малака бериши жараёнида ўзи ўша қобилятга эга эканлигини шогирдга ишонтира олиши шарт, бир сўз билан айтганда ўрнак бўлиши.

Бу масалани ҳал этилишининг иккинчи томони ҳам бор. Бу таълим муассасаларининг хозирги замон ўқув – лабаратория жиҳозлари билан етарли даражада таъминланганлиги ва дарс, дарсдан ташқари вақтларда кенг қўллай олишидир. Айрим таълим муассасаларида ушбу муаммони тўла етилмаганлик ҳолларини учраб туриши ҳам ачинарли ҳолдир.

Таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш корхоналари орасидаги муносабатни тўғри йўлга қўйиш. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юқори суръатлар билан ривожланиши юқоридаги муносабатларни маълум миқдорларда қўздан чиқишига олиб келади.

Шундай экан масалани ижобий этмай туриб малакали кадрлар тайёрлаш масаласи кескинлашиб бораверади. Бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан ишлаб чиқариш амалиёти базасида фойдаланилса давлат томонидан маълум бир миқдорларда қўллаб қувватланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Давлат томонидан юқоридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлашда молия-кредит, солиқ рағбатлантириш каби иқтисодий дастурлардан кенг фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради. Барча таълим муассасалари рахбар ҳодимларини ишга маъсулиятини ошириш уларни ҳар қандай ноқонуний харакатларга йўл қўймаслигини таминлаш.

Хулоса қилиб айтганда таълим муассасаларида “ўрнак” ёшларнинг интелектуал салоҳиятини оширибгина қолмай, ҳодимлар мафаатдорлиги, таълим муассасаси мавқейини оширади ва молиявий ҳолатини яхшилашга қўшимча имкониятлар яратади.

Маматқулова З, Мавлонова З
Тошкент давлат аграр университети, ўқитувчилари

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАЛАБАЛАР ТАФАККУРИГА ТАЪСИРИ

Талабалар ақлий фаолиятини фаоллаштириш усулларини ишлаб чиқиш XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига тўғри келади.

XX асрнинг 30-йилларида таълим тизимида педагогик усулларни қўллаш заруриятини англаш ҳодисаси кузатилди. Америкада муаммоли таълим бўйича икки хил қараш мавжудлигини фарқлаш мумкин. Улардан биринчиси Дж.Дьюига дахлдор бўлса, иккинчиси Бертонга тааллуқлидир.

Дж.Дьюи таълимнинг барча турлари ва шаклларини талабаларда муаммоларни ечиш йўли билан мустақил таълим олишга алмаштириш тарафдори бўлиб чиқди. Шу билан бирга, бу таълимнинг муаммоларни ҳал қилиш усулида ўқувнинг амалий шаклига асосий эътиборни қаратишни таклиф қилди [2]. Маълумки, Дж.Дьюи Чикаго мактабларининг бирида ўз тадқиқотларини бошлар экан, таълим олувчиларнинг шахсий фаоллигини ривожлантиришга асосий эътиборини қаратади. У тез орада шу нарсани

аниқладики, талабалар қизиқишларини инобатга олган ва уларнинг ҳаётий эҳтиёжларига боғлиқ билимларни эслаб қолишга қаратилган вербал таълимга нисбатан катта натижаларни эгаллаш имконини беради. Дж.Дьюининг таълим назариясига қўшган ҳиссаси шундаки, у «тафаккурнинг тўлиқ ривожланиши" концепциясини ишлаб чиқди. Муаллифнинг психологик қарашларига кўра, инсон енгиб ўтиши ўта муҳим бўлган қийинчиликларга тўқнаш келгандагина фикрлаб, тафаккур қила бошлайди.

Дж.Дьюининг фикрича, тўғри ташкил қилинган таьлим муаммоли бўлмоғи зарур. Аньанавий тизимдан фарқли ўлароқ олим кескин янгиликларни, қўлланмаган ечимни таълимга киритишни таклиф қилади. «Китобий ўқиш»нинг ўрнига фаол таълим принципини киритиш тарафдори бўлиб чиқади. Бу принципга биноан, талаба ўзининг шахсий билиш фаолиятини ташкил қилиши талаб қилинади. Бундай кўринишдаги таълимда энди ўқитувчи фаол ўқитувчига айланади ва у талабаларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмак берадиган ёрдамчи сифатида иштирок этади.

Дж.Дьюи таълимнинг ўзига хос психологик назариясини ишлаб чиқди. Унинг мазкур назариясига биноан, таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчининг роли таълим олувчиларнинг мустақиллигини бошқаришдан ва уларни мустақил тафаккур қилувчи инсонларга айлантиришдан иборат. Олим ўзининг таълим бериш усулларига ўйинларни, импровизацияларни, экскурсияларни, хўжалик юритишни киритганлиги ҳам бежиз эмас, албатта у талабаларнинг индивидуаллигини ривожлантиришни таълимнинг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Шу ўринда Америкадаги бугунги ҳолат билан ҳам танишиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. У.Александер, П.Хальверсон ва ҳоказоларга тааллуқли «муаммоларни ечиш орқали таълим бериш» назарияси бугунги кунда Америка педагогик психологиясида катта эътиборга эга. Бу назария Дж.Дьюи назариясидан фарқли ўлароқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

а) бу назарияда Дж.Дьюининг қарашларидаги ўқитувчининг ролини оширишга ва талабанинг «ўзини ўзи ифодалашга» ўта катта эътибор қаратилмаган;

б) илгари кузатилган таълимдаги ўта индивидуаллашувдан фарқли ўлароқ бу таълимотда муаммони ечишнинг жамоавий принципи илгари сурилади;

в) таълимда муаммоларни ечиш усулига ёрдамчи усул сифатида қаралади [2].

XX асрнинг 70-80-йилларига келиб англиялик психолог Э.Де Боно педагогик технологияларнинг таълимда қўлланилиши тарафдори бўлиб чиқди ва ўз тадқиқотларида уларнинг талабалар ақлий тараққиётига таъсирини кўрсатиб берди [7]. Унинг фикрича, таълим олувчида тафаккур жараёнини уйғотмайдиган таълим ҳар доим кутилган натижа бермайдиган таълим ҳисобланади.

Болгариялик психолог олимлар И.Петров ва М.Марковлар педагогик технологияларни амалий хусусиятга эга бўлган соҳаларда қўллаш тарафдорлари ҳисобланишади. Шунингдек, уларнинг бошланғич мактабларда

дарсларни ташкил этишда муаммоли таълим усулини қўллаш бўйича бир қатор ишларини кузатса бўлади [4].

Шу ўринда собиқ Иттифоқ даврида педагогик технологияларнинг таълимга олиб келинишини таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди. Собиқ Иттифоқ даврида муаммоли таълим назарияси XX асрнинг 60-йилларида таълимга кириб кела бошлади. Бу вақтга келиб талабалар билиш фаолиятини рағбатлантириш ва фаоллаштириш, талабанинг мустақиллигини ривожлантириш сингари масалалар диққат марказида бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, бу борада бошланган иш маълум қийинчиликларга дуч келиб қолди:

а) анъанавий таълим усулида «ўйлашга ўқитиш» принципи эмас, балки «тўпланаётган билимларни кўпайтириш ва хотирада сақлаш» принципи асосий принцип бўлиб қолаверди;

б) таълимнинг анъанавий усули болалар назарий тафаккурини шакллантиришдаги тасодифийлик ҳолатини йўқота олмади;

в) тафаккур тараққиёти муаммоларини тадқиқ қилиш билан асосан психологлар шуғулланишдилар, тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик назариясида бу масала назардан четда қолди. Бошқача қилиб айтганда, шу ўринда психологлар билан педагоглар ҳамкорлиги кузатилмади. Натижада талабалар ақлий ривожланишида таълим усулларининг роли масаласи кам ўрганилган соҳалардан бирига айланди.(В.В.Давыдов)

С.Л.Рубинштейн, Н.А.Менчинская, Т.В.Кудрявцев сингари психологлар таълим жараёнида ақлий тараққиётнинг таъминланиши зарурлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар. Уларнинг фикрича, ақлий тараққиёт нафақат ўзлаштирилган билимларнинг ҳажми ва сифати билан тавсифланади, балки билиш жараёнларининг тузилиши билан, талабадаги мантиқий операциялар ва ақлий ҳаракатларнинг тизими билан ҳам тавсифланади.

Шу ўринда А.М.Матюшкиннинг муаммоли таълим тизимини таълимда қўллаш зарур, деган ғояга асосланган қарашларига тўхталамиз. Олимнинг фикрича, таълим жараёнида таълим олувчи тафаккурнинг ривожланишига сабаб бўладиган асосий омил – бу муаммоли вазият ҳисобланади. Муаммоли вазиятни яратган ҳолда таълим бериш, табиийки, педагогик технологияларнинг бир тури бўлиб, таълимда талабани фикрлашга, мустақил ғояларни илгари суришга олиб келади .

Педагогик технологияларнинг инсон тафаккурига таъсирининг психологик-педагогик муаммо сифатида ўрганилиши тарихининг бугунги кун нуқтаи назаридан қарасак, М.И.Махмутов, И.Я.Лернер, Н.Г.Дайри сингари педагог олимларнинг тадқиқотларини талқин қилишга тўғри келади. Улар томонидан илгари сурилган асосий ғоя шунга бориб тақаладики, таълимда муаммолиликни жорий қилиш талабалар ақлий фаолиятининг қонуниятларидан бири ҳисобланади. Рус олимлари томонидан турли предметларда муаммоли вазиятларни яратиш усуллари ишлаб чиқилган ва муаммоли ақлий масалаларнинг мураккаблик даражасини баҳолаш мезонлари ўйлаб топилган. Педагогик технологиялар аввалига ўрта мактабларда қўлланила бошланган,

сўнгра секин-аста ўрта махсус ва олий таълим жараёнларида ҳам татбиқ қилинган [5].

С.И.Калинин томонидан педагогик технологиялар такомиллаштирилган ва импровизация жабҳаларини ҳам киритган [3]. Импровизациядан, айниқса коммуникатив хусусиятли масалаларни ҳал этишда қўлланиладиган бўлган.

В.Ф.Шаталов, П.М.Эрдниев, Г.А.Рудик ва шунга ўхшаш психолог ва педагоглар томонидан ўқитувчи муаммоли вазиятларни яратиш усуллари ишлаб чиқилган ва талабалар томонидан шу муаммоларни ечиш, уларнинг тафаккурини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири сифатида қаралган [6]. Улар томонидан монологик, кўргазмали, диалогик, эвристик, тадқиқот, дастурли алгоритм сингари умумий методлар ишлаб чиқилган ва ўқитувчи билан талаба ўртасида педагогик технологияларни ўтказиш жараёнидаги ўзаро муносабатлари тизими яратилган. Маълум маънода айтиш мумкинки, юқорида таъкидланган янгидан педагогик ва дидактик усулларнинг пайдо бўлиши келажакда педагогик технологияларни ривожлантириш учун хизмат қилган.

Шундай қилиб, юқорида таълимнинг ***иккинчи*** типини, яъни янги муаммоли таълимга асосланган педагогик технологияларнинг пайдо бўлиши тарихига қисқача тўхталиб ўтдик. Энди таълимнинг ***учинчи*** типи – дастурлаштирилган (программалаштирилган) таълимга ҳам қисқача тўхталиб ўтамиз.

Содда қилиб айтганда, дастурлаштирилган таълим деганда - илгаридан ишлаб чиқилган дастур асосида амалга ошириладиган таълим тури бўлиб, унда ҳам талабанинг, ҳам ўқитувчининг ҳаракатлари олдиндан кўзда тутилган бўлади.

Шундай қилиб, юқорида педагогик технологияларнинг пайдо бўлишига ва уларнинг инсон тафаккурига таъсирига, педагогик психологияда муаммонинг ўрганилиш тарихига қисқача тўхталиб ўтдик. Педагогик технологияларнинг ривожланишида муаммоли таълимнинг ролини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилдик. Энди педагогик технологияларнинг инсон ақлий тараққиётига қўшадиган ҳиссасини, ақлий ривожланишига таъсирининг психологик механизмларини, шунингдек, шу йўналишда хориж ва мамлакатимиз психолог ҳамда педагогларининг олиб бораётган илмий изланишларини таҳлил қилишга ўтамиз.

Ю.К.Нарметова
Тошкент тиббиёт академияси

ОИЛА - БОЛАЛАР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ПСИХОСОМАТИК ОМИЛИ СИФАТИДА

Психосоматик бузилишларнинг шаклланишида муҳим омил кўп ҳолатларда дифункционал оила бўлиб ҳизмат қилади. Ҳеч кимга сир эмаски, инсоннинг асосий ижтимоийлашув жараёни оилада бўлиб ўтади, оилавий ўзаро муносабатларнинг бузилиши у ёки бу патологиянниг вужудга келишига сабаб

бўлади. Эрта ёшликдан она болада ўзига ва атроф-муҳитга нисбатан муносабатни белгилайди, болада тана тилини шакллантиради. Агар онанинг психосоматик характерикстикаларига мурожаат қиладиган бўлсак, унинг тарбияга ўта кириб кетганлиги, авторитарлиги, доминанталигини, юқори ҳавотирлиги, тажаввузкорлиги, талабчанлиги, ички низолилигини кўриш мумкин.

Манбаларда қуйидаги **психосоматоген оилаларнинг** намоён бўлиши кўрсатилади:

1. Ота-онанинг болани ҳаётий муаммоларига ўта киришиб кетганлиги, бу унинг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатиб, ҳимоя механизмларини ривожланига йўл қўймайди;
2. Оиланинг ҳар аъзосининг бошқасини стрессларига нисбатан юқори сезувчанлиги;
3. Ўзгарувчан вазиятларда ўзаро муносабатларнинг ригидлигида қоидаларни ўзгартира олиш қобилиятининг сустлиги;
4. Ўз фикрини ифодалашдан ва низоларни очиқ муҳокама қилишдан қочиш;
5. Боланинг касаллиги кўп ҳолатларда эр-хотин низоларида стабилизатор (мувозанатлаштирувчи) ролини бажаради [1].

Бошқача қилиб айтганда, соғлиқ саломатликнинг бош шарти оиланинг руҳий ҳотиржамлигидир. Шунинг учун, агар, ота-она психологик маҳоратли бўлса, фарзанларини тушунса, қадрласа, зарур “миқдорда” ижобий эмоциялар бера олса ва энг муҳими бир-бирини севиб, ғамхўрлик қилсагина, фарзанд стрессларга бардош берувчи ва табиийки соғлом бўлади.

Ота-оналарнинг тарбиялаш услубларидаги оғишлар рўйҳатини қуйидагилар билан тўлдириш мумкин: аёл, эркак ёки болаларга хос хусусиятларни ихтиёр этиш, ота-оналар хис-туйғулари соҳасини кенгайтириш, боладан жудо бўлиш қўрқуви, ота-оналик ҳис-туйғуларини ривожланмаганлиги, ўзининг салбий хусусиятларини болада кўриш, эр-хотин ўртасидаги низоларни тарбия соҳасига кўчириш [2].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ота-оналик услуби бу – умумлаштирилган, ўзига хос, визиятли ва ноодатий тарзда ота-оналарнинг бола билан мулоқоти, фарзандга нисбатан муносабатни шаклидир. Таҳмин қилиш мумкинки, оилавий ўзаро муносабатлардаги оғишлар маълум психосоматик бузилишларни шаклланишига сабабчи бўлади.

Касаллик – бир томондан муҳитга мослашув услуби бўлса, иккинчи томондан – салбий омил ҳисобланади. Юзага чиқарилмаган қаҳр, қўрқув, айбдорлик ҳисси танадаги блокларга олиб келади, улар вақт ўтиб, у ёки бу аъзо ёки тана қисми касаллигига айланади. Кейинчалик ушбу эмоционал ҳолатлар соматик саломатликда акс этади. Бунда ота-оналар ҳис –туйғуларга таъқиқлар ёки тез-тез такрорланиб турувчи диструктив низолар уларнинг фарзандарининг психосоматик соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Ҳаттоки, агар оилада ҳотиржамлик бўлса, стресс ёки психик жароҳат психосоматик касалликларга олиб келиши мумкин, шунинг учун, тиббий даволаш билан бир қаторда

психотерапевтик ёрдам ҳам кўрсатилса, боланинг ҳам жисмоний ҳам руҳий ҳолатидаги натижа юқори самарадорликка эга бўлади.

Куватова Нозима Бахтиёровна
таянч докторант
Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШ

Замонавий педагогикада инновацион педагогик технологияларнинг таркибий қисми инновацион технологияларни қўллаш сифатида тўғрисида кўп гапирилади. Касбга йўналтириб ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш муоммолари ва уни ҳал этиш истиқболлари замонавий педагогикада ўқувчи, талаба ёки таҳсил олувчи ўқитиш ҳаракатлари “обеъкти” сифатида номоён бўладиган кескин “авторитар бошқарув”дан воз кечади,ўқитиш обеъктининг билимларини эгаллашга ташаббускорлигини қуллаб–қувватлаш ва рағбатлантириш ташкиллаштириш тизимига, ижод қилиш учун шарт – шароитлар яратишга, ижодий фаолият орқали ўқитишга, ҳамкорлик педагогикаси шаклиги ўтмоқда. Ўқитувчининг сўнгги пайтларда олий таълим муассасаларида кенг жорий қилинаётган инновацион технологияларни қўллаш муомолари ва уни ҳал этиш истиқболлари долзарб муаммога айланмоқда. Бунинг сабаби шуки, педагогик фаолиятга хос бўлган касбий билимга эга бўлиши, мустақил педагогик фаолиятга ва ижтимоий муносабатларга, шу жумладан педагогик жамоа таркибида ҳам тайёрлаш ва мослаштириш керак. Касбга йўналтириб ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш, яратиш ва уларни бошқариш, орқали таълим ва тарбиянинг бугунги долзарб вазифаларни ҳал қилиб беради.

Шу боисдан ҳам педагогик инновацияларни излаб топиш ўрганиш, таҳлил қилиш орқали энг кўп самара берадиганларни танлаб олиш ва уларни амалиётга қўллаш тартибини белгилаш мақсадга муқофиқдир. Шунинг учун ўқитувчи талабани фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услублар, ўқитиш шакллари ва воситаларни излайди, уларни такомиллаштиради.

Ҳозирги кунда бу тизимни яратиш йўлида бир қатор изланишлар, сайҳаракатлар олиб борилмоқда. Инноватциялар долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмуни ривожи учун истиқболли ҳисобланади, шунингдек, умуман таълим тизми ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Интерфаоллик таълим бериш соҳасида умуман янги ҳодиса, бунга биноан таълим берувчи: ўқитувчи, бошқа талабалар, маъмурият билан фақат шахсий учрашув йўли билан эмас, балки таълим жараёнининг барча субъектлари билан фаол ўзаро ҳаракат қилиши мумкин; мультимедиали объектларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг мазмуни, шакли, ўлчови ва рангини ўзгарувчан бошқариш, уларни ҳар томондан кўриб чиқиш, шунга ўхшаш бошқа ҳаракатларни бажаришни, энг кўп кўргазмалиликка эришишда тўхтатиш ва хоҳлаган жойида яна ишга тушириши мумкин. Интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади.

Case-study методи (инглизча “Case” воқеа, ҳодиса, “study” ўқиш, ўқимоқ сўзларининг бирикувидан хосил қилинган) аниқ, реал ёки сунъий яратилган вазиятларни ўрганиш, тахлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир. Мазкур метод таҳсил олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган мауммоли вазиятларни тахлил қилиш орқали ўқитувчи томонидан таҳсил олувчиларга билимларни тайёр холда етказиш ёки ечимларни бериш эмас, балки уларни ҳам этишнинг энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Таҳсил олувчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга муаммоли вазиятларни ўрганиш ва таҳлил қилишга, унинг ечимини топиш учун мустақил изланишга ҳамда аниқ ёки муқобил қарорлар қабул қилишга ўргатади.

Кейс-стади (инглизча case – вазият, ҳолат, study -ўрганиш). Кейс-стадида баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган ўқитиш усулидир.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва Кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ўқитиш вазиятининг долзарблиги: Энг кўп тарқалган ва хусусиятга эга бўлган таълим усуллари қуйидагилар ҳисобланади: суҳбат, баҳс, ўйин, кейсстади, лойиҳалар усули, муаммоли усул, ақлий ҳужум ва бошқалар ҳисобланади Аниқ вазият таълим беришни ҳақиқийликка боғлайди: кейс таълим олувчиларга вазиятни ташҳис қилиш, фаразларни ифодалаш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш бўйича аниқ босқичларни лойиҳалашда амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини беради.

Кейс таълим олувчиларга таҳлил қилиш, тенглаштириш йўлларини қидириш ва муаммони ечиш эркинлигини беради.

Кейсни кўриб чиқишда таълим олувчилар таълим олиш жараёнини яратадилар ва жараёнда ўзаро ҳаракатда ҳақиқий фикр алмашиш ҳолатларини яратадилар. Ўқув жараёнини ташкил этиш, самарали натижага эришиш кўп

жиҳатдан тўғри, оптимал методни танлашга боғлиқ. Энг қулай ва юқори самара берувчи методни танлашда ўқитувчи бир қанча омилларни хисобга олиши, уларни таҳлил қилиши ва шу тахлил асосида маълум вазиятга мос тушувчи методни танлаш малакасига эга бўлиши талаб этилади.

Бўлажак ўқитувчиларда ҳар бир дарс учун мос келувчи энг қулай методни танлаш малакасини шакллантириш ўта муҳим масала. Чунки тўғри танланган метод ўқув жараёнини самарали бўлишга олиб келади.

Хусанов Нозим Бахтиёрович,
мустақил изланувчи,
Педагогик инновациялар, касб-ҳунар
таълими бошқарув ҳамда педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш институти

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИ

1997 йил 29 августда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таълим беришнинг илғор педагогик технологияларни, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш, ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш, ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, илғор ахборот ва педагогик технологияларни ўқув-тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмини рўёбга чиқариш кабилар алоҳида кўрсатиб ўтилган эди.

Булардан келиб чиқиб, ҳозирги кунгача инновацион педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, таълим-тарбия жараёнида кенг қўллаш, самарали натижаларга эришиш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари ҳимоя қилинди, ўқув, ўқув-услубий, методик ишланмалар тайёрланиб узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида, фанларни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилмоқда.

Инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари етарлича ривожланиб борар экан, бизнинг кейинги вазифамиз уларни интеграциясини вужудга келтиришимиз лозим бўлади.

Интеграция сўзи лотинча *integration* – тиклаш, тўлдириш деган маъноларни англатиб, интеграциялаш эса, бир бутуннинг алоҳида бирбирига боғлиқ қисмларини илмий билимлар асосида яқинлаштириш, тўлдириш ва юқори даражага олиб чиқишдан иборат жараёндир. Бугунги кунга қадар интеграциянинг сиёсий, ижтимоий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, молиявий, маданий, илмий ва таълимий (педагогик) интеграция каби турлари мавжуд.

Мамлакатимиз таълим тизимида инновацион педагогик технологиялардан ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг методик тизими ишлаб чиқилиб, таълим-тарбия жараёнида қўлланилаётган бўлсада, бу соҳада етарлича муаммолар мавжуд. Хусусан:

- Таълим парадигмасининг ўзгариши (кўп таълим олиш эмас, олинган таълимни ноодатий ҳолларда қўллай билиш) бутун таълим тизими мақсади, мазмуни, ташкил этиш шакли ва воситалари, методларини қайтадан кўриб чиқиш, ўқувчилар эгаллаган билимларини фаолиятга қўллашни шакллантириш. Бунинг учун инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари интеграцияси муҳитида чуқур билим беришга эришиш.
- Бугунги кунгача педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари дастурларида таълим жараёнида инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари интеграцияси муҳитини шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёни акс этмаганлиги, бир тизимга келтирилмаганлиги.
- Профессионал таълим соҳасида кадрлар тайёрловчи йўналишидаги олий таълим муассасалари ва кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказ (институт)ларида инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари интеграцияси муҳитининг ўқитувчилар тайёрлашдаги аҳамияти ва методикасининг ишлаб чиқилмаганлиги.
- Фанларни ўқитишда интеграция ва интеграциялашган муҳитни ташкил этиш аҳамияти, муаммоларига эътибор қаратилмаганлиги ва ҳ.к.

Биз интеграциялашган таълим муҳити ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало таълим муҳити нима эканлигини айтиб ўтишимиз лозим. Муҳит ўзининг чегараси ва таркибига эга. В.И.Слободчиков ғоясига кўра, қаерда таълим муҳити мавжуд бўлса, унинг мазмун-моҳияти, алоқалари ва воситалари мавжуд бўлади ва “муҳит асосини нималар ташкил этади?”, “унинг қандай алоқалари мавжуд?”, “воситаси нима ва нималари билан ажралиб туради?” каби саволларга жавоб бериши керак. Таълим муҳити қандайдир илгаридан белгилаб берилган, бир маъноли тушунча бўлмасдан, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг учрашуви қаерда бошланса, ўша ердан таълим муҳити бошланади. Қайсики улар биргаликдаги фаолиятнинг манбаи сифатида алоҳида инстутларда, таълим дастурлари, таълим субъектлари орасида таълим жараёни ташкил этилиб муҳит лойиҳаланади ва қурилади. Бундай муҳит таълимни ташкил этиш жараёнида субъект (ўқитувчи ва ўқувчи)ларнинг биргаликдаги фаолиятининг фазоси сифатида изоҳланади.

Бундан келиб чиқиб, бизнинг галдаги таълимни ташкил этиш учун инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари интеграцияси муҳитини яратишдир. Бундай муҳитни яратиш натижасида:

- билимларни эгаллаш тизимли амалга оширилади;

- билимларни ўзлаштиришда қўлланиладиган педагогик ва ахборот технологияларининг ғоя ва усулларини уйғунлашишига, уларни синтез бўлишига, биридан иккинчисига тез алмаштиришга ёрдам берадиган маҳорат шаклланади.
- ўқувчиларни билим олишга бўлган эътиқоди, ишончи самарали шаклланиб, шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга эришилади.

Бегимқулова Вилоят Қаландаровна
таянч докторант
Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МИЛЛИЙ ИФТИХОР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Замонавий жамият ўзининг билимларига, қобилиятларига таянадиган, мустақил қарор қабул қилишга қодир, ҳамда ўзини мукаммаллаштиришга ва ўз қобилиятларини ҳаёт фаолиятида амалга оширишга интилувчан етук шахсни талаб қилади. Бу маънода Республикамизнинг эртанги гуллаб-яшнаши, келажаги бевосита боғлиқ бўлган таълим олаётган ёшларга асосий эътиборни қаратмоқ лозим.

Маълумки, коллеж ўқувчилари илк ўспиринлик ёшида бўлиб, улар ижтимоий фаол ва навқирон ёшдаги гуруҳ вакиллари саналишади. Бу ёш даври уларда ўз-ўзини англашнинг шаклланишида ва ўз келажагини режалаштиришда сенситив ёш ҳисобланади. Мустақил ва жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир коллеж ўқувчиларининг онгини шакллантириш муаммоси ҳозирги, мураккаб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, глобаллашув, оммавий маданият ва шу каби омиллар улар онгининг шаклланишига кучли таъсир этаётган бир паллада айниқса долзарбдир.

“Мустақил дунёқарашга ва фикрлашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо меросига ва умуминсоний қадриятларга таянувчи руҳан бой ва маънавий баркамол, ривожланган шахсни шакллантириш миллий истиқлол мафкурасини амалга оширишнинг устивор йўналишларидан биридир”.

Юксак маънавий покликка, фақат, юксак ҳаётий мақсадларга интилувчи эркин одамлар жамиятида эришиш мумкин. Шунинг учун мамлакатимизда ўсиб келаётган авлоднинг тарбиясига, фуқароларнинг руҳияти ва маънавиятининг шаклланишига, маънавий-маърифий ишларнинг сифат даражасини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Бу нарсаларнинг ҳаммаси коллеж ўқувчиларини тарбиялаш жараёнида педагогик-психологик билимларнинг аҳамиятини жиддий тушуниш зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов бир неча бор шуни таъкидлаган эдиларки: «Иқтисод, сиёсат соҳасидаги барча ислоҳотларимизнинг асосий мақсади инсон ҳисобланади.

Айнан шунинг учун миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлоднинг таълими ва тарбияси иши давлат иши, энг устивор масалалардан бири бўлиб қолади».

Юқоридаги фикрларни давом эттирган ҳолда, яна шуни ҳам таъкидламоқчимизки, ўз насл-насабидан, келиб чиқиши ва негизларидан, ўз тарихидан, ўз миллатидан фахрланмайдиган, миллий ғурури бўлмаган, мухтасар қилиб айтганда миллий ифтихор руҳида тарбияланмаган комил инсон, етук шахс бўлмайди. Шундай экан, Ўзбекистон келажагини белгилаб берадиган ёшларни тарбиялашда миллий ифтихор рухини шакллантиришга катта эътибор қаратмоғимиз лозим.

Маълумки, инсоният цивилизацияси сўнги юз йил ичида мисли кўрилмаган тараққиёт поғонасига эришди. Кечагина илмий фантастика ҳисобланган ғоялар бугунги кунга келиб оддийгина турмуш икир-чикирларига айланиб қолди. Жамиятда ахборот алмашинуви шу қадар жадаллашиб кетдики, тараққиёт кетидан қувиб етиш амри маҳол бўлиб қолди. Янги инновацион технологиялар, транспорт воситалари, ОАВ, интернет кабилар “узоқни яқин қилиш” билан биргаликда “оммавий маданият” балосини ҳам олиб келди.

Оммавий маданиятнинг энг хавфли томони – унинг миллийликка рахна солишидир. Гап шундаки, ОАВ ва интернет тармоғи орқали намоиш қилинаётган, аниқроқ айтадиган бўлсак кўз-кўз этилаётган “тараққий этган маданият” тобора кўпроқ ёшларни ўз домига тортмоқда. Бу маданият ортидан кўр-кўрона эргашиш охир-оқибат қадриятлар тизимининг ўзгаришига олиб келади. Хўш, бунинг миллий ифтихор туйғусига нима дахли бор дерсиз?

Тўғридан-тўғри дахли бор, бевосита дахли бор! Зеро ватанга муҳаббат унинг зарра тупроғини эъзозлашдан бошланмайдими, ўз халқи, миллатига бўлган ҳурмат унинг барча қадриятларини, маросимим-у урф-одатларини ҳурмат ила асраш ва келажак авлодга бенуқсон узатиш истаги билан белгиланмайдими?...

Миллий ифтихор туйғуси суст бўлган ёшлар ўзлари тимсолидаги инсон капиталини ҳаёлий идеалларидаги чет мамлакатларга олиб кетмайдилар деб ким кафолат бера олади (умуман олганда, афсуски, бундай ҳолатлар сўнги йилларда тез-тез қулоққа чалинмоқда). Шундай экан, ёшларда миллий ифтихор руҳини юксак даражада тарбияламас эканмиз, етук малакали кадрлар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Коллеж ўқувчиларини миллий ифтихор руҳида тарбиялаш вазифасини ҳал қилишда замонавий педагогиканинг роли беқиёс, зеро, таълим ва тарбия яхлит педагогик жараён сифатида намоён бўлади. Бугунги кунда педагогика фан сифатида сезиларли ютуқларни қўлга киритди. Замонавий педагогик технологиялар кам вақт сарфлаб, юқори самарадорликка эришиш имконини яратади. Хусусан, миллий ифтихор руҳини тарбиялашда ҳам муаммоли таълим, тренинг, психодрамма технологияларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ

бўлур эди. Шунингдек маъруза ва семинарларда ўзбек халқ мақоллари, матал ва масалларидан, достонлардан фойдаланиш, бу оғзаки ижод маҳсулларидаги ватанпарвар қаҳрамонларни намуна қилиб кўрсатиш, буюк аждодларимиз ҳаёти ва уларнинг ижод намуналарини алоҳида таъкидлаб ўқитиш, юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни уқтириш зарур.

Саломова Раъно Вассиевна,
мустақил изланувчи,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ

Бугунги кунда таълим тизимида кечаётган инновацион жараёнлар саводли, интеллектуал жиҳатдан баркамол инсонларни тайёрлашни такомиллаштириш учун заҳиралар излаш масаласини кўндаланг қўймоқда. Замонавий таълим тизимида фанлараро алоқа етарли даражада ривожланмаганлиги унинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Одатда битта фанни яхши ўзлаштирган талаба билимларни нафақат ҳаётда, балки бошқа фанларда ҳам қўллай олмаслиги мумкин.

Бунинг асосий сабаби, одатда таълим муассасаларида асосий эътибор билим беришга қаратилганлигидадир. Бугунги кунда билимларини ҳаётий вазиятларга татбиқ эта оладиган мутахассисларни тайёрлаш лозим.

Талабалар катта ҳажмдаги маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, ихтиёрий фанлар билан шуғулланиши учун замонавий воситалар, услублар ва технологияларни ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шу боис «Информатика ва ахборот технологиялари» фанини ўрганиш объекти сифатида эмас, балки билим беришнинг фаол воситаси сифатида қараш лозим.

Бугунги кунда «Информатика ва ахборот технологиялари» фанини бошқа фанлар билан интеграциялаштириш эҳтиёжи туғилганлиги долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу эса таълим имкониятларини кенгайтириш, услубий бойитиш ва билим бериш сифатини ошириш имкониятини яратади. Маълумки, таълимда янги сифат даражасига анъанавий таълим усули билан эришиб бўлмайди.

Таълим тизимига фанлар интеграциясини жорий этиш жамиятимизнинг таълим олдига қўйган буюртмасини ечишга имконият яратади. Бир нечта фанларнинг ўзаро интеграцияси қуйидаги имкониятларни яратади:

- фанларнинг узвий боғланишидан фанлараро узлуксиз боғланишга ўтиш билим олишни осонлаштиради ва талабаларга бир объектда қўлланиладиган усулларни иккинчи объектга қўллаш имкониятини яратади;
- фанлар интеграцияси тузилмасидаги муаммоли вазиятларнинг кўплиги талабанинг фикрлаш қобилиятини фаоллаштиради;

- интеграция дарснинг ахборот ҳажмини оширади;

- интеграция турли фанларни ўрганишда талабаларнинг муайян кузатишлари, хулосаларини тасдиқлайдиган ёки чуқурлаштирадиган янги омилларни топишга имкон яратади;

- интеграция ўқишга ундовчи восита ҳисобланади. У талабаларнинг ўқишбилиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради, зўриқиш ва чарчоқдан ҳоли бўлишга кўмаклашади;

- ўқув материалининг интеграциялашуви талабалар ижодини такомиллаштиришга ёрдамлашади, уларга ўзлаштирган билимларни ҳаётий шароитларда қўллаш имконини беради.

«Информатика ва ахборот технологиялари» фанининг бошқа ўқув фанлари билан интеграцияси ҳам юқорида келтирилганларни амалга оширишга имконият яратади.

Фанларни интеграциялашган ҳолда ўқитиш уларнинг туташ мавзуларини бир вақтда ва бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганиш учун имкониятини яратади.

Интеграциялаш фанларни ўқитишнинг янгича ёндашувидир. Бундай дарслар турли фанларнинг ўқув материалларини бир-бирини тўлдириши ҳисобига вақтни тежаш имкониятини беради.

Интеграциянинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат:

1. Дарслар бошқа фанлардаги мавзуларга боғлаб ўтказилади.
2. Дарслар ижодий лаборатория ишлари кўринишида олиб борилади.
3. Дарслар электрон ахборот таълим ресурслари билан тўлдирилади.

Анъанавий ўқув фанлари доирасида интеграциянинг энг енгил усулларидан бири интеграциялашган дарсларни ўтказишдир. «Информатика ва ахборот технологиялари» фани – бу деярли барча таълим йўналишлари-даги фанларни боғлаш имконини берадиган универсал боғловчи бўғиндир. Информатика ва ахборот технологиялари воситалари ва талабаларнинг тайёргарлик даражасига мос равишда барча таълим йўналишлари учун интеграциялашган дарс қуриш, интеграциялашган топшириқлар ишлаб чиқиш мумкин. Масалан, «Электрон жадваллар» мавзусини ўрганаётганда математика ва физика масалаларини ечиш, функциялар графикларини қуриш, тенгламаларни ечиш, тахминий ҳисоб-китобни амалга ошириш, физик жараёнларни моделлаштириш имкони бор.

Шунингдек, қайсидир таълим йўналиши мутахассислиги бўйича талабаларга «Информатика ва ахборот технологиялари» фанининг «Компьютер хотиралари» мавзуси тушунтирилаётганда биз компьютер қурилмалари ва асаб тизими фаолиятининг қиёсий таҳлилидан фойдаланамиз. Иккала ҳолда ҳам тўртта асосий жараён: ахборотни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишни ажратамиз. Инсоннинг қисқа ва узоқ муддатли хотираси билан компьютернинг оператив ва ташқи хотираларини қиёслаймиз.

Юқорида келтирилган материалдан кўриниб турибдики, биология билан «Информатика ва ахборот технологиялари» фанининг интеграциялашуви натижасида дарслар ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтирилади.

Худди шунингдек, мазкур фанни ўрганиш жараёнидаги интеграция масаласи бошқа фанлар мисолида ҳам қаралиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, таълимда ахборот технологияларининг интеграциялашуви талабаларга алоҳида ёндашиш имконини беради. Билимларни тизимга солиш, ҳар томонлама ривожлантириш, ижодий ёндашув, билим орттиришга қаратилган мотивация – буларнинг барчаси интеграциялашган ўқитиш берадиган фойдали имкониятлардир.

Rahimova Sadoqat Mamutovna
Urganch Davlat Universiteti
Turizm va iqtisodiyot fakulteti
1-bosqich tayanch doktoranti

INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA TIBBIY XIZMATLAR BOZORINI TASHKIL ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI

Bugungi kunda xizmat ko'rsatish sohasi iqtisodiyotda muhim sohalardan biri hisoblanadi. Ko'p sonli ish o'rinlarining yaratilganligi va shu orqali sezilarli natijalarga erishayotgani milliy mahsulotga qo'shadigan hissasi orqali xizmatlar sohasi o'zining samarasini ko'rsatib kelmoqda .

Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST) ta'rifiga ko'ra, tibbiy xizmatlar - bu insonning alohida ehtiyoji hisoblanib, uni iste'mol qilish natijasida insonning salomatlikka oid ehtiyojlari qondiriladi, shuningdek iste'mol qilingan tibbiy xizmat ham ijimoiy ham iqtisodiy munosabatlarni tashkil qiladi. Tibbiy xizmatni ko'rsatish foydali faoliyat hisoblanadi, lekin xizmat ko'rsatayotgan korxona birinchi o'rinda aholi mulki hisoblangan salomatligini yaxshilash va uni qayta tiklashga ijtimoiy ahamiyatga ega xususiyatlariga alohida e'tibor qaratishi lozim.

Tibbiy xizmatning o'ziga xos xususiyati shundaki,tibbiy xizmatdan foydalanish, asosan kutilmagan va tasodifiy bo'ladi agarda, shaxs o'zining salomatligini tiklashni istasa u albatta tibbiy xizmat iste'moli uchun alohida mablag' ajratadi. Kutilmagan hodisalarda esa tibbiy xizmat sarf-xarajatlari uchun shaxsning to'lov qobiliyati darajasi yetarli bo'lishi kerak.Ana shunday xususiyatlari bilan tibbiy xizmatlar bozori boshqa tovarlar bozoridan farq qiladi.Aholining tibbiy xizmatlardan foydalanishi, tibbiy xizmatlar bozorini samarali tartibga solish, ko'pincha kam ta'minlangan aholiga, tibbiy yordamga muhtoj bo'lganlarida xizmatlardan to'laqonli foydalanishini amalga oshirish tibbiy xizmatlar bozorining ijtimoiy samaradorligini ko'rsatadi.

Tibbiy xizmatlar bozorini rivojlantirishda amerikalik iqtisodchilarning roli katta. Iqtisodchi Kennet Jozef Arrou “Sog'liqni saqlash farovonligi va iqtisodiyoti" nomli maqolasida tibbiy xizmatlar bozorining kamchiliklari va ziddiyatlarini quyidagicha izohlaydi; tibbiy xizmat iste'molchilari to'g'risida yetarli ma'lumotlarining yetishmasligi, xususan, sug'urtalanganlar soni, kasallikning oldini olish maqsadida vaksinatsiyalanganlar, bemorga tashxis qo'yish, umuman olganda aholi tibbiy xizmatlardan foydalanish darajasining pastligi (tibbiy madaniyat) tibbiy xizmatlar bozorining asosiy nuqsoni deb baholadi. Bu esa tibbiy xizmatlar bozori ko'lami va

doirasini aniqlash, taklif etilayotgan xizmatlar va talabning ortib ketishi sog'liqni saqlash sohasida qimmat tendentsiyalarni keltirib chiqarishi o'rganilgan.

Zamonaviy iqtisodiyotda tadqiqotchilar L.Berri, V.Zaytaml va A. Parasuraman tomonidan tibbiy xizmat sifatining o'zgaruvchanligi, tibbiy xizmat tushunchasi tibbiy xizmat samaradorligi kabi asosiy tushunchalar tahlil qilingan. Iqtisodchilarning fikricha, mamlakatda tibbiy xizmatlar bozorini rivojlantirish avvambor, ijtimoiy hodisa bo'lib keyinchalik, tibbiy xizmatlarni ko'rsatish orqali aholi salomatligini tiklash va iqtisodiy munosabatlarni shakllantirish mumkinligi chuqur o'rganilgan. Sog'liqni saqlash tizimida ko'rsatiladigan tibbiy xizmatlar to'g'ridan-to'g'ri inson hayoti va sog'ligi bilan bog'liq bo'lib , sog'liqni saqlash sohasi potensialini ifodalaydi, shuning uchun ham davlat tomonidan tartibga solinadi va moliyalashtiriladi. Tibbiy xizmatlarni ko'rsatish bo'yicha davlat ijtimoiy rejalar tuzadi , deyarli barcha tibbiyot tashkilotlarining ish haqi va boshqa moliyaviy resurslarini ta'minlaydi. Tadqiqotchilar sogliqni saqlash sohasi xizmatlarini organishda "sog'liqni saqlash", sog'liqni tiklash "tibbiy yordam" va "tibbiy faoliyat", tibbiy xizmat ijtiomiy samara, iqtisodiy samara kabi bir qator tushunchalarni keng tahlil qildi.

Tibbiy xizmatlar bozorini davlat tomonidan tartibga solish o'zining afzalliklari va kamchiliklariga ega, shuning uchun ham turli davlatlarda sog'liqni saqlash modellari turlicha.

Mamlakatlar sog'liqni saqlash tizimlarining iqtisodiy modeli ushbu jarayonlarda davlatning funksiyalariga qarab belgilanishi mumkin.

Butunjahon sog'liqni saqlash tashkiloti mutaxassislari tomonidan tibbiy xizmat korsatish sifati va samaradorligini oshirish, aholining tibbiy xizmatlarga bolgan talabi ortishi natijasida narx-navoning oshib ketishini oldini olish maqsadida sog'liqni saqlash tizimi davlat tomonidan tashkil etishda **uchta asosiy turini** ajratadilar:

1.Xususiy tibbiy xizmat tizimi;

2.Majburiy tibbiy sug'urta tizimi (ijtimoiy sug'urta tizimi, Bismark tizimi);

3.Sog'liqni saqlashni byudjet tomonidan moliyalashtirish tizimi (davlat tizimi, Beveridj tizimi).

Shundan kelib chiqib, tibbiy xizmatlarning umume'tirof etilgan uchta modelini xorijiy davlatlar misolida ko'rib chiqamiz

Xususiy tibbiy xizmat tizimi. Xususiy tibbiy xizmat - aholiga sifatli yuqori texnologiyalar asosidagi tibbiy xizmatlarning ko'rsatilishini ta'minlaydigan,sohaga chet-el investitsiyalarining jalb etilishini kengaytiradigan, tibbiy turizmni rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratadigan,tibbiy xizmatni asosan pullik asosda, iste'molchining o'z hisobidan amalga oshirilishini ta'minlaydigan tizim hisoblanadi. Xususiy tibbiy xizmat tizimi asosan, Amerika Qo'shma Shtatlari Janubiy Afrika , Janubiy Koreya kabi qator mamlakatlarda xususiy tibbiy xizmatlar asosan 85 foiz aholi tomonidan moliyalashtiriladi. AQSh xususiy tibbiy xizmatlar tizimining ijobiy tomoni- shaxsiy sug'urta, yuqori sifatli tibbiy xizmat, shifokorlar va shifoxonalarning katta tanlovi, shuningdek, tibbiyot xodimlariga ish haqining yuqori darajasi, xizmat ko'rsatuvchi xususiy tibbiyot muassasalari o'rtasidagi raqobatning

kuchliligi, yuqori darajadagi ilmiy tadqiqotlar va yangi texnologiyalarni joriy etilganligidadir. Shu bilan birga xususiy tibbiy tizimining kamchiliklari ham bor. Masalan, davolanishdagi yuqori narx, tibbiy xizmat aholining ijtimoiy himoyalangan qismiga cheklanganligi xizmatlarni ko'rsatishi, natijada aholining tibbiy yordam bilan to'liq qamrab olinmasligi hisoblanadi.Statistik ma'lumotlarga ko'ra, Amerika sog'liqni saqlash dunyodagi eng qimmat tibbiy xizmat ko'rsatuvchi mamlakat sifatida qayd etilgan.(YaIMning 18%) Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti sog'liqni saqlash tizimiga yalpi ichki mahsulotning kamida 6-6,5 foizini sarflashni tavsiya qiladi.

Majburiy tibbiy sug'urta tizimi (Ijtimoiy sug'urta tizimi, Bismark tizimi)

Ushbu tizim tibbiy xizmatlar bozorini rivojlanishini nazarda tutuvchi, davlat tomonidan tartibga solinadigan , aholini ijtimoiy kafolatlarini qo'llovchi, aholining barcha qatlamlari uchun tibbiy xizmatdan foydalanish erkinligini berish tamoyillariga asoslangan tizim hisoblanadi. Tibbiy xizmat aholining ijtimoiy faravonligi, sog'ligini qayta tiklash , sog'lom aholi iqtisodiyotining asosiy omili sifatida qaraladi. Majburiy tibbiy sug'urta tizimining afzalligi aholining kafolatli darajadan yuqori bo'lgan tibbiy xizmat ehtiyojlarini qondirishdir.

Ushbu ijtimoiy sug'urta tizimi asosan sug'urtalashga asoslangan sog'liqni saqlashni moliyalashtirishtiruvchi davlatlar tomonidan qo'llaniladi, masalan: Avstriya, Belgiya, Germaniya, Italiya, Lyuksemburg, Gollandiya, Shveytsariya, Fransiya, Yaponiya, Kanada. Majburiy tibbiy sug'urta tizimi ilk bor Germaniyada majburiy tibbiy sug'urta ya'ni ijtimoiy sug'urta sifatida 1883 yilda O. Bismark tomonidan yaratilgan. O.Bismark majburiy tibbiy sug'urta tizimini aholining sog'liqni saqlash sohasidagi huquqlarini ijtimoiy kodeksda qoidalar orqali mustahkamladi.Shu bois ushbu tizim" Bismark tizimi" deb yuritiladi.Ijtimoiy sug'urta tizimida aholi Germaniyada o'rtacha ish haqi fondining 14,1%, Fransiyada - 13,6%, Avstriyada - 6,5% dan, nafaqaxo'rlar-11% , Rossiyada - 5.1% tolov badalini amalga oshiradilar.Bismark tizimida davlatlar sog'liqni saqlashga ajratilgan xarajatlari, YaIMning 11 foizidan ko'proqni tashkil etadi.

Sog'liqni saqlashni byudjet tomonidan moliyalashtirish tizimi (davlat tizimi, Beveridj tizimi). Sog'liqni saqlash tashkilotining byudjet tomonidan moliyalashtirilish tizimi Rosssiyada birinchi marta 1930-yilda N.A.Semashko rahbarligida ishlab chiqilgan. Bu tizim davlat sog‘liqni saqlash tizimining davolash-profilaktika muassasalari aholiga davlat tomonidan kafolatlangan bepul tibbiy yordam ko‘rsatadi. Bepul tibbiy yordam ko‘rasatish hajmi va tartibi qonun hujjatlar bilan belgilanadi. Davlat tomonidan kafolatlangan tibbiy xizmat hajmining belgilangandan ortiqcha tibbiy va boshqa xil xizmatlar ko‘rsatish qo‘shimcha xizmatlar bo‘lib, aholi tomonidan belgilangan tartibda haq to‘lanadi. Ushbu tizimning afzalligi quyidagilarda namoyon bo‘ladi: aholiga bepul tibbiy xizmatni kafolatlash yo‘li orqali ijtimoiy himoyalashning yuqori darajasini ta’minlaydi, o‘ta havfli yuqumli kasalliklarga qarshi kurashishda yuqori samaradorlikni ta’minlaydi, tibbiy yordamni ko‘rsatish sharoitlari ustidan qat’iy davlat nazorati olib boriladi, favquloddagi holatlarda yuqori samaradorlikga erishiladi.Bozor iqtisodiyoti sharoitida shunga o'xshash prinsiplarga ega bo'lgan sog'liqni saqlash tizimi Buyuk Britaniyada birinchi bo'lib 1948 yilda Lord Beveridjning tomonidan tashkil etilgan.

Jahon amaliyotida uni - Beveridj (milliy) sog'liqni saqlash tizimi deb nomlaydilar. Beveridj sog'liqni saqlash tizimida xizmatlarning asosiy yetkazib beruvchisi davlat hisoblanib, ularni aholi sog'ligi ijtimoiy omil sifatida qaraladi. Sog'liqni saqlash sohasining davlat byudjetiga asoslangan iqtisodiyoti barqaror rivojlangan mamlakatlarga Buyuk Britaniya, Daniya, Norvegiya, Finlyandiya, Shvetsiya, Irlandiya, Islandiya, Kanada, Avstraliya, Gretsiya, Ispaniya, Potrugaliya mamlakatlarini kiritish mumkin.

Tibbiy xizmatlar hozirgi kunda mamlakatning tibbiy turizmini rivojlantirishga ham o'z ta'sirini ko'rsatmoqda. "Patient's Beyond Borders" xalqaro tibbiy turizm tashkilotining ma'lumotlariga ko'ra, bu soha daromadi xalqaro turizmga har yili o'rtacha 40 milliad AQSH dollari miqdorida daromad keltirmoqda. Tibbiy turizm kishilarning asosiy yashash joylaridan tashqarida dam olish bilan birga yuqori malakali tibbiy xizmatlardan foydalanishdir. Bunda faqat tibbiy yordam bo'lishi shart emas. Kishilar tog' yon bag'rlarida o'rmonzorlarda suv havzalari atrofida, tabiat qo'ynida dam olib sog'ligini tiklashi, shu vaqtning o'zida professional tibbiy xizmatlardan foydalanishi mumkin. Xalqaro tibbiy turizmning rivojlanishida Hindiston, Vengriya, Meksika, Braziliya, Singapur, Tailand, Braziliya, Janubiy Koreа, Turkiya , Isroil kabi davlatlar yetakchilik qilmoqda.

Mamlakat	**Tibbiy sayyohlar soni**
Tailand	1,2 mln
Meksika	1mln
Singapur	600 ming
Hindiston	400 ming
Braziliya	180 ming
Turkiya	110 ming

(2018-2019 yillarda tibbiy sayyohlarning soni)1-jadval.

Tibbiy turizmni rivojlantirish maqsadida Ozbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash tashkiloti tomonidan berilgan taklifnomaga asosan chet el fuqarolari uchun 3 oy muddatga yangi viza "Medical Visa" joriy etildi.

O‘zbekiston Respublikasi ham tibbiy xizmatlar bozorining tashkiliy-huquqiy masalalariga oid qator hujjatlar ishlab chiqilgan.So‘nggi yillarda mamlakatda ham aholi sog‘ligini saqlash bilan birga, tibbiy turizmni rivojlantirish uchun xususiy tibbiy xizmat ko‘rsatuvchi klinikalarni ko‘paytirish va quyidagi ishlarni amalga oshirish lozim. Jumladan:

– nufuzli tibbiy markazlar qoshida pullik va bepul tibbiy xizmat ko‘rsatish tizimini joriy etish;

– tibbiy sug‘urtani yo‘lga qo‘yish;

– aholiga tibbiy xizmatini tashkil etishda nafaqat davlat yoki xususiy mulk shakllaridan foydalanish, balki qo‘shma mulkchilikka asoslangan (masalan, davlat va xususiy, chet el) kasalxona, aksiyadorlik jamiyatlari kabi boshqa mulk shakllariga asoslangan kasalxona, profilaktoriya, sanatoriyalar, sog‘lomlashtirish markazlarini tashkil etish;

– tibbiy turizm sohasida tajribaga ega bo‘lgan chet el shifokor mutaxassislarini jalb etish;
– mahalliy tibbiyot xodimlarini chet elda o‘qitish, malakasini oshirishni rag‘batlantirish,bu yo‘nalishda ketgan sarf-xarajatlar uchun soliq yukini kamaytirish;
– nodavlat tibbiy turizm ob’yektlar barpo etish lozim.Natijada mamlakatimiz aholi sog‘ligini tiklash –mehnat resurslarining samarali ishchanlik faolligini oshiradi,tibbiy xizmatlarni erkin tanlashga erishadi, pullik ,bepul tibbiy xizmatlar yaratish iqtisodiy munosabatlarga o‘zining ijobiy ta‘sirini ko‘rsatadi.

Г. Бурхонова *–ТошДАУ, “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси*

ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎРГАНИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ёшларимизга хорижий тилларни ўргатиш имкониятларини янада кенгайтирди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1875 - сонли қарори алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Чет тиллар ўқитувчисининг шахсий ва педагогик маҳоратини ошириш ҳамда хорижий тилларни ўқитишда замонавий ёндашувлардан фойдаланиш асосий вазифалар сифатида белгиланган. Уларни амалга оширишда халқ таълими муассасалари педагог кадрларининг илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда чет тилларни ўқитишда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича кўникма ва малакаларини такомиллаштириб бориш алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда педагог ходимлар ёшларда хорижий тилларда эркин мулоқотга кириша олиш учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини яхши билишлари ва ўз педагогик фаолиятларида ҳисобга олиб боришлари зарур.

Хорижий тил ўрганишнинг ва уни ўргатишнинг психологик ўзига хослиги чет тилидаги матнни идрок этиш, чет тилидаги сўзларни хотирада сақлаш билан бошланғич синф ўқувчилари чет тилини ўзлаштириш жараёнида уларнинг ўзга тилдаги тафаккури кенгайиб боришини таъминлашнинг психологик жиҳатларини билишни талаб қилади.

Хорижий тил ўрганиш қанча ёшликдан бошланса шунча самарали бўлади. Тил ўрганиш фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ақл-идроки, сезгирлиги, кузатувчанлиги, эслаб қолиш ва эсга тушириш имкониятларининг ривожланиши учун муҳим шарт-шароитлар бола шахсининг ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади. Шу ёшдаги бола идрокининг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, хаёлининг ёркинлиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг яққоллиги, ўзининг қизиқувчанлиги, ишонувчанлиги билан бошқа ёшдаги болалардан фарқланади.

Кичик мактаб даврида ўқиш фаолияти билан шуғулланиш, жумладан, моддий нарсаларнинг ҳар хил хоссалари билан танишиш сезгиларнинг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда асосан кўриш ва эшитиш, фарқ қила олиш сезгилари айниқса тез ўсади. 7-10 ёшли болаларда рангларнинг тусларини сезиш умумий ҳолда 45% га, 10-12 ёшгача болаларда эса 65%гача ортиши олимлар томонидан аниқланилган. Ўқувчиларни расм чизишга ўргатиш рангларни фарқлаш сезгирлигининг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Оҳангларни фарқ қилиш сезгирлиги, айниқса болаларга мусиқа ва ашула ўргатиш жараёнида кучли суратда ўсади. Сезгиларнинг ўсишида шунингдек, жисмоний тарбия машғулотларининг ҳам аҳамияти катта. Аниқ ҳаракат қилишга жалб этувчи машқлар болаларнинг мускул-ҳаракат сезгиларини ўстиради.

Хорижий тил бўйича ўқув фаолияти боладан берилган ўқув материалларини эсда сақлаб қолишни талаб этади, ўқитувчи ўқувчисига нималарни эслаб қолиши зарурлиги ҳақида кўрсатмалар беради. Ўқувчи нимани эслаб қолиши кераклигини такрорлайди, уни тушуниб олишга ҳаракат қилади. Лекин бу ёшда ихтиёрсиз хотира шубҳасиз, устунлик қилади. Боланинг хотирасида қай даражада сақлаб қолишини асосан унинг ишга бўлган қизиқиши белгилаб беради. Ўқув материалини тушуниш, эслаб қолишнинг асосий шарти ҳисобланади. Биринчи сигнал системаси иккинчи сигнал системасидан бирмунча устунлиги туфайли кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда мантиқий хотирадан кўра кўргазмали ҳаракатли хотира устунлик қилади. Хорижий тил ўрагнишда ҳам улар назарий қонун ва қоидалар, мавҳум тушунчалардан кўра яққол маълумотлар, ахборотлар, воқеа ва ҳодисаларни, образлар ва нарсаларни тезроқ ҳамда мустаҳкамроқ эслаб қоладилар ва узоқ муддат эсда сақлайдилар. Кичик мактаб ёшидаги болалар хорижий тилни ўрганиш ва таълим олиш муносабати билан мантиқий, яъни маъносини тушуниб эсда қолдириш қобилияти ўсиб боради. Эсда қоладиган материалнинг ҳажми кенгайиб боради, материалнинг мазмунини тушуниш ҳам чуқурлашади ҳамда мураккаблашади. Баъзан бошланғич синф ўқувчилари хатто мазмуни тушунарли бўлган материални ҳам маъносига эътибор бермасдан, механик равишда ўрганиб оладилар. Психолог олим Э.Ғ. Ғозиевнинг фикрига кўра бунинг сабаблари қуйидагилар:1) Кичик мактаб ёшидаги болаларда механик хотира бошқа хотира турларига қараганда яхшироқ ривожлангани учун ҳам у маълумотларни айнан, ўзгаришсиз эслаб қолиш имконини беради; 2) ўқувчилар ўқитувчи қўйган вазифани англаб етмайдилар, натижада унинг “тўғри тушунтириб бер” деган талабини сўзма-сўз такрорлаш деб биладилар; 3)уларда нутқ бойлигининг етишмаслиги (атамалар, тил қонуниятларини билмаслиги) материални ижодий тўлдириш, унга қўшимча қилиш имконияти йўқлиги уни сўзма-сўз қайтаришни осонлаштиради; 4) ўқувчилар матнни тўғри, самарали усуллар билан эслаб қолиш йўлларини билмайдилар. Бундай ҳолат шу ёшдаги болаларда албатта бўлиши шарт эмас. Механик эсда қолдириш кўпинча ўқитувчилар ўқувчиларида мантиқий хотирани

ўстиришга етарли эътибор бермаган ҳолларда бўлиши мумкин. Таълим жараёнида ўқув материалининг маъносини, моҳиятини, турли мулоҳазаларни, далилларни, илмий асосларини эслаб қолиш ва эсга тушириш орқали ўқувчиларда мантиқий хотира такомиллашади. Биринчи синфдан бошлаб ихтиёрий эсга тушириш қобилияти тез ривожлана бошлайди. Ўқиш жараёни учун ихтиёрий эсда қолдириш ҳам, ихтиёрий эсга тушириш ҳам баробар талаб этилади. Бусиз ўқиш жараёнининг нормал бўлиши мумкин эмас. Ўқувчилардан фақат ўрганиб, билиб олишгина эмас, балки ўрганиб билиб олганини хотирлай олиш ҳам талаб этилади. Ўқув материалини муайян система билан хотирлаш фақат ихтиёрий эсга тушириш йўли билангина бўлиши мумкин.

Кичик мактаб ёшидаги бола хилма-хил тасаввурларнинг каттагина заҳирасига эга бўлади. Хорижий тил ўрганиш жараёнида у фақат идрок ва хотира тасаввурларига таяниб қолмасдан, балки шу билан бирга, хаёлида яратилган тасаввурларга ҳам таяниб, ўргатилаётган материални яққол тарзда ўзлаштира боради.

Мактабга келиш арафасида боланинг сўз бойлиги ўз фикрини баён эта оладиган даражада ортади. 6 ёшдаги нормал ривожланаётган бола ўз нутқида 3000-7000 сўзни ишлатади. Болалар нутқининг ўсишида уларнинг мактабдаги ўқиш фаолияти айниқса катта роль ўйнайди. Бола мактабга келмасидан олдин ўзи қандай гапираётгани устида ўйлаб ўтирмасдан, ўз нутқидан фақат алоқа ва билиш воситаси тариқасида фойдаланади. Мактабда эса бола гаплашаётган тил ўқитиладиган ва ўрганиладиган фан бўлиб қолади. Мактабда ўқиётган бола ўз она тилининг грамматикаси билан шуғулланиши натижасида, ўз нутқини грамматика қоидаларига мувофиқ онгли равишда тузишни ўрганади. Грамматикани ўрганиш жараёнида бола нутқининг фонетик жиҳати аниқланади, нутқнинг морфологик жиҳати тўғри бўлиб боради, синтаксис тузилиши эса анча такомиллашади. Нутқнинг айрим жиҳатларига хос бўлган бу сифатлар фақат грамматикани ўқиб ўрганиш натижасидагина ўсиб қолмасдан, балки, хорижий тил ўрганишнинг таъсири остида ҳам ўсади. Бошланғич синф ёшидаги болалар нутқи асосан от, сифат, сон, феъл ва боғловчилардан иборат бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз нутқларида қайси сўзларни ишлатган афзал-у, қайсиларини ишлатиш мумкин эмаслигини фарқлай оладилар. 6-7 ёшли бола жумлаларини мураккаб грамматик тизимда туза олади. Бола нутқни бутун болалик даврида жадал равишда эгаллаб бориб, уни ўзлаштириши маълум бир фаолиятга айлана боради. 7-9 ёшли болалар нутқининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, энди улар ўз фикрларини баён этиш учунгина эмас, балки ўз суҳбатдошининг диққатини ўзига жалб қилиш учун ҳам гапирадилар.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

Муҳаррирлар
Вахабова М.М.
Камилова Д.Д.

Техник муҳаррир
Қаршиева Ш.Д.

Мусаҳҳиҳ
Султанова Д.Х.

Компьютерда саҳифаловчилар

Босишга рухсат этилди 25.04.2020. Қоғоз бичими 60x80 1/16.
Шартли босма табоғи 19,4 б.т. Адади 100 нусха.
____- сонли буюртма.

“Iqtisodiyot” нашриёти ДУК Матбаа бўлимида чоп этилди.
100003, Тошкент ш. Ислом Каримов шоҳкўчаси, 49-уй.